


1

ЎЗБЕКИСТОННИНГ
ЯНГИ ТАРИХИ 

ТУРКИСТОН ЧОР РОССИЯСИ МУСТАМЛАКАЧИЛИГИ ДАВРИДА



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ
ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТ ҚУРИЛИШИ АКАДЕМИЯСИ

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЯНГИ ТАРИХИ МАРКАЗИ

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЯНГИ ТАРИХИ

БИРИНЧИ КИТОБ

**ТУРКИСТОН ЧОР
РОССИЯСИ
МУСТАМЛАКАЧИЛИГИ
ДАВРИДА**

№432

«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА КОНЦЕРНИ
БОШ ТАҲРИРИЯТИ
ТОШКЕНТ—2000

Тузувчилар:

Ҳ. СОДИҚОВ, Р. ШАМСУТДИНОВ, П. РАВШАНОВ, Қ. УСМОНОВ

Таҳрир ҳайъати:

А.Азизхўжаев (раис), Б.Аҳмедов,
А.Сагдуллаев, Ф.Эргашев, З.Чориев.

Тақризчилар:

О. ШАРАФИДДИНОВ, А. ЗИЁЕВ, Н. АБДУРАҲИМОВА, С. КАМОЛОВ,
А. АБДУРАСУЛОВ, Ш. ВОҲИДОВ, Р. АЛЬМЕЕВ, А. ИБРОҲИМОВ,
Н. НОРҚУЛОВ, И. ФОЗИЛХЎЖАЕВА, Ф. САЛОМОВ, М. ҚОРИЕВ.

Ўзбекистоннинг янги тарихи /Тузувчилар: Ҳ. Содиқов,
Р. Шамсутдинов, П. Равшанов ва бошқ.; Таҳрир ҳайъати:
А. Азизхўжаев (раис) ва бошқ. — Т.: Шарқ, 2000. — 464 б.

Сарл. олдида: Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва
жамият қурилиши академияси, Ўзбекистоннинг янги тарихи маркази.

Китоб 1. — Туркистон чор Россияси мустамлакачилиги даврида.

ББК 63.3(5У)+63.3(2)5

«ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЯНГИ ТАРИХИ» ҲАҚИДА ИККИ ОФИЗ СЎЗ

«Ўзбекистоннинг янги тарихи» халқимиз ва мамлакатимизнинг кўҳна ва бой тарихини чуқур ўрганиш ҳамда ҳаққоний таҳлил қилиш йўлида қўйилган дастлабки қадамдир. Бу китобнинг ёзилишида Юртбошимиз Ислоҳ Каримовнинг: «Тарихга муурожаат қилар эканмиз, бу халқ хотираси эканлигини назарда тутишимиз керак. Хотирасиз баркамол киши бўлмаганидек, ўз тарихини билмаган халқнинг келажаги ҳам бўлмайди»¹, — деган сўзлари дастуриламал бўлиб хизмат қилди. Шуни алоҳида таъкидламоқчимизки, катта ва кўп йиллик бой ўтмишимизни янги давр тарихидан — чор Россияси мустахлакачилиги, шўролар диктатураси ва миллий мустақилликка эришганимиз (1991 йил 31 август) даври тарихидан бошладик. Бунда қадимги давр ва ўрта асрлар тарихимиз ёзилмаса керак, деган хаёлга бормаслик лозим. Ҳаммаси тарихий ҳақиқат нуқтаи назаридан ёзилади, албатта. Чунки мамлакатимизнинг тарихи бой ва кўҳна. У жаҳон цивилизацияси ўчоқларидан биридир. Ҳудудимизда, манбаларнинг гувоҳлик беришича, биринчи инсон бир миллион йил аввал пайдо бўлган. Бу ўзига хос тарихни ўрганмай бўладими? Ўзбекистон тарихини мукамал ва яхлит ўрганишга иккита сабаб бор. Биринчидан, тарихимиз илгари ҳукмрон гоё таъсирида ёзилган; иккинчидан, қадимий манбалар кўп ҳолларда хаспўшлаб ўтилган, бўлиб ўтган ҳодиса ва воқеаларга бир тарафлама ёндошилган. Шу сабабларга кўра, кўп воқеа ва ҳодисалар саёз ёритилди, ҳатто ёритилмай қолди. Кўриб турибсизки, қадимги ва ўрта асрлар тарихини яна бир бор синчиклаб ўрганиб чиқиш, ўрганганда ҳам ўша замонларда ёзилган тарихий асарлар ва ҳужжатлар асосида тадқиқ қилишга тўғри келади.

Янги тарихни ёзиш эса яқин ўтмишни, бир ярим асрлик тарихни ўз ичига олади. Ундан ташқари, ўтган воқеаларнинг жонли гувоҳлари бор, уларнинг эсдаликлари ҳам мавжуд. Иккинчидан, бу ҳақда кўп ишончли тарихий манбалар бор.

Янги тарихни аввалроқ ўрганиш ва ёзишдан кўзланган мақсад бутун тарихимизни, қадимги ва ўрта асрлар тарихини илмий-объектив ўрганиш ва тўғри ёритишни бошлаб беради, деган умиддамиз.

«Ўзбекистоннинг янги тарихи» илмий-оммабоп услубда,

¹ Каримов И. А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. Т.: Ўзбекистон, 1992, 71-бет.

Ислом Каримов таълимотига асосланган ҳолда ҳамда тарихий манбалар: асл ҳужжатлар, эсдаликлар, қўлёзма асарлар ва ўша давр тарихига оид, шунингдек, мустақиллик даври адабиётлари асосида ёзилди.

Шу ўринда Президент И. А. Каримов «Ҳаққоний тарихимизни барпо этиш ишини нимадан бошлаш лозим?» деган савол қўйиб, унга жавоб берар экан, «Аввало, кўп минг йиллик бой ўтмишимизни тадқиқ этишнинг яхлит концепциясини, яъни дастурини, илмий изланишларнинг услубини»¹ аниқлашдан, тарихийлигини таъминлашдан бошлаш лозимлигини уқтиради. Демак, китобларни ёзишда тарихийлик, ворисийлик ва узийлик тамойилларига амал қилинди.

«Ўзбекистоннинг янги тарихи» уч китобдан иборат.

Биринчи китобда Туркистон ўлкасининг чор Россияси мустамлакасига айланиши, унинг сабаблари, мустамлакачилик тузумининг Туркистон халқлари бошига солган зулму бедодликлари атрофлича ёритилади. Бу борада, хусусан, қуйидаги тўрт масалага тўхталиб ўтилади:

1. Чор Россияси босқини арафасида ўзбек хонликлари (Қўқон хонлиги, Бухоро амирлиги, Хива хонлиги)даги мавжуд ижтимоий-сиёсий вазият.

2. Ўрта Осиё хонлиklarининг Россия томонидан истило этилиши.

3. Чор Россиясининг Туркистонни иқтисодий-сиёсий, маданий-маънавий жиҳатдан тўла мустамлакага айлантириш учун тутган сиёсати ва унинг аянчли оқибатлари.

4. Туркистон ўлкасида миллий давлатчиликни тиклаш ва истиқлолга эришиш учун олиб борилган курашлар, халқ ҳаракатлари, жадидчиликнинг дастлабки қадамлари.

«Ўзбекистоннинг янги тарихи»нинг **иккинчи китобида** мамлакатимизнинг шўролар тузуми (1917—1991) даври тарихи тарихий манбалар ва янги тадқиқотлар асосида, холисона баён қилинади. Китобда асосан қуйидаги масалалар таҳлил қилинади:

1. Большевикларнинг машъум октябрь (1917) тўнтаришидан сўнг Туркистон халқларининг миллий-озодлик ва истиқлол учун олиб борган курашини бўғиб ташлашга қаратилган сиёсати ҳамда мустабид шўро диктатураси ўрнатилгандан кейин сохта давлатчилик фаолияти; мулкдорлар синфи ва мулкга эгалик қилиш туйғусини йўқотишга қаратилган фаолияти; Ўзбекистонда амалга оширган қатағонлик ва совет Россиясининг Туркистонни пахта ва умуман хом ашё манбаига айлантириши.

2. Марказнинг Ўзбекистонни умумбашарий қадриятлардан четлатиши, унинг табиий ва маданий бойлиklarини аёвсиз та-

¹ Каримов И. А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Т., «Шарқ», 1998, 30-бет.

лаши, пахта яккаҳокимлигини кучайтириб, мамлакатни оғир экологик аҳволга тушириб қўйиши ва бунинг оқибатлари.

3. Марксизм-ленинизм таълимоти ва коммунистик мафкура тамойиллари, ғоялари ва байроғи остида Ўзбекистонда барпо этилган «социалистик жамият», унинг манфаат ҳамда асл мақсади. Шу билан бирга, шўро тузуми даврида фаолият кўрсатган давлат ва жамоат арбоблари, илм-фан ва маданият намояндларининг ижтимоий-сиёсий ва илмий-адабий фаолияти, уларнинг мамлакат ва халқ олдидаги хизматлари ва шахсий фожелари.

4. СССРнинг таназзулга учраши мантиқан ва тарихан қонуний бир ҳол эканлиги ҳамда машъум коммунистик таълимотнинг Ўзбекистон халқлари учун тамоман ёт ва бегоналиги.

«Ўзбекистоннинг янги тарихи»нинг учинчи китоби мустақиллик даври тарихини ўз ичига олади.

«Ўзбекистоннинг янги тарихи»ни яратишда ижтимоий фанлар вакиллари, айниқса атоқли тарихшунос олимлар, жамоат арбобларининг билдирган фикр-мулоҳазалари ва кўмаклари ҳам фойдали бўлди. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясининг «Ўзбекистоннинг янги тарихи» маркази бунинг учун уларга самимий миннатдорчилик изҳор қилади.

Академик Б. АҲМЕДОВ.

Модомики, ўз тарихини билган, ундан руҳий қувват оладиган халқни енгиб бўлмас экан, биз тарихимизни тиклашимиз, халқимизни, миллатимизни ана шу тарих билан қуроллантиришимиз зарур. Тарих билан қуроллантириш, яна бир бор қуроллантириш зарур.

*Ислом Каримов,
Ўзбекистон Республикаси Президенти*

Инсониятнинг кейинги уч минг йиллик тарихига назар ташланса, жаҳон цивилизацияси бешикларидан бири, Турон, Мовароуннаҳр, Чигатоё улуסי, Туркистон деб турли асрларда турфа номлар билан аталган диёримиз осмонини қора булутлар қоплаган йиллар кўп бўлган. Бу ўлкага ҳасад ва тажовуз кўзи билан қараган, мардона халқини қул, табиий заҳираларини ўзиники қилишга жон-жаҳди билан интилган босқинчилар сон-саноксиз эди.

Бироқ, ҳамма замонларда ҳам ёвга қарши халқимизнинг ватанпарвар йўлбошчилари, миллат қаҳрамонлари озодлик яловини баланд кўтарганлар, ор-номус, ўзликни сақлаш учун курашганлар. Пировард натижада, душманлар қолдирган қултепалар устида обод қишлоқлар, шаҳарлар тиклаганлар.

Оқ ва қизил салтанатнинг 130 йил давом этган ҳукмронлиги «Авесто» вужудга келган замонлардаёқ ўз тарихий давлатчилигига эга бўлган Туркистонни истибодга чулғаб, мустамлака ва мутеъга айлантирган эди.

Юртимизнинг фидойи давлат арбоблари, олимлар, шоир ва адиблар зўравонлик билан ушлаб турилган қизил салтанат тузуми подшоҳлик Россияси ўрнатган мустамлакачилик сиёсатининг изчил давоми, миллий ўлкаларни эзиш ва талаш, маданияти ва маънавиятини оёқ ости қилишнинг такомиллашган шакли эканлигини теран фаҳмлар эди.

Собиқ шўро салтанати йилларида энг қадимги даврлардан то XIX аср иккинчи ярмига қадар бўлган тарихимиз сохталаштирилди. Президентимиз Ислом Каримов бу ҳақда: «Ўзбекистоннинг, ўзбек халқининг бугун кенг оммага етказишга арзийдиган ҳаққоний тарихи яратилдими — йўқми? Совет даврида ёзилган тарихни мен тарих санамайман. Ўзгалар ёзиб берган тарихни ўқитишга мутлақо қаршиман. Мустамлакачи ўзига қарам бўлган халқ ҳақида қачон холис, адолатли фикр айтган? Улар бор куч-ғайратларини Туркистоннинг ўтмишини камси-

тишга, бизни тарихимиздан жудо қилишга сарфлаганлар. Тарихдан жудо бўлиш нималигини яхши билсангиз керак. Инсон учун тарихдан жудо бўлиш — ҳаётдан жудо бўлиш демакдир»¹, — деб жуда ўринли ўқтирган эдилар.

XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX аср бошларида подшолик Россияси ҳукмронлиги даврида Туркистонда истибодга, халқни эзишга асосланган сиёсат ҳукм сурди. Маҳаллий аҳолини хўрлаш ва қатағон этиш октябр тўнтариши туфайли ҳокимиятга келган шўро салтанати даврида янада кучайиб, энг юқори поғонага кўтарилди. Шу тариқа, Туркистонда мустақил давлатчиликни поймол этган, тил, маданият, урф-одатлар, миллий қадриятларни оёқ ости қилган мустабидлик тузуми 130 йил умр кўрди.

Яқин ва ўтмиш тарих бутунги кун ва келажак учун ибрат дарслигидир. Дарвоқе, «ватан, миллат тақдири ҳал бўладиган қалтис вазиятларда тўғри йўлни танлай олиш учун, аввало, тарихни ва ҳаётнинг аччиқ-чучугини билиш керак экан. Тарих инсоннинг кўзини очар экан. Шунда кўп хатоларнинг олдини олиш мумкин бўлар экан»²

Эндиликда, Ўзбекистон мустақил давлат сифатида курраи заминда қад ростлаганининг тўққиз йилини кечираётган дамларда кечаги кунга назар ташлаш, сўнгги мустамлакачилик асоратини ўрганиш ижтимоий-сиёсий ва маънавий жиҳатдан муҳим аҳамият касб этади. Чунки, миллатни асраш учун унинг ҳақиқий тарихини ўрганиш, авайлаб химоя қилиш керак бўлади.

Подшоҳлик Россияси, шунингдек, мазлум халқларни эзиш ва хунрезлик қилишда унинг давомчиси бўлган собиқ шўро салтанати йилларида мустамлака республикалар, хусусан, Ўзбекистон иттифоқнинг хом ашё манбаига айлантирилган эди. Мустақилликнинг илк қадамлариданоқ ўлка бойликларини бу янглиф оммавий талон қилиш оқибатларига чек қўйишга, умуман, қизил салтанат қолдирган иллатлардан қутилишга киришилди. Халқимиз ўзлигини теран англаётган, қадриятлар тикланаётган, озод, ҳур давлатни мустаҳкамлаш учун машаққатли бунёдкорлик, яратувчилик ишлари кенг кўламда олиб борилаётган шу кунларда Ўзбекистон янги тарихини яратиш заруриятини ҳаёт тақозо этаётир. Зеро, Президент И. А. Каримов таъкидлагани сингари, Ўзбекистонга, унинг ери, табиатига, бу ерда яшаётган халқларга муҳаббат, ўлканинг тарихи, маданияти, анъаналарини теран билиб олишга интилиш, республиканинг қудрати ва ютуқларидан фахрланиш, халқимиз қисматига тушган қийинчиликлар учун қайғуриш кўп миллатли ўзбек жамиятининг муҳим жисплаштирувчи асоси ҳисобланади. Истиқ-

¹ Каримов И. А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ, 10-бет.

² Каримов И. А. Ўз келажакимизни ўз кўлимиз билан қурмоқдамиз. «Туркистон» газетаси мухбирининг саволларига жавоблар. Т.: Ўзбекистон, 1999, 4-бет.

лол йўлини танлаган, мураккаб давр ва мураккаб шароитда бу йўлдан қатъият билан олға бораётган Ўзбекистоннинг яқин келажақда буюк давлат бўлиши учун узоқ давом этган мустамлака сиёсати ҳосил этган гирдобдан чиқиб олиши зарурлигини юртбошимиз бир неча бор уқтиргани бежиз эмас. Бунинг учун рус мустамлакачилигининг табиатини, унинг узоқни кўзлаган истибдоди моҳиятини, бир сўз билан айтганда, тарихини ўрганиш, хулосаларга келиш тақозо этилади.

Айтиш жоизки, 130 йил давомида қаттиққўллик билан ҳаётга татбиқ этилган мустамлакачиликнинг машъум тамойиллари қолдирган асоратни бугунги кунда Ўзбекистоннинг ҳамма жабҳасида: иқтисодиёт ва маданиятда, илм-фан ва маорифда, қишлоқ хўжалиги ва саноатда кузатиш мумкин.

Биз яқин кечмишдаги тарихий ҳақиқатни у қандай бўлса, шу ҳолда тиклаш ва гавдалантиришдек эзгу ва олижаноб мақсадни ўз олдимизга қўйганмиз. Тарихий ҳақиқат шундаки, Россия империясининг собиқ мустамлакаси бўлган, эндиликда эса суверен давлатга айланган Ўзбекистон Республикасининг Россия Федерацияси билан дўстона тенг, ўзаро ҳурмат асосида давом этиб келаётган алоқаларини мустақамлашда у икки томонлама сабоқ ва ибрат вазифасини ўташи лозим бўлади.

Гоят мураккаб кечган бораётган жараҳатни тарихан ҳолис ва илмий ёритишда асосан икки манбага: рус зобитлари ва ҳарбий мундир кийган олимларининг эсдалик, хотира ҳамда илмий асарларига, шунингдек, истило даврида яшаган, шу воқеаларга шоҳид бўлган маҳаллий муаррихларнинг қўлёзма китобларига таянилади.

Китобда чор Россияси истилосига, унинг мустамлака зулмига қарши қалбда Ватан туйғуси, қўлда қурол билан ҳаётмамот жанги олиб борган миллий қаҳрамонларимиз фаолияти янгича талқин этилган. Ўлкада аср бошларида юз берган озодлик курашлари тарихини мукамал таҳлил этиш эса Ўзбекистоннинг 1991 йил 31 августда эришган мустақиллиги шунчаки осонлик билан амалга ошган неъмат бўлмай, аксинча, чуқур тарихий заминга асосланганлигини яққол кўрсатиб беради. Қолаверса, рус салтанатининг мустамлакачилик тизими ва истибдодини тарихан илмий, ҳолис ёритиш Ўзбекистонда Мустақиллик миллий мафқурасини яратишдек салмоқли вазифани бажаришда ҳам ўзига хос ўрин тутиши табиийдир.

Республика Президенти, Ўзбекистон Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси И.А.Каримов 1991 йилдаёқ СССРнинг парчаланиб кетиши ва ўзбек халқининг мустақилликни қўлга киритиши тасодифий ҳодиса бўлмасдан, унинг чуқур тарихий заминга эга эканлигини асослаб берди. Шўро салтанати ҳалокати юз берган пайтда Ўзбекистон ҳукумати мустақиллик байроғини дадил кўтарганида ана шу заминга суянгани, халқимиз 130 йилдан бери рус салтанатига ва шўро тузумига бўлган но-

розиликнинг поёнига етганини тушунганлиги учун миллий давлатчилигимизнинг қайта тикланиши нисбатан енгил кўчганлиги равшан.

Туркистон ўлкасининг рус мустамлакачилиги ва шўро ҳукмронлиги даврида кечган мазлумона ҳаёти тарихий-илмий адабиётларда, қай нуқтаи назардан бўлмасин, ҳарҳолда, нисбатан тўлароқ ифода этилган, дейиш мумкин. Бу адабиётларни мазмун ва моҳият эътибори билан тўрт даврга ажратиш тўғри бўлади. Биринчи давр асосан 1917 йилгача ёзилган тадқиқотларни, иккинчи давр 20—50-йилларда, учинчи давр эса 50-йилдан то 80-йиллар биринчи ярмига қадар яратилган асарларни қамраб олади. Тўртинчи даврга оид адабиётлар тарихшуносликда «қайта қуриш» деб ном олган 80-йилларнинг иккинчи ярмидан то Ўзбекистон Республикасининг мустақилликка эришганига қадар ва мустақиллик йилларида вужудга келган асарлар мажмуидан иборатдир.

Биринчи даврга мансуб тарихий-илмий китобларда рус мустамлакачилик сиёсатида доир танқидий фикр-мулоҳазалар деярли учрамайди. Чунки уларнинг муаллифлари асосан бошқа халқларни талашдан, эзишдан манфаатдор бўлган дворян-помешчиклар, зобитлар, савдо-саноат корчалонлари, нуфузли амалдорлар бўлишган. Бу хил манбаларда кўпроқ Россиянинг Туркистонда қўллай бошлаган иқтисодий-сиёсий зуғумларини оқлаш, салтанат ҳукмрон доираларининг манфаати нуқтаи назаридан ўлкани ўзлаштириш бўйича яна қандай тадбирлар кўриш зарурияти баҳс этилади. Бу асарлардаги бош ғоя, етакчи йўналиш, қандай бўлмасин, салтанатнинг Туркистондаги тажовузи ва мустабид тизимини ғоявий асослашга, янги «иккинчи рус Туркистони»ни барпо этиш учун зарур йўналишларни белгилашга қаратилиши билан боғлиқ эди. Бу жиҳатдан генерал-лейтенант М.А.Терентьевнинг «Ўрта Осиёнинг босиб олиниши тарихи» (1906) асарини қайд этиш мумкин.

Китобда Ўрта Осиёнинг мустамлакага айлантирилиши аҳамияти кўрсатилиб, биринчи фотиҳ К.П. фон Кауфманнинг «ўлкани ўзлаштирувчилик» фаолиятига таҳсинлар ўқилади. Муаллиф рус дворянлари ва капиталистларининг манфаатлари химоячиси сифатида қалам тебратади.

Санкт-Петербург зодагонлари вакили, ўлкашунос олим княз В.И.Масальский¹ эса диққатини Туркистондаги ер-сув масалаларига қаратиб, арзон пахта хом ашёсига эришиш учун ўлкада пахта яккаҳоқимлигини ўрнатиш, русларни кўпайтириш чораларини кўриш лозимлигини уқтиради. Подшо вазири А.В.Кривошеин² ҳам асарларида худди шу ҳақда фикр юритади.

¹ *Масальский В. М.* Хлопководство, орошение государственных земель и частная предприимчивость. СПб, 1908; Туркестанский край. СПб, 1913.

² *Кривошеин А. В.* Записка главноуправляющего земледелием и землеустройством о поездке в Туркестан. СПб, 1912, 111-бет.

Ўлка иқтисодиётига доир адабиётларда асосан ҳукмрон давлат — Россия манфаатлари нуқтаи назаридан масалага ёндошилади, мустамлака сиёсатини мустаҳкамлаш, шу орқали имкон қадар ўлка қонини зулукдек сўриш чора ва усуллари баҳс этилади. Таассуфки, уларда Россия истибдоди, миллий хўрлаш сиёсатига оид жиддий танқидий фикр-мулоҳазалар ўз ифодасини топмаган.

Лекин, гарчанд ахборот тарзида бўлса-да, бу адабиётларнинг қиммати шундаки, муаллифлар ҳеч бир истиҳола қилмай, ўзлари тарафдор бўлган мустамлакачиликнинг ҳақиқий башарасини, ошкор ва пинҳон ниятларини такаббурлик ила намойиш этадилар. Бу эса, рус мустамлакачилигининг қабоҳати инглиз, испан, француз ва немис мустамлакачилигига қиёс этилганда, улардан неча бор таҳликали тусда амалга оширилганлигидан далолат беради.

Биргина русларнинг темир йўл, саноат ва ҳарбий соҳадаги барча малакали ишчиларни ўз тасарруфига олиши моҳиятига эътибор берайлик. Бундан кўзланган пинҳона ва разилона мақсад Туркистон туб аҳолисининг тараққиётига ғов қўйиш, кўзга кўринмас тўрлар билан унинг оёқ-қўлини чирмаб ташлаш, охир-оқибатда, ўлкани Россиясиз мустақил кун кўришдан маҳрум этиш эди. Бу мақсад йўлида улар ўз маданиятини, тили ва адабиётини, мусиқа ва, ҳатто, меъморчилигини Туркистон аҳолиси дидига яқинлаштиришга, шу орқали, уларнинг ичичига кириб боришга интилади. Туб жой кишилар билан ўзларини тенг қилиб кўрсатиш, шу тахлит улар ҳурматини қозониш, бирга ўтириб-туриш, қон-қардош бўлиб кетганлигини пеш этиш одатдаги ҳолга айланади. Рус мустамлакачилигининг бу хилдаги қабиҳ ва айёрона дастури фикр юритилаётган биринчи давр адабиётида яққол гавдаланади, дейиш мумкин. Мустамлакачилар бор куч-ғайратларини Туркистоннинг ўтмишини камситишга, бизни асл тарихимиздан жудо қилишга сарфлаганлари бу давр адабиётига хосдир.

Иккинчи даврга тааллуқли адабиётда Туркистон ўлкасидаги мустамлакачилик сиёсати ва унинг асосий йўналишлари, шунингдек, истиқлол учун олиб борилган курашлар қамраб олинади. Табиийки, бу мавзулар шу давр адабиётида, айниқса, 20-йиллар тарихшунослигида бир қатор муаллифларнинг асарларида турли даражада, турлича савияда ўз аксини топди. Муҳими шундаки, 20-йилларда қалам тебратган муаллифлар ўзлари тасвир этган, фикр юритган ижтимоий-сиёсий воқеа ва ҳодисаларнинг бевосита иштирокчилари бўлишган. Шу боисдан бу асарларда даврнинг мураккаб, зиддиятли, маҳзун руҳи уфуриб туради. Чунончи, мустамлакачилик сиёсатининг туб моҳияти Г.И.Сафаров, П.Г.Галузо ва А.З.Валидий Тўғон тадқиқотларида илк дафъа тўлароқ акс этди.

Инсоф билан айтганда, Г.И.Сафаров¹ кенг қамровли далилий мисоллар асосида Туркистонда бор қудрати билан ишга туширилган мустамлака идораси машинаси кирдикорини ва подшоҳ амалдорларининг ўлка бойликларини аёвсиз талаганлигини, халқни асоратга солганлигини дадил кўрсатиб бера олган. Унинг шаҳодат этишича, рус сармоясининг ўлкага кириб келиши, яъни Россия империясининг рамзи бўлган икки бошли бургутнинг човути Туркистон халқи турмушини остинустун қилиб юборган.

Г.И.Сафаровнинг хулосалари унинг ҳалол тадқиқотчилардан эканлигини кўрсатади. У, жумладан, Туркистонда ўтроқлашган Европа аҳолисининг барча қатламини умумий андоза билан мустамлакачилар деб атайди. Унинг мустамлака шароитида авж олиб бораётган синфий ва миллий тенгсизлик ҳақидаги, аввало рус ишчиларига берилган имтиёзлар, уларнинг маҳаллий ишчиларга нисбатан ҳукмрон мавқеи ҳақидаги мушоҳадаларини ҳам адолатдан деб қараш ўринлидир.

Чор Россиясининг миллий ўлкада олиб бораётган руслаштириш сиёсати, кўчириб келтирилаётган рус келгиндиларига ерли аҳолининг энг унумдор, сара ерларини олиб бериши Туркистонда норозилик ва миллий-озодлик ҳаракатларини юзага келтирган асосий омиллар бўлганлигини кўрсатганда муаллиф ҳақ эди. «Барча руслар, — деб ёзган эди у, — Туркистоннинг туб аҳолиси одам эмас, балки уриш, талаш, зўрлаш мумкин бўлган иш ҳайвонлари деган ақида билан яшаган ва тарбияланган».

Шу каби ҳолислик ва зиддиятли қарашлар П. Г. Галузо тадқиқотларига² ҳам хосдир. У дадиллик билан Россиянинг мустамлакачилик тизими ва, умуман, истибдод сиёсатининг барча салбий оқибатларини кенг далилланган мисоллар асосида фош этади.

Ўрта Осиёнинг Россия томонидан босиб олинишининг салбий оқибатларини атрофлича ёритган П. Г. Галузо ўлкадаги миллий-озодлик ҳаракатлари омиллари ҳақида ҳам сўз юритади. У Россиянинг Туркистондаги қаттол мустамлака сиёсати туфайли халқ ҳаракатлари келиб чиққанлигини кўплаб ишончли далиллар асосида гавдалантиради.

Умуман олганда, бу икки тадқиқотчи ўз асарларида Россия мустамлакачилик сиёсатининг барча қирраларини чуқур ёритгани ҳолда, Туркистондаги истиқлол кураши хусусида синфий ёндошувда туришганини алоҳида таъкидлаб ўтамыз. Чунки улар Шўро ҳокимияти мафкураси нуқтаи назаридан фикр юритиб, синфийлик мафкураси доирасидан четга чиқиша олмаган. Бу

Сафаров Г. И. Колониальная революция (опыт Туркестана). М., 1921.

Галузо П. Г. Туркестан — колония. Очерк история Туркестана от завоевания русскими до революции 1917 года. М., 1929.

жиҳатдан Аҳмад Закий Валидий Тўғон асарлари улардан кескин фарқ қилади. У 1929 йили Германияда ёзган «Туркистон масаласи» асарида чор Россияси юритиб келган мустамлакачилик сиёсатини фош этибгина қолмай, шўро Россиясининг худди шу сиёсатни ўзгача ниқобда давом эттираётганини ҳам исботлаб берган. «Туркистон учун истиқлол барча ишларнинг бошидир, — деб ёзади Валидий, — истиқлол бўлмаса, Туркистонга фақат четдангина олиб келиш мумкин бўлган замонавий техника асбобларига йўл йўқ. Чунки руслар Туркистонга келтирилишини хоҳламаган нарсаларнинг улардан бекитиқча, унинг устига бу ўлканинг тараққиётига сабаб бўладиган воситаларнинг кириб келишига албатта қаршилик кўрсатадилар. Шунинг учун Туркистон Россиянинг қайси идора усулида яшамасин, юртни ўзи истагандек идора эта олмайди».

Валидий 1924 йилдаёқ 1991 йили бўладиган воқеаларни тадқиқотчига хос аниқ башорат қилгани диққатга лойиқдир: «Туркистон масаласида большевикларнинг ва бошқа русларнинг роли масаласига келганда, биз учун рус тузумининг ҳаммаси бирдир. Бунга Жанубий Туркистоннинг 50—60 ва Шимолий Туркистоннинг 200 йиллик тарихи гувоҳ. Туркистон чор ҳукуматига қарши қандай исён қилган бўлса, большевикларга қарши ҳам худди шундай исён этгандир. Демак, Туркистон учун туркистонликларга мувофиқ келадиган ҳеч бир рус ҳукумати бўлмаган. Ҳар иккисида ҳам шароит бирдир. Бас, шундай экан, ҳар бир ҳаракатимизда қўлларимизни боғлаган, тараққиёт ва инкишоф йўлига тўсиқ бўлиб келган бу ғовни ортиқ кутмай орадан кўтармоқ лозим. Бизнинг бутун умидимиз келажакда ҳам қўшни бўлажак Россияда Туркистоннинг мустақилликка эришишига имкон берадиган ва у муваққил бўлгандан сўнг русларнинг таадди ва тажовузларига монъе бўла оладиган бир вазиятнинг вужудга келишидир. Россияда қандай идора усули бўлишидан қатъий назар, муваққиллигимизни ҳақиқатда ҳам таниган русларга қарши бир ёмон фикримиз бўлмаслиги табиийдир. Бизнинг бугунги таважжухимиз, аввало, ўзимизга, сўнг бошқа ғайри рус миллатларнинг бу йўлда собит ва қувватли бўлмоқларига қаратилгандир. Биз улар билан биргамиз ва муштарақ ғоямизнинг амалга ошишида ҳамкорларимиз билан биргаликда қурашамиз»¹.

Хорижга кетишга мажбур бўлган А. З. Валидий Россия сиёсатини рўй-рост ва атрофлича тадқиқ этади: «Русия Осиёда ғоят узокни кўзловчи сиёсат кетидан қувувчи ва бу кенг қамровли ҳаракатлари ҳеч қандай чек-чегара билмаган, ҳирс ва иштаҳаси эса кун сайин ошиб борувчи империалистик давлатдир... Рус истилолари, янги-янги ўлкаларни забт этмоқ ва у ерлардаги қавмларни маданий-иқтисодий шароитлар воситаси-

¹ Бутун ҳам худди шу фикрлар алоҳида долзарб аҳамият касб этиб, тадқиқотчи башоратини тасдиқламоқда.

да ассимиляция қилиб, улар ҳисобига кенгайиб, кўпайиб, кучайиб бормоқ ғоясини кўзда тутди»¹.

А. З. Валидий Тўғон рус подшолиги сиёсатини моҳият эътибори билан янада юқори поғонага кўтариб давом эттираётган шўро Россияси мустамлакачилигининг асосий йўналишларини шундай белгилайди:

1. Рус империализми билан коммунизм бири иккинчисининг давоми бўлиб, уларни икки асос — тамойил сифатида бирлаштирган Русияга тобе миллатларга ва бутун дунёга иккиюзлама сиёсат юритмоқ.

2. Рус миллатининг жаҳонга ҳоким бўлиш ғоясини «муқаддас идеал» даражасига кўтармоқ ва бу миллий ғояни амалга оширмоқ йўлида тайёр турувчи мутаассиб ва жанговор миллат тайёрламоқ.

3. Ҳар қандай воситалар билан бўлса-да, рус нуфусини оширмоқ.

4. Русларни Осиёнинг янгидан ишғол қилинажак ерларига ўша лаҳзадаёқ жўнаб кета оладиган даражада ҳаракатчан, айни пайтда, кўнимсиз бўлишини таъмин этмоқ.

5. Истило қатъиятни таъмин этмоқ учун бошқарувдаги олиёмарказ ва диктаторлик системасини мукаммаллаштирмоқ.

Аҳмад Закий Валидий фикрлари шу тариқа 20-йиллар тарихшунослигидаги тадқиқотчилик савияси бўйича эришилган тўлақонли илмий хулоса бўлди.

Таниқли олим, маърифатпарвар ва жамоат арбобларидан Маҳмудхўжа Беҳбудий, Абдулла Авлоний, Фитрат, Чўлпон, Мунаввар қори Абдурашидхонов каби ўзбек халқининг миллатпарвар фидокорларининг 20-йиллардаги матбуотда ёритилган катта-кичик мақолаларида Туркистондаги эски ва янги мустамлакачилик ҳамда истиқлол кураши тарихи ёритилган ва улар ҳам Туркистон тарихшунослигида ўз ўрнини топишга лойиқдир.

Мунаввар қори Абдурашидхоновнинг 1927 йил Ўзбекистон маданиятчилари қурултойида қилган маърузаси Туркистонда чоризм сиёсатига қарши, истиқлол учун олиб борилган кураш саҳифаларини ойдинлаштирувчи нодир манбадир. Унинг сиёсий идора талаби билан ёзилган жадидчилик ҳаракати тарихига бағишланган уч қисмдан иборат хотиралари ҳам ана шундай қимматли адабиётлар сирасига қиради.

Чоризмнинг мустамлака истибдоди ва унга қарши кўтарилган миллий-озодлик ҳаракатлари жадидчи Фозилбек Отабек ўғлининг «Дукчи Эшон воқеаси» (1927) китобида далиллар асосида ўзининг ёрқин ифодасини топди. Бу асарда рус мустабидларининг кўчирувчилик сиёсати ва истибдод зулми бой далиллар асосида ёритилгани эътиборга лойиқдир. Фозилбек Отабек

Валидий Аҳмад Закий. Туркистон масаласи. Берлин, 1924; Рус мустамлака сиёсатининг моҳияти ва мақсади. Вена, 1929. Бугунги турк эли ва Туркистон Янги тарихи. Истанбул, 1981, 2-нашр, профессор Б. Қосимов таржима қилган.

ўгли XIX аср охирларида Туркистондаги вазиятни ўша давр шоҳиди сифатида ишонarli тасвирлаган.¹ Фозилбек Отабек ўгли 20- йиллар тарихшунослигида биринчи бўлиб 1898 йилги Андижон қўзғолони раҳбари Муҳаммадали Эшон шахси ва унинг фаолиятини бевосита ўша воқеалар гувоҳи сифатида холис баҳолаб, ўз фикрларини замондошлар гувоҳликлари асосида ишонarli тарзда исботлаб берган.²

20-йилларда шу тариқа рус зулмига қарши қаратилган инқилобий ва миллий-озодлик ҳаракатлари хусусида турли қарашлар, бир-бирига зид ғоялар ўртага ташландики, бу ҳолат тарихий тафаккурнинг ривожланиши ҳамда тадқиқотчилик савиясининг кўтарилишига қулай замин яратди. Бу даврда ҳам тўғри ва холисона фикрлар бор эди. Бу ўринда шўро тарихшунослигининг отаси ҳисобланган М.Н.Покровский хизматини алоҳида қайд этиш керак. У подшоҳлик Россиясининг истилочилик қабоҳатини бир қадар ҳалол ва ҳаққоний баҳолаган эди. Покровский фикрича, «Москва империализми» XVI асрдан эътиборан ҳукм суриб келади. Бу даврда Европадан Осиёгача бўлган буюк сув йўлининг Қозондан Аштархонга қадар бўлган жанубий интиҳоси забт этилиб, Болтиқ денгизига чиқиш учун унинг шимолий ниҳоясига кўз тикиш бошланган эди.

Покровский рус империализмининг Кавказ ва Ўрта Осиёда амалга оширган тажовузини «жинояткорона мустамлакачилик урушлари», деб атаганда жуда ҳақ эди. Дарвоқе, унинг фикрича, «осиёликларнинг рус номини эшитганда қалтирашга тушиши осонликча бўлмаган ва арзонга тушмаган... Бутун-бутун қишлоқлар унга яқин бир жойдан топилган руснинг мурдаси учун таг-тути билан ёндириб юбориларди».³

30-йилларда тарих фанида социализм қуриш билан боғлиқ масалалар юзасидан бошланган мунозараларда холисликдан синфийлик мезонига ёндошувга ўтиш кайфияти кучайди. Туркистондаги социалистик инқилобнинг қонуний жараён эканлигини асослашга уринишдек сохта жазава авж олди. Тарихан илмий ҳалоллик ўрнини мавжуд ҳукмрон мафкурага хизмат қилиш истаги эгаллади. Тадқиқотчилик моҳиятини Туркистондаги иқтисодий-ижтимоий воқеликни шўро мафкураси нуқтаи назаридан баҳолаш ишғол этди. 1917 йилги «Октябрь инқилоби»нинг тарихан муқаррар жараён эканлигини исботлаш асо-

¹ Фозилбек Отабек ўгли. Дукчи Эшон воқеаси. Самарқанд -Тошкент, 1927.

² Бу мавзуга оид дастлабки қўлёзма асарлар XX аср бошларидаёқ юзага келган эди. Бу ўринда Қўқон шаҳри қозиси Муҳаммад Юнус ибн Муҳаммад Амин Тоибнинг «Тухфай Тоиб» (1905), Марғилон ҳокими девони қотиби Муҳаммад Азиз ибн Муҳаммад Ризо Марғилонийнинг «Тарихи Азийий» (1910) асарларини кўрсатиш мумкин. Мазкур асарларда 1898 йилги Андижон қўзғолони ва унинг раҳбари Дукчи Эшон ҳақида маълумотлар келтирилган эди.

³ Покровский М.Н. К вопросу об историческом развитии России. Ленинград, 1925, 82-бет.

сий илмий мезон ҳисобланди. Тарихий кечмиш шу нуқтаи назардан таҳлил қилинди. 20-йиллар тарихшунослигида жиддий асарлари билан танилган В.Лаврентьев Туркистон иқтисодиётида мавжуд капиталистик муносабатларга шу нуқтаи назардан келиб чиқиб ҳавойи баҳо берди. У ҳатто ўртаҳол деҳқонлар хўжалигида ҳам «капиталистик корхоналарни» кўрди. Лаврентьев фикрича, Ўрта Осиёнинг Россия томонидан босиб олинishi мутлақ ижобий воқеа бўлиб, у Туркистон ўлкасида тубдан ўзгариш ясаган ва у «Октябр инқилоби» учун етарли иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий замин яратган. В.Лаврентьев¹ гоёсини Л. Резцов,² Ф. Карпич³ ва бошқалар ҳам тасдиқлаб, чоризм мустамлакачилик сиёсатини хаспўшлаб ўтишди. Шу тариқа 30-йиллардаги тарихий адабиётда бир тоифа тадқиқотчилар «Октябр инқилоби»нинг бош сабабчиси чоризмнинг миллий зулми, мустамлака истибдоди деб ҳисобладилар. Иккинчи тоифадаги тарихчилар эса бунинкор этиб, ижтимоий зулмининг биринчи ўринга чиқардилар. Яна бир гуруҳ тадқиқотчилар эса инқилоб учун Туркистонда етарли шароит бўлмаган деб уқтиришди.

Иккинчи жаҳон урушининг бошланиши собиқ Совет Иттифоқидаги миллий республикаларда «ватанпарварлик» тўлқинини юзага чиқарди. Урушдан кейинги дастлабки йилларда қардошлик, жипслик туйғуси илм-фанда, шу жумладан, тарихга доир асарларда ҳам акс эта бошлади. Ягона ватан тушунчасидан келиб чиқилган ҳолда, нисбатан холис тадқиқотлар юзага келди. Бу йилларда чоризм мустамлакачилик зулмини очиб ташлаш ва миллий-озодлик ҳаракатларини рўй-рост ёритиш имконияти туғилди. Натижада бир қатор жиддий тадқиқотлар юзага келди.

Шу тариқа иккинчи давр адабиётида чоризм мустамлака сиёсати ва истиқлол учун кураш мавзуси маълум даражада ўз аксини топди. Аммо 50-йилларда қайта бошланган сиёсий қатагон бундай ижобий жараёни бўғиб ташлади.

Кўзда тутилаётган учинчи давр (50-йиллардан 80-йиллар биринчи ярмига қадар) адабиётида тарихни сохталаштириш ва бузиб талқин этиш соҳасида ўзига хос пойга авж олди. Бинобарин, Туркистон ўлкасида бўлиб ўтган барча миллий-озодлик ҳаракатлари ҳақида ижобий фикр билдириш у ёқда турсин, бор ҳақиқатни ёзиш гўё рус халқига қаратилган миллатчилик ҳаракати сифатида баҳоланар эди. Бу шу даражага бориб етдики, XIX аср иккинчи ярмидаги миллий-озодлик курашларига муносабат билдириш «улуғ рус халқи билан бўлган дўстликка

¹ *Лаврентьев В.* Капитализм в Туркестане. Ташкент, 1929.

² *Резцов Л.* Октябрь в Туркестане. Ташкент, 1929.

³ *Карпич Ф.* К истории завоевания Туркестана Российским капитализмом. «Туркменоведение», № 8,9,10,11, 1929.

раҳна солиш» сифатида сиёсий хатога йўйилди. Масаланинг бу тарзда гасаклаши «улуғ оға» вакилларининг айрим виждонли, ҳалол олимларида хижолат туйғусини уйғотмай қолмади. 1954 йилда Ўрта Осиё ва Қозоғистон тарихига бағишланган илмий сессияда А.И.Сидоров айтган қуйидаги гаплар диққатга лойиқдир: «Ўрта Осиёнинг ўзбек, қозоқ, қирғиз, туркман, тожик ва бошқа халқларининг турли шаклдаги ғалаёнлари, бу халқларнинг мустамлака истибдодига қарши кураши илғор ҳаракат деб баҳоланмаслиги — бу, демак, халқ оммасининг тарихий воқеликдаги ижобий хизмати инкор қилинишидир. Унда тарихда нима ижобий ҳолат ҳисобланади? Миллионлаб халқ оммасини қонга ботирган подшоҳликнинг мустамлака идорасими? Ёхуд бу истибдодга қарши курашми?»¹

Бироқ, адолат нуқтаи назаридан, тарихий вазият ва коммунистик мафкура тазйиқини ҳисобга олган ҳолда айтиладиган бўлса, фикр юритилаётган даврнинг 70—80-йиллари бошларида бир қанча илмий-тарихий асарлар яратилдики, уларнинг илмий аҳамиятини пасайтириш ножоиздир. Турган гапки, бу хилдаги тадқиқотларда тарихга ҳолисона ёндошиш бобида, биринчи галда, рус салтанатининг Ўрта Осиёдаги мустамлакачилик сиёсати га илмий баҳо беришдаги чекланиш ўша давр руҳи билан изоҳланадиган асосий қусурлар ҳисобланади.

Шўро давлати ўзини нечоғлик қудратли ҳисобламасин, у ичдан чириб тугаётган эди. Айниқса, 80-йиллар иккинчи яримлари жаҳон афкор оммаси олдида қизил салтанатнинг қадамбақадам фаш бўлиш йиллари сифатида тарихга кирди. «Қайта қуриш» сиёсати тизгини тобора қўлдан чиқиб бораётган салтанат отини қамчилашга беҳуда сўнгги уриниш эди. 1985 йилдан сўнг матбуотда, илм-фанда ошкоралик тўлқини вужудга келиб, тарихшуносликда эркин фикрлаш, ҳолис илмий хулосаларни ўртага ташлаш имконияти туғилди.

Мавзу тарихшунослигининг тўртинчи даври 80-йиллар иккинчи яримларидан то ҳозирги кунларга қадар бўлган муддатни ўз ичига олади. Гарчанд бу давр тарихан жуда қисқа — ўн-ўн беш йилни қамраса-да, вужудга келган адабиётлар моҳият ва мундарижа эътибори билан ғоят салмоқли эканлигини таъкидлашга тўғри келади².

Мустақиллик, шубҳасиз, оламшумул тарихий аҳамиятга эга бўлган сиёсий воқеа бўлди. Кўпгина қалам аҳли, муаррихлар,

Материалы научной сессии посвященной истории Средней Азии и Казахстана в дооктябрьский период. Ташкент, 1955, 576-бет.

² *Зиёев Ҳамид*. Туркистонда Россия тажовузи ва ҳукмронлигига қарши кураш. Т.: «Шарқ», 1998; *Алимова Д.А.* Исторические мировоззрения джадидов и их проекция будущего Туркестана (Туркистон мустақиллиги ва бирлиги учун кураш саҳифаларидан). Т.: «Фан», 1996; *Содиқов Ҳ.* XX аср бошларида Туркистонда чоризмнинг мустамлакачилик сиёсати ва истиқлол учун кураш. Докторлик диссертацияси. Т.: 1994; *Исхаков Ф.* Национальная политика царизма в Туркестане (1867—1917 гг.). Т.: «Фан», 1997.

олимлар содир бўлган воқеа аҳамиятини теран англаб етганлари ҳолда, бу буюк ўзгариш моҳиятини дафъатан илғаб ололмаган тарихнавислар ҳам бўлди. Қолаверса, ўтмишни қўмсаш вазасаси ҳам бу йилларда ёзилган айрим асарлар саҳифаларида акс этмай қолмади.

Шу тариқа, тарихшуносликка доир асарларнинг тўртинчи даврига оид бу босқичда уч ҳолат, уч хил жараён ва қарашлар мавжудлиги кўзга ташланади.

Биринчидан, шўролар Иттифоқи парчаланишидан, унинг ўрнида ёш, мустақил Ўзбекистон каби давлатларнинг майдонга келишидан норози бўлиб, ўтмишни қўмсаб, тарихий жараёнларга эскича «улуғ рус» миллатчилиги, буюк шовинистик сиёсат ва гоёлар нуқтаи назаридан ёндошиб иш қўрувчи (В.Пиккуль, А. Солженицин, В.Жириновский, М.Попов, Б.Костин, В.Дубовицкий ва бошқалар) сиёсатдонлар, адиблар, тарихчи ва журналистлар подшоҳлик Россияси босиб олган ҳудудлар «Россия ерларидир, бу ерлар буюк Россиянинг кичик бир «уезди» ёки «губернияси» бўлиши керак, деб аюҳаннос солишда давом этмоқда. Улар рус қўшинлари томонидан Ўрта Осиёнинг ҳарбий йўл билан истило қилинганлигини ҳар жиҳатдан оқлаб, бу мудҳиш ишни амалга оширганларни миллий қаҳрамонлар даражасига кўтармоқдалар.

Иккинчидан, ўзимиздан чиққан миллий тарихчиларимизнинг айрим вакиллари ҳамон ўша қизил салтанат даврида шакланган мезон, концепция асосида иш қўриб, «Ўрта Осиёнинг Россияга қўшиб олинганини», «Ўрта Осиёнинг Россияга қўшилишининг халқаро аҳамиятини» асослашга уриниб, собиқ мустамаккачилар олиб борган сиёсатни сохталаштирмоқдалар.

Учинчидан, қайта қуриш ва мустақиллик йилларида ўтмиш тарихимизга янгича ёндошиб, ундаги «оқ» ва «қора» доғларни бартараф қилиш нияти билан, тарихни қандай бўлса, шундайлигича, холисона, бўёқ ва андозаларсиз ёритишга ҳаракат қилаётган олим ва адибларимиз маълум даражада ижобий ишлар қилаётганликларини таъкидлаш мумкин.

«Ўзбек олимларининг куч-ғайратлари билан, — деб ёзган эди И.А.Каримов, — тарихимизнинг кўпдан-кўп гоёат муҳим саҳифалари, энг аввало, теуририйлар даври, XIX аср охири — XX аср бошлари тарихи янгидан кашф этилди. Шунини эсда тутиш муҳимки, ўтмишимизни «оқлаш» вазифалари умуман олганда бажариб бўлинди; ҳозир эса асосий вазифа тарихий таҳлилни илмий жиҳатдан холисона ва ҳалол амалга оширишдан иборатдир».¹

Ўзбекистон 1991 йил 31 августда истиқлолга эришгач, тарихшунослик фанида янги саҳифа очилди. Айниқса, бу борада

Каримов И. А. Ўзбекистон XXI бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т.: Ўзбекистон, 1997, 141-бет.

Президент Ислом Каримовнинг 1996 йил 18 сентябрдаги Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси қошида «Ўзбекистоннинг янги тарихи марказини ташкил этиш тўғрисида»ги тарихий Фармойиши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 16 декабрдаги қарори ғоят катта дастуруламал аҳамиятга эга бўлди.¹ Мазкур тарихий ҳужжатларда «Ўзбекистоннинг янги тарихи»ни тайёрлашдек ғоят улкан вазифа қўйилди. Буни амалга оширишда ХІХ асрнинг ўрталаридан ҳозирги кунгача халқимиз ҳаётида содир бўлган тарихий босқичларни ва ўзгаришларни тўла қамраб олишга эътибор берилиши алоҳида таъкидланди.

Шу ўринда Президент И.А.Каримовнинг тарихимизни буюк давлатчилик шовинизми ва агрессив миллатчилик руҳида, хусусан, Россия империясининг Ўрта Осиёда юритган сиёсатини талқин этувчи муаллифларни икки тоифага бўлиб, уларга берган таърифини келтириш лозим. Биринчи тоифа муаллифлари Россия империяси Туркистонда маҳаллий анъаналар ва асосларни йўқ қилмаган ва бузмаган ҳолда ўлканинг буржуача тадрижий ривожини рағбатлантирган эди, деб ҳисоблайдилар. Уларнинг фикрича, шўро Россияси, большевиклар аксинча иш тутган, шунинг учун Ўрта Осиё минтақасида зиддиятлар келиб чиққан. Эндиликда эса Россия Федерацияси минтақада барқарорлаштирувчи ролни ўйнаши мумкин эмиш. Иккинчи тоифа муаллифлари фикрича эса, мустамлакачилик мусулмон аҳолининг руҳиятига мутлақо ёт унсурларни олиб кирган. Шунинг учун вужудга келган аҳволдан қутулиш йўли сифатида ўлканинг ўз тарихий ва миллий негизларига қайтиш таклиф қилинади. Бунга эса минтақадаги давлатлар фақат қўшни мусулмон мамлакатларига эргашган, келажақда улар билан янада яқинроқ интеграцияга киришган тақдирдагина эришиш мумкин эмиш². Бу икки тоифа қарашларидан кўзланган асосий мақсад нималигини Президент И.А.Каримов равшан ифодалаб берган.

Россия империясининг Туркистондаги мустамлакачилик сиёсатини ёритиш борасида муаллифлар ана шундай қарашларга раддия берувчи ўз фикрларини тарихий далиллар билан асослаганлар.

Республика Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 24 июлдаги «Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Тарих институти фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори ҳам ўзбек тарихшунослигининг бундан буёнга йўналишини белгилаб олишда, ўзбек миллий давлатчилиги тарихини тадқиқ этишда, умуман тарихимизнинг концепциясини ишлаб чиқиш-

¹ «Халқ сўзи», 1996 йил 19 сентябрь; 1996 йил 17 декабрь.

² Каримов И.А. Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари, 54—55-бетлар.

да муҳим аҳамият касб этмоқда. Ўзбекистон янги тарихининг мазкур биринчи жилдини тайёрлашда юқорида зикр этилган давлат ҳужжатлари билан бир қаторда Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислом Каримовнинг асарлари, нутқ ва мақола-ларида илгари сурилган ғоя ва фикрлар методологик асос бўлиб хизмат қилганини алоҳида қайд этмоқ зарур.

Ислом Каримовнинг 1998 йил 26 июнда бир гуруҳ тарихчи олимлар, журналистлар, ижодий соҳа ходимлари билан бўлган учрашувда билдирган фикр-ғоялари, 1999 йил 2 февралда «Туркистон» газетаси мухбирининг саволларига берган жавоблари, 16 февралда Тошкентда рўй берган фавқулодда мудҳиш ҳодиса муносабати билан сўзлаган бениҳоя таъсирчан нутқида ижтимоий жараёнларимизнинг долзарб масалалари қатори тарихимиз ҳақида ҳам кўпдан-кўп дастуруламал, концептуал, янги талқинлар илгари сурилдики, улар ўзбек тарихшунослигининг ҳозирги тараққиёт босқичини, эски ҳолатдан янги ҳолатга ўтиши ва бундан кейинги устивор йўналишларини белгилаб бермоқда.

Муаллифлар ана шу мустақиллик руҳи билан суғорилган устувор услубий ва илмий-назарий йўл-йўриқлардан, методологик асослардан келиб чиққан ҳолда мазкур биринчи китобни имкон даражасида мукамалроқ яратишга ҳаракат қилдилар. Тадқиқот, шу тариқа, чор Россиясининг Ўрта Осиёни босиб олиши ва унинг бу ўлкада ўрнатган мустамлакачилик сиёсати оқибатларини ҳолисона ёритиш бўйича дастлабки қадамлардан бири бўлиб, ундан кузатиладиган асосий мақсад Россия ва собиқ шўро давлатининг Туркистон ўлкасида 130 йил давомида олиб борган мустабиллик сиёсати туб моҳияти ва юртни мажруҳ этган асорати сабабларини очиб бериш ҳамда Туркистон истиқлоли учун муттасил давом этган озодлик курашининг хусусиятлари ва қутлуғ интиҳосини ёритишдан иборат.

Мазкур биринчи жилднинг тадқиқот доираси қуйидаги масалаларни ўз ичига олади:

— босқин арафасида ўзбек хонликларидаги ижтимоий-сиёсий вазият;

— Россия империясининг ўзбек хонликларини ҳарбий куч воситасида истило қилиши ҳамда Туркистон ўлкасини мустамлакага айлантириш борасидаги сиёсати;

— подшоҳлик Россиясининг ўлка халқларини бошқариш соҳасида шафқатсизликка асосланган найранглари;

— мустамлака маъмуриятининг ўлкада руслаштириш сиёсатини амалга ошириши ва Туркистонда рус нуфусини кўпайтиришга интилиши;

— Россиянинг Туркистон ўлкасини хом ашё манбаига ва рус саноатининг ўтмас матоҳлари пулланадиган тобё бозорга айлантириши, яъни муттасил талончилиги;

— халқ маорифида русларнинг истилочилик манфаатларига

хизмат қиладиган манқуртлик ва жаҳолатни кўзда тутадиган ислохотлари, уларнинг асл моҳияти;

— ўзбек хурфикрлиги ва матбуотини ривожлантиришда жадидларнинг тарихий хизмати ва босқинчилар ҳокимиятининг уларга қарши олиб борган кураши;

— фан ва маданият, маънавият, дин ва эътиқод соҳасида рус подшоҳлиги тутган йўл ва унинг салбий оқибатлари;

— Туркистон халқлари сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва фуқаровий ҳуқуқларининг ҳукмрон давлат томонидан поймол этилиши;

— Россия салтанатининг Туркистонда жорий этган солиқ сиёсатининг эзиш ва талашга асосланганлиги;

— ўлкадаги озодлик ҳаракатлари ва улар ҳақидаги тарихий ҳақиқатни тиклаш.

Тадқиқот мавзуси бўйича асосий манбалар Ўзбекистон Марказий Давлат архивида мужассамлашган. Унинг тарихий жамғармасида Туркистон ўлкасидаги барча иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий воқеаларга оид катта ва кенг далилий материаллар ўрин олган.

Туркистон генерал-губернаторлигининг маҳкамаси жамғармаси (ГФ-1)да ўлка ҳаётининг барча масалаларига оид материаллар мавжуд. Рус мустамлака сиёсатининг барча устамонликлари худди шу жамғармадаги ҳужжатларда ўз аксини топган. Ана шу маҳкама жамғармасида Туркистон генерал-губернатори К. П. фон Кауфман (1867—1881), М. Г. Черняев (1882—1884), Н. О. Розенбах (1884—1889), А. Б. Вревский (1889—1898), С. Духовской (1898—1901), Н. А. Иванов (1901—1904), П. Н. Тевяшов (1904—1905), Д. И. Субботич (1905—1906), Н. И. Гродеков (1906—1908), П. И. Мишченко (1908—1909), А. В. Самсонов (1909—1913) ва бошқаларнинг императорга юборган ҳисоботлари ва ҳарбий вазирлик Бош штаби Осие бўлими билан ёзишмаларидан унумли фойдаланилди. Уларда подшо ҳукуматининг Ўрта Осиеда олиб борган мустамлака сиёсатининг туб моҳияти ўз ифодасини топган.

Китоб мавзусига доир қатор манбалар Туркистон вилоятлари ҳарбий губернаторлари бошқармалари жамғармаларидан (5, 17, 18, 19, 276-жамғармалар) олинган. Бу бошқармаларда хўжалик, молия, нарх-наволар, солиқ-мажбуриятлар каби қатор муҳим масалалар бўйича ҳужжатлар борки, уларнинг таҳлили ўлка тарихининг муҳим томонларини ёритишда бебаҳо манбалар вазифасини ўтайди. Тошкент шаҳар думаси ва бошқармаси (718,37), шаҳар бошлиғи (36), вилоятлар туманлари бошқармалари (20, 21, 22, 23, 24, 25, 300, 329), жабҳалар приставлари (172,298,319,327) жамғармалари ҳам шулар қаторига киради.

Туркистондаги миллий-озодлик ҳаракатлари, истиқлол учун кураш тарихи бўйича ҳалигача илмий муомалада бўлмаган талай ноёб ҳужжатлар рус сиёсий разведкаси—Туркистон туман

муҳофаза бўлими (461), Тошкент шаҳри рус қисми ва эски шаҳар полиция бошқармалари (462, 463), Жиззах шаҳар полиция пристави (531), Андижон, Скобелев шаҳарлари полиция бошқармалари (465, 590) жамғармаларидан топилди. Тошкент округ суд палатаси (129, 133), Туркистон ўлка округ судлари (128, 132, 278, 318, 350, 505), вилоятлар судлари (127, 134, 353, 310, 322, 504, 592, 593) жамғармаларидан ҳам зарур ҳужжатлар олинди.

Ўзбекистон халқлари тарихи Давлат музейи ва Тошкент тепловоз-вагон таъмири заводи музейида сақланаётган 1905—1917 йиллар воқеалари иштирокчиларининг эсдаликлари, ҳужжатлари (Д. Устабоев, С. Қосимхўжаев, О. Бобожонов, М. Мирходиев ва бошқалар) ва Туркистон вақтли матбуоти нашрларидан ҳам унумли фойдаланилди.

Империянинг ижтимоий ва сиёсий найрангларини фош этувчи қатор нсёб ҳужжатларни ана шу архивдан қўлга кириштиш мумкин бўлди.

XIX асрнинг иккинчи ярмида Туркистонда зўравонлик билан амалга оширилган рус истилоси ва бу босқинчиликнинг даҳшатли оқибатларига бағишланган қўлёзма манбалар — тарихий асарлар, ҳужжатлар, манзумалар ҳам беназир илмий аҳамият касб этади. Тарихшуносликда бу тажовуз тарихини ҳозирга қадар бир ёқлама, фақат рус манбалари асосида ёритишга интилиш кузатилади. Ҳолбуки, мустабиллар тўккан қонлар совмай туриб Тошкентда, Андижонда, Самарқандда, Бухорода, Қўқонда, Хивада, Наманганда, Қаршида, Жиззахда ва бошқа шаҳарларимизда ёзилган асарлар — улар хоҳ тарихий, хоҳ бадиий ёхуд ҳужжат бўлсин, тамомила унут бўлиб келди.

Рус истилосига доир қўлёзма манбаларни уч туркумга ажратиш мақбул кўринади. Бу жиҳатдан, тарихий асарлар биринчи туркумни ташкил этади, дейиш мумкин. Хусусан, Муҳаммад Солиҳ Тошкандий, Мулла Муҳаммад Ниёз Ҳўқондий, Аваз Муҳаммад Аттор Ҳўқондий, Муҳаммад Азиз Марғилоний, Муҳаммад Содиқ Мунший, Муҳаммад Абдулазим Сомий, Мирзо Олим Мушриф, Аҳмад Дониш, Комил Хоразмий, Мирзо Олим Тошкандий, Муҳаммад Фозилбек, Муҳаммад Ҳақимхон тўра, Исҳоқжон Жўнайдуллахожа Иброт, Аҳмад Закий Валидий асарларини шу сирага кириштиш мумкин бўлади.

Домулло Муҳаммад Солиҳнинг «Тарихи жадиди Тошканд» асари 1862 йилда ёзила бошланиб, 1886—1887 йилларда тугалланган. Икки жилддан иборат қилиб тузилган бу асарнинг биринчи қисмида ислом ва умуман, ўрта асрлар Марказий Осиё тарихи ёритилган бўлса, иккинчи жилдда XIX аср Қўқон хонлиги кечмиши қаламга олинади. Муаррих 3 бобдан иборат бу жилдда фақат Қўқон хонлигида юз берган рус истилоси оқибатларини келтириш билан чекланмай, Бухоро амирлиги воқеаларига ҳам кенг тўхталади. Муаллифнинг Тошкент, Мар-

гилон, Наманган, Андижон, Самарқанд каби шаҳарларнинг руслар томонидан забт этилиши ҳақида ўзи гувоҳ бўлган воқеалар асосида фикр юритиши алоҳида қимматга эгадир.

Мирзо Муҳаммад Абдулазим Сомий Бўстонийнинг «Дорус-салтана Бухоройи шариф манғит султонлари тарихи» 1906 йилда ёзилган. Асар мамлакатда ҳукм суриб келаётган парокандалик, ўзаро низолар охир-оқибатда юртнинг мустамлакага айланиб қолишида асосий омил бўлганлигини англашда муҳим манба ҳисобланади. Айни вақтда асарда халқнинг босқинчиларга қарши мардонавор кураши манзараси ҳам ёрқин акс этирилади.

Мулло Муҳаммад Ниёз Хўқондийнинг «Тарихи Шоҳрухий», Аваз Муҳаммад Атгор Хўқондийнинг «Тарихи жаҳоннамойи», Исҳоқжон Ибратнинг «Фарғона тарихи», Муҳаммад Юсуф Баёнийнинг «Шажараи Хоразмшоҳий», Ҳожи Муҳаммад Ҳаким Сайид Маъсумхоннинг «Мунтахаб ут-таворих», Мирзо Муҳаммад Содиқ Муншийнинг «Мусаннофоти Мирзо Содиқ Мунший», Мирзо Олим Мушрифнинг «Ансоб ус-салотин ва таворих ул-ҳавоқун» (Қўқон хонлиги тарихи), «Тарихи Манзум», Муҳаммад Азиз Марғилонийнинг «Тарихи Азизий» (Фарғона чор мустамлакаси даврида), Аҳмад Донишнинг «Таржимат ал-аҳвол амирони Бухоройи шариф», Ҳамид бин ғози Бақо Ҳожанинг «Танзил ул-мисол зикр баён ал-аҳвол», Муҳаммад Фозилбекнинг «Мукаммал-и тарих-и Фарғона» асарларида ҳам рус истилосига дахлдор воқеа-ҳодисалар ба-тафсил баён этилади.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Шарқшунослик институти (ЎЗРФАШИ) жамғармасида сақланаётган ва юқорида зикр этилган тарихий асарлардан ташқари мавзуни тўлдиришда асқотадиган «Тарихи жадидаи Тошканд» (11072-рақамли), «Тарихи Алимқули амири лашкар» (12136-рақамли), «Алимқул жангномаси» (Холбек ибн Мулло Андижоний асари, 8816-рақамли), «Жангномаи Худоёрхоний» (Мулло Шамси асари, 599/1-рақамли), «Тазкирайи Султоний» (Мулло Васийжон асари, 592-рақамли), «Худоёрхоннинг сўнги кунлари» (Аҳмад Закий Валидий асари, 15743-рақамли), «Тазкирайи ҳазрати Мажзуб Намангоний» (2662/11-рақамли), «Фатҳномаи Султоний» (Мир Олим Бухорий асари, 1838-рақамли), «Тажовузи ўрус» (Қози Абдулвоҳид Садр-Сарири Балхий асари, 2260/IV-рақамли), «Тухфайи Шоҳий» (Мирзо Абдулазим Сомий асари, 2091-рақамли), «Зафарномаи Худоёрхоний» (Абдул Ғофур асари, 598-рақамли), «Тухфат ул-хоний» (Муҳаммад Вафо Карминағий асари, 5359/11-рақамли), «Тарихи амир Ҳайдар» (мулло Ибодулло Муҳаммад Шариф асари, 1836-рақамли), «Тарихчайи Туроний» (Умидиддин Маргиноний асари) сингари қўлёзма манбаларни ҳам истифода доирасига киритиш жоиз ҳисобланади. Бу тарихий манбаларнинг айримларида учрайдиган

чекланишлар, хонларнинг айрим хатти-ҳаракатларига ортиқча баҳо бериш жиҳатларидан қатъи назар, яқин ўтмишни ойдинлаштиришда улар аҳамияти бўлакчадир.

Иккинчи туркум манбалар бевосита маҳаллий ҳукмдорлар билан рус армияси кўмондонлиги ўртасида амалга оширилган сулҳга доир ҳужжатлар, тарихий шахсларнинг хотираларини қамрайди.

Рус босқинидан сўнг вужудга келган вазият, мустамлака сиёсатининг ўрнатилиши, вассаллик ситамлари, элчилик борди-келдилари ҳам қатор ҳужжатларда, эсдаликларда ўз ифодасини топади. Комил Хоразмий, Аҳмад Дониш ва бошқа элчиларнинг, шунингдек, амир Абдулаҳаднинг Петербургда қилган сафарлари ҳақидаги маълумотлар шулар жумласидандир.

Қўлёзма манбаларнинг учинчи туркуми мундарижасини бадиий асарлар: шеърлар, манзумалар ташкил этади. Рус истибодидан сўнг у келтирган «маданият ва маърифат»ни улуғловчи асарлар махсус буюртмалар асосида ёзилганлиги маълум. Бироқ, юртнинг фидойи шоирлари босқинчиликни қоралаб, унинг мудҳиш оқибатларини лаънатлаб шеърлар яратганлар. Жумладан, 1912 йилда Фулом Ҳасан Орифжонов матбаасида XVI аср шоири Мушфиқийнинг «Саду як банд» тўплами чоп этилган. Муҳими шундаки, тўпланда XIX аср иккинчи ярмида яшаб ижод этган қашқадарёлик шоир Ҳофиз Рўзибой Машраб ва Муҳаммад Амин Ҳўқондийларнинг рус истилосига доир манзумалари қўшиб берилган. «Ҳикмат» деб номланган ва шу асар охирида келтирилган шеърларда яссавийона руҳда босқинчиларнинг разил башараси, хотин-қизларга нисбатан қилган қабихликлари фош этилади.

Рус босқинчиларига қарши мардонавор курашиб ҳалок бўлган лашкарбоши Алимқул жасорати ҳақида 10 йил Сибирь бадарғасида бўлган ватанпарвар Мулло Ҳолбек ибн Мусо Андижоний дoston яратгандир.

Камина, Хаёлий, Носир, Таржимон сингари шоирларнинг асарларида ҳам рус босқини туфайли халқимиз бошига тушган кулфатлар ифода этилади. Бухоро амири, Ожиз тахаллуси билан шеърлар ёзган амир Абдулаҳад шеърларида ҳам ички афсус-надомат шарораси сезилиб туради. Шубҳасиз, ҳозирга қадар эълон қилинмаган, ўрганилмаган, аммо рус истилоси ҳақида бор ҳақиқатни бадиий гавдалантирган асарлар тарихий воқеликни холисона, бўёқларсиз идрок этишда муҳим манба бўлиб ҳисобланишга лойиқдир.

Айниқса, Туркистонда XIX аср иккинчи яримларида фаолият кўрсатган матбуот нашрлари, ватанпарвар зиёлилар, муаррихлар, олимлар, шоирларнинг юрт тақдири ҳақида катта қалб билан қайғуриб ёзган мақолалари, асарлари рус мустамлакачилигининг қабих моҳиятини, истиқлол учун олиб борилган тинимсиз курашларнинг қанчалик огир кечганлиги-

ни бугунги авлод теран англаб етишида бебаҳо манбалар бўлиб қолаверади.

Бундан ташқари, юртимиз тарихини илмий жиҳатдан тўлақонли ёритиш мақсадида, хусусан, Ўзбекистон янги тарихининг биринчи жилдини тайёрлаш асносида ҳолис манбалар — хорижий адабиётлардан, жумладан, хориждаги ватандош олимларимиз асар ва эсдаликларидан ҳам фойдаланилди. АҚШ, Англия, Франция, Германия, Туркия, Саудия Арабистони ва бошқа бир қатор чет давлатларда XIX аср охирларидан эътиборан Туркистонда кечган воқеа-ҳодисаларга одилона муносабат билдирилди, рус тажовузи, шўро салтанатининг бу ўлкадаги қонли ва қатағон сиёсати ҳақида ростгўйлик, ҳалоллик билан мушоҳада юритилди.

Китобда тарих соҳасида олиб борилаётган энг сўнги тадқиқотлар самараларидан ҳам кенг фойдаланилди. Юртим деб, элим деб ёниб яшаган, озодлик ва истиқлол учун курашда азиз жонларини фидо этган, аммо номлари ва ишлари ҳанузгача ўз баҳосини олмаган бобокалонларимиз фаолиятини ёритишга ҳоли қудрат ҳаракат қилинди.

Ҳамдам Содиқов, Рустамбек Шамсутдинов, Поён Равшанов ва Қамариддин Усмоновлардан иборат муаллифлар гуруҳи илмий меҳнати ва изланишлари самараси ўлароқ вужудга келган бу китоб ўз олдига қўйган мақсадга қай даражада эришганини баҳолаш азиз китобхонлар ҳукмига ҳавола қилинади.

Босқин арафасида ўзбек хонликларидаги ижтимоий-сиёсий вазият

«Нега жаҳонга Аҳмад Фарғоний, Муҳаммад Хоразмий, Ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Имом Бухорий, Амир Темур, Улугбек, Алишер Навоий, Бобур каби буюк сиймоларни берган бу миллат XVII—XIX асрларга келиб, то шу чоққача эришган юксалиш даражаларидан тушиб кетди? Нега сўнги уч аср мобайнида бошимиз қолоқликдан чиқмай қолди? Аجدодларимизнинг қаттиқ қаршилигига қарамай, чор Россиясининг ўлкамизни нисбатан осон забт этишида ана шу қолоқликнинг ҳам ўрни бўлмаганмикан?»

Ислом Каримов

Ватанимиз тарихи ўзбек давлатчилиги тараққиёти бир текисда кечмаганлиги, унинг силсиласида зафарли ва инқирозли даврлар бўлганлигидан гувоҳлик беради. Соҳибқирон Амир Темур асос солган салтанат энг йирик ва қудратли давлат бўлганлиги жаҳонга маълум. Амир Темур ўзидан қудратли давлатни, салтанат қуриш ва давлатни бошқариш қонун-қоидалари баён этилган машҳур қўлланма (дастур ул-амал)ни қолдирган эди. «...Фарзандларим ва авлодимдан бўлганларнинг ҳар бири, — деб ёзган эди у ўзининг тузукларида, — унга мувофиқ иш юритсин. Бу тузуклардан ўз салтанат ишларини бошқаришда қўлланма сифатида фойдалангайлар, токи мендан уларга етадиган давлат ва салтанат зарару таназзулдан омон бўлгай»¹. Соҳибқирон Амир Темур ворисларига «миллатнинг дардига дармон бўлиш», «заифларни қўриш ва йўқсилларни бойлар зулмига ташламаслик»ни уқдириб «адолат ва яхшилик қилмоқ дастурингиз, раҳбарингиз бўлсин» дея васият қилган эди. Аммо унинг дастури ва васиятларига амал қилинмади. Тахт, ҳокимият илинжида авж олган ўзаро ихтилоф ва ички курашлар, жангу жадаллар давлатни заифлаштириб, мамлакатни инқирозга ва парокандаликка олиб келди.

XVI аср бошларида заифлашиб бораётган темурийлар салтанатига Дашти Қипчоқ томондан кўчманчи ўзбеклар давлати ҳукмдори Муҳаммад Шоҳбахт Шайбоний ҳужуми бошланди. Шайбонийхон 1500—1501 йилларда Самарқанд ва Бухорони, 1504 йилда Ҳисор вилоятини, 1504—1505 йилларда Урганчни, 1506-1507 йилларда Хуросон пойтахти Ҳирот ҳамда Балхни,

¹ Темур тузуклари. Т.: Фафур Фулом номидаги нашриёт-матбаа бирлашмаси, 1991, 53-бет.

шунингдек, Марв, Машҳад, Нишопур, Тошкент, Фарғона ва Сирдарё ерларини забт этди. Қатъиятли саркарда Шайбоний-хон темурий шахзодалар орасида ўзига муносиб рақибни Заҳриддин Муҳаммад Бобур сиймосида учратди. Бу икки ўзбек саркардаси, икки шоир ва икки давлат арбоби иттифоқлашиб, темурийларнинг бутун Шарқ ва Фарбга ёйилган шуҳратини барқарор этиш, Соҳибқирон Амир Темур асос солган қудратли давлат шукуҳини янада тиклаш ўрнига, ўзаро кураш, уни эгаллаш билан банд бўлишди. Натижада, Мовароуннаҳр ва Хурсон ягона давлат таркибидан ажралиб кетди. Эронда кучайиб бораётган сафавийлар вазиятдан фойдаланиб, бу икки саркарда курашига аралашди. Мамлакатда парокандалик авжга миниб, аввалги қудратдан путур кетди. Бобо юртидан ажралган, охиrhoқибатда Ҳиндистонни забт этган Бобур ва унинг авлодлари уч аср мобайнида бу мамлакатни идора қилдилар.

Мовароуннаҳрда шайбонийлар сулоласи ҳокимият тепасига келади. Қарийб, бир асрга яқин давом этган шайбонийлар ҳукмронлиги даврида ҳам тинчлик бўлмади, қирғинборот урушлар, ўзаро ички курашлар давом этди. Шайбоний Убайдуллахон (1533—1539) тахтга кўтарилгач, Бухоронинг маъкеи ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий жиҳатдан анча кучайди ва Мовароуннаҳрнинг сиёсий-маъмурий марказига айлантирилди. Абдуллахон (1557—1598) даврида, 1557 йилда пойтахт расман Самарқанддан Бухорога кўчирилди ва бу сана тарихга Бухоро хонлиги ташкил топган йил бўлиб кирди.

1601 йилдан эътиборан Бухоро хонлигида ҳокимият аштархонийлар (жонийлар) сулоласи қўлига ўтди. 150 йилча (1601—1753) ҳукмронлик қилган аштархонийлар сулоласи даврида ҳам Бухоро хонлигида барқарорлик бўлмади. Хонлик вилоятларида ҳукмронлик қилувчи амирлар ва беklarнинг ўзбошимчилиги, марказий ҳокимиятдаги амалдорлар ўртасидаги ўзаро келишмовчилик, уруғчилик, маъке талашиш мамлакат тинчасини қуритди. Шунинг учун ҳам XVIII асрнинг биринчи ярмида Бухоро хонлиги ва Хива хонлиги Эрон шоҳи Нодиршоҳ зарбига учради. Ички низолар, маҳаллийчилик ва ўзаро курашлар заифлаштирган бу икки хонлик Нодиршоҳнинг таъсир доирасига тушди. Нодиршоҳни васий сифатида тан олган Муҳаммад Раҳим 1753 йилда ўзини Бухоро амири деб эълон қилди ва 1920 йилгача ҳукм сурган манғитлар сулоласига асос солди. Аммо у ички курашларга буткул барҳам беролмади. Натижада, Бухоро хонлигидан мустақил яна бир давлат ташкил топди ва у тарихда «Кўқон хонлиги» деб ном олди.

Кўқон атрофида яшаб турган ўзбек қабилаларидан бири минглар ўз етакчиси Шоҳрухбийни ҳокимият тепасига кўтардилар. Кўқон шаҳри четида жойлашган Тепакўрғон Шоҳрухбийнинг қароргоҳига айлантирилди.

XVII—XVIII асрларда қорақалпоқлар ороллик ўзбеклар билан биргаликда Орол ерларида ўз давлатини тузган эди. Бу давлат бирлашмасининг аҳолиси — қорақалпоқлар ва ўзбеклар қўшни халқлар билан яқин алоқада бўлган. XVIII асрдаги қорақалпоқлар ижтимоий ҳаётига уруғ-қабилаларга бўлиниш анъанаси хос бўлган. Бутун халқ икки катта қавм (орис) га — ўн тўрт уруғ ва қўнғирот қавмларига бўлинган. Ўн тўрт уруғ қавмининг асосий гуруҳини Хитой, қипчоқ, Кенагас, Манғит уруғлари ташкил этган, қўнғирот қавмига эса Шуллуқ ва Жавунғир уруғ бирлашмалари кирган. Барча гуруҳларни уруғ табақалари — бийлар ва ботирлар бошқарган. Улар билан мусулмон руҳонийлари яқиндан алоқада бўлган.

XVIII асрда жунғар ва қозоқ хонларининг босқинчилик ҳужумлари натижасида Сирдарё бўйларида яшаётган қорақалпоқларнинг бир қисми Янгидарё бўйларига ва Орол ерларига кўчишга мажбур бўлган. Янгидарё ерларида ўрнашган қорақалпоқлар учун юз йиллар қаровсиз қолган бепоён майдонларни ўзлаштириш қозоқ хонлари ва султонлари билан доимий тўқнашувлар натижасида жуда огир кечди. Шунинг учун ҳам археологлар Янгидарёдаги суғориш иншоотлари қолдиқларини «қорақалпоқ аجدодлари меҳнат жасоратининг буюк ёдгорликлари» деб ҳисоблайдилар.

Қорақалпоқ (Орол) ерлари XVII—XIX аср бошида Қувондарё ва Янгидарё ҳавзасини тўлиқ қамраб, Амударё этакларигача чўзилган эди. Лекин XIX аср бошида Хива хонлари Орол бўйи аҳолисини бўйсундиришга қаратилган ҳарбий ҳаракатларни бошлайди ва бу ҳаракатлар 1810 йили Муҳаммад Раҳимхон (1806—1825) даврида қуйи Амударёдан Янгидарёгача бўлган қорақалпоқ ерларининг Хива хонлигига қўшиб олиниши билан тугайди¹.

Шундай қилиб, жаҳон саҳнасида XVIII аср охири ва XIX аср бошларида буюк Темур салтанатини уч тарқоқ ўзбек хонлиги ўзида гавдалантирди.

1. РОССИЯНИНГ ХОНЛИКЛАРГА ДАСТЛАБКИ ТАЖОВУЗКОРОНА ҲАРАКАТЛАРИ

Кавказ, Волгабўйи, Сибирь ва Ўрта Осиё устидан ҳукмронлик қилиш рус подшоларининг азалий орзуси эди. Россия подшоси Иван Грозний ана шу орзуни амалга оширишни бошлаб берди. У XVI аср иккинчи ярмида Қозон, Аштархон ва Сибирь хонлиқларини босиб олди.

Рус давлати энди афсонавий бойлиқлар макони деб шуҳрат

¹ Қ а р а н г: Камолов С., Сарибоев К. Қорақалпоқлар. Рисола қўлёзмаси. Нукус, 1999, 1—3-бетлар.

топган Ўрта Осиё минтақасига кўз олайтириб, бу ердаги мавжуд хонликлар ҳақида кенг қўламда жосуслик маълумотларини тўплай бошлади. Бу ҳолат «Москва савдо компанияси» деб аталган ташкилотнинг вакили Антони Женкинсон бошчилигидаги элчиларнинг фаолиятида яққол намоён бўлди. Антони Женкинсон Ричард ва Роберт Жонсонлар билан биргаликда 1558 йилнинг апрелидан то 1559 йилнинг 2 сентябригача Бухорода бўлди, у ерда Абдуллахон II билан учрашди. Шайбонийлар сулоласининг салоҳиятли ва машҳур вакиллари билан ҳисобланган Абдуллахон рус подшосининг элчиси билан бўлган суҳбатда Россия, Англия ва Туркия давлатларининг ҳарбий қудрати, қурол-аслаҳаси ҳақида маълумот олишга қизиққан бўлса, Женкинсон ва унинг ҳамроҳлари Бухоронинг иқтисодий, ижтимоий-сиёсий аҳволи ва халқаро алоқалари ҳақида имкон қадар кўпроқ маълумот тўплашга интиладилар.

Рус давлати бундан кейин ҳам зўр бериб Ўрта Осиё хонликлари ҳақида маълумот йиғишда давом этди. 1620 йилда Иван Хохлов, 1669 йилда Б. А. ва С. И. Пазухинлар, 1675 йили эса В. А. Даудов бошчилигидаги элчиларини Ўрта Осиё хонликларига жўнатди. Улар Бухоро, Хива, Урганч ва Балхда бўлишиб, ўзбек хонликларининг иқтисодий-сиёсий ва ҳарбий аҳволи билан яқиндан танишдилар. Манбаларда XVII асрда Бухоро ва Хива хонликларида Россиянинг 9 элчиси бўлганлиги қайд этилган¹.

XVII аср бошларида рус казаклари Урганчга хуружлар уюштирганлар. Рус казакларининг Урганчга ҳужум қилиб катта ўлжалик бўлишгани, маҳаллий халқнинг уларга қарши курашгани хусусида тарихий манбаларда ишончли маълумотлар бор. Урганчнинг рус казаклари тарафидан босқин этилиши ва Хоразм халқининг тажовузкорларга қарши олиб борган кураши машҳур тарихчи олим Абулғозихоннинг «Шажарайи турк» асарида ёритилган. Жумладан, мазкур асарда шундай дейилади: «Ёйиқ теганда юругон ўруснинг қозоқиндин минг киши саратоннинг аввалги куни гофил келиб, Урганчнинг қалъасига кирди. Шаҳарда раъиятдин ўзга киши йўқ эрди. Хоннинг ўрдаси ва сипоҳ халқи Аму сувининг лабида эрдилар. Хивақда хонга киши чоптурдилар. Етти кунда хон келди. [Казаклар] Урганчда раъиятдин минг кишини ўлтирди ва минг қиз билан жувонни олди. Минг аробага яхши моллардан юклади. Бўз ва буёғли, палос ва тўн, тўшак-ястук мундоғ нимарсаларни барчасини ўтга ёқди. Буларни саранжом қилгунча етти кун бўлди. Андин сўнг [казаклар] Урганчдин чиқиб дарё лабига юруди. Араб Муҳаммадхон олдига бориб ўр қазди ва жанг қилди. Икки кун

Материалы по истории Узбекской, Таджикской и Туркменской ССР. Вып. 3, Ленинград, 1932, 255—495-бетлар. Бундан кейин қисқача МИУТТ деб қисқартма қилинади.

уруштилар, учинчи куни жибни зўр қилиб олиб, тақи босиб ўтди. Ўрус пиёда, бизнинг халқ отлиғ икки фарсанг ер юзунда яна ўр қазиб жанг қилдилар. Ўрус юклаган сувини тамом қилди... ўрус қон ича бошлади. Бешинчи куни қонни ҳам тавосутти. Ўзбек ҳар ердан тўп-тўп бўлиб чопди. Ўрусни ўлдуриб-ўлдуриб қайтди. Ул аробадан чиқиб урушар эрди. Ахир аробанинг ичиндан чиқа билмади. Ожиз бўлди. Еттиланчи куни барча иттифоқ бирлан чоптилар. Аробага келгандан сўнг отдин тушиб кўран ичига кириб қилични қўя бердилар. Халқ ўлжага юзбурғонда ўрус қочиб дарё лабига бориб Туқ қалъасининг қуйисиди яғочдин қалъа солиб балиқ олиб едида ўлтурди. Араб Муҳаммадхон бориб қабади. Тақи ўн беш кунда олди».¹

Шундай қилиб, рус казакларининг дастлабки талончилик қутқуси барбод бўлди. Кейинчалик Урганчга бостириб кирган Атаман Нечаев казакларининг тақдири ҳам шундай бўлди. Абулғозихон ёзади: «Биз дунёга келган йилнинг аввал баҳоринда (1603 йил) ўн етти киши ўрусга савдога кетар эрди. Қўш Ёйиқ теганда минг қозоқ ўрус бор эканди. Йўлда анга учрай қолур. Иккисини ўлтурур, сақлаган кишилардин Урганчнинг хабарин сўрар. Анинг бириси туркистонлик экандур. Ул айтур, Урганчнинг шаҳринда сипоҳдин бир киши йўқ эди. Сипоҳнинг яқин ўлтургани отлиға бир кунлик йўл. Шаҳарда танҳо раъият турур. Бир тарафи чўл. Агар чўл йўлидин юз минг лашкар борса, шаҳарга кирганда кўрар. Андин илгари кўрмас. Ёт юртли киши анча қўлидин ва тилидин келган саъй бирлан хушомадни қилди. Ўрус мунинг сўзиди фирифта бўлиб туркистонлини бошчи қилиб, минг киши келиб Урганчнинг Мирзо дарвозасиндин кирибди...

Отамиз [Араб Муҳаммадхон] ўрусдин бир киши қўймай кириб экандур»². XVIII аср бошида эса ана шундай хуруж кенг миқёсда амалга ошди. Бу хуруж Россиянинг биринчи императори Пётр I даврида бошланди.

1713 йилда Аштархонга келган маңғишлоқлик туркман савдогари Хўжа Нафас князь Михаил Самонов билан учрашади. Улар тезда ўзаро тил топишиб кетишади. Туркман савдогари ундан катта ваъдалар олади, Эроннинг Филон вилояти ҳукмдори бўлган, лекин айрим сабабларга кўра Россияга қочиб келиб насроний динига ўтган бу кимса Хўжа Нафасни Санкт-Петербургга таклиф қилади. Хўжа Нафас бу шаҳарда чўқинтирилган яна бир мусулмон-князь Бекович-Черкасский билан танишади. Хўжа Нафас унга Амударё соҳили олтин қумларга бойлиги ҳақида гапиради. У Россия учун олтиннинг нақадар зарурлигини яхши анлагани учун бу ҳақда Пётр I га ахборот беради.

¹ Абулғозий Баҳодирхон. Шажараи турк. Тошкент, "Чўлпон", 1992, 158—159-бетлар.

² Уша асар, 167-бет.

Шунинг учун Пётр I Хўжа Нафасни шахсан ўз ҳузурига чақиртиради. Хўжа Нафас у билан қилган суҳбатида қадим замонларда Амударё Каспий денгизига келиб қуйилганини, аммо, кейинчалик маҳаллий аҳоли дарёни тўғон билан тўсганини ва қуриган ўзан ҳам олтинга бойлигини айтади. Хўжа Нафаснинг маълумотларини айнан шу вақтда Санкт-Петербургга келган Сибирь губернатори Матвей Гагарин ҳам тасдиқлайди ва Ёркент шаҳри яқинида Сирдарё соҳилидан олиб келинган олтин намуналарини унга кўрсатади. Пётр I энди махфий режа тузиб, бу олтинларга эга бўлиш учун икки экспедиция жўнатишга қарор қилади. Капитан Иван Бухгольц раҳбарлигидаги биринчи экспедиция Сибирь орқали Тобольскдан Иртиш дарёси бўйлаб Ёркентга бориши керак эди. Бу гуруҳ 1715 йилнинг бошларида йўлга чиқиб, Ямишчев кўлига етиб боради ва у ерда истеҳком қуради. Аммо, бу ерларда яшаётган қалмоқ қабилалари ажнабийларнинг қалъасига ҳар тарафдан ҳужумлар уюштиравергач, Бухгольц орқага чекинишга мажбур бўлади¹. Ўрта Осиё орқали ўтиши керак бўлган иккинчи экспедиция эса Хива хонлигига бориши, унга рус гвардиясини таклиф этиши ҳамда Амударёни эски оқимига буриш имкониятларини аниқлаши, сўнг эса Бухорога ўтиб, амирнинг ҳам Россия паноҳи остига ўтишини таъминлаши лозим эди².

Бу экспедицияга подшо гвардияси Преображенск полки поручиги Александр Бекович-Черкасский раҳбар қилиб тайинланди.

Мавзуга оид ҳужжат

Пётр I нинг Бекович-Черкасскийга йўриқномаси

1. Амударё бир вақтлари Каспий денгизига кўйилган жойда 1000 чақиримни қамрайдиган ҳарбий истеҳком қурилсин. Амударё оқимини ва тўғонларини синчковлик билан урганиб, имкони бўлса эски йўлга буриб юборилсин. Сувни Орол денгизига йўналтирадиган тўғонлар бузилсин. Бу ишларни бажаришга қанча киши кераклиги аниқлансин.

2. Хива хонлигининг рус давлати тобелигига ўтишига эришилсин ҳамда бизнинг манфаатларимизга хизмат қилиш шarti кўтарса, ҳарбий қисм қолдирилсин. Агар хон рози бўлса ва шароити кўтарса, ҳарбий қисмни ўзи таъминласин. Бордию, буни қила олмаса, ҳарбий қисмни бир йил давомида таъминлаш кафолати берилсин, кейинги йиллардаги харажатлар эса унинг зиммасига юклатилсин.

3. Агар Хива хони розилик билдирса, у вақтда хон кишиларига икки русни қўшсин ва улар Сирдарё суви бўйлаб олтин борлигини аниқлаш учун Ёркентга жўнатилсин. Шунингдек, хондан савдогарларимизнинг Амударё бўйлаб Ҳиндистонга боришлари учун кемалар бериши сўралсин. Савдогарлар кетаётганларида қуруқлик ва сув йўлларини, дарё ва кўллларини, айниқса Ҳиндистонга борадиган йўлни яхши ўргансинлар ва маълумотлар тўпласинлар. Агар савдогарлар Ҳиндистонга Каспий денгизи орқа-

¹ Гуламов Х.Г. Из истории дипломатических отношений России с Бухарским ханством XVIII в. Ташкент, 1992, 40—44-бетлар.

² Уша жойда.

ли борадиган йул мавжудлигини эшитсалар, у вақтда шу йул билан орқага қайтсинлар ва курганларни қоғозга туширсинлар.

4. Хива хонидан Бухоро хонлигининг рус давлати тобелигига ўтишга хоши бор-йўқлиги аниқлансин. Бордию бундай истак булмаса, дўстлик муносабатлари ўрнатишга эришилсин.

5. Курсатилган топшириқларни амалга ошириш учун 4000 кишидан иборат мунтазам кўшин ва керакли кемалар ажратилсин. Бундан ташқари, Ёйиқ казакларидан 1500, эшкакчилардан 500 ва отлиқлардан 100 киши берилсин. Улар савдо карвонларини муҳофаза қилиш ниқоби остида Аштархондан ҳарбий қалъа ва шаҳар қуриладиган жойга, яъни Каспийнинг шарқий қирғоғига юборилсин. Кўшин командирлари барча жойлардаги туб аҳолига нисбатан хушмуомалада бўлсинлар. Шаҳарни қуриш учун зарур бўлган асбоб ва чўкичлар берилсин.

6. Денгиз офицерларидан поручик Кожин ва навигаторлардан 50 ёки кўпроқ киши ҳарбий қисмга қўшилсин. Кожин савдогар ниқобида иш юритиши, навигаторлар эса Ёркентга юборилиши лозим¹.

Пётр I нинг ҳарбий истеҳкомлар қуриш ва шу йўл билан Каспий денгизининг шарқий қирғоқларида рус давлатининг таъсирини ўрнатиш ҳақидаги кўрсатмасини бажариш учун у 69 кемада Каспий денгизи бўйлаб йўлга чиқди. Тикқараган деган жойдан Манқишлоққа келиб, бу ерда Авлиё Пётр номида ҳарбий истеҳком қурди. Иккинчи қалъа Красноводскда барпо этилди.

1717 йил кўкламида Бекович-Черкасский ўз кўшинининг бир қисмини йўл бўйига қўйиб, ўзи қолган аскарлари билан кемада Каспий денгизи орқали Гурьевга келди.

Қалмоқлар хони Аюка Бекович-Черкасскийни Хивадаги вазиятдан огоҳ қилади: «Менинг Хива хонлигига бориб келган одамнинг гувоҳлигига кўра, 2000 кишидан иборат хивалиқлар, қорақалпоқлар ва қозоқлар бирлашиб, чегара жойларда турибдилар. Улар йўллардаги қудуқларни кўмганлар ҳамда жанг қилиш ниятидалар. Йўлларда жазирама иссиқ оқибатида ўт йўқлигидан рус аскарлари оғир аҳволга тушиб қолмасинлар. Вазиятни батафсил тушунтириш учун 7 кишини юбормоқдаман».²

Бекович-Черкасский 3000 дан ортиқ кўшин билан 1717 йил май ойининг охири — июннинг бошларида Гурьевдан чиқиб, Хива томон юрди. Эмба дарёси ирмоғини кечиб ўтди, икки кундан кейин эса Багачат деган жойга келиб қўнди. Сўнгра Дукчон, Мансулмас, Чилдоп, Сан Дурали ва Янгисув сингари қудуқли манзилларни босиб ўтди. Бироқ, жазирама иссиқ ва ўтлар қовжираб кетганлиги сабабли кўшиндаги от ва туяларни боқиш ғоятда оғир кечади. Бекович-Черкасский Янгисувга келгач, тинчлик ва дўстлик элчиси сифатида бораётганлигини маълум қилиш учун Шерғозихон ҳузурига Михаил Каретовни жўнатди. Шундан кейин кўшин йўлда давом этиб, Шершик қудуғи ва Қорақумобод ариғи орқали Оққўл ариғи бўйига кел-

Россия Федерацияси Марказий Давлат ҳарбий-тарихий архиви, ВУА-жамғармаси, 35-иш, 57-варақ.

² Москвадаги Қадим Актлар Давлат Марказий Архиви (ЦГАДА), «Бухарские дела», кн. I, ч. II, 215—216-бетлар.



Искандарбек (Черкасский) экспедицияси қазиган қудуқ.

ди. Кўп ўтмай унинг ҳузурига Хива хони Шерғози номидан икки киши ва Каретовнинг бир одами келди. Улар хон номидан Бекович-Черкасскийга от, тўн ва турли матолардан иборат совға-саломларни топширди.

Ўз навбатида у ҳам Хива элчиларига дипломатик мулозатлар кўрсатади. Сўнг қўшини билан Хивага юришини давом эттиради. Пойтахтгача тўрт кунлик масофага етишганда Хива қўшини экспедиция билан тўқнашади. Уч кун давом этган жанг русларнинг ҳарбий устунлигини кўрсатади. Шерғозихон боқинчиларни қурол кучи билан енгиб бўлмаслигини англайди. Хива ҳукмдори руслар ҳузурига ўз элчисини юбориб музокаралар бошлайди.

Бекович-Черкасский ўз навбатида Хива ҳукмдорига ўзининг рус давлатининг элчиси эканлигини ва қорақалпоқлар ҳужумларидан сақланиш учун қўшин билан келганлигини маълум қилди. Орадан кўп вақт ўтмай, рус элчилари хоннинг лашкарбошиси Кулунбек ва Назархўжа исмли киши билан бирга келдилар. Қисқаси, ҳар икки томон бир-бирларига ҳужум қилмасликка аҳд қилдилар. Шерғозихон Эшонхўжа орқали Бекович-Черкасскийни ўз ҳузурига таклиф этди. Ниҳоят бунга розилик билдирган Бекович-Черкасский княз Михаил Самонов, бригадир Григорий Волков, 700 аскар ва бошқа кишилар билан хон ҳузурига йўл олади. У Пётр I ёрлигини, қимматли эгар-жабдуқ ўралқан от, мовут, ҳар бири 5 газдан бўлган турли газламалар, қаллақанд, кумуш идишлардан иборат совғаларни хонга топширди.

Шерғозихон дўстона суҳбатлар ва меҳмондорчиликлар уюштириб капитан-поручикни яқиндан таниш, мақсадини англашга уринади. Унинг бу уринишидан қуйидаги маълумотлар аниқланади. Асли Ватани Қабарда бўлган Искандарбек князь Голициннинг қизи Марияга уйлангач, насроний динига ўтган. Чўқинтириш маросимида Александр Бекович-Черкасский номини олган. Хорижга ўқишга юборилган. Сўнг поручик унвомида Преображенск лейб-гвардия полкига хизматга тайинланган. Подшонинг яқин ва ишончли мулозимига айланган. Хивага яқинлашганда рафиқаси Мария ва қизларининг Волгада чўкиб ўлгани ҳақида хабар олгач, дунёқараши ўзгарган. У Оллоҳнинг қаҳрига учраганини сезиб, яна мусулмонликка қайтган. Шерғозихон аниқлаган маълумотлар асосида Искандарбекка айланган Бековични қўшинни беш қисмга ажратишга кўндиради. Сўнг уларни қириб ташлайди. Хива хонининг тадбиркорлиги туфайли биринчи рус экспедицияси барбод бўлади.¹ Россиянинг Хивага элчилик ниқобида қўшин юборгани бу вақтда Бухорода катта безовталиқ уйғотган эди. Шунинг учун Бухоро хони Абулфайзхон 1716 йилда Хонқули тўпчибоши бошлиқ 61 кишидан иборат элчиларини Петербургга жўнатади.

Элчилар 1716 йилнинг 22 февралда Аштархонга етиб келди ва комендант М. Чириковга ўзининг ишонч қоғозини ва Абулфайзхоннинг мактубини топширди.

Айни вақт Пруссияда турган Пётр I нинг Петербургга қайтишини, кейин эса йўлларнинг очилишини кутган Хонқули тўпчибоши 1717 йилнинг май ойигача Москвада қолди. Уни зодагонлар, амалдорлар ва бой-аёнлар овунтириб турдилар, базмларига олиб боришди. Элчига Россиянинг бойлиги ва қудратини намойиш қилишга уринишди. 1717 йилнинг 26 июнида эса уни Петербургга иззат-икром билан кузатиб қўйишди.

Абулфайзхон Пётр I га ёзган мактубида икки давлат орасида дўстлик муносабатларини ўрнатиш ва ўзаро савдо-сотик ишларини ривожлантириш истагини билдирган эди. Бухоро хони ўз мактубида Аштархонда айрим мусулмонларнинг туҳматга учраб, бегуноҳ ҳибсга олинганлигини таъкидлаб, уларнинг озод қилинишини илтимос қилган.

1717 йилнинг 3 июлида Россия ҳукуматининг топшириғига кўра, Ташқи ишлар маҳкамаси ходими Пётр Курбатов Хонқули тўпчибошининг ҳузурда бўлди. Аммо, элчи Бухоро хонининг ёрлиқ ва мактубини шахсан Пётр I га топшириш лозимлигини айтиб, подшонинг Россияга қайтишини кутди².

Рус муаррихи М.Терентьев Бекович-Черкасскийни 6 минг рус аскар ва зобитларининг ҳалокати сабабқори деб ёзади. Уни насронийликдан мусулмонликка қайтганини хиёнат деб ҳисоблайди. Искандарбек ўзи Хива тахтига ўтирмоқчи бўлгани учун Шерғозихон томонидан ўлдирилган деган тахминни илгарди.

² ЦГАДА, 109-жамғарма, «Бухарские дела», 1-китоб, 2-қисм.

• 1717 йилнинг 10 октябрида Санкт-Петербургга қайтган Пётр I Бухоро элчисини 26 октябрда қабул қилди. Шоҳларга хос одат бўйича Пётр I элчидан Бухоро хонининг саломатлигини суриштирди. Шундан кейин Бухородан келтирилган совға-саломлар топширилди. Хонқули тўпчибоши Абулфайзхоннинг ишонч ёрлигини топширгач, асир этилган бухороликларнинг озод этилишини илтимос қилди.

Бекович-Черкасский экспедицияси ҳалокатидан сўнг ўз ражасидан қайтмаган Пётр I энди ўз нигоҳини Бухорога қаратади. Шунинг учун подшо ва унинг вазирлари, хусусан, зобитлар элчига зўр қизиқиш билан қарадилар. Улар Хонқули тўпчибоши қачонлардир Оренбург гарнизони капрали Андрей Родиков бўлганини эшитишган эди. Асир тушиб қолган бу зобит Хивада қул тариқасида сотилгани, Бухоро шаҳзодаси Абулфайз уни ўз хизматига олиб, армияда катта лавозимга қўйгани тарихини ҳам билишарди. Андрей Родиков ўз даражасига кўра, генералдан ҳам юқори унвондаги Бухоро амалдори экани ҳам бу қизиқишни оширган эди. Собиқ капрал энди Хонқули тўпчибоши номида қирқ йилдан сўнг ўз ватанида ўзга юртнинг элчиси сифатида турарди¹. Пётр I Бухоро элчиси билан қилган шахсий суҳбатида унинг бутун тарихини билиб олди ва унга хурмати ошди.

Хонқули тўпчибоши Абулфайзхоннинг топшириқларини бажариб бўлгач, Бухорога қайтиб кетиши олдидан хотини ва қизи Петербургда умрбод қолмоқчи эканини подшога айтганида Пётр I элчининг бу илтимосини қондиргани ҳам бежиз бўлмаган. Ўз бурчига содиқ бу рус зобитининг Бухоро хонига садоқати подшони ажаблантирди.

Пётр I Россиянинг Бухоро билан яхши муносабатда бўлиши сиёсий мақсадларда қўл келишини яхши англади. Шунинг учун у Абулфайзхонга ёзган жавоб мактубида ўзаро савдо-сотиқ алоқаларини йўлга қўйишдан мамнунлигини билдирди ва бундан буён Бухоро савдогарларидан бож-хирож олинмаслигини хабар қилди.

Бухоро хонининг Россиядаги асирларни озод қилиш ҳақидаги илтимоси ҳам ижобат топди: «Ўта хавfli жиноят содир этиб, ўлим жазосига лойиқ бўлган» бухоролик икки киши умрбод сургун қилинди, бошқалари озод этилдилар². Пётр I Абулфайзхоннинг Бухорога «идрокли одам»ни элчи қилиб юбориш тўғрисидаги илтимосига алоҳида эътибор билан қаради. Чунки Бухоро хони Абулфайзнинг Пётр I дан ўз элчисини юборишни илтимос қилиши рус ҳукуматининг манфаатларига тўла мос келар эди. Бухорога боришга ҳозирлик кўраётган Флорио Бене-

¹ Ўша жойда, 177-варақ.

² Яковлев П. Русский капрал Толчи баши Бухарского хана. Отеч. Зап. ч. II, СПб, 1822, 366—370-бетлар.

вени бошчилигидаги элчилик жамоасининг тараддуди Абулфайзхон илтимосига жавоб бўлди.

Рус подшоси Пётр I ҳузурида юқори лавозимда турган Ф.Беневени асли италиялик бўлиб, «форс ва турк тилларини яхши билар, ўзига топширилган элчилик вазифасини бажара оладиган даражада бой тажрибага эга» одам эди.

Ф. Беневени бошлиқ элчиларни жўнатиш билан шахсан Пётр I ҳамда унинг энг яқин ёрдамчилари: канцлер Г.Головкин ва унинг ўринбосари П.Шафировлар шуғулланганлиги учун Бухоро хони Абулфайзхон ҳам бу ташрифга ўта қизиқиш билан қаради.

Флорио Беневени элчилигининг мақсад ва вазифалари 1718 йилнинг 13 июлида имзоланган махфий йўриқномада очиқ-ойдин кўрсатиб берилган. Етти моддадан иборат ушбу йўриқномада Ф. Беневенига ўз сафари чоғида иқтисодий ва географик аҳамиятга молик ерларни бухороликларга сездирмасдан эслаб қолиш, Каспийга қўйиладиган катта-кичик дарёлар ва мавжуд кемалар, шаҳарлар ва истеҳкомлар ҳақида маълумот тўплаш топширилган эди. Бу топшириқлар ичида унинг ҳам Бухорода Эрон элчиларига кўрсатиладиган даражада иззат-икром билан кутиб олинишига эришиш лозимлиги алоҳида уқтирилган эди. Бундан ташқари, Ф. Беневени Бухоро хонлигининг қалъалари ва қўшинларининг умумий сони, армиясининг тузилиши ва аҳволи, бошқариш усули, Бухоронинг Эрон, Хива ва Туркия билан муносабатлари ҳақида тўла маълумот тўплаши ҳамда Россия билан Бухоро давлати ўртасида савдо-сотиқни ривожлантиришда мавжуд имкониятларни аниқлаш билан бирга, Ўрта Осиё дарёларидаги олтин заҳиралари ҳақида маълумотлар тўплаши ҳам лозим эди. Ф. Беневенига Бухоро хонига соқчилик учун рус гвардиясини таклиф этиш ва бу ишнинг осон кечиши учун Хонқули тўпчибошининг кўнглини топиши алоҳида уқтирилган.

Рус подшоси Пётр I Ф.Беневенини жўнатиб, хонликнинг иқтисодий, ҳарбий, фуқаролик ва дипломатик аҳволи ҳақида етарли тасаввурга эга бўлмоқчи эди. Чунки Россия учун хавф қудратли Усмонли турк давлати томонидан кутилган бўлиб, Туркиянинг Эрон ҳисобига янада кучайиши ва Ўрта Осиёга кириб бориши натижасида Россияни мушкул аҳволга солиб қўйиши эътиборга олинган эди.

Россиянинг Бухоро билан «дўстона» муносабатда бўлишга уриниши айна пайтда Хива билан бўлган муносабатларининг узилиши билан ҳам боғлиқ эди. Иккинчи томондан, Ф. Беневенига берилган йўриқнома бирмунча вақт олдин Эронга юборилган А.Волинскийнинг вазифаларига жуда ўхшар эди. Пётр I Бухоро ва Эронга ўз элчиларини юбориб, диққатини Шарққа қаратган ва бу ерларда Туркиянинг таъсирини синдириш пайига тушган эди. Шу тариқа, керакли кўрсатмалар олган Ф. Бене-

вени 1718 йилнинг 13 ноябрида Аштархонга етиб келди ва Бухорога жўнаётган Хонкули тўпчибоши билан учрашади.

1721 йилнинг 6 ноябрида Ф.Беневени ва унинг ҳамроҳлари Бухорога етиб келдилар. Рус элчиларининг Бухорога келиши айрим маҳаллий зодагонларга ёқмади, улар руслар таъсирининг ортиши ўзларининг мавқеларига футур етказишидан хавфсирар эдилар.

Шу пайтда Бухоро хонлигида ўзаро уруш-талашлар авж олиб, мамлакатнинг бошқарув тизими анча заифлашган эди. Хонликда олий лавозим — оталиқ мансабини таллашиб қилинган ҳаракатлар туфайли амалдорлар икки қарама-қарши гуруҳга ажралиб қолган эди. Масалан, Россия элчилари Бухорога келгач, орадан бир ой ўтар-ўтмас, Фарҳодбий оталиқ ўлдирилади ва унинг ўрнини Муҳаммад Ҳақимбий эгаллайди.

Бухоролик амалдорларнинг кўпчилиги Россияга қараганда Эрон билан яқин муносабатда бўлиш тарафдори эдилар. Шунинг учун улар хон томонидан Бухорога кейинроқ келган Эрон элчисини Ф.Беневенидан олдин қабул қилишига эришмоқчи бўлдилар. Аммо, халқаро нуфузда Эрон Россия билан тенглаша олмаслигига ақли етган Абулфайзхон Ф.Беневенини аввал қабул қилди. Хон Россия салобатига керагидан ортиқ даражада ҳурмат билан қарар эдики, буни суъиестемол қилган такаббур Ф.Беневени муқаддас шаҳарда қабул қилинган одатни бузиб яёв эмас, отлиқ кирди, гўё бу удумни билиб-билмасликка олди.

Россия элчиси Бухорода 3 йилдан ортиқ турди ҳамда Бухоро ва Хива давлатининг ички-ташқи сиёсати, иқтисодиёт, табиий бойликлари ҳақида қимматли маълумотлар тўплади. Бу юмушларнинг ҳаммасини бажариш, табиийки, жуда қийин эди. Бунинг устига, амалдорларнинг кўпчилиги Беневенига нисбатан яхши муносабатда эмас эдилар. Шунинг учун Беневени ўзига хайрихоҳ бўлган ва ҳатто хонга ҳам таъсир этиши мумкин бўлган хўжа Улфат ёрдамидан фойдаланди.

Ф. Беневени Абулфайзхон билан яккама-якка учрашиб, Россиянинг ёрдамини таклиф этмоқчи эди. Аммо Россия элчиси бу ниятига эриша олмади. Россияга жуда катта умид билан қараса-да, хўфёна учрашув сарой амалдорларининг шубҳасига сабаб бўлиши мумкинлигидан чўчиган Абулфайзхон Беневени билан доимо бошқалар иштирокида суҳбатлашган. Ф.Беневени пихини ёрган дипломат бўлганидан, Абулфайзхон турли зодагон гуруҳларнинг ногорасига ўйнайдиган кўғирчоқ хон бўлиб қолганлигини англаб етган эди. Айти пайтда Бухоро ва Хива хонлари ўртасида зиддиятлар авж олиб борарди. Бухоро хони Абулфайз ўзининг сиёсатидан норози бўлган амирларнинг Хива хони Шерғозихон билан яширинча тил бириктириб, Бухоро тахтига тажовуз қилишни кўзлаган сиёсатидан хабардор эди. 1721 йилда Шерғозихондан норози бўлган бир гуруҳ хиваликлар ёрдам сўраб Бухорога келдилар ва Абулфайзхон бир

неча марта Урганчга юриш уюштирди. Аммо бухороликлар ҳар сафар мағлуб бўлиб, чекиндилар. Уч йил давомида хонликда кечган бу воқеалар, табиийки, Ф. Беневенининг назаридан четда қолмади. У имкон топиб бу ҳақда Пётр I га маълумот жўнатиб, бунда асосий айбдор деб Хива хони Шерғозихонни кўрсатди ва мабода рус қўшинлари Хивага киргудек бўлса, Бухоро хони бундан хурсанд бўлишини маълум қилди.

Шерғозихон эса қалмоқ ва нўғай савдогарларидан Россиянинг жанубга томон юришга ҳозирлик кўраётганини эшитгач, ваҳимага тушди ва Бухорога элчи жўнатиб, Хивага хавф солаётган кулфат эртага Бухоронинг бошига ҳам тушиши мумкинлиги, шунинг учун ўртадаги низони бартараф этиб, умумий душманга қарши биргалашиб курашишни таклиф қилди. Аммо унинг элчилари Абулфайзхонни ўз таклифларига кўндиролмадилар.

Хонликдаги вазиятни чуқур таҳлил қилган Ф. Беневени Бухоро салтанатининг беқарорлиги ва айниқса, ички ихтилофлар уни босиб олишни осонлаштиради, деган ҳулосага келади. У ўзининг яна бир махфий вазифаси мамлакатнинг олтин захиралари билан ҳам қизиқиб, керакли маълумотларни тўплади.

Пётр I Хонқули тўпчибошининг ҳикояси, Кантемирнинг «Тизим китоби ёки Муҳаммад динининг аҳволи»¹ асари ва Беневени ахборотларидан ислом динининг моҳиятини, аҳамиятини англаб олди ва ундан империя манфаатлари йўлида фойдаланиш учун махфий режа тузди. Бу режага кўра, империя таркибидаги мусулмон ўлкаларида ислом уламолари насроний руҳонийларга қараганда катта ҳуқуқ ва имтиёзларга эга бўлиши лозим эди. Пётр I нинг узоқни кўзлаб тузилган режасида ўзбек хонликларини тобеъ қилиш учун қозоқлар даштида русларнинг таъсирини кучайтириш алоҳида ўрин эгаллади.

Бу вақтда, яъни XVIII асрнинг биринчи чорагида, кўчманчи қозоқлар Ёйиқ дарёси ва Каспий денгизидан Хива хонлиги чегарасигача бўлган улкан ҳудудда, Катта, Ўрта ва Кичик жузга бўлинган ҳолда, истиқомат қилар эдилар. Қозоқ султонлари ўртасидаги ўзаро урушлар уларни тобора заифлаштириб бормоқда эди. Шу ҳудудда яшаган қалмоқлар ҳам тез-тез қозоқлар устига юришлар қилар, ўзаро қонли тўқнашувлар бўлиб турарди.

Қозоқларга 1723 йилдаги очарчилик жуда қимматга тушди. Улар ночор бир аҳволда ташқаридан ёрдам кутдилар. Кичик жуз оқсоқоли Абулхайрхон 1730 йилга келиб Россия давлатига мурожаат қилиб, ўз жузининг Россия паноҳига олинишини сўради. Кичик жуз ва бошқа жузлардаги айрим зодагонларнинг қаршилигига қарамай, Кичик жуз 1732 йилда Россия империя-

Mehmet Saray. Rusisgali Devrinde Osmanli Devleti ile Turkistan Hanliklari Arasindaki siyasi Munasebetler. Istanbul, 1990, s-11.

си ҳимоясига ўтди ва Абулхайрхон чўл орқали Ўрта Осиёга ўтадиган ва у ердан қайтадиган рус савдо қарвонларини талончилик ҳужумларидан ҳимоя қилишни ўз зиммасига олди. Кейинроқ — 1739—1740 йилларда Ўрта жуз, 1747 йилда Катта жуз ҳам Россия тобелигига олинди. Кичик, Ўрта ва Катта жузнинг Россия тобелигига ўтиши билан рус ҳукуматининг Ўрта Осиё томон ҳаракат қилиши учун қулай имконият юзага келди. Рус ҳукумати топшириғига биноан қозоқ даштларида мустаҳкам ўрнашиб олиш ва ўзбек хонликларини босиб олишга тайёргарлик кўриш мақсадида кўплаб ҳарбий қалъа ва истеҳкомлар қурилди. Фақат XVIII асрда қозоқ жузлари ҳудудида 46 та катта ва 96 та кичикроқ ҳарбий қалъа ва истеҳкомлар қурилди ва уларга ҳарбий қисмлар жойлаштирилди.

Россия ҳукумати ўзининг мустабидлик манфаатлари йўлида ўзбек хонликларининг савдогарлари фаолиятини чеклаб қўйишдан ҳам тоймаган. Бундан ташқари, Россия стратегик хом ашё ҳисобланган металлларни (мис, қўрғошин ва бошқа), улардан ишланган буюмларни Ўрта Осиёга чиқаришни таъқиқлаган эди. Бундай сиёсатдан норозилик Бухоро ва Хива хонларининг Россияга юборган элчиликлари фаолиятида катта ўрин эгаллаган. Улар рус савдогарлари ўзбек хонликларида эркин савдо қилаётганларини эслатиб, шундай шароит ўзбек савдогарларига ҳам яратилиши кераклигини Россия ҳукумати олдига қўйишган. Аммо ўзбек савдогарлари бундай чеклашларга қарамай, тadbиркорлик билан иш юритиб, Россиядан ўз мамлакати мудофааси учун зарур хом ашё ва буюмларни олиб келишган. Эрназар Мақсуд ўғли ана шундай тadbиркорлардан бири эди.

Мулоҳаза учун ахборот

Элчи савдогар

Табиатан иқтидорли, мадрасада таҳсил олган, юрт таниган Эрназар Мақсуд ўғли ҳам саёҳат, ҳам тижорат мақсадида Россия билан яқиндан танишади.

Россия давлатининг архивларида Бухоро амирлиги ана шу фуқаросининг шахси ва фаолиятига доир ҳужжатлар сақланади. Ҳукумат арконларининг ҳужжатларида у дастлаб мулла, савдогар ва дипломат сифатида тилга олинади. Россия империяси Давлат кенгаши ва ҳукуматига тегишли ҳужжатларда, хусусан, унинг ўлимига оид хабарда Эрназар Мақсуд ўғли «миллатига шон-шараф келтирган» шахс сифатида улуғланади. Унинг 1745 йилдан 1780 йилгача Россия билан боғланган фаолиятига ниҳоятда юқори баҳо берилади¹.

Хўш, бундан 250 йил муқаддам Россияда шуҳрат қозониб, унинг подшолари эътибори ва ҳурматини қозонган бу зот ким эди? Биз куйида тижоратни сиёсат, шахсий фойдани юрт манфаати билан узвий боғлаб иш юритган Эрназар Мақсуд ўғли фаолиятидан айрим жиҳатларнигина ёрита-япмиз, холос.

¹ Қ а р а н г: Х. Г. Гуламов. Из истории дипломатических отношений России с Бухарским ханством XVIII в, 81—95-бетлар.

1754 йилда Россия императричаси Елизавета ўз саройида Шарқ элларидан келган бир гуруҳ савдогарларни қабул қилди.

Гвардия зобитлари ёрдамида уюштирилган давлат тўнтариши натижа-сида тахтни эгаллаган Елизавета шижоатли ва тadbиркор аёл эди. У худди отаси Пётр I сингари Шарқ билан қизиқар, айниқса, нодир тошлар, қиммат-баҳо гавҳар ва дуру жавоҳирлар йиғишга ҳаваси бalaнд эди.

Елизавета савдогарлар билан суҳбатлашиб, уларнинг молларини кўздан кечиради. Унинг диққатини Бухоро савдогари Эрناзар Мақсуд ўгли жалб этади. У бошқа савдогарларга нисбатан узининг муомаласи, тавозелиги, дадил ҳаракатлари ва рус тилида эркин сўзлаши билан ажралиб турарди.

Бухоролик савдогар Елизаветадан пўлат ва кўрғошин сотиб олишга рухсат берилишини илтимос қилади. Ҳамма савдогарлар биринчи навбатда ўз манфаатини кўзласа, у ўз мамлакатининг мудофааси учун зарур нарсаларни сўрамоқда эди. Елизавета ўзи танлаган қимматбаҳо тошлар учун қанча тўлаш лозимлигини сўраганда, Эрназар Мақсуд ўгли ҳозиржавоблик билан мусулмон савдогарлари одати бўйича молларнинг энг сараси аввало юрт ҳукмдорига тўхфа этилишини баён этиб, барчани узига мафтун қилади. Ушанда сарой мулозимлари ҳам унинг тўхфаларидан баҳраманд бўлишди.

Эрназар Мақсуд ўғлига императрица учун зарур моллар рўйхатини бериб, уларни келаси йилгача олиб келишини тайинлашади. У шундай буюртмаларни сарой амалдорларидан ҳам олган эди. Шундан кейин Эрназар Мақсуд ўгли оддий савдогар эмас, балки Россия ҳукумати аъзоларининг шахсий таъминотчисига айланади. Унинг ўзи ва шериклари учун Россия бозори билан бирга барча идораларнинг эшиклари ҳам кенг очилди. У бундай кенг ваколат ва имкониятлардан ўз фойдаси учун эмас, балки, энг аввало, ватани манфаатлари йўлида фойдаланди. 1762 йили у Россия ҳукуматидан бухороликларнинг Маккага ҳаж қилиши учун Эрон орқали эмас, балки Аштархон орқали утишига рухсат берилишини илтимос қилди.

Елизаветанинг ўлимидан сўнг тахтга ўтирган император Пётр III Эрназар Мақсуд ўгли илтимосини қондиришга рози бўлиб, бу ҳақдаги фармонга имзо чекади. Шундан кейин мусулмонлар учун Маккага бориш йўли қисқариб, қулай имкониятлар тугилди.

1774 йилда Эрназар Мақсуд ўгли Бухоронинг расмий элчиси сифатида Аштархонга катта қарвон билан етиб келади. Божхона ходимларининг ҳисоб-китобига қараганда, у олиб келган молларнинг умумий ҳажми 40 тоннадан зиёд эди. Эрназар Мақсуд ўгли ўз юкларини кемада келтирган савдогар Пётр Вольнововиновга йўл ҳақи учун 1300 сўм тўлаган. Аштархон портининг божхона тафтишчилари ҳайъати ундан Россияга келтирилган моллари учун 2 минг сўм бож тўлашни талаб қилади. Аммо Эрназар бунинг рад этиб, Санкт-Петербургда махсус ваколати борлигига ишора қилади. У узининг яқин одамларини императрицага мўлжалланган совға-саломлар ва буюртма моллар билан зудлик ила пойтахтга жунатади. Эрназар божхонадаги даъволарни ва узига булган муносабат ҳақида канцлер Н.Панин номига аталиб ёзилган мактубни ҳам кўшиб юборади. Жавоб уни узоқ куттириб қўймайди. Санкт-Петербургда императрицанинг Эрназар Мақсуд ўглидан ҳеч қандай бож олмаслик ва уни зудлик билан пойтахтга утказиб юбориш ҳақида фармони келади.

Бухоро элчиси 1775 йил 27 март куни Россия ҳукумати бошлиғи канцлер Н.Панин томонидан қабул қилинади. 5 апрелда эса уни Екатерина II, валиаҳд Павел ва хос кишилар ҳурмат билан кутиб олишади. Эрназар Мақсуд ўгли элчи сифатида Бухоро ва Россия уртасидаги савдо-сотикни кенгайтиришга оид таклифларини баён қилади. У Бухоро савдогарларидан Россиянинг Аштархон, Оренбург каби чегара шаҳарларда олинадиган бож солиқларини камайтириш ва Россиянинг ичкарасидаги шаҳарларда эркин савдо қилишга ижозат берилишини сўрайди.

1775 йил 25 июнда Эрназар Мақсуд ўглини вице-канцлер Остерман қабул қилиб, унга Россия ҳукуматининг илтимосларини баён қилади. Бухоро элчиси вице-канцлернинг савдо-сотик йўллари, ички ва ташқи бозор

имкониятлари ҳақидаги барча саволларига жавоб берибгина қолмай, Бухоро — Россия алоқаларини кенгайтириш, янада ривожлантиришга оид қатор таклифларни ҳам киритдики, уларнинг айримлари Давлат кенгаши муҳока-масига киритилди. Ташқи Ишлар ҳайъати ҳужжатларида Бухоро элчиси шахсига доир рус амалдорлари берган юксак баҳолар келтирилган.

Эрназар Мақсуд ўглига Россия ҳукумати катта совға-саломлардан таш-қари, Каспий денгизидagi бир кемани шахсан тўхфа қилиб, унга савдогар сифатида империя ҳудудида беш йил давомида эркин савдо қилиш ва қиймати 10 минг сўмгача бўлган молларидан бож олмаслик ҳуқуқини бер-ди. Унга 15 минг пуд темир, 5 минг пуд пўлат, 3 минг пуд мис сотиб олиш ва Бухорога юборишга ижозат берилди. Яна шуни ҳам айтиш керакки, фармонда ана шу стратегик аҳамиятга молик моллардан бож олмаслик ҳақида ҳам алоҳида кўрсатма бор эди.

Императрица ўзига икки тоннадан зиёд атир-упа, доривор гиёҳлар ва турли-туман атторлик моллари келтирган Эрназарга миннатдорчилик си-фатида Бухорода ўз номи билан аталувчи мадраса қуриш учун катта пул инъом қилади¹.

Бухоро элчисига кўрсатилаётган мурувват ва ҳурмат Россиядаги бошқа давлатларнинг элчиларини ажаблантиради. Чунки улардан ҳеч бири импе-ратор саройида бундай эътиборга эга эмас эди. Хусусан, Туркия султони-нинг Россиядаги вакили шахсан Эрназар Мақсуд ўгли билан суҳбатлашади ва бу ҳақда ўз ҳукмдорига ахборот беради. Турк султони Бухорога одам юбориб, Эрназарни ўз саройига буюк элчи сифатида жўнатишни илтимос қилади.

Эрназар Мақсуд ўглининг Россиядаги нуфузи Бухоро ҳукуматини ундан янада унумли фойдаланиш кераклигига ундайди. 1779 йилда Бухоро ҳуку-мати Эрназар Мақсуд ўглини ўзининг Россия ва Туркиядаги буюк элчиси қилиб тайинлайди. Унга гоят қалтис ва мураккаб вазифа топширилади. Бу Бухоронинг таниқли савдогари, фозил уламози ва дипломатининг ҳаётида-ги янги вазифа эди.

Бухоронинг Россия салтанати ва Туркия давлатидаги буюк элчиси Эр-назар Мақсуд ўгли зиммасидаги асосий вазифа уша вақтда мусулмон дунёси-даги катта куч-қудратга эга бўлган Туркия билан алоқани мустаҳкамлаш билан боғлиқ эди. Шу билан бир вақтда, Россияда ҳам Бухоронинг таянч нуқталарини барпо этиш, нуфузли сиёсий-ҳарбий, савдо ва саноат доира-лари билан икки томонлама ўзаро манфаатли алоқаларни мустаҳкамлаши зарур эди. Бу ишда Эрназар Мақсуд ўглининг 35 йиллик тажрибаси, Россия ҳукумат арбоблари ва шахсан давлат бошлиғи императрица Екатерина II билан шахсий муносабатлари муҳим роль ўйнаши лозим эди.

1780 йил январида Санкт-Петербургга етиб келган Эрназар Мақсуд ўглини рус амалдорлари зур ҳурмат-эътибор билан қутиб олишади. Юксак лавозимдаги барча амалдорлар элчининг совға-саломларидан баҳраманд бўлишади. Шахсан Екатерина II унга ўзига келтирган Бухоро қовунлари учун миннатдорчилик билдиради. Ташқи ишлар коллегияси раҳбарлари унга Бухоро савдогарларидан олинадиган божнинг камайитрилганини ҳамда Маккага ҳаж қилувчи мусулмонлар учун барча қулайликлар ва йўл хавфсизлиги таъминланганини маълум қилишади.

Ҳукумат бошлиғи граф Никита Панин Эрназар Мақсуд ўглини рас-ман қабул қилиб, юксак мартабали меҳмон сифатида сийлайди ва яқин кунларда уни императрица қабул қилишини маълум қилади. Улар Бухоро-Россия савдо-сотиғи масаласига оид қатор шартномалар хусуси-да суҳбатлашадилар. Хусусан, Эрназар Мақсуд ўгли ҳукумат бошлиғига Бухорода рус савдогарлари эркин юргани ва қатор имтиёзларга эга бўлгани ҳолда, Бухоро савдогарлари Россияда куп қийинчиликлар, таъқиқ ва чекланишларга дучор бўлаётганини айтиб, тегишли чоралар қўрилишини илтимос қилади.

Эрназар ёки элчи мадрасаси деб аталувчи бу муҳташам бино Бухорода қад ростлаб, бутунги кунгача сақланиб келмоқда.

Рус дипломатлари Бухоро элчиси тақдим этган расмий ёрлиқ ва мактубларни чуқур ўрганиб, Бухоро ҳукуматининг Эрназар Мақсуд ўғлига берилган катта ваколатлари бежиз эмаслигини англадилар.

Бухоро хонининг мактубида, энг аввало, Россия императричасига ҳурмат-эҳтиром билдирилиб, сўнг Туркия султониинг исми-шарифи ёзилган эди. Бундан, дипломатия тилида айтилганда, биз учун биринчи ўринда Россия билан муносабат масалалари туради, деган маъно англашилди. Туркия билан уруш ҳолатида бўлган Россия Бухоронинг Туркия иттифоқчисига айланиши қандай оқибатларга олиб келишини яхши тушунган. Эрназар Мақсуд ўғли эса худди шу рус ҳудудидан Туркияга утиши керак. Бу Россия манфаатларига мутлақо зид бўлгани ҳолда, дини ислом марказига айланиб бораётган Бухоро учун гоёт муҳим ва зарур эди.

Эрназар Мақсуд ўғли зиммасидаги вазифа ана шундай мураккаб ва нозик эди.

Элчи ўзининг кўп йиллик танишлари ва алоқаларини ишга солди. 1780 йил апрелида Екатерина II Бухоро элчисини расман қабул қилиб, унга ва ҳамроҳларига илтифот кўрсатди. Элчи талабларидан кўпининг қабул қилиниши ва шахсий илтимосларининг бажо келтирилиши маълум қилинди. Императрица Бухоро фуқароларининг Россия орқали Маккага ҳаж сафарига боришлари учун шароит яратилишини ва Бухорога мис сотишга рухсат берилишини ҳам айтди. Екатерина II Эрназар Мақсуд ўғлини Туркияга етиб бориши учун фахрий соқчилар ажратилганини ҳам таъкидлади. Шу тариқа Бухоро элчисига нисбатан императрицанинг ҳурмати Россия манфаатларидан устун келди. Яна шу ҳам диққатга сазоворки, Россия ҳукмдори Бухорога йўллаган жавоб мактубида Эрназар Мақсуд ўғли император саройида ўз одами эканлиги боис, Бухоро хонининг илтимослари бажо келтирилажагини алоҳида таъкидлади. Шу билан Екатерина II ҳукумати Бухоро элчисига бўлган буюк ҳурмат ва эътиборини ошқора намоён қилган эди.

Россия бунга қадар ҳеч қандай давлат элчисига бундай марҳамат кўрсатмаган эди. Россия ташқи сиёсатини юргизувчи идораларнинг ҳужжатларида у «Россия билан яқинлашишни дилдан истайдиган киши» эканлиги, «ақлли, айёр ва тадбиркор» савдогар ҳамда «жуда тавозели ва билимдон» уламолиги кўрсатилади. Элчи паноҳида Маккага кетаётган кўпгина мусулмонлар ҳам рус соқчилари кузатувида Туркия ҳудудига етиб олишади. Туркия султони Эрназар Мақсуд ўғлини ҳурмат билан қарши олади. Уртада Бухоро ва Туркия муносабатларига оид суҳбатлар бўлиб ўтади. Суҳбатларнинг мазмунига доир ҳужжатлар XVIII асрдаги мусулмон олами, давлатлари ва сиёсати ҳақида қимматли маълумотлар беради.

Манбаларда Эрназар Мақсуд ўғли «Бухоро савдогари, карвонбоши, мулла ва элчи», «миллатига шараф келтирган», унинг обрусини чет элларда кўтарган ажойиб инсон сифатида таърифланади¹.

XVIII аср охири ва XIX аср бошларидаги Россия-Туркия уруши, Россия-Франция муносабатларининг кескинлашуви ва Наполеоннинг Россияга юриши Россия ҳукмрон доираларининг эътиборини Ўрта Осиёдан биров чалғитди. Тахтга Николай I (1825—1855) чиққач, вазият ўзгарди.

Кўқон хони Муҳаммад Али (1822—1842)нинг Россия тарафидан уюштирилаётган ифвогарликлардан жиддий ташвишланиб, ўз элчиларини Россияга юборгани бежиз эмас эди. 1825 йилда Тошкент қушбегиси хон номидан Соатбек Султонбековни Сибирга элчи қилиб жўнатади. Элчи Омскда рус маъмурлари томонидан қабул қилинади ва Қушбеги томонидан Сибирь генерал-

¹ Гуламов Х. Г. Кўрсатилган асар, 95-бет.

губернатори номига ёзилган махсус хатни топширади. Хатда, жумладан, шундай дейилади: «Қадим замонлардан бери Иртиш дарёсининг бу томонини биз, нариги томонини Россия назорат қилар эди. Лекин ҳозир биз олган маълумотларга қараганда, руслар Иртишдан бу ёққа ўтиб, бизнинг диндошларимиз ерида қурилишлар олиб бормоқдалар. Шу муносабат билан бизнинг хонимиз сиз жаноби олийларига ушбу хатни ёзишни ва бу қурилишларнинг сабабини сўрашни буюрдилар: Сиз бунини ўз ихтиёрингиз билан қилаётирсизми, ёки олий ҳазрат буйруғига мувофиқ бажаряпсизми? Ўз ҳукмдоримга батафсил ахборот беришни учун мени шу тўғрида хабардор қилишингизни сўрайман... Бундан ташқари, маълум қиламанки, руслар бизнинг давлатимизда савдо ишлари билан баъзан икки йиллаб қолиб кетади, лекин биз уларни динимизга киришга мажбур қилмаймиз. Шундай экан, сизлар нега бизнинг диндошларимизни ўз фуқаролигингизни қабул этишга мажбурлайсиз? Олдингизга бирор кимса илтимос билан келса, фуқаролигингиз ва динингизга киришни шарт қилиб қўясиз? Бирор кимса кўчиб боришга жой сўраса, яна шу шартни қўясиз? Шу боис сиздан бунинг сабабини менга маълум қилишингизни сўрайман, токи биз ҳам буларга қарши керакли чора кўрайлик»¹.

Хатдан Россиянинг тажовузқорона сиёсатига очиқ норозилик билдирилгани яққол кўриниб турибди.

Омск вилоят бошлиғи полковник Броневский Сибирь генерал-губернаторининг топшириғига биноан Тошкент кушбеги-сига жавоб хати ёзиб элчига топширади. Мазкур жавоб хатида шундай дейилади: «Кўп асрлардан бери улуғ Россия империяси қирғиз-қозоқ халқларига ва шимол денгизидан то Қора денгизгача бўлган катта-кичик қабилаларга ҳомийлик қилиб келади. Лекин қозоқ чўли савдо божидан ташқари, Қўқон ҳукмдорларига солиқ тўлагани, унга бўйсунганини ҳеч ким билмайди ва бу ҳақда маълумот йўқ»².

Юқорида келтирилган ҳужжат, ўз мазмунига кўра, қозоқ даштларида ҳарбий истеҳкомлар қуриш билан боғлиқ барча ишлар Россия ва маҳаллий аҳолининг «хоҳиш-иродаларига» кўра амалга оширилаётгани, бошқаларнинг бунга аралашшига ҳақли эмаслигини асослашга уриниш эканлигини кўрсатади.

Россия маъмуриятининг кўрсатмасига биноан Сибирда жойлаштирилган рус ҳарбий қисмлари XIX аср 30- йилларида Қўқон хонлиги томонидан Сарисув дарёси ва Улутовда қурилган ҳарбий қўрғонларни бузиб ташлади, усталик билан Шарқ томондан Қўқон хонлиги ҳудудларига суқулиб киришини эса давом эттиради.

Шунингдек, Россиянинг хонликларга тазйиқи Фарбдан —

¹ *Зиёев Ҳамид*. Туркистонда Россия тажовузи ва ҳукмронлигига қарши кураш, 82-бет.

² Уша жойда, 83-бет.

Оренбург томондан ҳам кучайиб борди. Ўрта Осиёни қўлга киритиш учун дастлаб қозоқ даштларини истило қилиш зарур деган Пётр I нинг васиятига изчил амал қилган Россия империяси қозоқ даштларида қурган ҳарбий истеҳком воситасида аста-секин Хива ҳудудига яқинлашмоқда эди. Империя сиёсатини амалга оширишда муҳим роль ўйнаган Оренбург генерал-губернатори Василий Перовский Хива хонлигини тиз чўктиришга киришди. У катта қўшин билан 1839 йилда Хива устига юриш бошлади. Хива хони Оллоқулихон ҳам ўзбек, қозоқ ва туркманлардан иборат бирлашган лашкар билан русларга қарши отланди. Охир-оқибат, Перовский қўшини зарбага учраб, орқага чекинишга мажбур бўлди. Бу ғалаба Россияга қарши кураш байроғини кўтарган қозоқ истиқлолчиларини ҳам руҳлантирди. Узоқ йиллардан бери қозоқларнинг мустақиллиги учун жанг қилаётган Кенесари Қосимов ҳаракати кенг қулоч ёйди. Хива хони унга доимо мадад бериб турди.

Кенесари Қосимов ўзаро низолар оқибатида ўлдирилгач, унинг 20.000 кишилиқ тарафдорларининг кўпчилиги Қўқонга, бир қисми Хива хонлиги ҳудудига ўтиб кетган эди. Бу қозоқлар энди Россия асоратида қолган биродарларига ёрдам бериш учун вақти-вақти билан рус қўшинларига ҳужумлар уюштириб турди. Бу ҳужумлар аста-секин босқинчиларга қарши партизанлик урушига айлана бошлади. Санкт-Петербургнинг ҳукмрон доиралари учун эса бундай ҳаракат келгуси режаларини пучга чиқариш хавфини туғдирарди. Хива қозоқлар мустақиллиги қалқонига айланди. Чиндан ҳам хонлик ўзбек ва қозоқ йигитларининг босқинчиларга қарши курашини ҳар тарафлама қувватлади. Шундай вазият вужудга келдики, эндиликда Хива бутун Осиёда Россиянинг жиддий рақиби сифатида танила бошланди.

Россия подшоси Николай I Хива хонлигини босиб олиш учун катта тайёргарлик кўриш ҳақида фармон чиқарди. Бу ҳақда ҳарбий вазир граф Чернишев 1840 йил 30 январда Оренбург генерал-губернатори Перовскийга махсус кўрсатма берди. Перовский қайта ҳужумга тайёргарлик кўришга киришди. Бироқ янги ҳужум катта маблағ ва ҳарбий кучларни талаб қиларди. Кийим-кечак, озиқ-овқат, транспорт воситалари етишмас эди. Шу боисдан, Николай I 1840 йил 19 майда Хива хонлигига янги ҳарбий юришни муайян муддатга кечиктириш тўғрисида фармон беришга мажбур бўлди. Бироқ рус қўшинлари чегараларда ҳарбий истеҳкомлар қуришни кучайтирдилар. 1845—1847 йилларда барпо этилган Тўрғай дарёси бўйидаги Оренбург, Иргиз дарёси бўйидаги Ёйиқ, Сирдарёнинг Орол денгизига қуйиладиган жойдаги Райим (Орол) қалъалари шулар жумласидандир.

2. ХОНЛИКЛАРНИНГ ГЕОСИЁСИЙ ЎРНИ, ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ ВА ИЖТИМОИЙ ҲАЁТИ

Бухоро амирлиги ўзбек хонликлари орасида ўзининг худудий ўрни, аҳолиси ва табиий ресурслари жиҳатидан муҳим мавқега эга эди.

XIX асрга келиб, Бухоро амирлигининг худуди қарийб 200 минг квадрат километрни ташкил этди. Унинг чегаралари жанубда Амударёнинг сўл қирғоғидан бошланиб, Сирдарёгача чўзилиб қозоқ жузлари билан чегарадош эди. Амирлик Шарқда Помир тоғларидан Фарбда Хива хонлиги чегараларигача бўлган худудни эгаллаб турарди. Бухоро ва Самарқанд каби йирик шаҳарлар жойлашган Зарафшон водийси амирликнинг марказий қисми ҳисобланарди. Қашқадарё ва Сурхондарё воҳалари, ҳозирги Тожикистон худудидаги Вахш, Кофирниҳон, Панж дарёлари водийсида жойлашган шаҳар ва қишлоқлар, шунингдек, Туркменистон худудига кирган Мурғоб дарёси воҳаларидаги ерлар ҳам Бухоро амирлигига қарар эди.

Бухоро амирлигининг пойтахти Шарқда энг машҳур шаҳар сифатида эътироф этилган Бухорои шариф эди. Йирик шаҳарлардан Самарқанд, Қарши, Шаҳрисабз, Китоб, Фузур, Термиз, Шеробод, Ҳисор, Душанбе, Кўлоб ва бошқалар амирлик тасарруфида эди. Марв ва Чоржўй шаҳарлари учун Бухоро амирлиги билан Хива хонлиги ўртасида, Жиззах, Ўратепа ва Хўжанд шаҳарлари учун Бухоро амирлиги билан Кўқон хонлиги ўртасида тез-тез урушлар бўлар, бу шаҳарлар қўлдан-қўлга ўтиб турарди.

XIX асрнинг биринчи ярмида Бухоро амирлигида 2 миллион атрофида аҳоли истиқомат қиларди. Аҳолининг катта қисми амирликнинг серсув воҳаларида яшар, жазирама иссиқ, сувсизлик ҳукмронлик қилувчи Қизилқум саҳролари ва чўллари деярли кимсасиз ястаниб ётарди. Зарафшон водийсида 300—350 минг, Қашқадарё воҳасида — 500 минг, Сурхондарё воҳасида — 200 минг, Шарқий Бухорода — 500 минг аҳоли яшар эди. Амирликнинг йирик шаҳарлари — Бухорода — 60 минг, Самарқандда — 50 мингга яқин нуфус истиқомат қиларди.

Аҳоли этник жиҳатдан кўпгина қавм-уруғлардан иборат бўлиб, уларнинг қарийб 57 фоизи ўзбеклар эди. Ўзбеклар бир қанча элатлардан ташкил топган бўлиб, улар орасида манғит, сарой, қўнғирот, жабғу, қарлуқ, қалмоқ, найман, қипчоқ, минг, юз қабилалари кўпчиликни ташкил этарди. Улар асосан Зарафшон, Қашқадарё ва Сурхондарё воҳаларидаги шаҳар ва қишлоқларда истиқомат қилар эдилар.

Аҳолининг аксарият қисми деҳқончилик, чорвачилик билан шуғулланган. Суғориладиган ерларда пахта, бугдой, шоли, жўхори экилиб, боғ ва полиз маҳсулотлари ҳам етиштирилган. Чорвачиликда қўйчилик, қорақўл етиштириш; ҳунармандчи-

ликда гиламдўзлик, ўймакорлик, зардўзлик, тегирмончилик, кўнчилик, тўқувчилик, темирчилик, кулолчилик, бешикчилик, сандиқчилик, этикдўзлик, мойжувозлик, совунгарлик кенг ривожланган.

Амирликнинг иқтисодий ҳаётида қолоқлик, турғунлик ҳоллари мавжуд эди, аҳолининг турмуши паст даражада эди. Ерга эғалик шакли минг йиллар давомида ўзгармай келмоқда эди, аҳолига солинадиган солиқ ва жарималар ҳаддан ташқари кўп эди. Аҳолининг сотиб олиш қобилияти пастлиги ҳунармандчиликнинг ривожланишига тўсқинлик қиларди. Ҳунармандлар озгина даромадга ҳам қаноат қиларди, устахоналарни кенгайтиришга маблағ тополмасди.

Бухоро амирлиги яқка ҳокимлик тизимидаги давлат эди. Амирликда энг катта давлат лавозими — *қушбеги* бош вазир лавозимига тенг амалдор эди. Бир сўз билан айтганда, барча ижроия ҳокимият қушбегининг қўлида эди. Вилоят ва туман ҳокимлари ҳам қушбеги тавсиясига биноан тайинланган. Қушбеги хон истиқомат қилиб турган арки олийда яшаган.

Девонбеги хонликнинг молия-хазина ишларини бошқарган. Солиқ ва жарималарнинг ундирилиши устидан назоратни ҳам девонбегилар амалга оширган. Девонбеги идораси аркдан пастда жойлашгани учун уни қуйи қушбеги деб ҳам аташган.

Манғитлар даврида шайбонийлар, айниқса, аштархонийлар замонида катта мавқе қасб этиб келган оталиқ асосан Самарқанд ва Бухоро, яъни амирликнинг марказий қисмини суғориш ишлари, сув тақсмоти билан боғлиқ тадбирларга бош-қош бўлган.

Шунингдек, амирликда парвоначи (олий ҳукмдор ёрликларини амалдорлар, умуман тегишли кишиларга етказувчи), додхоҳ (жабрланувчилар арзини амирга етказиш ва жавобини олиб беришга масъул) каби вазифалар бор эди. Аммо мазкур давлат лавозимларининг мавқеи кўпроқ шу мансабдаги шахс нуфузи билан ўлчанган. Худди шунга ўхшаш ҳолат иноқ вазифасида ҳам ўз аксини топган. Иноқ (бош иноқ) ўз лавозимига кўра, олий ҳукмдор буйруқларини ҳукуматдаги оддий хизматчиларга етказиш, демак, буйруқни амалга оширишни ташкил қилиш ва умуман ҳали давлат мансабини эгалламаган, лекин ҳокимият хизматида бўлганлар билан шуғуланган. Бундан ташқари кичик иноқ хизмати бўлгани ҳам маълум.

Амиртуғи соҳиби бўлган тўқсабо мансаби ҳам олий мақомда эди. У олий ҳукмдор — давлат байроқдори ҳисобланса-да, тантанали маросимларда ишончли шахс сифатида ҳукмдор олдига таом тортиш каби масъулиятли тадбирларни ҳам бажарган. Шу билан бирга унга бирон-бир туман ҳам бириктириб қўйилган. Бошқача айтганда, даромад манбаи шу тумандан бўлган. Аммо XIX асрга келиб эса мазкур лавозим эгаси худди додхоҳ каби ҳарбий вакил даражасига кўтарилган. Ҳарбий ишлар бўйича

энг юқори даражада эса ҳарбий вазир турган. Уни кўпроқ лашкар тўпчибоши деб атаганлар. Аниқроғи, у тўпчилар қисмининг кўмондони ҳамда Бухоро гарнизони бошлиғи — лашкар бошлиғи саналиб, амалда ҳарбий вазир вазифасини ўтаган. Тўпчи қисмлар бошлиғининг бундай юксак қадрланишини шундай тушунтириш мумкин: бу вақтга келиб ҳарбий санъат ва урушда тўпчилар, яъни энг замонавий қурол усталарининг ўрни алоҳида бўлган.

Шунингдек бошқарувда кўкалдош (мамлакат миқёсида хавфсизлик хизмати бошлиғи), бош хожа (ҳарам ходимлари бошлиғи), меҳтар, кутвол (қурилиш ишларига масъул), баковулбоши, кичик уроғ (олий ҳукмдор ва амалдорларнинг хизматидагиларни назорат қилиб турувчи ходим), эшикоғабоши, мироҳур, қўрчибоши (қурол-аслаҳага масъул), қоровулбеги (шаҳар, йўллар посбони), удайчи (уруш пайтида ҳарбийларни турига қараб тақсимловчи), шиғовул (элчилар қабулини уюштирувчи) каби қатор лавозим ва хизматлар ҳам бўлганки, улар ўзларининг тўғридан-тўғри вазифаларидан ташқари амирлик сиёсий ҳаётида тутган шахсий мавқелари билан ҳам қадрланганлар. Шунга кўра ўз-ўзидан улар эгаллаб турган лавозимнинг қадр-қиммати ҳам ошган.

Амирликнинг сиёсий-маънавий ҳаётида улаомларнинг таъсири улкан эди. Дунёвий ва диний ҳокимиятни ўзида гавдалантирган шайхулислом амирдан кейинги иккинчи шахс даражасидаги мавқеда эди. У шариатпаноҳ бўлиб, унга барча адлия тизимини бошқарувчи қозикалон бўйсунган. Қозикалоннинг ваколатига қуйидагилар кирган: ижтимоий адолат билан боғлиқ масалалар, хусусан, бозор, кўча-кўйлардаги аҳвол, мадрасалардаги таълим, вақф ишлари, йўқолган вақф ҳужжатларини тиклаш, етим ва бевалар ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қилиш, карвонсаройлардаги тартиб ва ҳоказо. Амир Шоҳ Мурод даврида қозилик тизимида қатор ўзгаришлар бўлгани ҳам маълум. Чунончи, олий маҳкама таъсис этилиб, унинг ишида 40 нафар фақиҳ (қонуншунос) фаолият кўрсатган. Шоҳ Муроднинг бу борадаги ислохотларининг аҳамияти шундаки, суд жараёнида айбланувчи ҳам, жабрланувчи ҳам албатта иштирок этиши керак бўлган. Бирон-бир томон эгаллаб турган юқори лавозими орқасида жавобгарлик, гувоҳликдан бош тортолмаган. Шунингдек, мазкур тизимда муфтий (ривоят ва фатво билан таъминловчи), раис (мухтасиб), садр (вақф мулклари ҳисоб-китоби ва назорати билан шуғулланувчи) каби хизматлар ҳам бўлган.

Бухоро амирлиги 27 беклик: Кармана, Хатирчи, Зиёвуддин, Нурута, Қарши, Китоб, Шаҳрисабз, Чирокчи, Яккабоғ, Ғузор, Бойсун, Шеробод, Денов, Карки, Чоржўй, Ҳисор, Кўлоб, Қоратегин, Дарвоз, Балжувон, Шўғнон-Рўшон, Қўрғонтепа, Қободиён, Калиф, Бўрдалиқ, Қобоғли ва Хоразм бекликларидан иборат эди. Бекликлар маҳаллий қабила бошлиқлари, катта мулк эгалари томонидан бошқарилган. Ҳар бир бекликни амир

томонидан тайинлаб қўйиладиган ҳокимлар — беклар идора қилган. Ҳоким ҳузурида юзлаб маҳаллий маъмурлар хизмат қилган. Манбалар, амирликда маҳаллий маъмурлар штати 30 минг кишини ташкил этганлигидан гувоҳлик беради. Ҳоким ва унинг хизматкорларига маош давлат хазинасидан берилмас эди, улар маҳаллий аҳолидан олинадиган турли-туман солиқ ва тўловлар ҳисобига тирикчилик қилишганлар.

Амирликнинг ҳарбий кучларини отлиқлар ва сипоҳлар ташкил қилган. Қўмондонлик лавозимларидаги зобитларнинг ҳарб илми талаб даражасида бўлмаган. Ҳарбийлар ҳарбий машқларга нисбатан кўпроқ жисмоний меҳнат билан банд бўлганлар. Қўшинда юзбоши, мингбоши сингари ҳарбий лавозимлар бўлиб, умумий қўмондонликни лашкарбоши бошқарган. Амирликнинг қўшини мунтазам бўлмагани сабабли, зарурият бўлганда уларни тўплаш қийин кечган.

Бухородаги вазият кўп жиҳатдан Хива хонлигига ҳам хос бўлган. Хонлик жанубда Эрон, Шарқда Бухоро амирлиги, Фарбда Каспий денгизи, Шимолда қозоқ жузлари билан чегарадош эди. Сувсиз ва поёнсиз Қорақум, Қизилқум саҳролари Хива хонлигини географик жиҳатдан бошқа мамлакатлардан ажратиб қўйган эди. Амударё соҳилларида жойлашган Хива, Урганч, Кат, Кўҳна Урганч, Хазорасп, Қўнғирот, Хўжайли, Курдар (ҳозирги Чимбой) шаҳарлари хонликнинг йирик шаҳарлари ҳисобланар эди. Урта Осиёнинг энг бой савдо марказларидан бири бўлган Хива шаҳри 1598 йилдан бошлаб хонликнинг пойтахти бўлган. Шаҳар икки қисм — Ичон қалъа (шаҳарнинг ички қисми) ва Дишон қалъа (шаҳарнинг ташқи қисми)дан иборат эди. Ичон қалъада хон қароргоҳи ва ҳарами, 17 та масжид, 22 мадраса, карвонсарой ва бозор жойлашган. 1842 йилда Дишан қалъа қурилиб, девор билан ўраб олинган. Дишан қалъада ҳунармандлар, савдогарлар, мардикорлар, қисман деҳқонлар истиқомат қилганлар.

Аҳолининг кўпчилик қисмини ўзбеклар ташкил қилиб, улардан энг кучли ва кўп сонлилари қўнғирот, найман, қиёт, уйғур, нукуз, қанғли, хитой, қипчоқ қабилалари эди. Ўзбек қабилалари асосан Амударё тармоқ ёйган қисмда, канал бўйларида жойлашган. Аҳолининг анчагина қисмини (тахминан тўртдан бирини) туркманлар ташкил этган. Туркманлар қадимги ўғизларнинг авлодлари бўлиб, форсча сўзлашувчи маҳаллий халқлар ва ўзбеклар билан қоришиб кетган эди.

Қорақалпоқлар яшайдиган Амударёнинг қуйи ҳавзаси ва Орол денгизининг жанубий қирғоқлари ҳам Хива хонлиги тасарруфида эди. Деҳқончилик, чорвачилик, балиқчилик, овчилик қорақалпоқларнинг асосий машғулоти эди.

Муҳаммад Раҳим I (1806—1825 йиллар) даврида Хива хонлигидаги ўзаро урушлар бироз пасайди, хонликни бирлаштириш ниҳоясига етди. Мамлакатда ўтказилган солиқ ислоҳоти,

божхонанинг жорий этилиши, олтин пул чиқарилиши хўжалик ишларига ўзининг ижобий таъсирини кўрсатди. Ўз вақтида йиғиб олинган солиқлар хонлик хазинаси, даромадини оширди. Хонликда энг нуфузли лавозим қушбеги (бош вазир) бўлиб, у солиқларни тўплаш ва хоннинг муҳим топшириқларини бажариш билан шуғулланган.

Саройда *оталиқ, раис, қозикалон, шайхулислом, мироббоши, миршаббоши, тўпчибоши, ясовулбоши* каби мансабдорлар хон хизматида бўлган. Девонбеги хоннинг олий девонини идора қилган. Хазиначи хонликнинг кирим ва чиқим ҳамда сарф-харажатларини юритар, бу ҳақда хон ёки қушбегига ҳисоб бериб турар эди.

Хонликдаги энг катта мансаб ва унвонлар *иноқ, оталиқ, бий* ҳисобланган. Бундай лавозимга кўтарилганлар хонга энг яқин кишилар бўлиб, улар солиқлардан ҳам озод қилинганлар. Бундай лавозимга тайинланганлар хон фармони орқали эълон қилинган ва уларнинг қўлига ёрлиқлар берилган.

Саройда *мирзабоши, муний, маҳрамбоши* каби мансабдорлар ҳам бўлган.

Маъмурий-худудий жиҳатдан Хива хонлиги Хазорасп, Гурлан, Хонқа, Кўҳна-Урганч, Кўшкўприк, Питнак, Ғазовот, Кат, Шоҳаббос, Шовот, Тошқовуз, Амбор-маноқ, Урганч, Хўжайли, Шуманой, Кўнғирот каби беклик ёки вилоятларга бўлинган. Хонлик таркибида Бешариқ ва Қиётқўнғирот ноибликлари ҳам бўлган. Бекликларни хон томонидан тайинланган беклар, ноибликларни ноиблар идора қилган. Бек ва ноиблар ҳузурида уларга хизмат қилувчи кўпдан-кўп мансабдорлар бўлган.

Хива шаҳри шахсан хоннинг ва қушбегининг измида бўлган. Шаҳар ички тартиблари ва осойишталиги миршаббоши, жиноий ишларни кўриш ва жазо тайинлаш шаҳар қозиси, пойтахтни тасодифий ҳужумлардан ҳимоялаш тўпчибоши ва Ичан-қалъа, Дишон-қалъа кутволи зиммасида бўлган.

Хива хонлигида тахминан 40 минг отликдан иборат қўшин бор эди. Қўшинга лашкарбоши қўмондонлик қилган. Аскарлик хизматида бўлганлар солиқлардан озод қилинган. Ҳарбий юришларда қатнашган ҳар бир суворий 5 олтин танга олган. Ўзини кўрсатган ҳарбий мансабдорларга ойига 10, 20, 50, 100 ва ундан ҳам кўпроқ миқдорда олтин танга берилган. Бийларга 50—100 танга, юзбошиларга 10—20 танга маош берилган. Тинчлик пайтларда аскарлар хўжалик ишлари билан шуғулланган.

Хон қўшинлари, Бухоро қўшинлари каби, қилич, ўқ-ёй, найза билан қуролланган. Бир қисм аскарларда пилта милтиқлар бўлган, оз миқдорда тўплар ҳам бор эди.

XIX асрнинг биринчи ярмида Қўқон хонлиги худудий жиҳатдан Ўрта Осиёдаги йирик давлат эди. Хонлик Шарқда Шарқий Туркистон, Фарбда Бухоро амирлиги ва Хива хонлиги билан чегарадош бўлган. Қўқон хонлиги билан Россия

ўртасида хувуллаб ётган Мирзачўл ва Муюнкул чўллари ёс-таниб ётган. Хонликнинг жанубий чегаралари Қоратегин, Кўлоб, Дарвоз, Шўғнон сингари тоғли ўлкаларни ўз ичига олиб, бу ҳудудлар учун Бухоро амирлиги билан тез-тез тўқнашувлар бўлиб турган.

Кўқон хонлигининг худуди Бухоро амирлиги ва Хива хонлигидан фарқли ўлароқ, серсув дарёлар, сўлим водийлар, серҳосил ерларга бой эди. Хонликнинг маркази Кўқон, Марғилон, Ўзган, Андижон, Наманган каби йирик шаҳарлар жойлашган Фарғона водийси эди. Тошкент, Чимкент, Туркистон, Авлиёота, Пишпак, Сузак, Оқмачит каби йирик шаҳарлар ҳам Кўқон хонлиги тасарруфида эди.

Кўқон хонлигида аҳоли нисбатан зич жойлашган бўлиб, унда тахминан 3 миллионча киши истиқомат қилган. Хонликнинг пойтахти Кўқонда 80 минг, Тошкент шаҳрида 60 минг аҳоли яшаган. Кўқон хонлиги аҳолисининг кўпчилик қисми ўзбеклар, шунингдек, тожиклар, қирғизлар, қозоқлар, уйғурлар, қорақалпоқлардан иборат эди. Булар билан ёнма-ён яҳудийлар, татарлар, ҳиндлар ва бошқа элатларнинг вакиллари ҳам истиқомат қилганлар.

Кўқон хонлигида иккинчи шахс *Бош вазир* ҳисобланиб, у муҳим давлат ишларини хон билан келишган ҳолда ҳал этган. Марказий давлат бошқарувида *қушбеги, оталиқ, девонбеги, минебоши, шайхулислом, қозикалон, парвоначи, шиғовул, сарқор, иноқ, дастурхончи, амин, ясовулбоши* каби мансабдорлар хизмат қилганлар. Сарой қошида махсус кенгаш бўлиб, унинг таркибига энг олий мансабдор шахслар кирган.

Кўқон хонлигида кўшинни, аслаҳахонани, ҳарбий ишларни мингбоши бошқарган. Кўшинда *бешиюзбоши, юзбоши ва унбоши* ҳарбий лавозимлари бўлган. Кўшиннинг бир қисми мунтазам хизматда бўлиб, марказий ҳокимият ихтиёрида турган. Кўшин қилич, найза, пилтали милтиқ билан қуроллантирилган. Шунингдек, кўшинда тўплар ҳам бор эди.

Кўқон хонлиги 15 беклик, яъни ҳарбий округга бўлинган бўлиб, уларнинг ярмидан кўпига хоннинг ўғиллари ёки яқин қариндошлари ҳокимлик қилганлар. Ҳокимлар ўз ҳудудидаги ҳарбий кучлар кўмондони ҳамда фуқаро бошқарувининг бошлиғи эди. Улар ўз тасарруфидаги кўшинни ўзлари моддий жиҳатдан таъминлаганлар. Ҳокимлар ҳарбий юришлар олдидан хоннинг биринчи даъвати билан ўз кўшинлари билан белгиланган жойга етиб келиши шарт эди. Кўқон хони зарурият туғилганда, озиқ-овқат ортилган 12 минг аравага эга бўлган 60 минггача сипоҳни йиға оларди.

XIX аср иккинчи ярмидаги ўзбек хонликларидаги вазиятга баҳо беришда, шуни унутмаслик лозимки, Бухоро, Хива, Кўқон хонликларида тараққиёт тўхтаб қолмаган. Ўзаро урушлар ва парокандаликдан қатъи назар яратувчилик фаолияти давом эт-

ган. Хива хонлигида эса сунъий суғориш борасида олдинги асрларга нисбатан кўп иш қилинган. Бунда энг аввало хонлар ва йирик амалдорлар ташаббус кўрсатганлар. Араб Муҳаммадхон турк қалъасидан Куйгун томон қазитган канал, Абулғозий Баҳодирхон номи билан боғлиқ Ғозиобод каналининг таъмир этилиши, Анушахон замонида қурилган Шоҳобод (узунлиги 14 км, эни 30 метр, чуқурлиги 3,5 метр), Ўрмиш (узунлиги 96 км, эни 17,5 метр) каналлари, Али Султон қурдирган Тошли ёрмиш канали ҳамда Манқитарна (XVII), Эшим Яраган, Омонқули, Ингичка, Ихлос, Қилич Ниёзбой (1815), Янгиёп ва Қорақўз (XIX), Шоҳмурод (1846), Раҳмонбердибой, Тошсақо (1828), Кўҳна Урганч-Хонёп (1831), Қорақалпоқ, Хонобод (1847), Сипоҳий, Муҳаммадамин (1850), XIX аср 50-йилларидаги Қалтаминор, Боғёп, Амиробод, Сарибий каналлари ва бошқа қатор катта-кичик сунъий суғориш иншоотлари билан боғлиқ тадбирлар шулар жумласидандир.

Кўқон хонлигида Эрдона, Норбўта ҳукмронлик қилган замонларда Сўх дарёсидан чиқарилган каналлар, Олимхон буйруғи билан қаздирилган олтита канал (ариқ), Умархон даврида Сирдарёдан чиқарилган Ўзганддан бошланиб Андижон ва Марғилон оралиғидаги Шаҳрихонгача борадиган канал, Норин дарёсидан бошланадиган Янгиариқ канали (1819), Хон ва Зарбак каналлари (1803), Муҳаммадалихон замонида Иламишмордан бошланувчи узунлиги 30 км дан ошиқ канал, Худоёрхон замонидаги Чинобод (1855), Улуғнаҳр (1869—1870) каби каналларнинг бунёд этилиши мазкур водийда ҳам сунъий суғориш ишлари жадал борганидан далолатдир¹.

Бухоро шаҳрининг ўзида XIX аср ўрталарида, яъни Россия босқинидан олдин, 38 карвонсарой, 9 савдо тими, 16 ҳаммом, 45 бозор бўлгани маълум. Шунингдек 200 дан ортиқ масжид, 100 дан ортиқ мадраса мавжудлиги ҳам манбаларда ёзилган. Улар орасида Турсунжон (1796—1797), Эрназар элчи (1795), Халифа Ниёзқул (1807), Халифа Худойдод мажмуасидаги мадрасалар айниқса диққатга сазовордир.

Хива хонлигида ҳам қурилиш кўп бўлган. Араб Муҳаммадхон (1616), Ҳожамбердибий (1688), Шерғозихон (1719—1728), Муҳаммад Амин иноқ (1765), Қутли Мурод иноқ (1809), Оллоқулихон (1832—1835), Араб Муҳаммадхон (1870), Мусатўра (1841), Саидбой (1842), Амиртўра (1870), Муҳаммад Раҳимхон (1871), Муҳаммадмурод девонбеги, Отажон тўра, Қадам ясовулбоши, Иброҳимхожа, Юсуф ясовулбоши, Хусайн Муҳаммадбой, Дўст Олим, Қози Муҳаммад Салим, Ислонхожа, Исфандиёрхон мадрасалари, Саидбой (1842), Оқмасжид (1875) масжидлари, Паҳлавон Маҳмуд мақбараси (1835), Кўҳна Арк,

Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи. Энг қадимги даврдан Россия босқинига қадар. Тошкент, «Шарқ», 2000, 298-бет.

Тошҳовли, Нуруллабой саройлари, Жума, Саидбой (1842), Кўкминор (1852—1853), Исломхожа (1908) миноралари ана шундай бунёдкорлик ишларидан гувоҳлик беради.

Фарғона водийсида 1740 йили Эски Ўрда ўрнида ҳозирги Кўқон шаҳрига асос солиниши, хонликнинг турли шаҳарларида бунёд этилган кўплаб ўрдалар, бозорлар, карвонсаройлар, масжидлар, хонақоҳлар, қорихоналар, мадрасалар, чунончи, Мир (1798), Норбўта, Хонмирза Ёдгор (1830), Ҳазрати Соҳиб (1861), Худоёрхон (1850, 1870 йиллари Кўқонда, 1873 йили Наманганда, 1874—1875 йили Шоҳободда, Чустда), Ҳакимойим (1869), Олимбек (Ўшда), Насриддинбек (Андижонда), Тошкентда XIX асрда қурилган Бекларбеги, Муйи Муборак, Эшонқул додхоҳ, Юнусхон, Абулқосим мадрасалари ҳам шулар қаторида туради.

Шундай ривож ҳолатини маданият соҳасида ҳам кўриш мумкин. Тўғри, мамлакатнинг учга бўлиниб кетиши, сиёсий қарама-қаршилиқлар ва, айниқса, Россия босқини туфайли сиёсий мустақилликнинг қўлдан кетишининг умумий манзарасида бу соҳадаги аҳвол илгариги, масалан, теурийлар замонидagi каби бўлмаган. Аммо бир нарса аниқки, кўрилаётган босқичда фан ва маданият ҳар ҳолда бир ерда тўхтаб қолмаган. Юқорида зикр этилган қурилишлар, айниқса, мадрасалар бунёди шунга ишорадир. Совет даври тарихшунослиги иложи борича XVIII—XIX асрларда ўзбек халқининг бу соҳалардаги тарихини бўяб кўрсатишга интилиб, ўлкани маданий қолоқликда айблаб, бу билан Россия босқинининг Ўзбекистон учун «прогрессив аҳамиятини» исботлашга атайин ҳаракат қилган.

Ўтган сулолалар каби манғитлар, қўнғиротлар, минглардан чиққан намояндалар ҳам ўз даври ва доираларининг ўқимишли шахслари бўлганлар. Масалан, Кўқон хони Умарнинг «Амирий», малика Моҳларойимнинг «Нодира», «Комила», «Макнун», Хива хони Муҳаммад Раҳимхон II нинг «Феруз», унинг акаси Отажон Тўра Муроднинг «Муродий» таҳаллусида шеър битганларини, Абдулғозий Баҳодирхоннинг «Шажарайи турк», «Шажарайи тарокима» каби ўзбек тилида ёзган асарларини эслайлик. Фазлий, Мушриф, Қозий, Афсус, Содик, Хижолат, Ҳозиқ, Хотиф, Маҳмур, Гулханий каби етук қалам соҳиблари Фарғона водийсида яшаб ижод қилганлар. Шунингдек «Афзал ат-таворих», «Тарихи Умархон», «Рисолайи аскарिया», «Мунтахаб ат-таворих», «Тарихи Шоҳрухий», «Тарихи жаҳоннамой», «Хусолат ал-ахбор», «Таснифи Фариб», «Тарихи жадидаи Тошканд» каби бошқа кўплаб тарихий асарлар ҳам худди шу даврда Кўқон хонлиги доирасида ёзилган. Бухорода ҳам тарих ёзишлик тараққиётда тўхтамаган. Ҳеч бўлмаса, «Тухфат ал-хоний», «Тарихи амир Ҳайдар», «Фатҳномаи султоний», «Манғитлар хонадони салтанати қисқача тарихи», «Ўзбек подшоҳликлари зикри», «Тарихи салотини манғитийа, ўзбакийа ва аштархонийа» кабиларни ёдга олиш мумкин.

Зикр қилинган «Шажарайи турк», «Шажарайи тарокима», Муниснинг «Фирдавс ал-иқбол», Огаҳийнинг «Риёз ад-давла», «Зубдат ат-таворих», «Иқболи Ферузий», Баёнийнинг «Шажарайи Хоразмшоҳий», «Хоразм тарихи», «Жоме ал-воқеати султоний», «Гулшан ад-давлат», «Иқболи Ферузий» асарларининг ёзилганлиги энг катта далилдир. Хивалик олимлар, тарихчиларнинг ўз даври учун ўзбек тарихшунослигига қўшган энг катта ҳиссаларидан бири шундаки, улар тилга олинган манбаларни ўзбек тилида ёзганлар. Бундан ташқари хиваликлар тарихшуносликдаги таржимачилик соҳасида таҳсинга лойиқ ишларни рўёбга чиқарганликларини айтиб ўтиш лозим. Чунончи, Мирхонднинг «Равзат ас-сафо», Яздийнинг «Зафарнома», Хондамирнинг «Хабиб ас-сияр», Восифийнинг «Бадойе ул-воқоъеъ», «Тарихи Табарий», Рашидиддиннинг машҳур «Жоме ат-таворих» (Али султон (вафоти 1571—1572) буйруғи билан), Биноийнинг «Шайбонийнома», шунингдек, «Тарихи Муқимхоний», «Тақобати Акбаршоҳий», Маҳдиҳон Астрободийнинг «Тарихи Нодирий», «Зубдат ал-ҳикоёт», «Мифтоҳ ал-толибин», «Аҳлоқи Муҳсиний», «Насиҳатномаи Кайковус» (Қобуснома), Садъийнинг «Гулистон», Жомийнинг «Баҳористон», «Саломон ва Иб-сол» «Юсуф ва Зулайҳо», Низомийнинг «Ҳафт пайкар», Хисравийнинг «Ҳашт беҳишт», Ҳилолийнинг «Шоҳ ва гадо», Носирийнинг «Равзат ас-сафойи Носирий», Дарвиш Аҳмаднинг «Саҳойир ал-ахбор», машҳур араб тарихчилари Масъудий, Ибн ал-Аср асарлари араб ва форс тилларидан ўзбекчага ўтирилган.

Хуллас, сунъий суғориш ишлари, қурилишдан тортиб деҳқончилик, ҳунармандчилик, фан ва маданиятгача, ички савдодан ташқи иқтисодий алоқаларгача (Эрон, Афғонистон, Ҳиндистон, Хитой, Россия ва бошқалар) оид маълумотлар, умуман олганда, юртимиз ва аждодларимиз XVIII—XIX асрларда дунёнинг кўпчилик халқлари ва мамлакатларидан орқада бўлмаганлигини кўрсатади. Ундан олдинги ўтмиш маданиятни назарда тутсак, келаётган фан ва техника асрида (XX) тараққиётнинг олдинги сафларидан туришлари учун потенциал имкониятлар бор эди¹. Аммо улардан фойдаланишга бир қатор омиллар йўл қўймаган.

Биринчидан, асрлар давомида бир бутун бўлиб келган мамлакатнинг, бир иқтисодий ва маданий маконда яшаб келган халқнинг учга бўлиниб кетиши, хонликлар ўртасидаги тўхтовсиз урушлар, ҳар бир хонлик ичидаги бошбошдоқлик ва ҳокимият учун ўзаро тинимсиз давом этган ички низо ва урушлар бутун мамлакатни хонавайрон қилди. Бу жараён гуруҳбозликни келтириб чиқарди, қабилаларнинг этник аралашувига, бир халқ бўлиб қовушишига, жипслашишига халақит берди. Давлат даражасида ҳам, вилоятлар даражасида ҳам ягона халқ, ягона Ватан тушунчасининг қадри англаб олинмади.

¹ *Азамат Зиё*. Кўрсатилган асар, 298—301-бетлар.

Иккинчидан, аҳоли хон ва бекларнинг, турли лавозимдаги мансабдорларнинг зўравонлигидан, ўзбошимчалигидан, мансабини суистеъмол қилишидан, ғайриқонуний солиқ ва жарималардан ҳимоя қилинмади.

Учинчидан, асосий бойлик бўлган ерга мулкчиликнинг эски усули бир неча асрлардан бери ўзгармади. Хонликларда олий ҳукмдор ернинг бирдан-бир эгаси бўлиб, ер ишловчиларга — деҳқонларга ижара тарзида хатлаб бириктирилган эди. Деҳқон ер эгаси эмас, ердан олинадиган ҳосилнинг эгаси эди, холос. Шу боис деҳқон ерни асраб - авайлашга, унинг унумдорлигини оширишга интилмади.

Тўртинчидан, хонликларда саноат ривожига эътибор кучаймади. Олтингугурт, рангли металллар, мрамор, тошкўмир, нефть каби табиий бойликларга сероб конлар бўлса-да, уларни қазиб олиш, тоғ-кон ишларини ривожлантириш, кемасозликни йўлга қўйиш масалалари ҳал қилинмади.

Бешинчидан, товар-пул муносабатлари ривожлантирилмади. Даромад истеъмол ва қўшин харажатларини зўрға қоғлар, капиталга айланмасди. Пул, олтин-кумуш хон ва амалдорларнинг ҳазина тўплаш манбаи бўлиб қолган эди.

Олтинчидан, хонликларнинг савдо муносабатларида ҳамон айирбошлаш усули давом этарди. Ўрта Осиё жаҳон бозоридан ажралиб қолгани устига бу ерда ягона ички бозор ҳам ташкил топмади.

Еттинчидан ва энг муҳими, XIX аср иккинчи ярмида Ўрта Осиё ҳудудидаги хонликларда ўз миллати, халқи ва Ватани истиқболи учун қайғурадиган, одамларни бир гоё ва бир эзгу мақсад йўлида бирлаштира оладиган ҳамда ортидан эргаштира оладиган йўлбошчи — сардор бўлмади. Бухоро амирилигида ҳам, Қўқон ва Хива хонликларида ҳам шундай арбоб тарих саҳнасига чиқмади. Босқинчиларга кўксини қалқон қилиб кўҳна Турон жанговар шавкатини намойиш қила оладиган ва Туркистонни бир умумий уй деб билган юртбоши топилмади.

3. РОССИЯ ВА АНГЛИЯНИНГ ЎРТА ОСИЁ УЧУН ОЛИБ БОРГАН ЎЗАРО КУРАШИ

XIX аср иккинчи ярми бошларида Туркистон хонликларини бўйсундириш мақсадида Россия олиб бораётган сиёсат Буюк Британиянинг шу борада узоқни кўзлаган режаларига жиддий хавф солар эди. Шунинг учун Англия турли йўллар билан Ўрта Осиёдаги давлатларни Россияга қарши отлантириш пайига тушади.

1831—1833 йилларда Ост-Индия компанияси лейтенанти Александр Бернс Ҳиндистондан Афғонистонга, ундан Бухорога сайёҳ сифатида келади. Бу «сайёҳат» натижасида йиғилган да-

лиллар ва шахсий кузатувлар «Бухорога саёҳат» деб номланган уч жилдлик китобга асос бўлди. Бу ўринда А.Бернснинг ўзбек халқи хусусида билдирган фикрлари диққатга сазовордир: «Ўзбеклар муомалада камтар ва самимий. Улар менинг ким эканимни билмаганликларидан, барча нарсалар хусусида, ҳукмдорлари ва сиёсатдан тортиб, бозордаги аҳвол ҳақида ҳам тортинмай сўзлашдилар»¹.

Англия ўз дипломатлари, сайёҳлари ҳамда айғоқчилари воситасида Бухоро, Хива ва Қўқон хонликларини Россияга қарши иттифоққа уюштиришга ҳаракат қилди. Улар шу мақсадда форс ва турк тилларини яхши билган Конолли, Бернс, Арчи Тодд, Аббот ва Шекспир каби зобитларни ўзбек хонликларига юбордилар. Айрим манбаларда келтирилган маълумотларга кўра, Конолли Хива хони билан учрашиб, унга «Ўзбек давлатларининг чет мамлакатлар томонидан ишғол этилишидан асровчи ягона йўл бор. У ҳам бўлса, бир-бирларингиз билан яхши муносабатда бўлиб, ўзаро ёрдамлашишдир», деган. Хива хони Оллоқулихон эса русларнинг баҳорда яна ҳужум қилмоқчи эканликларидан хабар топгач, Истанбулга ва инглизлар ҳузурига ўз элчиларини жўнатиб, ёрдам сўради. Туркия давлатидан бирор хабар ололмаган Хива хони ҳузурига инглиз зобитлари Аббот ва Шекспир етиб келишди. Улар Хива хонига пойтахтдаги рус асирларини озод қилиш ва бу билан бўлажак тўқнашувга баҳона қолдирмаслик лозимлигини уқтирдилар. Ҳақиқатдан, асирларнинг озод этилиши билан янги уруш очишга ортиқ баҳона қолмагач, Перовский юришни кечиктиришга мажбур бўлди. Хавфнинг бартараф бўлганини кўрган Оллоқулихон Қутбиддинхўжа исмли элчисини Истанбулга жўнатиб, туркларни вазиятдан огоҳ қилди. Оллоқулихон тинчликни таъминлашда берган ёрдамлари учун инглиз ҳукуматига ҳам элчилар йўллаб, ўз миннатдорчилигини билдирган эди.

Англия ҳукумати бу вақтда полковник Стоддартни Бухорога юборган эди. Стоддартнинг Бухорога келаётганини эшитган Насруллохон унга шаҳарга киришда отдан тушиб, яёв юришини ва қуролини топшириши зарурлигини буюради. Аммо, Стоддарт Осиё тартиб-қоидаларини унутиб, Бухоро ҳукмдорининг буйруғини менсимайди. Насруллохон эса аламини ичига ютиб, Стоддартни қабул қилишга мажбур бўлади. Амир унинг асл мақсади айғоқчилик эмас, дўстона муносабат ўрнатиш эканлигига ишонмай, ундан тегишли ҳужжат сўрайди. Полковник Стоддартда бундай ҳужжат йўқ бўлгани учун амир уни ҳибсга олади. Ўз элчиларининг Бухорода тутиб қолиниши Англия ҳукуматини уларни озод этишга уринишга мажбур этади. Инглиз ҳукумати олдин Хива хони воситасида, кейин Туркия

¹ Бернс А. Путешествие в Бухару. М., 1850, 221-бет.

хукумати орқали Бухоро амирига таъсир этишга уринади. Аммо Бухоро амири томонидан талаб қилинган ҳужжат келавермагач, Стодарт зиндонга ташланади. Бу хабарни эшитган капитан Конолли Бухорога жўнайди. Амир уни ҳам керакли ҳужжати йўқлиги учун ҳибсга олади. Икки инглиз зобити Бухоро зиндо-нида учрашадилар. 1842 йилда улар жосус сифатида қатл эти-ладилар.

Англияда Стодарт ва Конолли номи билан ташкил этилган махсус қўмита икки зобит тақдирини аниқлаш учун ўз одамла-рини Бухоро, Хива ва Қўқонга юборди. Ана шу қўмита номи-дан 1844 йил 3 ноябрда олим, тадқиқотчи ҳамда саёхатчи сифа-тида танилган, пихини ёрган жосус Иосиф Вольф Истанбулга келди. Англиянинг бу ердаги элчиси С. Кенинг унга Бухоро сафари учун зарур ҳужжатларни тайёрлаб берди. Туркия султо-нининг Бухоро амири, Хива ва Қўқон хонларига ёзилган мак-тублари Вольфнинг турк султони ҳомийлигида эканлигини тас-диқловчи ҳужжатлар вазифасини ўташи лозим эди. Ана шу ҳужжат ўша вақтда Туркия Россия истилосига қарши Англия билан ҳамкорликда ўзбек хонликларининг иттифоқини вужудга келтиришга интилганидан далолат беради. 1844—1845 йиллар давомида Бухорода иш олиб борган И.Вольф Лондонга Қўқон-даги воқеалар, хонликларнинг ўзаро муносабатлари хусусида диққатга сазовор ахборотлар юбориб турди.

Англия Туркия билан ҳамкорликда Ўрта Осиё давлатла-рининг ҳарбий иттифоқини вужудга келтиришга қўп урин-ди. Айниқса, Қрим урушида (1853—1856) Англия Ўрта Осиё хонликларига, Афғонистон ва Эронга ўз одамларини юбо-риб, бу мамлакатларни Россияга қарши отлантириш ҳарака-тини кучайтирди. Аммо Туркия ҳам, Англия ҳам Россия ху-ружига қарши ўзбек хонлари бирлигини вужудга келтиришни таъминлашнинг уддасидан чиқа олмади. Чунки хонликлар ўртасида ўзаро нифоқ-низолар кучли бўлиб, уларнинг илдизи чуқур кетган эди. Бунинг устига, Россия дипломатияси Бу-хоро, Хива ва Қўқон хонликларини бир-бирига қарши гиж-гижлаб, ўзининг ифвогарона сиёсатини изчиллик билан юритар эди. Россия бу йўлда собит туриб, Тўрғай вилояти-ни, 1846 йилнинг кузига келиб, Сирдарёнинг Орол денгизи-га қуйиладиган еридаги Қозолини ишғол этди ва 1847 йилда Раим, 1848 йилда Казалинск истеҳкомларини қурди. Бу аҳвол Хивани ташвишга солди. Хон ўз норозилигини билди-риб, элчиларини Петербургга жўнатди. Хива элчиларини рус амалдорлари бу истеҳкомлар савдони йўлга қўйиш ва чўлда тинчлик ўрнатиш учун қурилди, деб алдадилар. Хива хони бу истеҳкомларни йўқ қилишга ҳаракат қилди, лекин Сир-дарё ва Оролбўйидаги қозоқлар рус истеҳкомларидаги қў-шинларни йўқотиш хусусидаги Хива ҳукуматининг маслаҳат-ларига қулоқ солмадилар.

1. Хиванинг қозоқларни ўз таъсирига олиш борасидаги ури-нишлари Россияни ташвишга солиб, Оренбург генерал-губернаторини фаол ҳаракат қилишга ундади. У Оренбургнинг гарбий қисмида яшовчи ўзига тобе қозоқ султони Боймуҳаммад Ойчувоқовга махсус буйруқ юбориб, Хива хони фойдасига ташвиқот юритаётган қозоқ бийларига қарши кескин чоралар кўришни талаб қилди.

Россия ҳукумати 1841 йилда Хивага юборган капитан Никифоров зиммасидаги асосий вазифалардан бири Россия тобелигидаги қозоқларга нисбатан Хива таъсирини қирқиш эканлиги бежиз эмас эди. Россия ҳукумати ташқи ишлар вазирлигининг капитан Никифоров зиммасига юклаган вазифаси Хива хонини рус кўшинлари томонидан Сирдарёнинг куйи қисмини ишғол қилиш масаласида бетараф туришга, Сирдарёнинг ши-молидаги ерларни ва Каспий денгизининг шарқий қирғоғини Россияга тобеъ деб эътироф этишга, Россия қарамоғидаги қозоқларга ҳужум қилмаслик ҳамда уларнинг ички идора иш-ларига аралашмасликка кўндиришдан иборат эди. Хон капитан Никифоровга Россия билан Англия муносабатларига доир жиддий саволлар бергани Хиванинг рус-инглиз рақобатидан яхши хабардорлигидан далолат беради. Хива хони рус элчиси талабларини рад этгани ҳам унинг Англия ва Россиянинг Ўрта Осиё масаласида ўзаро курашидан фойдаланишга уринганлиги-ни кўрсатади. Кўп ўтмай, капитан Никифоровнинг удалай олмаган ишини давом эттириш подполковник Г Данилевский зиммасига юклатилди. Унинг Ташқи ишлар вазирлигидан ол-ган кўрсатмасида хонни Россиянинг Хивага нисбатан беғараз дўстлигига ишонтириш биринчи даражали вазифа сифатида кўйилган эди.

Ўзбек хонликларида фаол иш кўраётган Англиянинг таъси-рини синдириш ниятида Россия Хива хони олдида куйидаги икки талабни кўйди:

1. Бундан кейин хоҳ махфий, хоҳ ошкора суратда Россияга қарши ҳеч бир душманлик муносабатида бўлмаслик.

2. Саҳрода ёхуд Каспий денгизи атрофида талончилик ва босқинчилик ишларини олиб бормаслик. Борди-ю Хива хонли-гига тобе қабилалар томонидан талончилик ишлари содир этилса, айбдор кишиларга дарҳол жазо бериб, таланган моллар-ни эгаларига қайтариш.

Г. Данилевскийнинг 1842 йил 27 декабрда Хива хони билан тузган шартномасида «Россияга тобе қочоқ ва исёнчиларни Хива ҳудудида яширмасдан, уларни дарҳол рус чегара комисса-рига топшириш» масаласи алоҳида ўрин олган эди.

Шунга қарамай, Россия Хивага нисбатан ғаразли ниятлари-ни амалга оширишга қаратилган сиёсатини изчиллик билан давом эттирди. 1858 йилда полковник Н. Игнатъев бошчилиги-даги дипломатик гуруҳга топширилган вазифалар бунга яққол

мисолдир. Бу гуруҳга берилган йўриқномада салтанатнинг асл мақсади рўй-рост ифодаланган:

— Хива, Бухоро ва қозоқ чўллари ҳақида мумкин қадар кўпроқ маълумот йиғиш;

— аввал олинган хариталарни текшириб, тузатиб чиқиш ва сафар вақтида кундалик юритиш;

— Амударёнинг Каспий денгизига қўйилган эски ўзани тўғрисида маълумот тўплаш;

— туркманлар ва уларнинг ҳарбий кучлари, қўшни давлатлар билан алоқалари, бир хонликдан иккинчи хонликка ўтиш йўллари ҳақида ҳамда Ўрта Осиё хонликлари ва уларга қўшни бўлган мамлакатларнинг ҳарбий қудрати ҳақида маълумот тўплаш;

— Амударёни ҳар тарафлама ўрганиш.

Гуруҳнинг асл мақсади жосуслик қилиш эканлигига полковник Игнатъевнинг ўзи ҳам иқрор бўлган эди.

Ўзбек хонликларини забт этиш учун Россия аввал ўзининг Кавказда олиб бораётган истилочилик ҳаракатларини тугаллаши керак эди. Кавказда эса тоғликларнинг сардори имом Шомил мусулмон истиқлолчилари билан ҳамон русларга қарши партизанлик урушини давом эттирмоқда эди. Санкт-Петербург Кавказдаги рус қўшинлари фаоллигини кучайтириш учун ҳарбий-сиёсий доиралардаги нуфузли раҳбарлардан А. И. Бястинскийни бош қўмондонликка тайинлади. Жангарилиги билан танилган бу генерал подшога ёзган мактубларида Россиянинг Ўрта Осиёда ўз таъсир доирасини кенгайтириш зарурлигини алоҳида уқтирган эди.

Россиянинг урушқоқ доиралари Оренбург ва Сибирь орасидаги ерларнинг «ҳимоясини мустаҳкамлаш учун» Ирғиз ва Тўрғай дарёларининг бўйида истеҳкомлар қуришни жаддалаштирилди. Улар ўзбек хонликларини аста-секин босиб олиш учун, биринчи навбатда, Қўқон хонлигининг муҳим стратегик нуқталарини эгаллашга диққатни қаратди. Оқмачит қалъасига ҳужум шу тариқа бошланди.

1852 йилнинг 16 апрелида шижоатли лашқарбоши Ёқуббек раҳбарлигидаги Оқмачит қалъаси ҳимоячилари душманга қарши қаҳрамонона жанг қилиб, рус аскарларини Оренбургга чекинишга мажбур этишди. Шундан сўнг ўзбеклар билан бўлган жангларда катта тажриба тўплаган Оренбург генерал-губернатори граф В. Перовский 1853 йилда ташаббусни ўз қўлига олиб, яна ҳужумга тайёрланди. Перовский Оқмачит ҳимоячиларига мактуб йўллаб, таслим бўлишни таклиф қилди: «Гарчанд сизлар қалъа ичида турган бўлсаларингиз ҳам Оқмачит олинган деб ҳисоблайверинг. Мен шу ерда турибоқ барчангизни битта қўймай қириб ташлашим мумкин. Аммо, мен бундай қилмайман, чунки, биз бу ерга бир ёки икки кунга эмас, балки абадул-абад келдик, энди орқага қайтмаймиз». Қалъа мудофаачилари бу мактубга «биз бир томчи қон ва кўчада бир дона

кесак қолгунча, ҳамма қуроғларимиз синиб битгунча кураша-верамиз», — деб жавоб беришди.

Ёрдамчи кучлар олиб келиш учун кетган Ёқуббекнинг кечи-кишидан фойдаланган руслар иигирма икки кунлик қуршовдан сўнг мудофаа аҳамияти жуда катта бўлган Оқмачит қалъа-сини забт этдилар.

Оқмачит ҳалокати ҳақида «Тарихи амири лашкар Алимқул» китобида шундай маълумот келтирилади: «Бу орада Урусия аскарининг бир катта сардор бирмунча аскар ва тўб-тўбхона бирлан келиб, Оқмачитда Абдувалини (қалъа ҳокими) муҳосара айлаб... муҳосарани қаттиғ қилиб, қўрғон девориға нақб¹ кавлаб, дору тўкуб, ўт қўйиб қўрғонни йиқиб, раҳнадин аскар шаҳарға югуриб ва Абдували ва неча тобе бирла ўлуб ва ярадор бўлгон. Русия аскари қаҳр ва ғалаба бирла шаҳарға тўлуб кетди»².

• Россия ўзбек хонликлари ҳудудига дарвоза бўлган бу қалъани «Перовский форти» деб қайта номлаганида олисни кўзлаб иш тутган эди. Бу воқеа хонлик амалдорларига тегишли сабоқ бўлмади. Шу хусусда Муҳаммад Солиҳ Тошкандийнинг эътирофлари диққатга лойиқдир: «Қўқонда Оқмачит воқеасини эсдан чиқариб айш-ишрат, кайфу сафо, ўйин-кулги ва парвосизликка берилиб, мамлакат ишидан кўз юмиб, Қозоғистондаги хирож, бож ва закотни ғайридин миллатларга топшириб, ҳукмронликни ғанимат билиб, ёмон одамларни, ўғриларни ва ҳаром кишиларни тўплаб амалдор қилиб ва волий белгилаб, ҳар бир шаҳарға юбора бошладилар. Айрим жоҳил муллалар ва нодон уламолар сўзига ишониб, аҳоли шариятдан узоқлашиб, илмсиз жоҳилларни мансабдор қилиб, қози, раис, ҳоким, волий лавозимларига ўтказдилар. Порахўрлик ва ҳаромлик ривожланди, ишни текширмай айтувчилар сўзига амал қилиниб, порахўрлар, хушомадгўйлар ва умуман нобоп одамлар ҳоким ва мансабдор бўлдилар. Аксинча, доно, ақли, фозил ва билимдон кишилар хўрланди ва оёқости қилинди. Кенгаш ва маслаҳат билан иш юритишга йўл берилмади».

Амалдорларнинг бебошлиги ва ички сиёсатни юритишдаги адолатсизликлар хонликни ҳалокат ёқасига келтириб қўйди. Воқеалар ривожини диққат билан кузатаётган Россия бундан ўзи учун тегишли хулоса чиқариб олди. Олд Сирдарёдаги қозоқларни идора қилувчи амалдорнинг Сирдарё линияси қўмондонига 1858 йил 31 майда йўллаган ахбороти ана шу жиҳатдан диққатга лойиқдир: «1858 йилнинг март ойида Тошкент ҳокими Мирзо Аҳмад 3000 аскар билан Авлиёота истеҳкомига келиб қозоқ бийларини ҳам чорлаб, фақат қўйлардан эмас, балки туялар, отлар ва қорамоллардан ҳам солиқ тўлашни талаб қилди. Илгари фақат қўйлардан солиқ олинадди, хо-

¹ Нақб — ўра.

² Қ а р а н г: *Мулло Юнусжон Мунший*. Амири лашкар Алимқул тарихи. Нашрга тайёрловчилар Р.Шамсутдинов, П.Равшанов. Т., 1997, 24-бет.

лос. Бийлар ўз овулларига бориб мазкур талабни халққа маълум қилганларида халқ уни бажаришдан бош тортди. Уларга қарши 100 ва 200 кишидан иборат алоҳида икки ҳарбий қисм юборилди. Улар эса зулмни янада кучайтириб турмушга чиқадиган ҳар бир келиндан бир тиллодан солиқ олишни жорий этдилар. Айни бир пайтда улар одоб-ахлоқсизлик ҳам қилдилар. Зулм ва адолатсизликдан сабр косаси тўлиб-тошган қозоқлар кўзғолон кўтариб Тошкент ҳокимининг укаси Мирзобий ва бошқа амалдорларни ўлдирдилар. Шундан кейин Олмаотадаги қозоқлар, жумладан, қанжигаликлар, кўқланлар, кўтинчинлар, дуғлатлар, бистамчаликлар бош кўтариб кўқонликларни ўз истеҳкомларига чекинишга мажбур этдилар».

Маллахон даврида (1858—1862) ҳам ички низолар ва тожу тахт учун курашлар тўхтамади. Россия тажовузига қарши хонликда ягона ҳаракат ташкил қилиш эса ҳеч кимнинг қўлидан келмади.

1860 йилнинг ёзида полковник Циммерман бошчилигидаги рус аскарлари Тўқмоқ ва Пишпак қалъаларини босиб олдилар. Маҳаллий муаррихлардан мулла Мирзо Олим Мушриф ўзининг «Ансоб ус-салотин ва таворих ул-ҳавоқин» асарида русларнинг Кўқон қалъаларини босиб олганлиги пойтахтда қандай аксадо берганлиги ҳақида, бу вақтда руслар Пишпакка ҳужум қилганликлари тўғрисида хабар олингандан кейин, бир масжид тарафига бориб яроғ-аслаҳаларнинг барча турлари бўйича машқ ўтказилганини ёзган: «Бир кўни Маллахон тўпчиларга, сарбозларга қаҳр-ғазаб билан машқ буюриб, тўпдан нишонга оттирди. Тўпчилар ҳарчанд жон-жаҳди билан отсалар-да, нишонга уролмадилар. Шу онда Қовус додхоҳ тўпчининг бошини қилич билан танасидан жудо қилдилар. Бундан барча халойиқнинг ҳуши кетиб, жонларидан умид уздилар. Ҳамма кўрқув ва ваҳимага тушди. Маллахон қаҳр-ғазаби пасайгандан кейин ўз қароргоҳига кетди ва эртаси Марғилонга жўнади». Хоннинг амри билан Шодмонхўжа ва Олимбек додхоҳ раҳбарлигидаги қарийб 20 минг кишилиқ лашкар русларга қарши юборилди.

Мулла Олим Маҳдумхўжа «Туркистон тарихи» асарида бу лашкарнинг Пишпак атрофидаги Бекат деган манзилда руслар билан қилган жангини қуйидагича тасвирлайди: «Мусулмонлар кофирларни ўраб олиб жангга шайландилар. Бу вақтда Олимбек ва Қаноатшоҳ қўшинлари ўртасида ким сардорлик қилиши масаласи хусусида келишмовчилик юзага келиб, Олимбек рақибига зарба бериш учун қўшини билан ўзини четга тортди. Бу билан у ор-номуси ва жасоратини йўқотди. Тошкентликлар курамаликлар билан биргаликда «тақдир» деган сўзни баралла жанглатиб ўзларини душман ўқларига урдилар. Мазкур сатрларнинг муаллифи каминаи фақир эса «кўп худоликларни ўлдиринглар!», «Эй худо, дин ҳимоячиларини сақла!», деган хитоб сўзлари билан мусулмонларни руҳлантириб турдим. Мусулмонлар ўзларини кофирларнинг ўқлар денгизига ташлаганда душман

замбаракларидан ва милтиқларидан шундай ўқлар отилдики, бамисоли осмону фалакдан чақмоқ ва яшин ёққандек бўлди. Ҳатто қиёмат-қойим кунни келгандай бўлиб, тўплар ва милтиқлардан отилган ўқларнинг овози фаришталарнинг карнайлари товушига ўхшаб кетди. Кўп жасоратли ва қаҳрамон йигитлар мисли кўрилмаган азоб-уқубатлар шарбатини ичиб, ўзларини олов бағрига отдилар. Айрим қаҳрамонлар қилич билан кофирларнинг калласини кесиб ташладилар. Жанг шу тарзда бир соат давом этди. Пировардида, тинимсиз давом этган ўқ ёмғирларининг дастидан қозоқлар ва талончи-кўчманчилар қочиб тоғнинг ичкари томонига бекиндилар. Аммо кўшинимиз кофирлардан юзларини ўғирмай эрталабдан пешингача урушдилар. Ниҳоят, кофирлар мусулмон ўқларидан заифлашиб тепаликлар орқасига кетдилар. Мусулмон кўшинининг кўп қисми Қаноатшоҳ бошчилигида жанг майдонидан 9 чақирим нарига жойлашдилар. Кўшиннинг бошқа қисми кечқурунгача душманга ўқ узиб уни Кастаккача чекинишга мажбур қилди. Сўнгра улар ҳам Қаноатшоҳ кўшинига қўшилдилар»¹.

Бу жангдан сўнг Қўқон саркардаси Қаноатшоҳ бузиб ташланган Пишпак қалъасини қайта тиклади. Аммо руслар хонлик худудига янги хуружларни зимдан тайёрлашда давом этдилар. Россия жосуслик хизмати вазиятни ўрганиш учун ҳаракатларини кучайтира бошлади. Энди Россия айғоқчилари Урта Осиёнинг ичкарисига сайёҳ, олим, савдогар ва элчилар ниқоби остида кириб кела бошладилар. Жосуслик йўсунда ахборот тўловчилар орасида П. П. Семёнов — Тянь-Шанскийнинг номи алоҳида ажралиб туради.

Мавзуга оид мушоҳада

Сайёҳ қиёфасидаги жосус

П. П. Семёнов — Тянь-Шанский номи мактаб дарсликларидан яхши таниш. У беозор, табиатшунос олим сифатида қайд этиб келинди: Шарқий Қозоғистон, Қирғизистон дашти, Иссиқкўл ва Тянь-Шань тоғининг усимликлар дунёсини ўрганган, география соҳасида тадқиқотлар олиб борган. Бу маълумотда жон бор. П. Семёновнинг юқорида номи тилга олинган улкалар табиатини ўрганишдаги хизматларини инкор этиб бўлмайди. Аммо, олим илмий фаолиятининг иккинчи томони ҳам борки, бу ҳақда шу пайтгача бир нима дейилмаган. Гап унинг тадқиқотлари Туркистонни батамом босиб олиш учун ҳарбийларга муҳим маълумотлар сифатида хизмат қилганлиги тўғрисида. Подшо генераллари П. П. Семёнов — Тянь-Шанскийнинг хоҳишига қарши ўлароқ, у тўплаган маълумотлардан тўла фойдаланган деб бўлмайди. Олим ҳарбийларни «рус ерларини кенгайтириш»га даъват қилибгина қолмай, ўзи тўплаган маълумотларни уларга икки қўллаб топшириб, кўлдан-кўп маслаҳат ва тавсиялар беради.

Жумладан, қавмлар ўртасидаги уруғчилик низоларидан босқинчилик мақсадларида фойдаланиш шу сирага кирар эди. Чунки, бир қайсар қавмни тийиб кўйиш ёки уни бўйсундириш ишқида ёнган иккинчи бир қавм йўлбошчилари рус кўшинидан нажот истаб, тинмай ёрдам сўрашар эдилар. Бу эса

¹ *Мулла Олим Маҳдумхўжа. Туркистон тарихи. Тошкент, 1915, 90-бет.*

истилочиларнинг мамлакат ичкарасига бемалол кириб келишига йўл очар, узаро нифоқни янада кучайтириб юборарди. Шу тариқа, босқинчилар қисқа муддатда, деярли талафотсиз, ҳозирги Алмати шаҳри (ўша пайтда Верний қалъаси)гача кириб келишди.

Рус қўшинлари қозоқ даштини (улар қирғиз дашти деб аташган) истило қилар эканлар, «янги рус ерларида» унлаб ҳарбий қалъа- истеҳкомларни жадаллик билан барпо этишди. Ёв қозоқ дашти — афсонавий бойликлар макони бўлмиш Туркистоннинг жанубини босиб олиш учун шунчаки бир майдон эканлигини яхши англар эди.

Туркистон халқлари тақдирига туташ воқеалар ана шу йўсинда фожиавий нуқтага етган бир пайтда, 1856 йилда, юртимизга П.П.Семёнов Тянь-Шанский кириб келади. Унинг асосий мақсади: Европа фанига ҳали номаълум бўлган Тянь-Шань (Хон-Тангри) тоғлари силсиласига кирувчи ўлканинг табиати, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини текшириб, илмий тадқиқотлар олиб бориш эди. У Тянь-Шанга 1856—1857 йиллар орасида икки марта сафар қилди ва ҳақиқатан география фани учун қимматли маълумотлар тўплади.

Рус қўшинлари П.Семёнов изидан Тянь-Шань тоғлари сари кириб келди. Чунки, унинг биринчи саёҳати вақтида ҳали Иссиққул атрофлари, Тянь-Шаннинг асосий қисми Россия қўлига ўтмаган эди. Демак, русларга нотаниш бўлган бу жойлар ҳақидаги, айниқса қаерда дарё бору, қай ерда тоғ, қай бир гўша дам олиш учун қулай, қай бир манзил хавфсиз эканлиги — буларнинг барчаси ҳарбий юришларга бебаҳо маълумот бўлиб хизмат қиларди.

Олим саёҳати давомида қимлар қаерда учрашгани ҳақида ҳам батафсил маълумот қолдиради. Сибирь билан дашт чегарасини кесиб ўтишдан аввал у генерал-губернатор Густав Гасфорт билан суҳбатда бўлади. Г.Гасфорт қозоқ-қирғиз ерларини босиб олиш, ўлкани кенг кўламда мустамлака қилишнинг зўр тарафдори ва иштирокчиларидан бири эди. Гасфорт қозоқ ерларига туташ Ғарбий Сибирь губернатори булса-да, унинг кўзлари Туркистонга қадалганди. XIX асрда рус жамятида ҳукм сурган порахўрлик, давлат хазинасини талон-торож қилиш ва ўғрилик губернаторни қаттиқ изтиробга солади. У тартиб ўрнатишга ҳарчанд уринмасин, ҳеч нарсага эриша олмайди. Шундан у «изтиробли қалби»га қозоқ ерларидан малҳам қидиради.

Узидан олдинги губернаторлар кўчманчи қозоқ-қирғизларни шомонликни тарк этиб, мусулмонликка даъват этиш билан катта хатога йўл қўйишганини Гасфорт тезда англаб олди, — деб ёзади Семёнов-Тянь-Шанский, — қозоқларнинг ислом динини қабул қилишлари Россия манфаатларига кучли зарба сифатида баҳоланди. Қозон шаҳридан татар муллаларининг қозоқ овулларига келиши таъқиқланиб қўйилади. Губернаторнинг бундай ғайриинсоний ишлари шу билан якун топмайди. У қозоқлар учун тамоман янги дин кашф қилиш керак, деган қарорга келади. Қозоқларнинг кўчманчиликка асосланган турмуш тарзи, кўпхотинлилик насронийлар одатига ёт, шу боис бу динни қабул қилдиришнинг иложи йўқ, деган фикр билан рус давлати манфаатларига жавоб берадиган янги дин яратишга киришади. Генерал мундиридаги сўнги «пайгамбар» тез орада ўзи уйлаган янги дин лойиҳасини подшо Николай биринчига мактуб орқали маълум қилади. «Пайгамбар»нинг мактубида бу динга яхудийлар дини асос қилиб олинди, уни талмуд расм-русмларидан тозалаб, насронийлик руҳида қозоқларга сингдириш лозимлиги таъкидланади. Губернатор нега бошқа динни эмас, айнан яхудийлар динини танлагани бизга қоронғу, ammo унинг ислом динига нафратининг ҳадди-ҳисоби йўқлигини пайқаш қийин эмас. У даштлик қозоқ-қирғизларга шундай паст назар билан қарайдики, бошига келган бир фикр билан уларни сунъий равишда яратилган динга киритиш мумкин, деб ўйлайди. Гасфортнинг «янги дини» лойиҳаси билан танишган подшо Николай I генерал мактубининг хошиясига: «Динлар қонунлар моддасига ухшаб яратилмайди», деб резолюция қўяди-ю, губернаторнинг васвасаси амалга ошмай қолади. Ачинарлики шундаки, П.Семёнов-Тянь-Шанский Гасфортнинг ғайри-инсоний фикр-ўйларини «ўта адолатли» мулоҳазалар сифатида баҳолайди¹.

¹ Ж. Сафоев тадқиқотида бу ҳақда етарли маълумот берилган.

Ўрта Осиё хонликларининг чор Россияси томонидан истило этилиши

Россия давлатининг ҳукмрон доираларида эса бу пайтга келиб Қўқон, Хива хонликлари ва Бухоро амирлигига нисбатан истилочилик руҳи устун келиб, Александр II (1855—1881) ҳукуматининг ташқи сиёсатида жангари генераллар мавқеи кучайди. Генерал-адъютант граф Д. Милютиннинг ҳарбий вазир лавозимига, граф Н. Игнатъевнинг эса Бош штаб Осиё бўлими раҳбарлигига тайинланиши Россиянинг Ўрта Осиёдаги сиёсатида кескин ўзгаришлар бўлишидан дарак берарди. Россия матбуотида эса Ҳиндистондек бой ўлкани мустамлакага айлантирган Англиядан ўрнак олиб, Осиёда фаол ҳаракатга чорловчи мақолалар пайдо бўла бошлайди.

Империя ҳарбий вазирлигида ўзбек хонликларининг иқтисодий ва сиёсий аҳволига оид жосуслик маълумотлари етарлича тўпланган эди. Генерал унвонига кўтарилган граф Н. Игнатъевнинг ўзбек хонликларининг ҳақиқий аҳволи ва уларни Россия назоратига олишни қай йўсинда амалга ошириш ҳақидаги ахборотлари бу маълумотлар орасида алоҳида ажралиб турарди.

Граф Игнатъев биринчи галдаги вазифа сифатида Қўқон хонлигига қарши бевосита ҳарбий ҳаракатлар бошлашни таклиф қилган. Ана шу таклифга кўра, Россия 1860 йилда Қўқон хонлигига қарши эълон қилинмаган уруш бошлади.

1. ЭЪЛОН ҚИЛИНМАГАН УРУШ... ҚЎҚОН

Қўқон беклари жойлардаги ўзбек, қипчоқ, қирғиз аҳолиси билан иттифоқ бўлиб, чет эл bosқинчиларига қарши ҳамжиҳатликда ҳаракат қилишга интилмадилар. Уларнинг бебошлиги ва зулми мамлакат барқарорлигига футур етказибгина қолмай, душманнинг ғалабасига имкон яратиб берди. Иш шу даражага бориб етдики, қозоқ бийлари Россияга ўз ҳукмдорлари зулмидан халос қилишни сўраб мурожаат қилишди. Улар ҳатто русларни Бухоро ва Қўқон хонлари бирлашса, истилога жиддий хавф туғилишидан огоҳлантиришди. Муаррих бу ҳақда «Қўқон амалдорларининг зулмидан безор бўлган ва сабр косаси тўлиб-тошган қозоқ бийлари русларга бориб айтибдиларки, Моваруннаҳр хонлари, чунончи, Бухоро ва Қўқон хонлари орасида адоват ва хусумат пайдо бўлиб, Бухоро амири Фарғона мамлакатини тахти тасарруфига киритиб олмоқ муддаосига тушган. Агар Бухоро ва Фарғона бир мамлакат бўлиб қолса, у ҳолда Бухоро амири икки пойтахтни ихота қилиб, то Тибат, Қанда-

хор тоғларидан тортиб лашкар жам қилгудек бўлса, иш оғирлашадур. Бу жойнинг аҳолиси ароларидан низо ва беиттифоқлик пайдо бўлиб турган ҳолда ишни тезлик ва осонлик билан саранжом қиладурсиз»,¹ деб ёзган эди. Бу гапнинг даҳшати шундаки, Россия гўё кенг оммининг кўз ўнгида босқинчилик билан эмас, балки таклифга кўра келган экан, деган тасаввурни ҳосил қиларди. Бу ҳолатни пайқаган Кўқон ҳукмдори Султон Сайидхон ва лашкарбоши Алимқул юрт барқарорлигини таъминлаш учун айрим чораларни амалга оширишга уринишди. Бу жиҳатдан хоннинг қозоқ бийларига йўллаган мурожаатномаси диққатга сазовордир. Унда хусусан бундай дейилган: «Худойи таолога шукрлар бўлсинки, шариат қонунлари асосида тинч-фаровон ҳаётга эришдик. Эндиликда 92 қавм² бирлашиб бир халқни ташкил этди. Шу равишда бизнинг содиқ фуқароларимиз тинчланди, тарафдорларимиз узоқ-яқин жойлардан келишиб, бизнинг хурсандчилигимиз ва марҳаматимиздан баҳраманд бўлмоқдалар. Сизлар ҳам динимиз ва она-юрт ҳурмати юзасидан хузуригимизга ташриф буюришингизни ҳамда олий илтифотимизга мушарраф бўлишингизни сўраймиз».

Алимқулнинг буйруғига кўра, Нурмуҳаммад қушбеги Авлиёотага бориб Талас дарёсининг юқори оқимида истиқомат қилиб турувчи қирғизларнинг сардорларини йиғиб улар билан суҳбатлашди. У ташқи душманга қарши курашда уларни ҳамкор бўлишга ундаб, Катта ва Ўрта жуз қозоқларини ҳам шу иттифоққа тортиш зарурлигини уқтирди. Алимқулнинг бундай сиёсати рус амалдорларини ташвишга солди. Улар ўз тасарруфларидаги қирғиз мулклари сардорлари билан учрашиб, уларнинг Кўқон хонлиги тарафига кўчиб ўтмасликларини алоҳида буюрдилар.


Рус зобитлари ўртасида ўзининг чўрткесарлиги ва ўта жангарилиги билан донғи чиққан полковник Михаил Черняев 1864 йилда Авлиёота шаҳри томон юриш бошлади. У Санкт-Петербургда ўқиган ва Россиянинг шарқдаги «маданиятпарварлигига» кўр-кўрона ишонган қозоқ зодагони, маърифатпарвар олим, штабс-ротмистр Чўқон Валихоновни ўзига маслаҳатчи қилиб олган эди. Русларга астойдил ишонган бу зиёли ана шу юришда рус зобитлари ва аскарларининг нималарга қодир эканлигини ўз кўзи билан кўрди.

Авлиёота ҳимоячилари душман билан мардона олишдилар. Шаҳар ҳокими Ниёз Али додхоҳ шаҳарни ташлаб, Туркистон тарафга қочиб кетиб қолганига қарамай, халқ ўз ташаббуси билан шаҳрини мудофаа қилди.

Авлиёота аҳолисининг бир жон, бир тан бўлиб босқинчиларга қарши кўрсатган қаршилиги, ҳатто болалар ва аёллар-

¹ Мулло Олим Маҳдумхўжа. Туркистон тарихи, 92-бет.

² Ўзбек уруғлари.



Сафардаги истилочилар.

гача қўлда қурол билан она тупроқ ҳимоясида шаҳид бўлгани қозоқ маърифатпарвари Чўқон Валихонов қалбини ларзага келтирди. Черняевнинг шаҳарнинг талон-торож қилинишига йўл бериб қилган ёвузлиги Чўқон Валихоновнинг у билан низолашиб қолишига сабаб бўлди. Штабс-ротмистр Валихонов истеъфога чиқиб, рус армияси хизматидан ўзини четга олди.

Полковник Черняев эса Авлиёотада қўлга киритилган ғалабадан сўнг генерал-майор даражасига кўтарилди. Туркистон шаҳрига ҳужум қилган полковник Верёвкин қўшинлари ҳам хунрезликда черняевчилардан қолишмади. Улар ҳазрат Аҳмад Яссавий мақбарасини тўпга тутишдан ҳам тап тортмадилар.

Чимкентда рус аскарларининг мағлубияти

Авлиёота ва Туркистон каби муқаддас шаҳарларнинг руслар тарафидан босиб олингани ҳақидаги хабар бутун Қўқон хонлигини эмас, балки бутун мусулмон оламини ларзага солди. Қўқон хони Султон Сайидхон ва лашкарбоши Алимқул бор кучларини тўплаб Тошкентнинг Мингўрик мавзеида марра эгалладилар. Мингўрикда тўп ва милтиқлардан отиш бўйича ҳар куни машқлар ўтказилди. Хон ва унинг сардорлари қўшин билан бирга бўлиб уларни руҳлантиришга ҳаракат қилдилар. Чимкент томон юриш бошланганда Султон Сайидхон ва лаш-

карбоши мулла Алимқул ҳар бир маҳалла ва масжид олдида тўхтаб, халқдан ва дин пешволаридан дуо ва фотиҳа олишди. «Бутун халқ қўлларини дуога очиб, — деб ёзган эди ўша давр тарихчиси, — муллалар ваъзу насихат қилиб, ҳаммани йиғлатиб газот урушига даъват этдилар»¹.

Юрт ватанпарварлари билан рус қўшинларининг Чимкент учун бўлган ҳал қилувчи жанги 1864 йил 14 июль тонгида бошланди. Уч кун давом этган уруш ҳақида муаррих Муҳаммад Солиҳ қизиқ маълумотлар берган. Мингбой қипчоқ баҳодир бошчилигидаги юрт фидойилари жангни бошлаб беришди. Ундан кейин Мирзо Давлат қўмондонлигида тошкентликлар, сўнгра Хўжанд ҳокими Мирзо Аҳмад қўшбегининг йигитлари майдонга отилиб чиқдилар. Бирин-кетин Марғилон, Қўқон, Андижон, Ўш, Наманган йигитлари жангга кирдилар. Калонхожа судур, Мўминхожа судур, Мирбобо понсадбоши, Аваз Муҳаммадбий каби лашкарбошилар билан бирга жанг майдонида уламолар, фозиллар ва бошқа нуфузли кишилар ватанпарварларни руҳлантириб ғалабага ундадилар. Муаррих ана шу воқеалар хусусида тўлқинланиб бундай деб ёзади: «Ўрисларни пастқам ерда, чашма ёнида мужоҳидлар тўрт тарафдан қамал қилдилар. Бир кеча-кундуз тўплардан ва милтиқлардан отишма бўлди. Шундан кейин уламо ва фозиллар навкарлар, жангчилар ва йигитлар орасида юриб, пайғамбар ҳадисларидан айтишиб, жиҳод ва газотга чақирдилар, зафар ва муваффақиятлар тиладилар.

Лашкарбоши мулла Алимқул мужоҳидларнинг ҳар бирининг кўнглини кўтариб, ҳаммани отдан тушиб ҳужумга ўтишга буюрди. Шу равишда карнайлар садоси остида тўрт томондан ўрисларга қарши ҳужум қилинди. Ўша онда ҳозир бўлган кишиларнинг сўзларига қараганда, мужоҳидлар 2—3 минг қадамгача олдинга силжидилар, икки томон ўртасида тахминан бир ярим минг қадам қолганда ўрислар замбарак ва милтиқлардан шундай қаттиқ ўқ ёғдирдиларки, бирданига 12 минг киши жанг майдонида ўлдирилди ва жароҳатлантирилди».

Бу жангдан сўнг штабс-капитан Мейер ўликларни ҳамда ярадорларни майдондан олиб чиқишини баҳона қилиб, урушни тўхтатиш ҳақида музокара бошлайди. Лекин руслар нимагадир чекинишга қарор қилишади, штабс-капитан Мейер ва подполковник Лерх бошчилигидаги қисмлар Авлиёота ва Туркистон томон чекинишади. Маҳаллий муаррихлардан Аваз Муҳаммад Аттор Хўқондий Чимкент остонасидаги ғалабани шундай тасвирлайди: «Ватан ҳимоячилари бор куч-қудрати билан динимиз душманларига қарши урушайлик ва зарба берайлик, шоядки, кофирларга кимлигимизни кўрсатсак, деган қарорга келишди... Мулла Алимқул эшик офаси қўлига зафар жиловини олиб,

¹ Қ а р а н г: *Муҳаммад Солиҳ*. Тарихи жадидаи Тошканд. ЎзФАШИ, 11072-рақамли қўлёзма, 448-бет.

иқбол остонасига қадам қўйди, шарафи осмон авжига етиб, фатҳу зафарли аскарларга ишорат қилди... Икки томондан ҳам ҳарб ноғораси ва уруш найи чалинди. Мусулмонлар тантанаси фазода акс-садо берарди. Довул садоси, ёшу қари фарёди аршдаги малак қулоғини ҳам кар қилди. Фазабнок суворийлар ва шиддаткор йигитлар душман томон ҳамла қилдилар. Омонлик товуси оромини йўқотиб, зоғга ўхшаб бир чеккада турарди. Ажал лочини уруш майдонида парвоз қилиб, руҳ қушини сайд этарди. Қатл олови шундай ёниб кетдики, осмон тоқига етарди. Уруш шуъласининг таъсири шундай эдики, унинг нури фалакни ёритарди. Диловар аскарлар ўз жонларидан кечиб, ширин ҳаётни унутиб баҳордаги чақмоқ қамишзорга ургандек, журашга ташландилар. Хусусан, аҳли ислом кофирларни қаттиқ жазоладилар, уларни жало тиғи билан уриб, шижоат ўқини отиб, бошларини танидан жудо қилиб ташладилар. Кўп кушойишлардан сўнг зафар насими Оллоҳ инояти ила мусулмонлар томонига эсди, кофирлар бошига бадбахтлик тупроғини ҳовучлаб сепди ва уларни шарманда қилди. Уруслар тез орада омонлик сўраб мусулмонлар олдида тиз чўкиб бош қўйдилар»¹.



Полковник М. Г. Черняев. У 1865—1866 йилларда Туркистон вилояти ҳарбий губернатори, 1882—1884 йилларда Туркистон ўлкаси генерал-губернатори бўлган.

Чимкент остонасидаги жанг-да юрт фидойилари эришган муваффақият ва русларнинг лашкарбоши Алимқул ҳузурига элчи жўнатишгани ҳақида маҳаллий муаррихларнинг асарларида қарама-қарши маълумотлар мавжуд. Аваз Муҳаммад Аттор Хўқондийнинг ёзишича, «Кўп ўрус кофирлар бошланг, қулоқларини қўлга олиб, қўрқиб узр сўраш учун мулла Алимқул сардор ҳузурига келдилар. Совға-саломларини тортиқ этиб, душманлик ва адоват руҳидаги калималарни унутиб, ўз мақсадларини баён қилишди. Мусулмонлар сулҳ васиқасига имзо чекиб, ўрислардан икки лак миқдорда Россия тилласида пул талаб қилишди. Бу эса Хўқонди латифнинг 225 минг бир мисқолли ашрафийсига тенг эди. Улар Туркистон вилоя-

¹ Аваз Муҳаммад Аттор. Тарихи жаҳоннамои. «Шарқ юлдузи», 1991 йил, 8-сон, 123-бет.

тини ҳам қайтариб беришга рози бўлишди». Муҳаммад Солиҳ Тошкандийнинг ёзишича, «ўрислар томонидан бир элчи жамоаси келиб аҳду паймонлар қилиб, Султон Сайидхон олдида ўз шартларини изҳор қилиш мақсадида амири лашкар мулла Алимқулга совға сифатида тўн келтирдилар ва жавобга мунтазир бўлиб турдилар»¹.

Лашкарбошилар кенгашида тошкентликлар руслар билан музокара юритишга қарши чиқдилар ва бу фикр кўпчилик томонидан қувватланди.

Амири лашкар Алимқулнинг Ватан йўлида жонини тикканлиги, унинг ҳар қарич заминини муқаддас билиб, душман қўлида қолдирмаслик учун ўтмишни, келажакни ўйлаб, буюк давлат арбобига хос, туркий миллат жипслиги манфатларини кўзлаш жиҳатидан иш кўрганлигини бир тарихий далил шаҳодат этади. Муаррих, ўша пайтда шиғовуллик мансабида турган мулло Юнусжон мунший амири лашкар Алимқулни кўп бора рус ҳарбий қўмондонлиги билан сулҳ тузишга, ёв тараф ҳам босиб олинган худудларни (Туркистон ва Чимкентни — *муалл.*) қўлда сақлаб қолиш шарти билан, ярашишга рози эканлигини билдириб, уни кўндиришга интиланлигини айтади.

Амири лашкар Алимқул бу ҳақда кўп ўйлаб кўргандан кейин, ўз шиғовулига шундай дейди: «Бу мусолеҳа² ниҳоят яхши ва фисандидадур ва мундин яхши маслаҳат йўқ, аммо бир **нуқтамиз ани қабул қилмоқдин манъ қиладур**. Бу мусолеҳани қилсак, Туркистон ва Фарғона халқи «Амири лашкар ва шиғовул деган **икки малъун** ўз осойиши ва айш-ишратларин кўзлаб, бу қадар мусулмонларни Уруссияга ташлаб сулҳ қилдилар, агар булар ғайрат ва ҳамият қилсалар ҳаммамиз фазотга отланиб, бул тараф Урунбурх, ул тараф Симфулод (Симферопол) ва Шомғача олур эрдук», деб **тирик бормиз ўзимизга ва ўлганимиздан сўнгра фарзанд ва набираларимизга лаънат ва таъна юборсалар керак.....** Энди бизга мусолеҳа важҳидан сўз қилманг, токи савдом кўзғолиб, сафром ғалаба қилмасун, дедилар»³.

Генерал Черняев, полковник Лерх ва капитан Мейер Чимкентдаги мағлубият оқибатларидан чўчиб, барча кучларни Оқбулоқда жамладилар. Бу жанг ҳақида рус манбаларида маълумотлар жуда юзаки. Муҳаммад Солиҳ Тошкандий асарида эса бу воқеа шундай баён қилинади: «Мингбой баҳодир биринчи фотиҳани олиб қипчоқ қабиласи йигитлари билан ўруслар йўлини тўсиб, урушга ҳозирланди. Иккинчи тарафдан тошкентлик жангчилар уруш майдонида пайдо бўлдилар. Шу ҳолда Мирзо Аҳмадбек кушбеги бошчилигидаги Хўжанд навкарлари

¹ *Муҳаммад Солиҳ*. Тарихи жадидаи Тошкент, ЎзФА ШИ, 11072-қўлёзма, 453-бет.

² Ярашиш, сулҳ.

³ *Мулло Юнусжон Мунший*. Амири лашкар Алимқул тарихи, 49—50-бетлар.

урушга киришдилар. Хўжандлик, марғилонлик, андижонлик ва нанангонлик сарбозлар амири лашкар мулла Алимқул қўмондонлигида Жинон қабристонининг бир томонида жанг қилдилар. Бу ерда қилич ва найзабозлик билан ёқалашишди. Шундай қирғин бўлдики, ўликлардан тепалар ҳосил бўлди. Жангда Мингбой қипчоқ от устида қилич билан у ёқдан-бу ёққа чопиб душманлар бошини танасидан жудо қилди. Аммо унинг ўзи ҳам душман ўқидан ҳалок бўлди. Хуллас, кун ботгунча тўхтовсиз уруш бўлиб, ўруслар охири чидай олмай орқага қайтиб, Авлиёотага чекиндилар».

Аваз Муҳаммад Агтор Хўқондий ҳам шунга ҳамоҳанг ёзади: «Сафар ойининг чоршанба, йигирма иккинчи кунда бир неча минг кофир ўз «гўрхона»ларидан тўсатдан чиқиб, ислом лашкарини писанд қилмасдан, уларга тўпу тўфангдан ўқ отиб, Чимкент қалъаси томон йўлга тушдилар. Камози таллигача етиб келиб, шу ердан шаҳар қалъасини тўпга тутиб, шундай уруш қилдиларки, одамнинг вужуди ваҳимага тушиб, ҳайратдан гунг ва лол бўлди. Мулла Алимқул сардор жаноблари ҳар бир паҳлавон гуруҳни жойига тайинлаб, Мингбой қўшбегини орқасига жойлаштирди. Мулла Алимқул эшик оғасининг ўзи бир неча душман билан урушарди...

Алқисса, икки томон ҳам шу хатарли ҳамда хавfli жойда матонат ва сабот ила бир-бирлари билан қаттиқ олишди. Фарғона қўшини эртдан кечгача муҳарриба қилди... Охири зафар шамоли Фарғона томон эсди ва кофирлар тор-мор бўлиб, қочишни ихтиёр қилдилар».

Алимқул эришилган бу ютуқни мустаҳкамлаб, руслар эгаллаган шаҳарларни озод қилиш учун қўшинни кўпайтириш ҳаракатига тушди. Ана шундай тараддуд қизиган куз ойида Бухоро амири Музаффарнинг Қўқон хонлигига қарашли ерларга бостириб киргани ҳақида хабар олинди. Бу орқадан урилган ханжардек хоинона иш эди. Алимқул шундай ҳал қилувчи бир вақтда Бухоро амирининг ёрдам бериб, Ватанни ҳимоя қилиш ўрнига, Қўқонга қилган ҳужумига қарши юришга мажбур бўлди. Бир томондан, босқинчи рус қўшинларининг, иккинчи томондан, амир Музаффарнинг зарбасига учраган Алимқул асосий қўшини билан Қўқон ҳимоясига отланишга мажбур бўлди ва англизларнинг Ҳиндистондаги ваколатхонасига ҳамда Туркияга ёрдам сўраб мурожаат қилди.

Алимқул Хўжанд ва Уратепада амир Музаффарнинг қўшинлари билан жанг қилаётган бир пайтда, Черняев 1864 йилнинг 14 сентябрида иккинчи марта Чимкентга юриш бошлади.

Русларнинг ўрол, Оренбург казаклари, 3-рота мунтазам пиёдалари ва тўпчилардан иборат гуруҳи Туркистондан, Черняев қўмондонлигида, полковник Лерх бошчилигидаги Фарбий Сибирь батальони, 4-рота ўқчилар, казаклар, пиёда тоғ артиллерияси взводлари ва отлик ўқчилар эса Авлиёотадан чиқиб,

Сайрам остонасида бирлашдилар. 22 сентябрдаги жангдан сўнг Чимкент истило қилинади. Чимкентнинг олиниси билан истилочиларнинг узоқни мўлжаллаб тузган режаси амалга ошиб, Оренбург-Сибирь қўшинлари бирлаштирилди. Қўшин бошлиғи қилиб Черняев тайинланди.

Хуллас, Россия империясининг кенг истилочилик фаолиятини давом эттириши учун жуда қулай шароит вужудга келди. 1863 йилда Польша, Литва, Белоруссия ва ўнг қирғоқ Украинадаги қўзғолонлар бостирилган эди. 1864 йилда эса Казказда тоғликларнинг сўнгги таянчи, ҳозирги Чеченистон ҳам рус қўшинлари тарафидан ишғол қилиниб, узоқ йиллар давомида рус мустамлакачиларига қарши курашга раҳбарлик қилган имом Шомил таслим бўлди. Бундан ташқари империядаги ички аҳвол Ўрта Осиёга қарши ҳужумкорлик кайфиятини кучайтирди. 1861—1862 йиллардаги Шимолий Америкадаги фуқаролар уруши рус саноати учун келтирилаётган пахта оқимини тўхтатиб, бу хом ашёга эҳтиёжни кучайтирди. 1864 йилда Ўрта Осиё пахтасининг нархи Россияда 1860 йилга нисбатан беш марта кўтарилиб кетди. Империя ташқи ишлар вазирлиги ҳарбийлар билан биргаликда император номига тайёрланган ахборотномада «Россиянинг Шарққа доимий назари кучли бўлгани»ни эслатиб, Ўрта Осиёдаги «ярим ёввойи қабилалар билан тинчликсевар сиёсат ўтказишнинг иложи йўқлиги» уқтирилди ҳамда Қўқон хонлигидаги беҳисоб табиий бойликларга алоҳида урғу берилди. Рус саноатчиларининг асл мақсадини матбуот ҳам ошқора қилиб, ҳукуматни «чўл қароқчилари билан пачакилашиб ўтирмасликка» чақирди. Москванинг «Голос» журнали очикдан-очик зўрлик ишлатиш ва «ёввойи кучларга куч ва террор билан жавоб қайтариш зарурлиги»га ундади. Генерал Катенин эса Тошкентни эгаллаш русларнинг «Ўрта Осиё мулкларига таъсирини бениҳоя оширишига» диққатни қаратди.

Бундай шароит ва кайфиятнинг вужудга келиши урушқоқ рус генералларининг мустақил ҳаракатига кенг йўл очди.

Босқинчиларнинг Тошкент ва Иқондаги мағлубиятлари

Амалда Қўқоннинг чинакам ҳукмдорига айланган лашкар-боши Алимқул ички сиёсат бобидаги парокандаликка чек қўёлмади. Нагжида, русларга қарши иттифоқни мустаҳкамлай олмади. Нуфузли амалдорлар ва саркардалар бошини қовуштириш амалда мумкин бўлмади. Айниқса обрўли қозоқ бийларидан ҳисобланган Бойзоқбийнинг қатл этилиши хунук оқибатларга олиб келди. Қозоқлар сардори Бойзоқбий Алимқулдан ҳукмни ўзгартиришни илтимос қилади. Бу ҳақда муаррих шундай дейди: «Амири лашкар: «Сен икки марра аҳд қилдинг, яна буздинг» деб, жомадорга «Муни замбаракга солиб отқил!», деб буюрса, бечора Бойзоқ чол, қари киши эркан, ёши юздан ўтган

экан, айтибдурки, «ҳой, Амири лашкар, мени булай қилма, кўзимни кўр қилиб, Хўқандга жубор, мен Русияга дафъ бўламан, мени хабарим болаларим ва бийларга етса, санга ёв бўлурлар, Русияни сенга бошлаб келурлар, ҳар иш қилиб, мени ўлдирма» деса, Амири лашкар қулоқ солмай, «кафил хат берайин» деса ҳам қабул қилмай, охири юз пайса доруни замбаракка солиб, кичкина одам экан, ёнига икки боғ қуруқ беда тикиб отдуробдур на ўлуги ва на суяги ҳам кўрунмади»¹.

Қозоқларнинг 120 бий сардори отаси Бойзоқбийнинг ўлими Алимқулга нисбатан обрўли қозоқлар оммасида кучли адоват уйғотди. Ана шу адоват оқибатида улар русларга кўнгилли аскар-зобит бўлиб хизматга киришган. Бойзоқбий ўғилу қариндошлари ва яқинларидан 400 киши генерал Черняев қўшини сафида Тошкент юришида қатнашдилар. Черняев 1864 йилнинг 27 сентябрида Тошкент томон юриш қилганида ўлдирилган Бойзоқбийнинг ўғли Оқмулла юклар ортилган туяларни бошқариб борган. Бойзоқбийнинг бошқа ўғиллари эса йўл бошловчи бўлиб хизмат қилишди. 1864 йилнинг 1 октябрида Черняев Тошкент шаҳрининг шарқий томонидаги Дарвишак қопқа деган жойга етиб келади. Рус ҳарбийлари бу ердан Анҳор сувидан ўтиб, Чинобод ва хожа Аҳрор вақф ерлари, яъни Оққўрғон орқали шаҳарга яқинлашиб, Қўқон йўлига жойлашадилар. Душман келаётганидан хабардор бўлган шаҳар аҳолиси девор устида жангга тайёр турган эди. Қўшфармончи қипчоқ бошчилигидаги аскарлар Қўқон дарвозаси, Мирза Аҳмад қушбеги сарбозлари Қашқар дарвозаси ҳимоясига отланганлар. Тўпчилар эса бу икки дарвоза орасидаги девор устига ўрнашдилар. Мудофаага барча шаҳар аҳолиси отланиб «ғариблар, фуқаролар, қариялар, ҳатто ибодату намоздан кўра, қўлимиздан келганча хизмат қилиш яхши ва савоб, дейишиб мужоҳидларга ва ғозийларга сув ҳамда озиқ-овқат етказиб турдилар»².

1864 йилнинг 2 октябрида эрталабдан бошлаб ҳар икки томон ўртасида тўплардан ўқлар узилди. Бу вақтда Эшонқули додхоҳ мадрасаси муллаваччалари, хусусан, эшон Шарифхўжа Офоқхўжа ўғли, эшон Ҳожихон Молихўжожи юзбоши ўғли Саъид Аҳрорхўжа Сотиболдихўжа ўғли, пичоқчи уста Содиқ Назар, ўратепалик Хидирназар заргарнинг укаси ва бошқа зиёли вакиллари «ғазотни ва бу шарафли урушни Қуръон, тафсир ва ҳадислардан олинган сўзлар билан исботлаб, ҳаммани ғазотга ва урушга чорлади. Уларнинг ўзлари ҳам Қўқон дарвозасига бориб, тўпчиларга қўшилиб ўқ жойлашда ва отишда қатнашдилар»³.

Тошкент девори тўплардан ўққа тутилгандан кейин подполковник Обух 2 рота аскарлари ва 4 тўпи билан ҳужумга ўтиб, деворнинг бир қисмини тешишга эришди. Шундан кейин рус

¹ *Ибрат*. Фарғона тарихи. Т., «Камалак», 1991, 307-бет.

² Тарихи жаҳидан Тошканд, 459-бет.

³ Уша асар, 462-бет.

аскарлари подполковниклар Обух ва Лерх қўмондонлигида шу жойдан шаҳарга бостириб кириш учун зовурни кечиб ўтишга ҳаракат қилганлар. Муҳаммад Солиҳнинг гувоҳлигига кўра, «ўруслар олға чопиб зовурга ўзларини отдилар; уларнинг иккинчи гуруҳи ёрдамга келмоқда эди. Шу онда девор устидаги шертабиат ва довюраклар ўзларини пастга ташлаб, зовур ичида ўруслар билан ёқамга-ёқа ушлашиб бир-бирларини ханжар билан ўлдира бошладилар. Ҳатто баъзи кишилар қочиб кетаётган душман орқасидан қувиб ва ушлаб, ханжар ва қилич билан жанг қилдилар. Зовур ичидаги ўруслардан уруш ва талаш билан 72 кишининг боши танасидан кесилиб, яроғ-аслаҳалари ўлжа олиниб, ғозийларга бўлиб берилди».

Ана шу воқеа ҳақида рус зобитларидан К.К.Абаза ўзининг «Туркистон истилоси» китобида шундай деб ёзган: «Шаҳар деворига 2 рота ва 4 замбаракдан иборат ҳарбий қисм подполковник Обух қўмондонлигида ҳужум қилди. Кўп ўтмай улар деворни тешишга эришдилар. Шундан кейин Обух подполковник Лерх билан ҳал қилувчи ҳужумни бошлаб юборди. Аммо қўқонликлар шу даражада қаттиқ ўққа тутдиларки, солдат деворга етгунча барча бошлиқларидан айрилдилар. Обух эса, ўлар ҳолатда жароҳатланди. Черняев ёрдамга келган бўлса-да, лекин вақт ўтган эди, йўлда ўликлар ётарди, ярадорлар жон бермоқда эди. Тириклар эса, зовурда қалашиб мадорсиз ётишарди. 80 га яқин киши ўз бошлиқларининг «жасорати» учун ҳалок бўлдилар. Черняев аскарлари ашуласиз ва хурсандчиликсиз ғам-ғусса билан Чимкентга қайтдилар. Аммо уларнинг ҳар бири қўқонликлар ғалабадан қувонаётганликларини яхши тушунардилар»¹.

Муаррих Аваз Муҳаммад Агтор Хўқондий Қўқон хони Султон Саидхонни «жаноби соҳибқирон» дея улуғлаб, бу ғалаба ҳақида шундай ёзган: «Кофирлар ўз жойларига қайтиб кетдилар. Тошкентликлар бу фатҳу зафарни эшитиб, жаноби соҳибқиронга беҳисоб лашкар билан бир неча кофирнинг бошини ҳадя ва совға сифатида жўнатдилар. 19-жумадул аввал, чаҳоршанба куниди² бу башоратли хабар ул хосиятсиз бошлар билан бирга Хўқонди латифга келди. Кабиру сағир, фуқаролар бир неча кун хурсандчилик қилдилар»³.

Сўнгра улар Тошкентда голибларни қандай қутлашгани ҳақида Муҳаммад Солиҳ қори ҳам ёзган: «Султон Саидхон ва мулла Алимқул амири лашкар кўп аскарлар билан Чирчиқдан ўтганда шаҳар аҳли, акобирлари, уламолари, фозиллари, сардорлар ва шайхлар уларнинг қаршисига чиқиб зиёрат этиб, йиғи-сиғи билан кўришиб ва дуога қўл кўтариб, уларни шаҳар-

¹ Абаза К.К. Завоевание Туркестана. СПб, 1902, 85-бет.

² 1864 йил 21 октябрь.

³ Тарихи жаҳоннамойи, 124-бет.

даги ҳукумат саройига олиб келдилар. Уларга мужоҳидлар, ғозийлар ва шаҳар аҳолиси қатнашувида зиёфат берилди».

1864 йилнинг ноябрь ойида Тошкентда Султон Саидхондан фотиҳа олингандан кейин Алимқул сарбозлар ва ғозийлар билан Шайхондтахурнинг катта кўчаси бўйлаб Сағбон кўчаси ва Сағбон дарвозаси орқали Саригоч йўлига чиқади. Улар бу ергача «ҳар бир маҳаллада ва масжидлар олдида тўхтаб жамоа аҳлидан дуо ва фотиҳа олиб» келдилар.

Кўшинда Алимқулдан ташқари мирза Давлат қушбеги, Қўшфармончи қипчоқ, Юсуфбой додхоҳ, Ўтамбий қушбеги қипчоқ ўғли ва бошқа нуфузли кишилар бор эди. Аваз Муҳаммад Аттор Хўқондий уларнинг навбатдаги юришини шундай тасвирлаган: «Шундай қилиб, қиш ҳам кирди. Кундан-кунга ҳаво совуб, қору ёмғир ёғиб, ер яхлаб, қорнинг баландлиги оту туя кўкрагига тегадиган бўлди. «Туф», десангиз музлайдиган ҳавода соҳибқироннинг ғайрати тошиб, лашкар сафидан 12 минг ёш йигитни танлаб, уларга мулла Алимқулини сардор қилди ва Туркистондаги кофирларга қарши жангга боришларини буюрди. Шу вақт ҳавонинг совуқлигидан ҳис ва ҳаракат руҳи бадандан соқит бўлиб, нафас танадан худди пўст ташлайдиган илонга ўхшаб зўрга чиқарди. Айниқса Тошкентдан чиқиб Қайроғоч мавзесига етиб келган кун тунда шундай шамол кўтарилдики, Од қавмини йўқ қиладиган тўфонга ўхшарди. Мусулмонларнинг бир неча нафарининг оёқ-қўлини совуқ урди, баъзиларининг юзлари, кўзлари музлади, баъзи кишилар эса ақлдан озиб, сафдан чиқдилар. Бир ғаройиб аҳвол юз берди. Лашкар тез суръатлар билан ҳаракат қилиб Чулак мавзеига келди. Одамлар манзил қилган шу жойда кофирлар ҳам кичик қўрғон бино этиб, бир даста сарбозларни ҳимоя учун қолдирган эканлар. Шу қавмдан қарийб 50 кишини ўлдириб, хотираларини тоза ва мусаффо қилиб Иқон қалъаси олдида қўш урдилар»¹.

Мағлубиятга учратилган ўша рус ҳарбий қисми ясовул (майор) Серов бошчилигида Иқон қишлоғига тўрт чақирим қолган жойда Алимқул қўмондонлигидаги лашкар томонидан қуршаб олинган эди. Ясовул Серовга ёрдам бериш учун Туркистон шаҳридан етиб келган русларнинг мадад кучи ҳам тор-мор қилинди. Муҳаммад Солиҳнинг ёзишича, юрт фидойилари «Тошкент ақобирларининг маслаҳатига кўра, хашак, қамиш ва тиканни наматга ўраб ва деҳқонларнинг «қора бўйра»сини ясаб орқасидан отлиқлар ҳужумга ўтдилар. Натижада душман аскарлари яроғ-аслаҳаларини ва бошқа нарсаларини ташлаб ҳамда кўп кишини йўқотиб Туркистонга қочишга улгурди»².

Иқон жангига оид ахборот Аваз Муҳаммад Аттор Хўқондий асарида ҳам учрайди.: «Намози аср ва шом вақти орасида кет-

¹ Тарихи жаҳоннамойи, 125-бет.

² Тарихи жадидаи Тошканд, 477-бет.

ма-кет шундай хабар келдиким, бир неча юз ўрус кофирлари дабдаба билан яқинлашиб келмоқда эдилар. Бу хабарни эшитиб соҳибқироннинг ғафлат уйқуси бошидан учди. Мардлик ғайрати унинг ҳамма паю суяклариди ҳаракатга келиб, аҳли лашкарини қуролантириб, кофирлар йўлини тўсиш учун жўнади. Сарбозлар душман йўлини ҳамма томонлама босиб олдилар. Қору муз отларнинг кўкрагига тегар, ҳаво совуқлиги эса ифрот қаддига етарди. Шу кечани сарбозлар от устида ўтказдилар, уларнинг кўпчилигини совуқ урди. Кофирлар эса ўзлари кавлаган хандақларга кириб, юз минг ранжу азоб ила кечани кундуз қилдилар. Ислол лашкарининг ғозийлари тўрт томондаги кофирларга қарата ўқ ёмғирини ёғдирдилар. Ёш паҳлавон йигитлар отларига миниб, ҳар тарафга чопиб кетдилар, кофирлар эса ваҳимага тушиб, уларни ўзларига йўлатмасдилар. Шундай қилиб, кечгача жанг қилсалар-да, ҳеч бир натижага эриша олмадилар. Кофирлар тоғдек мустаҳкам эдилар. Ақдли одамлар ўз расму ойинларига қараб, маслаҳат қилиб, ҳийла йўлини тутдилар. Улар бир кеча-кундуздан кейин ҳар хил нарсалар — намат, дарахт шохлари, қору муздан «қорабўйра» ясаб уни олдиларига қўйиб юмалатиб, кофирлар мавзеига яқинлашдилар. Уларнинг орқасидан паналаб келган навкарлар тўсатдан душманга ҳужум қилиб, кофирларни паришон ҳолда нобуд этдилар. Баттоллардан ўттиз-қирқ киши от ва туяларни миниб, Туркистон сари қочишга тушди. Мард сарбозлар бундан хабардор бўлиб, уларга етиб олиб, ақлсиз кофирларни милтиқ билан отиб ўлдиришди. Минг хил ҳийла ва найранг билан шу қавмдан 3—4 нафари қутулиб, Туркистон қалъасига етиб бордилар»¹.

Иқон жангида рус аскарлари ва зобитларидан 57 нафари ўлдирилиб, 43 нафари жароҳатланган эди.

Тошкент ва Иқондаги босқинчиларнинг мағлубияти мамлакат ватанпарварларини руҳлантириб, келгуси синовларга маънавий бирдамлик бағишлади.

Тошкент жангидаги жасорат ва хиёнат

1865 йилнинг баҳориди генерал Черняев Ниёзбек қалъасини босиб олди. Тошкентга русларнинг иккинчи ҳужуми бошланди. Черняев юрт хоинларидан бири Абдурахмонбек Шодмон ўғлининг маслаҳати билан Бўзсув тўғонини бузиб, уни Чирчиқ сойига буриб юборди. Абдурахмонбек аслиди Тошкент шаҳрининг Чувалачи маҳалласидан бўлиб, Черняевга муҳим маълумотларни етказиб турган хиёнатчилардан эди. Вақтида, Абдурахмонбек кўнгилли равишда Россия хизматига ўтади. Душманга сотилган хоинлардан яна бири шаҳарнинг энг катта бой-

¹ Тарихи жаҳоннамои, 125-бет.

ларидан Муҳаммад Соатбой бўлиб, у Петропавловск, Троицк ва Россиянинг бошқа шаҳарларидаги савдо-сотик доиралари билан яқин алоқада бўлган. У Россияга хайрихоҳ савдо аҳлининг сардори сифатида Тошкентдаги иқтисодий, сиёсий ва ҳарбий вазият ҳақида генерал Черняевга мунтазам равишда маълумотлар етказиб турган. Кейинчалик Россия империяси фахрий фуқароси ва «Авлиё Анна» олтин нишони соҳиби бўлган Сайидазим Муҳаммад ўгли ҳам ватанфуруш сотқинлар орасида алоҳида ажралиб туради.

Муаррих Муҳаммад Солиҳнинг сўзи билан айтганда, улар ўз маслаги ва ватанидан юз ўгирган кишилар эдилар.

Юрт фидойилари бу вақтда Тошкент мудофааси учун зарур бўлган барча чораларни кўришган. Улар Оқмачит маҳалласида истиқомат қилувчи Эшон Бобоҳўжа Аминни рус босқини ҳақидаги хабарни етказиш учун Қўқонга юбордилар.

Воқеаларнинг бевосита қатнашчиси ва жонли гувоҳи бўлган Муҳаммад Солиҳнинг ёзишича, Мингўриқда Тошкент аҳли иштирокида Султон Сайидхон, Алимқул ва сарбозлар шарафига зиёфат берилади. Ана шу анжуманда лашкарбоши Алимқул нутқ сўзлаб, Тошкент аҳлига душманга қарши кўрсатган жасорати ва қаҳрамонликлари учун миннатдорчилик билдиради. Донгдор саркарда душман билан уларни «бир томчи қони қолгунча» курашишга даъват қилади. Муҳаммад Солиҳнинг яна ёзишича, Алимқул Бухоро амирининг худбинлик билан олиб бораётган сиёсатини қоралаб, қаҳрли оҳангда амирга таҳдид ила оташин маъруза қилади. Муҳаммад Солиҳ шаҳар мудофаачиси ҳамда муаррих сифатида лашкарбоши Алимқулнинг Тошкент мудофааси учун кўрган чора-тадбирлари хусусида зўр кўтаринкилик билан қалам тебратади. Тошкентга келган сарбозлар ва ғозийлар орасида қўқонликлар, андижонликлар, наманганликлар, ўратепаликлар ва бошқа юрт фидойилари ҳам бор эди. Ўша жанг арафасида бомдод намози адо этилгандан кейин одамлар руҳланиб, душман билан олишувга шай туришди. Жангчиларга оддий фуқаролар, муллаваччалар ва бошқа ғозийлар ҳам қўшилиб, Афросиёб тепалигида марра эгаллашди. Лашкарбоши Алимқулнинг ўнг қўл сардори, тажрибали саркарда Султон Содиқ Кенесарин бошчилигидаги сарбозлар душман тарафга разведкага боришди. Бу вақтда рус аскарлари Шўртепадан чиқиб Олтинтепага ўрнаша бошлагани маълум бўлди.

Бош қўмондон Алимқул душманга қарши биринчи навбатда қора кийимли сарбозларни, кейин нимча кийганларни ва орқасидан жиба кийган 2000 навкарни, 2000 кулоҳпўшларни, сўнгра милтиқ билан қуролланган отликларни юборди. Уларнинг кетидан яна отликлардан ва кўнгилли фидойилардан иборат кучлар боради. Амири лашкар Алимқулнинг ўзи отланиб сарбозлар ва ғозийлар орқасидан тезлик билан Афросиёбтепага

чиқади. Вазиятни чамалаб, шаҳарнинг Қўқон дарвозасига замбаракларни шундай тартиб билан ўрнаштирадики, ҳар бир жангвор саф бошидан охирига қараганда худди бир одам тургандек кўринарди. Сафлар орасида 36 замбарак ўрнаштирилди. Кўп ўтмай душман тўплари гумбирлаб ўт очади.

Муҳаммад Солиҳнинг ёзишича, «ўрис аскарларига қарши тўп ва милтиқлардан ўқлар отилди. Шундан кейин жанг майдони тўп ва милтиқлар тутунидан киши бир-бирини кўра олмайдиган даражага етди». Бу вақтда, «Алимқул ҳар бир жангчи олдига бориб, хусусан баҳодирларга, сардорларга ва сарбозларга ширин сўзлар билан мурожаат этиб, дин ва ватан учун жангга руҳлантириб турди». Отлиқлар уч тарафдан ҳужум қилиб, душман сафини тўзитди. Олчоқ ва Олтинтепа мавзелари орқали Шўртепагача русларни таъқиб қилдилар. Чекинган рус қўшини тепаликка чиқиб жон сақлади. Дастлабки тўқнашув шу тариқа юрт мудофаачилари фойдасига ҳал бўлди. Руслар устидан қозонилган бу дастлабки ғалаба довруғи хонликнинг барча жойларига тарқалиб, мамлакат мудофаачилари руҳини кўтарди. Қўқон хони билан Алимқул ҳали душман кучлари буткул мағлуб бўлмаганини яхши англаган ҳолда, келгуси жанг режаларини муҳокама қилиш учун ҳарбий кенгаш чақирди. Кенгашда Тошкент вакиллари катта жасорат ва ғайрат билан ғалабага эришилганлигини эслатишиб, Султон Содиқ ва унинг иниси Арслон Кенесари ўғиллари бошчилигида навкарлар ва ғозийлар билан Туркистон, Оқмачит, Тўқмоқ ва бошқа руслар эгаллаган жойларни озод қилиш учун бориш зарурлигини айтишди. Аммо кенгашда худбинлик ҳолати ҳам кўзга ташланади. Қўқонлик Отабек шарбатдор қозоқ сардорлари кучайиб кетишидан хавфсираб, Алимқулга шундай дейди: «Агар уларнинг бу режалари рўёбга чиқиб қолса, у вақтда бириси хон, бириси вазирликни хоҳлаб, биздан юз ўтириши турган гап»¹. Кенгашда ана шу фикр устунлик қилиб, дастлаб ички низоларни тугатиш, сўнг русларга қарши урушни давом эттириш лозимлигига келишилади. Ҳарбий кенгашнинг дастлабки ютуқни мустаҳкамлаб, жангни давом эттириш ўрнига, душманга нафас ростлашга имкон берувчи бундай хатонинг юзага келиши хунук оқибатларга олиб келди.

Шўртепада турган рус аскарлари билан тўқнашув кенгаш хатосини рўй-рост исботлади. Шўртепа қалъасининг нариги томонида уч бўлинмадан иборат рус аскарлари билан жанг ниҳоят даҳшатли бўлди. Қўлига қурол олиб жанг қилган Муҳаммад Солиҳнинг ёзишича, «Тўплар ва милтиқлар оғзидан думалоқ ўт-олов чиқиб, ҳавога парвоз этиб, душман устига ёғар эди. Жасур ва фидойи сарбозлар ва мужоҳидлар уруш майдонида душманни ёқасидан тутиб ва муштлаб, қўлларидаги тиғ, қилич

¹ Зиев Ҳамид. Кўрсатилган асар, 157-бет.

ва найзалар билан жанг қилдилар. Майдонда ўлган ва жароҳатланганларнинг оҳ-воҳлари ва фарёдлари ҳар томондан эшитилиб турарди»¹. Бош кўмондон Алимқул шахсий ибрат кўрсатиш учун ўзини жанг майдонига отди. Алимқулга дуч келган ҳар бир душман чавандози омон қолмаган. Жанг авжига чиққан пайтда бир ўқ Алимқулнинг киндиги пастидан тегиб, у қаттиқ жароҳатланади. Гувоҳнинг ёзишича, Алимқул от устидан йиқилаётганда отнинг бўйнидан маҳкам тутиб, ўзини яна от устига олди ва шу ҳолда тўпхона олдига бориб, фармон берди: «Тошкент фуқаролари аста-секин орқага қайтиб, ўзларини шаҳар ичига олсинлар, бошқа сарбозлар ва мужоҳидлар эса урушни давом эттирсинлар».

Яна бир муаррих мулла Олим Маҳмудҳожанинг ҳикоясига кўра, қипчоқ ва қирғизларнинг баъзи бошлиқлари ниҳоятда хавф-хатарли ва тақдирни ҳал этувчи дамларда очикдан-очик жанг қилишдан бош тортган: «Тошкентдан тахминан ўн икки чақиримлик Олчоқ мавзеига яқинлашганда мулла Алимқул кўрибдурларким, Русия қўшини бир жойга жам бўлиб турубдур. Аларнинг муқобилига мулла Алимқул отлиқ мерганларни пиёда қилиб, тўпчи сарбозларни ёнига қўйиб, тўпларни рўбарў айлаб, икки тараф отишма бошлабдир. Ҳар икки тарафнинг тўп-туфанг отишидан ва чангу губордан уруш маъракаси қоронгу бўлиб, бир-бирларини кўрмайдугон даражага етуб, бу урушда Мулла Алимқул ўзи қўшинга бош бўлиб, гоҳ бул тараф, гоҳ ул тарафдаги аскарларнинг тепасига бориб, кўнгил сўраб турган. Аксар қипчоқ-қирғизия саркардалари кўшинлар билан урушга аралашмай мулла Алимқулга кўриниш айлаб, тепа устидан урушни назорат қилиб турубдурлар. Мулла Алимқул Юнусжон шиғовулни юбориб айтибдурларким: «Бу қандай аҳвол... хусумат ва адоватнинг вақти эмас, уруш тамом бўлгандан кейин ҳар нима кўнгилларингизда бўлса муддоан таъб жойига етказурман. Ҳаммамиз иттифоқлашиб обрў олайлук, бўлмаса мулку мамлакат, давлат кўлдан кетадур. Бу сўзларни Юнусжон шиғовул еткургон ҳолда аларнинг ичидан Пўлод қирғиз ном дағал одам қаттиқ ва нодуруст жавоб бериб, Юнусжонни қайтарди. Шул уруш асносида мулла Алимқул сувора ҳар қайси кўшин дастасида гоҳ тўпчилар, гоҳ пиёда мерган ва отлуғ аскарлар олдига бориб, ҳар қайсиларига ўзи амр бериб турган ҳолда, биқинидан ўқ тегиб отдин йиқилди. Дарҳол уни от ўза олиб, кўшиннинг назарига соғ одамдек кўрсатиб, кўшинга дарҳол тўп ва тўпхоналар илан аскар Тошкент рафига қайтсин, деб амр берилди».

Алимқулнинг ярадор бўлиб, сафдан чиқиши мудофаачиларга қаттиқ таъсир кўрсатди. Шунга қарамай улар ўз куч ва иродаларига таянган ҳолда замбаракдан душманга қарши ўт очиб,

¹ Тарихи жадидаи Тошканд, 510-бет.

сўнг карнай садолари остида ҳужумга ўтишди. Душман билан юзма-юз жанг қилган фидойилар тартиб билан Салор ариғи томон чекинишди. Аммо мудофаачиларнинг айрим гуруҳлари бирин-кетин жанг майдонини тарк эта бошладилар. Қипчоқ-қирғиз ва андижонликлар қўлга тушган ўлжаларни олиб Фарғона томонга қараб йўл олдилар.

Мулоҳаза учун далолат

Жангчи муаррих

Муаррих Муҳаммад Солиҳ қуролдошлари билан даладаги икки тўпни шаҳар ичига жойлаштиришга ёрдам бераётганда белига олтин камар боғлаган, қумуш филофда қилич ва олтин соғли ойболтаси бор сардорлардан бирига кўзи тушади. Муҳаммад Солиҳ уни шаҳардан қочаётгани учун хоинликда айблаб, темир таёқ билан елкасига туширади. Русларнинг тўпдан отган снарядларидан бири тўпчиларни ўлдирди, баъзиларини эса жароҳатлантиради. Натижада тўп отувчи киши қолмаганидан Муҳаммад Солиҳ ҳамроҳлари билан ўқни тўпга жойлайди. Шунда бир ёш йигит келиб, исми Тошмуҳаммад эканлигини ва Оққўрғонданлигини маълум қилиб, тўп отишга киришади. Бу йигитнинг отган ўқлари хато кетмасдан мўлжалга тегиши орқасида рус замбаракларининг овози ўчади. Бундан хурсанд бўлган Муҳаммад Солиҳ унга шундай дейди: «Эй, жон ўғлим, хизматинг шарофатидан мусулмонлар катта фойда кўрдилар. Қалъа кунгирасидан қарайлик-чи, ўқлар бекорга кетмаганизмикин. Тездан қарасак, руслар Ниёзбекни катта йўли буйлаб тўпларини пастлик ерга қўйиб, сунгра аста-секин Шуртепа томонга юрдилар. Буларни қўриб тарихчи Тошкандий «Охиратинг обод бўлсин, зоту зурриётингга раҳмат!», — деб Тошмуҳаммадни дуо қилди».

Муҳаммад Солиҳ ҳамроҳи Эшонхон ҳожи билан масжиддан чиққанда, Чуст ҳокими Муҳаммад Айюб минг кишилиқ отлиқ аскарни билан шаҳардан кетаётганини кўрди. Уларга «қаёққа кетаётирсизлар», деб савол берилганда, «руслар Кўкча дарвозаси томон келмоқчи, амири лашкар мулла Алимқул ўша ёққа боришни буюрдилар», деб жавоб беради. Шу пайтда бир киши Амири лашкар ўлдирар, улар қочиб кетаётир, деган. Чуст ҳокими «Ҳукумат берган тузини» инобатга олиб, душманга қарши урушни давом эттириш лозимлигини айтганда, ҳоким: «Бу муллавачча нималарни гапираяпти», — деб қиличи билан унинг бошига туширмоқчи бўлган. Муҳаммад Солиҳ эса чаққонлик билан милтигининг кўндоғи билан ҳоким отининг тумшугига ва орқа томонига урганда гандираклар, орқага кетаётган отларга бориб урилган.

Муҳаммад Солиҳ яна бир воқеанинг гувоҳи бўлган. У кўчада кетаётганда чопони ичида қиличи бор икки кишининг юк ортилган икки отни етаклаб кетаётганликларини кўради. «Бизлар савдогарлармиз, ҳукумат саройига бораётирмиз», — дейишади улар. Аммо Муҳаммад Солиҳнинг шогирдларидан бири у отлиқлар Кўқондан қори Шамсиддин томонидан мулла Алимқулга уруш харажатлари учун юборилган маблағларни олиб кетаётган Ҳакимхўжа ва Ёқуббойвачча номли кишилар эканлигини маълум қилади. Юклар давлат хазинасига тегишли маблағ эканлигини англаган Муҳаммад Солиҳ хазинани Муса Муҳаммадбий деган кишининг уйига туширтирган ва ўғирланишдан сақлаб қолган. Шундан кейин Муҳаммад Солиҳ бу ҳақда маълумот бериш учун Султон Сайидхон ҳузурига боради. У ҳамроҳи Эшонхўжа билан Балх ариғи кўпригидан ўтганда подшоҳлик анжомларини ва ҳар хил нарсаларнинг тепасида турган Турақул деган шахсга дуч келган. У киши хазинага тегишли нафис ва қимматли буюмларни шаҳар ичига олдиришда ёрдам беришни Муҳаммад Солиҳдан илтимос қилган. Бу сўров сарбозлар ёрдами билан амалга оширилган. Кейин маълум бўлишича, хазина моллари қаергадир олиб кетишга тайёрлаб қўйилган экан. Муҳаммад Солиҳ Султон Са-

Йидхоннинг дарвозанинг шимолидаги Давлатбой деган кишининг ўриқзорида турганини аниқлайди. Муҳаммад Солиҳ Султон Сайидхоннинг: «Қаердан келаётирсизлар», — деган саволига шундай жавоб беради: «Мужоҳидлар ва ғозийлар жамоасига Қўқон дарвозасини беркитдириб, паришонҳол ва ҳар томонга қочаётган кишиларни ўз жойларига қайтариб ва яхши сузлар билан кўнгилларини кўтариб, юракларидаги ҳар турли ваҳима ва хавфни чиқариб подшоҳликка тегишли турли молларни ва маблағларни талон-торож этишдан холи этиб, маълумот бериш учун ҳузурингизга келдик». Шунингдек, у сузининг охирида Тошкент шаҳрининг «қуршовдаги қўл-оёқсиз ва ташналиқда қолган халқини озод этишнинг охири бахайр бўлишлигини», «яхши ном қолдириш ва буни авлодлар қалбида абадул абад сақлашини таъкидлаб ўтади».

Муҳаммад Солиҳнинг чин юракдан айтган сузлари Отабек шарбатдорнинг ғазабини кўзгатди. У ўзини тутаолмай, навкарларга Муҳаммад Солиҳни отиб ташлашни буюрди. Аммо, Муҳаммад Солиҳ кучанинг уртасига тушиб улардан олдин милтиқлари билан уларнинг пешонасини нишонга олади. Бу ҳолни куриб турган вилоят катталаридан бири эшон Мансурхожа: «Отабек, ҳозир шундай вақтки, фитнес-фасодни ва халқнинг паришонлигини даф этиб ва орқага қайтиб, мамлакатдорлик ишлари билан машғул бўлиш даркор. Айни бир вақтда подшоҳлик асбобу анжомларини бир ерга туплаш лозимдир», — дея уни вазминликка чақирди. Шундан кейин йўлга чиқишга отланиб турган Султон Сайидхон «дарҳол отининг жоловини орқага буриб ва қайтиб» Муҳаммад Солиҳнинг олдига келиб, узининг Тошкентдан кетмаслигини айтади. Муҳаммад Солиҳ шу тариқа ўзи шахсан Тошкент мудофаасига муносиб ҳиссасини қўшади.

Тошкент хони

Султон Сайидхондан юз ўгириб қочиб кетган қипчоқлар, қирғизлар ва айрим қўқонлик сардорлар Қўқонга чекиниб, тахтга янги хонни ўтқозиш ҳаракатига тушиб қолган бир пайтда Тошкент халқи Султон Сайидхонга содиқ қолиб, уни қайта хонлик тахтига ўтқозишади. Муаррихнинг ёзишича, мамлакат аъёнлари, ашрофлар ва мутасаддийлар, хусусан, Содиқ тўра ва унинг иниси Арслон тўра, мулла Солиҳ додхоҳ, Бобожон понсадбоши, мулла Содиқ ва Отакул маҳрам ясовул ва бошқа сардорлар ҳозир бўлишиб таъзим ила салом беришиб, юзларини подшоларининг мазаллати тупроғига суртиб, амал даражаларини мақомига яраша ўтиришиб, якдиллик билан Султон Сайидхонни тўрт бурчакли оқ кигизнинг устига ўтқазиб, юзини қибла томонга қаратиб қўйдилар. Тўрт жамоа ва қабила бошлиқлари кигизни бир бурчагидан, уламо ва фозиллар иккинчи бурчагидан, Содиқ тўра ва Арслон тўра ва бошқа элат бошлиқлари учинчи бурчагидан, Қўқон сардорлари тўртинчи бурчагидан, Тошкент аъёнлари, ашрофлари ва саркардалари, жумладан, Шер Алибий, ҳаммалари бирданига такбир айтиб, савот ўқиб, йиғлашиб уни подшоҳликка кўтаришди ҳамда подшоҳлик тожини унинг бошига кийгизишди. Шу онда улар «Муборак бўлсин!» дейишиб, уни табриклашдилар. Султон Сайидхон ша-рафига зиёфат берилди.

Султон Сайидхон Муҳаммад Солиҳнинг хизматларини тақдирлаб, унга шойи тўн кийгизиб шундай деган: «Эшони домул-

ла! Энди давлатга шерик бўлдингиз, хабар олиб турсунлар». Шу равишда Тошкент ўз хонига эга бўлиб, Қўқондан мустақиллигини намоиш этади.

Ана шу воқеа арафасида Муҳаммад Солиҳнинг амакиваччаси эшон Юсуфхўжа Иноғомхўжа читфурушнинг ўгли хонадонидан мулла Алимкулнинг жасади олиб чиқилиб, Шайхондтахур қабристонига қўйилган. Мулла Алимкулнинг жон бериши ва дафн этилишини Аваз Муҳаммад Аттор Хўқондий шундай баён этган: «Қирғиз ва қипчоқлар вафосизлик қилиб, Хўқонди латифга кетган кунларида сартия аҳолиси замон хонига вафодорлик кўрсатиб, амири лашкар билан қолдилар. Қипчоқ ва қирғизлар хиёнати амири лашкарга ҳам маълум бўлди. Бундан дард чекиб, Алимкулнинг касаллиги яна оғирлашди ва пешиндан кейин унинг руҳ қушчаси тананинг тор қафасидан халос бўлиб, жаннат оламининг фазосига учиб кетди. Жонни жон ато қилганга бериб, шаҳодат даражасига етди. Амир лашкарнинг фарзандлари, хотинлари ва тобелари бу аҳволни мушоҳада қилиб мажруҳ қалблари яна маҳзун бўлди. Сабру қарор жабрини қўлдан бериб, ғам ва қайғу тариқасига ўтдилар. Аркони давлат, аёни шавкат сартия мамлакатининг ақобиру ашрофлари, Тошкентнинг каттаю-кичиги ҳамма қайғуга тушиб йиғладилар. Кўзларидаги ёшлар дурга ўхшаб оқарди. Алқисса, ул жамоатнинг нолаю фарёди фойда қилмади ва бу дарди бедавога илож ҳам топилмади. Ниҳоят, Фоҳира дунёнинг орият либосини амири лашкар танидан ечиб, охиралиб либосини кийинтирдилар. Аркони давлат ва аёни мамлакат мулла Алимкулнинг жасадини қайси маконга қўйилик, деб машварат қилиб бир қарорга келолмадилар. Шу маҳал амири лашкарнинг бир неча ишончли кишиси ўзаро маслаҳат қилиб, иттифоқликда жасадни фозиллар қуёши ҳазрат Шайховандтахур мазоридан дафн қилдилар»¹.

Султон Сайидхон Россия тажовузига қарши курашда ёрдам сўраб Туркия султониغا, Бухоро амирига ва Қўқонга элчилар жўнатди. Қўқонга юборилган элчилар жанг майдонидан қочиб бораётган Қўшпарвоначи қипчоқ ва Мирзо Аҳмад қушбеги бошчилигидаги навкарларни Пскент ва Қурамада учратиб, ёрдам бериш тўғрисидаги хатни топширишди. Аммо улар орқага қайтишга кўнмай, Султон Сайид ва муфсид Отабек шарбатдор номларига хат ёзиб, қандай бўлмасин Султон Сайидни Қўқонга олиб кетишни, акс ҳолда тахт бегоналарга ўтиб кетишини маълум қилдилар. Улар Сирдарё қирғоғидаги Сарой деган жойда Шодибекнинг ўспирин ўгли Худойкулни тахтга ўтказиш билан хусусий манфаатларини қондирмоқчи бўлдилар. Кўп ўтмай ушбу 12 ёшли йигитча Саройга олиб келинди, сўнг Қўқонга йўл олишди. Бу ерда қипчоқ ва қирғизлар ҳокимиятни эгаллаб,

¹ Тарихи жаҳаннамойи, 126—127- бетлар.

Худойқулни тахтга ўтқаздилар. Кейин эса халққа зулм қилиб, яна солиқлар солишди. «Кофирларга қарши газовот» учун деб фуқародан юз минг тилла пулни йиғиб олишди.

Муҳаммад Солиҳнинг ёзишича, Бухорога себзорлик эшон Ҳакимхўжа қозикалон бошчилигида ҳар даҳадан тўрт оқсоқол юборилади. Бухоро амири ўз мактубида Султон Сайидхоннинг унга бўйсунуши ва шундан кейингина Тошкентга ёрдам бериш мумкинлигини ёзади. Амирнинг мактуби шаҳарнинг нуфузли кишилари томонидан муҳокама этилади. «Тарихи жадидаи Тошканд» асари муаллифи Муҳаммад Солиҳ бу кенгашда, Бухоро амирининг таклифини Қўқоннинг олий лавозимдаги амалдорлари, хусусан, Отабек шарбатдор қувватлаб, Султон Сайидхонни Бухоро амири ҳузурига юбориш ҳақидаги амирнинг талабини қувватлаганини, унинг ўзи мазкур кенгашда Муҳаммад Солиҳ қатнашганини ва хонга савол берганини эслайди:

«Шаҳзода, сиз кимнинг фарзандисиз?»

Жавоб бердилар: «Шаҳид Маллахоннинг арзанда ва азиз ўғлиман».

Мен дедим: «Отасига ҳам, ўғлига ҳам раҳмат. Бириси адолат ногорасини чалди, иккинчиси эса, газот ва жиҳод йўлида хизмат кўрсатиб ва яхши ном чиқариб, ўзга ҳукмдорларни ҳайратга солди. Шаҳзода бамисоли хонлик хазинасидаги жавҳардир, уни бекордан-бекорга қўлдан бой бермаслик лозим. Бу зотни этагидан тутиш бурчимиздир. Ҳали қўлга кирмаган насияга ишониб қўлдаги нақдни бериш ярамайди. Давлатнинг тузини ичган ҳар бир амалдор ва саркарда унинг ғамини емай, хизмат қилмай ва ўз вазифасини адо этмай ҳар томонга қараб қочса, фуқаролар душманнинг асирига айланиши турган гап».

Муҳаммад Солиҳнинг бу оташин нутқи кенгашда кучли таассурот уйғотди. Отабек шарбатдор шайхондтахурлик мулла Гулмирзо оқсоқол ўғлини Бухорога элчи қилиб юборишни таклиф қилди. Аммо Муҳаммад Солиҳ бунга эътироз билдирди. У генерал Черняев ҳузурига ақли ва тадбиркор элчини юбориб, урушнинг тўхтатилишини ва унинг Чимкентга қайтишини таклиф этиб, бу режа амалга ошса, ҳарбий тайёргарлик кўриш учун вақтдан ютиш мумкин бўлишини айтди. Бу таклифга кенгашдаги жоҳил кимсалар қарши чиқиб, «Бизлар русларга бош эгиб ҳеч вақт элчи юбормаймиз», — дея калондимоғлик билан мажлисни тарк қилишди. Султон Сайидхон эса муаррихнинг сўзларидан таъсирланиб, унга шойи тўн кийгазди. Бухородан Искандар бошлиқ элчилар келиб Султон Сайидхонни расман амир томонидан Бухорога таклиф қилишганида ва кенгашдаги кўпчилик унга қўшилганда ҳам, Муҳаммад Солиҳ қори ўғли эътироз билдириб, шундай башоратомуз сўзларни айтади: «Давлат тузини ичган амалдорлар ва сардорлар қочсалар, қалъанинг тупроғини ялаб ётган фуқаро, ғариблар бева-бечораларнинг қўллари қиёматгача уларнинг ёқасига ёпишиб, мало-

мат ва таъна остида қоладилар». Лекин унга қулоқ солмадилар. Қисқаси, тазйиқ остида Султон Сайидхон 1865 йил 9 июнда Мирҳамид Мирҳалим ўғли бошчилигида 500 аскар ва бир тўп билан Бухорога йўл олди.

* * *

Генерал Черняев эса шаҳарни тўпга тутишда давом этар эди. Унинг зарбдор кучлари Сирдарё қирғоғидаги Чиноз қалъасини эгаллади. 1865 йил 14 июндан 15 июнга ўтар кечаси полковник Абрамов, подполковник Жемчужниковлар қўмондонлигидаги 7 рота ва 8 замбаракдан ташкил топган аскарлар аста-секин боғлар орасидан Камолон дарвозаси томонга қараб юрдилар. 15 июнь эрта тонгда рус аскарлари тўсатдан Тошкентнинг Камолон дарвозаси деворидан ичкарига бостириб кирдилар. Муҳаммад Солиҳнинг сўзларига қараганда, руслар даставвал деворнинг бир киши ўтадиган тор жойидан кириб олишган. Сўнгра дарвоза ва девор устига чиқишиб, у ердаги тўпни ерга улоқтирганлар ҳамда Муҳаммад Солиҳ ва унинг атрофидаги кишиларга қарата милтиқлардан ўқ отишган. Шу пайтда мулло Исмагилло деган бир киши қўлтиғидан тўрт бўлак тошни чиқариб: «Биз ҳам чимкентликларга ўхшаб гуноҳкор бўлиб, ҳаром ўлайликми? Яхшиси, бу заминда ғозий ёки шаҳид сифатида ўлганимиз афзал», — деб қичқирган.

Рус аскарлари Камолон дарвозасидан кириши биланоқ Абрамов 250 аскар билан девор ёнидан ўнг томонга кетган



Босқинчилар ва ватанпарварлар жанги.

кўча бўйлаб боради. Йўлда унга қарши 200 сарбоз 4 замбарак билан ҳужум қилади. Аммо душман ғолиб келиб замбараклар жарга ташланади. Абрамов аскарлари уч жойда мудофаачиларнинг қаршилигини синдириб, бир неча тўпни ўз жойларидан ағдариб ташлаб, тўғри Қорасарой дарвозасига қараб юрадилар. У бу ердан Эски жўва бозори томонга қараб ҳаракат қилиб, дуч келган тўсиқлардаги мудофаачиларни қириб ташлайди. Подполковник Абрамов, майор Делакра ва подполковник Жемчужниковларнинг аскарлари Кўқон дарвозасини очадилар. Шундан кейин Краевскийнинг ҳарбий қисми шаҳар ичига киради.

Кейинги жанглар Анҳор атрофида давом этади. Муҳаммад Солиҳнинг гувоҳлик беришича, рус аскарлари баланд овоз билан «ур-ра», деб тўрт томонга милтиқ отишиб, йўлларида учраган одамни олдиндан ва орқадан отиб кетавердилар. Мулла Муҳаммад Юсуф деган кишининг таклифи билан катта кўчанинг олд томонини аравалар билан тўсишга киришилади. Муҳаммад Солиҳ ғозийлар ва сарбозлар билан Анҳор кўпригининг ғарб томонини аравалар билан тўсиб баррикадалар қуришга бошчилик қилади. Кўприкнинг ҳар икки томонида дўконлар бор эди. Бир вақт, «ўруслар икки томондан «ур-ра» деб қичқириб, бирданга милтиқлардан ўт очадилар. Ғозийлар кўрқмасдан домулло Ғозил охундга қарашли дўконларнинг иккинчи томонига ва масжидга ўрнашиб олиб ва милтиқ отиш учун дўконларнинг деворларини тешиб, жангга шай бўлиб турдилар. Руслар то тўпларини жойлаштиргунга қадар дўконлар ичидан уларга қарши ўқ ёғилди».

Шаҳар уламолари ғозийларни жангга отлантиришда жонбозлик кўрсатдилар. Шайх Абу Ҳаким Ўрда тўғонининг устига чиқиб қўлидаги таёғини ерга уриб «кофирларни ўлдилинглар!», деб бақирган ва Кўқон дарвозаси томонга қараб чопган. Душманнинг унга милтиқ ўқталишига қарамай, тикка туриб олган ва қаттиқ жароҳатланган. Шу ҳолда у «икки кўзларидан ёш оқизиб ва такбир, саловат ўқиб, ғозийлар ва мужоҳидларга: «Мени қўяверинглар, душманни ўлдилинглар», — деган.

Юрт фидокорларининг қаттиқ қаршилиги туфайли душман Кўқон дарвозасини ташлаб чиқиб, Шайх Шиблий аригидан ўтади. Сўнг Кўқон дарвозасидан чиқиб катта кўча билан Имом Ҳасанхон ва Саъид Маҳмудхон ўғли Юсуфхон масжидлари ичига кириб ўрнашадилар. Улар бу ердан тўплардан ҳар томонга сочма ўқлар отишади. Оқибатда маҳаллаларда ёнғин чиқиб, одамлар бошқа жойларга кетишга мажбур бўлади. Анҳор суви атрофидаги дўконларга ҳам душман томонидан ўт қўйилади.

Мавзуга доир ахборот

Рус зобитининг гувоҳлиги

«Қорасарой дарвозасига етгач, Абрамов Кошғар ва Қўқон дарвозалари ўртасидаги белгиланган манзилга тўғри чиқиш учун шаҳар томон чапга бурилди. Лекин у шаҳар кучасига ўтиши биланок ғоят кучли қаршиликка дуч келди — деярли ҳар бир қадамни жанг билан босишга тўғри келди. Сартлар дарахтлар орқасидаги уйларга, дарахтларга, деворлар ортига жойлашиб олган, кўчаларга тўсиқлар урнатган эдилар. Уларни ўт очиш ва найзалар билан энди қувиб чиқишгач, яна шундай қаршиликка дуч келишарди. Шаҳар марказида халқни ислом дини ва ўз хонадонини ҳимоя қилишга чақирган руҳонийлар таъсирида шу даражада мутаассиблашган оломон аскарлари-мизга нафақат найза, балки ойболталар билан, балки кўли билан ҳам ташланардилар ва албатта, найзадан омон қолмасдилар».

(Ю.Д.Южаков. *Взятие Ташкента. СПб, 1881*)

Солиҳбек додхоҳ

Маҳаллий ва рус манбаларида Султон Сайидхон кетганидан сўнг шаҳар мудофаасига мударрис Муҳаммад Солиҳбек додхоҳ бошчилик қилди, — деган маълумотлар келтирилади.

Кофирлар қанчалик ҳийла-найранг кўрсатиб, ярашиш хусусида ваъдалар бермасинлар, барибир, ғозийлар жанг қилишга тайёр эдилар.

Тошкент ватанпарварлари ташқи ёрдамга кўз тиккан ҳолда урушни давом эттиришга қаттиқ бел боғлаган эдилар. «Улар, — деб таъкидлайди Муҳаммад Солиҳ, — урушни ҳозиргидек давом эттирсак, шоядким, Хоразм, Бухоро, Фарғона ва Тошкент вилоятига тегишли атроф жойлардан ёрдам келиб қолса»,¹ — деган умидда жанг қилишди. «Тошкентликлар, — деб ёзган эди Солиҳбек додхоҳ, — очликка, сувсизликка, ташналикка ҳамда ҳалокатга ва талафотларга қарамай, урушни давом эттириб, шаҳарни ўз қўлларида сақлаб турибдилар. Ҳозирда ғозийлар, етим-есирлар, очлар ва ташналар номидан ёрдам сўраб Кировчи қалъасидан тортиб Курама, Чиноз, Хўжанд, Жиззах, Самарқанд, Бухоро, Қўқон ва Фарғона ерларига хатлар юбориш зарур»². Бу таклиф дарҳол маъқулланиб, кўрсатилган жойларнинг ҳукмдорлари номига хат тайёрлаш мунший Мирзо Юнусхон мулло Бобожон ўғлига топширилди. Шу тарзда 50 дан ортиқ хат тайёрланган эди.

Аммо, сотқинлик разолатли интиҳога сабаб бўлади, хоинлар ўқ-дори омборини босқинчи русларга кўрсатиб беришди. Бу махфий омбор Ўрда ичида бўлиб, унга душман отган снарядлар тушгач, даҳшатли портлаш юз берди.

Қирқ икки кунлик қамалда азоб чеккан халқнинг руҳига жуда ёмон таъсир этган бу ҳол, Черняевга ўз ёвуз мақсадига

¹ *Зиёев Ҳамид*. Кўрсатилган асар, 177-бет.

² *Тарихи жаҳоннамои*, 127-бет.

эришишни осонлаштирди. У энди Темур дарвозадан, яъни шаҳарнинг жанубидан хужум уюштириб, Бухоро ва Хоразмдан келиши мумкин бўлган ёрдам йўлини кесиб кўяди.

Руслар томонидан Тошкентнинг ишғол қилиниши халқаро миқёсда ёмон кайфият уйғотиб, Англия, Туркия, Эрон, Хитой ва бошқа давлатлар томонидан кескин норозилик билдирилишига асос бўлишини англаган Черняев маккорлик йўлига ўтади. У Тошкентнинг «ихтиёрий» равишда топширилганлиги ҳақида сохта ҳужжат тайёрламоқчи бўлади. Шунинг учун Черняев шаҳарнинг Ҳакимхожа қозикалон, Абулқосим эшон, домла Солиҳбек охунд сингари нуфузли кишилари билан музокаралар бошлайди.

Генерал Черняев «аввало Ҳакимхожа қозикалондан бошлаб Абулқосимхон эшон, Муҳаммад Солиҳ додхоҳ ва бошқа уламо, фузало, акобир, савдогарлар ва сардорлар билан бирма-бир, алоҳида қўл бериб кўришиб, ҳол-аҳволларини сурштириб, бир-бирларининг исмларини айтиб, сўнгра ваъда-аҳду паймонни ва ярашишни таклиф қилди»¹. Муҳаммад Солиҳ мазкур аҳднома беш нусхада тузилиб, бири генерал Черняевга топширилгани, қолган тўрттаси Шайхондтахур, Бешёғоч, Кўчча ва Себзор даҳалари вакилларига топширилганини маълум қилади. Муҳаммад Солиҳ додхоҳ муаррих Муҳаммад Солиҳни ўз ҳузурига чақиртириб: «Аҳдномани зеҳн ва диққат билан ўқиб, хотирангизда сақлангким, биз дунёдан ўтгандан кейин балким сизларга керак бўлиб қолиши мумкин»², деган.

Аҳднома мазмуни қуйидагича эди: «Оқ подшо ва унинг вакили генерал Искандар Черняевнинг фармони бўйича, Тошкент аҳолисига шуни маълум қиламизки, улар Оллоҳ таолонинг хоҳиш-иродасига мувофиқ, Муҳаммад пайғамбар динини қаттиқ ушлаб, шариат қонунларидан бир қарич ҳам орқага чекинмасинлар. Уларнинг барчаси шу ўлканинг фойдаси ва манфатлари учун ҳаракат қилсинлар. Беш вақт намозни ўз вақтида адо этсинлар, муллалар доимо мактабларга боришиб, Муҳаммад пайғамбар динини тарғибот қилсинлар. Ўқувчиларнинг бирор соати ҳам бекорга кетмасин, муллалар болаларни мактабларга жалб қилиб, бекорчиликка йўл қўймасинлар. Керак бўлса, қаттиқ чоралар кўриб болалар мактабларда ўқишга мажбур этилсин. Борди-ю, ота-оналар болаларнинг ўқишларига аҳамият бермасалар, у ҳолда раис ёки қозикалон ҳузурига чақиртирилиб, шариат асосида қаттиқ жазолансинлар. Бу диёрнинг аҳолиси вақтларини беҳудага ўтказмай, ўз ишлари билан шуғуллансинлар, савдогарлар эса савдо-сотифини давом эттирсинлар.

¹ *Зиёев Ҳамид*. Кўрсатилган асар, 179-бет.

² *Уша асар*, 180-бет.

Ислом дини бўза ва ароқ ичишни, бемаъни ўйинлар билан шуғулланишни ёки ахлоқсиз бўлишликни ман этади. Шу боис шариатга зид ҳар қандай бидъатлардан сақланиш лозим.

Тошкентдаги барча бой ва камбағал табақалар юқорида шарҳланганларни сўзсиз бажаришлари шарт. Шаҳардаги уйлар, боғлар, яйловлар, сув тегирмонлари ўз эгалари ихтиёрида қолдирилади.

Рус аскарлари аҳолидан ҳеч нарса олмайдилар. Туб аҳолидан аскарлик хизматига одам олинмайди. Ҳарбий кишилар бирорта хонадонга қўйилмайди, борди-ю бундай ҳол юз берса, дарҳол хабар берилсин ва айбдорлар жазоланади. Оқ подшоҳ бизга катта ғамхўрлик кўрсатди, шунинг учун биз унинг соғлигини худодан сўраб дуо қилишимиз керак.

Агар бирор кимса бир кишини ўлдирса ёки савдогарлар молини таласа, у вақтда айбдорлар рус қонунлари асосида жавобгарликка тортилади. Агар бир одам ўзини-ўзи ўлдирса, у вақтда унинг мол-мулки меросхўрига берилади ва ҳеч нарса олинмайди.

Мен, губернатор Искандар Черняев, сизларни бу йилги солиқлардан озод қиламан, кейингиси Буюк Оқ подшоҳимиз хоҳишлари бўйича белгиланади. Ўйлайманки, сизларга бундан ҳам зиёд ғамхўрлик қилинади»¹.

1865 йил 1 июлдан кучга кирган мазкур аҳдномадаги шартлардан кўриниб турибдики, босқинчилар қилар ишни қилиб, мазлум халқда майл уйғотиш учун атайдан ён бериш йўлини тутадилар. Биринчи навбатда, ислом динига қаттиқ риоя қилишга, шариат қоидаларига сўзсиз амал қилишга ва мактаблар фаолиятини сусайтирмасликка алоҳида аҳамият берилган. Шунингдек, халқнинг мол-мулки ва дини-эътиқоди дахлсизлигини сақлаш муҳим ўрин эгаллаган. Умуман олганда, аҳдномада миллий анъаналар ва урф-одатлар очиқ таҳқир ва таъқиқдан холи, маҳаллий аҳоли турмуш тарзи муҳофаза этилишига ваъда берилиши диққатни жалб қилмай қолмасди. Генерал Черняев аҳдномани тузишда шаҳар катталарининг талабларига ён берганида, шубҳасиз, қандай бўлмасин, урушни тўхтатишни ва ғалабани қўлдан бой бермасликни ўйлаб иш тутган. Шунинг учун ҳам у аҳолини бир йил давомида солиқлардан озод этган. Бундан ташқари, у бир қанча рағбат чораларини ҳам кўради. Чунончи, у аҳдномага имзо чекилгандан кейин Ҳакимхожа қозикалонга, Муҳаммад Солиҳ додхоҳга, тўрт даҳанинг оқсоқолларига зар ёқали чакмонлар кийгизади. 1865 йил 12 июлда, жума намозидан кейин, генерал Черняев «Ҳакимхожа қозикалоннинг уйига бориб, унга кўп ҳадялар бериб, кўнглини овлади. Сўнгра Регистон растасига бориб, одамларга ва гадойларга тангалар сочди, мажруҳларга ва жароҳатланганларга тиббий ёрдам берди»².

¹ Зиёев Ҳамид. Кўрсатилган асар, 181-бет.

² Ўша асар, 181-бет.

Тошкент рус аскарларига таслим бўлиши билан боғлиқ воқеаларнинг давоми Ҳакимхожа эшон таржимаи ҳолига оид асарда кўйидагича берилади: «Халқ раҳнамосига айланган бу доғишманд қария кўпгина қози ва амалдорларни ёнига олиб, Черняев қароргоҳига борди. У Тошкент шахрининг таслим бўлиши хусусида Черняев билан музокара олиб бориб, ҳамма масалада ўз халқи манфаатлари сақланган ҳолда амниятнома тузилишига муваффақ бўлди».

Тарихий асарларида Тошкент тарафидан бу ишда бир неча киши бош бўлгани айтилиб, уч кишининг, яъни Ҳакимхожа, домулло Солиҳбек охунд ҳамда Абулқосим эшоннинг номлари алоҳида таъкидланади. Бу уч улуғ зот аслида ҳақ йўлига ўзини тиккан, ватанпарвар одамлар бўлганликлари айтилган. Чунончи, домулло Солиҳбек охунд ҳақиқат учун курашда ҳатто ўлимдан ҳам кўрқмаслигини рус кўшинлари Тошкентни эгаллагач, генерал Черняев шаҳар катталарини тўплаб, гўё олдинги мусулмон ҳукмдорларидан кўп жабру-жафо кўрган миз сабабли «ўрис аскарлари ва сардорларини ўз ихтиёримиз билан олиб келиб, уларга шаҳарни топширдик», деган мазмунда жаҳон афкор оммасини чалғитишга мўлжалланган муурожаатнома тайёрлаб ва имзолаб беришни талаб этганида яққол намоён бўлади. Уша йиғиннинг иштирокчиси бўлган «Тарихи жадидан Тошканд» асарининг муаллифи Черняевнинг бу ҳаёсизларча талабига домулло Солиҳбек охунд кескин жавоб берганлигини айтади. У бундай деган: «Биз воқеъ бўлган ҳодисаларни тағйир ва табдил қилмасдан, ҳаққоний равишда айта мизки, Туркистон замини ва Тошканднинг Оқмачитдан Гулжа тарафигача бўлган ҳар бир қаъла ва вилоятни насронийлар ва русияликлар жангу талошу муҳориба билан ўз ҳукуматларига тобе қилдилар. Уларнинг аксари тунда тўсатдан, бевақт ва бетаваққуф ва бемуомала ва ҳеч нарса ваъда қилмасдан ва бемуҳлат ҳолда жангу муҳориба қилмасдан, қаттиқ талошу зўр қотиллик билан олиб борилди. Хусусан, Тошканд шаҳри зулҳижжа ойининг ярмидан савфар ойининг ўн иккинчисига қадар сувсиз ва озиқ-овқатсиз қолдирилди. Амири лашкар мулла Алимқул шаҳид бўлганидан кейин шаҳар етакчисиз ва султонсиз, кўшунсиз — аскарсиз қолди. Бухоро амири ва Хоразму Урганч, Фарғона ва бошқа шаҳарлардан, Муҳаммад умматларидан бўлган қабила ва элатлардан беёрдам ва беқўмак ва бенажот, беқуролу ва беяроғ, бедорую ва беқўроғшин қолдириб, Тошканд фуқароси ва аҳолиси ва унда турғун бўлиб қолганлар динлари учун уруш-талош қилиб, кечаси саҳар вақтида русиялар ва насоролар Хиёбон дарвозаларидан ва тепаликлардан ошиб, фуқаролар гафлатидан фойдаландилар. Фуқаро огоҳ бўлгач, панжшанба кунига-ча муттасил жанг бўлиб, аксар иморатлар олов ичида қолиб, ташна ва мадорсиз ҳолда йиқилиб-қўпиб, душману дўст аралашиб кетиб, қаттиқ елкама-елка жанг бўлди. Ва ахийри панж-

шанба куни пешин намозидан кейин насоро ва русиялар ваъда ва аҳдномалар билан сулҳга талабгар бўлиб, ярашишга майл кўргуздилар. Шундан кейин биз шарту шароитларга рози бўлиб, сулҳ туздик»¹. Мислсиз иймон-эътиқод билан берилган бу жавоб ўз бошига қандай катта фожиа келтиришини домулло Солиҳбек охунд яхши билган, албатта. Жавобдан сўнг ўзигина эмас, балки унинг жавобига қўшилган яна олти киши ҳам дарҳол Сибирь сурғунига жўнатилади.

Ҳақимхожа қозикалон

Унинг фаолиятига доир маълумотлар қозикалон таржимаи ҳолига оид асарнинг русча нусхасида, «Туркистон вилоятининг газети» муҳаррири Н. Остроумовнинг нашр этилган китоблари ва қундаликларида, шунингдек, Муҳиддинхожа қозидан бизгача етиб келган баъзи ҳужжатларда сақланиб қолган.

Маълум бўлишича, Тошкентни руслар эгаллаганидан кейин, орадан бир неча ой ўтгач, Туркистоннинг муваққат губернатори генерал Романовский билан қозикалон ўртасида қаттиқ тўқнашув бўлиб ўтади. Ана шу тўқнашувда Ҳақимхожа эшоннинг ички дунёси намоён бўлади. Туркистоннинг янги бош ҳукмдори ҳузурда ўтган катта бир йиғинда унинг номига битилган ва шаҳарнинг йирик амалдорлари муҳри босилган тавсифнома топширилган эди. Ушбу шармандали ҳужжатда қозикалон муҳри босилмаганини кўрган Романовский Россия империяси қудратини кўрсатиб қўйиш учун уни итоаткор одамлар олдида дағдаға билан сўроққа тутди. «Бу қоғозда менинг муҳрим босилмаган бўлса, бунинг узрли сабаблари бор, — деб жавоб беради Ҳақимхожа, — негаки бу тавсифнома шариятга хилоф равишда битилган. Унда айтилган мақтов сўзларни бирорта ҳам мусулмон оғзига олиши мумкин эмас. Бу тавсифномани битган ва унга ўз муҳрини босганлар ислом динида эмаслар, деб ҳисобланиши лозим. Бизнинг динимизга иснод келтиришга ҳеч ким сизга ҳақ-ҳуқуқ бермаган, деб ўйлайман. Сиз ҳаддингиздан ошяпсиз. Мендан шу қоғозга муҳр босишни талаб этишга қандай журъат қилдингиз?» Романовский бу сўзлардан дарғазаб бўлиб, кутку билан гапира бошлаган. Бироқ Ҳақимхожа бўш келмай, Романовскийга: «Ҳаммамизни яратган ҳақ Таоло бор. Унинг амри ҳар бир инсон учун муқаддасдир. Бинобарин, сизнинг амрингиздан юқори туради. Агар у хоҳласа, ҳаммамизни ва бутун оламни йўқ қилиб юбориши мумкин. Шунга кўра аввало Тангрининг амрини вожиб деб биламан. Агар ҳақ Таоло мени ўз паноҳида асраса, сизгина эмас, балки сиздан юқорида турганлар ҳам ҳеч нарса қила олмайсизлар. Агар ҳақ Таоло менга жазо беришни хоҳласа, унга қаршилиқ

¹ Тарихи жадидаи Тошканд, 2-жилд, 12—13-бетлар.

кўрсатиш бефойда ва ҳеч қандай куч, ҳеч кимнинг ҳомийлигию меҳрибонлиги унинг жазосидан сақлаб қола олмайди. Муҳтарам жаноб, сиз мени қўрқитиш билан шарият йўлидан тойдиришга мажбур қиламан деб ўйламанг».

Қозикалоннинг бу муомаласидан кейин мустамлака маъмурлари унга эҳтиёткорлик билан муносабатда бўладилар ва ҳамиша қўйинларида тош сақлаб юрадилар. Орадан бир неча ой ўтгач, 1867 йил бошида Туркистоннинг биринчи генерал-губернатори К. П. фон Кауфман Тошкентда ўз фаолиятини бошлайди. Ўлка бош ҳокимининг энг аввал қилган ишларидан бири шу бўлдики, Ҳақимхожа эшонни унинг Себзор даҳа Қози кўчасидаги уйига бориб зиёрат қилади ва юртни бошқаришда қийинчиликларга дуч келган чоғларида унинг маслаҳатини олиш учун ҳузурига келиб туришга рухсат сўрайди. Бош ҳокимнинг ўта муғомбирлик билан қилган хушмуомаласига лаққа учган қозикалон бир неча ой мобайнида у билан яхши муносабатда бўлиб, ўз лавозимини адо этиб туради. Бироқ, юқорида айтганимиздек, Ҳақимхожа эшон учун қўйнида тош асраган фон Кауфман уни қозикалонлик лавозимидан узоқлаштиришнинг бир неча усулларини ишга солади. Бу усуллардан бири шаҳардаги тўрт даҳа қозиларини тугатиб, барча ишни олтмиш беш ёшли, касалманд қария устига ортишдан иборат ҳийла эди. Турган гапки, қозикалоннинг ёши ҳам, соғлиғи ҳам масъулияти чексиз бўлган бу вазифани ўзи истагандек ҳалоллик билан адо этишига асло имкон бермасди. Шу муносабат билан ўз аҳволини тушунтириб, генерал-губернаторга хат йўллайди ва Кауфмандан «ундай бўлса, қозикалонлик муҳрини топшира қолинг», деган мазмунда жавоб олади. Қилинган барча ҳийла-гарликлар мағзини чаққан қозикалон ўзининг чўян муҳрини катта темир парчаси устига қўйиб, катта болға билан мажақлаб, фон Кауфман номига ёзилган лавозимдан бўшаш ҳақидаги аризага ўраб жўнатиб юборади.

Қозикалонлик лавозими барҳам топганлиги сабабли, Ҳақимхожа эшоннинг фарзанди Муҳаммад Муҳиддинхожани Себзор даҳаси қозилигига сайлайдилар. Муҳиддинхожа замона зайлини яхши тушунадиган, фан ва маърифатни, мумтоз меросни омма орасида тарғиб қилгувчи теран маълумотли киши эди. Шу сабабли айрим рус олимлари ҳам, янгича йўналишдаги ўзбек маърифатпарварлари ҳам ҳамиша у билан ҳаммаслак, ҳамфикр эдилар. Масалан, йирик шарқшунос олим, академик В. В. Бартольд Муҳиддинхожа қозининг эски китобларини, айниқса, отасидан мерос қолган Шарафиддин Али Яздий «Зафарнома»сининг мукаммал нусхасини, ноёб «Тарихи Табарий»ни ва бошқа нодир қўлёзмаларни фоят қадрлаганлиги маълум.

Отаси сингари Муҳиддинхожани ҳам Тошкент ҳокимлари Путинцев, Кисилев, Лодиженский ва бошқалар тинимсиз таъкиб этганликлари, унга қарши турли иғво ва бўҳтонлар уюштир-

ганликлари ҳақидаги маълумотлар бир қатор манбаларда сақланиб қолган. Шу муносабат билан Н. Остроумовнинг «Константин Петрович фон Кауфман — Туркистон ўлкасининг бунёдкори» номли китобида (Тошкентда 1899 йилда рус тилида чоп этилган) келтирган бир лавҳасини эслаш ўринли бўлур эди. Лавҳада айтилишича, 1877 йилда Эйлер деган терговчи кимларнингдир ғаламислиги билан Бош губернатордан рухсат олиб Муҳиддинхожанинг қозихонасинигина эмас, балки у яшаб турган ҳовлини ҳам муҳрлаб кетади. Бу ҳақда «Туркистон вилоятининг газети»да махсус хабар ҳам босилиб чиқади. Мустамлакачи маъмурларнинг бебошлигидан танг аҳволга тушган Муҳиддинхожа қози ноилож генерал-губернаторга арз қилади. Фон Кауфман генерал Абрамовга қараб: «Сиз бу қозининг отасини биласизми?» деб сўрайди. Ундан «Биламан», деган жавобни эшитган генерал-губернатор: «Йўқ, билмайсиз» деса, Абрамов яна «Биламан», дейишига қарамай, фон Кауфман: «Йўқ, сиз унинг отасини билмайсиз» деган сўзларни такрорлагач, «У зот Худодан бўлак ҳеч кимдан кўрқмаган ажойиб инсон эди», дейди ва ўз буйругини бекор қилиб, Муҳиддинхожанинг қозихонасидан ҳам, ҳовли-жойидан ҳам муҳрни олиб ташлашга рухсат беради.

Тошкент истило этилгандан икки кун кейин генерал Черняев халқ кўлидаги қуролларни топширишни буюради. У Эшонқул додхоҳ мадрасасига кириб, муллаваччаларга ўқишни давом эттиришларини айтади. Сўнгра амири лашкар Мулла Алимқул қабрини бориб кўради ва кўнглида шубҳа қолмайди. Черняев Кўкалдош, Бекларбеги ва бошқа мадрасаларни ҳам айланиб чиқади. У урушда шикастланган ёки ўт тушган масжидларни, ҳовлилар ва дўконларни тузатиш учун Ҳакимхожа қозикалоч кумуш тангалар берган. Генералнинг Тошкент аҳлига кўрсатган меҳрибонлиги, ғамхўрлиги ва инсонпарварлиги сунъий ва сохта бўлиб, кўзбўямачилик ҳамда найрангбозликдан иборат эди. У бу ишларни шаҳарда ўз мавқеини мустаҳкамлаш ва халқни чалғитиш учун ўйлаб топган эди. Черняев аслида ўта туллак босқинчи, шафқатсиз, золим ва миллатчи киши эди.

Мавзуга доир ҳужжат

Рус подшоҳига Тошкент аҳли номаси

«Бисмиллоҳир роҳманир роҳийм! Бисмиллоҳ ҳайрул асмо!

Оқ подшоҳи азим, шонли ва биюк даражали ҳазратларига, уз кўзлари урнига булган улугимиз губернатур Туркистон вилояти женероли Чурноев ҳазратларига.

Оқ подшоҳи аъзам тамом улуг подшоҳлар устига ҳаммасидан улуг ва голиб келган подшоҳимиз ҳазратларига арзимиз шулким, биз Тошкент қалъасининг ичидаги фуқароларингиз, бизлар шунча йил ва шунча замондан бери неча бул юрт улугларига тобе бўлиб юриб зулм - ситам, жабру жафодан бўлак ҳеч яхшилик юзини бу жаҳонда кўрмайин ўтдик. Охирилар шул умид билан сизнинг ҳазратингизни улуг подшоҳ ва адолатлик англаб, узимизни сизнинг паноҳингизга ташладик, алҳамдулиллоҳ давлатли бўлиб

ва ҳам омонда бўлиб, бул тарафнинг зўрли улуғ подшоҳларидан саломат қолдик ва ҳам сиздек улуғ подшоҳимиз ҳимоятлари бирлан динимиз, ал-ҳамдулиллоҳ, ривожли, равнақли бўлиб, шариатимиз кундан-кунга зоҳир ва ҳувайдо бўлиб, кеча-кундуз улуғ подшоҳимиз ҳазратларини умрларини узунлигини ва давлатларини зиёдалигини ҳазрат Худойимиз Жалла Жалол амма навала даргоҳидан ва ҳазрат пайғамбаримиз ва расолат паноҳимиз ва шафоатхоҳимиз Муҳаммад Расулulloҳ Саллолоҳу алайҳи васалламнинг ҳазратларини шафъ этиб ўтуниб, беш вақт намозимизда дуойи жонингизни тилаймиз ва сиздек каби женерол майурсиз, эмди сизга ўтунамизки бизнинг бул сувратда тобе бўлиб тинчликда ва хотиржамликда бўлиб, дуойи ҳазратларина машғул бўлишимизни ўн икки калит шаҳримиз бирла улуғ азим подшоҳимиз ҳазратларига еткурасизким, бул ўн икки калит биз фуқароларни тобе бўлиб, итоат қилгонимизга кафилдир. Тошкент шаҳримиз ўн икки дарвоза бирлан тамомдур. Бу калитлар шу дарвоза калитлари бўлғай. Эмди биз фуқароларни сиздек улуғ подшоҳ ҳазратларига ҳазрат тасодин, ҳазрат Муҳаммад Расулulloҳ Саллолоҳу алайҳи васалламни шафъ этиб беш вақт намозимизда дуоингиздин бошқа арзимиз қолмади.

Домла Аҳмад охунд Бобой ўғли қўлим қўйдим,
Мирҳомид қўлим қўйдим,
Дўстмуҳаммад бой қўлим қўйдим,
Муҳаммад Олим Шарифбой ҳожи ўғли қўлим қўйдим,
Эшмуҳаммад бой Ёдгор ўғли қўлим қўйдим,
Муҳаммадрасул Мусомуҳаммад ҳожи ўғли қўлим қўйдим,
Мирзохўжа эшон қўлим қўйдим,
Сайидбек Бобобек ўғли қўлим қўйдим,
Содиқбек қўлим қўйдим».

* * *

Ўзининг машъум ниятини амалга оширишни шу тариқа ниқоблаб, «Туркистонга халқ талаби билан келдик» деб «далилий» аюҳаннос солишга муваффақ бўлган Черняев бу мактубни Абу Сайид ва Ҳодихўжа исмли савдогарларга бериб, Петербургда бориб Оқ подшога топширишни буюради. Бу мактуб туфайли босқинчилик сиёсати оқибатида Англиядек кучли давлат билан тўқнашишга мажбур бўлиб қолишдан чўчиган Россия ҳукумати халқаро жамоатчилик кўз ўнгида ўз ҳатти-ҳаракатларини оқлаши лозим эди. Шунинг учун, бу мактубдан нусхалар қўчирилиб, 1865 йилда Россиянинг Туркиядаги элчиси қилиб тайинланган Н. Игнатъев орқали Истанбул кўчаларига қадар иладилар.

Дарвоқе, Россия истибдодининг Ўрта Осиё бўйлаб тобора кенгроқ ёйила бошлаши хавфи Англиянинг Шарқдаги манфатларига футур етказмай қолмасди. Чунки, стратегик жиҳатдан ғоят муҳим аҳамият касб этувчи Тошкентнинг олиниши сабаб, Англия қўл остидаги Ҳиндистон билан Россия чегараларининг жуда яқинлашиб бораётганлиги Англияни ташвишга солиши табиий эди. Шунинг учун Англия Ташқи ишлар вазири лорд Кларендон Петербургдаги инглиз элчисига рус қўшинларининг Туркистонга кириши Ўрта Осиё хонликларининг мустақиллигига таҳдид солишини ва бу Россия Ташқи ишлар вазири Гор-

чаковнинг 1864 йилнинг 3 декабрида қилган баёнотига зид эканлигини айтиб, Рус ҳукуматини огоҳлантиришни топширади.

Муваффақиятли истилолар орқасида бу вақтга келиб, анча кучайиб олган Россия ҳукумати Англиянинг норозилигини эътиборга олмади, чунки Англиянинг ўзи ҳам Ҳиндистон ва Афғонистонда босқинчилик сиёсатини юргизаётган эди. Шунинг учун бўлса керак, Россия Ташқи ишлар вазири Горчаков инглизларга берган жавобида Туркистондаги воқеалар ҳарбий бошлиқларнинг қарори билан амалга оширилганлигини, бунинг эса Англияга алоқаси йўқлигини эслатишни лозим топади.

Тошкент руслар томонидан ишғол этилгач, Бухоро амири Музаффар Черняевга элчи жўнатиб, шаҳарни бўшатиб қўйишни талаб қилди (тўйдан кейин ноғора!). Аммо, Черняев буни рад этгач, бошқа яна бир нуфузли элчилар юбориб, Россия ишғол қилган ерлар билан Бухоро ҳудуди орасида бўш жой (бетараф ҳудуд) бўлиши лозимлигини уқтиради. Чунки, амир Музаффар ҳам рус қўшинларининг ўз давлати чегараларига яқин келаётганидан хавотирга тушган эди.

Босқинчилик ҳадисини олган генерал Черняев Тошкентнинг хавфсизлигини таъминлаш учун унинг атрофларидаги баъзи ерларни ҳам ишғол этмоқчилигини ва бу ерлар Қўқон хонлигига қарашли бўлгани учун Бухоронинг аралашмаслиги кераклигини маълум қилади. Ўзбек хонликлари ичида алоҳида мавқега эга бўлган Бухоро амирлигининг бу ишларга аралашуви Черняевга қимматга тушиши мумкин эди. Шунинг учун у Бухоро амирини Тошкент аҳолисига ёрдам бериш фикридан қайтариб ва кўрқитиб қўйиш учун Тошкентдан Оренбурггача бўлган ерлардаги бухоролик савдогарларни таъқиб этишга ва уларнинг молларини талашга буйруқ беради.

Россия билан бўлган келишмовчиликларни тинч йўл билан бартараф этишдан умидини узмаган Бухоро амири 1865 йилнинг июль ойи бошларида Нажмиддинхўжа бошлиқ элчиларни Петербургга жўнатди. Аммо Черняевнинг хоҳишига биноан элчиларнинг Оренбургда генерал-губернатор Крижановский томонидан тутиб қолиниши Бухоро амири Музаффарнинг нафсониятига тегади ва у ҳам Бухорода турган рус элчиларининг Россияга қайтишларини таъқиқлаб қўяди.

Бир «ёввойи осиелик» ўзи билан бундай муносабатда бўлишидан жазавага тушган Черняев элчиларнинг зудлик билан озод этилишини талаб қилади. Бунга жавобан Музаффар «менинг элчиларимнинг подшо билан учрашишига монетьлик қилдингиз. Буни мен ғайри дўстона муносабат деб биламан.... Менинг элчиларим подшо билан учраштирилгунларига қадар сизнинг элчиларингизни ушлаб тураман», деб жавоб беради.

2. ЭЪЛОН ҚИЛИНМАГАН УРУШ... БУХОРО

Туркистон вилоятининг ҳарбий губернатори қилиб тайинланган генерал Черняев 1866 йил январь ойида Бухоро амирлигини бўйсундириш учун унга қарши эълон қилинмаган уруш бошлади. Унинг қўмондонлиги остида қўшинлар Жиззах томон отландилар. Бу хабарни эшитган амир Музаффар ўзи тахтга қайта ўтқизган ва таъсирида деб ҳисобланган Кўқон хони Худоёрга русларнинг йўлини тўсишни буюрди. Худоёрхон эса Россия билан тўқнашишдан қўрқиб, амир Музаффарнинг фармонини бажармади.

Рус истилочилари Бухоро хонлигига қарши уруш ҳаракатларини икки ҳарбий мавсумда — 1866 ва 1868 йилларда ўтказди. 1866 йилда олиб борилган истилочилик босқинлари оқибатида хонликнинг Ўратепа, Жиззах ва Янгиқўрғон сингари ҳудудлари Россия таркибига киритилади. Иккинчи ҳарбий мавсумда — 1868 йил қирғинбаротида эса Самарқанднинг олиниши, амир қўшинларининг Зирабулоқда узил-кесил тормор этилиши содир бўлади. Ўрта Осиёнинг қадимий пойтахтларидан бири, Соҳибқирон Амир Темур доврўғини жаҳонга ёйган Самарқанднинг босиб олиниши, нафақат хонликда, шу билан бир қаторда, дунё афкор оммаси кўз ўнгида, шимолдан келган оқ айиқнинг ёвуз мақсадлари чегара билмаслигини намоён этган эди. Амир Музаффар талафотлар олдида қаттиқ эсанкирашга тушади, у ўз тасарруфидаги ҳудуднинг қарийб тенг ярмидан маҳрум бўлган эди.

Чор Россияси ҳарбий кучларининг жанг майдонларидаги галабасини таъминлаган омил, шубҳасиз, уларнинг қурол-яроғига, ракета отувчи қурилмаларга, тез ҳаракат қилувчи артиллерияга, пистонли милтиқларга эга эканлигига боғлиқ эди. Шу сабабли ҳам, бу ҳарбу зарбларда сон эмас, қўрғошин, порох, чўян ва темир, яъни тўплар, замбараклар ҳал қилувчи ўрин тутди. 1866 йилги ҳарбий мавсум қатнашчиси, ўрта бўгин зобитларидан бўлган М.Зиновьевнинг бу жиҳатдан эътирофи эътиборни тортмай қолмайди. Амир қўшинлари билан Ўратепа ва Жиззахда юзма-юз жанг қилган бу зобит, «Уларнинг (яъни, амир сарбозларининг — *муалл.*) ўқи, айрим истисноли ҳолларда бўлмаса, деярли қўрғошин ялатилган тошчаларга ўхшайди. Қўрғошиннинг қимматлиги яхлит ўқлардан фойдаланишга имкон бермайди»¹, деб қайд этади.

Амир Ҳайдар ҳокимиятининг охиrhoғида унинг ҳузурига келган рус элчилари сафида Е.К.Мейендорф ҳам бўлган. У ўзининг кейинчалик ёзган «Оренбургдан Бухорога саёҳат» ном-

¹ *Зиновьев М.* Осада Ура-Тюбе и Джизака. Воспоминания об осенней экспедиции 1866 г. в Туркестанской области. Военный сборник, 1868, № 3—4, 331-бет.

ли асарида амир Ҳайдар лашкарининг қуrollаниш даражаси ҳақида фикр юритади. Элчилик ташрифининг санокли кунларида хонлик ҳарбий кучлари ҳақида бу қадар тўлиқ маълумот жамлашга улгуриш кишини ҳайратга солмай қолмайди. У, мана шундай ёзади: «Сипоҳийлар пилта милтиқ, жуда узун найза ва эронийларники каби ёйсимон қиличлар билан қуrollанган. Улардан айримлари калта жибалар кийишади, темир дубулға ва ҳўкиз терисидан қилинган қалқон тақишади. Артиллерия эса йигирмата эрон замбаракларидан иборат бўлиб, учта ёки тўрттаси темир қозиқлари бўлмаган лафетлар билан жиҳозланган, холос. Лафетлар, гарчи учта гилдиракка ўрнатилган бўлсада, шунга қарамай, улар катта қийинчилик билан ҳаракатга келтирилади»¹.

Ўзбек хонлари, жумладан, Бухоро ҳукмдорлари ҳам қўшин ва қуroll-яроғ бобида тамомила хотиржамликка берилган эди дейиш тўғри бўлмайди. Рус босқини хавфи сезила бошлаганда, ҳатто Хива хони Оллоқулихон амир Насруллога бу йўлда иттифоқлашиш таклифини ҳам орага солган эди. Амир Насрулло ҳарбий соҳада маълум ислоҳотларга қўл уради-да, ора йўлда қолиб кетади. Бунинг маъноси шулки, у ўзининг 34 йиллик салтанати давомида хонликдаги ички низолардан қутила олмади. Бутун ҳарбий кучини итоатдан чиққан вилоятларни бўйсундиришга сарф этди. Йўқса, Бухорода узоқ муддат яшаган, Зарафшон ҳарбий округини бошқарган, Туркистоннинг ҳарбий қувватини синчиклаб ўрганган Г. А. Арандаренко айтганидек, «Насруллохон даврида дала тўплари сезиларли даражада яхшиланган эди, улар учун инглиз ҳарбий низомидан чала-чўлпа хабардор бўлган афғон тўпчилари хизматга олинади. Оғир қуrollли отлиқлар — фальконетли хасабдорлар сони ҳам оширилади, пиёдалар кўпайтирилиб, тўплар ҳимоясида жангга кириш ва қалъаларга ҳужум қилиш қўллана бошлайди»².

Амирлик қўшинининг асосини хасабдорлар ва галаботирлар ташкил этар эди. 1868 йилга қадар бу икки қўшин турига олинганлар бир умр хизматда бўлар эди. Пиёда сарбозлар, олатда, тинч шароитда уйларда яшар, ҳафтада тўрт кун (чоршанба ва жумадан ташқари) эрта тонгда эшак билан Бухорога келар ва уч-тўрт соатлик машқларда қатнашиб, яна қайтиб кетарди. Г. А. Арандаренко, шу вайдан, Бухоро «ҳарбий тизимида» қоровуллик хизмати мавжуд эмас», дейди.

Амир Насрулло даврида ва ундан кейин ҳам тўпчибоши қўшиннинг бош қўмондони ҳисобланган. Бу, ҳарбий иш мувоzanатида отлиқ қисмга нисбатан техникага аҳамият бериш ибтидоси бўлганми, ҳар ҳолда, аниқ бир нима дейиш мушкул. Эрондан олиб келинган Абдусамад тўпчибоши, муаррих Мулло

Мейендорф Е.К. Путешествие из Оренбурга в Бухару. М., 1875, 140-бет.
Арандаренко Г.А. Досуги в Туркестане. 1874—1889, СПб, 1889, 543-бет.

Олим Маҳдумнинг «Туркистон тарихи» китобида айтилишича, билимли, заковатли киши бўлган. У, чамаси, тўп ва тўпхоналарнинг дала шароитидаги ҳаракат имкониятини оширишга эришади. Тўплар, уларни тортиб юрвчи отлар гуруҳланади ва рақамланади. Маълумки, бунгача тўпларни ҳўкизлар судраши таомилда бўлиб келган эди. Абдусамад тўпчибошининг қисмати фожей якун топади, амир Насрулло уни Шаҳрисабз беклари билан тил бириктиришда айблаб, қатл этади. Ёлланма лашкарбошиларга ружу қўйишдан, барибир, қайтилмаган.

Шу пайтгача осонликча эришилган ғалабалардан мағрурланган генерал Черняев уришқоқ ва ҳарбий маҳорати баланд қисмлар билан Жиззахни тез фурсат ичида эгаллашига шубҳа қилмаган эди. Лекин ўз юрти, она тупроғи ва муқаддас ватани озодлиги учун ҳаёт-момот жангига бел боғлаган Жиззах мудофаачилари русларга қақшатқич зарба беради. Уларнинг сони 8—9 минг кишидан ошиқ бўлмаса ҳам, Черняев қўшинларига қарши мардона жанг қилиб, уларни мағлуб этадилар. Шу вақтгача чинакам мағлубият аламини тотмаган генерал Черняев учун Жиззахдаги жанг жуда қимматга тушди. Жиззах мудофаачилари энгилмас деб овоза қилинган рус аскарларини ҳам энгиш мумкинлигини, бунинг учун уларга қарши бир жон, бир тан бўлиб, уюшган ҳолда жанг қилиш лозимлигини намойиш қилди. Улар бу жангда рус аскарларини энгибгина қолмай, қаттол генерал Черняев фаолиятига ҳам чек қўйди. Санкт Петербург шу вақтгача ғолиб бўлиб келаётган русларнинг Жиззахдаги мағлубияти Россиянинг Ўрта Осиёдаги мавқеига жиддий футур етказишидан хавфсираб, ўзбошимча Черняевни мансабидан четлатди. Туркистон вилояти ҳарбий губернатори ва қўмондони қилиб генерал Романовский тайинланди.

Шу тариқа, Россиянинг ҳукмрон доиралари, бу билан ўз ҳаракатлари халқаро майдонда босқинчилик сифатида қораланишидан чўчиб, унинг бевосита ижрочиси деб генерал Черняевни асосий айбдор сифатида жазолаш билан ўзини четга олмоқчи бўлди. Лекин, Россиянинг ҳарбий-сиёсий доиралари, бошқа томондан, энг учуда Романовскийга қатъий ҳарбий қаракатлар олиб боришга ижозат берди.

Россиянинг босқинчилик сиёсати моҳиятини англай бошлаган Бухоро амири муфтий хожа Муҳаммад Порсо бошчилигидаги элчиларни, Афғонистон ва Ҳиндистон орқали, ёрдам сўраб Истанбулга жўнатди. Хожа Муҳаммад Порсо инглизларнинг Ҳиндистондаги вакили Жон Лоуренсга амир Музаффарнинг мактубини топшириб, Англия қироличасига ҳам бу илтимосини етказишни сўради. Жон Лоуренс хожа Муҳаммад Порсо билан бўлган суҳбатда Бухоро амирининг 1842 йилда инглиз полковниги Стодарт ва Конолдининг ўлдирилишига монъелик қилмаганининг сабабини сўраганида, Бухоро элчиси: «Бўлиб ўтган воқеадан жуда афсусланаман. Аммо, у вақтда ёш

эдим ва давлат хизматида эмаслигимдан, бу нарсага таъсир эта олмас эдим. Ҳозирги амир ҳам у вақтда давлат ишларига яқинлаштирилмаган шахзода эди», деб жавоб берди.

Ўз фуқароларининг Бухорода ўлдирилишини унутмаган инглиз ҳукумати Истанбулга келиб, у ердаги Англия элчисидан ёрдам сўраб мурожаат қилган Хожа Муҳаммад Порсога бошда ўзларининг Ҳиндистондаги вакили Жон Лоуренс, кейинроқ эса Истанбулдаги элчилари Генри Эллаб орқали орадаги масофа узоқлигини важ қилиб, рад жавобини беради.

Муаррих Мирзо Абдулазим Сомийнинг «Тарихи салотини Манғитийа» асарида айтилишича, рус қўшинларининг тобора ичкарилаб келиши амирликнинг илғор фикрли зиёлилари орасида қаттиқ нафрат уйғотади. Бухорода мадраса талабалари жунбушга келиб, кофир босқинчиларга қарши ғазот қилишни талаб қилиб чиқа бошлайдилар. Бухоро шаҳри раиси эшон Бақохожа садр амирни ғазотга отланишга даъват этади. Иложсиз қолган амир, Абдулазим Сомий айтмоқчи, «беихтиёр босқинчиларга қарши юришга қарор қилди. Муқаддас ғазот учун пайшанба куни беадад қўшин ва беҳисоб хайрихоҳлар билан узангига оёқ қўйди ва Бухорои шарифдан жўнаб кетди»¹.

Амир русларга қарши жиддий ҳарбий тайёргарлик кўрмасдан, фуқароларнинг қистови билан, қўшинни муқаррар ҳалокат сари бошлаб борди. Воқеаларнинг кейинги ривожини шундай хулосага олиб келади.

Англия ва Туркиядан ёрдам кутган амир Музаффар ҳатто ўз ҳомийлигидаги Қўқондан ҳам мадад ололмаганидан тегишли хулоса чиқармади. Қўл остидаги бор имкониятлардан фойдаланиб, барча беклар ва сардорларнинг бошини қовуштириб, душманга қарши бирлашиб ҳужум уюштиришни ҳам ўйламади. Бу ҳол бош қўмондон Романовскийнинг қўшини Сирдарё даштига чиққани ҳақида хабар олгандан кейин амир Музаффарнинг хатти-ҳаракатларида яққол кўзга ташланади. У рус қўшинларининг йўлини тўсиш учун 30 минг кишилиқ лашкарни Оллоёр девонбеги қўмондонлигида жанговар маррани эгаллашга буюради. Амир ўз ихтиёридаги лашкари билан апрель ойининг охириларида йўлга чиқади ва Ўратепа яқинидаги Рогун қишлоғида тўхтади ва амир Оллоёр девонбегининг ҳусни-жамолда тенги йўқ қизини ўз ҳузурига келтиришни буюради. Юрт тақдири учун ҳаёт-момот жанги олдида ҳам амир ўзининг ҳузур ҳаловатини ўйлайди ва ҳарамига келтирилган 10 ёшли қиз, ўз лашкарбошисининг фарзанди эканлигини ҳам унутиб, ишратга берилади. Оллоёрбек девонбегининг сарбози Парчаюз Абдурахмондан ёзиб олинган эсдаликда айтилишича, ўша тонгда бу қизнинг сўйилган мурдасини топишган. Қўп ўтмай, сеvimли қизининг мудҳиш ўлими ҳақидаги хабар жанго-

¹ Мирзо Абдулазим Сомий. Тарихи салотини Манғитийа. М., ИВЛ, 1962, 61-бет.

вор маррани эгаллаб турган Оллоёрбек девонбегига етиб келади. У фарзанд доғида куйиб, бир неча кун давомида чодирдан чиқмай ётади. Оллоёрбекка қилинган зулм унинг қариндошлари Тўхтамишбек ва Фозил додхоўларнинг амирга қарши адоватини уйғотади. Қўшни Ўратепада ҳам норозилик кайфияти кучаяди. Амир Музаффар эса қўшиннинг бундай ҳолатидан беҳабар ҳолда, Ўратепа билан Жиззахни бирлаштирувчи қарвон йўли ёқасидаги катта бир тепаликда (у кейинчалик «Амир қочган тепа» номини олган) ўз қароргоҳини ўрнатади. 1866 йил 8 майда генерал Романовский қўшинларининг илғор қисми Эржарда кўриниши билан Оллоёрбек ва унинг қариндошлари Тўхтамишбек ва Фозил додхоў бошчилигидаги қўшин жанг қилмай, Ховос томон чекинадилар. Бу иш билан улар бегуноҳ ҳалок этилган қизчанинг ўлими учун амирдан ўч олдик, деб ўйлайдилар. Шахсий хусумат юрт манфаатидан устун келиб, 30 минг кишилик лашкар жанг майдонини русларга бўшатиб беради. Натижада, руслар амир ихтиёридаги қўшинни бир ҳамла билан тўзғитиб юборадилар. Музаффар жанг майдонини шармандаларча ташлаб қочади.

Эржарда осонликча қозонилган ғалаба Романовскийни рулантиради ва рус қўшинлари 17 майда Хўжанд остоналарида пайдо бўлади. Эркесварлиги билан танилган ва босқинчиларнинг кўп марта додини берган бу кўҳна шаҳар босқинчиларга қарши марди-майдон йигитларини жангга ташлайди. «Ғарбий қисмлар, — деб ёзган эди Романовский, — шаҳарга кираётганларида ниҳоятда қаттиқ қаршиликка дуч келдилар. Шаҳар ҳимоячилари ҳар бир қарич ер учун жанг қилдилар». Хўжанд халқининг қаҳрамонона курашини Аваз Муҳаммад Аттор Хўқондий шундай тасвирлайди: «Хўжандликлар ғайрат камарини белларига боғлаб, уларни (рус аскарларини) орқага қайтардилар... Шу пайт хиёнаткорлар дарвозани очиб бердилар. Шунинг учун Хўжанд қалъасини кофирларга олиш осон тушди. Хўжанд фуқароси кофирларнинг шаҳарга киришларини кўриб ғайрат ва шижоат ила ўрусларнинг йўлини тўсиб, қатъий ҳаракатлар билан жангга кирдиларки, еру осмон, доно ва нодон кишилар афсус бармоқларини ҳайрат тишлари ила тишлаб таҳсин ва офаринлар айтдилар. Ҳар икки тараф тўпу тўфанг, чўпу таёқ ила бир-бирларини уриб яксон қилардилар. Хусусан, мусулмонлар кўпроқ тўпу тўфанг қурбони бўлиб, орқага қайтиб ҳар бири кўча, маҳалла ва боғлар ичидан қочиб қолдилар. Кофирлар ҳам улар орқаларидан қувлаб кетдилар, кўча, маҳалла ва бозорларда одам қолмасдан, аёлу бола демасдан, кўп кишиларни милтиқ билан отиб шаҳид қилдилар. Файз осор шайх Муслиҳиддин ҳазратларининг мозорларида паноҳ топган ғарибу бекаслар, кўру чўлоқлар, гадою дарвишлар, майибу мажруҳлар — ҳаммалари, киши қолмасдан нобудлик оламига кетдилар.

Мадраса ва саройлар талон-торож қилиниб, кўп одамлар

қатл этилдилар. Икки томон ҳам тинчиб, қиёмат асар можора-лар тўхтагандан сўнг, ҳар бир тоифа ўз ўликларини топиб, уларни санаш билан машғул бўлдилар. Мусулмонлардан 2600 киши, эркак аёл, кабиру сағирдан шаҳодат даражасига етиб эканлар; куффордан эса 1200 киши дўзах ва жаҳаннам даргоҳи-га кетган экан. Шундай фожиа ила Хўжанд фуқаролари кофир-ларнинг зулм-ситамига гирифтор бўлдилар. [Хўжанд] вилояти-нинг мўътамидлари минг ажзу дард ила жаноб хон (Худоёрхон) валийнёматга кетма-кет элчи билан хат юбориб, ислом аҳли-дан мадад сўрадилар. Жаноб хон узоқ муддат андиша денгизига фарқ бўлиб, кофирларга қарши бирон журъат қилмади».

Босқинчилар билан саккиз кун давом этган жангу жадал-ларда ана шундай марди-майдон фидокорлардан беш минг киши шаҳид бўлади. Душман катта талафот эвазига Хўжандни эгаллайди. Шундан сўнг истилочиларнинг ёвуз нигоҳи Ўрате-пага қадалади. Босқинчилар 2 октябрда унинг остонасига яқинлашадилар. Ўз эли, юрти, озодлиги учун ёниб курашаётган ва шу йўлга азиз жонини тиккан мардлар қаторига кекса-ю ёш, ва ҳатто, аёллар ҳам қўшилди. Гувоҳларнинг сўзларига қараган-да, жангда Ўратепанинг 30 минг ҳимоячисидан ярми ҳалок бўлади. Гувоҳларнинг ёзишича, «жанг шу даражада даҳшатли бўлганки, тўкилган одам қони бамисоли ариқ сувига ўхшаб оққан». Ўратепадаги жанглар Аваз Муҳаммад Аттор асарида батафсил баён этилган: «Абдулғаффорбек Ўратепа вилоятининг ҳокими эди. У бир қаңча жасур ва мард одамларни йўл қўриқ-лашга юборган экан. Йўлда икки гуруҳ душман билан тўқнаш-дилар. Мусулмонлар катта куч билан кофирларга шундай ҳамла қилдиларки, тобу тоқат ва сабру сабот қолмади ва келган йўлларига қайтиб, минг найранг ила қочиб кетдилар. Ўктам йигитлар чаққонлик билан кофирларга етиб олиб, пўлатсимон найзалар отиб, ёмғирдек ўқ ёғдириб, қўшларигача қувиб бориб, қайтиб келдилар. Мусулмонларнинг журъати аҳли куффорга маълум бўлди. Беқарор юракларида сабру тоқат қолмади ва улар пайшанба кун эрталаб ўз жойларидан кўчиб, Кўркат мавзеига келдилар. Ислом лашкарлари кофирларнинг йўлини тўсиб, саёйу кўшиш ила жанги азим қилдилар. Кофирларнинг ҳарбий қудрати зўрлиги туфайли аҳли ислом мағлуб бўлиб, уруша-уруша орқага қайтдилар. Новкат мавзеига келиб, отла-рини тўхтатиб, яна қаттиқ жангга киришдилар. Ҳар бир мавзеъ ва қароргоҳ учун бетиним жанг қила-қила Моховзор мавзеига яқинлашдилар». Бу жангда юрт ҳимоячилари дастлаб душман-ни мағлубиятга учратганлар. Рус манбаларида Ўратепадаги рус-лар мағлубияти ҳақида ҳеч нима дейилмай, кўпроқ рус солдат-лари «жасорати»га эътибор берилади.¹

Содиқов Ҳ., Шамсутдинов Р., Равшанов П., Жасорат ва хиёнат. «Ўзбекистон адабиёти ва санъати», 1998 йил 27 февраль.

Муаррих Аваз Муҳаммад Аттор Хўқондий асарида эса ҳақиқий манзара тасвирланган: «Аҳли куффор қалъани эгаллаш қасди ила йўлга чиқди. Мусулмонлар бир қанча мусулмон мерганларни қалъа атрофига жойлаб қўйган эканлар. Мерганлар баттол кофирлар яқинлашишлари биланоқ уларнинг атрофларини ўраб олиб, тўпу тўфангни жўшу хуружга келтириб, тўрт томондан муқобатсиз отдилар. Кофирларда тоб-тоқат қолмади ва улар катта зарар кўриб, қаттиқ зарба еб қайтдилар. Кундан кунга жангу жадал кучайиб борарди. Якшанба кечаси, жумоди ул-охир ойининг 4-си, ё 5-сида кофирлар учта дарвозага одамларни таъинлаб ва ўрнаштириб, Муғ дарвозасининг чуқур хандакени хас-хашак билан тўлдириб, шундай кенг жойни бир кечада текис қилиб, ўзларига йўл очиб, тонгни кутиб турдилар. Шу пайт шаҳар аҳолиси ғофил ва ўз аҳду ҳолига машғул бўлиб, оламдан беҳабар уйқуда ётар эдилар. Бироз вақт ўтгач, саҳар пайтида, шаҳар дарвозаларига бир минг-иккй минг кишини қўйиб, ўрусларнинг губернатори ва генерали кўп сонли тўда ила Муғ дарвозасида ҳозир бўлди. Тўсатдан ўзлари текислаган йўлдан ўтиб, шаҳар дарвозасидан кириб туғ санчигини Муғ қалъасига ўрнатишни буюрди. [Муғ қалъаси] шу вилоят ҳокимининг жойи эди. Кофирларнинг қолган лашкари шаҳарга ҳар бир дарвозадан фирқа-фирқа, тўб-тўб, гуруҳ-гуруҳ бўлиб қич-қириб, шовқин-сурон кўтариб кирди ва оламини тўс-тўполонга кўмиб бозорга яқинлашдилар. Аҳли ислом мусулмонлик ҳамиятини дилга жойлаб Садди Искандардек туриб жанг қилардилар. Улар ўз юртининг ҳокими Абдулғаффорбек кофирлар келиши биланоқ жуфтакни ростлаганини эшитиб, заиф ва бемадор бўлиб, қочишни мўлжал қилдилар. Одамлар хилват жойларга яшириниб, кофирлар назаридан махфий бўлдилар. Қишлоқ ва саҳродан шаҳарга келган аҳоли жангга тушиб ўрусларнинг тўпу тўфанглари сочган оташ балосидан нобуд бўлиб, шаҳодат даражасига етуб, охират оламига кетардилар. [Ўруслар] уч соатга яқин вилоятни талон-торож ва аҳолини қатл қилиб, замона мардумига омонлик бердилар. Шу даҳшатли жанг жараёнида мусулмонлардан саккиз мингдан кўпроқ киши кофирларнинг тўфанг ва шамширлари тифидан ажал топди. Кофирлардан ўлганларнинг сони беш мингдан ошиб, дўзах оташига сазовор бўлдилар. [Ўруслар] куч ила Ўратепа мамлакатини ўз қўлларига олдилар».

Истилочилар энди ўз олдига Жиззахни забт этишни мақсад қилиб қўядилар. Аввалги мағлубият аламини унутмаган бошқинчилар 11 октябрда уни қуршов остига оладилар. Мудофаачилар русларнинг биринчи ҳужумини муваффақиятли қайтаришади. Қамалнинг иккинчи кунидаги тўқнашув ҳам ғоят даҳшатли ва беаёв бўлганлиги ҳақида муаррих Мирзо Абдулазим Сомий ёзиб қолдирган.

Жиззахдаги жангларда Искандарбек бошчилигидаги афғон

ҳарбийлари ўзларини кўрсатишди. Улар тўп отишда моҳирлик-лари билан мудофаачиларга далда беришди. Рус аскарлари даставвал шаҳарга борадиган сувни беркитиб, Самарқанд ва Ўратепа дарвозаларидан ҳужум қилишга киришдилар. 15 октябрь куни кечқурун капитан Михайловский 4 пиеда рота, 6 тўп ва 2 мортира билан Самарқанд дарвозаси остонасидан жой олади. Полковник Воронцов-Дашков қўмондонлигидаги 2 рота, 200 казак ва 4 тўп шаҳарнинг жануби-ғарбий бурчагига ўрнаштирилади. Шаҳар қалъасига ҳужумда Михайловский, Григорьев, Воронцов-Дашков ва Пистолкарс бошчилигидаги қисмлар қатнашган. Руслар ҳеч қаерда бундай қаттиқ мудофаага дуч келишмаган эди. Уларни Жиззахда бир воқеа ҳайрат ва даҳшатга солган. Ватанпарварлардан бир қисми душманга асир тушишдан ўлимни афзал кўриб, ўзларини портлатиб юборишди. Рус тарихчиларидан бири ана шундай фидокорлик ҳақида қизиқ бир маълумот келтиради: «Шаҳар ҳимоячиларининг қаҳрамонлиги ва қаттиқ қаршилик кўрсатишига тан бериш лозим. Ҳатто қалъадаги бир қисм кишилар урушни давом эттиришга илож қолмаганидан кейин порох омборига киришиб ўзларини портлатиб юбордилар. Бундай қилиш учун юксак маънавият, катта жасорат ва матонат керак бўлган».

Рус қўмондонлиги солдатларга Жиззахни талон-торож қилишга ижозат беради. Россия матбуоти, хусусан, «Русский вестник» рўзномасида шаҳардан таланган бойликлар ҳақида кўп хабарлар чоп этилган.

Жиззахда турли-туман бойликлар шу даражада кўп ва бебаҳо бўлганки, бунақасини руслар ҳали кўрмаган эди. Уларнинг орасида ҳар хил қимматли кийим-кечаклар, тилла ва кумуш билан сайқаланган яроғ-аслаҳа, эгар-жабдуқлар ва бошқа буюмлар кўп эди. Кишини ҳайратга соладиган туркман отларини кўриш мумкин эди. Турк, кавказ ва рус қиличлари бор эди. Жуда кўп отлар қўлга киритилган. Ҳатто бир солдат минг тилла тангаси бор халтача «топиб олганлиги» ҳақида овозалар тарқалган.

Оренбург генерал-губернатори Крижановскийнинг Россия ҳарбий вазири Милютинга 19 октябрда ёзган телеграммасида айтилишича, Бухоро амирининг Сирдарё водийсидаги сўнги таянчи бўлган Жиззах беш кунлик қамалдан сўнг, 18 октябрь куни соат 12 да эгалланган: «...26 байроқ, 53 та қурол ва жуда кўп бойликлар қўлга туширилди. Бизнинг йўқотишимиз, Худонинг иродаси билан, 100 кишидан камроқ бўлиб, 4 зобитимиз яраланди». Шу ўринда, Қўқон ҳукмдори Худоёрхоннинг ўз ҳомийси Бухоро амирига нисбатан хоинона иш тутганини муаррихлар тарих саҳифасига муҳрлаб қолдирганлигини айтиш лозим. Худоёр ҳатто Хўжанд ва Жиззахда минглаб ватанпарварларнинг қонини тўккан генерал Романовскийга табрик телеграммаси йўллаган. Унда, хусусан, мана бу гаплар бор: «Оқ

подшо билан дўстликни сақлаб, турли баҳоналар билан Қўқондан чиқмадим ва ўз ҳудудларимни сақлаш учун 35 минг кишилик қўшинни тўплаб, Шайтонмузгарда турдим. Шундан сўнг, Хўжандда турган амир ўз қўшини ва ҳарбий бошлиқларини олиб, шаҳарни мутлақо бўш қолдирганлигини эшитдим. Бу хабарни эшитиб, ўз қўшиним ва замбаракларим билан орқага қайтдим. Агар мен Оқ подшо билан дўстликни истамаганимда, қўшиним билан Шайтонмузгардан қайтмасдан Хўжандга кирар эдим... Оллоҳ ёрдамида Сиз Хўжандни забт этдингиз. Буни эшитиб, илгариги дўстликни мустаҳкамлаш учун Сизни ғалаба билан табриклайман». Ўшанда Худоёрхон «Оқ подшо билан дўстлик» Фарғона салтанатига ва, қолаверса, ўзига қандай қимматга тушишини хаёлига ҳам келтирмаган эди.

Генерал Романовскийнинг эътироф қилишига кўра, Жиззах мудофаачиларидан 6 минг киши ўлдирилган, 2 минг киши асир олинган. Оренбург генерал-губернатори генерал Крижановский Бухоро амирлиги ҳудудидаги босқинчилик урушини бундан сўнг қай йўсинда давом эттириш режаларини тузиш учун Петербургда бориб, керакли кўрсатмалар олиб қайтди. Шундан кейин, у генерал Романовскийнинг Бухоро қўшинлари устидан қозонган ғалабасидан мамнунлигини шундай изҳор қилади: «Сен амирни энгишга муваффақ бўлганингдан кейин, уни исканжага олишда давом этиб, нафас ростлашига имкон бермаслигинг зарур. Қўқон хони Худоёрнинг эса бизга вассал бўлишдан бошқа иложи йўқ. Борди-ю, бизга қарши ҳаракат бошласа, унинг масаласини ҳам бутунлай тугатар эдик».

Россия ҳукумати янгидан босиб олинган ерларни бошқариш ва бу ҳаракатни яна давом эттиришни мувофиқлаштириш учун 1867 йилнинг 11 июлида Туркистон генерал-губернаторлигини таъсис этди ва унинг раҳбарлигига подшо Александр II билан яқин алоқада бўлган генерал К. П. Фон Кауфманни тайинлади. Туркистон халқи истеҳзо билан «ярим подшо» деб атаган К. П. Кауфман мустақил равишда уруш эълон қилиш, сулҳ тузиш ва бошқа кўплаб ваколатларга эга бўлади.

Бухоро амирининг ўша вақтдаги фаолиятини муаррих шундай тасвирлайди: «Ҳукмдор муттасил қайғуриб, — деб ёзади Мирзо Абдулазим Сомий, — чора-тадбирлар кўра бошлади. Жиззахдан омон етиб келган кам сонли кишиларнинг кўпчилиги ярадор ва хаста, отсиз, қуролсиз эди... Амир жаноби олийлари Самарқанддан Карминага келиб қарор топди. Абдулмалик тўра (амир Музаффарнинг тўнғич ўғли, Фузор ҳокими — муалл.) билан Ҳисори шодмон ҳокими Раҳмонқули парвоначини Самарқандда қолдирди. Ўрислар Жиззахни эгаллагандан ўн беш кун ўтказиб беадад қўшин билан Илон ўтти орқали Самарқандга равона бўлдилар»¹.

¹ *Мирзо Абдулазим Сомий*. Кўрсатилган асар, 66-бет.

Генерал-губернаторлик вазифасига тайинланган фон Кауфман 1868 йилнинг 1 январиде Тошкентга келди. У ҳам Черняев каби Туркистон заминдаги хунрезликларни ниқоблаш мақсадида найранг-бозлик йўлига ўтди. У рус давлати мавқеини мустаҳкамлаш ва Туркистон ўлкасидаги фожияларни хаспўшлаш мақсадида бир гуруҳ туб аҳоли вакилларини, Марказий ҳукумат билан келишган ҳолда, Петербургга юборишга қарор қилди. Бу вакиллар асосан рус давлатига содиқ кишилардан иборат бўлиши керак эди. Вакиллар рўйхатига шайхулислом Носир мулло Исоқ (Туркистон шаҳридан), Қози Мирзо Талашпан (Чимкентдан), оқсоқол Амин сўфи Шайхов (Иқон қишлоғидан), дуғлат қабиласининг бийи майор Худойберган (Авлиёотадан), қорақирғиз қабиласининг бийи Бойтиқ Канап



Туркистон ўлкасининг биринчи генерал-губернатори ва Туркистон харбий округи кўмондони К. П. фон Кауфман (1867—1881).

(Авлиёотадан), Сайидазимбой Муҳаммадбоев, Эшонхон Имомхонов (Тошкентдан), қозикалон Юсуфхожа Абдуллахожа (Хўжанддан), оқсоқол Абдуғаффор Саримсоқов (Жиззахдан) ва бошқалар киритилган эдилар. 1867 йил март ойида Петербургга етиб келган Туркистон вакиллари дабдаба ва иззат-икром билан кутиб олинади. Улар, тузилган режага асосан, ҳукумат вазирликларида, Император саройида, халқ кутубхонасида, музейларда, фанлар академиясида, ҳайвонот боғида, Петропавловск қалъасида, фабрика ва заводларда, савдо биржаси ва дўконларда, театр ва циркда, касалхоналарда, Император боғи (Царское село)да ва Петербургнинг бошқа диққатга сазовор жойларида бўладилар. Бундай «меҳмондўстлик»нинг асосий мақсади Россия давлатининг қудратини намойиш қилиш эди. Туркистон вакилларини, ҳатто, подшо Александр II нинг ўзи қабул қилади. Улар Туркистон аҳолисининг рус давлати тобелигига олинганлигидан бахтиёрлигини, ўлканинг императорга абадий содиқлигини изҳор этувчи мактубни топширганлар. Бу мактубга Тошкент, Туркистон, Хўжанд, Чимкент ва бошқа ерларнинг оқсоқолларидан 59 киши имзо чекиб, муҳр босганлар. Муртадлиқ ва сотқинликдан иборат «вазифа»ни адо этган Туркистон «вакил-

лари»нинг аслида Ватан ва халқ иродасини ифодалашга маънавий ҳуқуқлари йўқ эди.

Шу тариқа, чор маъмурлари Туркистон генерал-губернаторлиги таркибдаги аҳоли гуё ўз «ихтиёри ва хоҳиши» билан рус давлати фуқаролигига ўтганлигини жаҳонга намойиш қилишга уринди.

Замонавий ҳарбий қурол-аслаҳа жиҳатидан русларга баробар келолмаган Бухоро амири фон Кауфманга элчи жўнатиб, сулҳ шартномаси тузишни таклиф қилади. Аммо К. П. Кауфман Бухоро амири олдига жуда оғир шартлар қўйгач, бу шартнома имзоланмади. Шундан кейин амир Музаффар охириги умид билан Туркия ҳукуматига, Афғонистон ва туркманларга элчилар юбориб, шошилинч ёрдам кўрсатишни сўради. Туркистондаги сўнги воқеалар ҳақида ёзилган, бири амир Музаффарга, иккинчиси қушбеги Муҳаммадшоҳга тегишли икки мактуб 1868 йилнинг апрель ойида Маккадан—ҳаж сафаридан Истанбулга қайтган элчи Хожа Муҳаммад Порсо қўлига тегди. У, амир Музаффарнинг 1868 йилнинг 7 февралда ёзилган, жами 14 киши имзолаган форсча мактубини Туркия ҳукуматига топширади.

Мавзуга оид далолат

Амир Музаффарнинг Туркия султониغا мурожаатномаси

«Сизларга сўнги маротаба арз қиламизки, Россиянинг истилочилиқ фаолияти унинг журъатини янада оширди. Руслар бир неча вақтдан бери қароргоҳ сифатида фойдаланиб келишаётган Оқмачитдан чиқиб, Ҳазрати Султон, Чимкент, Авлиёота ва Тошкентни қўлга киритиб, халқнинг кўпини шахид қилди ҳамда мусулмонларга ҳаддан ортиқ адолатсизлик ва зулм ўтказди.

Орадан бир йил ўтгач, Жиззах яқинига келган бўлсалар-да, мағлуб бўлиб, Сирдарё соҳилидаги Турақўрғон деган мустаҳкам бир жойда қишладилар. Жаноби олийлари амир катта қўшин билан руслар устига юрди. Бухоро қўшини кучли ва тартибли бўлган русларнинг урушиш усулини билмаганлигидан ортга қайтди. Бунинг оқибатида русларнинг жасорати ошиб, Хужандни олдилар ва анча мусулмонни шахид этдилар. Рус қўшини Хужанддан чиқиб, Янгикўрғонни олди ва Уратеплага яқин келди. Уратепани олган руслар қўлаб мусулмонни ўлдирдилар. Жиззах сари юриб, бир ҳафта ичида Жиззах қўрғонини олган руслар бу ерда ҳад-ҳисобсиз мусулмонни ўлдирдилар. Жаноби олийлари бу хабарни эшитиб, кўп сонли қўшинни Жиззахга жўнатди. Бу вазиятда руслар сулҳ шартномаси тузмоқчи эканликларини айтиб, Бухоро қўшинини ҳийла билан орқага қайтардилар. Қўшиннинг орқага қайтганидан кейин Янгикўрғон ва Жиззахдан уч фарсах узоқликдаги сой бўйига келгани ҳақида хабар етгач, жуда кўп аскар ва тўп билан кофир устига юрилди. Икки-уч марта кичик жанглар бўлди. Оренбург ҳокими Янгикўрғонда тураркан, Бухоро амирига бир мактуб юбориб, сулҳ тузиш истагини билдирди. Бухоро амири русларга алданиб, қўшинни орқага қайтарди. Буни эшитган кофир ўз қўшинини Янгикўрғондан олмади. Ҳодисанинг вуқуъ этишини арз қилдик. Халифа ҳазратлари русларни мусулмонлардан узоқлаштиради, шу тариқа исломият ривож топсин ва заифлашмасин. Бу тарафда жаноби олийлари тўпхона қурдириб, 10.000 кишилик аскар кофир билан қарама-қарши турибдир. Агар Халифа ҳазратлари (Туркия султони) мактуб ёки киши юбориб русларни мусулмон-

лардан узоқлаштира, давлатининг ривожини ва яхшилик-ла эсланишининг сабаби бўлажак. Чорасиз қолган бу мусулмонлар Халифанинг бу шарофати билан кутулсалар, амал дафтарига буюк савоб ёзилади. Ожизлик ва чорасизлик ичидаги мусулмонларнинг аҳволи Халифа ҳазратларига билдирилсин»¹.

* * *

Мусулмонлар халифаси — Туркия султони Абдулазиз (1830—1876) Бухоро амирига ёрдам берадиган аҳволда эмас эди. Чунки Россия таъсирининг Болқон ярим оролида ёйилиши Туркия давлатига хавф-хатар туғдириб турарди. Шунинг учун Франция императори Наполеон III таклифига биноан Парижда очилган катта бир кўргазмани томоша қилиш баҳонаси билан 1867 йилда Францияга кетиб, қайтишда йўл-йўлакай Англия қироличаси Виктория, Бельгия қироли Леопольд II, Пруссия қироли Вильгелм I, Австрия императори ва Венгрия қироли Франсуа Жозеф I, Руминия шаҳзодаси Карл I лар билан учрашган Абдулазизхон, ниҳоят, Бухоро амирининг мактубини муҳокама қилишни лозим топади. Аммо, Туркия ҳукуматининг Махсус мажлиси 1868 йилнинг май ойи бошларида хатни муҳокама қилишга киришган бир пайтда, Бухоро билан Россия ўртасидаги уруш янада кучайиб, амир Музаффарнинг руслар билан сулҳ тузишдан ўзга чораси қолмаганлиги ҳақида хабар олинади.

Шу ўринда, Туркистон генерал-губернаторининг 1868 йил 22 апрелда Самарқанд шаҳри аҳолисига қилган «Мурожаатнома»сини келтириб ўтиш лозим. Унда, жумладан, шундай дейилган: «Самарқанд шаҳрининг фуқаролари! Мана, мен байдан бўён ҳукмдоримнинг рухсатига биноан, сизларга тинчлик ва осойишталик бахш этишга гамжўрлик қилмоқдаман. Оқ подшо урушишни истамайди. Лекин Амир менинг яхши ниятларимни тушунмайди, ёки тушунишни хоҳламайди. У фойдали тинчлик сулҳини тузиш ўрнига, қўшини ва халқини Россия билан урушишга тайёрламоқда. Мен уруш орқасида халқнинг қони тўкилишига йўл қўймаслик учун барча чораларни кўраман. Мен зарари тегмаётган халққа эмас, амирга қарши бораётирман. Чунки Оқ подшо одамларга ёмонлик эмас, яхшилик истайди. Агар сизлар тавсия этилган битимнинг қабул қилинишига мени ишонтирсангиз, қон тўкилмайди ва қўшин қайтариб олиб кетилади. Оқ подшонинг мақсади — тинчликни сақлаш ва уруш қилмасликдан иборатдир. Фурсатни қўлдан бермангиз!»²

Кауфман бошчилигидаги Туркистон ҳарбий округи қўшинлари жавобни кутмасдан Самарқанд билан Жиззах ўртасидаги

¹ Мерт У. Бухоро амирининг элчиси Муҳаммад Порсо афандининг Истанбулдаги дипломатик фаолиятлари (1867—1869). «Турк култури араштирмалари», ХУ/1-2. 1976, 98—99 ва 112—113-бетлар.

² Очерки военных действий 1868 г. в Зарафшанской долине, 189-бет.

Янгикўрғон томон йўл олади. Душман юриши ҳақида хабар олган Самарқанд беги Бобохожа амирга қуйидагича ахборот юборади: «Тақсир, мен олган маълумотларга кўра, рус аскарлари Янгикўрғонда туришибди. Яқин кунларда Самарқандга юришса керак. Бунга қарши қандай чора кўришни буюрасиз? Сизнинг кўрсатмангизга биноан, ўглингиз бошчилигидаги кўшин Чўпонота тепалигига ўрнаштирилди. Аҳолининг бир қисми қуроллантирилиб, аскарларга қўшиб қўйилди. Фуқароларингиз Сизнинг келишингизни, эрта тонгда куёш чиқишини пойлагандек, қутмоқдалар. Сизнинг ташриф буюришингиз жасоратли кўшинингизни руҳлантириши мумкин». Аммо амир Музаффар журъатсизлик қилиб, Самарқандга фақат бир Мирзо Шамсиддинхўжани юборди. Бу пайтда Самарқанд атрофида минглаб юрт фидокорлари босқинчиларга қарши шайланиб турган эди. Уларнинг сафида русларга қарши узоқ йиллар давомида жанг қилиб бой ҳарбий тажриба тўплаган Султон Солиқ Кенесарин 2 мингдан зиёд қозоқ ватанпарварлари билан алоҳида зарбдор куч сифатида турарди.

Амир Музаффар тасарруфида бўлган Самарқанд шаҳрида бу пайтда Шерали иноқ ҳоким эди. Абдумалик тўра ҳам унинг ёнида ўз лашкари билан турарди. Тарихчи Абдулазим Сомийнинг ачинаш билан ёзишича, Шерали иноқ зулмидан Самарқанд аҳли



Бухоро амири Саид Музаффархон
(1860—1885).

доду фарёдга келганлиги туфайли, улар амир Музаффарга арзнома йўллаб, шундай шартни қўядилар: «Тобакай, бизни Шерали иноқ зулмидан қутқариб, янги бир ҳоким қўйсалар, шунда барчамиз — аёллар, эркаклар, каттаю-кичик, то охириги кишимиз қолгунча кофирларга қарши тургаймиз, зероки, Бухоро лашкари пароканда бўлиб, кофирлар билан жанг қилмоққа бирон-бир саъй-ҳаракат кўрсатмайдурлар»¹.

Таассуфки, амир Музаффар Шерали иноқ қаҳридан озурда ва безор бўлган шаҳар халқи талабини инobatга олмайди. Аксинча, иноққа қаттиқ ишонч боғлайди. Оқибатда, янада ҳаволанган Шерали иноқ амирга мурожаат қилганлардан аёвсиз ўч олди. Бу ҳам кифоя қил-

¹ Мирзо Абдулазим Сомий. Кўрсатилган асар, 67-бет.

май, Абдумалик тўрага ҳам шубҳа туғдиради. Гўё ёш тўра тахтни эгаллаш илинжида исён қилмоқчи, деган туҳмат билан уни Фузорга жўнатиб юборишга ҳаракат қилади. Абдумалик тўранинг Самарқандда туриши унинг (Шерали иноқнинг) эркин ҳаракат қилишига, бир даражада бўлса-да, монёлик қиларди.

Шерали иноқ фаолиятининг ёмон тарафга йўналиш олиши Самарқанд аҳолисига қаттиқ таъсир қилади. Шаҳар оқсоқоллари аччиқ устида рус губернаторига мактуб йўллаб, уларни ўз паноҳига олишни сўрайдилар. Бу эса Кауфманга жуда қўл келади.

К.П. фон Кауфман ўзининг босқинчилик урушини оқлаш мақсадида Туркистон ҳарбий округи қўшинларига қуйидаги мазмунда мурожаатнома йўллади: «Кейинги вақтларда Бухоро, Самарқандда Россияга қарши қўшин тўпланаётганлиги ҳақида аниқ маълумотлар олинмоқда. Самарқандда русларга қарши урушни тарғиб қилаётган ва гўё дин учун курашаётган мутаассиблар ёғилиб келиб, Сирдарё вилоятининг ўтроқ аҳолисини галаёнга даъват этмоқдалар. Мен ярим йил мобайнида музокаралар воситасида тинчликка эришиш учун бор кучимни сарфладим. Бухороликларнинг сулҳ шартномасини узил-кесил қабул қилишни атайин чўзишга қаратилган найрангларини сезмасликка интилиб, Россия билан Бухоро ўртасидаги сулҳ битимини тузиш зарурлигига амирни ишонтиришга кўп уриндим. Мен амир бир неча бор рус қўшинлари билан бўлган тўқнашувлардан ўзига сабоқ олади, деб ўйлаган эдим. Аммо амир қурол кучи билан ўзининг Ўрта Осиёдаги мавқеини тиклашга ҳаракат қилмоқда. Агар Бухоро қўшинларининг тўпланиши Россияга қарши қаратилган бўлса ҳамда бизнинг чегараларимизда қурол ишлатмай, тинчликни таъминлашнинг иложи бўлмаса, у вақтда қўлда қилич билан тинчликка эришиш зарурияти туғилади».

Воқеаларга шохид бўлган кишилар ва маҳаллий тарихчиларнинг маълумотларига қараганда, рус қўшинлари Янгикўрғонни эгаллагач, зарбани қадимий шаҳар Самарқандга қаратади.

Чўпонота тепалигида мудофаада турган Бухоро қўшини 12000 пиёда, 3000 отлиқ, 1500 тўпчидан иборат эди. Уларнинг ярмидан кўпини кўнгилчилар ташкил этарди. Пиёда аскарларнинг бир қисми тепалик тагида, қолган кўпроқ қисми эса тепалик устида жойлаштирилганди. Пиёда аскарларнинг ўрта ва орқа томонини отлиқ сарбозлар эгаллаган. Тепаликнинг оралиқ қисмига 20, бошқа жойларига яна 20 тўп ўрнатилган эди.

1868 йил 1 май куни Бухоро қўшинлари билан рус аскарлари ўртасида Чўпонота тепалигида Самарқанд учун ҳал қилувчи жанг бўлади. Минглаб юрт фидойиларининг қони тўкилган бу тепаликда истилочилар кейинчалик галаба тантанаси сифатида

хочқуббали баланд ёдгорлик минорасини ўрнатдилар. Унга жангда иштирок этган Туркистон йўналиши (линияси) батальонлари, роталари, Оренбург казак полки бўлинмалари ва уларнинг зобитларининг номлари битилди (бу дахмаза нимагадир ҳозирда ҳам ўрнатилган жойида турибди).

Ҳарбий ахборотларда Самарқанд Чўпонота тепалигидаги жангдан сўнг, 2 майда жангсиз эгалланганлиги айтилади. Аммо, унинг ҳақиқий тафсилотлари атай унутилади. Русларнинг Самарқандни эгаллашида ёрдам берган хоинлар тилга олинмайди. Бу хусусда маҳаллий муаррихларнинг гувоҳлиги эътиборга лойиқдир. Айтилишича, 1868 йил 2 майда Самарқанд сотқинларидан бир гуруҳи фон Кауфман ҳузурига келишди. Уларни мамнуният билан қабул қилган генерал-губернатор бу хиёнаткорларга рус солдатларини шаҳар дарвозасида, рус одатига кўра, нон-туз билан кутиб олишни буюради. Шундан кейин Кауфман бошчилигидаги рус кўшини қозикалон, катта оқсоқол ва бошқа амалдорлар кузатувида шаҳарга кириб келдилар.

Генерал-губернатор ғалаба муносабати билан Петербургга тубандагича ахборот юборади: «Сиз император олий ҳазратларини Ўрта Осиёнинг қадимий ва машҳур шаҳари, ўзининг шон-шухрати билан ғурурга сабаб мусулмонларнинг маркази Самарқанднинг эгалланиши билан табриклайман!» Рус рассоми ва зобити В.Верешчагин ёзади: «Биз ҳаммамиз, яъни Самарқандни забт этувчилар, генерал Кауфман изидан бориб, амир саройида жойлашдик. Ниҳоятда баланд ва кенг хоналардан иборат асосий бинони генерал, сарой атрофидаги уйларни биз — қароргоҳ аъзолари эгалладик. Менинг қадрдоним, генерал Головачев чекига эса, амирнинг собиқ ҳарами тушдики, илгарилари ҳар қандай мард, жасур жангчининг ҳам қадами бу ерга етиши амри маҳол эди. Табиийки, биз келгунча қушчалар қафаслардан бўшалиб, учиб кетишга улгуришган экан. Генерал Кауфман биз билан бизнинг хоналаримиз Темурлангнинг машҳур тахти турган хонага туташиб кетганди. Муҳташам сарой айланасини ҳашаматли йўлақлар ташкил этарди. Турли чиройли бўртма нақшлар билан зеб берилган бу хонада катта оқ мрамор бўлаги — улуғвор тахт — кўктошнинг айни ўзи турарди. Бу саройга бутун Осиё ва Европанинг кўпгина жойларидан ҳукмдорлар ҳамда элчилар ташриф буюришган, таъзим бажо келтиришган, тобелик ва садоқат рамзи сифатида қимматбаҳо совға-саломлар келтиришган. Темурланг бу тахтда виқор тўкиб ўтириб, кўп сонли вассалларини қабул қиларди. Мен кўпинча генерал Кауфман билан ҳозир биз забт этган жойларнинг тарихи, бу ерга келишга улгурган сайёҳлар, китоблар ва ҳоказолар ҳақида фикр алмашган ҳолда залда айланиб юрадим».

К.П.Кауфман 1868 йил 3 майда шаҳарнинг катталари, дин

пешволари ва, умуман, нуфузли кишилар иштирокида қабул маросими ўтказди. Бунда бир тўда сотқинлар шаҳарни Оқ подшо паноҳига олганлиги ва рус қўшинининг «сахийлиги» учун К. П. Кауфманга миннатдорчилик билдиришиб, халқни Оқ подшога содиқ бўлишга даъват этишларини ваъда қилдилар. К. П. Кауфман ялоқхўрларга тўнлар кийгизди, баъзиларини император номидан қумуш медаллар билан мукофотлайди. Биринчи нишон шаҳарнинг «урушсиз таслим бўлишини» изҳор этган тўда бошлиғи — қозикалонга берилди. Аммо қозикалон, мени халқ исломдан қайтган киши сифатида кўрсатади ва таъна қилади, деб медални олишдан бош тортади. Бунга жавобан фон Кауфман шундай дейди: «Яхши, мен медални чакмонинг устига тақмаслигинга розиман. Лекин уни олиб, буюк Оқ подшо тасвирини юрагингда сақла. Маълумки, империя таркибида кўп миллатли мусулмонлар фароғатда яшаб, уларга ўзларининг диний эътиқодларида қолиш ҳуқуқлари берилган. Яқиндагина Самарқанднинг Оқ подшоҳ паноҳига олинишини сўраган сен эмасмидинг?» Шундан кейин қозикалон медални олиб, уни кўкрагига тақиб юришини айтади. Истилочилар мукофотига «сазovor» бўлган бошқа сотқинлар ҳам ер ўпиб ўз миннатдорликларини изҳор қилиб, ҳамма вақт нишонни таққан ҳолда Кауфманга кўринганлар. Қозикалон ҳам юрагининг устига тақилган медални ҳар гал ҳарбий округ бошлиғи билан учрашганда намойиш қилиб турган.

1868 йил 4 майда К.П.Кауфман Самарқанд шаҳри ва атроф аҳолиси номига мурожаатнома ёзади: «Улуғ рус подшоҳининг паноҳида яшашни хоҳловчи турли шаҳар ва қишлоқлар вакилларини қабул қилиб, маълум қиламанки, ҳамма одамлар ўз уйларида ва ерларида яшаб, мол-мулкларидан фойдаланаверсинлар. Катта шаҳарларга керагича муфтийлар ва аъзамлар қўйилади. Барча кишилар тинч ва бир-бирларига душманлик қилмасдан яшашлари учун оқсоқолларга, қозиларга, махдуми аъзамларга ҳамда муфтийларга генерал-губернаторнинг имзоси чекилиб, муҳри босилган ёзма буйруқлар берилади. Ўзларингизнинг касбларингиз ва савдо-сотикларингиз билан шуғулланаверинглар. Оқ подшонинг ҳукми бўйича шариат эскича ўз кучида қолаверади.

Ҳар бирингиз масжидларда Оқ подшо ва унинг оиласининг соғлиғини сўраб, дуо қилинглр!

Сирдарёнинг чап ва ўнг қирғоқларидаги руслар тасарруфига ўтган ерлардан хазина фойдасига белгиланган тартибда хирож ва бошқа солиқлар олинади. Агар амирнинг одамлари қишлоқларга келишиб, солиқ тўғласалар, у вақтда улар тутилсин ва бошлиқларга топширилсин. Сизларнинг губернаторингиз ва бошлиғингиз этиб, генерал Головачевни тайинладим».

Шу билан бирга генерал-губернатор Бухоро амирига қуйидаги сулҳ шартларини юборади:

1. «Аълоҳазрат, Россия императори жаноблари ҳукуматиға мансуб бўлган ерларға аввал руслар томонидан ишғол этилган, Кошғар, Довон, Нурота тоғлари шимолидан ташқари, Оқ подшо тобелиғига ўтишни илтимос қилган Самарқанд шаҳри ўз музофотлари билан Россия таркибига киради. Жануб томондан бу ўлка Шаҳрисабз тоғлари билан чегараланиб, Зарафшон водийси ва Нурота тоғлари ўртасидан ўтади. Бухоро билан бўладиган чегара эса, шу сулҳ битими амир жаноби олийлари томонидан таклиф этилган шартлар билан қабул қилиниб, улар ўз муҳрларини босиб қайтарганидан сўнг аниқланади. Шундан сўнг, чегара ғарб томондан Нурота тоғларининг энг баланд жойидан ва Бухоро ҳудудида жойлашган Нурота қалъасидан ўтади. Шу ердан Қизилқум саҳроси ўртасидан ўтиб, Бўкантоғ орқали Янгидарё қуйилишигача ўтади.

2. Ҳамма рус фуқаролари, қайси динда бўлишларидан қатъи назар, Бухороға ва унинг бошқа жойларига бориб, савдо қилиш ҳуқуқига эга бўладилар. Бухоро амирининг фуқаролари ҳам илгаригидек, Россия империяси билан савдо қилишларига ижозат берилади. Амир жаноби олийлари Россия фуқароларини карвон ва барча мол-мулклари билан ҳимоя қилиб, уларнинг ўз мулки ҳудудида хавфсизлигини назорат қилади.

3. Россия савдогарлари учун Бухоро шаҳарларида ва улар хоҳлаган жойларда ўз молларини сақлаш учун карвонсаройлар қурилишига ижозат берилади. Россия шаҳарларида ҳам Бухоро савдо аҳли учун шундай ҳуқуқ берилади.

4. Савдо ишларининг тўғри бориши ва қонуний бож олинишини назорат қилиш учун рус савдогарлари ўз ихтиёрлари билан Бухоро амирлигининг ҳар бир шаҳарида ўзларининг карвонбошилари бўлишига ҳуқуқлидирлар.

5. Россия ҳудудидан, Бухороға ёки Бухородан Россияға олиб бориладиган товарлардан Туркистон ўлкасида олинадиган ҳажмда, ҳар ҳолда, Бухоронинг мусулмон фуқаролари билан бир хилда, яъни молнинг умумий қийма-тидан 2,5 фоиз миқдориди бож олинади»¹.

Фон Кауфман, айна вақтда, Бухородан катта товон олини-шини эслатишни ҳам унутмаган.

Бухоро амири Музаффар Самарқанд воқеасидан даҳшатга тушиб ва жаҳл устида ушбу шум хабарни келтирган кишини осиб ўлдиришга ҳукм қилади. Амирнинг чорасиз ва иложсиз васвасаси аста-секин йиғига айланди. У «худо мени Самарқанддан маҳрум қилгандан кўра, жонимни олгани яхши эди!»,

¹ Сулҳ шартномаси 1868 йил 11 майда юборилган. Қ а р а н г: *Зийев Ҳамид*. Кўрсатилган асар, 267—268-бетлар.

деб нолаю фиғон чекди. Дарҳақиқат, бир вақтлар улуғ пойтахт бўлган бу шаҳарни ғайридинларнинг босиб олиши катта мусибат эдики, бу воқеа бутун ислом дунёсида кучли акс-садо беради. Амир ўз лашкарбошилари билан ўтказган кенгашида биринчи бўлиб сўз олган Усмонбек йиғилганларни фаол ҳаракат қилишга ундайди: «Хонлик халқи урушни давом эттиришни талаб этаётган бир пайтда, кофирларга товон тўлагандан кўра, бир томчи қон қолгунча курашган афзалроқдир»¹. Кенгаш қатнашчилари бу фикрни яқдиллик билан маъқулладилар. Амир Музаффар бор кучини жамлаб, Самарқандни қайтариб олишга киришди. Тез орада 15 минг отлик, 6 минг пиёда ва 14 та тўпга эга бўлган Бухоро қўшини Зирабулоқ тепалигига келиб ўрнашади. Сарбозларни руҳлантириш ва ғалабага чорлаш ниятида амир Музаффар уларга шундай мурожаат қилади: «Содиқ мусулмон фуқаролар! Сизлар чеккан заҳматларингиз учун раҳмат! Сизларни ишонтирамикки, ғалаба биз томонда бўлмай. Самарқанд ва Каттақўрғоннинг қўлдан кетиши биз учун унчалик катта талафот эмас. Биз теурийлар авлодимиз, ўз еримизни қандай қилиб қайтариб олишни кўрсатиб қўямиз. Мусулмонлар! Мен динимиз ва Ватанимиз учун мусулмон аҳлининг қаҳрамонона жанг қилишини кофирлар кўз ўнгида намоён этишингизга умид қиламан. Халқ биздан ғалаба кутаяпти, у жангдан сўнг сизларни қарши олганда дин ва Ватан ҳимояси учун курашган ва еримизни кофирлардан тозалаганлар, деб айтсин. Зирабулоқ жанги майдонида ҳалок бўлганлар шарафига шонли ёдгорлик ўрнатилади. Мусулмонлар! Туркистон генерал-губернатори талаб қилаётган 125 минг тилла совға сифатида сизларга берилди. Ишончим комилки, сизлар менинг умидларимни рўёбга чиқариб, самарқандликларнинг чопонидаги қора доғни ювасизлар. Мусулмонлар, сизларга зафар ёр бўлсин!». Ушбу мурожаат тўпларнинг гумбур-гумбури остида ўқиб эшиттирилди. К.П.фон Кауфман қўмондонлигидаги рус қўшини билан ҳимоячилар ўртасида жанг бошланди.

Уруш тақдирини Зирабулоқ жанги ҳал қилади. Бу урушда ҳам руслар хиёнат туфайли ғалаба қозонадилар. Тарихчи Мирзо Салимбекнинг ёзишича, миллати рус бўлиб, кейин асирликда ислом динини қабул қилган ва амир қўшинида олий мартабага эришган Усмон тўқсабо ҳал қилувчи дақиқада амирга хиёнат қилади: «Туркиялик саркарда Ҳожи Тўққир сўл тарафдин ўрисларга ҳужум қилиб, уларни танг аҳволга солиб қўйди. Улар енгилмай деганда Усмон тўқсабо чекиниш карнайини чалиб, ўз лашкарини орқага қайтарди». Тарафларнинг кучлари ва қурол-яроғлари хусусидаги маълумотлар таҳлил қилинса, рус қўшини муваффақиятининг яна бир сири очилади. Бухоро қўшинлари сон жиҳатдан ортиқ, яъни олти минг сарбоз ва 15 минг отлик-

¹ Ўша жойда.

дан иборат бўлса ҳам, уларнинг қурол-яроғлари ва ҳарбий анжومي ибтидоий эди. Рус пиёда ва отлиқ қўшинларининг умумий сони 2 мингдан ошмаса ҳам, уларнинг бари сараланган, касби-кори уруш бўлган ҳарбийлар эдилар. Оренбург, Урол казаклари, линия батальонлари, тўпчилар бригадаси бой ҳарбий малакага эга ва уруш кўрган, тажрибали аскарлар ҳамда зобитлар бўлиб, уларнинг ихтиёрида замонавий 14 тўп ва 6 ракета мосламаси бўлган. Уруш тақдирини қилич эмас, ҳарбий техника ҳал қилади. Россия қўшинларининг Зирабулоқдаги ғалабаси шу жиҳатдан табиий эди. Бу воқеалардан огоҳ бўлган қаршилик шоир Хаёлий:

Келубдур аҳли кофир суйи ислом қасди қатл айлаб,
Умид шулдир алар бирлан ажойиб корзорим¹ бор.
Агарчанди, яроғу хийлаи тадбиримиз йўқтур,
Вале, ўзбек эрурмиз, кўнглума минг турлик орим бор,²

деб ёзган эди.

Босқинчиларга нафрат, Ватанга муҳаббат туйғулари бутун амирлик аҳолисини оёққа турғизади. Бу ўринда Амир Темур ватани Шаҳрисабз йигитлари кўрсатган жасорат таҳсинга лойиқдир. Қоратепа қишлоғидаги рус қўшинлари билан Шаҳрисабз отлиқлари ўртасида бўлган жанг бунинг ёрқин намунасидир.

Рассом Верешчагин ана шу воқеанинг шоҳиди бўлган, унинг сўзларига эътибор беринг: «Кавказлик жасур зобит Писталкарс жануби-шарқ тарафдан келаётган Шаҳрисабз ва китоблик ўзбек аскарлари тўдасини тигга тортиш учун юборилган эди. У аввал шаҳрисабзликларни енгди, аммо манзилига қараб юриши биланоқ, улар яна бирлашиб шундай зарба бердиларки, таъбир жоиз бўлса, унинг елкасига миниб олиб, Самарқандгача қувиб келди. Генерал Кауфман ва биз қайтиб келаётган отрядни кутиб олиш учун отландик. Шаҳардан ташқарига чиқишимиз билан ўққа тутишди. Теварак-атрофдаги дарахтзорлар орасида шундай қизғин отишма бошландики, қўмондоннинг хавфсизлигини таъминлаш учун ёнимиздаги барча казакларни шу заҳотиёқ қарши ҳужумга ташлашга тўғри келди. Биз ярадорларни олиб шаҳарга қайтишга мажбур бўлдик. Оқибатда чекиниш билан яқунланган бояги ғалаба кўпчилик зобитлар орасида норозилик уйғотди. Ботир зобит Назаров Самарқандга қараб қилинган кейинги ҳаракат жуфтакни ростлашдан бошқа нарса эмас, деб очикдан-очик гап тарқатгани учун Кауфман томонидан қамоққа олингани ва бўлажак ҳаракатларда қатнашишдан

¹ Уруш, жанг.

² *Равшанов Олим*. Кўнглима минг турлик орим бор. «Ёзувчи», 1997 йил 5 ноябрь.

махрум қилинганлиги ҳақида эшитдим. Маҳаллий аҳоли буни чинакам ғалаба деб ўйлаб, хурсандчилигини яширмади»¹.

1868 йил 29 майда Каттақўрғон атрофида 30 минг кишидан иборат қўшин ва оломон рус аскарларига қарши жангга ташландилар. Душман бу урушда 30 тўп ва 13156 дона милтиқ ўқларини ишлатиб, 7000 кишининг ёстигини қуритди. Аммо бу катта талафотга қарамай, ватанпарварлар 31 майда Каттақўрғон истеҳкомидаги рус аскарларига ҳужум қилдилар. Каттақўрғондаги жанглар босқинчиларга қарши курашнинг энг даҳшатлиларидан бири сифатида намоён бўлади. Шунинг учун ҳам Каттақўрғонга Кауфманнинг шахсан ўзи бориши бежиз бўлмаган.

Зирабулоқдаги мағлубият ва амирнинг Қизилқум тарафга қараб қочгани ҳақидаги хабар Самарқандда кучли акс-садо берди. Шаҳар ватанпарварлари энди биргина ўз кучларига ишониб, ислом ва озодлик йўлида жонбозлик кўрсатдилар.

Абдумалик тўра бошчилигида Қарши ва Ғузорда русларга қарши ҳужумга қизғин тайёргарлик кўрилаётган эди. Улар Ҳисор, Шеробод қўнғиротларига, Қарши атрофида истиқомат қилиб турган аҳоли ҳамда Эрсари туркманларига хат йўллаб, Абдумалик тўрага содиқ бўлишга даъват этдилар, қасамёд қилиб, русларга қарши отланишга чақирдилар. Тез орада Абдумалик тўрага тарафдор бўлган, ғазот алангасида ёнган кишилар тўда-тўда бўлиб Ғузорга йиғила бошлайдилар. Ҳисор, Шеробод, Денов, Кулоб бекликларида амир Музаффар томонидан қўйилган ҳокимлар ағдарилиб, Абдумалик тўрага тарафдор кишилар тизгинни қўлга оладилар. Жумладан, Шерободда қўнғирот қавми амир Ҳўйган Каримқулбийни бекор қилиб, ўрнига Остонакулбийни ҳокимликка кўтардилар.

Шаҳрисабз ва Китоб бекликлари эса амир Музаффар тахтга чиққанининг иккинчи йилиёқ амирликка бўйсунмай қўйган эди. Воқеалар кечаётган даврда (1867—1868) Шаҳрисабзда Ҳакимбекбий, Китобда Жўрабек ҳоким эди. Абдумалик тўра ва тарафдорларининг ғазотга даъват қилган саъй-ҳаракатлари бошқа бекликларда ҳам амирга тобеъликдан чиқиш кайфиятини кучайтириб юборди.

Амир Музаффардан юз ўгирган Ҳакимбек ва Жўрабеклар Абдумалик тўрага хат ёзиб, русларга қарши муқаллас жиҳод йўлида у билан бирга бўлишни, унга итоат этишларини изҳор этадилар. Ватан туйғуси амир билан низода бўлган бекларни русларга қарши жанг ҳозирлигини кўраётган унинг ўғли билан иттифоқда бўлишни тақозо этади.

Ниҳоят, Абдумалик тўра тарафдорлари йиғилиб, бир неча минг киши жам бўлгач, Ҳакимбек ва Жўрабекларнинг бирикуви сабаб, русларга қарши юриш бошланади. Улар Ғузордан чиқиб,

Верещагин В. 1868 йилда Самарқанд. Рассом хотиралари. О. Абдуллаев таржимаси. «Шарқ юлдузи», 1991 йил, 4-сон, 188-бет.

Шахрисабз орқали Самарқандга йўл оладилар. Ҳақимбек ва Жўрабек ўз кучлари билан Абдумалик тўрага қўшиладилар.

1868 йилнинг 2 июнида бўлган Зирабулоқ жанги арафасида хонликнинг шарқий ҳудудида русларга қарши кучли ҳарбий иттифоқ вужудга келиб, улар истилочилар таянчи бўлган Самарқанд гарнизонини қамал қилишга улгурган эди.

«Зирабулоқ мағлубиятидан сўнг, — деб ёзади Д. Н. Логофет, — гўё қон тўкар уруш хотима топгандек туюлар эди. Зероки, қўшинидан ажралган амир бир тўда яқин мулозимлари билан қочиб, жон сақлаш пайига тушиб қолган эди. Бироқ, жазавога тушган руҳонийлар кутқуси халқ оммасининг кайфиятини жўнбушга келтирмай қолмади. Оқибатда, улар Бухоро тахтининг валиаҳди Катта тўра Абдумаликхон атрофида жамлана бошладилар. Амирдан норози бўлган барча унсурлар тезлик билан бирлашиб кучли фирқа туздилар. Уларга авваллари ҳам ҳеч қачон амир ҳокимиятини тан олмаган, мустақил бўлиб келган тоғлик беқликлари Шахрисабз ва Ҳисор аҳолиси ҳам қўшилди»¹.

1868 йилнинг 2 июнидаги Зирабулоқ урушида қатнашган амир лашкарлари, маҳобат қилинганидек, «беҳисоб», «сон-саноксиз» бўлмай, нисбатан жуда кам эди. Рус ҳарбий вазирлигига 1868 йилнинг 12 июнида Туркистон ҳарбий округи қўшинлари кўмондони Кауфман ёзган 215-маълумотномада (айтиш жозики, бу маълумотнома айни вақтда галаба ҳисоботи ҳам эди) қайд этилишича, амирнинг пиёда сарбозлари адади 6 мингдан зиёдроқ, отлиқ аскарлари 15 мингга яқин, жами 20 минг нариберисида бўлган. Шунингдек, 14 та енгил замбарак ҳам жангга шай турган.

Руслар эса, 10 пиёдалар ротаси, 6 тўп ва 300 казак билан уларга муқобила бўлади. Уруш бўладиган 2 июн куни² русларга тағин ёрдамчи кучлар қўшилади, энди пиёдалар ротаси сони 18 тага, тўплар эса 14 тага етказилади. Жангари казаклар ҳам 600 гага кўпайтирилади. Маълум бўладики, амир лашкарида қиличлар сони кўп бўлгани билан оғир тўплар, милтиқлар ва ракета мосламаси бобида босқинчилар катта устунликка эга эди. Бунинг устига Бухоро қўшини ҳамон замбараклардан отиш, мўлжалга олишда тажрибасизлик даражасида қолиб келаётган эди. Кауфманнинг шаҳодатича, «душманнинг Зирабулоқ тепаликларидан отган тўплари бирон зарар етказмаган»³.

Истилочилар Зирабулоқ муҳаррибасига бутун кучларини сарфарбар этганлар, зеро, бу жанг ҳар иккала томон учун ҳам ҳал қилувчи оқибатлар бўсағаси эди. Полковник Абрамов гуруҳининг шошилинич ҳарб майдонига киритилиши уруш тақдирини,

¹ Логофет Д. Н. Бухарское ханство под русским протекторатом. Томъ I, СПб, 1911, 28-бет.

² Записки Кавказского отдела ..., 186-бет.

³ Уша асар, 187-бет.

жумладан, амирликнинг мустақил давлат сифатидаги қисмати-ни ўзгартириб юборади. Бухороликлар тўпларини судраб қочишга тушадилар, пиёдалар тўплар қувватловидан маҳрум бўлгач, ноилож, ўқларга ем бўлмаслик учун Кармана тарафга қочишга тутунади. Қочаётган жангчилар орқасидан отилган ракета мосламалари уларни ер тишлатади. Руслар битта ташлаб кетилган тўпни ўлжа қиладилар. «Душманнинг йўқотишларини рақамларда аниқ айтолмайман, — дейди К.П. фон Кауфман, — бироқ ўзим кўрганим, аҳолининг айтишларидан чиқадиган хулосага кўра, уни юзлар билан эмас, минглар билан ҳисоб қилиш керак бўлади. Сўнгги маълумотларга кўра, қочиб қутилган пиёдалардан Карманада бори-йўғи 1000 киши тўда бўлибди».¹ Демак, Зирабулоқ жангида Бухоро қўшинининг деярли ҳаммаси қириб ташланган.

Зирабулоқ жанги давом этаётган кунларда Самарқанддаги руслар гарнизонига ҳужум қилган Абдумалик тўра, Жўрабек, Бобобек (Ҳакимбек ўғли — *муалл.*) ва бошқа ўзбек, тожик, туркман, қорақалпоқ, қозоқ қавмлари бошлиқларининг 8 июнга қадар уруш ҳаракатларини давом эттирганликларини алоҳида таъкидлаш лозим. Кауфман ҳарбий вазирга йўллаган маълумотномасида Самарқандни қамал қилган шахрисабзликларнинг 25 минг, Одил додхоқ бошлиқ хитой-қипчоқларнинг 15 минг, Ҳусанбек, Абдул Гаффорбек ва Умарбек раҳбарлик қилган самарқандлик, ургутлик, панжикентлик, найманлик, туркман, қорақалпоқликларнинг адади 15 минг атрофида бўлиб, жами 50 минг кишини ташкил этганлигини жуда ошириб кўрсатади. Бироқ у Туркистондаги зафарли юриши тарихида илк даъфа, «Самарқанд гарнизонидаги йўқотиш жуда катта»², деб эътироф этишга мажбур бўлади.

Англашиладики, Ватан тақдири ҳал бўлаётган дамларда, амирдаги сусткашлик, иродасизлик хонликнинг мард, жасур фарзандларига хуш келмаган. Г. А. Арандаренко, нима сабабдандир, ўзи гувоҳ бўлган бу қаршилиқ ҳаракатидан кўз юмади. Ҳолбуки, Қарши, Шаҳрисабз ва Китоб учун истилочилар яна, камида икки йилга яқин, зарбдор кучларини жангга ташлашга мажбур бўлган эди. Бухорода узоқ йиллар яшаган, ўта мустабидона қарашли Д.Н.Логофет, ҳар ҳолда, амир лашкари узил-кесил тор-мор этилгандан сўнг ҳам, истилочиларга қарши мардонавор бош кўтарган, Ватан озодлиги йўлида ҳаётини тиккан жасур, ботир ўғлонлар бўлганлигини истар-истамас, ёғиниб бўлса-да, тилга олади.

Ўзбекларнинг, умуман, рус босқинчиларига қарши курашган Бухоро амирлиги аҳолисининг табиатан баҳодир, шижоатли бўлганлигини шубҳа остига олиш, бу мамлакат тарихидан

¹ Ўша жойда.

² Ўша асар, 188-бет.

хабарсизликдан ёхуд нописандликдан бўлак нарса эмасди. Дарвоқе, Абдумалик тўра қўшини зўрлик ва зуғум эмас, хоҳиш ва талаб билан жам бўлган ватанпарварлар, биргина ўзбеклар эмас, тожиклар, қozoқлар, туркманлар, қорақалпоқлардан ҳам таркиб топган эди. Абдумалик тўранинг Қаршида катта обрў-эътиборга эга бўлганлигини ўша пайтда яратилган асарлар далолат этади. Қаршилик шоир Хаёлий девонида,¹ масалан, «Тарихи хазрат Шаҳзодаи олиймақом» деган шеър берилиб, унда Катта тўра — Абдумаликнинг Қаршига ташрифи кўтаринки руҳ билан талқин этилади:

Не хуш йил бўлди бул йил, Қарши узра комрон келмиш,
Сайид ҳазрат Музаффар ўғли — шоҳбози жаҳон келмиш.

Хаёлий валиаҳд Абдумалик тўранинг Қаршига келиши тарихини:

Хаёлий омилиғ бирлан деди таърихи Шаҳзодин —
Минг икки юзу саксон учга тожу хисравон келмиш, —

сатрларида кўрсатади.

1283 ҳижрий йил милодий ҳисобда 1866/67 йилга тўғри келади. Бинобарин, Абдумалик тўра атрофида жам бўлаётган ватанпарварлар рус босқинчиларига қарши қарийб бир ярим — икки йиллик тайёргарлик кўрганлар.

Абдумалик тўранинг лашкари йўлга чиққанда, Абдулазим Сомий айтганидек, «губернатор керагича қўшини билан Каттақўрғонда Бухоро лашкарига қарши турган эди. Самарқандда рус қўшинининг унча катта бўлмаган қисми қолган эди»².

Ғузор, Қарши, Ҳисор, Шаҳрисабз, Китоб, Шеробод, хуллас, Жанубий бекликлардан жам бўлган катта қўшин билан келган Абдумалик тўра руслар турган истехкомни қамал қилади. Шу орада амирликда катта нуфузга эга бўлган «Умархон эшон Махдуми Аъзам катта гуруҳ билан тўрага ёрдамга» етиб келади. Хитой-қипчоқ, қорақалпоқ, тожик қавмлари ҳам Абдумалик тўра билан иттифоқ бўлиб русларга қарши отланади.

Муаррихнинг гувоҳлик беришича, амир лашкари билан рус қўшини Каттақўрғонда жанг ҳолатида турганида, Самарқанд қамали хабари эшитилади. Бу хабар руслардан кўра, амир Музаффарни қаттиқ ташвишга солади ва Абдумаликни орадан кўтариб ташлаш пайига тушади. Мирзо Абдулазим Сомий бу ҳақда изтироб билан шундай ёзади: «Қачонки, тўра Самарқандни эгаллағудай бўлса, ғолиблик яловини кўтарар, бундан шоҳлик қадри тушиб, одамлар, шубҳасиз, ундан бўлак ҳукмдорни

¹ *Равшанов Олим*. Кўнглима минг турлик орим бор. «Ёзувчи», 1997 йил, 5 ноябрь.

² *Мирзо Абдулазим Сомий*. Кўрсатилган асар, 85-бет.

хоҳламаган бўларди, шу боис амир унинг мағлубияти ва ҳалокатини истарди»¹.

Руслар амир учун оғир бўлган вазиятда фурсатни бой бермай, Бухоро кўшини билан жанг қиладилар, Самарқандга кўшимча куч юбормаслик маъқул топилади. Икки ўртада уруш бошланади. Амир лашкари енгиледи, Ҳожи аскардан битта ҳам сарбоз қолмай қириб ташланади. Бу жангда кучлар нисбати руслар фойдасига ортиқ бўлса-да, Бухоро лашкаридан жон бериб-жон олган жасур сарбозлар кўп эди. Руслар Каттақўрғон урушида ғолиб келган бўлсалар-да, ўзлари ҳам катта зарба еганларини ҳис қиладилар. «Бухоро лашкари душманнинг кўзини очиб, чекинишга мажбур қилди»², дейди тарихчи.

Карманда турган амир Музаффар икки ўт орасида қолган эди. Бир томондан, русларнинг қўли баланд келиб, тобора унинг қароргоҳига яқинлашиб келаётган бўлса, бошқа тарафдан, Абдумалик тўранинг эътибори ошиб, Самарқанд бўсағасида русларга таҳдид солаётган, мабода зафар кучгудек бўлса, Бухоро тахти унинг қўлига ўтиши муқаррар эди. Мирзо Абдулазим Сомий бу ҳақда, «амир Хоразмга кетишга қатъий қарор қилди»³, дейди. Амирнинг ҳафсаласи пир бўлиб, умид ва ишончи қолмаган, Хоразмдан бошпана топишдан ўзга чора йўқ, деб ҳисоблаган пайтида, эсига Шукурбий иноқ тушиб қолади. Шукурбий иноқнинг амир олдида ҳурмати катта, умуман, аркони давлат орасида нуфузи баланд эди. Шукурбий иноқ анча кундан бери ҳибсда сақланаётганди. Шукурбий иноқнинг ҳибсга олинишининг сабаби, Мирзо Абдулазим Сомийнинг кўрсатишича, руслар Жиззахдан Самарқандга бориш йўлидаги Сойбўйи қалъасида турганларида, Бухоро лашкари Фишткўприкда муқим эди. Амир Музаффар иш кўрган, ақлли сардор Шукурбий иноқни лашкар бошлиғи қилиб тайинлайди. Шу орада Шаҳрисабз ва Китоб бекликларидан 2 мингта сарбоз Шукурбий иноққа келиб қўшилади. Шаҳрисабз ва Китоб ҳокимлари унга хат ёзиб, юртга ёв келганда амир билан бизнинг ихтилоф қилиб туришимиз тўғри бўлмас, иттифоқ бўлиб жанг қилайлик, амир билан бизни яраштириб қўйинг, деган таклифни ўртага қўядилар. Шукурбий иноқ уларнинг гапини маъқуллайди ва келган лашкарга жой кўрсатади. Бироқ, айрим ҳасадгўйлар буни амирга тескари тушунтирадилар: гўё Шукурбий иноқ кенагасларга қўшилиб, улар билан амирга қарши фитнага тил бириктирган эмиш. Соясидан ҳам ҳадиксирайдиган бўлиб қолган амир ифвога ишониб, Фишткўприкка Абдулқодир девонбегини жўнатади, Шаҳрисабз лашкарига жавоб беришни, Шукурбий иноқни эса яхши гап билан ҳузурига олиб келишни топширади. Энди, амир икки ўт орасида қолган, тах-

¹ Ўша асар, 86-бет.

² Ўша жойда.

³ Ўша асар, 87-бет.

ту бахтидан ажралай деб турган пайтида сиёсат юргизишни яхши биладиган, мулоҳазали Шукурбий иноқдан ҳам маслаҳат олиш ортиқча бўлмас, деб ҳисоблайди.

Шукурбий иноқ гарчанд зиндондан чиқиб келган бўлса-да, гина-кудуратни бир четга қўйиб, амирга шундай маслаҳат беради: «Хоразмга қочмоқ ёв қўлига банди бўлмоқдан юз карра ёмондир, зеро, ҳужум қилиб келаётган қўшиндан қочиш жазони оширгани каби, гуноҳ ҳамда шармисорлик ҳисобланади. Бордию душманга асир бўлмоқ эса, олижаноб ва бахтли хотимотдир. Энди, Самарқанднинг қўлдан кетганлиги, ёвнинг шижоат кўрсатганлиги боис қайғуга ботиш, ўзни хор қилиш ўринсиз. Аксинча, худони дилга солиб, қатъият билан иш тутмоқ лозим. Бу қўхна олам бундай ўзгаришларнинг қанчасига гувоҳ бўлган, бинобарин, Самарқанднинг қўлдан кетиши Бухоро давлатининг ҳалокатига сабаб бўлолмас. Нечунким, бурунги замонларда ҳам аксар вақт у бошқа ҳукмдорларга тобе бўлиб келган. Бордию амирнинг безовталиги кофирларнинг жасурлиги туфайли бўлса, бундан ортиқ хавфсираш тўғри бўлмас. Негаки, губернатор рус императорининг кўпдан-кўп бошлиқларидан биридир. Русларда мавжуд бўлган одатга кўра, ҳукуматдин яна бошқа топшириқ бўлмаса, унинг ҳукмдор иродасидан ўзга ҳаракат қилиши марғуб тutilмас. Шу кунларда Кауфман Самарқанд қамали ҳақида хабар олган экан, шубҳасиз, уни баргараф этишни муҳим деб билур ва сулҳга мойиллик билдирур. Давлат равнақи учун, зудлик ила губернатор олдига кимнидир йўллаш, ярашув аҳдини ўртага солиш керак. Сиз эса бахтсаодат ила йўлга чиқиб, Бухорога қутб мисол кириб, давлатхона марказидан жой олмоғингиз даркор»¹.

Амир Музаффарга Шукурбий иноқ маслаҳати маъқул тушиб, Хоразмга қочиш қароридан қайтади. Губернатор Кауфманга элчи билан мактуб йўллаб, дўстлик ва сулҳни таклиф этади. Кауфманнинг ҳам, Шукурбий иноқ айтганидек, ярашувдан ўзга чораси йўқ эди. Шундай қилиб, Амирлик ва руслар ўртасида сулҳ қарор топади. Ширинхотун мавзесидаги кўприк оралиқ чегара деб эътироф этилади. Бу сулҳнинг вужудга келиши ва кучга кириши 1868 йилда юз беради.

Руслар билан сулҳга эришиб, ўзини бир қадар тутиб олган амир Музаффар бор куч ва имкониятини ўгли Абдумалик тўра ва унинг тарафдорларини маҳв этишга қаратади. Мирзо Абдулазим Сомий таъкидлайдики, «ҳукмдор тўранинг ишлари юришиб, ғалаба қилгудек бўлса, шак-шубҳасиз, ҳокимият унга ўтиб, подшоҳликни даъво қила бошлайди, деган хавфда эди. Шу боис, тўранинг обрўсини тўкиш, ўжарлигини жиловлаб қўйиш тадбирларини кўра бошлади»².

¹ *Мирзо Абдулазим Сомий. Кўрсатилган асар, 89-бет.*

² *Ўша жойда.*

Амир Музаффар рус босқинчиларига қарши амирлик ҳудудида катта мавқеъ ва халқ ишончига сазовор бўлиб, кураш бошида турган ўғли Абдумалик тўрага қарши азалий синалган макр-хийлани ишга солади. Бунда, яна ўша Шукурбий иноқнинг қўли борлиги эҳтимолдан холи эмасди.

Абдумалик тўранинг муқаддас жиҳодга отланган қўшинида Қарши беклиги лашкари ҳам бор эди. Лашкарбошиларнинг аксарияти манғит қавмидан эди. Улар орасида Мўъминбек тўқсоба исмли айёр, кескир киши ҳам бўлган. Бир ишга киришса ҳал қилмай қўймайдиган бу кимсани Мўмин поки деб атардилар. Ана шу Мўмин покига киши юборилиб ва катта ваъдалар берилиб, унга қандай қилиб бўлмасин Абдумалик тўранинг қўшинини тарқатиб юбориш вазифаси топширилади. Мўмин поки Абдумалик тўранинг тарафдори бўлган, чор-атрофдан йиғилиб келган ҳокимлар, лашкар бошлиқлари, эътиборли баҳодир ва паҳлавонларга хат ёзиб, «Ўрис билан амир аҳднома тузиб, ярашди, энди улар биргаликда Шаҳрисабз устига Усмоғна кўшиб ўрис аскарларини юбораётир»¹, деб ваҳима соладилар. Хатлар қилғилигини қилади. Ҳокимлар, айниқса, Шаҳрисабз, Китоб беклари шаштидан қайтадилар.

Қамал қилинган Самарқанд эрта-индин Абдумалик тўра қўлига ўтай деб турганда, Мўмин покининг иғвоси билан лашкарлар бирин-кетин орқага қайтиб, тарқала бошлайдилар. Абдумалик тўра ва бир қанча беклар қанчалик саъй-ҳаракат кўрсатмасинлар, Бухоро ва рус қўшини биргаликда келиши ёлғон эканлигини айтмасинлар, руҳи пасайган ғазотчиларни ушлаб туриб бўлмайди.

Шу тариқа, русларга қарши Абдумалик тўра уюштирган сўнги ҳамла ҳам сўнди. Бу хиёнат руслар асоратига тушишдан кўра, тожу тахтдан ажраб қолиш ваҳми билан боғлиқ эди. Ватан манфаатидан тахт ва шахсий мавқенинг афзал кўрилиши оқибатлари нималарга олиб келганлигини бугунги авлод яхши билиб олиши зарур.

1868 йилда Кауфман билан сулҳга эришган, бирқадар нафасини ростлаб олган амир Музаффар Абдумалик тўрани, уни қўллаб-қувватлаган Қарши ва Ғузор халқини жазолаш учун қўшин тортади. Хожа Муборакка келиб тушибоқ, Йўлдош Эшикоғобоши манғит ва Тоғаймурод эшикоғобошиларга тўрани тутиб келишни буюради. Қарши ҳокими Нуриддинхон тўрага ҳам шундай топшириқ берилган эди.

Амирнинг ўғлига, хусусан, русларнинг босиб келишига қарши нафрат билан ёнган халққа, ватанпарвар бекларга қарши ҳаракатлари натижа бермади. Жўрабек, Бобобек каби ҳокимлар амир фитнасининг моҳиятини англаб, яна Абдумалик тўрани қўллаб-қувватлай бошладилар. Амир Музаффар тўрани топши-

Мирзо Абдулазим Сомий. Кўрсатилган асар, 90-бет.

ришни талаб қилганда, беклар мулойимлик билан шундай жавоб берадилар: «Тўра, жаноби олийларининг тўнғич ўғли ва ҳукмдоримиз фарзандларидир. У бу ишларни амиримизга хайрихоҳ бўлган, давлат заволига йўл қўймаслик мақсадида, дин байроғини кўтаришга бел боғлаган баъзи олижаноб кишилар даъвати билан қилмоқда. Мабода, ишлар юришиб кетгудек бўлса, бу жаноби олийларининг обрў-эътиборларини оширғусидир. Таассуфки, айрим ғаразли кимсалар тўранинг бу интилишини исён, шижоатини ғалаён деб, сиз жаноб олийларининг раъйини қайтаришга, орага адоват солишга ҳаракат қилмоқда... Энди тўра ўзини қутқариш учун бизнинг худудда мақом топибдур. Одамийлик ва ориятни сақлаш ваъжидан меҳмоннинг оёққўлини боғлаб мухолифга топшириш ярамайдир»¹.

Абдумалик тўра ҳам, барибир, тез орада мавқеини тиклаб олади. Амирнинг Самарқандда уюштирган ифвоси моҳияти кўпчиликка ошкор бўлади. Қаршида тўра мустақиллик яловини кўтаради, энди унинг атрофида аввалгидан ҳам кўпроқ одам жам бўлади. Яна бекликлардан унинг ҳоқимиятини тан олувчи иноятномалар кела бошлайди. Амир Музаффарнинг Абдурахмонхожа садр, Каримқулбий иноқ, Абдулазизбий ва бошқа бир неча ҳокимлари унга асир тушади. Муҳими шундаки, Бухородан, амир саройидаги нуфузли амалдорлар ва ҳарбий бошлиқлардан ҳам унга итоат қилиш ҳақидаги мактублар, туҳфалар кела бошлайди. Муаррих ўша пайтдаги вазиятни шундай ифодалайди: «Иш шу билан якун топдики, ул жаноби олийлари (амир Музаффар — *муалл.*) ёнида муқаддас ва бутун олам Оллоҳидан ўзга ҳеч ким қолмади, зеро, ҳамма юрак-юракдан тўрага талпинаётган эди»².

Амирнинг Баҳодирбек парвоначи баҳрин деган энг яқин, кўп йиллардан буён хизмат қилган беги ҳам ундан юз ўгириб, тўра ҳузурига келади. Ҳатто, тўрани тутиб келтиришга юборилган Йўлдош эшик оғобоши ҳам унинг томонига ўтиб кетади. Амир жуда оғир аҳволда қолиб, яна Шуқурбий иноқ ва Яъқуб қушбегини маслаҳатга чақиради. Улар, «тўрага қарши кураш — давлатнинг қулашига ва шармандаликка сабаб бўлади. Чунки тўранинг исёни ўз вақтида кофирларга қарши қаратилган эди, улар ҳозир ҳам русларга қарши курашга қизгин тайёргарлик кўряпти. Амир жаноблари эса, руслар билан иттифоқда, шундай экан, исёнкорлар аслида губернаторнинг душманлари бўлиб, улар кофирларни қириб ташлаш ниятидирлар, ҳозир ҳам уларни бартараф этишга тайёр турибдирлар. Бас, уларнинг қаршилигини синдириш биздан кўра, кўпроқ губернаторга зарурроқдир»³, деган фикрга келадилар.

¹ Ўша асар, 93-бет.

² *Мирзо Абдулазим Сомий*. Кўрсатилган асар, 96-бет.

³ Ўша асар, 97-бет.

Амир Музаффар шундан кейин губернаторга қуйидаги мазмунда хат ёзади: «Тўра атрофида бўлаётган уруғ-қавмлар ғалаёни, норозилик тўлқини, ул юксак давлатга бўлаётган ишончсизлик аслида русларнинг келиши туфайлидир. Шу боис, Бухоро ва Россия давлати ўртасида дўстлик ва тинчлик ўрнатилгандан кейин норозилик тўлқини кучайиб кетди... Сиз тарафигиздан тўра ва қавмларнинг ғалаёни асосларини йўқ қилиб ташлаш учун замбарак ва аслаҳалар билан қуроолланган қўшин гуруҳини юбормоқ вожибдир»¹.

Абдумалик тўра раҳбарлигидаги қаршилик ҳаракати, нафақат таслимчи амир Музаффар ҳокимиятига, балки, энг аввало Туркистонга човут солиб, уни мазлум этаётган русларни ҳайдаб юборишга қаратилган эди. «Абдумаликхон раҳнамолигида, — деб таъкидлаган эди Д.Н.Логофет, — Қаршида янги қўшинлар йиғилаётганлиги яна уруш хавфини сола бошлаган эди. Шу сабабли ғалаёнчилар жамъ бўлган Қарши шаҳрига махсус отряд юборишга қарор қилинди»².

Кауфман жазавага тушиб, генерал Абрамов бошчилигида энг сараланган, жангари аскарларни тиш-тирноғига қадар қуроолантириб, хонликнинг асосий шаҳарларидан бўлган Қарши устига жўнатади. 1868 йилнинг 28 июнида Самарқанддан Жом йўли орқали етиб келган, амир Музаффар кучлари билан бирлашган генерал Абрамовнинг 6 ротаси, 8 тўп гуруҳи ва 200 кишилик ракета қурилмалари батареяси Қарши шаҳрини истило этишга³ муваффақ бўлади.

Қарши шаҳрининг қадимий қалъаси вайрон этилади, аҳоли қирғин-баротга дучор қилинади. Шаҳарни қиличлар сони билан эмас, балки ўша вақтда энг оммавий қирғин воситалари бўлмиш артиллерия ва ракета мосламалари устунлиги туфайли қўлга киритган руслар уни яна амир Музаффар тасарруфига берадилар. «Абдумаликхон лашкарини тор-мор қилиб, рус қуролининг кучи билан забт этилган Қарши шаҳрининг, Бухоро хонлигидаги иккинчи пойтахтнинг Бухоро амирига қайтадан топширилганлигидан бухороликларнинг ўзлари ҳайратга тушган эди. Рус отряди эса Самарқандга қайтиб кетади»,⁴ — деб ёзади кейинчалик алам билан Д.Н.Логофет.

Рус қуролининг кучи билан қонга ботирилиб, истило этилган Қаршининг амир Музаффарга қайта инъом этилиши бесабаб бўлмаган. Зотан, руслар Туркистонни босиб олишга киришганларидан буён бу хилдаги «олижаноблик» мисли кўрилмаган иш бўлган эди. Яна шу Д.Н.Логофет истилочиларнинг бу хилдаги «қўли очиклиги» сабабларини шундай изоҳлайди: «Туркистонда рус қўшинларининг кам сонли эканлиги ва Анг-

¹ Ўша асар, 98-бет.

² Логофет Д.Н. Кўрсатилган асар, 29-бет.

³ Ўша жойда.

⁴ Логофет Д.Н. Кўрсатилган асар, 29-бет.

лиядан ҳадиксираш, ишнинг умумий моҳиятига унчалик мувофиқ тушмайдиган шундай қарорга келишга ундаган эди»¹.

Бухоро хонлигининг Россия таркибига сўзсиз, тўла киритилишига ашаддий тарафдор бўлган Д.Н.Логофетнинг бу хулосасида жон бор, албатта. Гап шундаки, Абдумалик тўра, охиروقибатда, русларга қарши кураш йўлида ўзига иттифоқчи излай-излай, охири инглизларга тобеъ бўлган Ҳинд мулкларидан кўним топади. Абдумаликхонни инглизлар қувватлаб туриши, қолаверса, хонликнинг шарқий ҳудудида ҳали руслар қадами етмаган, аммо қаршилиқ алангаси бурқсиб турган бекликлар, ўч олиш қасдида ёнган жойлар йўқ эмас эди. Бундан ташқари, Қаршининг географик жойлашуви русларнинг бу шаҳарга алоҳида йўлак ҳосил қилишлариға монъелик қиларди. Чунки, Жом орқали, Тахти қорача довони орқали ўтадиган йўл ва ҳудудлар ҳарбий қуввати баланд Шаҳрисабз беклигига қарар эди. Руслар шаҳрисабзликлар қиличининг зарбини, икки йил олдин, Самарқанд бўсағаларида елкаларида синаб кўрган эди. Шу жиҳатлар, чамаси, Қаршининг амир тасарруфида қолдирилишига сабаб бўлган кўринади.

Рус кўшинлари кўмондонлиги, шахсан Кауфманнинг буйруғи билан кўп ўтмай, жангларда синалган, Жиззахни қонга ботирган жангари кўшинни тиш-тирноғигача қуроллантириб Қаршига йўллайди. Амирнинг ҳам 10 минг сарбози² от ўйнатиб, Абдумалик тўра ва унинг тарафдорлариға қарши юришга чиқади. Рус кўшини Кўнғиртов томонидан, амир лашкари Косон тарафдан ёпирилиб кела бошлайди. Ўртада қаттиқ жанг бошланади. Йўлдош Эшик оғобоши 2 минг кишилиқ отлиқ жангчиси билан руслар сафини бузиб, жасорат кўрсатади. Замбараклар, милтиқлар олдида қилич, найза иш бермай қолади. Гумбирлаб отилаётган замбараклар мудофаачилар сафини сийраклаштириб, майдонни минглаб жасад билан тўлдириб ташлайди. Руслар Қаршини амир Музаффар хоҳиши билан беаёв тўпга тутиб, ғолиб бўладилар. Улар Чортоққа етиб, қалъани вайрон қилишга киришадилар. Мирзо Абдулазим Сомий бу жанг тафсилотини ҳикоя қилар экан, «Қарши кўрғонида кўп одам ҳалок бўлди, тирик қолганларнинг қочишдан бўлак чораси қолмади. Улар кўрғон деворлари ортига, боғ-роғлар ичига қочиб жон сақладилар»³, дейди ачиниш билан. Муаррих Қаршининг руслар томонидан истило этилиш йилини 4 сатрлик тарихда («Фатҳи Қарши ва Насаф») келтириб, бу воқеанинг 1288 ҳижрийда (1871/72 м.й.) содир⁴ бўлганлигини таъкидлайди. «Махфий қолмасинки, — деб уқтиради тарихчи, — кофирлар Қаршини олганларидан сўнг уни беомон талаб, шаҳарни

¹ Ўша жойда.

² *Мирзо Абдулазим Сомий*. Кўрсатилган асар, 98-бет.

³ Ўша асар, 99-бет.

⁴ Муаррих келтирган санада тафовут бор — *муаллиф изоҳи*.

Бухородан келган лашкар бошлиқларига топшириб, катта ўлжа билан қайтдилар».

Амир қаттол русларни мукофотлашда зўр ҳиммат кўрсатади. Абдумалик тўра ёнида қолган 400 киши билан Тошқўрғонга чиқиб кетади, Қаршида унинг хотин-халажи асир олинади. Қаршига амир Музаффар учинчи ўғли Абдулмўмин тўрани ҳоким қилиб қўяди.

Самарқанд исёни. Шаҳар фожеаси

1 июнда¹ Самарқандда қўтарилган қўзғолон ҳақида Туркистон генерал-губернатори К.П.фон Кауфманнинг эсдаликлари диққатга сазовордир: «Шаҳрисабзликлар хуруж қилиб, — деб ёзади у, — Самарқандга ёрдамга, ўрисларга қарши курашмоқ учун келдилар. 1—8 июнда Самарқанд мудофааси номи билан машҳур ҳафта бошланди. 1 июнь кечаси Самарқанд оқсоқоллари менинг тарафимдан қолдирилган комендант майор барон фон Штемпелнинг уйига келиб мурожаат қилдиларки, гўё шаҳрисабзликларнинг шаҳарга кириш мақсадида қиладиган ҳужумининг олдини олиш учун Хўжа Аҳрор дарвозаси томонга бир бўлинма юборишини сўрашган. Шу мақсадда жўнатилган гуруҳ дарвоза яқинида душман йўқлигига амин бўлган. Аммо Чўпонота тепалигида саноксиз отлиқ тўдаларга кўзлари тушган. 2 июнь кунни тонгга мазкур оқсоқоллар яна шикоят билан келдилар. Майор фон Штемпел икки тўп ва икки рота аскар билан дарвозага келди ва чекинаётган кичик бир тўда билан тўқнаш келиб, отишма бошланди. Шу ўртада баъзилар Самарқанд халқининг тинч турганига ишора қилиб, дарвозадан ўнг тарафга қараб ўқ отмасликни сўрайди. Лекин тезда маълум бўлдики, душман Хўжа Аҳрор дарвозасидан ўнгга — Бухоро дарвозаси тарафга ўтаётган экан. Шунда майор ўша томонга ҳужум қилиб, душман тўдаларини тарқатиб юборди ва қалъа истехкомига қайтди. Орадан бирон соат ўтгандан кейин бутун шаҳар аҳолисининг бизга қарши қўзғолгани маълум бўлди. Душман тўдалари аҳоли ҳамроҳлигида ҳар томондан истехкомга яқинлаша бошлади. Аскарларимиз ҳужум қилиниши тахмин қилинган жойларни олдиндан ишғол қилдилар. Шаҳрисабзликлар ва Самарқанд халқи ўша жойларга қаттиқ ҳужум уюштирдилар. Лекин уларнинг ҳужумлари қайтарилди. Тун бўйи отишмалар тўхтамади. Баъзи ўринларда гарнизон аскарларининг ҳоли жуда оғир бўлди. Аскарлар фақат тоқат ва жасорат туфайли ўзларининг чарчаганликларини ҳис қилишга йўл бермадилар.

Кейинги жанг, 3 июнь кунги ҳужум, кечагидан ҳам қаттиқроқ бўлди. Лекин шаҳрисабзликлар соат 3 ларда Ургут йўлидан чекина бошладилар. Қамал қилувчилар ҳам истехком атрофини

¹ 1868 йил.

ташлаб кетдилар. Кундуз соат 5 ларда душман боғлардан чиқиб келиб, янгидан хужум қилди. Ором олиш узоққа чўзилмади. Отишма бошланди. Икки кун мобайнида биринчи марта одамларимиздан юз эллик нафари сафдан чиқди. Шу тариқа, талафот давом этаверса, икки кунда истеҳкомнинг барча деворларини муҳофаза қилиш имконидан ажраламиз. Биз шундай фикр билан ўзимизни овутдик, душман истеҳкомга кириб оладиган бўлса, биз амир саройида жам бўлиб, охиригача мудофаа қиламиз, аммо бу ёққа ҳам кирадиган бўлса, дорихона ва тўп ўқларини портлатиб, нобуд қилажакмиз. Бахтга қарши охириг кунларда душманнинг тазийқи анча сусайди. Улар уюштираётган хужумларни гарнизон осонлик билан қайтара оладиган бўлиб қолди. Шунда ҳам муҳораба шиддат билан давом этарди. 8 июнь куни, илғор қисмларимизнинг ёрдамга етиб келгунича, гарнизон аҳволи жуда ёмон эди».

Генерал Кауфман гарнизон зобитлари ва аскарларини орден ва медаллар билан тақдирлаб, улар шаънига мақтовлар битилган буйруқ чиқаради. Мукофотланганлар орасида кейинчалик ўз асарлари билан танилган рассом-прапоршчик В.Верешчагин ҳам бор эди. Худди ана шу зобит-рассом ўз мўйқалами билан чизган расмлари ва ёзган хотираларида Самарқандда руслар қилган қирғинни ошқора такаббурлик билан рўй-рост акс эттирди. 1868 йил 8 июнда фон Кауфман буйруғи билан шуҳрати оламга кетган соҳибқирон Амир Темурнинг пойтахти бир варакайига тўпга тугилади. Шаҳарни батамом ёқиб юбориш ҳақида буйруқ олган аскарлар ва зобитлар қирғин бошлайдилар. 9 июнда минглаб кишининг ёстигини куритган Самарқанд фожеаси бошланади. Қатли ом уч кун давом этади. Юзлаб одамлар ҳеч қандай терговсиз, сўроқсиз отиб ташландилар. Верешчагин ўз хотираларида ўлкамизда қонли ва даҳшатли из қолдирган полковник Назаровнинг қилмишлари тўғрисида яширмай, ҳаққоний ҳикоя қилган. Учига чиққан маишатбоз, ароқхўр зобит бегуноҳ кишиларни қириш, кўҳна масжидларни, буюк обидаларни ёндириб, ер билан яксон қилишда айниқса жонбозлик кўрсатади. Бутун вужудини маҳаллий халққа нисбатан нафрат ва ёвузлик эгаллаган бу зобит ўлжага олинган байроқни аскарларига пайтава қилиб улашади. У «Самарқанднинг ёндирувчиси» бўлиб тарихга кириш, «ном қозонишдек» манфурликдан ўзини тия олмайди. В.Верешчагин бу манзараларни шундай тасвирлайди: «Қаердан ўтган бўлсак, орқамиздан қора тутун бурқсиб кўтариларди». В.Верешчагин маҳаллий аҳолини қирғин қилиш, унга азоб бериш, қийнаш манзарасини тасвирлар экан, мустамлакачиларнинг ғалабаларидан мағрурланади. «Мен, осилган, энди танаси чирий бошлаган жасадларни чизганман, мен бир муллаваччани минорадан улоқтирганман», — деб мақтанади жаллод мусаввир.

В.Верешчагин, агар Самарқанд бундан олдинроқ ёндирил-

ганда эди, хавфсизлик таъминланиб, мазлум аҳоли бош кўтаролмаслиги ҳақида шундай дейди: «Бу шунчаки хавфсизлик учун зарур бўлган ёнғинни бош кўмондон (Кауфман) анча илгари амалга ошириши керак эди. Табиийки, у азбаройи оққўнгиллиги туфайли ҳамда аҳолига ортиқча зарар етказмасликни ўйлаб бундай қилмаган. Оқибатда анча одамимиз ўлдирилди. Бунинг устига қалъадан ажралишимизга сал қолди, мабодо енгилганимизда, бутун Ўрта Осиё халқи кўзғалиб кетган бўларди».

Верешчагин «оққўнгил» деб атаган Кауфманнинг золимлигини рассомнинг кейинги сўзлари ҳам тасдиқлайди: «Олижаноб Кауфман кескин чоралар зарурлигини мутлақо англаган ҳолда, атайлаб Самарқанддан бир неча чақирим узоқда тунаган. Бу билан кўп сонли аҳоли, айниқса, аёллар ва болалар қочиб кетишига имкон берган. Энди бўлса, шаҳарни росманасига вайрон қилиш, ҳеч кимни ва ҳеч нарсани аяб ўтирмаслик тўғрисида шафқатсизларча буйруқ берди. Ўз ихтиёри билан жазовчилар тўдасига қўйилган ҳарбий таъминотчи маъмурлардан бири менга мана буларни сўзлаб берди: «Бир қанча аскар билан бир уйга бостириб кирдик. Қарийб, қоқ суяк бўлиб кетган кампир бизни «Омон, омон!», деб қаршилади. Ўтирган бўйрасининг остидан бир нарса қимирлади, қарасак, 16 ёшлардаги йигитча яширинган экан. Судраб чиқдик ва албатта, бувисига кўшиб найзага тортдик».

Кауфман халқнинг мол-мулкани талашга ҳам рухсат берганини Верешчагин шундай тасдиқлайди: «Аскарларга дўконларни талашга рухсат берилганида, у ёқдан нималарни олиб чиқишмади, дейсиз! Улар ерли аҳолининг бир-биридан чиройли ва нафис кийимларини кийиб, тақинчоқларини тақиб, шундай галати ҳолатга тушишгандики, кўрган киши кулгидан ўзини сира тиёлмас эди. Бу ерда арзимаган бир-икки сўмга этнограф учун бутун бошли хазинага арзийдиган буюмларни сотиб олиш мумкин эди.

Ёнғин пайтида кўҳна ёдгорликлар, ўймакор дарвозалар, устунлар ёниб кетдики, бунинг ўзи даҳшат! Назаров 8 кунлик қамал чоғида бесаранжомлик келтирган кўҳна шаҳар билан ана шу тарзда ҳисоб-китоб қилиб, таскин топаётган эди. Айниқса, у шаҳар минорасидан туриб ярадорларимиз ва замбаракларимизга қараб ўқ отилган Шердор мадрасасига бутун қаҳру ғазабини сочганди. «Лаънати масжиддагиларнинг ҳаммасини найзага санчдим», — деб мақтанган эди кейин у. Мана шу масжидда мен танийдиган мулла хизмат қиларди, гарчи бизга қарата машъум ўқ узилган пайтда у ҳам иштирок этган, деб зимдан гумон қилсамда, унинг тақдирига бефарқ қараёлмадим. Назаров билан қирғинда қатнашган зобитларнинг биридан масжидда одам кўп эдими? — деб сўрадим. «Йўқ, кўп эмасди», — деб жавоб берди у. «Лаънатилар қочиб кетишибди». Енгил нафас олдим. «Фақат бир

кекса муллага дуч келдик. Ишонасизми, у худди мушукка ўхшаб қочиб, миноранинг учига чиқиб олди».

— Кейин-чи?

— Кейинми? Албатта, найза санчиб юборишди.

— Уфф !!

Генерал Кауфман кўз ўнгимда аниқ жонланиб турибди, шунча алғов-далғовдан кейин у ёнида қурол топилгани учун ушланган, ёки бошқа нохуш ишларда гумонсираб қўлга олинган одамларни саройда судлаб, жазога ҳукм қиларди. Зобитлар қуршовида сафар ўриндигига ястаниб олган олижаноб Константин Петрович Кауфман тўхтовсиз папирос чекар ва мутлақо шафқатсиз оҳангда: «Отиб ташлансин, отиб ташлансин, отиб ташлансин!» деган гапни такрорларди, холос».

Подшо армиясининг қонхўр зобити В.Верешчагин Самарқандда кўрсатган «мардлиги ва жасурлиги учун» ўз замонасининг олий мукофотларидан бири — «Георгий хочи» билан тақдирланади. Яна бир рус зобити Самарқанд фожеасини шундай баҳолайди: «Самарқандликларни сотқинликлари учун жазолаш ва бошқа осийлик халқлар учун ўрناق бўлсин деб генерал Самарқандни аскарларига уч кунга талон-торож ва ўч олиш учун топшириб қўйди. Босқин ва қонли жазолашнинг бу оғир кунлари сатрлар қатида умрбод сақланиб қолди».

Ҳақиқатда ҳам, ўлдирилган 400 босқинчи учун 49 минг фарзандидан ажралган Самарқанд тарихида бу фожеа аянчли ўрин тутади. Ҳозирда ҳам ўша фожеани Чўпонота тепалигида рус зобит-аскарлари хотирасига бағишлаб мустамлакачилар томонидан қўйилган мудҳиш ёдгорлик эслатиб турибди. Вақтида бу даҳмаза қора кўланка мисол, юрт мустақиллиги учун жон фидо қилганлар руҳини таққирлаш учун ўрнатилган эди.

Амирзода Абдумалик ва беклар кураши

«Русларни урушда енгсам, оқ отда Петербургга кириб бораман!» деб мақтанган амир Музаффар 1868 йил 23 июнда Туркистон генерал-губернатори фон Кауфман билан сулҳ тузиб, Россиянинг вассалига айланади. Бу сулҳга кўра, Бухоро амирлиги ўз мустақиллигини йўқотибгина қолмай, Самарқанд, Каттақўрғон ва Зарафшон дарёсининг юқори қисмидаги ерлардан ҳам ажралади. Амир товон сифатида 500 минг сўм миқдоридан олтин ҳисобида товон тўлашга, хорижий мамлакатлар билан мустақил алоқа ўрнатмаслик мажбуриятини олишга ва рус савдогарларига амирлик ҳудудида эркин савдо қилишларига, карвонсаройлар ҳамда дўконлар қуришга рози бўлади. Амирнинг таслимчилик сиёсати ислом дини таянчи Бухорои Шариф ватанпарварларининг кучли норозилигига сабаб бўлади. Улар руслар билан курашни давом эттириш, миллатнинг шон-шуҳ-


рати бўлмиш Самарқандни озод қилиш иштиёқида Музаффарнинг тўнғич ўғли амирзода Абдумалик тўра (1848—1909) ва эрксевар беклар Жўрабек, Бобобек ҳамда Кенесари Қосимовнинг ўғли Султон Содиқ билан бирикдилар. Бирлашган ватанпарвар кучлар Амир Темурнинг Оқсаройида тантанали тарзда Катта тўра номи билан машҳур бўлган амирзода Абдумаликни амир деб эълон қилдилар. Музаффарнинг мулозимларидан Худоёр, Абдулла, Иброҳим тўқсаболар ва кўпчилик уламолар бу қарорни маъқуллаб, Музаффарнинг тахтдан туширилганини тан олдилар. Ватанпарвар кучлар Шаҳрисабздан сўнг Қаршини эгалладилар. Кармана, Чироқчи ҳам тез орада уларнинг қўлига ўтди. Руслар билан курашда чиниққан қозоқ халқининг содиқ фарзанди Султон Содиқни амирзода Кармана вилояти ҳокими қилиб тайинлади. Амирга тескари кайфиятда бўлган Китоб ҳокими Жўрабек ва Шаҳрисабз ҳокими Бобобек каби лашкарбошилар Абдумалик эълон қилган газот йўлида барча элпарвар кучларни жамлашга уриндилар.

Туркистон генерал-губернатори фон Кауфман воқеалар ривожини ташвиш билан кузатмоқда эди. У, сулҳга кўра, Бухоронинг ички ишларига аралаша олмас, шунинг учун қўлай фурсат ва баҳона излар эди. 1868 йилнинг кузида амир Музаффарнинг амирликнинг бутун шарқий қисмини эгаллаган кўзғолончиларга қарши кураш учун ёрдам сўраб қилган мурожаати фон Кауфман учун айни муддао бўлди. Бухоронинг босиб олинган ҳудудлари ҳисобига ташкил этилган Зарафшон округи бошлиғи генерал Абрамовга амирга ёрдам бериш учун барча чораларни кўриш топширилди. Русларнинг Бухоро ишларига аралашшига қонуний тўс бериш учун генерал Абрамов 6 октябрда махсус хитобнома тайёрлатди. Унда хусусан бундай дейилган эди: «Бухоро ҳукмдори бўлиш мақсадида Абдумалик Тангрини ва ўзининг буюк пайгамбарини ҳам унутди. Сотқинларча ўз отаси буюк амирга қарши қўл кўтариб келмоқда». Ана шундай риёкорлик билан навбатдаги босқинни ниқоблаган Абрамов катта қўшин билан ҳарбий ҳаракатларни бошлаб юборди. Қарши остонасида Бухоро ватанпарварлари сон ва қурол-яроғ жиҳатидан устун бўлган душманга қарши қаттиқ жанг қилдилар. Жўрабек, Бобобек ва Султон Содиқ генерал Абрамов қўшини билан жангларда ўзларининг моҳир саркарда эканлигини намойиш қилдилар. Аммо кучлар тенг эмаслиги дарҳол билинди. Абдумалик тўра Шаҳрисабз томон чекинди. Руслар билан бирга амир Музаффар сарбозлари ватанпарварлар эгаллаган ҳудудларни бирин-кетин эгаллай бошладилар. Абдумалик тўра билан Султон Содиқ Хива хонлиги томон қочишга мажбур бўлдилар. 1868 йил 22 декабрда Хива хонининг мулозимлари Муҳаммад Ниёз девонбеги ва шоир Оғаҳий амирзода Абдумаликни тантанали равишда кутиб олишди. Хон эса уни меҳмоннавозлик ила қаршилаб, амирзодага катта мулк ва 1500 тилла маош тайинла-

ди. Муҳаммад Раҳимхон II унинг қиёфасида босқинчиларга қарши курашган элпарвар ҳукмдори кўрар эди. Аммо унга бевосита ҳарбий ёрдам кўрсатишга ожиз эди. Шунинг учун ҳам Абдумалик Хивада кўп туролмай, Афғонистон томон йўл олди. Кобулда ҳам унга иззат-иқром кўрсатилди. Афғон амири Шералихон амирзодага хайрихоҳ бўлса ҳам, Англия билан яқинлашиб келаётган урушда Россиянинг мададига суянишни мақсад қилиб тургани учун унга ҳарбий ёрдам бера олмас эди. Амирзода сўнгги умидини Қўқонга боғлаб, Худоёрхон ҳузурига борди. Бу ерда ҳам у мақсадига эришолмади. Худоёрхон ўз манфаатини кўзлаб, руслар билан ўчақишишни истамади. Абдумалик тўра ўша вақтда донғи кетган ўзбек саркардаси Ёқуббек ҳузурига Кошғарга боришга аҳд қилди. Қўқон хонининг собиқ лашкарбошиси Ёқуббек 1853 йилдан бери рус босқинчиларига қарши курашиб, Оқмачит, Чимкент ва Тошкент мудофааларида ўзини кўрсатган саркарда эди. У 1865 йилда Кошғарни эгаллаб, тарихга «Етти шаҳар давлати» номи билан кирган мустақил давлатни барпо қилган забардаст ҳукмдор эди.

Туркистон ватанпарварлари умид кўзи билан қараган Етти шаҳар ҳукмдори ундан паноҳ истаб келганларга доимо марҳамат кўрсатган. Рус босқинчиларига қарши кураш яловини бир муддат баланд кўтарган Абдумалик тўра ҳам Кошғарда шундай иззат-ҳурмат кўради.

Ёқуббек ҳузурига келган Абдумаликка ўз қариндошидек муносабатда бўлади. Етти шаҳар ҳукмдори унга амир сифатида ҳурмат кўрсатиб, Янги ҳисор қалъасини унинг ихтиёрига топширди. У Ёқуббекнинг ёрдамида Туркия ҳукумати билан алоқа боғлади.



Китоб ҳокими Жўрабек Қаландар қори ўғли.

Кошғарга келган Англия элчилари билан ҳам учрашди. Амирзода қудратли Буюк Британия империясидан ёрдам олиб, Бухорони озод қилиш учун узоқ йиллар давомида ҳаракат қилди. Ҳиндистоннинг Калкутта шаҳрида, сўнг Пешоварда истиқомат қилди. Абдумалик тўра 1885 йилда отасининг бетоблигини эшитиб, Бухоро тахтини эгаллашга уриниб кўрди.

Амирзода Абдумаликка Афғонистон амири Абдураҳмонхон ва Англия ёрдам беришга ваъда қилишган бўлса ҳам, турли сабабларга кўра, унинг ниятлари амалга ошмади. Абдумалик 1909 йилда Пешоварда армон билан оламдан кўз юмди.

Китоб ҳоқими Жўрабек ва Шаҳрисабз ҳоқими Бобобек эса ватанпарварлик курашини давом эттириб, Бухоро амири Музаффар ва унинг ҳомийси рус босқинчиларига таҳдид солиб турдилар.

Бухоро амири Музаффар бутун амирликдаги ватанпарвар кучларнинг дарғалари бўлиб қолган Китоб ва Шаҳрисабз ҳоқимлари Жўрабек ва Бобобекка қарши курашда ёрдам сўраб 1870 йилда фон Кауфманга мурожаат қилган эди. Амир унга ўз элчиси орқали яна бир муҳим сирни ҳам ошкор қилди. Афғонистон амири Шералихон билан Жўрабек ўртасида тузилган иттифоқни маълум қилди. Туркистон генерал-губернатори бу хабарга фавқулодда эътибор қаратди. Фон Кауфман 1869 йилда Тошкентга Афғонистондан қочиб келган Шералихоннинг жияни сардор Абдурахмонхонни узоқни кўзлаб ўз паноҳига олган ва унга нафақа тайинлаган эди. Китоб ҳоқими Жўрабекнинг русларга қарши Афғонистон амири билан бирга битим тузгани уни ғоят ташвишга солди. Генерал-губернатор империя ташқи ишлар вазирлиги Осие департаменти директори Н.Стремоуховга 1870 йил 16 августда йўллаган мактубида ўз ташвишини баён қилди. Империя ҳукмрон доиралари фон Кауфманга зудлик билан тегишли чоралар кўришни тавсия қилдилар. Туркистон ҳарбий округи қўмондонлиги исёнкор бекларга қарши қаратилган махфий операция тайёрлашга киришади. Бу операция режасининг ижроси Зарафшон округи бошлиғи генерал Абрамовга топширилди. Унга ёрдамга полковник Соковнин бошчилигидаги дивизия ҳам берилади. Генерал Абрамов бошчилигидаги асосий кучлар тўплар билан таъминланган эди.

1870 йилнинг эрта баҳорида талвасага тушган генерал Абрамов 6 рота, 200 казак, отликлар батареяси ва ракета мосламаси дивизиони билан Зарафшоннинг рус истилочиларига қарши кўтарилаётган юқори оқимидаги аҳолини жазолаш учун йўлга чиқади ва Искандаркўл деган жойга етиб келади. Подполковник Деннет қўмондон бўлган иккинчи гуруҳ эса Матчоҳ дарёси юқори қисмига ташланади. Зарафшон юқори қисмида хунрезликларни 25 июнда ниҳоялаган руслар, бу жойларнинг рус подшоҳи тахти тассаруфига ўтганлигини эълон қилиб, Кўликалон мавзеида шаҳрисабзликлар лашкари билан жангга киришади. Шаҳрисабзликлар жангда катта матонат кўрсатган бўлишига қарамай, қуроллар нисбатидаги устунлик руслар қўлининг баланд келишига сабаб бўлади. Шаҳрисабз лашкари тартиб билан чекинади.

Шаҳрисабзликлар адабини бериб қўйиш зарурати ҳарбий ҳаракатларни давом эттиришни тақозо этади ва генерал Абрамов отряди тоғ довонидан ошиб ўтиб, бекликнинг водий қисмига тушади. Шаҳрисабз ва Китобни олиш учун амалга оширилган босқинчилик уруши кундалиги бундан анча муқаддам генерал-майор Абрамов томонидан битилган эди. Аниқроқ ай-

тиладиган бўлса, Шаҳрисабз ва Китобни истило этиш Туркистон генерал-губернатори Кауфманнинг мунтазам назоратида бўлиб, қўмондон Абрамов уни ҳарбий ҳаракат режаси, татбиқ этилиши натижалари билан батафсил таништириб борган. Бунинг сабаби шунда эдики, 1868 йил ёзида Шаҳрисабз ва Китобнинг 25 минг кишилиқ лашкари Жўрабек ҳамда Бобобек бошчилигида Самарқанддаги рус гарнизонини 8 июнга қадар зир титратган эди. Кауфманнинг 1868 йил 12 июнда ҳарбий вазирга ёзган 215-сонли маълумотномасида, жумладан, шундай эътироф мавжуд: «Қалъани (Самарқанд — муалл.) қамал қилган душман тўдаси Жўрабек ва Бобобек (булар тоғлиқ одамлар бўлиб, фавқулодда жасур ва бениҳоя мерган ҳисобландилар) етакчилигида келган шаҳрисабзликлардан иборат эди»¹.

«Фавқулодда жасур ва бениҳоя мерган» шаҳрисабзлик ва китоблик ватанпарварлар устига тиш-тирноғига қадар қуролланган қўшин билан борар экан, қўмондон Абрамов ҳар бир қилган хатти-ҳаракатини энг майда тафсилотларига қадар Кауфманга ёзма равишда маълум қилиб туради.

Шаҳрисабзликлардан ҳадиксираш, шубҳасиз, катта доирада бўлиб, бу юришга алоҳида синчковлик билан эътибор берилганлигини тасаввур қилиш мушкул эмас.

Энди, генерал-майор Абрамовнинг Туркистон ҳарбий округи қўмондонига 1870 йилнинг 31 августда ёзган маълумотномасидан айрим ўринларни келтириб ўтамиз. Зеро, босқинчиликнинг нечоғлиқ андишасизлик билан амалга оширилиши ҳақида бевосита шу қонли иш ижрочисининг ўз сўзларини мушоҳада этиш аниқ хулосаларга келишда беқиёс аҳамият касб этади:

«1). 3 август куннда.

7-куни эрталаб барвақт юришни бошлайман². Бош гуруҳ қўйидаги таркибда бўлади: 3-линия батальони тўлалигича, 3-батареянинг 6 тўпи, 2-енгил қуролланган отлиқ дивизион, 6 ракета мосламаси ва 200 казак.

Бу гуруҳ 8-куни Жомга етиб келади. 9-куни Жомдан чиқиб, Қашқадарё водийсига тушиб, Шар (Шаҳрисабз — муалл.) кўринадиган жойда тунни ўтказди. 11-куни мўлжалга олиш ва шаҳарларни забт этиш билан боғлиқ зарур топшириқларни бажариш билан банд бўлишади. 12-куни, агар бирор-бир жиддий қаршиликлар чиқиб қолмаса, шаҳарларни эгаллаш.

Подполковник Соковнин бошчилигидаги 9-батальоннинг 3 ротаси, 2 тоғ қурол-яроғи, 2 ракета мосламаси ва 150 казакдан иборат ёрдамчи отряд 9-куни йўлга чиқади ва Қоратепада ётиб, 10-куни доvon ошади.

¹ Записки Кавказского отдела императорского русского географического общества. Кн. XI. Выпуск первый. Тифлис, 1880, 197-бет.

² Извлечение из донесений генерал-майора Абрамова об экспедиции в Шахрисабз в 1870 г.: «Записки Кавказского отдела...», 207-бет.

Икки отряд ҳам 10 кунлик озиқ-овқат, ҳар бир милтиққа 200 тадан ўқ, 1,5 жамланмадан (тоғ взводи 1 жамланма) тўп ўқлари билан таъминланади.

2). 1870 йил 7 август кунда.

Шу кун отряд Самарқанддан чиқиб Жом сари, Сизга, жаноби олийлари охирги хатимда айтилган таркибда юришни бошлади. Мен тарафдан фақат бир ўзгартиш — 2 енгил қуролроғ ўрнига, дивизионни бутунлай жалб этиш киритилди.

Олдимизда турган ҳаракат билан боғлиқ вазиятдан келиб чиқиб, Жомда захира сифатида 2 рота пиёдаларни қолдиришни зарур деб топдим. Бу роталар 8-кун ийўлга чиқади ва 6-батальонга бириктирилади.

...Отрядим жуда қониқтирарли (1300 киши) таркибда ва жуда яхши таъминланган. Умид қиламанки, Жомда турадиган захирадаги 2 ротага ҳам зарурат бўлмайди.

Подполковник Соковнин, олдиндан белгилаб қўйилганидек, 9-кун ийўлга чиқади, унда 600 га яқин одам бор.

3). 12 август кунда.

9-август кун Жомдан чиқиб, тоғ йўлидан яхши ўтдик. Водийга етиб, мен олдин ўйлаганимдек, Шарга эмас, тўғри Китобга — Шаҳрисабз тоғининг жанубий ёнбошидаги йўлдан кетдим. Отряд йўналишидаги ўзгариш мен томондан кўпгина сабабларга кўра амалга оширилди, улардан энг асосийси Шаҳрисабзга олиб борадиган адир йўлининг ноқулайлиги эди. 11-кун мен Китобга яқинлашиб келдим ва Ўрус қишлоқда, Қоратепага олиб борадиган тўғри йўл бўйида тўхтадим. Бу жой Китоб муқобиласидаги шаҳар деворидан 2,5 чақирим (Китоб ва Шар бир умумий девор билан ўралган) келади».

Шаҳрисабз ва Китобни босиб олиш тафсилоти генерал-майор Абрамовнинг Туркистон ҳарбий округи қўшинлари қўмондони Кауфманга 1870 йил 31 августда ёзган 591-рақамли билдиришномасида¹ ўз аксини топган дейиш мумкин: «Сиз жаноби олийларининг буйруғингизга мувофиқ, Шаҳрисабз бекларига қарши ҳаракат қилиш учун Зарафшон округи қўшинларидан «Шаҳрисабз» деган умумий ном остида гуруҳ (отряд) шакллантирилди. Шаҳрисабзга қарши ҳаракатда ва Зарафшон водийсидан Шаҳрисабз водийсига юришда умумий қулай бўлиш учун ҳаракатдаги гуруҳни икки қисмга (колонна) ажратдим, улардан бирини Жом ва Жомтоғи орқали ўтадиган айланма йўлга, бошқасини эса тўғри Қоратепа тоғига томон йўналтирдим, ҳар иккала гуруҳ Шаҳрисабз водийсига бир вақтда етиб келади.

Шаҳрисабз гуруҳи таркибига: 3-Туркистон линия батальонининг ҳаммаси, 9-батальоннинг 4 та ротаси, 3-отлиқ дивизиони, 2 тоғ тўпи, ракета батареяси, Оренбург казаклар полкининг

¹ Записки Кавказского отдела..., 208—217-бетлар.

200, Сибирь казак полкининг 150 жангчиси киритилди. Гуруҳ ўзи билан 10 кунлик озиқ-овқат захираси ва 1,5 ҳажмда ўқ-дори мажмуаси ва артиллерия снарядлари олган эди. Жом орқали ўтувчи гуруҳ араваларда, сўлдан Қоратепа тоғ йўлидан юрувчилар эса туяларда эди.

Бунинг устига, Самарқанддан ўнг гуруҳга захира сифатида, Жомга 6-батальоннинг икки ротаси юборилди. Улар ҳаракатдаги гуруҳнинг Жомдаги захира озиқ-овқатлар омборини қўриқлаб турдилар.

3-Туркистон линия батальонининг беш ротаси, отлиқ дивизионнинг 6 тўп батареяси, 6 ракета қурилмаси, Оренбург казак қўшиннинг 6, 15-юзлиқларидан иборат ўнг гуруҳ ўт отувчи батарея командири полковник Кобилинский қўмондонлигида Самарқанддан 7-августда йўлга чиқди ва икки манзил (65 чақирим) юриб, Жомга етди. 8 августда Жомга келишим билан, Зарафшон округи қўшинлари бўйича буйруққа кўра, Шаҳрисабз гуруҳи қўмондонлигини ўз зиммамга олдим, шу билан бирга, Сиз жаноби олийларининг фармойишингиз билан Самарқандга келишган Бош штаб полковниги Троцкийни сафар штабининг бошлиғи, полковник Михайловскийни Жом ўнг гуруҳининг бошлиғи, подполковник Соковнинни Қоратепа чап гуруҳининг бошлиғи этиб тайинладим. 9 ва 10 август кунлари ўнг гуруҳ Жом тоғи бўйлаб юрди, икки кунда у 34 чақирим йўл босди ва 11 августда эрталаб соат 9 ларда Шаҳрисабз водийсига, Макрит қишлоғига чиқдилар. Жом тоғи бўйлаб ҳаракат қилиш қўшин ва тўплар учун айтарли қийинчиликлар туғдирмади.

11 куни пешиндан сўнг, соат 5 ларда гуруҳ Шаҳрисабз ташқи деворидан 2,5 чақирим нарида бўлган Ўрус қишлоқ боғларига етиб келди. Шу куни кеч соат 10 ларда Ўрус қишлоқда белгиланган жойга Қоратепа тоғи орқали ўтган чап гуруҳ ҳам етиб келди. Шундай қилиб, Шаҳрисабз гуруҳлари тўла равишда жам бўлди.

Жом орқали юраётган ўнг гуруҳ тоққа, яъни Қалқама қишлоғига етгунига қадар, йўлда учраган қишлоқлар аҳолиси ўз жойида бўлиб, юмушлари билан банд эдилар. Қалқама қишлоғидан кейинги йўлда гуруҳга кишилар учрамади, қачонки, гуруҳ Шаҳрисабз водийсига қадам босгач, Макрит қишлоғидан Ўрус қишлоққа етгунча Китоб тарафдан душман пистирмалари қораси кўрина бошлади. Уларнинг айримлари илғорни ва асосий лашкарнинг бош қисмини ҳаракатга келтириб, гуруҳнинг аравалар ва арьергард бўлган орқа қисмига яқинлашиб кела бошлади ва милтиқлардан ўт очди. Гуруҳ қўмондони Михайловский шунда ўнг ҳалқага милтиқлардан отишни буюрди. Душман пистирмасидагилар сўқмоқлар орқали чекиндилар, улар изидан тўдага қараб отилган ракеталар ҳаммасини ер тишлатди.

Чап гуруҳ Ўрус қишлоқда белгиланган маррада Жом гуруҳи билан бирлашгунга қадар Самарқанддан уч манзил йўл юрди. У 9-батальоннинг 4-ротаси (1, 2 ва 4-ўқчилар), тоғ взводи, 2 ракета қурилмаси ва 150-Сибирь кўшинлари казакларидан иборат эди. Бу гуруҳ Самарқанддан икки кун сўнг, яъни 9 августда чиққан эди. 10-куни гуруҳ довонга кўтарилди ва шу ерда буйруғимни кутиб турди. 11-куни эрталаб подполковник Соковнинга тоғдан ошиб ўтишни ва Ўрус қишлоқ сари, Жом гуруҳи билан бирлашиш учун юришни таклиф этдим ва у ўз вақтида бажарилди.

Шаҳрисабзнинг бутун кучлари жойлашган Ўрус қишлоқ марраси қуйидагича: унинг марказида учта қўрғон бор, улардан ўртадагиси нисбатан катта ва баландроқ. Бу қўрғондан бутун теварак-атроф ва узоқ масофа кўриниб туради. Юқорида айтилганидек, қўрғонлардан қалъага қадар 2,5 чақирим бўлиб, дурбиндан истехком деворлари ва шинаклар бор бўйича аниқ-тиниқ кўриниб турарди. Қўрғонларнинг чап тарафидан, бир неча қадам нарироқдан Китобга йўл ўтарди ва марранинг орқасида бир чақиримчалик масофада у иккига ажраларди, бири Макритга, униси эса Қайнар орқали Қоратепа довонига олиб борарди.

Марра олдида, ундан ярим чақирим нарида тушган йўл Ўрус қишлоқдан чорак чақиримча масофадан сўнг кўз илгар очик жойда оқиб ётган Қашқадарё ўзанидан ўтиб, истехком қалъаси орқали боғлар, шаҳар ва Китоб қалъасига туташарди.

Ўнг томондан, маррага Ўрус қишлоқ боғлари ва ўнгирлари тақалиб келар, орқада ишлов берилган очик далалар кўриниб турарди.

12-куни эрталабдан марра олдида, ўнг тарафдан босимроқ бўлган ҳолда душман тўдалари пайдо бўла бошлади ва аста-секин марра сари яқинлашиб, ўт очишга киришди. Ўқчилар гуруҳини уларга қарши йўллашга буйруқ бердим ва улар шу захотиёқ душман тўдасини анча масофага улоқтириб ташлади.

12-куни соат 9 да гуруҳдан пиёдалар ротаси, 20 казак ва 2 ракета қурилмасини олдимда, истехком мудофаасини мўлжал қилишга отландим. Штаб бошлиғи полковник Троцкий, Бош штаб зобитлари — капитанлар Соболев, Фридс ва штабротмистр Аминовлардан ташқари, менинг ихтиёримда бўлган кишилар, икки гуруҳ бошлиқлари, полковник Михайловский, подполковник Соковнин ва гуруҳнинг муҳандислик қисми бошлиғи подполковник Богаевскийлар мўлжалга олиш пайти-мизда мен билан бирга эди.

Мўлжалга олиш ишлари маррадан тўғри Китобга қараб кетувчи ва истехком деворидан 300 қадамча нарироқдаги баланд қўрғонда амалга оширилди. Қўрғондан истехкомнинг ўнг тарафини шаҳсан кўздан кечириб, Михайловский гуруҳининг ҳужум қилиш жойини танлаб ва кўрсатиб, полковник Михай-

ловский, подполковник Соковнин ва Богаевскийларга қўрғондан чапга юриб, истеҳком деворининг у томонини қараб чиқишни ва подполковник Соковнин гуруҳи учун жой танлашни буюрдим. Шу билан бир вақтда, бош штаб капитани Соболевни қўрғондан тўғри полковник Михайловский батареяси учун мўлжалланган жойни синчиклаб кузатиш учун юбордим. Соковнин гуруҳи учун жойни танлаб ва кузатиб бўлгач, мен лагерга қайтдим, полковник Михайловский ва подполковник Соковнинлар эса пиёда ротаси билан истеҳком деворлари ва тўсиқларни янада синчиклаб кузатиш, қолаверса, теварак-атрофни ўққа тутиш учун лагердан келтиришни буюрганим иккита тўп учун қулай жой танлаш учун қолишдилар.

Мўлжалга олувчи гуруҳ Ўрус қишлоқ боғларидан чиқиши ва менинг қўрғонга келиб тўхташимдан бошлаб, бутун мўлжалга олиш ишлари давомида, душман гуруҳга истеҳком девори ҳамда тўпхоналардан узлуксиз ўқ ва замбарак отиб турди. Полковник Михайловский, подполковник Соковнин ва Богаевскийларга эса қалъани чап томондан ўраб турган боғлардан отлиқлар тўдаси ҳужум қилиб, милтиқлардан ўқ уздилар. Тўдаларга қараб отилган бир қанча ракета уларни тум-тарақай қилиб юборди.

Жойни муфассал кўздан кечириб, истеҳком тўпхоналарини дастлаб, мўлжалга олувчи гуруҳ турган қўрғондан сўнг, қўрғон ўнг тарафидаги майда тепаликдан ўққа тутиб, полковник Михайловский ва подполковник Соковнин рота ва тўпчилар взводини ўзлари билан бирга олиб қайтдилар.

Шу кечаси батареяни танланган жойга ўрнаштириш масаласини ҳал этиб, ҳужумда асқатадиган нарвонлар ҳозирлашни буюрдим. Икки ротани Ўрус қишлоққа арқон ва керакли нарсалар келтириш учун юбордим.

Китобга ҳужум қилиш ва унга икки ёқлама киришни кўзда тутиб, шу мақсадда қўшинни икки гуруҳга ажратдим: ўнг гуруҳ полковник Михайловский қўмондонлиги остида, 3 рота (1,2 ва 3-ўқчи батальон жангчилари), тўпчилар ва отлиқлар батареяларининг 1 тадан взводлари 2 ракета қурилмаси ва 10 казакдан иборат таркибида; чап гуруҳ подполковник Соковнин қўмондонлиги остида, 9-батальоннинг 3-ротаси (1—2-роталар ва ўқчилар), тўпчилар ва отлиқлар батареяларининг 1 тадан взводлари, тоғ замбаракчилари взводи ва 20 казак таркибида.

Қўрғон олди, оралиғи ва орқасида ҳужум учун қўйилган қўшинга захира тариқасида 3-батальоннинг 4-ротасини, бир тўпни ва 250 казакни қолдирдим. Захира ясовул Принц командаси остида эди. Маррадаги лагерда бутун ашёлар, аслаҳалар 3-батальоннинг 2-ротаси, 9-батальоннинг 4-ротаси ва 20 казак қўриқловида турарди. Лагерни идора этиш рота командирларининг мартабаси улуғи, поручик Гамзинга топширилган эди.

Полковник Михайловский гуруҳида унга ёрдамчи қилиб майор Полторацкий, артиллерия бошлиғи подполковник Кобилинский ва муҳандислик ишлари раҳбари подполковник Богаевскийлар тайинланди ҳамда унинг ихтиёрига Бош штаб капитани Фридс берилди. Подполковник Соковнин гуруҳида унга ёрдамчи, подполковник Раевский, артиллерия бошлиғи ясовул Топорнин, муҳандислик ишлари раҳбари штабс-капитан Непокунний тайинланди ҳамда унинг ихтиёрига Бош штаб капитани Соболев бириктирилди.

12 август кечқурун, қоронғу тушиши билан ҳужумга шай турган қўшин пиёдаларига батареялар эгаллаши лозим бўлган маррага томон юриш буйруғини бердим. Иккала гуруҳ қўшин Ўрус қишлоқдан ўта туриб, у ерда тайёрлаб ва араваларга юклаб қўйилган нарвон, арқон ва зарур аслаҳаларни ўзлари билан олдилар. Тун қоронғулиги ва сокинлигида амалга оширилган ҳаракат душман томонидан сезилмади, иккала гуруҳ қўшин белгиланган ерга етиб, шу заҳотиёқ батареяларни жойлаштиришга киришди ва бу ишлар деярли бир ўқ отилмай уддаланди. Михайловский батареяси қўрғондан 220, Соковнин батареяси эса 78 қадамлик масофада ўрнатилди.

13-кунни тонгда ишлар ниҳоясига етказилди. Батареяларга артиллерия етиб келган заҳотиёқ, унинг бир қисми душман тўпхоналаридаги (барбет) замбаракларга, яна бир қисми эса, истеҳком деворининг ўйиш мўлжалланган жойларига қараб ўт очди. Душман биз томондан узилган ўқларга тўп ва замбараклардан шиддатли ўт очиш билан жавоб қайтарарди, бу айниқса, Соковнин батареяси тарафда кучли бўлди. Эрталаб, соат 5-да батареяларга ўт очишни кучайтириш ҳақида буйруқ бердим ва, изма-из, ёнимдаги кишилар ва 6-ракета қурилмаси билан Соковнин батареясига жўнадим. Бу ерда вазиятни қуйидагича баҳоладим: Бу батареяга қарши душманнинг уч батареяси ҳаракат қилган эди: бири тўғри қарши томондан 5 тўп билан, бошқаси батареянинг ўнг тарафидан 4 замбарак билан, учинчиси чапдан 2 тўп билан зарба берган эди. Душманнинг бутун ўқ отиш чизиғи батареянинг ўнг ва сўл тарафига қадар ўқчилар томонидан ишғол этилганди. Шу сабабли, артиллерия ҳамда милтиқ ўти ниҳоятда кучли¹ эди. Душман артиллериясининг ҳаракатини сал-пал бўлса-да, сўндириш мақсадида мен шу лаҳзада ўқчиларни батареядан чап тарафдаги боғнинг чети ва батареядан биров наридаги майда ўнгир бўйлаб тарқалишга буйруқ бердим.

Афтидан, Шаҳрисабз бекларининг мудофаа воситалари соат сайин кучайиб бораётганлиги сабабли, ҳужумда ҳар қандай сусткашлик фақат ишни қийинлаштирар ва мураккаблашти-

¹ Соковнин батареясига қарши истеҳком деворининг дарвозасидан бошлаб Жўрабек, Михайловскийга қарши эса Бобобек лашкарлари қурашаётган эди.



Шаҳрисабз мудофааси раҳбари
Бобобек.

рарди, шу боисдан шаҳар деворини Соковнин батареяси ўйишини кутиб ўтирмасдан, хаёлламай ҳужум уюштиришга қарор қилдим.

Ясовул Принцга зудлик билан барча казаклар билан Раватоқ дарвозасига ёпирилиб, уни дарҳол мажақлаш ва эгаллаб олиш буйруғини жўнатдим. Ясовул Принц ҳеч нарсага, ҳатто тўплардан ўқ узиш билан қарши олинганига қарамай, ушбу буйруқни тез ва тоза бажарди. Ўн дақиқадан сўнг мен дарвоза ағдарилганини ва эгаллаб олингани хабарини олдим.

Соат 8-00 ларда (13 августдан 14 август тонги) ҳаммаси тугади, бу пайтда мен қалъага шахсан етиб келган эдим. Китоб қалъаси ҳеч қандай ҳарбий аҳамиятга эга эмас. Бу бекнинг анча маҳобатли, покиза ва айтарли даражада бой бўлган турар жойи, холос. Китобнинг олинishi Шарнинг (Шаҳрисабз)

ўз-ўзидан қўлимизга ўтиши бўлган эди. Шу кун ишнинг қўшин чарчаб қолгани учун Шарга ўтолмадик ва бу ишни эртанги кунга қолдирдик.

Асирга олинганларнинг кўрсатмалари бўйича, қуролланган мудофаачилар 8 мингга яқин бўлган. Ҳозирги Шаҳрисабз беклари (Бухоро) менга айтишдики, Жўрабий ва Бобобий 13 мингга қадар қуролланган кишиларни қўйиши мумкин эди, зеро, олдинлари улар Бухоро амирларига қарши шунча қўшин жам қилар эканлар. Энди бўлса, бизнинг келишимиз улар учун кутилмаган бўлиб, зарур тайёргарлик кўришга улгуролмай қолгандилар.

Душман ниҳоятда катта талафот кўрди. Асирлар, ҳужум бошланган кун 600 га яқин киши ўлдирилган эди, деб ҳисоблайдилар. Бизнинг йўқотишларимиз ҳам сезиларли даражада, яъни: 1 обер-офицер (прапоршик Козловский), қуйи поғонадан 18 та ўлдирилди. 1 генерал (отряд бошлиғи, яъни Абрамовнинг ўзи) енгил, 4 штаб зобитлари (Михайловский — енгил, Соковнин — оғир, подполковник Раевский — енгил, майор барон Миллер-Закомельский — енгил), обер-офицерлардан 2 та — прапоршик Маминь ва корнет Морозов енгил яраланди.

Қуйи поғонадан 59 та оғир, 42 та енгил ярадор бўлди. 29 та тўп ва замбарак, қилич, милтиқ, артиллериянинг кўп ўқ-дориси қўлга туширилади.

Китобни забт этгач, эртаси куни (15 август), мен Шарга бордим. Аҳоли шаҳардан 3 чақиримча берида мени нон-туз билан қарши олди. Уларга жаноби олийларининг Шаҳрисабз мулкларини унинг қонуний эгаси, Бухоро амирига бериш ҳақида азми қарорини эълон қилдим ва барчасига ўз жойларига қайтишни, амир томонидан тайинланадиган янги беклар келишини кутишларини топширдим. Эртаси куни (16 август) менинг ижозатимга кўра, Чироқчидан Тўхтамишбий 1500 суворийси билан шаҳарларнинг (Шаҳрисабз, Китоб) гарнизонларини дастлабки кунларда идора қилиш учун келди.

Шаҳарларни тайин этилган бекларга топшириб ва бу ҳақда амирга хабар бериб, Самарқандга қайтиш тараддудида турганимда, янги беклардан, гўё Жўрабий ва Бобобий Моғиёнда 3 минг чоғли кўшин тўплаб, руслар кетиши биланоқ Шаҳрисабзга ҳужум қилмоқчилиги хабарини олдим...».

Шаҳрисабз ва Китобнинг истило этилишида амир Музаффарнинг тажовузона ҳаракатлари ҳам аҳамият тутмай қолмаган. Манғитий амирларнинг кенагас бийларига нисбатан адовати азалий бўлиб, амир Музаффарнинг отаси амир Насрулло 1858 йилда Шаҳрисабзни куч билан тобеъ этган эди. У нечанчи бор қайта бўйсундирилган Шаҳрисабз ва Китобга ўз манғитларидан ҳокимлар тайин қилган, бу ерда ҳукм суриб келган валламийлар сулоласини қатағон этган, Дониёр оталиқнинг (1840 йилда вафот этган) қизи, Даҳяк ҳокими Ёқуббекнинг хотинини (Кенагас ойимни) икки боласи билан тортиб олиб, никоҳига зўрлик билан киритган эди. Ўша вақтда Шаҳрисабзда ҳоким бўлиб турган Дониёр оталиқнинг ўғли Искандарбекни Қорақўл туманига ҳоким номи остида бадарға этган эди.

Амир Музаффар отаси амир Насруллонинг Шаҳрисабз маликаси Кенагас ойим томонидан қулоғига заҳар қуйиб ўлдирилганлигини¹ унутолмас эди, албатта. Тошкент руслар томонидан эгаллангач, Искандарбек у ёққа жўнатилади. Искандарбек зиммасидаги вазифани уддалай олмаган киши сифатида амир Музаффар томонидан ўлдирилиб юборилади.

Д.Н.Логофетнинг «Генерал Абрамовнинг рус қўшинлари отряди Шаҳрисабз ўлкасига кирганда, Бухоро қўшини шаҳарга фарб томондан яқинлашиб келди. Уч томонлама қамал қилинган (Михайловский, Соковнин, Бухоро лашкари) Шаҳрисабз, Китоб ва Яккабоғ олингандан сўнг Шаҳрисабз беклари Қўқонга қочди», деган сўзлари замирида асрлар бўйи давом этиб келаётган шахсий адоват, ички низоларнинг ватан, эл-улус

¹ *Хорошхин А.П.* Туркистон ўлкасига оид мақолалар тўплами. СПб, 1876, 518-бет.

манфаатидан устун келишидек қабоҳат пинҳон ётади. Амир Музаффар русларга бўлган вассаллик имкониятидан ҳар иккала томон учун ҳам манфаатли бўлганлиги сабабли, ҳаёлламай фойдаланиб қолган.

Шу тариқа, икки ёқлама босқин гирдобидида қолган қадимий шаҳарлар — Қарши, Шаҳрисабз ва Китоб, бундай айтганда, Қашққа воҳаси руслар томонидан истило этилади. Амир Музаффар бу ўлканинг босиб олинишида восита ҳамда фаол қатнашчи бўлади. Д.Н.Логофет бу ҳақда, «Рус қуролининг кучи ва кўлоб бўлиб тўкилган рус қони эвазига олинган Шаҳрисабз ва Китобдек улкан беклик Бухоро амирига берилди. Шундай қилиб, тарих билан ҳисоблашилмади ёхуд Шаҳрисабз ва Ҳисор ўлкаларининг кўпдан бери Бухоро ҳокимиятини тан олмай, мустақил бекликлар иттифоқини ташкил этиб, ўзига хос ҳаёт кечираётганлиги ҳам эътиборга олинмади», дейди надомат билан.

Д. Н. Логофетнинг аламини тушунса бўлади. У, рус қуроли ва қони ҳисобига забт этилган бекликлар Россия таркибига киритилмаганидан таажжуб қилиб, ачинади. Бироқ, ўн минглаб қурбон бўлган шаҳрисабзликлар қони унинг ҳаёлига ҳам келмайди. Қонлар дарё бўлиб тўкилиши ҳақида гап боргудек бўлса, ўлган битта аскарини ҳам ҳисобга олиб борган руслар маҳаллий аҳолини қирғин қилар экан, уларни тўпларига ем қилганлиги, ўликлардан майдонлар, дашту далалар, ҳатто боғлар тўлиб кетганлигини айтишни унутадилар. Бошқача айтилса, мазлум нуфус унинг кўзига, ақалли, чумчуқча ҳам кўринмайди.

Шаҳрисабз ва Китоб бекликларининг Бухоро амири ихтиёрига берилиши, Қарши бўйсундирилиши ва унинг ҳам амир Музаффарга топширилиши бобидаги ички ташқи сабаблар таъсири катта эди, дейиш мумкин. Абдумалик тўрани ҳамон кўллаб-қувватлаб турган инглизлардан ҳадиксираш, Туркистонда ҳарбий кучларнинг озлиги рус истилочиларини шундай, ўз босқинчилик ниятларига хилоф йўл тутишга мажбур қилган омиллар бўлган. Бунда, Д.Н.Логофет афсус-надомат билан таъкидлаган — тарихни унутиш, яъни Шаҳрисабз бекларининг Бухоро итоатидан бўйин товлаб, мустақил бўлиб келганлигини ҳисобга олмаслик ҳам унинг амирига топширилишида асосий сабаблардан бири бўлмай қолмаган. Арқонни узун ташлайдиган босқинчилар сонни ўзидан чиқаришда устаси фаранг эди: Бухородан норози Шаҳрисабз ва Китоб тез орада ўз ташаббуси билан Россия таркибига киришга истак билдиради ёхуд амирлик ичида ихтилоф вужудга келиб, бутун хонликни бир ҳамлада босиб олиш имконияти туғилади, деб шундай қарорга келинган.

Мулоҳаза учун ахборот

Бобон тўқсабо

Бобон Каттакўргоннинг Мингбозор қишлоғида, ривоятларга кўра эса, Иштихонда туғилади. Отаси вафотидан кейин, онаси Нурободнинг Қорақурсоқ қишлоғида яшовчи Алибой исмли деҳқонга турмушга чиқади. Бобон жуда гавдали, паҳлавон йигит булганидан уни ҳарбий хизматга оладилар. Ва у тез орада довураклиги, тадбиркорлиги, рус босқинчиларига қарши жангларда кўрсатган қаҳрамонликлари учун олий ҳарбий унвон — тўқсаболик даражасига сазовор бўлади. Бироқ, элсевар тўқсабо амир Музаффарнинг жасуратсизлиги ва босқинчиларга қарши дурустроқ мудофаа чораларини қурмаганлигидан газабланади. Дарҳақиқат, амир Зирабулоқ тепаликларидаги сўнги жангда мағлубиятга учраб азиз юртимизни Россия мустамлакасига айлантириб қўйди, уруш харажатларини қоплаш учун халққа оғир солиқлар солиб, қашшоқликда яшаётган камбағал деҳқонларни хонавайрон қилди. Натижада, Бобон Зиёвуддин, Норпой, Хатирчи туманларини ўз ичига олган мустақил миллий давлат тузишга қарор қилади. У амир хизматини тарк этишдан олдин, мавқеидан фойдаланиб етарли даражада қурол-ярроғ, ўқ-дори тўплайди. Сунгра, ўзига яқин кишилардан кичик бир гуруҳ тузади. Гуруҳ аъзолари 1869 йилнинг октябрида 18 кишидан иборат бўлса, орадан икки ой ўтмай беш юз кишидан ошиб кетади. Бу даврда Бобон ўзини амриликка ҳам, русларга ҳам бўйсунмайдиган мустақил давлат бошлиғи, халқ таъбири билан айтганда, «ярим подшо», деб эълон қилади. У ўз давлатида инсофдолат, тартиб-интизом ўрнатиш мақсадида фақат шариатда кўрсатилган солиқларнигина қолдириб, бошқаларни бекор қилади. Каттакўргон ва Зиёвуддин чегараларида ҳарбий истеҳкомлар, божхоналар бино эттириб, чегарадан ўтган савдогарлардан бож олади. Бошқа амалдорларга ўрнак бўлсин деб, Хатирчи амлоқдори (солиқчиси) порахўр Раҳимбойнинг мол-мулкани мусодара қилиб, камбағалларга бўлиб беради. Халққа зулм ўтказган Зиёвуддин беги Муҳаммад Юсуфбой додхоннинг эса бойлигини мухтожларга тақсимлаб, ховлисини ёндириб юборади.

Амир Бобон ҳаракатини бостириш учун бир неча марта қўшин йўллайди, бироқ ҳар гал мағлубиятга учраб қайтади. Амир мушкул аҳволдан қутилиш учун Туркистон мустамлакачи маъмуриятининг Зарафшон округидан ёрдам сурайди. Каттакўргон уезди бошлиғи Бозенков кўзғолончиларга қарши жазо гуруҳи юборади. Норпой — Каттакўргон чегарасидаги жангда жазо гуруҳи катта талафот қуриб чекинади. Гуруҳ мағлубиятидан газабланган Туркистон генерал-губернатори Кауфман Каттакўргонга штабс-ротмистр Скобелев бошчилигида отлик жазо гуруҳини юборади. Гуруҳ Каттакўргонда 25 қақирим узоқликдаги Чоршанба қишлоғидаги жангда мағлубиятга учраб, қочишга мажбур бўлади. Кауфман Скобелевни подшо обрийига футур етказишда айблаб унинг ишини ҳарбий трибуналга топширади. Шундан сўнг, Каттакўргонга 500 кишилиқ казак жазо гуруҳи юборилади. Гуруҳ савдо карвони ниқобида араваларда бекиниб келади ва тўсатдан ҳужумга ўтиб, божхона ходимлари ва бир неча соқчини ўққа тутаяди. Бироқ пистирмалардан отилган ўқ ёмғири остида қолиб, жуда кўп ўлигу ярадорларини қолдириб орқага қочади. Кетма-кет мағлубиятлардан тутатқан Кауфман 1869 йил декабрь охирида, полковник Корганов бошчилигида сон жиҳатидан жуда катта, яхши қуролланган жазо гуруҳи йўллайди.

Коргановнинг жазо гуруҳи иккинчи марта 1870 йилнинг 14 январиди Қорақурсоқ қишлоғида жангга киради. Жазо гуруҳи бу сафар ҳам уларни тор-мор келтира олмайди... Ниҳоят, чор ҳукуматининг исковчи, собиқ афгон гуруҳининг жангчиси Каттакўргон уезд бошлиғининг кичик ёрдамчиси Саидхон Каримхонув узидек бир хоин ёрдамида кўзғолончилар манзилни аниқлаб жазо гуруҳига хабар беради. 1870 йилнинг сентябрида Каттакўргоннинг Тўрткўл қишлоғида охириги — ҳаёт-мамот жанги бўлади. Кўзғолончилар қаҳрамонона жанг қилиб, деярли барчаси ҳалок бўладилар. Жароҳатланган Бобон бир уйга кириб олиб, жангни давом эттиради. Уйга ўт қўядилар.

Бобон жўхоризорга кириб бекинади. Жўхорини ҳар томонидан ўришга киришадилар. Шунда Бобон «хом жўхорини урманглар», деб чиқиб таслим бўлади. Бироқ амир Бобонни сўраб олади ва унга: «аввалгидек садақат билан хизмат қилсанг, омон қоласан», дейди. Бобон кунмайди ва қуролдош дўстлари олдидаги қасамёдига содиқ бўлиб қолажagini айтади. Амир уни ўлимга ҳукм қилади ва «тила энди тилагингни», дейди. Бобон минорадан ташлашларини сўрайди. Минора устида ҳам уни амир хизматига даъват этадилар. У бош чайқаб, жаллоднинг итариб юборишини кутиб ўтирмай, ўзини минорадан ташлаб юборади.

Бобон кишилар онгида Ватанга меҳру садақат билан хизмат қилиш тимсоли сифатида чуқур из қолдирди¹.

3. ЭЪЛОН ҚИЛИНМАГАН УРУШ... ХИВА

Россиянинг ҳукмрон доиралари Туркистон генерал-губернаторлигини ўзининг Ўрта Осиёдаги ҳарбий режаларини амалга ошириш учун таянч марказига айлантириб, бу сафар истило тифини Хива хонлигини тўла бўйсундиришга қаратдилар. Улар Пётр I васиятини сира унутмаган эдилар. 1717 йилги Бекович-Черкасский кўшинининг ҳалокати ва 1839 йилда Перовский юришининг барбод бўлганлиги рус генералларининг хотирасидан чиқмаган эди. Пётр I нинг босқинчилик режасини тўла амалга ошириш учун тайёргарлик ишларини поёнига етказишгач, истилочилар Хива хонлигига кўз тика бошладилар.

Хива хонлиги мустақиллиги билан мустамлакачиларга жиддий хавф солиб турар эди. У минг йиллардан буён давом этиб келаётган қадим Хоразм давлати тимсоли сифатида ҳам Россия учун хавфли кўринди. Россия империяси ўз тасарруфидаги қозоқларни озодлик курашига рағбатлантириб турган Хива эканлигини ҳам яхши биларди. Қозоқларнинг миллий-озодлик курашига раҳбарлик қилган Кенесари Қосимов Хивадан деимо мадад олиб, ўн йил давомида Россияни безовта қилиб келаётганлигини ҳам унутмадилар. Масаланинг сиёсий томонидан ташқари, Санкт-Петербург бутун Туркистон ўлкасида тижорат ишларини ҳам батамом ўз қўлига олишни мақсад қилиб қўйган эди. Каспий денгизининг шарқий соҳилларидан Туркистон шаҳарларига олиб борувчи барча савдо йўллари эса Хива хонлиги ҳудудларидан ўтар эди.

1872 йил охирларида ҳарбий вазир бошчилигида Петербургда Туркистон, Оренбург генерал-губернаторлари ва Кавказдаги подшо ноиблари иштирокидаги махфий кенгашда Хива хонлигини босиб олишга қарор қилинади. Генераллар режасига кўра, Туркистон генерал-губернаторлигига қарашли кучлар шарқдан, Оренбург губернатори ва Кавказ ноиблиги ихтиёридаги ҳарбий кучлар эса ғарбдан ва шимоли-ғарбдан Хива устига юришлари керак эди.

¹ *Муҳаммад Маҳмуд*. Бобон тўқсабо. «Жамият ва бошқарув», 1998 йил, 3-сон, 40—41-бетлар.

Россиянинг тажовузкорона нияти Хива хони ва унинг олий мансабдорларига сир эмас эди. Сайид Муҳаммад Раҳимхон II (1865—1910) 1872 йилда Ҳиндистон вице-қироли ҳузурига элчи жўнатиб, руслар таҳдидига қарши Англиядан мадад сўраган эди. Хоннинг элчиси Аминбой Муҳаммад ўғли Калкутта шаҳрида лорд Норсбрук билан музокаралар олиб борди. Англиянинг ҳукмрон доиралари Хива мустақиллигини сақлаб қолишдан манфаатдор бўлсалар ҳам, Россия билан очиқ тўқнашувдан хавфсирар эдилар. Лондон ўзининг бой мустамлакаси Ҳиндистонга руслар таҳдид солишидан ва Афғонистондаги мавқеига Россиянинг жиддий хатар етказишини ҳисобга олиб, Хивага ёрдам кўрсатмаслик йўлини тутди. Ҳиндистон вице-қироли Норсбрук шу сабабли элчига иложи борича руслар билан алоқани яхшилаш воситаларини ишга солишни ҳамда қўшни муслмон давлатлари иттифоқини вужудга келтиришни маслаҳат берди. Лорд Норсбрук, агар руслар билан уруш бўлиб қолса, Англия ёрдамига умид қилмасликни ҳам очиқ ихзор қилди.

Хива энди ўз кучи ва имкониятига қараб иш кўриши лозим эди. Хонлик қўшинида ҳаммаси бўлиб 27 эски замбарак, 2 минг отлик аскар, 4 минг навқардан иборат қўшин бўлиб, улар ҳам асосан пойтахтда жамланган эди. Хива истилосига отланган Россия қўшини ҳам сон, ҳам сифат жиҳатдан, шунингдек ҳарбий техника имконияти, қурол-яроғлари билан ҳам Хива хонлиги қўшинидан устун эди. Мазкур ҳарбий операцияга раҳбарлик қилувчи зобитлар ва генераллар амалий тажрибаси ҳам хивалик лашкарбошилардан кўп даражада юқори эди. Туркистон қўшинларига (22 рота, 1800 казак ва 18 тўп) генерал Кауфман, Оренбург отрядига генерал Верёвкин (15 рота, 600 казак, 8 тўп), Манғқишлоқ отрядига полковник Ломакин (12 рота, 800 казак, 8 тўп) қўмондон бўлиб, Орол флотилияси ҳам улар ихтиёрига берилган эди.

Истилочилар қўшини, шу йўсинда, уч йўналиш бўйича Хива хонлиги устига бостириб кирди. Рус аскарлари генерал-лейтенант фон Кауфман ва генерал-майор Головачёв қўмондонлиги остида Тошкент тарафдан, иккинчи йўналишдагилар генерал Верёвкин ва учинчи йўналишдаги руслар полковник Ломакин қўмондонлигида Каспий денгизи тарафдан Хива томон кириб келди. Император Александр II Хива юришига катта эътибор беради. Ҳатто, айтиш жоизки, император оиласининг аъзолари — буюк князлар Хива сари юришда бевосита қатнашадилар. Николай, Константин, Евгений Романовлар ва Герцог Лейтенбергский каби олий зотларнинг ҳарбий қисмларга қўмондон қилиб тайинлангани ҳам Россиянинг Хива истилосига катта эътибор берганини кўрсатади.

Туркистон генерал-губернатори фон Кауфман юриш олди-дан Хивани сиёсий тарафдан ҳам яккалаб қўйиш чораларини кўради. У Бухоро амири ва Қўқон хонига таҳдидли мактублар

йўллаб, уларни Хивага ёрдам бермасликка чақиради. Масалан, унинг 1873 йил 4 мартда Қўқоң хони Худоёрхонга йўллаган хатида шундай дейилган эди: «Ўзимга ишониб топширилган қўшинлар билан Жиззах устидан, Бухоронинг шимолий ҳудудлари орқали ўтаман. Сизнинг доно ҳаракатларингиздан ўрناق олмай, Россия билан дўстона муносабатлар ўрнатилишига қарши турган Хива хонини жазолаш учун йўлга тушмоқдаман».

Бухоро амири Музаффарнинг Кауфманга ёзган жавоб хатида русларга содиқлик руҳи ўрмалаб туради: «Элчингиз, статмаслаҳатчи Струве Россиянинг Хива билан алоқасини батафсил гапирди. Мен бундай дўстликни ифодаловчи хабарнинг маълум қилинишидан ниҳоятда хурсанд бўлдим. Албатта, ўртамиздаги дўстона муносабатлар сизнинг дўстингиз — бизнинг дўстимиз, ва сизнинг душманингиз—бизнинг душманамиз бўлишини тақозо қилади. Мен яхши тушунаманки, агар Хива Россия билан тўғри муносабатда бўлмаса, у вақтда унга қарши қурол ишла-тишга тўғри келади. Бундай ҳол юз берса, мен имкони борича ўз ёрдамимни амалда кўрсатишга тайёрман.

Сизнинг элчингиз бизга шуни тушунтирдик, Оқ подшонинг ерларидан Хивага уч тарафдан йўл боради: улардан бири Каспий денгизидан, иккинчиси— Қозолидан, учинчиси — Оқ подшонинг ихтиёридаги бизнинг еримиз Амударёдан ўтади. Сизга батафсил жавобни статс-маслаҳатчи Струве орқали юбораётиман. Содиқ дўст ва қўшни сифатида сиздан илтимос қиламанки, менга ўз фикрингиз ва ҳарбий юриш вақтини олдинроқ маълум қилингки, фуқароларимни хотиржам қилиш ва сизга ишончли кишиларимни юбориш имкони туғилсин».

Шунга қарамай, ҳарбий таълим олган, бош штаб академиясини битириб, бой назарий ва жанговор малақа ҳосил қилган рус генераллари ва зобитлари ихтиёрида энг замонавий тўп, ракета отувчи мосламалар, пулемётлар бўлса ҳам, улар эрксевар ва икки бор рус қўшинларини мағлуб қилган Хивадан, барибир, ҳайқишган.

Хива хонининг масалани тинч йўл билан ҳал қилишга уринишлари беҳуда кетгач, ҳарбий кенгаш чақириб, мудофаа режаларини тузади ва душман истилочиларга қарши ўзининг лашкарбошиларини сафарбар қилади. Матмурод девонбеги, Маҳмуд ясовулбоши, Ёқуббек қалмоқ, Элтузар иноқ ва Бобо меҳтар раҳбарлигидаги ўзбек ва туркман (ёвмит) йигитлари рус қўшинлари ҳужумини қайтариш учун икки гуруҳга бўлиниб йўлга тушадилар.

Генерал Верёвкин қўмондонлигидаги Оренбург отряди Қўнғиротга яқинлашганида шаҳар ҳокимлари тезлик билан душман тўдаларининг пайдан бўлганлиги тўғрисида Хивага чопар йўлладилар ва вақтдан ютиш мақсадида руслар ҳузурига ҳам элчи жўнатишди. Генерал Верёвкин қўнғиротларнинг вакили билан учрашиб, унинг таклифларини эшитди. Музокара-

лар олиб бориб, масалани тинч йўл билан ҳал қилишни истамади ва шаҳарга ҳужум бошлаш ҳақида буйруқ берди.


Қўнғирот халқи Сайидбий, Тожимуродбий ва бошқа бийлар раҳбарлигида шаҳар қўлдан кетганда ҳам курашни давом эттиришга қарор қилдилар. Шаҳар ташқарисидаги йўлларда душманга ҳужумлар уюштириб, уларни ўққа тутдилар. Верёвкин қўшини эса талафотлар бериб, Хўжайли ва Манғит қалъаларини ишғол қилди. Аини бир пайтда генерал Головачёв бошчилигидаги Туркистон қўшини Тошсоқа яқинида дарёдан кечиб ўтиб, мудофаачилар билан тўқнашди. Хива хонининг асосий зарбдор кучи бўлган Матниёз девонбеги лашкари Карвон қишлоғидаги пистирмадан душманга тўсатдан ҳужум қилди. 9 рота, отлиқ аскарлар, 8 тўп билан қуролланган ўқчилар ва сапёрлар роталаридан иборат Головачёв қўшини бошда бу ҳужумдан эсанкираб қолди. Тўқнашув шиддатли ва аёвсиз бўлиб, ҳар икки томондан кўп қурбонлар берилди. Матниёз девонбеги кучлар нисбатини тўғри баҳолаб, Хазорасп томон чекинди. Қурол-яроғ ва ҳарбий техника жиҳатидан устун бўлган Туркистон қўшини Хоразмнинг қўҳна қалъаси Хазораспни эгаллади. Бу қалъани бош қўмондон фон Кауфман ўзига қароргоҳ қилиб, ичкари силжиш учун таянч пунктига айлантирди.

Руслар йўлда учраган ҳар бир шаҳар ва қишлоқни талаб, уйларга ўт қўйиб, қирғин-барот уюштирдилар. Уларнинг кетида эса култепалар ва жасадлар қолди. Аммо, Хоразм ватанпарварлари бўш келмай, ўзларига қулай жойлардан душманга ҳужумлар қилишди. Жанговар туркман уруғлари: ёвмутлар, имралилар, човдирлар ва кўкалангларга мансуб навкарлар душман кетидан изма-из бориб, унга талафотлар етказишди.

1873 йил 29 май кунини русларнинг асосий кучлари Хива остоналарида пайдо бўлдилар. Хива хони ортиқча қон тўкилишини истамай, музокаралар бошлаш ҳақида ўз вакилларини фон Кауфман ҳузурига жўнатди. Аммо урушқоқ генерал хоннинг таклифини оқибатсиз қолдириб, ҳужумга киришди.

Хива мудофааси йўлбошчиларининг номлари тарих саҳифаларига умрбод ёзилиб қолди. Зеро, 1873 йилда Хивани мудофаа қилган кишиларнинг исм-шарифлари истиқлол тарихидан муносиб жой олиши фарздир. Урганч дарвозасига Муҳаммад Ризо тўра, Тошоёқ дарвозасига Абдуқодир тўра, Боғишамол дарвозасига Раҳимбердибек Оллоҳберди тўра Мағфур, Шайх дарвозасига Оллоҳберганбек ибн Худойберганбек тўра ўғли тайин этилди. Шаҳар ташқарисида эса русларга қарши жанг майдонига чиққан Худоёр қушбеги, Раҳматулла ясовулбоши, Абдулла маҳрам, Маҳмуд ясовулбошиларнинг навкарлари фидокорона жанг қилдилар.

Хива шаҳри ва унинг атрофидаги жангларда қиличу пилта милтиқ билан қуролланган мудофаачиларга қарши руслар 692 граната, 133 ракета ва 78605 ўқ отишган. Ҳарбий ҳисоботга кўра,



Россия армияси Хива остонасида.

Туркистон отряди 62 граната, 5245 дона ўқ ва 28 ракета; Оренбург отряди 537 граната, 38060 дона ўқ, 52 ракета; Мангқишлоқ отряди эса 93 граната, 35300 дона ўқ ва 58 ракета отган.

Хива хони, сулҳ ҳақидаги навбатдаги таклифи рад этилгач, қўшимча куч тўплаш учун шаҳардан чиқиб, туркман ёвмут аҳолининг ўтовлари сари йўл олди. Афсуски, шундай қалтис бир пайтда, хоннинг оиласи ва яқин қариндошлари душманга қарши яқдил бўлиш ўрнига, сулолавий низоларга берилиб кетдилар. Ўзбек хонликлари тарихидаги одатдаги фожеа—босқинчиларга қарши кураш учун бирлашиб ҳаракат қилиш ўрнига бўлиниш яна мудҳиш тарзда қайта такрорланди. Хоннинг иниси ва унинг яқинлари душманга қарши бирлашиб курашиш ўрнига у билан келишиш йўлига ўтиб олдилар.

1873 йил 29 майда Россия императори Пётр I нинг машғум васияти амалга оширилиб, Хоразм салтанати пойтахти — Хива ишғол этилди. Шаҳарга ғолибона кириб келган Туркистон, Оренбург, Кавказ қўшинлари талон-торожга киришдилар.

Хон саройида олий ҳукмдорларнинг тахти, бебаҳо олтин-кумуш буюмлари, турли-туман қимматли матола ва нодир қўлзма асарлар Петербургга, подшоҳ саройига ўлжа сифатида олиб кетилди. Ўлжа олинган беҳисоб бойликлар генераллар, зобитлар ва аскарлар ўртасида тақсимлаб олинди. Босқинчилар

аввалдан пухта ишлаб чиқилган режа бўйича Хоразмнинг моддий ва маданий бойликларини талон-торож қилишга киришдилар.

Мулоҳаза учун далолат

Генерал-губернатор фон Кауфман русларга қарши курашга қодир ва барчани ўз атрофига бирлаштиришга лаёқатли бўлган Хива хонини зарарсизлантириш чорасини кўриб, унга мактуб йўллади. Муҳаммад Раҳимхон II тахтни сақлаб қолиш илинжида, ўзи таклиф этилган Гандимиён боғига етиб келади.

Туркистон генерал-губернатори фон Кауфман билан Хива хони уртасида музокаралар бошланади. Генерал Хивани идора қилишга оид янги низомни хон диққатига ҳавола этади. Рус давлатчилиги русумларини жорий этишга қаратилган бу ҳужжатга биноан хонликда бошқарув тизими бўлган девон тузиш лозим эди. Девон аъзоллигига Хива хони томонидан русларга хайрихоҳ амалдорлардан Матнийёз девонбеги, Элтузар иноқ ва меҳтар Абдуллабий, руслар тарафидан эса бош штаб подполковниги Пожаров, артиллерия подполковниги Иванов, подполковник Хорошхин ва савдогар Олтинбоев тайинланиши лозим эди. Русларга қарши жангларда шижоати ва ватанпарварлиги билан танилган Муҳаммад Муродбеги ва Раҳматулла ясовулбошилар эса Хивадан сургун қилиниши лозимлиги кўзда тутилган эди.

Генерал фон Кауфман музокаралар билан бир вақтда, эркесвар туркманларни жазолаш учун генерал Головачёв қўмондонлигидаги катта кучни сафарбар қилади. Пиёдалар, отликлар, тўп ва ракеталар билан қуролланган Головачёв жазо корпусининг «Бекович хуни учун» дея қилган ваҳшийликлари рус ҳарбий идоралари ҳужжатлари ва маҳаллий муаррихлар битикларида сақланиб қолган.

«Хотунлар ҳам чап кўлида боласи ва ўнг кўлида тиг билан Русия отлиқларига ҳамла қилур эдилар. Бир миқдор уруш бўлгандан сўнг, Русия аскарари голиб келиб, оларнинг ҳам ҳаммаларини тигу тўфонг била қириб тамом этдилар. Баъзи заҳмдорлар ўлуқларнинг ораларида ўзларини ўлукдек этиб ётмиш эрдилар. Русия аскарари оларни кўриб, милтиқ ўқи билан оларни уруб қатл этдилар. Ул ҳолда тўрт казак отли бир явмутнинг изидан етиб, ўртага олиб ҳар тарафдин тиг урмоқ бошладилар. У явмутнинг кўлида ҳеч яроғ йўқ эрди. Онга кўп заҳм урдилар. Қўлларидан ва тамоми баданидан қон оқиб борур эрди. Явмут кўрди, булар они ўлтурмоқчидурлар, ғайратга кириб бир ҳамла қилиб, ул казакларнинг биридан қиличини қонтириб, кўлидан олиб, ул қилич била ҳамул тўрт казак отлиқни қатл этди. Чун заҳмларидан қон кўп оқиб эрди, беҳол бўлуб йиқилиб қолди. Ул ҳолда икки казак отли бу аҳволда кўруб келиб, отиб ва тиг билан шаҳид этдилар».

(Муҳаммад Юсуф Баёнийнинг «Шажараи Хоразмшоҳий» асаридан)

«Хива хонининг талабларимизни сўзсиз бажаришга ҳамда хонликда осойишталик истаги туркманларга жарима солиш фикрини уйғотди. Ёвмут уруғи оқсоқолларига 300 минг сўм пул йиғишни маълум қилиб отряд билан генерал Головачёвни улар устига юбордим. Ёвмутлар эса оилалари, хужалик нарсалари билан туркманларнинг бошқа уруғлари яшаётган ер-

ларга қочибди. Эндиликда Илонли қалъаси билан Қизилтақир оралигида Емралилар манзилида 150 мингга яқин туркман йиғилган. Уларга 15 июль эрта тонгда тусатдан ҳужум уюштирилди. Берилган кучли зарба натижасида жангда 500 га яқин туркман улдирилди».

(Генерал фон Кауфманнинг ҳарбий вазирга 1873 йил 25 июлда йўллаган ахборотномасидан)

Мавзуга оид ахборот

Чор Россияси Туркистонга XIX аср иккинчи ярми бошларида ҳужум қилишдан неча ўн йиллар муқаддам, бу улкани ҳам энига, ҳам буйига пинҳона тадқиқ этишга киришади. Худди шундай номатлуб, жосусона йўл тутиш инглизлар томонидан ҳам олиб борилганлиги маълум. Икки мустамлакачи давлат манфаатлари гоҳ Хива, гоҳида Бухоро амирлиги сиёсий чор-раҳаларида тўқнаш келган ҳоллар кўп бўлган. Акад. В.В.Бартольд, гарчи, «Туркистон рус истилосига қадар илмий тадқиқотлар учун деярли ёпиқ эди», деган бўлса-да, элчи либосидаги ҳарбийлар, туркий тилни, исломни яхши билган жосуслар — сайёҳлар хонликларда бўлганларида ўз маъмура-рини қизиқтирган маълумотларни тўплаганлар.

Илмий жосуслик хизмати, турган гапки, маълум этиладиган улканинг ҳарбий қуввати, нуфуси, табиий бойликлари, иқтисодиёти, маданияти, хуллас, ҳамма жабҳани қамраб олишни тақозо этарди. Шунга кўра, рус муаррихлари кейинчалик эътироф этганларидек, асосий диққат кўлэзма манбаларга қаратилади¹. Кўлэзма манбалар юртни босиб олиш, идора этиш ва бойликларни тасарруф этишда беқийс омил эканлигини босқинчилар яхши билганлар.

Хонлар, амирлар бу хилдаги қора ниятлардан гофил, келган элчиларга мулозамат кўрсатиб, ноёб кўлэзмаларни ҳам тўхфа этганлар. Масалан, 1820 йилда Негри бошлиқ рус элчиларига Муҳаммад Юсуф Муншийнинг «Муқимхонийлар тарихи» тортиқ қилинади. Бухорода бўлган Н.Хаников жами 166 нодир асарни Санкт-Петербургга ўмаиб кетади. Бу китоблар орасида, жумладан, Азиз ибн Муҳаммад Насафийнинг «Ал-Мақсад ал-ақсо» (1411 йил), «Бадойиъ ал-луғат» (1705), «Луғати Навоийя» (1815), «Девони Хоқоний» (XVII аср), «Вақфия» (1815), «Дастур ал-вузаро» (1566), «Тузуки Темур» (1847), «Фатҳномаи Султоний» (1847), «Зичи Улугбек (XVI аср)», «Рисола дар илми ҳисоб» (1835), «Дафтари Чингизнома» (XIX аср), «Искандарнома» (1523), «Абушқа» (1560), «Аҳсан ал-қисас» (1850), «Мажмуаи достон» (XVII аср), Ҳусайн Бойқаро девони (1868) кўлэзмалари бўлган. Бу бебаҳо хазина жавоҳирлари ҳозирги пайтда «Хаников йиғмаси» номи остида Санкт-Петербургдаги Давлат оммавий кутубхонасида сақланаяпти.

1858 йилда элчилар гуруҳида юртимизга келган П.И.Лерх Император Фанлар академиясининг Осие музейи учун «Худуд ул-олам» (X аср), «Китоб ал-ансоб» (XII аср), «Тарихи Рашидий» (XVI аср) асарларини олиб кетади. Тилмоч Ю.К. Казбеков ҳам кўлэзмаларни гораг қилиш ишидан четда қолмайди. У, Хожа Аҳрор ва Абдурахмон Жомий асарларининг асл нусхаларини, Тура Хожа Андижонининг «Меърож ал-футуҳ», Аваз Муҳаммад Атторнинг «Тарихи Шоҳруҳий», Фаридуддин Атторнинг «Тазкират ал-авлиё» сингари асарларини олиб кетади.

Г.А.Арандаренко (Самарканд вилояти ҳарбий губернатори) Қарши, Шаҳрисабз бекликлари маълум этилган пайтларда 2 та «Шоҳнома», «Ҳафт иқлим», «Заҳираи Хоразмшоҳий», «Китоб тибб», «Искандар тарихи» сингари кўлэзмаларни кўлга киритади.

Туркистонда узоқ муддат яшаган В.Л.Вяткин, И.А.Кастанье, В.П.Наливкинлар ҳам бутун имкониятни ишга солиб, кўлэзма асарларини жамғариш пайида бўлганлар. В.Л.Вяткин йиққан асарлар 190 жилдни ташкил этган.

Муфассал маълумот учун қаранг: *П.Равшанов, Р.Ўроқов. «Аждодларимиз қадри»*. Т., «Шарқ» 1999, 265—282-бетлар.

Улар орасида «Фатҳнома», «Зубдат ул-осор», «Мифтоҳ ал-толибин», «Китоб тухфат ал-насаб», «Низом ут-таворих», «Тухфат ал-Хоний», «Тарихи Муқим-хоний», «Темурнома» «Тарихи мулуки Ажам», «Тарихи Роқим», «Ақбарнома», «Мурод ул-орифин», «Маҳбуб ул-қулуб», «Хамса», «Тазкират уш-шуаро» каби илмий-тарихий қиммати бекиёс китоблар асосий кўпчилиқни ташкил этган.

Граф Н.Я.Ростовцев («Мунтахаб ул-таворих», «Равзат ус-сафо», «Хулосат ул-ахбор», «Матлаъ ус-саъдайн ва мажмаъ ул-бахрайн», «Зичи Қурагоний»), Н.Маллицкий («Зафарнома», «Равзат ул-аҳбоб») каби лавозим соҳиблари ҳам Шарқ қўлёзмаларини тўплашга ружу қўйган эдилар. Истило ва ундан кейинги мустамлакачилик йилларида Фрейтаг, Акимущкин, Иванов, Смирнов, Глуховский, Строганов, Костигов, Эрдман, Дорн, Фолькман, Симонич, Долгорукий, Тамаев, Уиллин, Картово, Гейнц, Позальян, Дьяков, Тригоров, Голик, Ревель, Кац, Данзас сингари олим-у корчалонлар Туркистондан умарган қўлёзмаларни Санкт-Петербург кутубхоналарига топширадилар. Шубҳасиз, текинга эмас. Биргина Волочинский юртимиздан олиб кетган 24 асарни император кутубхонасига катта мукофот эвазига тақдим этади.

Ачинарли жойи шундаки, Бухоро амирларининг бой ва кўп қамровли кутубхоналари буткул талон-торож этилган. Амир Насрулло давридан бошланган горат амирликнинг вассаллик йилларида авж нуқтага кутарилади. Амир кутубхонаси мундарижасидаги «Мурақъаъ» (1197 х.), «Мисбах» (991 х.), «Юсуф ва Зулайҳо» (930 х.), «Тузуки Темурий», «Хамса» (986 х.), «Девон» (1111 х.), «Равзат ас-сафо» (1009 х.), «Шоҳнома» (1007 х.), «Ажойиб ал-маҳлуқот ва ғаройиб ал-мавжудот» (910 х.) каби асарлар Санкт-Петербургда сақланиб турибди.

Маънавий хазинамизни талон этиш ва ташиб кетишда генерал-губернатор К.П.Кауфманнинг қўли узун, имконияти чекланмаган эди. Санкт-Петербургдаги Давлат оммавий кутубхонасида «Кауфман йиғмаси» номили остида сақланаётган 150 жилдан ошиқ қўлёзмалар мундарижаси диққатни тортмай қолмайди. Туркистонни қонга ботирган жаллод, айна вақтда, Шарқ қўлёзмаларининг қимматини яхши тушуниб, уни кутубхонага «тортиқ» қилишни ҳам эсдан чиқармаган. Унинг Кўқон, Хива ва Бухоро хонликлари шаҳар-қишлоқларидан, таниқли фузало ва арбоблардан турли йўллар билан қўлга киритган асарлари сирасида «Тарихи қипчоқий» (XVIII), «Тазкират уш-шуаро» (XVII аср), «Тасаввуф», «Темурнома», «Ҳафт авранг» (XVIII аср), «Кимйеи саодат», «Лубби лубоб», «Латойиф ат-тавоиф», «Маснавийи маънавий», «Мажма ал-ғаройиб», «Махзан ат-таъарруф» (XIX аср), «Меърож ан-нубувват» (XVII аср), «Риёз ал-восилин» (XIII аср), «Шавоҳид ан-нубувват» (XVII аср), «Куллиёти Жомий», «Куллиёти Хожа» (XV аср), «Куллиёти Соиб» (XIX аср), «Куллиёти Қосим Анвар», «Хамса», «Заҳират ал-мулк», «Рашоҳати айн ал-ҳайот», «Равзат ал-аҳбоб» (XVIII аср), «Равзат ас-сафо» (XV аср) каби ноёб қўлёзмалар мавжуд. 1916 йилда М.Ф.Гаврилов маънавий талончиликни давом эттириб, «Зафарномаи Худоёрхоний», «Ҳафт иқлим», «Равзат ус-сафо», «Шайбонийнома», «Субҳонқулинома», «Таворих анбийа ва мулуқ», «Тарихи кабир» асарларини олиб кетган эди.

1834 йилда шарқшунос Х.Д.Френ Урта Осиёдан излаб топш мумкин бўлган Шарқ муаллифларига мансуб юзта асарнинг хронологик рўйхатини тузиб чиқди.

1868 йили Самарқанд эгаллангач, муслмон дунёсига машҳур ҳалифа Усмон Қуръони генерал Абрамов томонидан улжа қилиниб, Санкт-Петербургда жўнатилди. Худди шу генерал Абрамов Шаҳрисабз ва Китоб бекликларини эгаллагач, юзга яқин нодир қўлёзмаларни ҳам мусодара қилган эди.

Генерал фон Кауфман топшириғига кўра шарқшунос А.Л. Кун Хива саройидан 300 қўлёзма, 18 қуръон, 50 дарслик китобларини мусодара қилган. 140 жилдли бу нодир қўлёзмалардан 129 таси тарихий асарлар эди. Шарқ шоирларининг 30 жилдли асарлари, 50 жилдли фикҳ илмига доир китоблар Петербургдаги Халқ кутубхонасига юборилди. Кун ва унинг ёрдамчилари Хива хонлари танга зарб этиш учун ишлатган 200 муҳр ва юзлаб тангалар, нодир безак-буюмларни олиб кетдилар. Улар орасида

хивалик усталар кандакорлик санъатининг энг юксак намунаси — Кўнғирот сулоласи хонлари тахти бебаҳо улжа бўлди. 1874 йили бу Хива хонлари тахти қурол-аслаҳа Палатасига топширилди.

Қулёзма манбаларнинг Санкт-Петербургга муттасил ташиб кетилиши оқибатида XX аср бошларига келиб, қадимий қулёзмаларни топиш амалда мумкин бўлмай қолади. 1902 йилда В.В.Бартольд Туркистонга навбатдаги сафарга келганида, тан олиб, «Ҳозирги вақтда Қўқонда бирон-бир қулёзмалар йиғмаси қолган эмас. Ҳатто, Худоёрхон кутубхонасининг 1897 йилда К.Г.Зелеман (Осиё музейи директори — *муалл.*) шу кутубхона китобдори Саримсоқ хожада кўрган энг охириги нусхалари ҳам йўқолибди», дейишга мажбур бўлган эди.

4. ВИЛОЯТГА АЙЛАНТИРИЛГАН САЛТАНАТ

Россия давлати Бухоро ва Хива хонликларига қарши босқинчилик уруши олиб бораётган йилларда Қўқон хонлиги ўз бошидан чуқур сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий бўҳронни кечираётган эди. Бу вақтга келиб хонликнинг ҳозирги Қирғизистон, Қозоғистон ҳудудларидаги Оқмачит, Туркистон, Сайрам, Чимкент, Авлиёота, Пишпак, Алмати каби вилоятлари, яъни салтанатнинг деярли ярми Россия томонидан босиб олинган эди. Қўқон хонлигининг ҳудуди асосан Фарғона водийсидан иборат бўлиб қолганди.

Қўқон хонлигининг Туркистон, Чимкент, Тошкент ва бошқа шаҳарларини босиб олган чор истилочилари бу ҳудудларни Россия тасарруфига киритиб олдилар ва расмий «қонунлаштириб» ҳам қўйдилар. 1868 йил 13 февраль куни Туркистон генерал-губернаторлиги билан Қўқон хонлиги ўртасида шартнома имзоланди. Бу келишув, ўз моҳияти билан, Қўқон хонлиги учун ниҳоятда оғир, шармандали шартнома эди. Мазкур шартномага кўра, рус савдогарлари Қўқон хонлигидаги барча шаҳарлар ва қишлоқларда истаган карвонсаройга эга бўлиш ва савдо агентликларини тузиш ҳуқуқига эга бўлдилар. Қўқон хонлиги савдогарлари эса фақат Туркистон генерал-губернаторлиги ҳудудидаги шаҳар ва қишлоқлардагина, яъни ўз юртидагина шундай имтиёзга эга бўлдилар, холос. Бу ҳол маҳаллий савдогарлар табақаси ўртасида кучли норозилик ўйғотди. Россия ҳукумати тазйиқи остида, Россиянинг манфаатларини кўзлаб тузилган бу шартномадан хонликнинг бутун халқи қониқмади. Ўша пайтда халқ орасида хон ва унинг гумашталари Қўқон хонлигини чор Россиясига сотмоқчи, деган фикрлар ҳам кенг тарқалган эди.

Россия Қўқон хонлигини бутунлай ўз таркибига киритиб олиш учун астойдил ҳаракат бошлаб юборди. Хусусан, Қўқон хонлигини жосуслик йўли билан ўрганишни атрофлича кучайтирди. Полковник Шауфус Қўқонга ҳам элчи, ҳам жосус бўлиб тайинланди. У, ўзи тўплаган маълумотлари асосида, Худоёрхон рус мустамлакачилари тарафида эканини, бироқ унга қарши турган иккинчи гуруҳ мавжудлиги ва бу гуруҳ Шерали додхоҳ

билан Абдурахмон Офтобачи томонидан бошқарилаётганини рус маъмуриятига етказди.

Бу даврда хонлик чегараси анча қисқариб кетган, хазинага тушадиган даромад камайган эди. Хазинани тўлдириш учун эса оғир ва хилма-хил солиқ ва мажбуриятлар жорий этилади.

Бу ўринда рус тарихчиларидан Н. Раевскийнинг эътирофини келтириш мақсадга мувофиқдир. У бундай деган: «Ўлкани руслар эгаллагандан кейин аҳолининг аҳволи кундан кунга оғирлашиб борди. Аҳолидан биз кўп нарсани талаб этмоқдамиз. Улардан солиқ йиғишда эса ҳаддан зиёд авжга чиқаётирмиз. Лекин халққа нима бердик? Тошкентда ва турли комиссияларда чиройли айтилган иборалардан ташқари, халқ хўжалиги учун биз ҳеч нарсга қилмадик».

Кўқон хони Худоёрхон мустамлакачиларга ўзини яхши кўрсатишга зўр берарди. Шу боис, у рус маъмурларига ўз садоқатини ва ҳар қандай хизматга тайёрлигини изҳор этувчи бир қанча хатлар ёзиб турди. Бу хусусда Худоёрхоннинг 1869 йил 18 апрелда Туркистон генерал-губернаторига йўллаган бир мактуби диққатга лойиқдир. «Сизлар томонга қочиб ўтган сарбоз Турсунқулов билан, —деб ёзган эди у, — юборган самимий хатингизни олдим. Сизга нисбатан бўлган дўстлик туфайли мазкур сарбозни кечириб, сарпо кийгиздик ва хурсанд қилдик. Чунки у бегона давлатга эмас, балки Кўқон билан бир давлат — Россияга, яъни бир мамлакатга қочган». Худоёрхон ўз вақтида юрти ва халқига хоинлик қилиб, мунофиқлик, пасткашлик, диёнатсизлик билан душман тарафига ўтган кишини афв этганида Россияга нисбатан садоқатини ошкора намоёйиш қилмоқчи бўлган, албатта. Унинг «бир давлат» ҳақидаги гаплари русларга тиз буккан давлатининг итоаткор хизматкор бўлишга ҳозирлик эътирофи эди. Бу каби субутсизлик, таслимчилик руҳидаги хатлари эвазига Худоёрхон вақтинчалик Туркистон генерал-губернаторлиги маъмуриятининг таҳсинига сазовор ҳам бўлган эди.

Муаррих Исҳоқхон Жунайдуллахожа Ибрат Худоёрхоннинг салбий фазилатларини умумлаштириб, «Русиядан хотиржам бўлуб, вақтини ўйинкулки билан ўтказуб, қуш солмоқ ва кўксабури чопмоқ йўларинда бўлуб, уламо ва фузало



Шоир, тилшунос ва тарихчи Олим Исҳоқхон тўра Ибрат (1862—1937).

насиҳатларига амал қилмай, жабру зулм тарафига ўтуб турганида, раияту халқ [ундан] юз ўғирди»,¹ — деб ёзган эди.

Унинг замондошларининг гувоҳлик беришича, Худоёрхон сўнги ўн йиллик (1865—1875) ҳукмдорлигида ўз халқини мислсиз талади, бу давр ўғрилиқ ва қотилликга тўла эди.

У Бухородан паноҳ топиб юрган кезларида ўзининг ўтмиш қилмишларидан тавба қилиб, энди салтанатга келсам адолатли иш тутаман деган хаёлга ҳам борганлиги маълум.

«Яна тахтга ўтирсам ҳаммага тенг подшо бўламан, бирини биридан фарқ этмайман» деб парвардигорга шарт ва ваъда қилган экан»,² — деб ёзади Муҳаммад Азиз Марғилоний. Худоёрхоннинг айшу-ишратга муккасидан кетиб, халқ, Ватан манфаатини чет эл босқинчиси оёғи остига ташлаганини эса шундай тасвирлайди: «Ўрусия билан урушмайман. Божи хироҷ бериб туришни хоҳлайман. Пулни кўпайтирсам бўлар экан. Бошқа томондан келадиган ёв йўқ. Бохузур айшу ишрат қилиб ётаман», деб муқаррар қилибди³.

Таниқли муаррих Аҳмад Закий Валидий ўзининг «Худоёрхоннинг сўнги кунлари» асарида хонни «мислсиз очкўз, дунёпараст, ўта зулмкор, шафқатсиз, маънавий қашшоқ» шахс сифатида таърифлайди. «Худоёрхон, — деб ёзади у, — кўп бадавлат бўлиб, хотинларни кўпайтиришга ҳирс қўйган. Кайфу сафони, роҳатни ва тинчликни яхши кўрган. Халқнинг фойдасига иш юритмаган... Мамлакатнинг турли томонларида бир нечта боғларида гуллар орасида кайфу сафо қилиб ётган: бедана, каклик ва хўроз уриштириш билан шуғулланган. Масхарабозлар ва ҳофизлар ҳамда маъносиз ўйинлар билан умр ўтказган.

Молу дунёга ҳаддан зиёда ҳирс қўйган ва хазинасини бойитиш учун кўп солиқлар солган. Худоёрхоннинг мана шундай ишлари ва разил ахлоқи халқ, беқлар, сипоҳийлар, бойлар ва уламоларнинг норозилигини келтириб чиқарган»⁴.

Худоёрхоннинг мажбурий йўллар билан солиқ тўплаб, катта бойлик орттиргани, ҳатто, ўлкани истило қилган рус мустамлакачиларининг асарларида ҳам ўз аксини топган: «Солиққа тортиладиган молларнинг турлари жуда кўп бўлиб, улар имкони борица барча нарсалардан олиниб, халқ том маънода шилинган. Ҳатто камбағаллар келтириб сотадиган қамиш шохшибба, янтоқ ва шунга ўхшаш нарсалардан ҳам солиқ ундирилган. Кейинги вақтларда тоғлардан ариқлар орқали оқиб ке-

¹ *Ибрат*. Фарғона тарихи. Т.: «Мерос», 1991, 310-бет.

² *Марғилоний Муҳаммад Азиз*. Тарихи Азизий (Фарғона чор мустамлакаси даврида). Нашрга тайёрловчилар: Шодмон Воҳидов, Дилором Сангирова. Т., «Маънавият», 1999, 104-бет.

³ Уша жойда.

⁴ *Зиёев Ҳамид*. Кўрсатилган асар, 133-бет. Худоёрхоннинг ижобий томонлари ва бунёдкорлик ишлари ҳам бўлганини ўзбек олимлари Р. Набиев (Из истории Кокандского ханства. Т., 1972) ва Ш. Юсупов (Хуфия қатламлар. Т., 1999) кўрсатишганини эслатиб ўтамиз. — *Муаллифлар*.

ладиган сувга ҳам солиқ солинган. Фақат нафас олинаётган ҳаводан солиқ олинмаган, холос. Бу ҳол хонга қарши норозиликнинг асосий омилларидан бири бўлган эди»¹. Оқибатда мамлакатда ғалаёнлар бошланди. Ғалаёнлар қай тариқа бошлангани хусусида муаррихлардан мулло Мирзо Олим Тошкандий асарида маълумот бор. «Абдурахмон Офтобачини қўшуб, кўп аскар бирла буюрди. Булар бориб урушуб қирғизларни қочурдилар. Қирғизлар паришон бўлуб кетдилар. Бир неча бийлар, чунончи, Умарбек, Абдурахмон шайтон, Қорақушбий ва Сулаймон ўғри ва бир неча қирғиз бийлар бирла қўлга тушти, кўп обрў бирла келиб хонни кўруб, мулоқот қилиб, дуо айладилар. Филжумла, хотиржам бўддилар. Эрса Мусулмонқул деган қирғиз қипчоқ урушдан қочуб, бир неча қирғизлар маслаҳат айлаб хонзода топмоқ учун Бухоро тарафига бориб, Пўлатхон валади Муродхонни олдига бориб васваса қилиб экан. Урганжга, Мухаммад Алихон ўғли Музаффархоннинг олдига бориб, неча кун туруб васваса қилдиким, хон қилиб, ота тахтига ўлтурмоққа фотиҳа ўқубмиз, сизга буюрдилар, ҳамма халойиқ сизга мунтазир турубдирлар, дебди. Музаффархон айтдиким: «Сизга қирғиз халқини эътиборларинг йўқ турур. Қаландархон акамни ҳам олиб бориб, Мурғзор қишлоқда ўлдуруб қўйдинлар. Алҳамдулulloҳ ёвҳат баҳузур» деб қабул қилмади. Мусулмонқул ноилож қайтиб, Тошкентга келди, эрса Мухсинбойнинг ўғли мулло Абдулмўминнинг ҳовлисига кўнуб эрди. Анда бир мулла Исҳоқ деган қирғиз бала Мазан деган мавзёда носфурушлик қилур экан. Азбаройи нос олмоққа келган экан. Абдулмўмин мазкур айтдиким; «Эй аҳмоқ қирғиз, шул қирғиз балани Пўладхон деб олиб борғил. Иш саранжом топганда, бир хон топилур», деди эрса маъқул бўлуб, ўшал қирғиз балани олиб Облиқ устидин ошиб Чуст устига келиб, кўшунга кўшулди. Қирғизлар хурсанд бўлуб, шодиёна қўйдилар, оқ кигизга солиб хон кўтардилар»².

Тарихчининг сўзларига қараганда, мулло Исҳоқ мулло Ҳасан ўғлини Кўқон хони Олимхоннинг набираси деб Чустда хон кўтарди.

Мулло Исҳоқ Марғилон шаҳрига яқин Уҳна деган қишлоқда истиқомат қилувчи Бўстон қабиласига мансуб оилада туғилган ва отаси Марғилондаги Оқмадрасада мударрислик қилган. Мулло Исҳоқ дастлабки маълумотни Тунқотар мадрасасида, сўнгра отаси ҳузурда олган. 1867 йили ўқишни ташлаб Фарғонадаги Сўхга келади ва бу ердаги кўчманчи қирғизлар орасида икки йил яшаб, сўнг Уҳнадаги масжидда, кейин эса Андижондаги масжидларнинг бирида имомлик қилади. Айни пайтда савдогарлик билан ҳам шуғулланади.

¹ Уша асар, 334-бет.

² *Мирзо Олим Муширф. Кўқон хонлиги тарихи (Ансоб ус-салотин ва таворих ул-ҳавоқин). Т.: 1995, 80—81-бетлар.*

Мулло Исҳоқ хонликнинг нуфузли кишиларидан бири, курамалик Абдулмўмин додхоҳ билан дўстлашиб, иккалари Тошкентга келадилар. Хонликнинг сиёсий курашларида фаол қатнашган ва кўпни кўрган Абдулмўмин кўп воқеаларни унга гапириб бериб, мулло Исҳоқнинг сиёсий онги ўсишида муҳим аҳамият тутган. Сохта Пўлатхон бўлиш таклифини у шу ерда қабул қилади.

Чин Пўлатхоннинг тақдири эса бундай бўлган эди: 1810 йили Қўқон хони Олимхон ўлдирилгандан кейин унинг хотини Оталиқхон исмли ўғли билан Қоратегинга қочади. Қоратегин ҳокими Шо ўз қизини Оталиқхонга никоҳлаб беради ва уларни Бухоро амирага хизмат қилиш учун Самарқандга жўнатади.

Бир қанча вақтдан кейин Оталиқхон ота тахтини қўлга киритиш мақсадида Қўқонга жўнайди. Аммо у йўлда ўлдирилади. Унинг хотини, ўғли Пўлатбек ва қизи (Пўлатбекнинг опаси) қийин аҳволга тушиб қоладилар. Оналари вафот этгандан кейин Бухоро амирининг маслаҳати билан Пўлатбекнинг опаси Хожа Аҳрор масжиди мутаваллисининг ўғлига турмушга чиқади. Пўлатбек шу масжидда истиқомат қилади.

Генерал Абрамовнинг сўзига қараганда, Пўлатбекнинг кўзи ғилай бўлиб, ўзи 35 ёшлардаги кишига ўхшар эди. Ташқи кўринишдан унинг ғарибона ҳаёт кечирishi сезилиб турар, аммо фикри жуда ҳам теран бўлган¹.

Худоёрхоннинг Самарқандда истиқомат қилиб турган жияни Носирхон 1876 йил январь ойининг бошларида тасодифан Пўлатбекни кўриб, таниб қолади ва Зарафшон бўлимининг бошлиғи генерал А. Абрамовга бу ҳақда хабар беради. Шундан кейингина русларга Қўқондаги Пўлатхоннинг сохта эканлиги аён бўлади. Аммо рус кўмондонлиги ҳам буни сир тутлади. Чунки улар шунча вақт алданиб юрганликларининг ошқора бўлишини истамас эдилар².

Собиқ ҳукмдор Олимхоннинг невараси сифатида сиёсий курашга отланган мулло Исҳоқ Пўлатбек, халқнинг Худоёрхон зулми ва Россияга қаршилигини яхши англаб Наманган туманининг шимолий қисмидаги, яъни Косон ва Нанай оралиғидаги Қутлуғ Сайид қабиласининг ёрдами билан атрофига 500 кишини тўплашга муваффақ бўлади. Шу тариқа Пўлатбек бошчилигидаги қўзғолон бошланиб кетади. Бу вақтгача ҳам Мамур Мерган ўғли бошчилигида Андижон туманида ва Маъмур Шумурзоқ ўғли раҳбарлигида Чотқолда қўзғолон кўтарилган эди. Аммо улар хон аскарлари томонидан бостирилди. Пўлатбек бошчилигидаги халқ ҳаракати ўша қўзғолонларнинг бевосита давоми бўлди.

Пўлатхон ўз атрофига қирғиз-қипчоқлардан аскар тўплайди.

¹ Бобобеков Ҳ. Пўлатхон қўзғолони. Т., 1996, 9-бет.

² Ўша асар, 9-бет.

Худоёрхоннинг бообрў амалдорларидан Исо Авлиё, Абдурахмон Офтобачи кабилар, ҳатто хоннинг иниси, Марғилон ҳокими Султон Муродбек, ўғиллари Насриддинбек (Андижон ҳокими), Муҳаммад Аминбек, шунингдек мусулмон руҳонийлари ҳам ўша сохта Пўлатхон томонига ўтиб кетадилар. Худоёрхон сохта Пўлатхонга қарши қўшин юборишга мажбур бўлади. Ҳар икки тараф қўшинлари ўртасида жанг бўлади. Унда қирғиз-қипчоқлар мағлуб бўладилар ва Пўлатхон билан қочадилар¹. Орадан маълум вақт ўтгач, қирғизлар Косонга келиб, қипчоқлар билан учрашиб, биргаликда кураш олиб боришга келишадилар.

Муаррихнинг ёзишича, «Худоёрхон воқиф бўлуб, Абдурахмон Офтобачини ва мулла Исо Авлиёни бош қилиб, тамоман калоншавандаларни фармонлади, эрса, жамоат бўлиб, дарёдан ўтиб, Наманганга доҳил бўлдилар. Наманган Ўрмонбекга номзод бўлуб эрди. Мулла Турдиқули ботурбоши, Умарали хожамирзабоши эрди. Бир-икки кун туруб, қўшунни орқасини еткуруиб, жамоат бўлуб отланиб, лашкар тортиб, фавж-фавж, тўптўп, байдоқ-байдоқ, алам-алам бўлуб Косон устига бостилар. Шукӯх бирла бориб муқобил бўлуб саф торттилар эрса, қипчоқ халқи урушқа анча рағбатлари йўқ эрди, чароким кечаси хат ва одам келиб, қипчоқ катталариға сўзлашиб экан. Назирқул ботурбоши Шаҳрихон аскарлари бирла «Оллоху Акбар», деб от қўйди. Унг тарафдин Кийикбой ботурбоши қипчоқ, Маҳрам тўпи от қўйди. Маҳрамлар отиб, чошиб, ўлдуруб, заҳмдор қилиб, ёвни қочирдилар. Беҳад ва беадад банди тушти»².

Бу жанглардан кейин Пўлатхон бир гуруҳ кишилари билан Чотқол тоғларига қочади. Кўп ўтмай у Лайлак қишлоғида пайдо бўлади ва куч тўплайди. 1875 йили Пўлатхон Ўзгандаги қўзғолонга бошчилик қилади. Хонликка катта хавф солган бу қўзғолонни даф этиш учун Худоёрхон Исо Авлиё, Абдурахмон Офтобачи ва Саримсоқ эшик оғаси бошчилигида 4 минг кишилик аскар юборади. Аммо бу қўшин 1875 йил 17 июлда қўзғолончилар томонига ўтиб кетади. Яна бунинг устига Андижон ҳокими Насриддинбек ҳам 18 июлда беш минг кишилик қўшини билан Пўлатхон бошлиқ қўзғолончилар сафига қўшилади. Бундан олдин Худоёрхоннинг укаси Султон Муродбек ҳам шундай иш тутган эди. Хонликнинг асосий ҳарбий қисмлари ва лашкарбошиларнинг қўзғолончилар тарафига ўтиб кетиши Худоёрхоннинг кейинги тақдирини ҳал этган муҳим сабаблардан бири бўлган эди.

Бу орада Ўш, Наманган, Андижон, Асака шаҳарлари қўзғолончилар томонидан ишғол этилади. Улар Марғилонни ҳам эгаллаб, Олтиариққа яқинлашадилар. Қўзғолоннинг бу тарзда

¹ Ўша асар, 10-бет.

² *Мирзо Олим Муширф*. Кўрсатилган асар, 80—81-бетлар.

ривожланиши унинг моҳиятан русларга қарши қаратилганлигини кўрсатиб турарди. Шу боис, Россия ҳукумати саросимага тушиб, полковник М.Д.Скобелевни кўзғолонни бостириш учун Туркистон ўлкасига юборди. Худоёрхон эса ўз салтанатини сақлаб қолиш учун фон Кауфманга ёрдам сўраб мурожаат қилади.

Шу тариқа Худоёрхон узил-кесил ўзини ҳам, бутун хонликини ҳам Россия ихтиёрига топшириб қўяди.

1875 йил 20 июлда у Туркистон генерал-губернатори фон Кауфманга хат ёзади: «... Бу қийин ва машғум вақтда мен содиқ ва ишончли деб билган одамлар, жумладан, Мулла Исо Авлиё, Абдурахмон Парвоначи ва Ҳақназар Парвоначилар ўз қўшинлари билан менинг душманларим бўлмиш қирғиз кўзғолончилари томонга ўтиб кетдилар ва улар билан бирлашиб, менга қарши уруш олиб бордилар. Мен Сиз саодати олийларидан кўпгина дўстона мойиллик кутдим. Шундай бўлгач, бу гал ҳам сиз мени ҳақиқий амалий ёрдамсиз қолдирмайсиз ва қўллаб-қувватлағайсиз, деб умид қиламан. Ўзимни ва Қўқон хонлигини қудратли император ҳазрати олийлари ҳимоясига топшираман ва Сизга кўзғолончиларнинг нияти амалга ошмасдан Қўқон шаҳрига артиллерияни, рус қўшинларини имкони борича тезлик билан юборишга буйруқ беришингизни дўстона иззат-икром, илтимос билан мурожаат қиламан Сиз менинг илтимосимни бажариш учун лутф айлағайсиз, деб умидворман»¹.

Аmmo Худоёрхон Россиядан мадад кутиб ғоятда катта хатога йўл қўйди. Чунки бу вақтда чор Россияси Ўрта Осиёдаги учала хонликнинг ҳаммасини босиб олиш, ўз худудига қўшиб олиш ҳаракатида эди. Бироқ рус ҳукмдорлари ўзларининг бу ёвуз ниятларини устамонлик билан яшириб сиёсий ўйин қилишди.

Россия Худоёрхон билан сиёсий дипломатик ўйин олиб бориб, унга нисбатан маккорлик қилади. Генерал фон Кауфманга келган мактубларда гўёки чор Россияси Қўқон хонлигига хайрихоҳ ва салтанат Худоёрхон қўлида сақланиб қолишидан манфаатдорлиги қайд этилган. Қалбаки маълумотлар шахсан Худоёрхонга етказиб турилган. 1868 йил 29 январда Тошкентдан Қўқонга келган ўшандай мактублардан бирида шундай дейилган: «Улуғ рус подшоҳи бизга чегарадош давлатларда хонлар билан фуқаролар ўртасида нифоқлар чиқишига ҳеч қачон йўл қўймайди»².

Петербургдан Тошкентга мунтазам равишда юбориб туриладиган махфий йўл-йўриқлар табиати бошқача эди. 1874 йил 31 май куни фон Кауфман Худоёрхонга ёзган мактубида: «Агар ўз фуқароларингизни бошқариш усуллариини ўзгартирмас экансиз, у ҳолда тақдирингиз ёмон туташини олдиндан айтиб қўймоқ-

¹ Бобобеков Ҳ. Қўқон тарихи. Т., «Фан», 1996, 70-бет.

² Юсупов Шариф. Худоёрхон ва Фурқат. Т.: «Шарқ», 1995, 10-бет.

чиман», дея таҳдид қилади. Ўша йилнинг 13 сентябрида император имзоси билан Туркистон генерал-губернаторига йўлланган расмий қўлланмада эса, Қўқон хонлигида ички бошбошдоқлик ва галаёнлар бошланиб кетганидан фойдаланиб: «Хон тахдан батамом қулатилган тақдирда қўли баланд келган гуруҳ билан дуруст муносабатни ўрнатиш» энг долзарб вазифалардан бири эканлиги таъкидланган¹.

Худоёрхон пойтахтни тарк этишни 22 июлга белгилайди, тайёргарлик кўради, хазинаси, кўп сонли оиласи ва бошқаларни йиғиштириш билан машғул бўлади. Бу тайёргарлик ва пойтахтни тарк этишдан аҳоли ва кўзғолончилар беҳабар бўлишлари лозимлигини М. Д. Скобелев ва А. А. Вейнбергга маълум қилади².

20 июль куни Қўқон шаҳрида турган хон қўшинидан 4 минг пиёда аскар Худоёрхоннинг иккинчи ўғли Муҳаммад Аминбек бошчилигида кўзғолончилар билан бирлашиш учун пойтахтни тарк этади. Шу куни Абдураҳмон Офтобачи қўшинининг илғор қисми Қўқон шаҳридан 3 тош наридаги Қоровултепа мавзеига етиб келган эди. 22 июль куни эрталаб пиёдалар, сарбозлар ва артиллериядан иборат хон қўшинлари пойтахтни кўзғолончилардан ҳимоя қилиш баҳонасида шаҳарнинг ташқарисига юборилади.

Хон қўшини шаҳар кўчаларининг ўртасидан ўтаётганида шаҳарликларнинг ўзлари турли қурооллар: сўйиллар, тошларни қўлларида олиб, уларни кузатиб турар эди. Хон ўрдасининг олдидаги майдонда қўшин ва халқ тўпланиб, силжишга ҳам имконият йўқ эди. Рус элчиларининг майдонга чиққанларидан ярим соат ўтгач Худоёрхон, Отабек ноиб, Мирза Ҳаким парвоначи, мулла Маъруф ва бошқалар ҳам келишади. Худоёрхоннинг кўриниши хавотирсиз эди. У чорак соат Ўрда дарвозаси олдида туриб, сўнгги буйруғини бериб, кейин рус элчиларига қўли билан «олдинга қараб юринглар» деган ишора қилади. Лекин Худоёрхон Маҳрам йўлига чиқадиган Катта Ҳозиёглик дарвозаси томонга боришдан қўрқади, чунки омма хоннинг қочаётганини сезиб қолиб, тўсқинлик қилиши мумкин эди. Шунинг учун у Мўймуборак дарвозаси томон йўл олади. Хон исёнчилардан шаҳарни ҳимоя қилиш учун кетмоқда, деб ўйловчилар ҳам бор эди. А.А.Вейнберг, М.Д.Скобелев ва уларнинг ҳамроҳлари Ўрмон остидаги бутазор Говхона олдида тўхташади. Қўқон хонининг қолган қўшини 4000 пиёда, 2000 сарбозлардан ва 68 та турли хил тўплардан иборат эди³. Улар чамаси бир ярим соатча ўша ерда турганларидан кейин Мирза Ҳаким келиб, хоннинг Бешариқ томон йўл олганини айтади. Рус элчилари ҳам хавотирга тушиб, араваларни ҳозирлаша

¹ Юсунов Шариф. Ўша асар, 10—11-бетлар.

² Бобобеков Ҳ. Қўқон тарихи, 71—72-бетлар.

³ Бобобеков Ҳ. Қўқон тарихи, 74-бет.

бошлайдилар. Шу пайт хоннинг 100 қадам нарида турган сарбозлари тўпланишиб, нималарнидир маслаҳатлашади-да, туғ ва байроқларини йиртиб, сўнг отланишиб шаҳар томон кетишади. Замбаракчилар тўпларини ташлаб, уларнинг қилган ишларидан ўрнатқилдилар, пиёда аскарлар эса боғлар томон тарқалиб, қочиб кетишади. Афтидан, уларга Худоёрхоннинг қочиши ҳақидаги нияти маълум бўлиб қолган.

А.А.Вейнберг, М.Д.Скобелев ва бошқалар Худоёрхоннинг олдига боришади. У шу пайтда бир катта дарахтнинг тагида қизил туғ остида исёнчилардан ўзини ҳимоя қилиб, отишма қилиб турган эди. Рус элчилари, Худоёрхон билан биргаликда отишмалар қилиб Хўжанд томон қоча бошлайдилар. Қўзғолончилар уларни таъқиб қилиб борадилар...¹ Тўқнашувлар бўлиб, унда хон аскарларидан 8 киши ўлиб, 9 киши ярадор бўлади, рус элчихонасидагилардан 2 киши ўлиб, биттаси йўқолади. Хон архиви ҳам шу ерда йўқолади. Қўзғолончилар хонга тегишли 30 аравани қўлга туширадилар.

Худоёрхон Хўжандга келиб, бу ерда 10 кун истиқомат қилади. 1875 йил августда уни Туркистон генерал-губернатори Тошкентга чақиртиради. Бу ҳақда «Туркестанские ведомости»нинг 1875 йил 5 августдаги 31-сонида шундай ёзилган: «31 июлда

Мулла Абдулкарим бошлиқ Қўқон элчилари Тошкентга келишди. Улар Худоёрхонга қарши ғазабнок бўлган қипчоқлар гуруҳи томонидан Қўқонда сайланган янги хондан мактуб олиб келишган. Янги хон Худоёрхоннинг катта ўғли Насриддинбек бўлиб, отаси даврида Андижон беқлигини бошқарган. Насриддин 28 июлда хон қилиб сайланган ва ўша заҳотиёқ бу ҳақда генерал-губернаторга мактуб билан маълум қилган... Собиқ Қўқон хонига Хўжанддан Тошкентга кўчиб келиш таклиф этилди»².

Худоёрхон 70 кишилик аҳли аёли, 500 га яқин ҳамроҳлари, 40 арава хазина билан Тошкентга Туркистон генерал-губернатори фон Кауфман ҳузурига паноҳ излаб келади.



Фарғона салтанатининг сўнгги хукмдори Худоёрхон.

¹ Бобобеков Ҳайдарбек. Пўлатхон қўзғолони, 12-бет.

² Юсутов Шариф. Худоёрхон ва Фурқат, 12-бет.

Кауфман 40 аравадаги бойликни мусодара қилиб, Худоёрхоннинг ўзини Оренбургга сургун қилади. Мирза Олим Тошкандий ёзади: «Махфий ва мастур қолмағайким, 1292 сана — бир икки юз тўқсон икки тарихинда фирқаи Русия ҳуруж айлаб Фарғона мамлакатларини тахти тасарруфига олди. Худоёрхон саодатнишини аҳли авлоди бирлан асир айлаб, ўн бир одами бирлан Ўрунбурун вилоятига юбориб, анда сақлади». Кейинчалик хон Оренбург тутқунлигидан қочиб, Маккаи Мукаррамага ҳаж амалларини адо этгани боради.

Шу тарзда Худоёрхоннинг тақдири, зулмга ружу қўйиши, ўйловсизлиги ва она-юрт тақдирига бефарқ қараганлиги туфайли, аянчли якун топади.

Худоёрхон Қўқондан чиқиб кетишдан олдиноқ юқори табақа вакиллари томонидан Насриддинбек Қўқон тахтига хон этиб ўтказилди. Бунда Абдурахмон Офтобачи бошчилигидаги гуруҳнинг хизмати катта бўлди.

«Тарихи Фарғона» китобида шундай ёзилган: «Марғилонда Султон Муродбекни Хўқандга хон қилмоқчи бўлиб аҳду паймон қилиб турганда Насриддинхонни боруб Офтобачига эллик минг тиллага шарт қилиб, Насриддинхонни хон қилмоқ муддаосида бўлуб, зохири ғазот, ботини фасод Насриддинхонни Хўқандга ўрдуга ўтказуб, хон қилиб қўйди». Шу тариқа Абдурахмон Офтобачи бошчилигидаги гуруҳ тахтга Насриддинбекни ўтказишга муваффақ бўлдилар. Мирза Олим Тошкандий ҳам Насриддинбек Абдурахмон Офтобачи ёрдамида хон этиб сайланганини айтади. Янги хон эса Туркистон генерал-губернаторлиги билан гўё яхши алоқаларни ўрнатиш мақсадида фон Кауфман номига мактуб йўллаган. Унда ўзининг тахтга ўтирганлигини маълум қилади ва дўстона алоқада бўлиш истагини изҳор этади. Муҳими, у амалда Россия ҳукуматининг босқинига қарши куч тўплашга киришади. Шу мақсадда Насриддинбек Бухоро амирига ҳам мактуб билан мурожаат қилади. Унда хусусан шундай дейилган: «Отам ўрнига тахтга ўтирган мен сизга маълум қиламанки, ҳозирда дин ҳимояси учун курашга отланган шаҳар ва дашт аҳолиси катта куч-ғайрат билан бош кўтарди. Она-Ватанга муҳаббат ва содиқлик ҳамда дин учун кураш шунча кўп одамларни бир жойга жамладики, сон-саноғи Худодан бошқа ҳеч кимга маълум эмас. Мени Андижондан келтириб, кофирларга қарши курашишни зиммамга юкладилар. Биз тахтга эга бўлдик, шаҳар ва дашт аҳолиси бизни хонлик либоси билан зийнатлади. Ҳозирда кофирлар ўтадиган ҳар бир йўлга ҳарбий қисмлар юбордик. Шахсан менинг ўзим ҳам кофирларга қарши курашиш мақсадида беҳисоб қўшин билан йўлга чиқдим.

Олий ҳазрат! Сизни отам ўрнида ва исломнинг йирик ҳукмдорларидан бири сифатида кўриб, ўзимизнинг ишларимиз ва эзгу мақсадларимизни изҳор этмоқдаман!»¹.

¹ Зиёев Ҳамид. Кўрсатилган асар, 339-бет.

Мазкур мактубни Сайидалихожа Абдусаттор Маҳзум ўгли амирга топширади. Ўз навбатида ўша Абдурахмон Офтобачи ва Исо Авлиёлар ҳам Бухоро амирига хатлар йўллаб, ундан Туркистон генерал-губернаторига қарши уруш олиб боришда ёрдам беришни сўрашган эди. Юқоридаги мазмундаги мурожаат ва хатлар Тошкентдаги нуфузли кишиларга, жумладан, Саидазимбойга ҳам жўнатилган эди.

Мактубларда руслар Хўжанд, Тошкент, Ўратепа, Самарқанд ва бошқа жойларни зўравонлик билан босиб олганликлари, дини исломга тажовуз қилинаётгани, шу боис барча мусулмон аҳли уларга қарши урушни муқаддас бурч билиб кўзғолонга тайёр эканлиги маълум қилинган эди.

Собиқ хон Худоёрхоннинг Оқ подшога сажда қила-қила, охири, расво бўлиб, юртни тарк этгани ҳам зикр этилганди. «Шундан кейин, — дейилганди мурожаатда, — барча руҳонийлар ва хизматчиларнинг вакиллари, ҳамма катта-кичик одамлар бир ёқадан бош чиқариб, келишмовчиликларни бартараф этиб, хоннинг катта ўғли Сайид Муҳаммад Насриддинни тахтга ўтқаздилар. Давлатимиздан 3 лак, яъни 300.000 киши чиқади ва бу билан биз катта кучга эгамиз. Биз катта-кичик ҳаммамиз ҳамда ҳар бир киши алоҳида курашишни муқаддас бурч, деб билиб, бир киши қолгунга қадар жанг қиламиз ва Худонинг марҳамати ила ғалабага ишонамиз.

Агарда ҳозир сизлар бу хатни олганингиздан кейин мусулмон динини ҳимояси учун муқаддас урушни хоҳласангизлар, у вақтда бир жойга тўпланиб урушга тайёр туринглар»¹.

Аммо Бухоро амири ҳам, Сайидазимбой ҳам ўша мактубларни Туркистон генерал-губернатори фон Кауфманга икки қўлаб топшириб, ўзларининг Оқ подшо ҳукуматига содиқлигини намоиш этдилар.

Шундай қилиб, озодлик курашчиларининг ташқаридан ёрдам олишига қилган умид ва саъй-ҳаракатлари пучга чиқди.

Насриддинбекнинг 1875 йил 28 июлда Туркистон генерал-губернаторига ёзган хатига К.П.Кауфман томонидан 4 августда бундай жавоб хати юборилди: «Ражаб ойининг 8-куни ёзган хатингизда халқингиз уламою фузало Сизни Кўқон тахтига сайлангани ҳақида хабар берибсиз. Сизга маълумдирки, дадангиз билан узоқ йиллар давомида дўст бўлишимга қарамай, мен ҳеч қачон унинг хатти-ҳаракатини маъқуллаган эмасдим. Ҳозир мен Сизнинг хонлигингизни тан олишим мумкин, аммо Сиз куйидаги шартларимни бажарсангиз, биринчидан, Худоёрхон билан мен 1868 йили имзолаган битимни тан олишингиз; бу барча ҳукуматлар орасида одатдир, шунингдек, охири воқеалар туфайли узилган савдогарларимизнинг кредитларини тўлатқис тиклайсиз; иккинчидан, Худоёрхонга қарши кўтарилган

¹ *Зиёев Ҳамид*. Кўрсатилган асар, 340-бет.

қўзғолонлар томонидан бизнинг элчиларимизнинг тортиб олинган мулкларини қидириб, қайтарасиз. Чунки Говхона мавзеидан кетилаётганда хон бизнинг зобитларимиздан уч чақирим олдинда эди. Шунинг учун исёнчиларнинг тўпларидан отилган ўқлар русларга қарши қаратилган эди. Башарти, бу мулкни қидириб топа олмасангиз, сиз талон-торож этилган буюм ва нарсалар ўрнига пул тўлашингиз лозим, пулнинг миқдорини кейин айтаман, чунки ҳозирги барча йўқолган мулкнинг миқдори аниқланган эмас; учинчидан, бизнинг элчиларимиз ихтиёридаги икки ҳалок бўлган йигитларимиз хуни учун товон тўлашингизни талаб қиламан; тўртинчидан, Сиз отангиз Худоёрхон учун нафақа тўлашингиз лозим, пул миқдорини мен кейин хабар бераман. Мен авваллари ҳам Сизга моил эканлигимни исботлаган эдим ва Сиз бунга шубҳаланишингиз мумкин эмас; шунинг учун ҳам хонликка Сиз сайланганингиздан мен хурсандман, аммо менинг талабларим қатъий ва уларни аниқ бажаришингиз шарт, фақат шундагина, Сиздан расман розилик олганимдан сўнг, олампаноҳ император номидан Сизни хон деб тан олишим мумкин. Шунинг учун Сиздан тез фурсатда жавоб юборишингизни сўрайман»¹.

Кескин талабдан иборат хатга Қўқон хони Насриддинхондан жавоб хатини кутиб ўтирмасдан, генерал-губернатор К.П.Кауфман Россия ҳарбий вазирига 1875 йил 6 августда хабар бериб, ундан агар Қўқон ҳукумати Россия билан дўстлик алоқаларини ўрната олмаса, хонликни босиб олиб империя таркибига қўшиб олишликка рухсат сўрайди.

Хонликдаги борган сари кучайиб бораётган халқ ҳаракатлари ва хоннинг мамлакатни ташлаб қочиши, подшо Россияси учун бу мамлакатни босиб олишда қулай имконият яратди. Бу вазиятни қўлдан бермаслик учун Етгисувда турган Кауфман зудлик билан Тошкентга қайтиб келади ва хонликни босиб олишга киришади.

Миллий-озодлик курашчилари, биринчи навбатда, Қурама туманини истилочилардан озод қилишга уриндилар. 1875 йил 6 августда 2 минг қуролланган ватан ҳимоячилари Тошкент томон юриш бошлайдилар. Улардан 1000 нафари Оҳангарон дарёсидаги Облиқ қишлоғига, 500 таси Бўкага, қолган 500 нафари Қароқчига келади. Бундан ташқари, қуролланган катта-кичик отрядлар Оқча қишлоғини эгаллаб, Паркентга ўтишга ҳаракат қилдилар. Қўшработнинг юқорисиди эса қуролланган навкарлар жангга кириш учун шай бўлиб туришди.

7 август куни кеч соат 5 да Головачёвга кундузи соат 3 да Облиққа 1000 кишилиқ ва 2 тўп билан Қўқондан отряд келганлиги ҳақида хабар беришади. Қишлоқ оқсоқоли Головачёвга қўқонликларнинг сони тахминан 10 мингга яқин деб айтади.

Бобобеков Ҳайдарбек. Пўлатхон қўзғолони, 15-бет.

Генерал эндиликда вазият мураккаб тус олганини пайқаб, зудлик билан бош қўмондон фон Кауфманга операцияга кенг миқёсда ёндошиш зарурлигини уқтирди. Генерал-губернатор фон Кауфман унинг фикрини қувватлаб, Петербурга шошилинч хабар йўллайди. Бу хабарда Туркистон ҳарбий округи қўшинлари қўмондони Россия империяси ҳукумати ҳарбий вазиридан Қўқон хонлигига қарши чинакамига уруш очишга тўғри келаётганини билдириб, бу урушни моддий ва сиёсий жиҳатдан таъминлашни сўради.

Император Александр II вазир ахборотини кўриб, бу урушга розилигини билдиради ва 100 000 рублни ана шу тadbирга ажратади.

Шундай қилиб 1875 йил 9 августда Кауфманнинг буйруғи билан уруш бошланиб кетди. Биринчи ҳарбий тўқнашув Ўрғози дарасида юз беради. Бу ерда турган 800 кўзғолончига қарши полковник Егаштин яхши қуролланган 100 аскар билан ҳужум қилади.

1875 йил 13 августда К.П.Кауфман қўқонликларга қатъий ультиматум руҳидаги мурожаатнома юборди. «Сизларнинг бошлиқларингиздан бири, — дейилади ўша мурожаатномада, — русларга қарши уруш бошлади. Бу урушдан нима чиқишини биласизлар. Аслида, мен сизларни жазолашим керак. Лекин, агарда сиз қўқонликлар қипчоқ ва қирғиз халқининг душмани бўлмиш бузгунчи Офтобачини тутиб менга топширсаларинг гуноҳларингдан ўтаман. Фақат шундагина мен сизларга тўла «омонлик» эълон қиламан»¹.

Қўқонликлар Саримович қўмондонлигидаги рус отряди билан 14 август куни 9 соат давомида жанг қилдилар. Бу оғир кечган жангда кўзғолончилар мағлубиятга учрадилар.

Фон Кауфман 1875 йил 13 августда Тошкентдан чиқиб 18 август куни Хўжандга етиб боради. Бундан аввал полковник Ефимович бошчилигида 200 казак артиллерия дивизиони билан Самарқанддан Хўжандга етиб келган эди. Туркистон генерал-губернаторлигига қарашли ҳарбий кучлар Қўқонга ҳужум қилиш учун Хўжандда тўпланади. Хўжандда 16 рота пиёда аскар, шу жумладан, битта сапёр ротаси, 20 тўп, 900 отлиқ аскар ва 8 ракета мосламаси жангга шай бўлиб турарди.

Қўшин шахсан фон Кауфманнинг умумий қўмондонлиги остида 1875 йил 20 август куни Хўжанддан Қўқон йўли бўйлаб юриш бошлади. 40 чақирим йўл босилгач, Маҳрам қалъаси ёнига келишади ва шу ерда 22 августда қаттиқ жанг бўлади. Маҳрам қалъаси шимолдан Сирдарёга, жанубдан айрим жойлари боғлар билан туташиб кетган эди. Қалъанинг жанг олиб бориш мумкин бўлган ғарб томони сув тўлдирилган зовур билан ўралган. Умуман, қалъа мустаҳкам истеҳкомга айлантирилган эди. Бу ерда 15 минг ватан ҳимоячилари жангга шай бўлиб турардилар.

¹ Бобобеков Ҳайдарбек. Пўлатхон кўзғолони, 16—17-бетлар.

Маҳрам қалъаси ва унинг атрофи жангу жадал майдонига айланади. Биринчи бўлиб шахсан Кауфманнинг ўзи қўшини билан Маҳрамнинг орқа томонидан ҳужум бошлайди. Ватан ҳимоячилари эса бунга жавобан душманни ҳам орқадан, ҳам чап томондан қуршаб олади. Руслар тўплардан тинимсиз ўқ ёғдириб турдилар. Бу ҳол кўзғолончиларга душманга яқинлашишга имкон бермади. Шундай бир ҳолатда босқинчилар астойдил ҳужумга ўтдилар. Ўз навбатида ватан ҳимоячилари ҳам душманга қарши 10 та тўпдан ўқ узиб турдилар. Душманда эса 12 та тўп бор эди. Ҳар икки томондан жанг бораётган бир пайтда Кауфман генерал Головачёвга артиллерия ёрдамида ҳужумга ўтиш ҳақида буйруқ берди. Қирғин-барот бағоят авжига чиқади. Генерал Головачёв бошчилигидаги қўшинлар Маҳрам дарвозасини бузиб, ичкарига бостириб киришга муваффақ бўлдилар. Душман 16 тўп, кўп яроғ-аслаҳа, ўқ-дори ва озиқ-овқатни ўлжа қилиб қўлга тушуради. Ватан ҳимоячилари дарё тарафга чекинишга мажбур бўлдилар. Шундан сўнг полковник Скобелев 500 нафар аскарлари билан Маҳрам боғларида пис-тирмада турган кўзғолончиларга ҳужум бошлайди.

Ҳар бир қўқонлик истилочиларга зарба бериш учун жиҳод, озодлик байроғи остида мустаҳкам жипслашиб чинакам қаҳрамонлик, ватанпарварлик намуналарини кўрсатдилар. Улар жонларини аямай душман билан олишдилар. Лекин, муаррих Мирзо Олим Тошкандийнинг сўзларига қараганда, бу урушда ҳар икки томондан ҳам кўп одам нобуд бўлган. У бундай ҳикоя қилади: «Абдурахмон Офтобачи Маҳрамга бориб тушти. Эраса якбора ўрус Хўжанддин чиқиб Маҳрам устига келиб, толиби жанг бўлуб туруб эрди, эраса Хўқанд кулли ботурлари тахти дил бирла урушга бел боғлаб омода бўлдилар. Чунон тўп ва милтиқ оттиларки, жанг, гўё қиёмати сугро бўлди, ота ўғулдин беҳабар бўлди. Кофирлардин кўб нобуд бўлди, мусулмонлардин ҳам кўб шаҳид бўлди. Шул вақтда Офтобачи мажнун урушмай, жамоаси бирла тоғ устига чиқиб кетти, эраса қирғизлар баҳона тобмай, ноилож туруб эрдилар, ҳол-аҳволлари бузулуб кетти.

Якбора Ўруссия лашкари бостурди, кўб мусулмонлар шаҳид бўлдилар. Мусулмонлар мутафарриқа бўлуб кеттилар. Ўшал куни Офтобачи Мўйи Муборакка келиб тушуб, қипчоқ халқи Офтобачини ўртага олиб, кўб сарзаниш ва таъна қилдилар»¹.

Мирзо Олим Мушриф бу воқеани шундай талқин этган: «Бир кун хон бирла аркони давлат отланиб Ўрдага келиб, хазиналарни кўриб, маслаҳат қилиб Тошкентга мактуби беназокат бирла элчи юбордилар. Ва яна бир неча кундан сўнг пушаймон бўлуб, Офтобачи бир неча саркардани Хўжанд устига буюрди ва неча саркардани гаровчи устига буюрди. Ўзи жами аскар

Мирза Олим Тошкандий. Ансоби ус-салотин ва таворих ал-ҳавоқин. ЎЗР ФАШИИ қўлёзмалар жамғармаси, инв. № 3758.

билан Маҳрам бормоқ бўлди. Хон бирла мулла Исо мингбошини ўрдага қўюб, тўп ва тўпхона бирла отланиб фотиҳа олиб равона бўлди. Хоннинг хазиначисини қирғиз, қипчоқларга дондек сочиб, бир неча манзил тай қилиб, Маҳрамга бориб тушти эрса, яқборса ўрис Хўжанддин чиқиб, Маҳрам устига келиб, толиби жанг бўлиб тўп қўйди эрса.

Хўққанд кулла ботурлари тахти дил бирла урушга бел боғлаб, омада бўлдилар. Чунон тўп ва милтиқ оттилар, бўлди гўё қиёмати суғро бўлди. Ота ўғулдин беҳабар бўлди, ҳар ким ўз ҳолига шавқ-завқ бирла тўп ва милтиқ отар эрди. Кофирлардин кўп нобуд бўлди, мусулмонлардин ҳам кўп шаҳид бўлди. Шу вақтда Офтобачи мажнун урушмай жамоаси бирла тоғ устига чиқиб кетти эрса, қирғизлар баҳона топмай ноилож туриб эрдилар, ҳол-жонлариға бузулуб кеттилар, яқбора Русия лошқари бостурди. Кўп мусулмонлар шаҳид бўлди. Мусулмонлар ҳам мунтафарриқа бўлиб кеттилар»¹.

«Маҳрам атрофида, — деб ёзган рус солномачиларидан бири, — душман қанча талафот кўрганини аниқ айтиш қийин. Тўсиқлар орқасида ва Маҳрам қалъаси ичида 100 дан ортиқ мурда топилиб, дафн этилди. Маҳрам орқасидаги майдонда казакларнинг қиличи билан чопилган 1000 дан ортиқ мурдани отряддаги йигитлар йиғиштириб олишиб, кўмишди; генерал фон Кауфманнинг қўриқчи бўлинмаси дарё ёқалаб қочаётганларни қувиб, 100 кишини қиличдан ўтказди. Тоғдан тушиб келиб отрядларимизга ҳужум қилган чавандозлар ҳам кўп қурбон беришди. Улардан қанчаси ўлиб, қанчаси ярадор бўлгани номаълум. Жуда кўп қўқонликлар Сирдарёга чўкиб кетдилар. Очиғини айтганда, шафқатсиз қирғин рўй берди, чегарамизни бузишга журъат этиб, ерларимизга бостириб киришгани ва бизга тобе одамларнинг осойишталигини бузгани учун муносиб интиқом олинди»².

Скобелевнинг маълумотномасига кўра, жанг майдонидан 2000 салла йиғиб олинган.³

«Биз, — деб айтилади яна бир ахборотда, — 39 замбарак (дарёга тушиб кетган тўп бу ҳисобга кирмайди), 1500 милтиқ, беҳисоб найза, қилич, чўқмор, 50 дан ортиқ туғ, байроқ, нишонларни ўлжа қилиб олдик. Қалъада ўқ-дори, снарядлар ва кўрғошин ҳамда 1910 пуд ун, 834 пуд гуруч, 320 пуд жўхори сақланаётган катта омборхоналар топилди, 224 та от қўлга олинди.

Жангдан кейин Кауфман Тошкент орқали император номи-

Мирзо Олим Мушриф. Ансоби ус-салотин ва товарих ул-ҳавоқин (Қўқон хонлиги тарихи). Нашрга тайёрловчилар: Ахбар Матғозиев, Муҳаббат Усмонова. Т., 1995, 9-бет.

² *Серебренников А.* К истории Кокандского похода. Военный сборник. 1876, №2, 194—195-бетлар.

³ *М.Д.Скобелев.* СПб, 1894, 17-бет.

га қўлга тушган ўлжалар ва қурбонлар сони маълум қилинган қуйидаги телеграммани юборди: «...душман тўла мағлуб этилди; унинг хонлик аҳолисига таъсири ниҳоятда катта бўлди. Аммо Маҳрам жангининг оқибатлари ҳақида олдиндан бир нима дейиш қийин. Хўжандан қутилаётган қўшимча улов келиши билан Кўқон сари ҳаракатни давом эттираман. Сизга тобе улуг император қўшинлари ўз шуҳратига муносиб мардона жанг қилди. Вазифа аъло даражада бажарилди»¹.

23 августда Россия императорига юборган телеграммасида фон Кауфман Маҳрам жангини батафсилроқ ёритади: «Хўжандан икки кунлик масофа босиб ўтилгандан сўнг бизнинг қўшинларимиз 7 мингга яқин душман кавалериясига дуч келди. Уларда фальконетлар ҳам бор эди. Сиз император олий ҳазратларининг флигель-адъютантингиз полковник Скобелев қўмондонлигида саккизта юзлик отряд, тўртта отлик тўплар ва ракета батареяси билан душманга қарши жанг қилди. Биз томондан талафот бўлмади. Йигирма иккинчи август куни эса Худонинг ёрдамида бизнинг қуролларимиз, менинг шахсий бошчилигимда қўшинлар 30 мингга яқин қўқонликлар тўдаси устидан тўлиқ ғалаба қозонди. Душман Маҳрам қалъасига туташган ҳимояга мослашган жойни эгаллаган эди. Бу жой атрофи чуқурлик бўлиб сув билан тўлдирилган ва артиллерия билан қуролланган эди. Бу жойга генерал-лейтенант Головачёв бир қисм пиеда ва артиллерия билан ҳужум қилиб, жанг билан эгаллади. Кавалерия бошлиғи Сиз Олий ҳазратларининг флигель-адъютантингиз полковник Скобелев қўқонликлар мағлубиятини ниҳоясига етказди, уларни отликларимиз ўн беш чақирим масофагача қувиб Сирдарёга сиқиб қўйди, уларнинг кўпчилиги чопиб ташланди ва дарёда чўктирилди. Сиз Олий ҳазратларининг мулозим генерал-майори Троцкийнинг кечаги ва бугунги шонли юришлари жанг давомида менга ёрдам берди. Сиз император Олий ҳазратларининг қўшинлари ўзларини муносиб қаҳрамонларча тутдилар. Иш тоза бажарилди»².

«Маҳрам қалъасини олиш чоғида генерал Кауфман ўзини жуда хотиржам тутган. Рус қароргоҳи яқинига ўқлар учиб келиб, тўп ўқлари ёрилиб, бир аскар ва бир йигит ярадор бўлган. Шундан кейингина Кауфман генерал Головачёвга қалъани тўпга тутишни буюрган. Икки замбарак қулай маррани эгаллаб, яқин масофада қалъани яксон қилишга киришди. Ўн минутдан кейин қалъа вайрон бўлди ва рус аскарлари ҳужумга ўтди. Туземецларнинг жуда кўпи ўлдирилди, қўрқувдан ўзини дарёга ташлаб фарқ бўлганларнинг сон-саноғи йўқ эди. Ҳужум тамом бўлиб, ҳаммаёқ тинчигандан кейин ниҳоятда димоғи чоғ

¹ Терентьев М.А. История завоевания Средней Азии. СПб, 1906, 2-жилд, 358-бет.

² Бобобеков Ҳайдарбек. Пўлатхон қўзғолони, 19-бет.

Кауфман Раимхўжанинг олдига келиб: «Рус аскарлари қандай урушар экан?» — деб сўради. «Яхши урушдилар, саодати олий», дея жавоб қилди Раимхўжа. Генерал Кауфман бунга жавобан: «Худо хоҳласа, бутун Фарғонани мана шундай жанговар ҳаракатлар билан бўйсундирамиз ва кўшиб оламиз»¹.

Маҳрам қалъасида 60 минг атрофида сарбоз бор эди. Қалъа девори пишиқ, мустаҳкам эканлигига қарамай, у бор-йўғи чорак соатда таслим бўлади. Қочганларни аёвсиз таъқиб қилиб қириб боришган¹.

К. П. Кауфман Россия ҳарбий вазири Д. А. Милютинга Маҳрам остонасидаги қирғин Қўқон хонлиги тақдирини ҳал қилди, деб хабар берган.

Маҳрамдаги мағлубият Қўқон хони Насриддинбек ва унинг атрофидагиларни саросимага солди. Хон Кауфманга Фозил Аҳмад Маҳдуми Аъзам ва мулла Муҳаммад Исо Авлиёни элчи қилиб юборди. Хоннинг Кауфманга ёзган мактуби губернаторга ялиниб-ёлворишдан, тиз чўкиб узр сўраш руҳида ёзилган эди. Мактуб қанчалик таслимчилик руҳида ёзилган бўлмасин, барибир уни Кауфман инобатга олмади. «Жаноби олийлари! — дейилган эди, масалан, ўша мактубда. — Бизнинг отамиз билан тинч ва дўстона равишда яшаб, ҳар икки томон халқи хотиржам эди. Менинг падари бузрукворим шариятга қарши янги тартиблар қўллаб, халқни ҳар томонлама элди ва уни шу даражада ёндирдики, бурнидан тутун чиқарди. Буларнинг ҳаммаси кўзғолон кўтарилишига ва отамнинг тахтдан маҳрум этилишига олиб келди. Сиз яхши биласизки, мулла Абдулкарим мирохур орқали сизга юборган хатга узоқ вақт жавоб олмадик. Биз йўллар хавфсизлигини таъминлаш мақсадида турли жойларга қўшин юборган эдик. Сизнинг мулла Абдулкарим мирохур орқали юборган хатингиздан хайрихоҳлигингиз ва шартлар инобатга олинган тақдирда хонлигимизни тан олишингизни билдик. Дўстлигингиз ва яхши ниятларингизга ишонган ҳолда шартларингизнинг ҳаммасини қабул қилиб, хат ёзмоқчи бўлиб турганимизда Қорахитойда (Тиловда) икки қўшин ўртасида тўқнашув бўлиб, улардан бирида [қўқонликлар] чекинишга мажбур бўлганлар. Биз дарҳол Муллаҳожи Мирзо Карим орқали сизга ўзимизнинг дўстлигимиз ва исёнлар тўхтатилганлиги ҳақидаги хатни ёзишни буюрган эдик. Аммо кеча Маҳрамда, Худонинг хоҳишига кўра, содир бўлган воқеани эшитдик. Биз исённи бостиришга кўп ҳаракат қилдик, лекин уддалай олмадик. Шунинг учун ҳам мулло Абдулкарим билан юбориладиган хатни жўнатишнинг иложи бўлмади. Сизнинг барча шартларингизга розилигимизни ва қипчоқ исёнчиларнинг қилган ишларига узримни ўз ичига олган хатимни Фозил Аҳмад Маҳдуми

¹ *Остроумов Н. П.* Личные воспоминания. Константин Петрович фон Кауфман — устроитель Туркестанского края (1867—1881). Т., 1899, 211-бет.

Аъзам орқали ясатилган икки от ва икки бўқчадаги совғалар билан юбормоқдамиз»¹. Ўшанда 18 рус асири ҳам элчи орқали Кауфман хузурига жўнатилди. Аммо Насриддинхоннинг бу илтимосларини Кауфман атайин қабул қилмади. Унинг асл мақсади Қўқон хонлигини сақлаб қолиш бўлмай, аксинча, уни тамомила тугатишдек қабиҳ хулосадан иборат эди. Шу боис ҳам Кауфман хоннинг совғаларини олмади ва хоннинг ўзи келиб бўйсунуши лозимлигини элчига маълум қилди. Чунки бу вақтда рус ҳукумати назарида номигагина тахтда ўтирган Насриддинхон билан юқори даражада алоқа ўрнатишнинг ҳожати қолмаган эди. Айниқса, Маҳрамдаги ғалабадан кейин Кауфманнинг хонликнинг тамомила тор-мор этилишига кўзи етиб қолганди. 31 августда Абдураҳмон Офтобачи ҳам Кауфманга хат ёзиб, ундан «омонлик» ва «тинчлик» сўради. Губернатор эса ундан ўзи келиб таслим бўлишини талаб қилди. Аммо бу талабга Абдураҳмон Офтобачи рози бўлмади.

1875 йил 26 августда К.П.Кауфман ўз қўшинлари билан Маҳрамдан чиқиб, Қўқон томон юрди. Йўлда уни Насриддинхоннинг элчилари хат ва тортиқлар билан кутиб олдилар.

Қўқоннинг Саримозор дарвозасида туриб К.П.Кауфман императорга телеграф орқали мана бу хабарни йўллади: «Хонлик пойтахти, Сиз император ҳазратларининг оёқ остингизда. Хон шаҳардан чиқиб бизни кутиб олди. У билан бирга мен шаҳардан уч чақирим наридаги ўзимизнинг лагеримизга қайтдим. Маҳрамдан Қўқонгача юришимиз тантанали намойишга ўхшайди. Ҳар жойда аҳоли мени нону туз билан кутиб олиб, итоат қилишларини изҳор этдилар. Қўқондан ўттиз беш чақирим бериди мени пойтахт савдогарларининг вакиллари кутиб олдилар. Улар билан бирга хонзода кўшиб юборган бизнинг барча қўлга тушган асирларимиз ҳам бор экан. Хонликнинг қолган қисмида аҳвол тинч эмас.

Агарда Сиз Олий Ҳазратларига хонликни кўшиб олиш маъқул бўлмаса, уч ёки тўрт батальон, саккиз юз кишилик аскар ва икки батарея билан Сирдарё ва Нориннинг ўнг қирғоғи томонини эгаллаш билан чекланиб, худудларимизни шулар билан белгиласак»².

Фон Кауфман императорга йўллаган телеграммаларидан яна бирида бутун Наманган беклигини, Сирдарёнинг ўнг қирғоғи билан Россияга кўшишга рухсат сўралганида, император агар бу талбир келажакда чегара хавфсизлигини таъминлашга хизмат қилса, уни амалга ошириш зарур деб жавоб берган эди.

Фон Кауфман Қўқон шаҳри бўйлаб кўшинни дағдаға билан олиб ўтади. Қўқон атрофидаги ҳарбий лагерга боришида унга

¹ *Зиёев Ҳамид*. Кўрсатилган асар, 344—345-бетлар.
Бобобеков Ҳайдарбек. Пулатхон кўзғолони, 20-бет.

Насриддинхоннинг ўзи ҳамроҳ бўлади. Кауфман вазият тақозосига кўра, Насриддинхон билан вақтинчалик муросага бориб, Маҳрам қалъасини унга қайтариб ҳам беради. Кауфман, Марғилон, Андижон, Ўш ва Наманганга хат йўллаб, нуфузли кишиларнинг Кўқонга келишларини сўрайди. Унга жавобан жойлардан Россияга бўйсунуш борасида маҳаллий киборларнинг муҳрлари босилган розилик хатлари олинади. Бироқ бу кишилардан биронтаси ҳам Кўқонга, губернатор ҳузурига келмай, амалда бу таклифни рад этадилар. Зеро, миллатнинг боборў кайвонилари босқинчиларга нафрат билан қарардилар.

Губернатор 1875 йил 5 сентябрда Марғилон сари йўл олади. Бу вақтда Марғилон ҳимоячилари орасида Абдурахмон Офтобачи ҳам бор эди. У, душманга қарши туришнинг фойдаси йўқлигини англайди ва Марғилонни ташлаб чиқиб кетади. Кауфман 8 сентябрда Марғилонга етиб келади. Юқори табақа вакиллари ватан ҳимоячиларидан қолган 9 тўпни «ўзларининг итоат этганликлари» белгиси сифатида Кауфманга топширадилар. Кауфман полковник Скобелев бошчилигидаги 600 казак, 1 ракета батареяси, 2 тўп ва 2 рота пиёда аскардан иборат қўшинни Абдурахмон Офтобачининг орқасидан жўнатади.

Рус қўшини Абдурахмон Офтобачи бошлиқ ватан ҳимоячиларининг изидан бориб, Мингтепага яқинлашадилар. Бу вақтда улар тарқалиб тоғларга қочишга улгурган эдилар. Рус аскарлари ватан ҳимоячиларининг кетишга улгурмаган охириги қисмлари билан тўқнашадилар.

Кўзғолончилар хавфи бироз тугаши билан Кауфман Насриддинхон билан сулҳ тузишга киришади ва сулҳ лойиҳасини унга тақдим этади. Сулҳ лойиҳасига кўра, Сирдарёнинг ўнг қирғоғидаги ерлар Россия империяси таркибига кириши ҳамда Насриддинхон ҳарбий харажатларни қоплаш учун рус ҳукуматига 600 минг танга товон тўлаши лозимлиги кўрсатилган эди. 1875 йил 23 сентябрда Насриддинхон Кауфманга навбатдаги мактубини топширади. Унда, жумладан, бундай дейилган эди: «Ярим подшо! Сизга қуйидаги сўровларни маълум қиламан: воқеалар (кўзғолонлар) бошланган вақтларда мен Офтобачининг қистови туфайли ихтиёримсиз хон бўлганман. Офтобачи қўл остида ёмон одамларнинг кўплиги туфайли ҳеч нарса қила олмаганман. Офтобачи ўзбошимчалик билан ҳарбий юриш қилиб, Маҳрамдан қочгандан кейин мен мулла Абдулкарим орқали юборилган (сизнинг) хатингизни олишим биланоқ, мамнуният билан розилигим ва содиқлигим ҳақидаги хатимни совғалар билан, эшон Фозил Аҳмад Маҳдуми Аъзам ва Исо Авлиё орқали юборганман. Сиз бу томонга юрганингизда ва тўхтаган ҳар бир жойингизда имкони борича ўз хизматимни адо этдим. Мен Сиз билан учрашганимдан кейин сизнинг доно сўзларингизни тушундим ва тамомила тинчландим ҳамда сизга

бўлган умидим кундан-кунга ортиб борди. Мен сизнинг ваъдаларингиз ва эътиборингизни барчага тарғибот этганимда халқ қаноат ҳосил қилди».

Ушбу хат Насриддинхоннинг нақадар оғир аҳволга тушиб қолгани оқибатида хонлик тақдирини тамомила Россиянинг ихтиёрига топширишдан бошқа иложи қолмаганлигини яққол кўрсатиб турибди. Хазинани Худоёрхон олиб кетганлиги туфайли, ҳукумат хазинасининг бўм-бўшлиги ва товонни тамом қашшоқлашган халқдан тўплашнинг ҳеч иложи бўлмаганини Насриддинхон эмас, ҳатто Кауфманнинг ўзи ҳам биларди.

Насриддинбек билан Кауфман ўртасида олиб борилган музокаралардан сўнг 1875 йил 22 сентябрда таҳқирли ва шармандали битим имзоланади. Битимга кўра, Қўқон хони ўзини Россия салтанатининг хизматкори деб тан олади, қўшни хонликлар билан ҳеч қандай алоқалар ва муносабатлар ўрнатмасликка ваъда беради. Сирдарёнинг ўнг қирғоғидаги барча ерлар Россия ихтиёрига ўтади. Қўқон хонлигига қарши олиб борилган урушда рус армияси кўрган олти юз минг сўм ҳажмидаги зарарни тўлаш Қўқон хонлиги зиммасига юклатилади. Айни пайтда шартномада 1876 йил 1 ноябрдан бошлаб Қўқон хонлиги Россия хазинасига ҳар йили 500 минг сўмдан тўлаб туриши шарт қилиб қўйилди. Қўзғолоннинг асосий «айбдори» Абдураҳмон Офтобачини қўллаб-қувватлаганликлари учун марғилонликларга 125 минг тилло ҳажмида товон тўлаш мажбурияти белгиланди. Халқнинг оғир аҳволда яшаётганлигини эътиборга олиб, 60 минг тиллони 1875 йил 21 октябргача, қолган 65 мингини эса 1876 йил 21 октябргача тўлашга ижозат берилди.¹

Қўқон хони Худоёрхоннинг қочиши, Насриддинбек билан Кауфман ўртасида тузилган тенгсиз ва ҳақоратли битим халқ оммасининг катта куч билан қайтадан қўзғолон кўтаришига сабаб бўлди. Бу галги қўзғолон маркази Андижон бўлди. Ўша кунлари Пўлатхон ўз тарафдорлари билан Андижонга келди. Бироқ 27 сентябрда шаҳарни тарк этди. Айрим маълумотларга қараганда, у билан бирга Абдураҳмон Офтобачи ҳам бўлган. Шу муносабат билан генерал-майор Троцкий Андижонга жазо отрядини жўнатмоқчи бўлди. У таҳдид билан шаҳар ҳокимига ёзди: «...мабодо дастурхон юборишса қабул қилмайман... [шаҳарни] ёқиб ташлаш учун ҳар қанча гранаталарни улоқтиришни таклиф этаман. Аҳмадбекка, Кун ва Перовларга қарши қўзғолон кўтарган Кўр қора кўз аминни ушлаб менга топширишни Дарвиш Али ваъда қилди. Андижонда уни дорга осиб фойдали бўлади, деб ўйлайман»².

Битимнинг тўла матни ЎзР МДА 715-жамғарма, 1-рўйхат, 63-ишда, Россия Марказий Давлат ҳарбий архиви, 1393-жамғарма, 1-рўйхат, 81-ишда сақланмоқда. Бу ҳужжатнинг ўзбекча матни Ҳ.Бобобековнинг «Пўлатхон қўзғолони» (1996) китобида (23—26-бетлар) тўла келтирилган.

² Бобобеков Ҳайдарбек. Пўлатхон қўзғолони, 28-бет.

1875 йил 26 сентябрда Наманганга келган Кауфманга Андижон шаҳрида ва унга яқин бўлган жойларда Пўлатхон ва Абдурахмон Офтобачи бошчилигида катта қўшин тўпланганлиги ҳақидаги хабар етиб боради: «Андижонликлар шаҳарнинг ўн иккита катта кўчасида турли нарсалардан тўсиқлар ўрнатганлар. Андижон ҳимояси учун шаҳарликлардан ташқари, қишлоқларнинг аҳолиси ҳам келган. Шаҳар ҳимоячиларининг сони 60—70 минг кишидан иборат бўлиб, уларга Абдурахмон Офтобачи бошчилик қилган. Пўлатхон эса 15 минг қирғиз билан русларга орқа тарафдан зарба бериш мақсадида шаҳар чеккасига ўрнашган».

Аслида эса Пўлатхон ўз атрофига нафақат қирғизларни, балки энгилиб қочган Қўқон аскарларини, қипчоқларни ҳам йиққан эди. Унинг атрофида қирғиз ва қипчоқларнинг энг обрўли кишилари тўпланган. Улар Насриддинхондан нафратланиб, Андижоннинг Бўтақора қишлоғида Пўлатхонни хон қилиб кўтардилар.

Шундай қилиб, хонликда ўрнатилган ҳокимият икки шахс — Пўлатхон ва Абдурахмон Офтобачи қўлига ўтди. Бу икки шахс ҳокимияти хонликдаги кучли қабилалар — қипчоқ ва қорақирғизларга таяниб, фаолият кўрсатаётган эди.

Абдурахмон Офтобачининг ёзма тақлифига кўра, Ўш, Шаҳрихон, Булоқбоши, Асака, Аравон, Марғилон ва Қўқондан келган ўзбеклар, қирғизлар ва қипчоқлар Андижонда йиғиладилар ва бу ерда охирги томчи қонлари қолгунча шаҳарни ташлаб кетмасдан курашишлари ҳақида қасамёд қиладилар. Андижондаги кўзғолоннинг етакчиси Абдурахмон Офтобачи эди. Унга барча маҳалла оқсоқоллари ёрдам беришган эди.

Кўзғолон бошчиларидан яна бири Хотамбой понсад бўлди. У таниқли ва ҳурматли киши сифатида кўзғолонда фидойилик ва жасурлик намуналарини кўрсатади.

Қурбонбекхўжа ва Дали понсадлар Абдурахмон Офтобачи маслаҳати билан кўчаларда мудофаа тўсиқлари қуришади.

Тайёрланаётган кўзғолондан хавфсираган Кауфман зудлик билан генерал Троцкий бошчилигидаги 1400 кишилик қўшинни 4 ракета отув мосламалари ва 8 та тўп билан Андижонга юборди. Истилочилар 29 сентябрдаёқ шаҳарга яқин жойга келиб ўрнашдилар. 1875 йил 1 октябрда генерал Троцкий Андижонга ҳужум қилиш ҳақида буйруқ берди. Истилочилар шаҳарга яқинлашганларида Пўлатхоннинг отлиқлари ҳужумга ўтдилар. Бироқ душман қўли баланд келиб, ватан ҳимоячиларининг ҳужуми қайтарилди. Босқинчилар эргалаб соат 8 да шаҳарга кириб келишади. Улар Ўрда майдонида икки йўл билан бордилар. Биринчи колоннага полковник Скобелев, иккинчисига барон Миллер-Закомельскийлар бошчилик қилдилар.

Ватан ҳимоячилари биринчи бўлиб Скобелевнинг колоннаси билан тўқнашади. Мудофаачилар душманни шаҳар девори

ортидан милтиқ отиб, қарши олади. Шаҳарга найзали милтиқ-лари билан казаклар кириб келадилар ва бозор тарафга қараб силжий бошлайдилар. Ҳар икки ўртада кучли жанглар бўлиб, босқинчилар биринчи, иккинчи ва учинчи тўсиқлардан ўтиб шаҳар ичкарасига кирадилар. Полковник барон Аминовнинг казаклар колоннаси ҳам жуда қаттиқ жанглар билан шаҳар кўчаларидан марказга қараб силжиб боради. Қўзғолончилар ҳар бир боғ, уй, масжидни мардонавор жанг қилиб, ҳимоя қиладилар. 2 соат давом этган кучли кўча жангларида сўнг душман шаҳар марказига жойлашган Ўрдани қуршовга олиб, ҳоким саройини босиб олади.

Истилочилар шаҳарни эгаллаганларидан кейин, Троцкийнинг буйруғига кўра, ҳамма қўшинлар битта колонна бўлиб шаҳар бошқармасига чиқади. Колонна бошида Скобелев, охирида Миллер-Закомельский боради. Жанглар шаҳардан чиқишда ҳам давом этди. Шу тариқа чекиниш чоғида босқинчилар орқада нима учраса барчасини ёндириб бордилар. Шаҳар ҳимоячилари уларга қарши тинимсиз ҳужум қилиб турдилар. Ҳар бир тўсиқдан жанг билан ўтилди. Улар шаҳардан чиққанларида Пўлатхоннинг отлиқ отряди билан тўқнашдилар. Кундуз соат 2 ларда рус қўшинларнинг ҳаммаси шаҳардан ташқаридаги белгиланган жойга йиғилдилар. Соат 4 да Троцкий Андижон шаҳрини тўпга тутиш ҳақида буйруқ берди. Икки соат давомида шаҳар узра тўп ва милтиқлардан ўқ отилиб турди. Айрим маълумотларга қараганда, 1—2 октябрь кунлари биргина Андижон шаҳрининг ўзига тўплардан 200 дан зиёд снаряд отилган. Бу ҳужумда рус қўшинлари 2821 кишидан иборат эди. Улардан 1674 пиёда, 814 таси отлиқ ва 333 таси тўпчи эди.

Андижон мудофаачилари руслар шаҳардан чиқиб кетгандан сўнг тўпланиб юзага келган вазиятни муҳокама қиладилар. Йиғилиш аҳли шаҳар чеккасидаги Афғон боғда турган Пўлатхонни шаҳарга таклиф қилиб, у билан бирлашишни таклиф қилмоқчи бўлдилар. Аммо шу маслаҳат асносида мажлис бўлаётган уйга рус тўпларидан отилган ўқ тушиб, мажлис аҳлидан 14 киши ҳалок ва ярадор бўлади. Натижада, кенгаш иштирокчилари Мир Пўстин, Ҳўқанд, Бобо Содиқ каби қишлоқларга қочиб кетадилар, айримлари чекка маҳаллаларга яширинадилар.

Айни шу пайтда Қўқон шаҳрида ҳам қўзғолон тайёрланган эди. Бундан воқиф бўлган К.П.Кауфман Насриддинхонга мактуб йўллаб, қўзғолон бошлиқларидан савдогар Миролим, хазиначи Мирзоолим, мулло Абдулкарим ва Маҳмудхон удайчиларни ҳибсга олишни, мумкин бўлса қатл этиш зарурлигини талаб қилади. Шунга мувофиқ, Миролим ва мулло Абдулкарим шифовул ҳибсга олинади, Маҳмудхон тўра ва унинг акаси Муҳаммад Сайидхон эса Кауфман ҳузурига жўнатилади. Насриддинхон губернаторга йўллаган мактубида уларни «хоҳласангиз

Сибирга сургун қилинг, хоҳласангиз қатл қилинг» деб ёзган эди. Хоннинг бу ёвуз қилмиши нафақат шаҳар, балки бутун хонлик аҳолисини ғазабга келтирди. Абдурахмон Офтобачи ва Пўлатхон, барча шаҳар ва қишлоқларга хатлар юбориб, халқни русларга қарши бирлашишга, Насриддинхонни тахтдан туширишга чақирадилар. Хуллас, 9 октябрда Қўқон шаҳрида кўзғолон бошланиб кетди. Қўзғолончилар Ўрдага ҳужум қиладилар. Хоннинг энг яқин кишилари ҳам кўзғолончилар томонига ўтиб кетадилар. Ҳатто, улар кўзғолончиларга Ўрда дарвозасини очиб бердилар. Буни кўриб турган Насриддинхон орқа дарвозадан чиқиб қочади ва уни кўзғолончилар Сирдарёгача қувиб борадилар. Хон дарё кечуvidан ўтиб, жонини сақлаб қолади.

Кўзғолон шаҳар атрофидаги қишлоқ аҳолисини ҳам ўз гирдобига тортди. Сотқинлик қилиб, русларга ёрдам қилган Мирзо Ҳаким парвоначининг уйи талон-торож қилиниб, ёқиб юборилади. Султон Муродбек асир олинади, Отабек ноиб ўлдирилади¹.

Энди Пўлатхон хонликда ягона ҳоким бўлиб қолади. У хонлик билан Туркистон генерал-губернаторлиги ўртасидаги низоларни имкон борича тинч йўл билан ҳал қилишга ҳаракат қилди. Аммо нияти бузуқ Кауфман буни хоҳламас, хонлик ва губернаторлик халқларининг жанжаллашиб, бир-бирларини талашларини истарди. Чунки бу рус маъмуриятига қулай бўлиб, ҳужум қилиш, босиб олиш, жазо отрядлари юбориш учун баҳона бўларди.

1875 йил 19 октябрда генерал-майор унвонига сазовор бўлган М.Д.Скобелев муғомбирлик қилиб, ўзбек, тожик, қирғиз ва қипчоқлар ўртасида миллий низо чиқаришга уриниб кўрди. Шу мақсадда у Наманганда кичик бир гарнизон қолдириб, барча қўшинлари билан шаҳардан чиқиб Тўрақўрғон томон йўл олди. Шу пайтда шаҳарда кўзғолон кўтарилди. Лекин у 23 октябрда тўсатдан, Балиқчи ва Тўрақўрғонга ҳужум қиладди. Мудофаачиларнинг кўпчилиги ҳалок бўлади.

1875 йил 26 октябрда Скобелев Наманган остоналарига қайтиб келиб, 27 октябрда 26 та тўп билан шаҳарни ўққа тутди. Қўзғолончилар тор-мор этиладилар. Расмий маълумотларга қараганда, улардан 3800 киши ҳалок бўлади. Руслардан эса 6 киши ўлиб, 38 таси ярадор бўлади. Аслида ҳалок бўлган кўзғолончилар бундан ҳам кўп эди. Скобелев 1875 йил 30 ноябрда Сирдарёнинг чап соҳилидаги Тўйтепа қишлоғида турган 1500 кўзғолончига қарши ҳужум қилиб, қишлоқни ёқиб юборади. 2 декабрда эса Ботир тўранинг отлиқ отрядини Нориндан нарига чекинишга мажбур қилиб, Ўлжабой қишлоғида жойлашган кўзғолончиларнинг бир батальон келадиган одамларини қириб ташлайди.

¹ Бобобеков Ҳайдарбек. Қўқон тарихи, 92-бет.

Туркистон генерал-губернатори К.П.Кауфманга 1876 йил 16 январда империя ҳарбий вазири Д.Милютиндан ўта махфий хат келади. Унда мана булар ёзилган эди: «Қимматли саодати олийлари Константин Петрович! Сиз саодати олийнинг бизга йўллаган, Қўқон хонлигига нисбатан бизнинг келажақдаги хатти-ҳаракатимиз баён этилган тақдимнома мазмунини мен давлатпаноҳ императорга етказдим. Олий ҳазратлари Сиз келтирган далилларни, яъни Сирдарё вилояти чегарасида қатъий тадбирлар билан тинчликни ва осойишталик ўрнатиш ва бизнинг кучимизни Ўрта Осиёда мавқеини сақлаб қолиш учун Қўқон хонлигининг қолган қисмини ҳам Сиз ҳазрати олийлари қулай ва лозим топганингизда эгаллай олишингизга рухсат берадилар»¹.

Шу тариқа, император Қўқон хонлигини тўла равишда ўз таркибига қўшиб олишга фатво берди. Кауфман бу кўрсатмани сир сақлади ва хонликни узил-кесил босиб олишнинг осонроқ режаси ҳақида бош қотира бошлади. Айни шу вақтда генерал Скобелев хонликни тугатишга қаратилган «Икки сув ораси операцияси» режасини ишлаб чиқиб, уни амалга ошириш учун Туркистон генерал-губернатори вазифасини вақтинча бажариб турган Колпаковскийдан рухсат олади. Босқинчиларнинг бу режасидан озодлик курашчилари раҳбарлари ҳам хабар топиб, душманга қарши зарба бериш чораларини кўра бошлайдилар.

Мудофаачи кучларнинг асосий қисми Ботир тўра қўмондонлигида Марғилон шаҳрида турарди. Сирдарё соҳилида ҳам қўзғолончиларнинг бир қисми жангга шай бўлиб турарди. Андижон шаҳри эса босқинчиларга қарши курашнинг мустақкам истеҳкомига айланган эди. Қўзғолончилар Андижонда русларни мағлубиятга учратиб, ундан сўнг Наманганга бориб, у ердаги кучлар билан бирлашишлари керак эди.

Пўлатхонга қарши жўнатилган Кауфман отряди Андижон остонасида мағлубиятга учради. 1875 йил 7 октябрда эса қўзғолончилар хон қўшинини тор-мор келтириб, Қўқонни эгаллайдилар. Аммо 11 ноябрда Скобелев қўмондонлигидаги аскарлар қўзғолончиларни Балиқчи яқинида зарбага учратдилар. Бу ҳақда М. А. Терентьев шундай ёзади: «...Балиқчи шаҳрига ёриб кириб душман лагери ва кучаларини эгалладилар. Тонг отгандан кейин артиллерия кечувдан утиб шаҳарга уқ ота бошлади. Шу заҳоти Скобелев 2-ендош батальонга қарашли 2-рота ва элликта казак отлиқ уқчилар билан ҳужумга ўтди, душманнинг чекинишига йўл қўймаслик учун бутун отлиқ аскарларни замбараклар билан шаҳарнинг орқа томонига юборди. Жангга кирган булинмалар учта истеҳкомни мажақлагандан кейин бозорни ишғол қилдилар ва шу ерда тор кучадан келаётган қипчоқ-

¹ ЎЗР МДА, 715-жамғарма, 1-рўйхат, 66-иш, 125-варақ.

ларнинг катта отлиқ оломонига дуч келиб қолдилар. Даҳшатли ур-йиқит ичида мерганларимиз дулдек ёғдирилаётган уқига учган қипчоқлар бор-йўғи 20 қадам нарида тудатуда булиб йиқилар, куча юзи уларнинг улигига тулиб кетган эди. Бу даҳшатли жаҳаннамдан бир амаллаб қутилиб чиққанлар нариги ёнбошда пойлаб турган казакларнинг чангалига тушар эди. Уларни икки чақирим жойгача қувиб бориб, ҳеч қандай раҳм-шафқат қилмай қиличдан утказишди.

Биз томондан бир қуйи амалдаги киши ўлиб, 8 та ярадор, шундан учтаси контузия олган эди. Скобелев душманнинг талафотини 2000 киши деб ҳисоблайди»¹. Скобелев йўл-йўлакай барча қишлоқларга шафқатсизларча ўт қўйиб, ер билан яксон қилиб, олдинга силжиб борди. Айниқса у Андижон шахрининг кулини кўкка совурди. Уни беомон тўпга тутиб, бомбардимон қилдирди. Терентьев бундай деб ёзади: «Скобелев йўлда келар экан, Колпаковскийга вақт-соатини кўрсатмай телеграмма жўнатди. Телеграмма 7 февралда эгасига келиб тегди. Унда Андижонда ҳамма нарса жойида эканлигини, аниқ маълумотларга қараганда, шаҳар тўпга тутилган пайтда харобалар орасида 20000 киши ҳалок бўлганлиги айтилган эди»². «Андижонликлар қаттиқ қаршилик кўрсатдилар: улар ҳар бир тўсиқдан фойдаланар эдилар, томлар устидан туриб ўқ отишар, кўчалар, ҳовлилар, уйлар, масжидлар ичида юзма-юз олишардилар. Уларнинг қаршилик кўрсатишлари олдинда ҳужум қилиб бораётганларни газаблантирар, тобора жунбушга келтирарди. Бозор майдонида Скобелев колоннаси йирик ёғочлардан қилинган тўсиққа дуч келиб қолди. Замбаракларимиз олдинга ўтказилди ва бир неча ўқ узилгандан кейин душман тумтарақай бўлиб қочди. Туркистонликлар бешта истеҳкомдан ташқари, мустаҳкам кўрғончага айланган уйларни ҳам жанг билан қўлга киритдилар. Ниҳоят, ҳар учала колонна ўрдага етиб келди ва саройни исёнчилардан тозалади. Қисқа муддатли ҳордиқдан сўнг манзилгоҳга қайтилди. Дарвоқе, йўл ёқасидаги иморатларнинг ҳаммасига ўт қўйиб борилди. Олд қисмлар **қаерда** кетаётганини ёнғинга қараб билиб олиш мумкин эди. Отишмалар ҳали тинмаган, андижонликларнинг «Ур!», «Ур!» садолари эшитилиб турарди. Андижонни бутунлай вайрон қилиш учун генерал Троицкий Скобелевга олтига замбарак бериб, шаҳарни тўпга тутишга, бозор ва ёнғин бўлаётган томонларни нишонга олишга буйруқ берди»³.

Генерал Скобелев Андижоннинг кулини кўкка совуриш билан кифояланмай, андижонликларни товон тўлашга мажбур этиб, 33 минг сўм ундириб ҳам олади.

¹ Терентьев М. А. Кўрсатилган асар, 451-бет.

² Қаримов Ш., Шамсутдинов Р. Туркистон Русия босқини даврида. Андижон, «Мерос», 1995, 39-бет.

³ Воспоминания М.Д.Скобелева. Ташкент, 1907, стр. 15.

Андижонда содир бўлган қўзғолончилар ҳалокати ва андижонликларнинг мислсиз қаҳрамонликлари фақат Қўқон хонлигини эмас, балки бутун Ўрта Осиёни ларзага солди. Бу тарихий жангда озодлик курашчиларининг моддий ва маънавий кучига жуда катта талафот етказилди.

М.Д.Скобелев Андижонни забт этгани ҳақида Туркистон ҳарбий округининг муваққат қўмондони Колпаковскийга хабар бериб, энди Асака ва Марғилонга ҳарбий юриш қилиш учун рухсат сўрайди. Колпаковскийдан «агарда душман кучи кўп тўпланган бўлса, Асакага юриш билан чекланилсин» деган телеграмма олинади.

Скобелев Асакани қўлга киритиш учун уни ҳар томонлама

ўрғанади. Рус қўшинлари 2 рота пиёда аскар, 240 отлик, 500 казак, ракета батареяси ва 4 тўп билан Асакага ҳужум бошлайди ва унинг марказини тўпга тутадилар. Асака тепалигида турган ҳимоячиларга қарши солдатлар ҳужумга ўтиб, уларни чекинтиришади. 20 январь кuni Абдурахмон Офтобачи рус қўмондонига элчи юборади. 24 январда у ўзининг 12 сафдоши, шу жумладан, Ботир тўра, Исфандиёр, Холиқ парвоначи, Нормухаммад додхоҳ ва 700 йигити билан Скобелевга таслим бўлади. Пўлатхон бундан хабар топиб ҳақиқий Пўлатхоннинг ака-укалари ва келинини ўлдиртиради. Шунингдек, у штабс-капитан Святопол-Мирский, унтер-офицер Ф.Данилов ва 8 рус асирини ўлимга ҳукм қилади.

Абдурахмон Офтобачи таслим бўлгач, Насриддинхон 1876 йилнинг 21 январида Қўқон тахтини қайтадан эгаллаш учун Маҳрамдан йўлга чиқади. Найманча қишлоғига келганида унга Пўлатхон тарафдорларидан Қўқон ҳокими ўрнида турган Абдуллобек ўз аскарлари билан ҳужум қилади. Хон урушда 200 кишини йўқотиб, Маҳрамга чекинади. Аммо 28 январда хон тарафдорлари Абдуллобекни енгиб, Насриддинхонни Қўқонга таклиф этадилар ва 29 январда уни тахтга ўтқизадилар.

Генерал Скобелев Миллер-Закомельскийга 600 казак, ракета батареяси, 2 рота пиёда аскар ва 4 тўп бериб Марғилонга, Пўлатхонга қарши юборади, ўзи эса Наманганга жўнайди.



Жазо қўшини қўмондони
М. Д. Скобелев.

Бу вақтда генерал Троцкий Наманганга яқин жойда Пўлатхон лашкари билан жанг олиб борарди. Аммо қўзғолончилар мағлубиятга учрайдилар. Пўлатхон қочиб кетаётганда отдан йиқилиб, оёғи синади. Шунга қарамай, курашни давом эттириб, Асакага келиб бўлажак жангларга ҳозирлик кўради. Бу вақтда унинг қўл остида 12 минг лашкар тўпланган эди. Бу қўшин бирин-кетин бир неча ғалабага эришади. Ўш, Андижон ва Марғилонни эгаллайди. Бундан саросимага тушган Насриддинбек Марғилоннинг собиқ беги Султон Муродбек бошчилигида Пўлатхонга қарши аскар юборади. Аммо ҳужум қилишдан чўчиган Султон Муродбек Файзобод қишлоғига ўрнашиб олиб қирғиз қўзғолончиларнинг айрим гуруҳлари устидан ғалаба қилади. Шу жангларда асир тушган 30 нафар қирғиз Кўқонда хон томонидан дорга осилади. Шу вақтда Пўлатхон тарафидан Марғилон беги лавозимига тайинланган Валихон 20 минг киши билан Файзободга ҳужум қилиб, Султон Муродни тор-мор келтиради.

1875 йил 16 октябрда Кауфман генерал Скобелев бошчилигида 14 рота, 500 казак, 4 ракета мосламаси, 16 тўпдан иборат қўшинни Наманганга қўйиб, ўзи Хўжандга кетади. Скобелевни эса Наманган бўлимининг бошлиғи этиб тайинлайди.



Қўзғолончиларни жазолаш.

¹ Зиёев Ҳамид. Кўрсатилган асар, 357-бет.

Рус қўшини Пўлатхоннинг изидан бориб, 1876 йилнинг 28 январида Учқўрғонни қуршаб олади. «Девордан биринчи бўлиб, — дейилади бир рус манбасида, — капитан Куропаткин кирди. Ўрдада Пўлатхонни қутқариш учун жонини тикканлар билан қўл жанги бўлди. Бу пайтда 300 солдат ва 4 тўп билан етиб келиб, дарҳол жангга ташланди. Пўлатхоннинг кучлари сочилиб кетди. Бу жангда 5 мис тўп, кўп қурол-аслаҳа ва Пўлатхоннинг мол-мулки, хазинаси ўлжа олинди». Шундан кейин Пўлатхон бир гуруҳ ишончли кишилари билан Чавай деган жойга қочади ва шу ерда рус ҳукумати вакилларига топширилади. Бунда унинг ашаддий душманларидан бири Мирзоқулнинг «хизмати» катта бўлди.

Пўлатхон кўзғолонининг бостирилиши империя пойтахти Петербургда, хусусан, император томонидан мамнуният билан қарши олинди.

1876 йил 1 март куни Марғилон шаҳрида ватан озодлиги ва мустақиллиги учун жон олиб, жон берган халқ қаҳрамони, истиқлол жангчиси ва етакчиси Мулло Исҳоқ (Пўлатхон) дорга осиб ўлдирилди. У билан бирга эрк, озодлик ва мустақиллик учун курашган 33 нафар яқин сафдошлари ҳам ўлдирилди. Руслар бу билан чекланмай, босқинчиликка сарфланган харажатларни аҳолидан ундириб олишгача бориб етдилар. Фақат биргина Марғилон беклигига Кауфман томонидан Пўлатхоннинг ёнини олганликлари учун 500 минг сўм товон солиғи солинди.

Россия империясининг асл ва туб мақсади Қўқон хонлигини — мустақил давлатни қурол кучи билан бартараф қилиб, Россиянинг губернияларидан бирига айлантиришдан иборат эди.

1876 йил 30 январда Насриддинбекнинг Қўқон шаҳрига келиши ва бу ерда унинг расман хон деб эълон қилиниши рус маъмуриятини саросимага солиб қўйди. Генерал Скобелев зудлик билан Қўқон хонлигини тўлиқ босиб олиш, ҳеч бўлмаганда русларга сўзсиз бўйсунадиган ҳокимият ўрнатишни Туркистон генерал-губернаторига таклиф этди. Аини пайтда Санкт-Петербургда турган К.П.Кауфман 2 февраль куни Тошкентга, унинг ваколатини бажариб турувчи генерал-майор Колпаковскийга телеграмма йўллаб, унда тўғридан-тўғри, очиқ-ошкора тарзида: «бутун Қўқон халқининг Россия фуқаролигини қабул қилиш истакларини қондириш учун ва халқни бошқа йўл билан тинчлантириш имконияти бўлмаганлиги сабабли император ҳазратларининг фармонларига биноан шу заҳотиёқ бутун хонликни Олий ҳазратлари тасарруфига олишни шахсан Сизга топшираман...», — дейди.

Колпаковский 4 февралда К.П.Кауфмандан яна телеграмма олади: «Насриддин тахтга ўтиргани билан Қўқонни тинчлантиришга у кафолат бўла олмайди, шунинг учун кечаги кўрсатмани ўзгартиришнинг ҳожати йўқ». Бу кўрсатмага амал қилиб Колпаковский ўша куни генерал Скобелевга шундай буйруқ

йўллади: «Олий фармон билан менга Қўқон хонлигини босиб олиш юклатилди, ундан Фарғона вилояти таъсис этилди, вилоятни бошқариш Сиз саодати олийларига юклатилади...»

Рус қўшинларига Қўқон хонлигини тўла босиб олиш ҳақидаги буйруқ шахсан император Александр II томонидан берилган.

Хуллас, руслар Қўқон хонлигига ялпи ҳужум қилиб, 1876 йил 7 февралда Яккамулла қишлоғига етиб келдилар. Насриддинбек ҳеч қандай қаршилик кўрсата олмай, таслим бўлди. 8 февраль куни руслар Қўқон шаҳрига кириб келди.

19 февралда ҳарбий вазир Д.Милютин Қўқон хонлиги тугатилиб, унинг ўрнида Фарғона вилояти ҳарбий губернаторлиги ташкил қилинганлигини эълон қилди. Халқ қонини мисоли дарё қилиб оқизган, йўлида учраган барча шаҳар ва қишлоқларнинг кулини кўкка совурган, бола демай, аёл демай, қари демай барча тирик жонни қиличдан ўтказган генерал М.Д.Скобелев 1876 йилнинг 19 февралда император Александр II фармони билан янгидан ташкил этилган Фарғона вилоятининг ҳарбий губернатори этиб тайинланди¹.

Руслар учун миллий қаҳрамон саналган генерал Скобелев шу тариқа ўзининг юксак мартабаларига бирма-бир кўтарилди. Бу генерал минглаб фарғоналикларнинг озодлик учун тўқилган қонлари сингган заминда рус қуролининг шавкатини кўтарган шахс сифатида улуғланди.

1876 йил февраль ойидан Россия империяси губерниялари қаторига вилоят сифатида қўшиб олинган Қўқон хонлигининг чинакам ҳукмдори сифатида расман эълон қилинган генерал Скобелев минглаб рус зобитлари учун жасорат рамзига айланди. Фарғона вилоят ҳарбий губернатори М. Д. Скобелевнинг номи янги Марғилон шаҳрига берилди. Бу шаҳар узоқ вақт Скобелев, маҳаллий тилда «Искобил» деб юритилди.

Фарғонани «Фарғона вилояти» номи остида Туркистон генерал-губернаторлиги таркибидаги рус чоризмига қарамлиги 1917 йилги большевик инқилобига қадар давом этди².

Мустамлакачилар хонликни тугатгани билан босқинчиликка қарши кўтарилган халқ ҳаракатларига барҳам бера олмади. Ва-

¹ Бу бобни ёзишда қуйидаги асарлар асос қилиб олинди: *Ибрат. Фарғона тарихи.* Т., «Камалак», 1991. *Бобобеков Х.Н. Народные движения в Кокандском ханстве и их социально-экономические и политические предпосылки (XVIII-XIX вв.).* Т., «Фан», 1990. Шу муаллиф: Пўлатхон қўзғолони. Т., 1996: Қўқон тарихи. Т., «Фан», 1996. *Мирзо Олим Мушриф. Қўқон хонлиги тарихи.* Т., 1995. *Юсупов Ш. Худоёрхон ва Фурқат.* Т., «Шарқ», 1995. *Зиёев Ҳамид.* Туркистонда Россия тажовузи ва ҳукмронлигига қарши кураш. Т., «Шарқ», 1998. *Марғиловий Мўхаммад Азиз.* Тарихи Азийий (Фарғона чор мустамлакаси даврида). Т., «Маънавият», 1999. *Кененсариев Т.* Искак Асан уулу Полотхан. Ош. КТК, 1998. *Уша муаллиф:* Кыргыздер Жана Кокон Хандыгы. Ош, 1997 ва бошқалар.

² *Али Бодомчи.* 1917—1934 йиллар Туркистон миллий истиқлол ҳаракати ва Анвар пошшо. Биринчи жилд. Қўрбошилар. Истанбул. 1975 йил, 203—205-бетлар.

тан озодлиги учун бўлган бу кураш «Олой маликаси» номи билан шуҳрат топган қирғиз аёли Қурбонжон додхоҳ ва унинг ўғиллари томонидан 1876 йил охирларигача давом эттирилди.

Мавзуга доир чизги

Олой маликасига тўн ёпган генерал

«Малика бошини қуйи солганча шамдек қотиб турар эди. Скобелев унинг ёнига келиб қўлини узатди. Малика кутилмаган саломдан довдираб қолди, лекин тезда ўзини қўлга олиб, қирғизчалаб нималарнидир деди. Скобелев эса тилмочга қараб деди:

— Додхоҳга айтинг. Мен уни сиҳат-саломат қурганимдан хурсандман. Мен унинг доно ҳокимлиги ҳақида кўп эшитганман. Қўшни хонлар ҳурмат-эътибори катталигини ҳам биламан. Аминманки, у русларга душманлик бекфойда эканлигини яхши тушунади ва Олойнинг кўчманчи аҳолисини тинчликка ундай олади. Унга яна шуни ҳам айтингки, у она сифатида ўз ўғиллари билан фахрланиши мумкин. У яна шуни билсинки, руслар жасур душманларини ҳурмат қиладилар. Агар у ўз ўғилларини Олойга қайтишга кўндирса, мен уларни ботирлар сифатида мукофотлайман. Энди эса мен додхоҳни дастурхонимга таклиф қиламан.

Генералнинг буйруғи билан унинг олдига ноз-неъматлар тоғдек уюлган катта патнис келтирилди. Зиёфатдан сўнг эса Скобелев ўз қўли билан маликанинг елкасига заррин тўн ёпди».

*(«Туркистон истилоси (ҳарбий тарихдан ҳикоялар)».
Тузувчи К.К.Абаза, Санкт-Петербург. 1902 йил, 245—251-бетлар)*

Тарихда шундай улуғ бобо ва аждодлар борки, улар ўз фаолияти билан миллий қаҳрамонларга айланган. Тўмарис, Широқ, Спитамен, Алпомиш, Манас, Гўрўғли ва бошқалар шулар жумласидандир. Ўзбек, қирғиз, тожик, қозоқ, туркман каби Ўрта Осиё халқлари ўз озодликлари йўлида курашган жасур фарзандларини қўшиқ-ўланларда, дostonу ривоятларда қўйлаб, номларини улуғлаб абадиётга дахлдор қилганлар. «Олой маликаси» номи остида доврўғ қозонган Қурбонжон Мамад қизи ҳам ана шундай қаҳрамон сиймолардан биридир. Ўзбек ва қирғиз халқларининг миллий-озодлик кураши тарихига порлоқ саҳифалар битган бу аёл икки қон-қардош элнинг фарзандидир.

1811 йили Ўш шахрининг кунчиқар тарафида жойлашган Моди қишлоғида чўпон оиласида дунёга келган Қурбонжон гўзал ва оқила аёл бўлган. Ёшлигиданоқ мустақил фикри, метин иродаси ва тadbиркорлиги билан ҳамқишлоқларини ҳайратга солган. Қурбонжон кейинчалик Андижон ҳокими Олимбекнинг назарига тушади ва унинг рафиқаси бўлади. 1833 йили Олимбек уни Қўқон саройига олиб келиб, малика Нодирабегимга таништиради. Қўқон лашкарининг зарбдор кучи бўлмиш Фарғона навкарларининг таниқли саркардаси Олимбек саройда катта обрў-эътиборга эга бўлгани учун унинг рафиқасига ҳам катта иззат-икром кўрсатилади. У Қўқон хони, унинг амалдорлари, сарой ҳаёти билан яқиндан танишади. Машҳур ўзбек шоирлари Нодирабегим, Увайсий ва бошқаларнинг таъсирида унинг дунёқараши шаклланади.



Ўзбек ва қирғиз ватанпарварларининг рус босқинчиларига қарши кураши
йўлбошчиларидан Қурбонжон Мамат қизи (1811—1907).

Бу қирғиз аёли эри Олимбек каби от чопиш, ўқ отиш, қиличбозлик соҳасида йигитларни ҳайратда қолдирар эди. Қурбонжон Андижонни идора этиш ишларида эрига яқин кўмакдош бўлади.

Олимбек рафиқасининг ақл-заковатига тан бериб кўп масалаларда у билан кенгашадиган, кўпинча эса унинг изми билан иш тутадиган бўлиб қолади. Қурбонжон тўрт ўғилнинг онаси бўлади.

Андижон ҳукмдори гўзал, оқила ва жасур хотинига доимо ҳурмат билан қарашни сабабли у вилоятни ўз ҳолича тасарруф этар, хонлар эса унинг ишларига аралашидан ҳайиқишарди. Кўқон хони Маллахон сўнгги вақтларда Андижон бегига ўчакишиб қолади. Буни сезган Олимбек ҳамфикрлари билан тил

бириктириб, 1862 йилда Ўрдага бостириб киради ва ўз қўли билан Маллахонни бўғизлаб ташлайди, тахтга эса Шомуродни ўтказиб, Андижонга қайтади. «Уч кун хон бўлсам бу дунёдан беармон кетардим», деб орзу қилган Шомуродхон мақсадига эришди. Уч кун эмас, балки етти кун подшолик қилди.

1863 йили Олимбек ҳам фанимлар фитнасининг қурбони бўлади. Гўзал тожик канизаги шаробга солган заҳардан Олимбек ҳаётдан кўз юмади.

Тул қолган Қурбонжон эри ўрнида ҳоким бўлиб қолади. Лекин кўп ўтмай фитнаю фасод, фисқу фужур уяси бўлган киборлар дунёсидан кўнгли қолган бу аёл фарзандларини олиб она юртига кетиб қолади ва «Олой маликаси» деб доврўф чиқаради. Еттисувдан, ҳатто Хитой чегарасидан ҳам қирғизлар унинг олдига келиб маслаҳат сўрайдиган бўлиб қоладилар. Бухоро амири Музаффар Қурбонжон ойим ақлига, дилбарлигига қойил қолган эди. Муҳими, Қурбонжондаги саркардадек мардлик ва дадилликни, сиёсатчига хос эҳтиёткорликни у билан ўшда учрашганида тан олган эди. У Олой маликасини ўзига иттифоқчи қилиш пайига тушади.

— Биз сизга додхоҳ ёрлигини тўхфа этурмиз,— дейди амир суҳбат охирида, —иншооллоҳ, сиздек жасур муслима музаффар ислом байроғини дадил кўтаради.

Сарой амалдорлари, шайхулисом, қозикалон ва бошқа уламолар ҳайрат ила ёқа ушлашди. Заифага додхоҳ мартабасини бериш мумкинми? Шариатда борми шунга ўхшаш воқеа? Дини ислом маркази Бухоро ҳукмдорининг ўзи наҳот бу ишга имзо чекса?

— Жаноби олийларининг амри вожиб,—деди Китоб вилояти ҳокими Жўрабек.

— Ҳақ гап,—уни қувватлади Шаҳрисабз беги Бобобек.

Кўқон тахтини эгаллаган Худоёрхон эса бутун Олой водийсига Қурбонжон додхоҳ—ҳоким қилиб тайинлангани ҳақидаги фармонга муҳр босди. Шундай қилиб, 1865 йилда Бухоро амири билан Кўқон хони тарихда биринчи марта аёл кишига саркарда унвонини бердилар.

Кўқон хони зулми ва беҳисоб оғир солиқларидан безор бўлган халқ 1873 йили кўзғолон кўтаради, Қурбонжон додхоҳнинг фарзандлари Абдуллабек, Маҳмудбек, Ҳасан ва Ботир ҳам кўзғолончилар тарафида бўлдилар. Худоёрхон кўзғолончилардан енгилиб, танг аҳволга тушиб генерал Кауфмандан ёрдам сўрайди. Бухоро, Хива хонликларини ўзига бўйсундириб, энди Фарғонага кўз тиккан Кауфман бундан фойдаланиб Кўқонни забт этиш учун М.Д.Скобелевни юборади. Қурбонжон додхоҳ ва унинг тўнғич ўғли Абдуллабек кўзғолончилар тарафида туриб, жасорат кўрсатади. Ўшанда ўзбек, қирғиз йигитлари улар бошчилигида босқинчиларга кўп талафот етказишади. Бу ҳақда фон Кауфман шундай ёзган эди: «Руслар ҳали Ўрта Осиёда ҳеч

қачон бундай узоқ ва қаттиқ қаршиликка дуч келмаган эдилар. Биз биринчи марта матонатли жангчилар билан тўқнашдик ва маҳаллий хонликлар ҳукмдорларига нисбатан аҳолига қарши курашиш нақадар мушкул эканлигини ҳис этдик». Иш шу даражага бориб етдики, машҳур генерал Скобелев олойликлар қаршилигини енга олмаслигига кўзи етиб шахсан Қурбонжон додхоҳ билан музокара олиб боришга мажбур бўлди. Ўзаро қонли урушни тўхтатиш ҳақидаги музокаралардан сўнг Скобелев, юқорида айтилганидек, ўз кўли билан Қурбонжон додхоҳнинг елкасига зарбоф тўн ёпди. Рус кўмондонлиги уни генерал сифатида тан олди.

Ўзбек ва қирғиз йигитларининг жанговарлигига қойил қолган рус зобити, ўлкашунос К.Абаза шундай ёзган эди: «Биз, дейишади қирғизлар, — Чингизхон билан дунёнинг ярмисини эгаллаганлар авлодимиз. Бизларга паст назарда бўлманглар. Чингизхон қонунлари ва одатлари бизда амалда. Хуллас, биз ўзбеклармиз. Бундан ортиқ нима керак?»

Қурбонжон додхоҳнинг набиралари 1898 йилги миллий-озодлик кўзғолонида ҳам фаол қатнашганлар. Рус амалдорлари доимо Олой маликасидан ҳайиқишган. Шунинг учун губернаторлар унинг олдига тез-тез келиб туришган. 1901 йилда Россия империяси ҳарбий вазири генерал Куропаткин Ўшга келиб Қурбонжонга императрицанинг совғасини шахсан топширган. Қурбонжон 31 невара, 57 чевара ва 6 эвара кўриб, 1907 йилда Ўшда вафот этади.

Хуллас, Кўқон хонлиги Россия губернияларидан бирига— Туркистон генерал-губернаторлигининг Фарғона вилоятига айлантирилди.

Энди Россия Марказий Осиёдаги сўнгги мустақил Ёқуббек давлатини тугатиш фикрига тушди. Чунки Еттишаҳар давлати (1865—1877) мустамлакачиларга қарши курашда Кўқон, Бухоро, Хивадаги ватанпарварларга доимо ёрдам бериб турарди. Хитой ҳукуматининг Россиядан «Шарқий Туркистонда тартиб ўрнатиш учун рус қўшинидан фойдаланиш» ҳақидаги илтимоси айна муддао бўлди. 1877 йил 22 июнда рус қўшини Фулжага бостириб кирди.

Иккинчи томондан Цзо Цзун Тань бошчилигидаги Хитой қўшини Урумчи дарасига яқинлашди. Амир Ёқуббекнинг тўсатдан вафот этиши Еттишаҳар давлати қўшинининг мағлубиятга учрашига сабаб бўлди. Кўқонга ёндош бу давлатнинг ҳалокатига Россия асосий айбдор эканини бош штаб полковниги Д. В. Путята очиқ тан олган. Ёқуббек ҳукмронлиги даврида «унинг доно бошқаруви натижасида Шарқий Туркистон узоқ вақтдан бери ҳали кўрмаган осойишталикка эришди»¹ дея Россия сиёсатини қоралаган эди.

¹ Путята Д. В. Китай. СПб, 1895, 227-бет.

5. КҮКТЕПА МУДОФААСИ

Кўқон хонлиги тугатилиб, давлат вилоятга айлантирилгач, Фарғонадан хотиржам бўлган урушқоқ рус генералларининг нигоҳи Каспий ортига қаратилди. 1877 йили Аҳалтака воҳасидаги йирик манзилгоҳ Қизил Арват рус кўшинлари томонидан эгалланди. 1879 йили эса генерал Лазарев кўмондонлигидаги қисмлар Кўктепага ҳужум қилдилар. Аммо мард ва эркесвар туркманлар босқинчиларга шиддатли зарба бердилар. Руслар катта талафот кўриб, орқага чекинишга мажбур бўлдилар. Генерал Лазарев экспедициясининг мағлубияти босқинчиларга қарши курашаётган халқнинг руҳини кўтарди. Рус кўмондонлиги эса бу мағлубият сабабларини кўшинлар таъминотини яхшилаш учун зарур бўлган темир йўл йўқлигидан кўрдилар. Шу баҳонада, Россия бу ерда темир йўл қуришга қарор қилди. «Саҳродаги мўъжиза» деб ном олган Каспийорти темир йўли қурилишига генерал Анненков раҳбарлик қилди. Ҳарбий-стратегик мақсадда бошланган бу темир йўл қисқа муддатда қуриб битирилиши ва Марв воҳасини эгалаш учун тайёрланаётган янги экспедицияни ўқдори, аскар ва озиқ-овқат билан таъминлашга хизмат қилиши керак эди.

Босқинчиларнинг янги кучларига 1877—1878 йиллардаги Россия-Туркия урушида «Миллий қаҳрамон», «Болгария халоскори» деб улуғланган генерал-лейтенант М.Д.Скобелев бошлиқ қилиб тайинланди. Фарғонада истиқлолчилар, Шипка довоғида турклар қонини беаёв тўккан бу генерал ўзининг касбдоши генерал Н.И.Гродеков сингари туркманларни «ер юзидаги қора доғ» деб ҳисоблади.

Генерал Скобелев экспедицияси билан туркманлар ўртасида 1881 йил январь ойида ҳал қилувчи жанг бўлди. Руслар ҳеч қачон Кўктепа остонасидек кескин қаршиликка дуч келишмаган эдилар. Буни воқеаларнинг гувоҳлари ҳамда муаррихлар тан олишади. Туркман ватанпарварларига жасур Тикма сардор бошчилик қилган.

Руслар бойлик, мартаба ва шон-шухрат учун, туркманлар эса ўз она тупроқлари, эрк ва озодликлари учун жанг қилишди. Таниқли муаррих, академик В.В.Бартольд бу тарихий воқеани ҳаққоний ёритади: «Рус кўшини 8000 кишидан иборат бўлиб, уларнинг ихтиёрида 70 дан ортиқ замбарак бор эди. Йигирма кунлик қамалдан сўнг, 1881 йилнинг 12 (24) январида Кўктепа қалъаси штурм билан ишғол қилинди, сўнг талон-торож қилиш учун аскарлар ихтиёрига тўрт кун муҳлат берилди. Қалъани қамал қилиш ва забт этиш чоғида 6000—8000 киши ҳалок бўлди. Буни Ўрта Осиёдаги бошқа жангларга қиёсласак, руслар катта қурбонлар эвазига ғалаба қозонганини кўрамиз. Улар ўлган ва ярадорларни бирга ҳисоблаганда, 10000 дан ортиқ одамини йўқотди. Бундан ташқари, Кўктепа жангида

Туркистонда биринчи марта русларнинг байроғи ва замбараги ўлжа олинди»¹.

Ахалтакада бўлган урушнинг бевосита қатнашчиси, рус зобити К. Гейнс Кўктепадаги даҳшатли манзарани кўз ўнгимизда янада ёрқинроқ гавдалантиради: «Қирғин бошланди. Чарчаш нималигини билмайдиган драгунлар биринчи узун ҳовлини туркманлар қонига ғарқ қилдилар. Олишув узоққа чўзилмади. Душман қаттиқ курашса-да, охири дош беролмади: қарама-қарши томонга, баланд девор ёқалаб Ички қалъага қараб чекинди. Аммо фурсат бой берилганди. Отрядимизда мардлиги билан ном чиқарган княз Голициннинг казаклари ва поручик Нахичеванскийнинг 1-эскадрони драгунлари жарликдан чиқиб, уларнинг йўлини тўсдилар. Чорасиз аҳволда қолганларини сезган така-туркманлар қўлларидаги ятоғанларини ўйнатиб... рақибни устига ташландилар. Аммо девор орқасидан деярли ёнма-ён туриб отилаётган милтиқ ўқиға учраб, кетма-кет қулай бошладилар. Қалъа билан пахса девор ораси мурдага тўлиб кетди»².

Рад этиб бўлмайдиган далил ва ҳужжатлар генерал Скобелевнинг туркман қардошларимизнинг жаллоди бўлганлигини яна бир марта исботлайди. Генерал Скобелевнинг яқин хешларидан бўлган Адам Жульетт Ламбер «Генерал Скобелев» китобида қуйидагича ҳикоя қилади: «Жаноб Марвин билан суҳбат чоғида генерал Скобелев Ўрта Осиёни бўйсундириш ҳақида ўз қарашларини очиқдан-очиқ қуйидагича ифодалади: «Гап шундай, жаноб Марвин. Фақат буларни газетангизда босиб чиқара кўрманг. Жаҳон жамоаси назарида гирт ёввойига айланиб қолишни истамайман. Менинг ақидам шундай: Осиёда осойишталик ўрнатиш масаласи тўғридан-тўғри одамларнинг қанча кўп қирилишига боғлиқ. Зарба қанчалик кучли бўлса, душман шунчалик тез бўйсунди. Биз Кўктепада 20000 туркманни ўлдирдик. Тирик қолганлар бу сабоқни бир умр унутмайдиган бўлади». Сўнг икки ўртада бошқача суҳбат бўлди. Марвин: «Умид қиламанки, бу ақидаларингизнинг босиб чиқарилишига рухсат берасиз. Расмий ахборотингизда Сиз ҳужум ва таъқиб пайтида ҳар икки жинсга мансуб 8000 душман ўлдирилди, деб ёзгансиз. Шу тўғрими?»

Генерал Скобелев: «Тўппа-тўғри. Уларни санашганда роп-па-роса 8000 одам чиқди».

Марвин: «Бу маълумот Англияда жуда кўп шов-шувга сабаб бўлди, сабаби, Сизнинг аскарларингиз эркаклар билан бир қаторда аёлларни ҳам ўлдиришган экан».

Генерал Скобелев: «Бу ҳам мутлақо тўғри, ўлганлар орасида кўплаб аёллар бор эди. Ёлғон гапириш табиатимга тўғри кел-

¹ Бартольд В.В. Геок-тепе. Изб. произв. в 9-томах. М., 1995, 3-жилд, 399-бет.

² Военный сборник. СПб, 1882, №6, 27-бет.

майди. Шунинг учун ахборотимда ҳар икки жинсга мансуб деб очиқ ёзганман».

Марвин сўзида давом этиб мана буларни ёзади: «Бу хусусда шуни айтишим лозимки, Скобелев мен билан суҳбат чоғида «Кўглаб аёллар ўлдирилди. Аскарлар дуч келган одамни қилич билан чоғиб ташлайверишди», деб тан олган эди. Бошқа дивизиядагилар ҳеч кимга шафқат қилишмади: аскарлар худди машинадек ишлаб, халқни қилич билан роса бурдалашди». Капитан Маслов: «Ахалтаканинг бўйсундирилиши» номли асарида ҳужум бўладиган куни эрта тонгда ҳеч кимни асир олмаслик ҳақида буйруқ бўлган эди», деб гувоҳлик беради. У рус аскарларининг ёвузликларини ўта «майдалаштириб» кўрсатади. Улар қаршилиқ кўрсатаётган ёки жонини асраш учун қочиб кетаётганларнинг қовурғасига, қорнига найза санчдилар, тиккасига отишар, ё бошига қўндоқ билан туширишар,... ҳатто кўпчилик милтиқларнинг қўндоғи ёрилиб кетган эди...»

Генерал Скобелев даҳшатли қирғин бўлишини олдиндан яхши билган ва бунга пухта тайёргарлик кўрган. У юришга отланишдан аввал император ҳузурида бўлади ва Александр II дан: «Биронта ҳам журналист сафарда қатнашмаслиги керак», — деб қаттиқ илтимос қилган. Александр II «Ҳа, майли, шундай бўлсин» деб генерал Скобелев илтимосини маъқуллаган¹.

А.Н.Куропаткин ёзади: «Қалъа ичига назар ташлаш даҳшатли эди. Беҳисоб ўликлар бир неча кундан бери уйилиб ётарди. Баъзи кулбалар мурдаларга тўлиб кетган. Туркман халқини «Ер юзидаги қора доғ» деб ҳисоблаган калондимоғ зобит Н.И. Гродеков ўқшимча қилади: «Душман қамал пайтида милтиқ ва замбарак ўқларидан қай даражада даҳшатли талафот кўрганни қалъани эгаллаганимиздан кейин билдик. Қалъа ичидаги баъзи уйларда ҳатто ўн бештагача ўлик ётар эди ...»².

Жанг арафасида Скобелев: «Тўкилган ҳар томчи рус қони учун душман қонини дарёдек оқизаман», — деб мақтанган эди. У Кўктепада жон бераётган мулланинг «8000 бегуноҳ одамни ўлдирганинг учун виждон азобида қолмайсанми?!» — деб берган саволига юзсизлик билан, «Йўқ! 80000 бўлмаганига ачинаман!» — деб жавоб берган эди. У ҳатто шундай гапларни ҳам айтган эди: «Очиғини айтсам, урушни яхши кўраман. Ҳар бир миллат ўз худудини табиий чегараларгача кенгайтириш ҳуқуқига эга ва бу қонунийдир. Биз славянлар, албатта, Босфор ва Дарданелни эгаллашимиз зарур, акс ҳолда ҳар қандай «тарихий аҳамиятимизни» йўқотамиз. Агар қўлимиз бу бўғозларгача етмаса, ерларимиз қанчалик чексизлигига қарамай, биз ҳалок бўламиз».

¹ Костин В. Скобелев. 1843—1882. М., «Патриот», 1990, 153-бет.

² Қ а р а н г: Каримов Ш., Шамсутдинов Р. Туркистон Русия босқини даврида, 42—43-бетлар.

«...Мен буни кўриб, ҳис қилиб турибман. Башорат қилиб айтманки, славянлар бир куни Германияни ҳам ейди»¹.

Генерал Скобелев ўтакетган ёвуз, шовинист, босқинчи одам эди. Мана унинг орзулари: «Немисларга асло тоқат қила олмайман», «Буйруқ бўлса, худди така-туркманларни қандай ўлдирган бўлсам, рязанлик мужикларни ҳам шундай хотиржамлик билан отиб ташлайвераман».

«Рус босқини тошқин дарёдек оқиб, қутуриб, ҳамма ёқни топтаб бормоқда. Асрий салтанатлар емирилмоқда: бир томонда Эрон, бир томонда Туркия қалтираб турибди. Бу қудратли босқинни тўхтата оладиган мўъжизавий бир куч оламда бормикан?»

Мана, орадан бир асрдан зиёд вақт ўтди. Аммо «кароматгўй» генерал Скобелевнинг бу «орзулари» амалга ошмади. Туркия, Эрон, Афғонистон, Ҳиндистонни босиб олишга чор Россиясининг «қудратли» кучи етмади. Аксинча, унинг ифлос кирдикорлари жаҳон афкор оммаси орасида шарманда бўлди. Қилич ва замбарак билан ўрнатилган ёвузлик империяси чокчокидан сўкилиб кетди. Славянлар Германияни ҳам «еб» юбора олмади. Бугунги кунда ҳатто немис кухаркалари ҳам қудратли Россиянинг ворисларига — Москва қашшоқларига хайру садақа улашмоқдалар. Ҳар бир нарсанинг ўз ибтидоси ва интиҳоси бор...

1884 йилда рус қўшинлари Марв воҳасида ўз ҳукмронлигини ўрнатдилар ва шу билан амалда Туркистон ҳудудининг Россия томонидан босиб олиниши асосан якунланди. Бироқ рус қўшинлари 1895 йилга қадар Туркистоннинг жанубий ҳудудларида босқинчилик урушларини олиб бордилар. Бир неча бор Афғонистон қўшинлари билан чегара тўқнашувлари бўлиб ўтди. Фақат 1895 йилда тузилган битимлардан сўнггина можароларга чек қўйилди. Тожиклар яшайдиган ҳудудларнинг Панж дарёсининг ўнг қирғоғигача бўлган қисми, Туркمانистоннинг Кушка дарёсигача, Пенде воҳасидаги Кушка, Мурғоб ва Тажаннинг қуйи оқимидаги ерлар Россия ихтиёрига ўтди. Шундай қилиб, Россиянинг 1864—1885 йилларда Туркистон ҳудудида йигирма йилдан зиёд вақт мобайнида олиб борган даҳшатли, қирғин-барот урушлари натижасида Ватанимиз халқлари ўз гарданларига оғир, шармандали мустамлакачилик бўйинтуруғини илишга мажбур бўлдилар. Бу урушлар оқибатида Россия 1583255 квадрат километрдан иборат, ёки Франция, Германия, Австро-Венгрия ҳудудларини бирга қўшиб ҳисоблаганда тенг келадиган ерларни эгаллаб олди. Ўлкада чоризмнинг мусибатли ва даҳшатли мустамлакачилик сиёсати даври бошланди.

¹ «Шарқ юлдузи», 1992 йил, 6-сон, 148—149-бетлар.

6. БАДИЙ АДАБИЁТДА РУС ИСТИЛОСИ ТАЛҚИНИ

Россия империяси томонидан Туркистоннинг босиб олиниши собиқ шўро тарихнавислигида бир ёқлама талқин этилиб, гўё зиёлилар, шоирлар, олимлар рус истилосига хайрихоҳ бўлган сифатида кўрсатилди. Мустахлакачиларнинг зўравонлиги, оммавий қирғин сиёсати хаспўшланиб, вақтида Бош губернаторликнинг кўрсатмаси асосида ёзилган ва маърифат, савдо, санъат соҳасидаги ўзгаришлар руслар келишига боғлаб мадҳ этилган шеърлар дарсликларга киритилди.

Бугина эмас, чор Россиясининг Марказий Осиё, жумладан, Туркистон тарихини ўрганишга сафарбар этилган бир гуруҳ тарихнавислари илмий холислик йўлидан чекиниб, мустабидлар раъйини ифодаладилар. Таниқли рус олимларидан бири В.В. Бартольд, масалан, Ўрта Осиё халқлари XVII асрда биргина Махтумқулини билар эдилар, дейди. Бу, тарихимизни, бинобарин, қадимий маданиятимизни, илм-фан ва мумтоз адабиётимизни сохталаштиришга, мустахлакачилик манфаатига хизмат қилдиришга интилиш оқибати эди. Ҳолбуки, ўша XVII асрнинг ўзида Бобораҳим Машраб, Турди Фароғий, Саидо Насафий, Андалиб сингари кўпгина шоирлар ижод қилган эди. Шоир Турди Фароғий Туркистоннинг уч хонликка бўлиниб қолишига уруғчилик ва бош-бошдоқлик асосий сабаб деб айтган эди. Кейинги асрларда яшаб, ижод этган шоирлар юртнинг яхлитлигини орзу қилдилар. Умуман, ўзбек мумтоз адабиётида марказлашган давлат ғояси барқарор мавзу бўлиб, ҳамма асрларда ҳам илғор фикрдаги ижодкорларнинг диққат марказида бўлиб келган эди.

Дарҳақиқат, рус босқини халқимиз учун жуда оғир, аянчли кечди. Подшо аскарларининг раҳм-шафқатни билмаслиги, аждаҳодек ажал оловини пурковчи тўплар ва милтиқлар даҳшати қишлоқ ва шаҳар аҳолисини саросимага солган эди. Энг ёмони, рус келгиндилари босиб олинган жойларда халқнинг орномусини поймол этувчи, таҳқирловчи ишларга ҳаддан зиёд ружу қилади.

Истило йилларида халқимиз кўрган жабр-ситама кўламини аслига монанд тарихий-бадий жонлантиришда бадий адабиёт беназир манба бўлди. Шу жиҳатдан, бу воқеаларга гувоҳ бўлган фозил кишилар, шоирлар яратган асарлар тарихий қиммати беқиёсдир. Қайд этилгани сингари, вақтида рус маданиятпарварлигини улуғловчи шеърлар кенг тарғиб этилиши бараварида мазлум халқнинг дардини, кўргуликларини акс эттирувчи, рус қабоҳатини ифода этадиган асарлар йўқ қилинди.

Бундай шоирлар ва асарлар бор эди. Улар халқ бошидан тегирмон тоши юритилганда ҳам меҳнатдан, ижоддан тўхтамаганлар. Подшолик цензураси нечоғлик монёлик қилмасин, барибир, ватанпарвар ноширлар озодлик ғояси билан сугорил-

ган асарларни панд-насиҳат китоблари орасида, диний рисола-лар қатида бериб, халққа еткиздилар. Бундай китобларнинг бир қисми шу кунларга қадар сақланиб қолган. Ватанпарварлик, озодлик, миллий ғурур руҳи билан сугорилган бундай асарлар ҳақида алоҳида китоб ёзиш лозим бўлади.

XIX аср иккинчи ярми бошларида ижод этган, бевосита рус истилосига гувоҳ бўлган шоирлардан бири Мавлоно Хаёлий-дир. Шоирнинг номи ҳам, салмоқли шеърлар девони ҳам ҳозирга қадар унутилиб келинди. Қарши шаҳрида яшаган, амир Музаффар ва унинг ўғли Катта Тўра — Абдумаликнинг рус босқинчиларига қарши курашини бутун вужуди билан қўллаб-қувватлаган шоир чинакам ватанпарварлик руҳи билан сугорилган шеърлар яратади. У, жумладан, бир шеърида:

Келибдур аҳли кофир суйи ислом қасди қатл айлаб,
Умид шулдир, алар бирлан ажойиб корзорим бор,
Агарчанди, яроғу ҳийлаи тадбиримиз йўқтур,
Вале, ўзбек эруримиз, кўнглума минг турлик орим бор,

— дейди ифтихор билан.

Шоир дастлабки пайтлар, руслар Тошкент ва Жиззахни босиб олган кезларда уларга қарши қўшин тортган амир Музаффарга катта умид боғлайди. Лекин, амир қўшинларининг кетма-кет мағлубияти, айниқса Каттақўрғон фатҳидан кейин юз берган таҳқирли сулҳ воқеаси Хаёлийнинг амирга бўлган ишончини чиппакка чиқаради. Амир Музаффар катта товон эвазига ҳудуд ва нуфуснинг бир қисмидан айрилиб, тожу тахтни сақлаб қолади. Ориятли ватанпарварлар шу боисдан таслимчи амир эмас, унинг шижоатли ўғли Абдумалик тўра атрофида жипслашдилар. Китоб ва Шаҳрисабз беклари Абдумалик тўрани қўллаб-қувватлайдилар. Шоир Хаёлий озодлик ва эрк курашчиларининг ўша пайтдаги кайфиятини шундай тасвир этади:

Умидим бор, шояд хуружи кофир йўқолгай деб,
Тўрамни жабҳасига икки давлат тавомон келмиш.
Муборак мақдами Қаршига етти, бўлди жаннатдек,
Худо лутф айлади, бизларга гўё Хумо келмиш.
Худоё, кофир элатни поймоли Тўражон қилғил,
Сабаб недур, бу Дизах мулкига ул баднамо келмиш¹.

Шоир Хаёлий Абдумалик тўранинг Қаршига келишини «Минг икки юзу саксон учга тожи Хисравон келмиш», деган сатрда кўрсатади. Бу милодий 1866 йилга тўғри келади. Руслар ғалабасидан умидсизликка тушмаган шоир, «Дўстлар, айб этмангиз, кофир аҳли ғолиб ўлди деб, иншооллоҳ, нусрати ҳақ бўлғай ислом устина», дейди қатъият билан. Босқинчи руслар

¹ Олим Равшанов. Кўнглима минг турлик орим бор. «Ёзувчи», 1997 йил 5 ноябрь.

тўққан қонлар совумай туриб ёзилган бу сатрларнинг аҳамияти беқиёсдир.

Ижод аҳли орасида бевосита рус босқинчиларига қарши курашда иштирок этган ва қалам тебратганларнинг яна бири мулло Холбек ибн Мусо Андижонийдир. У амири лашкар Алимқул бошчилигида рус босқинчиларига қарши олиб борилган жангларда қатнашади ва босқинчилар Қўқонни ўз тасарруфига олгач, 10 йилга бадарға этилади. Мулло Холбек ёзади:

Эшит, эй жамъияти аҳли расола,
Фақиру бой, мискин, порсола,
Асирман Русия куффор элинда,
Овохтада, уй мискини, саллот қўлинда.
Бу ташвишлар илон йилнинг қишинда,
Сана минг икки юз тўқсон ¹ бешинда.
Бадарға айлади ислом еримдин,
Бўлуб ҳоким биза Русия бедин.....
Русия юртига ўн йил субҳи шом,
Қўйғон эрди маҳқум этиб бул шоҳи урус,
Муддати ўн йил тамом беками куст,
Истиқомат айладим гурбат билан,
Қўшулуб Маъмурга², бул игво қилан,
Деб бадарға айлади, булдура сабаб,
Гурбат ичра бўлди дафтар қанча кўб.

Бинобарин, Мулло Холбекнинг «Алимқул жангномаси» деб аталган достони ва ўз аҳволидан баён этувчи бу асар ЎЗР ФА Шарқшунослик институти жамғармасида 8816 рақами остида сақланаётир. «Алимқул жангномаси» тарихий жангнома асардир. Достонда амири лашкар Алимқулнинг ҳарбий истеъдоди жанг воқеалари орқали очиб берилади.

Рус мустамлакачиларининг ўлкада зўравонликка, талончиликка, миллий камситишга, маҳаллий аҳолини хўрлашга асосланган сиёсати боис, норозиликлар, озодлик, ор-номус учун бўлган интилишлар, курашлар ҳам кучая борди. Хусусан, Дукчи эшоннинг подшоликни таҳликага солган миллий-озодлик ҳаракати истибод ва зулмга қарши қаратилган эди.

Шу боис, ўзларини киборлар, маданиятли кишилар деб фарз қилган подшо Россиясининг Туркистон генерал-губернаторлиги Муҳаммад Али эшон ва унинг исёнини шафқатсизлик билан бостирибгина қолмай, Ўрта Осиё халқларини маънавий яксон этишга ҳам ҳаракат қилди.

Авалло, аҳли қаламга, матбуотга Дукчи Эшон шахсини таҳқирловчи, исёнини лаънатловчи асарлар яратиш буюрилди. Оқибатда, Санкт-Петербургни даҳшатга солган исён ва унинг

¹ 1872 йил.

² Маъмур Мерган, қўзғолон бошлиғи.

йўлбошчиси, миллий-озодлик яловини кўтарган, истиқлол учун ҳаёт-момот жангига кирган Муҳаммад Алини масхара этувчи талай шеърлар, манзумалар яратилди.

Маҳаллий бошқарув вакилларининг, зобитларнинг зулми муттасил тарзда амалга оширила борганлигига қарамай, аввал бошданоқ халқнинг дарду ҳасратини, қора кунларини ифода этган шоирлар бундай таъсирга тушмадилар. Аксинча, ўрнатилган қаттиқ назорат-цензурани чалғитиш, қандай қилиб бўлса-да, босқинчиларнинг кирдикорини, мудҳиш жиноятларини элу халққа шеърий сатрларда ошкор этиш йўлидан бордилар.

1911 йилда Тошкентда Фулом Ҳасан Орифжонов матбаасида «Саду як банди Мушфиқий» деган китоб нашр этилади. XVI аср воқеалари билан бошланувчи бу асар мундарижасидан рус истилосига бўлган муносабатни акс эттирувчи шеърлар ҳам ўрин олган. Матбаачилар цензурани чалғитиб, ватанпарварлик руҳидаги асарларни ҳам чоп этишга муяссар бўладилар. Масалан, китобда Муҳаммад Амин Ҳўқондий ва Ҳофиз Рўзибой Машраб манзумалари бериладики, уларда истилочиларнинг мудҳиш қиёфаси фош этилади. Жумладан:

Насоралар¹ олиб бу шаҳарни шоҳи жаҳон бўлди,
Раиятларга зулми ҳаддин ошиб, кўп ямон бўлди.
Неча бебоку беҳуда бу юртларга калон бўлди,
Фасоду фитналарким кўзғолиб, охир замон бўлди.
Чиқолмай кўча-кўйга бир неча яхши мусулмонлар,
Замона фитнасининг кўрқибон бўлди паришонлар.
Ётолмай уйларида, бойдур деб оти чиққанлар,
Бировлар ҳовлисинда ётибон хонавайронлар,
Ҳамиша хавф бирлан ранглари чун заъфарон бўлди.

Бу шеърда Муҳаммад Амин Ҳўқондий Кўқоннинг олиниси, беаёв таланиши воқеаларини ҳаққоний акс эттиради. Рус солдатлари бойларнинг мол-мулкани, харислик билан йиққан олтинларини тортиб олади, уларга катта жарималар солади. Аён бўлишича, шулардан бири Абдураҳмонбойга ҳам 1500 сўм миқдориди тавон солинади. Бундай торождан нафақат оддий фуқаро, балки бойлар ҳам хонавайрон бўлган, уй-жойидан айрилган эди. Юқорида келтирилган сатрларда айтилгани каби, жон ҳовучлаб, яшириниб юрган бойлар мустамлакачи — қароқчилар азми иродасини бажармай қўлга тушса, отиб ташланган.

Истилодан сўнг ҳам Кўқонда кечган бедодликларнинг чеки бўлмаган. Шу асарга киритилган, «Ҳикмат» деб номланган икки шеърда рус босқинчиларининг аянчли, таҳқирли қилмиши надомат билан таъриф этилади:

¹ Христианлар, яъни руслар назарда тутилади.

Дўстларим, охир замон бўлди, кўринг,
Бедин кофирлар оламга тўлди, кўринг.
Мўминларнинг ўғил-қизин қилди ҳалок,
Асир қилиб, фарзанд доғин солди, кўринг.

Шарқона қадриятлар, исломий ахлоқ руҳида тарбияланган халқимиз учун бундан ортиқ ҳақорат бўлиши мумкин эмасди. Шу боис, қасоскорлик ҳаракатлари шакллана боради. «Ҳикмат»ларнинг номаълум муаллифи айтгани каби, «бу кофирларнинг барисини қириш» муддоаси қарор топа беради. Афсуски, ҳарбий кучлар тенг эмас эди.

Курашчилар, шу жумладан, халқимизнинг зукко, солиҳ фарзандлари армонли фарёдларини, қонли кўз ёшларини яшира олмадилар. Иложсизлик сабабларини қидириш, бу янглиғ машғум ҳолга тушиб қолишни бадий идрок этиш намоён бўла бошлади.

Бухоро амирлигида тарихий вазият, рус босқини кўланкаси унинг сарҳадларига яқинлаб келаётган йиллардаги ҳолат ҳам адабий асарлар саҳифаларида ўз аксини топа боради.

Кўқон хони Худоёр тақдирига бефарқ бўлмаган, уни икки-уч бор тахтга қайта ўтказган амир Музаффар рус босқини кўлами хавфини ҳали тўла даражада англаб етганми-йўқми, айтиш қийин.

Отаси ўрнига Бухоро тахтига ўлтирган амир Абдулаҳад подшолик Россияси билан тинч-тотув яшаш аҳдига эришган бўлса-да, сиёсий жиҳатдан оёқ-қўли боғланиб қолганлигини англаган, албатта. Бу, унинг бадий мушоҳадаларида ҳам акс этади. Амир Абдулаҳад «Ожиз» таҳаллуси билан шеърлар ёзган. Бу жиҳатдан, унинг:

Дўстлар, айланг дуо бу дийдаи хунбор учун,
Айрилибман хонумонимдин, билинг, дилдор учун,

сингари рамзий ифода этилган мисралари диққатни ўзига тортмай қолмайди.

Амирликда, шубҳасиз, ён беришдан норози бўлган, илм-маърифат, тараққиёт тарафдори бўлган кучлар бор эди. Айниқса, илғор зиёлилар Европанинг, шу жумладан, Россиянинг ҳарбий қудратини илм-фан, маданият юксалишида деб ҳисоблаганлар. Ҳақиқатда, XIX аср охирларида ҳарбий техника, ўқ отиш қуроллари Европада Шарқдагидан бир неча баробар устун эканлигини таъкидлашга зарурат йўқдир. Бунинг устига подшолик Россиясининг уруш тажрибаси халқаро йўсунда меъёрига етган, руслар шу аср давомида бир неча давлатлар билан жанглар қилган эди.

Зиёлилар миллатни ғафлатда қолган, жаҳолат ва қолоқлик тараққиётга ғов бўлган, деб ҳисоблар эдилар. Амир Абдулаҳад саройида русларга тилмочлик қилган, «Таржимон» таҳаллуси билан ижод этган шоир, масалан,

Сен, эй миллат, уён, кўп ётма, тур уйқу канориндин,
Очиб кўз, бир йўла боқ, қолдиму дониш баҳориндин,
Хазон бўлмиш яшил япроғлар нодонни нориндин,
Хаёлга келтир ўтмиш асрлар атвори кориндин,
Нега чиқмассан, эй миллат, туриб гафлатни кориндин,

— дейди ачиниш билан.

Юрт боғларининг хазонга юз тутиши, табиийки, ҳаққоний хулоса эди. Таассуфки, Туркистон бирлигини қаламга олиш, иттифоқ бўлган ҳолда умумий ёвга қарши кураш ғоясини куйлаш хонларга ҳам, амирга ҳам, муҳими, мустабидларга ҳам мақбул тушмаган. Шу сабабдан, босқинчиларга, уларнинг ёвуз тажовузига қарши руҳда бўлган шоирлар унутилди, уларнинг шеърлари қўлёзма ҳолида қолиб кетди, кўплари йўқотилди. Фақатгина ватанпарвар ноширларнинг саъй-ҳаракати билан XX аср бошларида айримларининг ижод намуналарини мухтасар тарзда халққа етказиш имкони бўлди.

Қашқа воҳасининг Қамашни қишлоғида вояга етган, катта обрў-эътиборга эга бўлган Ҳофиз Рўзибой охунд Машраби Соний (XIX асрнинг бошларида туғилиб, охириги йилларида вафот этган) рус истилочиларининг ўлкамизни босиб олиши ҳақида мушоҳада юритар экан, аччиқ ҳақиқатни қаламга олади:

Хаста дилман, аҳли маънилар фано бўлди, дариг,
Ҳосили тахтим вафо жабру жафо бўлди, дариг,
Гандалар бош бўлди, хўблар тахтпо бўлди, дариг,
Бода нўш ўлди неча бемаъни ва беводалар,
Кўйдилар элни иззага неча бор занғар чиқиб,
Йил хусусан қишга тортиб, жабҳага кофир чиқиб
Бул ажаб, ҳар ҳафта мўминдан олур ҳинду ҳирож,
Дафновозу лўли ва қарсақчилар соҳиб ривож,
Они учун аввали келди урус, охирида соч,
Тавба қилмай, халқ поймол, бало бўлди дариг.

Англашиладики, ўлкада бошбодоқликнинг авжга чиқиши, элга бош бўлганларнинг нодонлиги, айш-ишратга чўмганликлари, ичкилик, охир-оқибатда, юртни келгиндиларнинг эгаллашига сабаб бўлади.

Абдураҳмон Офтобачи фитнаси юз бермаганда, ўзаро ҳокимият талашиш, тахт олиш пойғаси бўлмаганда, водийдаги кучлар жам бўлиб, ёвга қарши отланганда Қўқон хонлиги вассал тариқасида сақланиб қолиши мумкин эди. Амал талашиш, тангназарлик, ибтидоий уруғчилик сарқитлари хонликнинг нуфузли кишилари иттифоқлашишига монъелик қилди. Бу ўта бачкана кайфият ҳатто Ватан туйғусидан ҳам устун келди. Руслар ўзларининг таҳқирловчи, эзувчи ҳокимиятини Қўқон хонлиги бўйлаб ўрнатар экан, энг аввало, ана шундай, кечагина

бир-бирини сотган, хоинлик қилган, амал деса ор-номусдан ҳам воз кечишга тайёр кимсаларга таянди.

Кўқоннинг Шаҳрисабз маҳалласида яшаб ижод этган, Қия-лисой кўчасида қосиб оиласида туғилган Ғофуржон қори мулло Аъзамжон ҳожи ўғли Камина (1922 йилда вафот этган) шуни назарда тутиб:

Эй оқсоқоллар калтаси, нафси колон ғор оқсоқол,
Оламдаги бор оқсоқол сендан этар ор, оқсоқол,
Ҳокимга таъзим айлағай ногоҳ йўлиқса тўнқайиб,
Ерга бошин етқурмаса таъзими бекор, оқсоқол
Манга гароднушдин хабар келди бугун жандарм ўтар,
Сув сеп дебон ахли гузар бошида барқарор, оқсоқол,

деб ёзган эди.

«Ансоб ас-салотин ва таворихи ал-ҳавоқин» муаллифи, Кўқон хонлигида XIX асрнинг охирларида кечган воқеаларнинг жонли шоҳиди мулло Мирзо Олим ибн мирзо Раҳим Тошкандий Россиянинг талончилик сиёсати ва уни амалга оширган маҳаллий малайлар ҳақида койиниш билан гапиради.

Рус маъмурлари жамики мирзоларни тўплаб ерларни ўлчаб, ҳисобга олишни буюради. Муқимийнинг «Танобчилар» шеъринда тўғри тасвир этилганидек, улар бу ишда ҳам ғаразни, манфаатни ҳамма нарсадан устун қўяди.

Ачинарли жойи шундаки, мулло Мирзо Олим ўз китобида айтганидек, мустамлака ҳокимияти ҳар таноб ерга 70 тийин, яна қўшимчалари 35 тийин ҳисобланиб, жами 1 сўму 5 тийиндан солиқ белгилайдилар.

Иноқлар ва мингбошиларнинг солиқ йиғувчилари собиқ хонликнинг қишлоқларидан бир йўла 4 йиллик солиқни тўплаганлар. Мирзо Олим босқинда хонавайрон бўлган, бор-будидан айрилган қишлоқлар аҳолисидан 4 йил учун олдиндан олинган хирож солиғининг 90 фоизини мустамлакачиларнинг малайлари бўлмиш солиқ йиғувчилар ўзлаштириб олганлигини таъкидлаб ўтади.

«Ансоб ас-салотин ва таворихи ал-ҳавоқин» да руслар хизматига кирган, уларга ялоқхўр бўлган бундай малайларни халқ киноя билан «бўзча»лар деб атаганлиги тилга олинади.

Қанчалик оғир бўлмасин халқ зиёлиларида, ватанпарвар, миллатпарвар шоирларда, олимларда, ноширларда истиқболга ва истиқдолга бўлган ишонч туйғуси барқарор эди.

7. МУСТАМЛАКА ҲУКМРОНЛИГИНИНГ ЖОРИЙ ЭТИЛИШИ

Ўрта Осиё истилосидан сўнг, Россия, Пётр I васиятини бажариб, жаҳоннинг энг йирик империяларидан бирига айланди. Европанинг илғор жамоатчилиги XIX аср охирида Россияни «беадад миқдордаги мулк ўғриси», деб таърифлаб, «ҳисоб-

китоб вақти келганда, у бу мулкларни ўз эгаларига қайтаришга мажбур бўлади», деб башорат қилган эди.

Россия империяси жаҳоннинг қудратли давлатлари Буюк Британия, Франция ва Германия империялари қатори катта мустамлакачи давлат бўлиб қолди. Болтиқ бўйларидан Кавказ тоғларигача, Украина даштларидан Узоқ Шарқ ва Ўрта Осиё ҳудудларигача чўзилган ерларда империянинг икки бошли бургут тасвири туширилган оқ-яшил байроғи ўрнатилиб, Россия Польша, Финляндия, Болтиқбўйи мамлакатлари, Кавказ ўлкаси, Бошқирдистон, Сибирь ва қалмоқлар юрти унинг тахти тасарруфига муҳрланди. Ўз мустамлакалари ҳудуди жиҳатидан эса Россия Буюк Британия, Франция ва Германияни орқада қолдириб кетди. Англия мустамлакалари 13 миллион квадрат километр, Францияники 11 миллион квадрат километрни ташкил қилса, Россиянинг биргина Сибирь мустамлакаси ҳудуди 13 миллион квадрат километрни ташкил қиларди. Россиянинг Туркистон генерал-губернаторлиги ҳудуди эса кенглиги жиҳатидан Франция, Германия ва Австро-Венгрия империялари майдонига тенг бўлди.

Туркистон маъмурияти империянинг бошқа ўлкалари бошқарувидан ўзининг кескин ҳарбийлашгани билан алоҳида ажралиб туради. Россия ҳукуматининг Туркистон учун 1865—1916 йиллар давомида ишлаб чиққан ва амалга татбиқ этилган ўн та қонун лойиҳаси (1865, 1867, 1871, 1873, 1882, 1884, 1886, 1908, 1912, 1916)га ва унинг моддаларига адлия, молия, ҳарбий, ички ишлар ва бошқа вазирликлар киритган ўзгартиришларда ана шу ҳолат ўз аксини топган. Туркистон ўлкаси сиёсий тизимида Санкт-Петербург олий ҳарбий-сиёсий доираларининг ниқобланган ва жаҳон афкор оммасини чалғитишга қаратилган найранглари ҳам рўй-рост гавдаланган. Ҳарбий вазирликнинг Бош штаби бўлими, Ички ишлар вазирлиги полиция департаменти, «император ҳазрати олийларининг ўз маҳкамаси», Вазирлар қўмитаси ва Вазирлар Кенгашининг Туркистон идорасига оид ҳужжатларида Россия ҳукумати Туркистон халқларининг «хоҳиш-иродаси ва розилигига қараб қолмаслиги» ҳамда «ўз фаолиятида тўла эркин бўлишлари зарурлиги» алоҳида уқтирилгани бежиз эмас. Ана шу ҳужжатларда аҳоли «амалдорларга тўланадиган маошни ўзлари бераётганидан воқиф бўлмасликлари ҳамда бу ишни ҳукумат марҳамати» деб тушунишлари учун зарур чоралар кўриш ҳам таъкидланган.

Ўлка бошқаруви зўравонликка асосланган ва у доимий усул сифатида сақланиб келган. Оқсуяк рус зодагонларидан бири барон А.Б.Вревский ҳам шу зайлда фикр юритиб, «Туркистон халқлари ўзларини бошқарувчи ва суд қилувчи ягона ҳокимиятга кўниккан», дея ўлкада қаттиққўл мустабид идора зарурлигига ишора қилгани ҳам тасодифий эмас.

Туркистонда империячилик бошқарувининг мустамлакачи-

лик тамойили расман Туркистоннинг биринчи генерал-губернатори фон Кауфманнинг 1868 йил 22 январда Тошкент шаҳри аҳолиси билан бўлган учрашувда сўзлаган дастурий нутқида ўзининг яққол ифодасини топган эди. У мазкур нутқида русларни Ўрта Осиё халқларининг катта оғаси деб атаб, Туркистонда рус ҳокимиятининг қатъий ва доимий ўрнашганлигини алоҳида уқтирганди.

Фон Кауфманнинг Туркистон генерал-губернатори этиб таинланиши тасодифий эмас эди. Романовлар сулоласи подшоҳликнинг ишончли хизматкорларини танлашда ҳамма вақт хориждан ёлланганларга катта эътибор берган. Биринчи навбатда, немис дворянларига бўлган ишонч кучли эди. Фон Кауфман шундай ишончни қозонган, синалган, ҳамма лавозимларда подшо сийёсатини кўнгилдагидек амалга оширганлардан бири эди. Шунинг учун ҳам унга кучли ва қудратли ҳокимият подшо Александр II томонидан олтин ёрлик тарзида (ваколат ёрлигининг муқоваси олтиндан бўлгани учун ёрлик шундай аталган) инъом этилган эди.

Кауфманнинг чекланмаган кўламда фаолият кўрсатиш стратегияси 1868—1876 йиллардаги ҳарбий юришларда амалга оширилди. Бу юришлар унинг номини Россияда Туркистон ўлкасининг омадли генерали ва истилочиси сифатида машҳур қилди.

Кауфман ҳукмронлиги даврида Туркистонда генерал-губернаторлик бошқаруви унинг жиловланмаган истибдоди асосида амалга оширилган. Махфий маслаҳатчи Ф. Гирс қайд этганидек, «генерал-губернаторнинг ҳокимияти, қонун бўйича иш юритилишини тақоза этган бўлса-да, амалда, ўзи хоҳлаганча иш тутди. Генерал-губернатор ўлка ҳокимиятининг ягона бошқарувчисига айланган эди. Ҳокимиятни бир йўла марказлаштириш оқибатида барча иш қонун асосида эмас, аксинча, генерал-губернаторнинг кўрсатмаси асосида амалга оширилди.

Тошкент шаҳри қўлга олинганидан (1865) кейин, мустамлака шароитидан келиб чиққан ҳолда, Сирдарё ҳудуди ҳамда 1864 ва 1865 йилларда босиб олинган ерлар ҳисобига, Оренбург генерал-губернаторига бўйсундирилган Туркистон вилояти ташкил этилди. Туркистон вилоятини бошқариш учун 1865 йил 6 августда «Муваққат низом» эълон қилинди. Унинг асосий мақсади, русларнинг янги босиб олинган ерларда, бошқарувнинг умумий асосларини белгилаш орқали, тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш бўлган. Жойларда бутун ҳокимият ҳарбий бошлиқнинг қўлида бўлган, маъмурий органларга эса маҳаллий халқ устидан назоратни ўрнатиш вазифаси юклатилган.

1865 йилда император Александр II нинг азми қарорига кўра, Оренбург ва Фарбий Сибирь генерал-губернаторлиги

ҳамда Туркистон вилояти аҳолисининг турмуши ва умумий аҳволини ўрганиш учун «Дашт комиссияси» тузилади.

Дашт ҳайъати томонидан ишлаб чиқилган «Еттисув ва Сирдарё вилоятларини бошқариш ҳақидаги қоидалар лойиҳаси» бўйича Вазирлар маҳкамаси қабул қилган қарорда қуйидагилар қайд этилади:

1. Лойиҳада кўрсатилган ҳудудларда Еттисув ва Сирдарё вилоятлари таркибида Туркистон генерал-губернаторлиги ташкил этилсин.

2. Генерал-губернаторга ўлкани бошқариш учун лойиҳада назарда тутилган штатлардан келиб чиққан ҳолда, бошқариш учун амалдорлар олишга имконият берилсин.

3. Генерал-губернаторга лойиҳада кўрсатилган ерларда, ўлкадаги маҳаллий шароит, тузем халқларнинг эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда, сўнги марта қонуний тартибда кўриб чиқиш ва қабул қилиш учун унинг қисмлари бўйича ва яхлит ҳолда ўзининг хулосасини бериш топширилсин. Унғача, лойиҳада кўрсатилган ҳолатларни асос сифатида қабул қилиб, ўлка тузилиши учун фавқулодда муҳим ва фойдали деб ҳисобланган ҳамма чораларни кўриш топширилсин».

1873 йил бошида Туркистон ўлкасидаги вилоятларнинг барча бошлиқлари иштирокида лойиҳадаги қоидалар қайта кўриб чиқилгандан кейин қонун лойиҳаси ҳарбий вазирликка юборилади.

Фон Кауфман лойиҳасининг таҳрир этилган нусхасида Россиянинг бошқа ўлкаларидаги генерал-губернаторларникидан фарқли ўлароқ, Туркистон генерал-губернаторининг ҳуқуқ ва имтиёзларини кенгайтириш кўзда тутилган. Жумладан, у Туркистон ўлкасида ҳарбий вазирликка бевосита бўйсундирилган барча вазирликлар органларини таъсис этишни таклиф этган эди.

1878 йил ўрталарида ҳарбий вазирлик Туркистон генерал-губернаторига вазирликларнинг таклиф ва мулоҳазаларини, шунингдек, Фарғона вилояти ва Амударё бўлимини ҳисобга олган ҳолда, лойиҳани тўлдириш ва қайта ишлашни таклиф этди.

1881 йилда ҳарбий вазирликда Туркистон генерал-губернаторлиги сарф-харажат сметаси кўриб чиқиляётганда бошқариш бўйича харажатларни қисқартириш ва унинг даромадларини ошириш зарурлигига эътибор қаратилди.

Туркистон генерал-губернатори этиб тайинланган генерал-лейтенант М.Г.Черняев (1882—1884) таклифи билан 1882 йил 8 майда императорнинг Туркистон генерал-губернаторлигини тафтиш қилиш тўғрисидаги фармони эълон қилинди. Тафтиш ишларини олиб боришга раҳбар этиб Ички ишлар вазирлиги кенгаши аъзоси, Дашт комиссиясининг собиқ раиси, махфий

маслаҳатчи Ф.К.Гирс тайинланди. Гирс 1883 йилда тафтиш ишларини тугаллаб, императорга генерал-губернаторлик ва унга қарашли ташкилотларнинг аҳволи тўғрисидаги ҳисоботни, «Ўлкани бошқариш тўғрисидаги низом лойиҳаси»ни тушунтириш хати билан бирга тақдим этди. 1884 йил 21 январда император Александр III нинг кўрсатмаси билан Давлат Кенгаши аъзоси, генерал-адъютант, граф Н.Игнатъев раислигида «Туркистон ўлкасини бошқариш тўғрисидаги низомнинг қайта ишланган сўнгги лойиҳасини ишлаб чиқиш» бўйича комиссия ташкил этилди.

Граф Игнатъев комиссияси таркибига Гирс бошчилигидаги ҳайъат аъзолари, 1881 йилги лойиҳани тузганлар, Осие департаменти махфий маслаҳатчиси Кобеко, Бош штабнинг Осие бўлими бошлиғи полковник Иванов, генерал-майор А.Н. Куропаткин (бўлажак ҳарбий вазир) ва бошқа юқори мартабали шахслар аъзо бўлдилар. Комиссия кенгашида генерал-лейтенант Черняев ўрнига тайинланган Туркистон генерал-губернатори, генерал-адъютант Н.О. Розенбах (1884—1889) ҳам иштирок этади.

Чоризмнинг олий доиралари томонидан тузилган комиссиянинг асосий вазифаси «Ўлкани Россияга қатъий қарам қилиб қўйиш мақсадлари ва уни бошқаришда харажатларни камайтириш, даромадларни эса оширишга, шунинг билан бирга, фуқароларни бошқариш талабларига ва жойларнинг шарт-шароитларига тўғри келадиган низом» тузилишини амалга оширишдан иборат эди.

Комиссия ўз ишига Гирс томонидан ишлаб чиқилган Туркистон ўлкасини бошқариш тўғрисидаги ва генерал-лейтенант Колпаковский раҳбарлигидаги Тошкент комиссиясига тақдим этилган 1881 йилги низом лойиҳасини ҳамда Туркистон маъмуриятининг олдинги барча лойиҳаларининг хулосаларини асос сифатида қабул қилади.

Граф Игнатъев комиссиясининг «Туркистон ўлкасини бошқариш тўғрисидаги низом лойиҳаси» ўлкани бошқариш бўйича тузилган олтинчи лойиҳа эди.

Император томонидан «Туркистон ўлкасини бошқариш тўғрисидаги Низом» 1886 йил 12 июнда тасдиқлангандан кейин ҳам маъмурий қурилиш бўйича эътирозлар давом этди. Аммо император Туркистон ўлкасида собиқ генерал-губернаторлик бошқарувининг асосий тамойилларини сақлаб қолган ҳолда унга баъзи ўзгартишлар киритди.

«Туркистон ўлкасини бошқариш тўғрисидаги низом» бўйича Туркистоннинг вилоятларга бўлиниши, ҳарбий вазир фикрича, «аҳолининг этнографик, маиший ва иқтисодий шарт-шароитларини ўрганиш асосида эмас, балки ўлкани босиб олиш жараёни билан боғлиқ ҳолда амалга оширилди. Уездларга бўлиниш эса аҳолининг рус босқинигача бўлган марказларида таш-

кил этилган эди. «Туркистон ўлкасини бошқариш тўғрисидаги низом»да кўрсатилганидек, суд ҳоқимиятини маъмуриятдан тўлиқ ажратиш тамойили Туркистон генерал-губернатори барон Вревскийнинг фикрича, «Янги Европа қонунчилигининг натижаси бўлиб, уни Россия аҳолисига ҳам, шунингдек ўз ҳукуматининг қуллик зулмидан холи бўлган Ўрта Осиё халқларига ҳам тадбиқ этиб бўлмайди».

Шундай қилиб, Туркистон ўлкасида Россия ҳукмронлик қилган йилларда қонун лойиҳалари доимо тўлдирилиб, ўзгартирилиб турилди. Бунинг сири жуда оддий эди. Чор Россиясининг қонун лойиҳалари Туркистонни Россия империясининг марказлашган бошқаруви тизимига киритиб, уни рус буржуазияси ва дворян-помешчиклар мулкига айлантиришга қаратилган эди. Империя асосчиси Пётр I нинг армонини қондирган ҳолда ўзбек хонликларидаги минг йиллик давлатчилик заминларини қўпоришни кўзлаган эди. Асосий мақсад бутун жаҳонга танилган Амир Темур салтанати ворисларини тобе қулларга айлантириш, халқларини эса секин-аста руслаштириш жараёнига тортиб, кўҳна Турон заминни империянинг чекка губернияларидан бирига айлантириш эди. Империячилар қачонлардир, аниқроғи XIV аср охирида соҳибқирон Амир Темур рус князликларини ўзига тобе қилиб, Москва остонасида барчага даҳшат солганини сира унутишмаган. Рус солнамаларида муҳрланган бу даҳшат уларда адоват чўғини алангалатган.


Қўш бошли бургут рамзи туширилган Россия империяси туғи Амир Темур ватани заминига қадалгач, империячилар асрий орзуларини амалга оширишга қатъиян киришдилар.

Санкт-Петербургнинг сиёсий доиралари ҳарбий-миршаблик тартибларини ўлкада қўллашлари заруратлигини қуйидагича изоҳлаганлар: «Туркистон тузем аҳолиси ҳали жуда қуйи ақлий тараққиёт босқичидадир. Улар ҳуқуқ, маъмурият, қонун нималигини билишмайди. Жамият қонун томонидан бериладиган ҳуқуқдан фойдаланишни билмайди, бу ҳуқуқ унинг зарарига хизмат қилади». Ана шундай калондимоғлик ва менсимаслик нуқтаи назаридан келиб чиқилган ҳолда Туркистон генерал-губернаторлиги бошқарув тизими юзага келган эди. Ўлка идораси марказий, вилоят, туман (уезд), жабҳа (участка), қишлоқ ва шаҳар бошқаруви шаклида ташкил топди.

Бинобарин, Марказий ўлка бошқаруви генерал-губернатор, унинг кенгаши ва маҳкамасидан иборат бўлган.

Қуйида хоризмнинг Туркистонда амалга оширган ҳукмронлик бошқарув тизими махсус жадвалларда берилди. Улар тадқиқот материаллари таҳлили асосида тузилган бўлиб, муаллифларнинг илмий хулосалари натижасидир:


I. Марказий бошқарув



II. Вилоят бошқаруви




III. Туман бошқаруви




IV. Шаҳар бошқаруви


а) туман шаҳарлари идораси



б) Тошкент шаҳри идораси



V. Қишлоқ бошқаруви




VI. Шарият қозиси («халқ суди»)




VII. Миршаблик бошқаруви

а) Мустабид идора усулининг миришаблик амалиёти




б) Рус империяси Ички ишлар вазирлиги полиция департаменти органи — Туркистон туман муҳофаза бўлими (махфий сиёсий полиция — охранка) — ТРМБ

I. Шахсий таркиб



2. Туркистон ўлкаси ТРМБга бўйсунувчи полиция-жандарм бошқармаси бўлими



VIII. Александр II томонидан 1864 йилда суд низомларининг жорий этилишидан сўнгги умумсалтанат суди (XX аср бошлари)



Жадваллардан кўриниб турганидек, Туркистон генерал-губернатори ўз қўлида ҳарбий ва фуқаро ҳокимиятини бирлаштирган. Бир вақтнинг ўзида у подшо ноиби, ҳарбий округ кўшинлари кўмондони, Еттисув казак кўшинлари атамани, бош миришаб, бош прокурор вазифасини ҳам ўтаган. Унга Бухоро амири ва Хива хони ҳам бўйсунган. Генерал-губернатор вассаллари бўлмиш Бухоро амирини Россия император агентлиги (1885—1917), Хива хонини эса Амударё бўлими (1873—1918) бошлиғи орқали назорат қилган. 1882—1884 йилларда Туркистон ўлкасидаги бошқарувни атрофлича тафтиш қилган марказ вакили — императорнинг махфий маслаҳатчиси Ф. Гирс генерал-губернаторнинг Россиядаги касбдошларидан фарқли ўлароқ, Туркистонда мустабид ҳоким эканлиги, империя қонунчилигига мутлақо риоя қилмай, ўзича қонунлар чиқаргани ва ўз майлича ҳукм юритганини эътироф қилган эди. Ҳарбий губернаторлар, суд палатаси раиси, прокурор, округ штаби бошлиғи, генерал-губернатор ёрдамчиси, генерал-губернатор Кенгаши ўлка бошқарувининг муҳим масалаларини ўзлари ҳам қилган.

Марказий бошқарувда генерал-губернатор маҳкамасининг ҳам аҳамияти беқиёс катта бўлган. Бош бошқарманинг ижроия органи бўлган генерал-губернатор маҳкамаси дастлаб тўрт бўлимдан иборат эди. Биринчи бўлим маъмурий ва назорат ишларини бошқарган. Иккинчиси бош бошқарманинг молиявий-хўжалик ишларига қараган. Учинчи бўлим эса солиқлар, шаҳарлар маблағлари ҳамда бошқарувга доир низомлар лойиҳаларини тайёрлаш билан шуғулланган. Тўртинчи бўлим махсус бўлим бўлиб, унинг фаолият доираси ғоят кенг ва серқирра бўлган. 1886 йилгача мустақил иш кўрган бу бўлим ҳарбий ва адлия вазирлари кўрсатмаларига хилоф равишда суд қарорларини ҳам қайта кўриш билан шуғулланган.

Россия империяси губернияларидаги биронта ташкилот генерал-губернатор маҳкамасидек чекланмаган ваколатларга эга бўлмаган. Махфий маслаҳатчи Гирснинг сўзларига қараганда, Кауфманнинг маҳкамаси империя қонунларини ҳам чекловчи ўз қонунларини чиқарган.

Генерал-губернаторнинг ўзи Афғонистон ва Кошғар масалалари бўйича шуғулланувчи элчилик бўлинмасини ҳам 1899 йилгача бошқариб турган. 1899 йилдан эса бу вазифани бажариш учун генерал-губернатор ҳузурида дипломатик ишлар бўйича махсус лавозим жорий қилинади. Туркистон оммавий кутубхонаси, Тошкент музейи, марказий архив, «Туркестанские ведомости» газетаси ва босмахонаси ҳам мазкур маҳкама ихтиёрига берилган эди.

Генерал-губернатор бепоён ўлка ҳаёти билан асосан маҳкама бошқаруви орқали танишиб борган. Шунинг учун ҳам бу идора ўлканинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида ҳал қилувчи рол ўйнаган.

Маҳкама ўлка ҳокими учун ахборотнома, маъруза ва маълумотномалар тайёрлар, генерал-губернаторнинг шахсий манфатларини кўзлаб иш юритган. Шунинг учун ҳам маҳкама бошқарувчиси генерал-губернаторликдаги энг нуфузли амалдорлар қатори юксак мавқеда турган.

Туркистон ўлкаси Марказий Бош бошқармаси таркибида генерал-губернаторга бўйсунмайдиган марказ вакиллари — адлия, молия, зироат ва давлат мулклари вазирликлари идоралари ҳам бўлган.

Туркистон генерал-губернаторлиги XX аср бошларига келиб беш вилоятга бўлинди: Сирдарё, Фарғона, Самарқанд, Еттисув, Каспийорти вилоятлари. Уларни рус армияси генералларидан шахсан подшонинг ўзи тайинлайдиган ҳарбий губернаторлар бошқарган. Улар ҳарбий ва фуқаро ҳокимиятини ўз қўлида тутишган. Ҳарбий соҳада улар вилоятлардаги қўшинлар (дивизия ёки корпус) кўмондони, фуқаро ишларида эса губернатор ҳуқуқига эга бўлишган. Барча маъмурий, полиция ва суд ҳокимияти ҳам уларнинг измида бўлган.

Ҳарбий губернаторлар қошида вилоят бошқармалари бўлиб, улар губерния бошқармаси ҳуқуқларига эга бўлишган. Вилоят ижтимоий ҳаётининг барча масалалари шу бошқармаларда кўрилган. Вилоятлар ўз навбатида туманларга (уездларга) бўлиниб, уларни туманбошилар идора этишган. Туманлар Туркистон генерал-губернаторлиги маъмурий тузилмасининг асосини ташкил этган. Улар аҳолининг турмуши, ҳудуднинг хусусиятлари, миллатлари ё элатларидан қатъи назар, рус амалдорлари хоҳишича ўзбошимчалик билан тузилаверган. Подшо ҳукумати миллий, элат ва тарихий хусусиятлардан келиб чиқмаган ҳолда, мустамлакачилик нуқтаи назаридан бу масалага ёндошган.

Ўлканинг туб вилоятлари ҳисобланган Сирдарё, Фарғона, Самарқанддан ташқари Еттисув, Каспийорти вилоятлари ҳам шу асосда туманларга бўлиниб идора қилинган.

Сирдарё вилояти қуйидаги туманларга бўлинган: Тошкент, Авлиёота, Қозоли, Перовск, Чимкент. Амударё тумани ҳам шу вилоятга бўйсунган. Фарғона вилояти-



Фарғона вилоятининг Ўш тумани ҳокими М. Е. Ионов.

га Марғилон, Андижон, Қўқон, Наманган, Ўш туманлари қараган. Самарқандга Жиззах, Каттақўрғон, Хўжанд, Самарқанд туманлари; Етгисувга Верний, Жаркент, Копал, Лепсинек, Пишпак, Пржевальск; Каспийорти вилоятига Ашхобод, Красноводск, Манғишлоқ, Марв ва Тажан туманлари кирган.

Ҳар бир туман ўз таркибидаги шаҳар ва қишлоқлари билан туман ҳокими — туманбошига бўйсунган. Туманбоши Россиядаги исправник, земство бошлиғи, полицмейстер, шаҳар бошқармаси бошлиғи ҳуқуқларига тенг бўлган. Туманбоши вилоят ҳарбий губернатори тавсияси билан бевосита губернатор томонидан тайинланган.

Туркистон ўлкасидаги туманбошиларнинг Россиядаги ҳамкасбларидан фарқи томонлари шунда эдики, улар маъмурий, полиция ва ҳарбий ҳокимиятни ўзларида бирлаштирганлар. Туманбошиларнинг жуда кенг ваколатлари ва ўта мустақил ҳамда зўравонларча иш юритишларини юксак лавозимда турган рус амалдорлари эътироф этишгани диққатга сазовордир. Сенатор граф К.К. Пален Туркистон туманбошиларини ўзбек хонликларидаги «бекларнинг худди ўзгиналаридир», деб атагани бежиз эмас. Улар қўл остидаги аҳолидан истаган кишига жарима солишлари ва 7 кунгача қамаб қўйишлари мумкин бўлган.

Туманбошилар рус армияси катта зобитларидан, асосан майор, ротмистрдан то полковник унвонигача бўлганлардан тайинланган. Халқ уларни «ҳоким тўра» деб атаган.

Туманлар бир неча жабҳа (участка)ларга бўлиниб идора қилинган. Жабҳаларни кичик унвондаги (поручик, штабс-капитан) ҳарбий зобитлар бошқаришган. Улар жабҳа приставлари номи остида «Туркистон ўлкасини бошқариш ҳақидаги низом»да тилга олинади. Император томонидан 1886 йилда тасдиқланган бу «Низом»да қасаба приставларига маҳаллий аҳолидан исталган одамга жарима солиш (5 сўмдан 10 сўмгача) ва 3 кунгача ҳибсада сақлаб туриш ҳуқуқи берилган эди. Қасаба приставлари «ҳарбий — халқ бошқаруви»даги ҳарбий бўғиннинг энг қуйиси бўлиб, уларга «маҳаллий ўз-ўзини бошқарув», яъни «халқ бошқаруви» амалдорлари — волост бошқарувчилари, қишлоқ оқсоқоллари, юзбоши ҳамда элликбошилар бўйсунтирилган.

Туркистон ўлкасида подшо маъмурияти қишлоқ бошқарувини «ерли» (туземное) ва «рус» каби икки тоифага ажратган. Рус амалдорлари «ерлилар» (туземец) атамаси билан Туркистондаги барча ўзбек, қozoқ, қирғиз, туркман, тожик, қорақалпоқ, араб, уйғур ва дунганларни тушунган. Турмуш тарзига кўра эса, рус амалдорлари барча аҳолини иккига: «қирғизлар» ва «сартлар»га бўлишган. Қирғизлар деганда кўчманчи, сартлар деганда ўтроқ аҳоли назарда тутилган.

Чор ҳукумати сиёсий нуқтаи назардан келиб чиқиб, қиш-

лоқ, унинг бошқарувини маҳаллий ва рус бошқаруви сифатида ажратиб, уни аста - секин умумимперия туридаги русча идорага ўтказишни кўзлади. Шу мақсадда Ўрта Осиёга мутлақ ёт бўлган географик ислоҳни бошлаб, волост, қишлоқ йиғини кабиларни жорий қилди. 1867 йилдаги «Туркистон генерал-губернаторлиги вилоятларини бошқариш ҳақидаги Вақтли Низом лойиҳаси» деб аталган қонунлар мажмуасига кўра, кўчманчи аҳолига икки босқичли (волост ва овуллар), ўтроқ аҳолига эса бир босқичли (оқсоқолликлар) бошқарув тарзи жорий қилинди.

Волост асосини мингдан икки минг хонадонгача, овул жамоаларини эса юз ўтовдан икки юз ўтовгача аҳоли ташкил этган. Чоризм шу билан кўчманчи аҳолининг уруғчилик асосидаги тарихий бўлинишига хотима бермоқчи бўлди.

Рус амалдорларидан иборат ҳайъат узоқ вақт давомида қишлоқ маъмуриятини ташкил қилиш ҳаракатида Туркистон аҳолисининг биринчи умумий рўйхатини олди. Натижада соҳилар миқдори ошди, аҳоли туманлар, қасабалар, волостларга тақсимланиб, илк бор сайловлар асосида маҳаллий маъмурият сайланди.

Волост бошқарувчиси — мингбоши, қишлоқ оқсоқоли, овул старшинаси аҳоли томонидан уч йилга сайланар, уларнинг номзодлари эса рус маъмурияти томонидан тасдиқдан ўтарди.

Сайловчилар йиғинида ҳар ўн хонадон, ё ўн ўтовдан вакил иштирок этиб, улар ўнбоши сифатида қишлоқ оқсоқоли ёки овул старшинаси ва уларнинг муовинларини сайлашган. Волост бошқарувчиси — мингбошини эса ҳар 50 хонадон ёки 50 ўтовдан тайинланган вакиллар — элликбошилар йиғини сайлаган. Бу тартибга 1886 йилда бир неча ўзгаришлар киритилди. 1886 йилда кучга кирган янги қонунлар мажмуаси — «Туркистон ўлкасини бошқариш ҳақидаги Низом» ўтроқ аҳолининг бир босқичли бошқарувини икки босқичлига айлантириб, оқсоқолликларни волостларга бирлаштирди. Овул жамоалари ва оқсоқолликлар вакиллари йиғини умум сайловчилар йиғини билан алмаштирилди. Элликбошиларнинг волост йиғинига ҳар 50 хонадондан вакил қилиб юборилиши бутун қишлоқ ё овул йиғинидан ҳар 50 хонадондан вакиллар сайлаш билан ўзгартирилди. Рус маъмуриятига, ҳарбий губернатор ва генерал-губернаторга сайлов бекор қилинганда қишлоқ маъмурияти вакиллари бевосита тайинлаш ҳуқуқи берилди. 1886 йилги «Низом» аввалгидек аҳолини «қирғизлар ва сартлар» сифатида эмас, балки «ўтроқ ва кўчманчи» деган атама билан ажратди.

Волост бошқарувчисини сайловчилар вакилларининг қурултойи сайлаган. Қурултой вақтини ва ўтказиладиган жойини туманбоши белгилаган. Сайлов арафасида туманбоши ёки унинг ёрдамчиси рўйхат бўйича элликбошилар сонини аниқла-

ган, чунки курултойда сайловчи вакилларнинг учдан икки қисми иштирок этмаса, у кучга кирмаган ҳисобланган.

Сайлов яширин овоз бериш йўли билан ўтказилиб, овозлар қутига ташланган соққалар воситасида аниқланган. Эллиқбошилар бирма-бир туманбоши олдида турган усти ёпиқ қути олдига келиб, ўзлари истаган номзоднинг исми-шарифини айтишган ва қўлларидаги тақсимчадаги соққани қутига ташлашган. Бу маросим барчанинг кўз олдида очиқ ўтган ва унинг якунида ким кўп овоз олгани эълон қилинган. Овоз бериш натижалари қоғозда барча эллиқбошиларнинг муҳри ва имзоси билан муҳрланган ва туманбоши ёки унинг ёрдамчиси томонидан тасдиқланган.

Волост курултойи икки номзодни сайлаган, бири волост бошқарувчиси, иккинчиси унга номзод бўлган. Ҳарбий губернатор курултойдаги сайлов натижасини кўриб чиқиб, номзодларни тасдиқлаган. У тасдиқламаган тақдирда, курултой қайта чақирилган ёки лавозимга тўғридан-тўғри губернатор танлаган шахс қўйилган. Шу йўсинда маҳаллий бошқарув тизими рус маъмурияти қўлида сақланган. Волост курултойи волост бошқарувчисига маош белгилаган. Унинг миқдори одатда 300 сўмдан 500 сўмгача бўлган.

Қишлоқ оқсоқоллари, номзодлари ва оқсоқол ёрдамчилари қишлоқ жамоаси томонидан бевосита волост бошқарувчиси иштирокида сайланган. Уларни лавозимга туманбоши тасдиқлаган. Қишлоқ жамоаси йиғини уларга йилига 200 сўмдан маош белгилаган. Йиғин ариқларга қаровчи миробларни ҳам сайлаб, уларга маош тайинлаган. Катта ариқларни тўғридан-тўғри ҳарбий губернатор томонидан тайинланадиган ариқ оқсоқоллари бошқариб, улар ирригация мудирига итоат қилишган.

Рус маъмуриятининг аҳолига «ўз-ўзини бошқариш» ва «сайлов ҳуқуқини бериши» гирт сиёсий лўттибозликдан иборат бўлиб, аслида ишнинг тизгини уларнинг қўлида қолган. Худди шундай усул шаҳарлар бошқарувида ҳам ўз аксини топган.

Туркистон ўлкасида вилоят ва туман бошқармалари шаҳарларда жойлашган. Тошкент, Самарқанд, Қўқон, Андижон, Марғилон, Наманган ва Ашхобод ўлканинг асосий шаҳарлари ҳисобланган. Ана шу қадимий шаҳарлардан ташқари, Чимкент, Жиззах, Термиз ва Каттақўрғон каби шаҳарлар ҳам мавқе тута бошлаган эди. Бундан ташқари, рус қўшинларининг истилочилик юришлари натижасида вужудга келган шаҳарларни ҳам айтиш лозим. Рус зобитлари казармалар торлигидан қўшин манзилгоҳи атрофида ўзлари учун уй қуриб олишган. Кўчганда уларни янги келганларга сотиб кетишган. Истеъфога чиққан катта-кичик зобитлар, қуйи унвондаги ҳарбий хизматчилар маълум мулкка эга бўлиб, ўша жойларда қолаверишган. Бу ҳол мустамлака маъмурияти ходимлари ўртасида ҳам рўй берган. Улар хизмат жойида муқим қолиб кетишган. Худди шундай

кишилар, ўлкада ўтириб қолган биринчи руслар асосан ҳарбий хизматчилар эдилар. Қўшинлар ортидан юрган савдо аҳли ҳам доимий манзилгоҳларда қолиб фаолият кўрсатганлар. Қозоли, Перовск, Петро-Александровск каби шаҳарлар шу тариқа вужудга келган эди.

Босиб олинган шаҳарларда руслар учун махсус ажратилган даҳалар пайдо бўлади. Шаҳарлар тузилиши ва уларни руслаштиришга подшо ҳукумати катта аҳамият қаратган эди. Ана шу мақсадда, дастлаб, Еттисув вилоятидаги Сериопол ва Копал шаҳарларига махсус имтиёзлар берилди. Бу шаҳарлардаги ҳунармандчилик корхоналари ва фабрикалар очган кишилар барча солиқлар ҳамда ҳарбий мажбуриятлардан озод этилди. Савдо-сотиқ, саноат, ҳунармандчилик учун имтиёзлар яратилди. Бундай мавқега Сирдарё вилоятининг Тошкент, Хўжанд, Жиззах, Туркистон, Чимкент, Авлиёота, Перовск, Қозоли каби шаҳарлари ҳам эришди. Бу имтиёзлар шаҳарларнинг барча аҳолисига эмас, балки фақат русларигагина берилди. Олий ҳарбий-сиёсий доиралар «мусулмон аҳолисини кучайтириб юбормаслик учун уларни имтиёзлардан маҳрум этиш ўринли бўлади», деб очиқдан-очиқ айтишган.

Туркистон шаҳарлари ичида генерал-губернаторликнинг сиёсий, маъмурий ва маданий маркази Тошкент бошқарувига мустамлака маъмурияти алоҳида эътибор берди. Шаҳар босиб олингандан (1865) кейин генерал-майор Романовский зобитлар ва амалдорлар учун унинг шарқий қисмидан жой танлади. «Рус Тошкенти»ни барпо этиш учун махсус қўмита тузилди. Қўмитанинг икки йиллик фаолияти (1866—1868) давомида маҳаллий аҳолининг юзлаб уй-жойлари бузиб ташланди, мусодара қилинган ҳудудда зобитлар ҳамда уларнинг оилалари учун турар жойлар, кўчалар ва оромгоҳлар барпо этилди. Шу тарзда кўҳна Тошкент бағри иккига бўлиб ташланди. Руслар истиқомат қилувчи қисм янги шаҳар, ўзбеклар яшайдиган қисм «Эски шаҳар», деб атала бошланди. Эски шаҳар аҳолисига янги шаҳарга ўтиш қатъиян ман этилди.

Янги шаҳарда қатор замонавий бинолар, истироҳат боғлари ва бошқа катта ободончилик ишлари олиб борилди, лекин юз минг аҳолиси бўлган эски шаҳар ўша хонлик замонида қандай бўлса, шундайлигича қолаверди. Унинг ободонлиги учун ҳеч қандай маблағ ажратилмади. XIX асрнинг 70-йилларида Тошкент бошқарувини ўзгартириш ҳақида Туркистон маъмурияти ҳаракат бошлади. Чунки биргина шаҳар бошлиғи — ҳоким идораси ривожланиб ва кенгайиб бораётган шаҳар ҳўжалигини бошқаришга қодир бўлмай қолди.

1872 йилда Сирдарё вилоят бошқармасининг умумий раёсати Тошкентда «Шаҳар низомини қўллаш» масаласини кўтариб чиқди. Россия ички губерналарида 1870 йилдан қўллана бошлаган «Шаҳар низомини»ни мустамлака маъмурияти манфаатла-

рига мос равишда ўзгартириш, қўшимчалар киритиш асосида Тошкентда жорий этилишига доир лойиҳа тайёрланди. Полковник Фридрикс бошчилигидаги махсус комиссия уни атрофлича муҳокама қилди.

Тошкент шаҳрида Низомни жорий этиш масаласи бюрократик рус аппаратида узоқ сарсонликдан кейин беш йил ўтиб, Санкт-Петербург маҳкамаларининг «рухсати олийси» олингандан кейин ҳал бўлди. Шаҳар низомини қўллаш бўйича Вақтли комиссия тузилиб, у 1877 йилдан иш бошлади. Мустамлакачи олий амалдорлардан ташкил топган комиссия сайловчилар рўйхатини тузиб уларни табақаларга бўлди. Мулк миқдорига қараб, сайловчилар уч табақага ажратилди. 3000 сўмдан ортиқ қўзғалмас мулкка эга бўлганлар биринчи, 1000 сўмдан ортиқлари иккинчи, 500 сўмдан зиёд мулк эгалари учинчи тоифага киритилди. Мустамлакачилик нуқтаи назаридан янги шаҳар қисмида мулк цензи мулк қийматининг бир фоизи сифатида белгиланди. Шаҳар зиёлилари, ишчилар ва хунармандларнинг қўзғалмас мулкка эга бўлмаганлари сайлов ҳуқуқидан маҳрум этилди. Ҳар бир тоифа шаҳар бошлиғи — ҳоким тўра раислигида сайлов йиғинини тузди. 2400 сайловчи иштирокида ўтган йиғинда шаҳар думаси ва бошқармаси сайланди. Шаҳарни бошқарадиган ноиблар (гласний) сонини белгилашда ҳам эски шаҳарга нисбатан адолатсизлик қилинди. Озчиликни ташкил қилган руслардан эса ноибларнинг учдан икки қисми сайланганлиги далили бунга яққол кўрсатади.

Шаҳар думаси фармойиш берувчи, ноиблардан (гласний) сайланувчи бошқарма (управа) эса ижроия ҳокимиятга эга бўлди. Рус мустамлакачилари ўзларича империяда амал қилувчи Низомга ўзгартиришлар киритишиб, шаҳарнинг «ўз-ўзини бошқаруви» устидан назорат қилувчи «Шаҳар ишлари бўйича вилоят идораси (присутствие)» тузишиб, раислигига Сирдарё ҳарбий губернаторини тайинлашди. Санкт-Петербург «сартлар ҳали ўз-ўзини бошқаришга тайёр эмас», деган фикрда иш кўрди. Тошкент шаҳар думасидаги «қоидалар ва ўзгартиришлар» шунинг учун ҳам қизғин қўллаб-қувватланиб, император Александр III томонидан 1888 йилда расман тасдиқланди. Шаҳар ўз-ўзини бошқаруви тимсоли бўлган Тошкент думаси фаолияти устидан подшо ҳукумати шахсан генерал-губернаторнинг ўзи назорат қилишини буюрди. Санкт-Петербургнинг олий ҳукмрон доиралари шаҳар низомида белгиланган ички ишлар вазири ҳуқуқини Туркистонда қўллашни ҳарбий вазир зиммасига юклади. Тошкент думаси оқсоқоли (голова) бевосита марказ томонидан тайинланадиган бўлди. Шаҳар бошқармаси аъзоларининг учдан икки қисми руслардан, бир қисми эса рус тилини билувчи «туземец»лардан бўлиши шарт қилиб қўйилганлигини таъкидлаш жоиздир.

Тошкент шаҳар думасининг оқсоқоли вазифасини 1877

йилдан 1907 йилгача шаҳар бошлиғи — ҳоким тўранинг ўзи бошқаргани ҳам мустамлака маъмуриятининг қиёфасини кўрсатиб турибди. Сирдарё вилояти ҳарбий губернатори 1885 йил 15 сентябрда подшога йўллаган мактубида яна ҳам кенгроқ ҳуқуқ берилишини сўраб ёзади: «Шаҳарнинг маъмурий — полиция ҳокимиятига... тўла итоаткорлигини ҳисобга олиб, ана шу итоаткорлик қонунлаштириб қўйилса, яъни шаҳар оқсоқоли лавозими шаҳар бошлиғи лавозими билан қўшиб юборилса...». Амалда шундай бўлганини зийрак замондошлардан бири бундай эътироф этган: «Сайланадиган шаҳар оқсоқоли туземецлар кўз ўнгида доимо бой, савдогар қиёфасида гавдаланса, шаҳар бошлиғи эса ҳоким тўрадир».

Россия империясида амалда бўлган шаҳарга оид иккита низо (1870, 1892 йилги) Туркистонда фақат Тошкент ва Етти-суйдаги Верний (ҳозирги Алмати) шаҳарларида қўлланилиб, бошқа шаҳарларда жорий этилмади. Рус маъмурияти Тошкент тажрибаси «бу чорани Туркистон ўлкасидаги бошқа шаҳарларга қўллашнинг фойдаси ҳақида фикр юритишга эрта» деган таҳқиromуз хулосага келган эди.

Чоризмни, рус халқпарварлари, «миршаблик подшолиғи» деб атагани бежиз эмас. Ана шу полиция тузумига суянган подшо ҳукумати Туркистон ўлкаси идорасини энг қуйи бўғинидан олий бўғинигача ўз қўлида тутган. Генерал-губернаторнинг ўзи бош миршаб вазифасини ўтаган. Ҳокими мутлақ генерал-губернатор ўлкадаги истаган одамани, хоҳ ўзбек, хоҳ рус бўлишидан қатъи назар, империянинг чеккаларига 5 йил муддатгача сургун қилиши ҳуқуқи қонунан мустаҳкамланган эди. У ҳарбий бўлмаган фуқаролар устидан ҳарбий судлар ҳукмини тасдиқлашдек ички ишлар вазири ваколатларини ҳам ўз қўлида жамлаган. Вилоятларнинг ҳарбий губернаторлари, туманбошилар, қасаба приставлари ҳам полиция генераллари ва зобитлари ваколатларига эга бўлганлар. Бундан ташқари, ўлкада ички ишлар вазирлигининг идоралари, унинг вакиллари ҳам шунга муқобил тарзда иш кўришган.

Туркистон шаҳарларида полицмейстер лавозими жорий этилиб, уларнинг ҳуқуқлари туманбошилар ҳуқуқлари билан баробарлаштирилди.

Тошкентда янги ва эски шаҳар полицмейстерлари иш олиб борган. Уларга полиция приставлари бўйсунган. Маҳаллий маъмурият — волост бошқарувчилари ва оқсоқоллар ҳам қуйи миршаблик зобитлари ваколатларига эга бўлиб, уларга ёлланган миршаблар хизмат қилган.

Туркистондаги адлия бошқарувида ҳам ўзига хос мустамлакача мезонида иш тутилди.

1867—1886 йиллар мобайнида ўлкада умумсалтанат рус судлари ва халқ судлари, яъни шариат асосида иш кўрувчи қози судлари фаолият кўрсатар эди. Рус судларига туман судлари,

суд палатаси ҳуқуқидаги вилоятлар бошқармалари, мировой судьялар курултойлари, ҳарбий суд комиссиялари кирган. Туман судьялари мулкдан маҳрум этишга дахлдор бўлмаган жиноий ишлар, давлат хазинаси манфаатларига оид бўлмаган 2000 сўмгача миқдорда бўлган даъволарни кўришган. Вилоятлар бошқармалари эса туман судлари ҳукмларидан шикоятлар, қайта кўриш каби масалаларни ҳал қилган. Давлат вазифаларини бажаришдаги жиноятлар, ҳокимиятга қаршилик кўрсатиш, қароқчилик, давлат мулкни ўғирлаш, сохта пул ясовчиларнинг ишлари каби туман судлари ваколатларига кирмаган ишларни ҳам кўришган. Марғилон, Самарқанд, Ўш каби шаҳарларда фаолият кўрсатган ҳарбий суд комиссиялари эса ҳарбий жиноят уставига асосланиб, давлатга хиёнат, ҳокимиятга қаршилик, почта, телеграфга ҳужум, насронийларни ўлдириш, мансабдор шахсларга нисбатан қотиллик қилиш, ўзга диндагиларни насронийликка ўтгани учун уларни ўлдиришга оид ишлар, рус миллатига мансуб кишиларнинг жиноятларини кўриш билан шуғулланган.

Расман «халқ судлари» деб аталган қозию қуззотлар шариат қонунлари асосида маҳаллий ўтроқ ва кўчманчи аҳолининг фуқаролик ва жиноий ишларини кўришган. Лекин давлат аҳамияти касб этадиган, шунингдек, сиёсий ишлар уларнинг ваколат доирасига кирмаган.

1886 йилда тасдиқланган «Туркистон ўлкасини бошқариш ҳақидаги Низом» мавжуд суд тартибини сақлаб қолган ҳолда унга айрим ўзгартиришлар киритди. Туман судлари бекор қилиниб, уларнинг ўрнига муроса (мировой) судлари жорий этилди. Ўлкада вилоят судлари ташкил қилиниб, уларга мировой судьялар вазифалари юкланди. Вилоят суди аввалги вилоят бошқармалари ихтиёрида бўлган ваколатларни олди ва муроса судлари ҳал этувчи масалаларни кўриш ҳуқуқига ҳам эга бўлди.

Вилоят прокурори ва унинг ўриндоши, суд терговчиси лавозимлари жорий қилинди. «Низом» расмий равишда суднинг ҳокимиятдан мустақил бўлишини қонунлаштирган бўлса ҳам, амалда у бир бутун ҳокимиятни ўз қўлларида тутган ҳарбий маъмуриятнинг кучли таъсирида қолаверди.

Империя судларида рус ҳокимиятига бевосита ва билвосита қарши қаратилган маҳаллий аҳоли вакиллари ишлари кўрилган. Русларга қарши жиноят қилган ўзбеклар ёки руслар билан бирга ноқонуний ишга қўл урган ўзбекларни шу судлар жазолаган. Рус қишлоғи, шаҳар қисми ва умуман руслар истиқомат қилиб турган ерларда жиноят қилган ўзбеклар империя судида жавобгарликка тортилган. Турли миллатларга мансуб кишиларнинг жиноятлари ҳам рус судида кўрилган. Шу тариқа туб аҳолининг рус ёки қози судида судланиши 1886 йилги Низомга кўра қуйидагича белгиланган:

1. Айбланувчининг у ёки бу миллат, ё элатга мансублигига қараб.

2. Содир этилган жиноят турига кўра.

3. Жиноят содир бўлган ҳудудга кўра.

4. Жиноят кимга ва нимага қарши қаратилганига кўра.

Худди ана шу белгиларга кўра жазо белгиланган ва жиноят расман шариат асосидами ё Россия империяси жинойи қонунларига кўра белгиланиши аниқланган.

Туркистон ўлкасидаги қонунчилик бўйича яна бир янгилик 1898 йилда содир бўлди. Чор ҳукумати 1864 йилги суд ислоҳотини 33 йилдан кейингина мустамлака Туркистонда амалга оширишга киришди. 1864 йил 20 ноябрда Россияда жорий этилган суд ислоҳоти судни қонунчилик, ижроия ҳокимиятдан ажратиш, кўриладиган ишлардаги ошкоралик ва маслаҳатчилар иштироки каби бир қатор илғор буржуача тартибларни амалга оширган бўлиб, бунинг натижасида икки суд тизими дунёга келди. Улардан биринчиси сайланиб кўйиладиган судьяли судлар, мировой судья ва мировой судлар қурултойи; иккинчиси эса тайинланадиган судьяли судлар — округ судлари ва суд палаталари эди. 1864 йилги суд ислоҳоти бошқа қонунлар каби Туркистонда мустамлака қолипига тушириб анчагина ўзгартиришлар билан қўлланди. Рус амалдорлари «маҳаллий халқларнинг маданияти паст эканлиги»ни таъкидлаб, мировой судьяларни сайлаш ўрнига ҳукумат томонидан тайинлаб, мировой судлар қурултойи вазифасини округ судларига, мировой судларга тааллуқли шикоят ишларини суд палатасига юклашга қарор қилинди.

Рус судларига ишончсизлик маҳаллий аҳоли ўртасида кучли бўлгани учун ҳам суд органларига шикоятлар кам тушган. Бу ҳолатни маъмурлар нотўғри талқин қилишган. Санкт-Петербурдан келган генерал-адъютант граф Игнатъев бошчилигидаги комиссия фикри бунга ёрқин мисол бўлади: «Текширишлар шундай ажиб бир ҳолатни кўрсатдики, маҳаллий аҳолининг шикоят-ариза идораси бўлимига эҳтиёжи кам экан. Бунинг аниқ далили сифатида Фарғона вилоятида судья қарорларидан 3 фоиз, Сирдарёда 4,5 фоиз шикоят тушганини кўрсатиш мумкин. Бу, масалан, Санкт-Петербург мировой округидагидан анча кам демак». Лекин ўлка халқлари турмушида рус судлари эмас, балки маҳаллий шариат судлари салмоқли ўрин тутган. Ўтроқ аҳолининг қози-судлари ва кўчманчиларнинг бий судлари маҳаллий судларни ташкил этган. Шунга алоҳида эътибор қилиш керакки, чор ҳукуматининг сиёсий бўлмаган барча фуқаролик ишларини қози ва бий судларига топширишида ғаразли мақсад ётган. Мустамлакачилар шариат қонун-қоидаларидан ўз истибод тузумларини мустақамлашда фойдаланмоқчи бўлганлар. Олий ҳарбий арбоблардан бири императорга ёзган

ахборотида Россиянинг миллионлаб мусулмонлари билан империя доимо ҳисоблашиб келгани сабабини ўзича шарҳлаб ва империянинг мусулмонлар устидан 350 йилдан бери ҳукмронлигига тўхталиб, ислом дини билан муомалада динга эътиборни сусайтирмасликни уқтиради. Ана ўша арбоб — инфантерия генерали С. М. Духовской ислом ўз қиёфасида «нуфузли бир кучдирки, у билан биз узоқ даврларгача муқаррар равишда ҳисоблашиб туришга мажбурмиз», деб эътироф қилганида чуқур маъно бор эди.

Хуллас, Туркистон ўлкасида уч турдаги «халқ судлари» мавжуд бўлган. Сирдарё, Самарқанд, Фарғона ва Еттисув вилоятларининг ўтроқ аҳолиси учун шариат, кўчманчилар учун одат, яъни бий судлари ва Каспийорти вилояти учун улардан фарқли махсус «халқ» судлари фаолият кўрсатган.

Мустамлака маркази Санкт-Петербург Туркистон халқлари ҳаётида катта аҳамиятга молик маҳаллий судлар — шариат ва одат бўйича судларнинг фаолиятини пухта ўрганиш учун Бош штаб зобити штабс-капитан Давлетшинни Туркистонга юборган. Унинг ҳисоботини шахсан ҳарбий вазир Куропаткин ва подшоҳ Николай II ўқиб, унда билдирилган фикр-мулоҳазаларга ўз муносабатларини қайд этишган. Бу ҳужжатлар чоризмнинг мустамлака сиёсатининг маҳаллий ички бошқарувидаги асосий йўналишларини ўзида яққол гавдалантирган.

Давлетшин ўлкадаги қози ва бий судлари рус маъмурияти хоҳиш-иродасига кўра иш олиб борганлигини баён этиб, Каспийорти вилоятида рус маъмурияти «халқ суди»ни ўз қўлида маҳкам тутишда ҳаддидан ошиб кетганини, Туркистоннинг бошқа вилоятларида эса подшо амалдорлари бўлар-бўлмас ишларга ҳадеб аралашавериб маҳаллий қози ва бийларни обрўсизлантираётганини таъкидлаган. Давлетшин ҳисоботини ўқиган ҳарбий вазир Куропаткин Каспийорти вилоятида халқ ўртасида шариатнинг кучайишига йўл қўймаслик ҳақида махсус қайд битган. «Энг муҳими, — деб ёзган эди ҳарбий вазир, — шариатни жорий этмай, одатга риоя этишни қўллаб-қувватлаш зарур».

Рус императори Николай II 1898 йилда Фарғона вилояти ҳарбий губернаторининг маҳаллий судларнинг бевосита рус маъмуриятига бўйсундирилиши лозимлиги тўғрисида ёзган ҳисоботи бўйича ҳарбий вазирдан фикр сўрагани ва бу масалада олий ҳарбий-сиёсий доираларнинг мулоҳазалари ҳам мустамлака сиёсатининг нозик қирраларини кўрсатади.

Қарийб ўн йилча (1890—1898) Каспийорти вилоятини бошқарган, 1875—1876 йилларда Скобелев дивизиясида штаб бошлиғи лавозимида Ўрта Осиёни истило қилиш ҳарб-зарбларида қатнашган ҳарбий вазир А. Н. Куропаткин (1898—1903) Туркистон ўлкасини ўрганиш борасидаги ўз тажрибаларидан келиб чиқиб, қози ва бий судларини рус адлия маъмуриятига бўйсундиришга қарши чиқди. Куропаткин бу чора катта харажатлардан



Каспийорти вилояти бошлиғи
А. Н. Куропаткин.

ташқари, маҳаллий одатлар ва шариатни яхши билишни талаб қилиши, бунга рус амалдорлари сира ҳам қодир эмаслигини алоҳида таъкидлади. Туркистон генерал-губернатори унинг фикрига қўшилиб, «халқ судини тубдан ислоҳ қилмай, балки унинг ваколат доирасини торайтириб боришни ва келгусида барча суд ишларини рус судига юклаш учун пухта тайёргарлик кўриш лозимлиги»ни баён этди. Ҳарбий вазир императорга худди шу хусусда ўз хулосасини берди, унда қози ва бий судлари ваколатлари чекланиб, келгусида уларни тамоман йўқотишнинг услублари ўзифодасини топди ва улар император томонидан маъқулланди.

Рус мустамлакачилари ма-

ҳаллий бошқарув идораларига масъул шахслар тайинланишида ниҳоят хушёр иш тутиб, башарти илғор, тараққийпарвар ва миллатпарвар кишилар волост бошқарувчиси, оқсоқол, юзбоши ёки қози сифатида сайланиб қолса, уларни лавозимга тасдиқламаслик учун турли ҳийла-найрангларни ишлатди. «Туркистон ўлкасини бошқарув ҳақидаги низом» эса уларга бу борада кенг фаолият майдонини яратиб берган эди.

Туркистондаги мустамлака идораси 1898 йилгача «ҳарбий-халқ бошқаруви», ундан кейин эса «маъмурий-полиция бошқаруви» деб аталган бўлса ҳам, унинг моҳияти мазмунан ўзгармади. Барча ваколатлар рус маъмурияти қўлида жамланиб, мустамлака истибдоди йил сайин кучайиб борди.

Туркистондаги сиёсий идора тизими туб аҳоли ўртасида ҳар қандай норозиликни таг-туғи билан юлиб ташлаш ва шафқатсизлик билан бостириш, бирон-бир душманлик ҳолати сезилса дарҳол унинг кучайишига йўл қўймай бўғиб ташлаш ва русларнинг куч-қудратини кўрсатиб қўйиш учун ҳар қандай чора-тадбир кўриш руҳи билан суғорилган эди. Чоризмнинг маъмурий сиёсати ўлкани иқтисодий жиҳатдан қонини сўриш, маънавий-руҳий эзиш билан омухта равишда олиб борилиб, пировард натижада, унинг мазмун-моҳияти Ўрта Осиё халқларини руслаштиришга қаратилган эди.

Бу сиёсат тиғи империя васийлигидаги Бухоро амирлиги ва Хива хонлигига ҳам қаратилди. Империянинг ана шу сиёсатини Бухорода Россия император сиёсий Агентлиги (1885—1917),

Хивада эса Амударё бўлими (1873—1917) олиб борди. Сиёсий агент Бухоро амири устидан назорат олиб бориб, унинг Петербург билан алоқа қилишида воситачи бўлган. Саид Абдулахадхон (1885—1910) ва Саид Олимхон (1910—1920) Россия императори марҳамати ва илтифотига эришиш йўлида барча воситаларни ишга солишган. «Зоти олийлари» (светлость), сўнг «ҳазрати олийлари» (высочество) мақомига кўтарилган, император мулозим генерали (генерал-адъютант), энг олий генераллик унвонига (генерал-от кавалерии) эришган Абдулахадхон империянинг биринчи ордени (Андрей Первозванный) кавалери бўлган. У Россия императори Александр III (1881—1894) шарафига соф олтиндан «Искандар» орденини таъсис этиб уни рус подшошига тақдим этган. Бухоро амири Петербург киборлари доирасида ўзининг совға-саломлари ва куюқ зиёфатлари билан катта эътибор қозонган. Амирнинг қимматбаҳо ҳадяларини император Николай II (1894—1917), ҳарбий вазир генерал А. Н. Куропаткин (1898—1903) ва ҳатто ревизия комиссияси раиси граф, сенатор К. К. Пален (1908—1910) ҳам мамнуният билан қабул қилган. Амир шунинг учун ҳам Россия паноҳида ўзини хотиржам сезиб халққа беҳад оғир солиқ-мажбуриятлар юклаб роҳатда яшаган. Унга қарши кўтарилган кўзғолонлар эса рус милтиқлари ёрдамида бостирилган. 1888 йилда Кўлоб бекигида деҳқонлар кўзғолони кенг қулоч ёйганда Памир чегара қўшини амирга ёрдам кўрсатиб кўзғолонни бостирган. 1889 йилда эса Келиф аҳолиси ҳоким зулмидан безор бўлиб кўтарилганда бекни рус қўшини ўз ҳимоясига олган.

1910 йилда Бухорода кўтарилган кўзғолон ҳам рус қўшини воситасида бостирилган. 1914 йилда эса Тошкўприк, Шаҳрисабз, Китоб, Қарши ва Ҳисордаги халқ ғалаёнлари ҳам рус ҳарбий кучлари ёрдамида бартараф этилган¹.



Бухоро амири Олимхон мулозимлари ва рус зобитлари даврасида.

¹ ЎзР МДА, 3-жамғарма, 2-рўйхат, 178-иш, 15-варақ.

Амирнинг русларга мутелиги зиёлилар, савдо-саноат аҳли ва тараққийпарвар уламоларнинг кучли норозилигини уйғотган. Шунинг учун ҳам 1910 йилда Бухоронинг 56 уламоси махсус хат билан Туркия ва Афғонистон ҳукмдорларига мурожаат қилиб Россия восийлигидан халос қилишларини сўрашган¹. Бухоро уламолари 1915 йилда Туркия Россияга қарши уруш эълон қилганда туркларга ёрдам жамғармаси тузишган. 1916 йилда эса улар миллий-озодлик қўзғолонига кўтарилган Жиззах аҳолисига ёрдам кўрсатишга Бухоро халқини ундашган эдилар².

Россия империясининг мустамлака зулми ва амир истибдоди йил сайин кучайиб боргани уларга қарши муҳолиф ҳаракатнинг ривожланишига олиб келган. Петербург тазийқи билан ўтказилган бож ва пул ислоҳоти Бухорони империя иқтисодига занжирбанд этиб халқ аҳволини тобора оғир аҳволга солди. Амир эса, «энг итоатгўй туман бошлиғи»³ сифатида бунга қарши ҳеч қандай чора кўрмаган. Саид Абдулаҳадхон ҳам, ўғли Саид Олимхон ҳам рус васийлигидан халос бўлишга интилмади. Бухоро амирларининг итоатгўйлиги Петербург доираларига ёқса ҳам лекин Бухоро ва Хивани буткул империяга губерна сифатида қўшиб олиш нияти уларни тарк этмаган.

Хива хонлигида эса сиёсий назорат губернатор ваколатига эга бўлган Амударё бўлими бошлиғи томонидан амалга оширилган. Муҳаммад Раҳимхон II (1865—1910) амирдан фарқли ўлароқ мустақил бўлишга интилган. Зукко давлат арбоби ва маърифатпарвар инсон бўлган, халқ ўртасида Феруз шоир сифатида шуҳрат қозонган Муҳаммад Раҳимхон II Афғонистон амири, Туркия ва Англия вакилларини яширин қабул қилгани ҳамда қандайдир музокаралар олиб боргани ҳақида Туркистон генерал-губернатори маҳкамаси махсус бўлими, округ штаби контрразведкаси ахборотлари диққатга лойиқ.

Хивада ўтказилган бож ислоҳоти (1885) хонликни рус моллари бозорига айлантиргани, пул ислоҳоти эса (1900—1907) иқтисодни мушкул аҳволга солгани хонни ана шундай ҳаракатларга ундаган эди. Россия хонликнинг ички мустақиллигига ҳам раҳна солиб танга зарб этишни ман этгани Муҳаммад Раҳимхонни жиддий ташвишга солган эди.

XX аср бошларида империя ҳукмрон доираларида Бухоро ва Хиванинг ички мустақиллигини йўқотиб уларни бутунлай Россияга қўшиб олиш масаласи 1909 йилдаги икки кенгашда, 1910 йил 28 январда Бош вазир П.Столипин бошчилигидаги Вазирлар Кенгаши Махсус мажлисида, 1916 йилда император ҳузури-

¹ ЎзР МДА, 3-жамғарма, 2-рўйхат, 66-иш, 78-варақ.

² ЎзР МДА, 3-жамғарма, 2-рўйхат, 66-иш, 80-варақ.

³ Туркистон генерал-губернатори фон Кауфман Бухоро амирига шундай ном берган.



Хива хони Муҳаммад Раҳимхон II сарой амалдорлари билан.

даги махфий кенгашда атрофлича муҳокама этилди. Петербургнинг олий раҳбарлиги иқтисодий жиҳатдан бу тадбир зарарли эканига тўхталиб, амир ва хон амалдорлари воситасида мустамлака сиёсатини давом эттиришнинг сиёсий афзалликларига урғу беришди. Улар яқин келажакда Бухоро ва Хивани рус губерниясига айланиши учун тегишли заминларни яратиш лозимлиги хусусида бир қарорга келишди.

Хулоса қилиб айтганда, Россия империяси Ўрта Осиёда ўзбек давлатчилигининг барча кўринишларини таг-туғи билан йўқотиш ва русча идора услубини қатъий жорий этиш бўйича изчил йўналишда иш олиб борди. Маъмурий-бошқарув тизими ана шу мақсадга қаратилиб, Туркистон ўлкаси, Бухоро амирлиги ва Хива хонлиги Россия губернияларига айланиши учун барча сиёсий, иқтисодий, маданий ва маънавий чоралар кўрилган эди.

Россиянинг Туркистонни иқтисодий ва маънавий тутқунликда тутиш сиёсати ва унинг оқибатлари

1. АГРАР СИЁСАТ

Россия империясининг Туркистондаги аграр сиёсатидан кўзланган бош мақсади ва асосий йўналишларини Давлат мулклари ва зироатчилик вазири А.В.Кривошеин шундай ифодалаган: «Бу марказий масалада уч кўриниш мавжуд. Агар биринчисида ярқираб турган ёзув «Пахта» бўлса, иккинчисида «Суғориш» ва ниҳоят, учинчисида унча кўзга ташланиб турмаган бўлса ҳам, аслида ҳаммасидан муҳими — «русларни кўчириб келтириб ўрнаштириш» ёзуви турибди»¹. Подшонинг вазири марказнинг Туркистондаги мустамлака сиёсатининг асосий йўналишларини жуда лўнда, мухтасар тарзда, яъни «пахта», «суғориш», «русларни кўчириб келтириш» каби уч сўзда ифодалади. А.В.Кривошеин ўз фикрларини аниқ далиллашга уриниб, масаланинг дастлаб иқтисодий томонига урғу беради. «Бизнинг ички бозоримизга, сўнгги 20 йил ичида Америка пахтаси учун фақат бож тариқасида 700 миллион рубл тўлашга тўғри келди. 1900 йилдан эса йилига 40 миллион рублдан тўлаб келмоқдамиз»².

Туркистоннинг Россия салтанати учун бебаҳо табиий бойликлар макони эканлиги масаласига, яъни мавзунинг соф иқтисодий томонига Санкт-Петербург алоҳида эътибор қаратган эди.

Олий лавозимли яна бир арбоб М.Бродовский Туркистон ўлкасининг Россия манфаати бобидаги ўрни ва аҳамиятини янада ихчамроқ қилиб ифодалайди. «Империяга кўшиб олинган бу ҳудудга, — деб ёзган эди у, — империя билан чамбарчас боғланган мустамлака сифатида қаралиши лозим... Бу жой Европа Россияси мануфактура саноати эҳтиёж сезаётган жанубий иқлим маҳсулотларини етиштиришга қодир. Қисман кўчманчи чорвадор ва қисман ўтроқ, асосан деҳқон аҳоли яшайдиган бу мустамлакада мануфактура саноати жуда паст ривожланган. Шунинг учун ҳам у табиий равишда Европа Россияси мануфактура маҳсулотлари чаққон сотиладиган бозорга айланади»³.

¹ *Кривошеин А.В.* Записка главноуправляющего земледелием и землеустройством о поездке в Туркестан. СПб, 1912, 111-бет.

² Ўша асар, 72-бет.

³ *Бродовский М.* Колониальное значение наших среднеазиатских владений для внутренних губерний. Москва, 1891, 4-бет.

Подшо амалдори Туркистоннинг мустамлака сифатидаги аҳамиятини давом эттириб «истило этилган бу ерлардаги бўш ерларга ҳукумат хўжайин эканлигини ҳисобга олсак, Ўрта Осиёдаги мулкларимиз ички губерниялардаги ортиқча аҳолини кўчириб келтиришга имкон берувчи мустамлака аҳамиятини касб этади»¹, деган хулосага келади.

1886 йилги «Низом» ўлкага рус аҳолисини кўчириб келтириш йўли билан ўлкани руслаштириш ҳаракатини қонунан мустаҳкамлаб, унга сиёсий тус берди. Кўчиб келувчиларга 10 танобдан кам бўлмаган ер ажратиш белгиланди. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, Туркистонга келиб ўрнашиш ва ер-мулкка эга бўлиш ҳуқуқи фақат насроний динининг православ мазҳабидагиларгагина берилди. 1886 йилги қонунга кўра ўлкага кўчиб келувчиларни танлаш ва жойлаштириш тартиблари белгиланди. «Бўш давлат ерлари»га биринчи навбатда хизматдан бўшаган захирадаги зобит, қуйи унвондаги ҳарбий хизматчилар жойлаштирилиши алоҳида кўрсатилди. Аммо қонунда «Бўш давлат ери» атамасида қандай ерлар назарда тутилганлигига изоҳ берилмаган. Ҳолбуки, ана шу масала ўлкадаги ер-сув муносабатларига бевосита алоқадор бўлиб, у кейинчалик ўткир муаммога айланди.

Ер-сув муносабатларида чоризм икки мақсадни кўзлаб иш тутган. У Ўрта Осиёда ўз ҳукмронлигини мустаҳкамлаш ва унинг иқтисодий имкониятларидан мустабид Россиянинг ҳукмрон табақалари манфаатлари йўлида фойдаланишга интиланган. Шу мақсадлар учун маҳаллий ҳукмрон доираларнинг қаршичилигини синдириш, ўлкада амалда бўлган қадимий муносабатларни сақлаб қолиш, иқтисодий ва маданий тараққиётга имкон бермаслик керак эди.

Узоқни кўзлаган мақсаддан келиб чиққан ҳолда Россия Туркистонда олиб борган ер-сув муносабатларида қуйидаги сиёсатни ўтказди:

1. Ўлкадаги барча ерлар давлат хазинасига тегишли, деб эълон қилинди. Ўтроқ маҳаллий аҳолига ер меросий якка жамоа эгаллиги тариқасида, кўчманчи аҳолига эса муддати чекланмаган тарзда жамоа бўлиб фойдаланиш учун топширилди.

2. Ўтроқ жойларда ер ундан амалда фойдаланаётганларга бириктирилди. Бу тартибга биноан суд органларига ер-сувга оид мунозарали масалаларни ҳал этишда қозилар томонидан берилган ерга эгалик қилиш ҳақидаги ҳужжатларига — васиқаларга таянмай, аксинча, ердан ким амалда фойдаланаётганига қараб иш тутиш лозимлиги ҳақида кўрсатма берилди. Ўрта Осиё Россия томонидан босиб олинганга қадар катта ер эгалари деҳқонларга ижарага берган ерлар эндиликда ижарачиларга меросий тарзда фойдаланишга топширилди. Чоризмнинг ер-сув соҳаси-

¹ Ўша жойда.

даги бундай «гантилиги»нинг сабаби, биринчидан, Россиянинг дастлабки йилларда кўчириш эҳтиёжлари учун зарур ер жамғармасига муҳтож бўлмагани, иккинчидан, бу соҳада ўзига рақиб бўлган маҳаллий зодагонлар билан курашда кенг меҳнаткашлар оммасини бетараф қилиб қўйиш эди.

3. Кўп ҳолларда вақфлар аввалги тарзида қолдирилди, аммо айрим ҳолларда вақф ерларини давлат ихтиёрига олиш ҳам мумкинлиги белгиланди.

4. Собик имтиёзли шахсий мулк ерларига бошқалар қатори солиқ солинди. Улар энди хусусий мулк эмас, балки давлат ерлари деб аталди ва деҳқонларга меросий равишда эгалик қилиш ва фойдаланишга топширилгани маълум қилинди.

5. Шаҳар ташқарисида рус аҳолисига ер ажратиш ҳам тақиқланди.

6. Европаликлар, хусусан, руслар томонидан маҳаллий аҳолига қарашли ерларни сотиб олиш мутлақ ман этилди. Бу таъқиқ 90-йиллар охирига қадар ўз кучини сақлаган.

1886 йилги «Низом»да маҳаллий аҳолининг ерга эгалик қилиши «одат бўйича» деб белгилангани ҳолда, унинг ерга қонунан хўжайин, ё хўжайин эмаслигига доир аниқ таъриф киритилмади. Рус қонунлари подшолик ерларига нисбатан хонликлар давридаги ҳуқуқни расмийлаштирди, лекин улар туб аҳоли кўпчилигининг ерларини уларга шахсий мулк сифатида бириктирмади. Чоризмнинг 1867—1916 йиллар давомида ерсувга эгалик масаласидаги ҳужжатларини ўрганиш шуни кўрсатадики, рус амалдорлари ўртасида Туркистондаги ерларга эгалик масаласида икки хил нуқтаи назар ҳукмронлик қилган. Биринчиси, Туркистон ўлкасини рус мустамлакаси сифатида ўзлаштиришда дворян-помешчикларнинг фикри. Рус дворянлари Туркистон деҳқонларини 1861 йил ислохотига қадар давлат деҳқонлари, яъни ҳуқуқсиз деҳқонлар сифатида ишлаган рус крепостнойлари аҳолига туширишни исташган. Иккинчиси, Россия буржуазиясининг фикри. Улар Туркистон деҳқонларини эркин ер эгалари деб эълон қилишни, уларнинг ўз ерларидан шахсий мулк сифатида фойдаланишларини истаб, шу йўл билан Туркистон қишлоқ хўжалигида капиталистик муносабатларга кенг йўл очишни кўзлаган.

Рус амалдорлари тузган ва жорий этган қонунларда ана шу икки қудратли синфлар манфаатлари тўқнашуви ўз аксини топди. Россия Туркистон учун чиқарган қонунларида рус мустамлака қуллиги маккорона ниқобланиб, уларнинг моддалари бир-бирларидан баттар бевурд ва беқарор бўлган. Аслида, Туркистонни эзиш ҳамда талашда рус дворянлари ва буржуазияси яқдил бўлган. Лекин унинг йўллари, шакл ва услублари ўртасида кучли ихтилофлар бор эди.

1882—1884 йилларда ўлкада тафтиш ўтказган императорнинг ҳақиқий махфий маслаҳатчиси Гирс ўз ҳисоботи ва под-

шога тақдим этган қонун лойиҳасида рус буржуазияси манфатларини ифодалаган эди. У Туркистон деҳқонлари ўз ерларининг тўла хўжайинлари бўлган ҳолда империя саноатига хом ашё етиштириш учун шарт-шароитга эга бўлишларини ёқлаб чиқди. Гирс тайёрлаган қонун лойиҳасида барча ерлар, яйловлар деҳқонларга, қишлоқ аҳлига мавжуд «одат бўйича ҳар бирига алоҳида равишда ва тўла хусусий мулк сифатида бириктирилиши зарур»¹ эканлигини таъкидлади.

Махфий маслаҳатчи Гирс ўзининг тафтиш яқунларини ифодалаган тақдимномасида ер-сув муносабатларига тўхталиб шундай деб ёзган: «Туркистон ўлкасидаги ҳар бир қишлоқ участкаларга бўлинади, уларнинг эгалари ундан одат ва мерос ёки ҳужжатларга кўра тўла хўжайин сифатида фойдаланадилар. Ана шу ерга эгалик шаклидан халқ мамнун экан, бу шаклни сақлаб, уни қонунан тасдиқлаш керак»².

Аммо дворян-помешчиклар, буржуазия фикрига қарама-қарши ўлароқ Туркистон ерларини талон-торож қилишни истаганлар. Бу эса рус буржуазияси учун хом ашё манбаларини камайтирар ва оқибатда рус моллари бозори доирасини чеклашга олиб келган. Дворянлар ва буржуазия фикрларидаги қарама-қаршилиқ Санкт-Петербургнинг ҳукмдор табақалари доирасида ўз ифодасини топиб, улар ҳам қонун лойиҳаларида ҳам бир-бирига зид моддаларни ўйлаб топганлар. Подшолик Россияси бу икки қутбни ўзаро яқинлаштириш ва муроасага келтиришга уринган. Аммо, кўпинча император ҳукумати, Давлат Кенгаши ва Вазирлар қўмитаси дворянларга ён босган.

Подшо ҳукумати Туркистон ўлкасидаги ўтроқ аҳолининг ерларини қишлоқ жамоалари ва қишлоқларга беркитиб солиқ йиғишда «доиравий жавобгарлик»ни жорий этди. Бунда солиқ бирлиги сифатида аввалгидек якка ҳовли — хўжалик эмас, балки бутун қишлоқ, ё жамоа олинди. Рус амалдорлари камбағаллар учун уларнинг бой қариндошлари ёки ҳамқишлоқлари унинг солиғини тўлаб юборишларини билиб, шу одатни қонунлаштирдилар. Кўпинча солиқ йиғувчиларнинг ўзлари камбағалларнинг солиғини тўлаб, кейин уни ортиғи билан ундириб олишган. Санкт-Петербург киборлар доираси вакили, Туркистон ўлкасини 1908—1910 йилларда тафтиш қилган сенатор граф К.К.Пален ана шу одат ҳақида ўз фикрини шундай ифодалаган: «Рус маъмурий органлари бутун омма билан эмас, балки унинг манаплари, султонлари ва бойлари билан муомалада бўлишни афзал кўрадилар, худди шулар турмушнинг бир маромда тинч ўтиши ва ҳукумат фармойишлари бажарилишини бекаму-кўст таъминлашга қодирлар»³.

¹ ЎзР МДА, 1-жамғарма, 12-рўйхат, 923-иш, 63-варақ.

² Ўша ҳужжат, 64-варақ.

³ Пален К.К. Тақдимнома, 47-бет.

Солиқ йиғишда одамларнинг қандай йўл тутганлигини туманбошилар йиғинида (1898) Каттақўрғон вакили шундай ифодалаган эди: «Солиқлар камбағалларга кўп, бойларга эса кам тушади»¹.

Чоризмнинг бундай сиёсати маҳаллий деҳқончиликнинг капиталистик асосда ривожланишига халал берган. Эски муносабатларнинг сақланиб қолишига имкон берувчи тартиб-қоидалари эса ўлка қишлоқларида судхўрликнинг кенг илдиз отиб, қишлоқ хўжалигининг тараққиёт йўлини бўғиб қўйган.

Туркистонда қонун кучини олган 1886 йилги «Низом»да тилга олинган «бўш давлат ерлари» атамаси руслар томонидан маҳаллий деҳқонларнинг ерларини тортиб олишда дастак бўлди. Империянинг қора тупроқли марказий ҳудудларидан ер тақчиллигидан қутулиш сиёсати оқибатида мустамлака Туркистонда бойиш учун рус мужиклари бетўхтов оқиб келабошлади. Улар маъмуриятнинг ижозатисиз ҳам ўлкага келиб ўзбошимчалик билан туб аҳолига қарашли ерларни эгаллай бошлашди. 15 йил давомида (1875—1890) Туркистонга 1300 оила кўчиб келиб жойлашиб, 19 та рус қишлоғи ташкил топди. Айниқса, 1891—1892 йилларда Россияда очарчилик бошланганда Туркистонга кўчиб келувчилар ниҳоятда кўпайиб кетди. Ана шу икки йил давомида 25 та янги рус қишлоғи (посёлкаси) пайдо бўлиб, рус деҳқонлари сони икки баробарга кўпайди. Маҳаллий аҳоли билан рус деҳқонлари ўртасида ер-сув масаласида, суғориш иншоотларидан фойдаланиш хусусида ўзаро тўқнашувлар кучайди. Бу тўқнашувларда рус маъмурияти рус деҳқонлари тарафида бўлди. Масалани одилона тинч йўл билан бартараф қилишга уринган айрим амалдорлар қувғинга учради. Туркистон ҳарбий округи штаби бошлиғи солдатчасига 1882 йилда шундай деб ёзган: «Барибир, очиқчасини гаплашадиган ва тан оладиган пайт келади-ку, ахир! Бизнинг ишимиз аввало русларники, миллий рус иши... қирғизлар жойлашган ер уларники эмас, балки давлатникидир. Ўтроқ рус нуфуси уларни ўлкадан сиқиб чиқариши ёки буткул қириб ташлаши даркор»². Худди ана шундай руҳда ишлаб чиқилган 1889 йил 13 июлдаги қонун кўчиб келган русларга имтиёзлар ва моддий ёрдам беришни белгилаб берди.

Туркистонни руслаштириш сиёсатида кескин бурилиш 1892 йилда бошланди. Худди шу йили Россиядан ўзбошимча кўчиб келган минглаб «келгиндилар» маъмурият назорати билан келганлар қатори уларга берилган ҳуқуқлардан фойдаланишлари мумкинлиги жорий қилинди.

Ўз ерларидан деҳқонларнинг чекка ўлкаларга кетиб қолишига қаршилик қилган рус помешчиклари ҳам мамлакатда ку-

¹ ЎЗР МДА, 18-жамғарма, 1-рўйхат, 761-иш, 107-варақ.

² ЎЗР МДА, 1-жамғарма, 16-рўйхат, 2257-иш, 91—92-варақлар.

чайиб бораётган деҳқонлар ҳаракатидан хавотирланиб, «тўполончи унсурлар»нинг Туркистонга кетишига хайрихоҳлик кўрсата бошлади. Мустамлака ўлкасига русларни кўчириш масаласи билан шуғулланувчи махсус идора—«Кўчириб келтириш бошқармаси» ташкил қилинди. Чор ҳукумати 90-йиллар охиридан рус деҳқонларидан кам ерли ва ерсизларга «Осиё Россиясида бўш ётган эркин ерлардан» фойдаланишга кенг имконият яратди. Шундай қилиб, подшо ҳукумати Россия дворян-помешчиклари манфаатини кўзлаб, уларни «ички бало» бўлмиш камбағал деҳқонлар хуружидан сақлаш ниятида, Туркистон ерларини уларга эҳсон қилди. Ички норозиликни эса мустамлака халқини эзиш, уларни янада камбағал ва ночор аҳволга тушириш ҳисобидан босишга уринди.

Чоризм жорий этган қонунлар мажмуаси бўлмиш 1886 йилги «Низом»да ўтроқ маҳаллий аҳолига ерга эгалик қилишда «ярим мулкчилик» ўрнатилгани дворянларни қониқтирмаган эди. Бу қонуннинг 270-моддасига кўра, ўтроқ аҳолига ер авлоддан-авлодга меросий тарзда фойдаланишга, азалий удум бўйича тақсимланишга берилган, кўчманчи аҳолига тегишли ерлари эса давлатники деб эълон қилиниб, улар кўчманчиларга фойдаланишга берилиши қайд қилинган эди. Империядаги катта ер эгалари — помещиклар ҳукмрон дворянлар синфи вакиллари сифатида Низомдаги бу моддага қарши чиқдилар. Уларнинг талаби билан Давлат Кенгашида бир қанча олий амалдорлардан иборат комиссиялар иш кўришди. Аммо буржуазия вакиллари ҳам қараб турмай, ўз манфаатларини ҳимоя қилдилар. Россиянинг савдо-саноат доираларига Туркистон пахтакори ва пиллакори керак эди. Шунинг учун ҳам 1886 йилги «Низом»нинг 270-моддасини қайта кўриб чиққан махфий маслаҳатчи Кобеко раислигидаги олий ваколатли комиссия дворянлар талабини эътиборсиз қолдириб, бу моддага ўзгартириш ва кўшимча киритишни рад қилди. 1896 йили шу тариха Туркистон ерлари тақдири масаласида рус буржуазиясининг қўли баланд келди. Помешчиклар 1910 йилдагина ўз ниятларига етдилар.

Тўқимачилик саноати учун Туркистон пахтасининг ҳал қилувчи роли ҳақида подшо вазирларидан Кривошеин императорга йўллаган ахборотида лўнда қилиб шундай деган: «Туркистоннинг ҳар бир пуд ғалласи рус ва Сибирь ғалласига рақобатбардордир. Туркистон пахтаси эса Америка пахтасига рақобатбардордир. Шунинг учун ўлкага қимматга тушса ҳам, ғалла келтириб бериш лозим»¹. Пахта яккаҳоқимлигини ўрнатиш ҳақидаги бундай ғояни Туркистон генерал-губернатори қўллаб-қувватлаб, бу тadbир ҳукуматга йилига 70 миллион олтин рублни тежашга имконият яратишини уқтиради. Унинг фикрича, «кўп миллионли ватан пахта толасини қайта ишлаш саноатини

¹ *Кривошеин А.В.* Тақдимнома, 113-бет.

хонавайрон бўлишдан сақловчи кафолат ролини ўйнаши — мана шу Туркистоннинг Россияга кўрсатадиган буюк иқтисодий хизматиدير»¹.

Пахта яккаҳоқимлигини ўрнатиш мақсадида Туркистондан Россияга юбориладиган пахтадан бутунлай бож олинмайдиган бўлди. 1879 йилдан эса бож йиғими ҳар пуд пахтадан 40—50 тийин миқдорида белгиланди. Солиқ олишда ҳам пахтакорларга айрим имтиёзлар берилди. Молия вазирлиги рус буржуазиясининг Туркистон пахтачилигини ривожлантиришдаги ҳаракатларини фаол қувватлаб турди.

Рус шовинистлари қарашини ўзида ифодалаган рус матбуоти ана шу соҳада фикр билдириб, «Туркистон амалдори доимо қирғиз ва сартнинг тарафини олиб, русларга қарши боради, чунки қўймижоз туземецлар уларнинг алдашига лаққа тушади. Русларни эса бундай лақиллатиб бўлмайди, шунинг учун «йўқолсин руслар, яшасин туземецлар!» деб хитоб қилишмоқда»², деган хулосага келган эди.

Мустабид салтанат маркази талаби билан 1905 йилда зироат ва давлат мулклари вазирлиги таркибида «Кўчирувчилик бошқармаси» тузилди. Туркистонда эса 1906 йилда «Сирдарё кўчирувчилик райони» ташкил этилиб, маҳаллий аҳоли ерларини рус мужиклари учун тортиб олиб бериш режали тус олди.

Туркистондаги мустамлақа маъмурияти бундан аввал бу соҳада ўз ҳолича иш тутган бўлса, эндиликда маҳаллий аҳоли ерларини тортиб олиш бевосита марказ томонидан бошқариладиган ва изчил амалга ошириладиган бўлди. Натижада XX аср бошида рус келгиндиларининг сони 175 мингдан ошиб кетди. Туркистон аҳолисининг атиги 5 фоизини ташкил этувчи рус мустамлакачилари қўлига экин экиладиган ҳосилдор ерларнинг 60 фоизи бериб қўйилган эди³.

2. ТУРКИСТОНДА РУС АҲОЛИСИНИ КЎПАЙТИРИШ БЎЙИЧА КЎРИЛГАН ЧОРАЛАР

Россиянинг Туркистондаги мустамлақа сиёсати асосида ўлкани руслаштириш ғояси тургани учун рус нуфусини Туркистонда мунтазам кўчириб келтириш мустабид ҳокимиятнинг доимий эътиборида бўлди. XIX асрнинг охирларида ўлкада 116 рус посёлкаси қурилиб, уларда 70745 киши истиқомат қилган. XX аср бошига келиб Туркистондаги рус аҳолисининг сони 197420 кишига етиб, уларнинг аксарияти ҳозирги Қозоғистон

¹ ЎзР МДА, 1-жамғарма, 5-рўйхат, 939-иш, 5-варақ.

² *Дмитриев И. И* в Туркестане гонят русских. «Земщина» газетаси, 1910 йил 7 октябрь.

³ *Исакаев Б.* 20-летие восстания в Киргизии. «Революция и национально-сти». М., 1936, 9-сон, 32-бет.

ва Қирғизистон ҳудудида жойлашган эди. Биргина Пишпак тумани (уезди)даги рус посёлкаларига оид жадвал бу ҳақда яққол тасаввур беради.

1-жадвал¹

Қишлоқлар	Ташкил этилган вақти	Ҳовли сони	Аҳоли миқдори	Ерлари (таноб)
Тўқмоқ	1866	510	4037	11435
Лебединское	1868	278	2150	4895
Новотроицкое	1868	155	1508	4329
Беловодское	1868	437	4218	5550
Покровское	1870	115	941	4148
Михайловское	1871	49	352	1918
Иссиқ-ота	1882	48	450	1160
Георгиевская	1893	181	1621	6357
Ивановское	1893	201	1149	7110
Петровское	1902	324	2462	6500
Архангельское	1907	200	1466	5799
Новопокровское	1907	260	2403	7185
Павловское	1907	151	954	3761
Вознесенское	1907	136	823	2973
Ж а м и	—	3044	24531	260

Тадқиқотчилар томонидан тузилган яна бир жадвалда Россиядан Еттисув ва Сирдарё вилоятларига 1896—1914 йиллар давомида кўчиб келганлар ва яна ўз юртларига қайтиб кетганлар ҳақида қизиқ маълумотлар келтирилади.

2-жадвал²

Йиллар	К е л г а н л а р			К е т г а н л а р			
	Еттисувда	Сирдарёда	ҳаммаси	Еттисувда		Сирдарёда	
				ҳаммаси	фоиз	ҳаммаси	фоиз
1896-1909	17911	9824	27735	2284	12,8	1859	18,9
1910	6575	1559	8134	906	13,8	491	31,5
1911	4842	7995	5837	1535	31,8		42,2
1912	11298	1166	12464	834	7,4		36,5
1913	14321	2454	16775	1233	8,7		15,3
1914	10574	1345	11919	763	7,2	127	9,4
1910-1914	47610	7519	58129	5275	11,1	1841	24,5
Ж а м и	65521	17343	82864	7559	11,5	3700	21,3

¹ Фомченко А.П. Русские поселения в Туркестанском крае в конце XIX — нач. XX вв. Ташкент, 1993, 75-бет.

² Турчанинов Н., Домрачев А. Итоги переселенческого движения за время с 1910 по 1914 г. Петроград, 1916, 50—51-бетлар.

Бу маълумотлар таҳлили шуни кўрсатадики, Туркистонга кўчиб келган русийзабон аҳолининг мутлақ кўпчилиги ўлкада муқим қолиб кетишган. Бунинг асосий сабаби чоризмнинг улар учун бу ерда қулай шарт-шароитлар яратиб берганлиги эди.

Ўлкага кўчиб келганлар хўжаликларида 1916 йилда мавжуд мол ва чорвалар миқдорини кўрсатувчи жадвал ҳам уларнинг туб аҳолига қараганда мулкий устиворлигидан далолат беради.

3-жадвал¹

Вилоятлар	Отлар	Йирик қорамоллар	Кўй-эчкилар
Еттисув	128045	273120	330867
Сирдарё	35743	82810	93755
Самарқанд	3711	8155	2630
Фарғона	7914	11652	299
Каспийорти	1692	6816	19862

Рус амалдорларидан бири кўчиб келган рус деҳқонларининг аҳволи туб ерлиларниқидан юқори бўлгани сабабларини эътироф этган ҳолда шундай деб ёзган: «Туркистон ўлкасининг барча рус посёлкаларида кўчиб келганлар қирғизлар ҳисобига ва улар меҳнати билан кун кечиришади».

1906 йилда Ўш уезди Покровское қишлоғида ўзига тўқ рус кишилари яйлов ва жамоа ихтиёридаги ўтлоқни маҳаллий аҳолидан тортиб олган. Андижон тумани Кўгарт волостида эса келгиндилар туб жой аҳолининг ерларини зўрлик билан эгаллайди. Аҳоли улар устидан шикоят қилганда эса Кўчирув маҳкамаси амалдорлари рус деҳқонлари томонида туриб, уларнинг манфаатини ҳимоя қилишади. Зўравонлик шу қалар кучайиб кетдики, ҳатто Туркистон генерал-губернатори Гродеков, унинг ёрдамчиси генерал Кондратович, Еттисув вилояти ҳарбий губернатори генерал-майор Ионовлар Кўчирув маҳкамаси бошлиғи Велецкийнинг ўзбошимча ҳаракатларига чек қўйишни талаб қилиб, Петербургга телеграмма юборишади². Аммо марказ тескари иш тутиб, аввало генерал Ионовни истеъфога чиқарди, сўнг Гродеков ва Кондратовичларни лавозимларидан четлатиб, Петербургга чақиртириб олинди. Янги генерал-губернатор Мишченко, Зироат ва давлат мулклари бошқармаси бошлиғи Лазаревский Кўчирув маҳкамаси фаолиятига чек қўйишга интилишганда улар ҳам вазифаларидан четлатилди. Биргина Кўчирув маҳкамаси бошлиғи коллеж маслаҳатчиси Велецкий учун Петербургнинг олий доиралари ундан бир неча баробар

¹ Фомченко А. П. Кўрсатилган асар, 85-бет.

² ЎЗР МДА, 1-жамғарма, 1-рўйхат, 670-иш, 4-варақ.



Келгинди рус мужиги хўжалиги.

юқори мартабали тўрт генерал ва 2 статс-маслаҳатчининг баҳридан ўтди. Ана шу далилнинг ўзи ҳам чоризм биринчи навбатда рус дворянлари манфаатини қанчалик юқори қўйганлигидан далолат беради.

Давлат рағбати билан ўлкада рус мужиклари салмоғи нечоғлик ортиб боргани ҳақида қуйидаги жадвал гувоҳлик беради:

4-жадвал¹

**XX аср бошида Еттисув ва Сирдарё вилоятларида рус нуфуси жойлашуви
(1915 йилдаги яқунлар)**

Йиллар	Жойлаштирилган эркаклар сони			Ўсиш миқдори
	Еттисув	Сирдарё	Жами	Фоииз ҳисобида
1907	332	—	2332	100
1908	650	2400	3050	130
1909	4755	1053	5808	249
1910	11005	107	11112	476
1911	13732	1542	15274	655
1913	7729	5818	13547	580
1914	8629	2931	11560	495
1915	5977	1635	7612	326

¹ Галузо П.Г. Аграрные отношения на юге Казахстана в 1867—1914 гг. Алма-Ата, 1965, 226-бет.

Кўриниб турибдики, айниқса Еттисув вилоятида рус келгиндилари салмоғи кучли эди. Бу вилоятда маҳаллий аҳолининг 4193,5 минг таноб ери мусодара қилиниб, undan 667,2 минг таноб ер казак кўшинлари ихтиёрига берилган эди. 1912 йилга келиб Туркистон ўлкасида фойдаланишга яроқли 17,6 миллион таноб ернинг 11,7 миллион таноби давлат ўрмон хўжалиги ихтиёрига берилди. Туркистон ўлкасида энг йирик заминдор рус императори Николай II нинг оиласи эди. Мари вилоятининг Байрам Али туманида 104 минг десятина энг яхши суғориладиган ердан Мурғоб давлат именияси ташкил этилди. Рус келгиндилари ўзларига берилган ерларнинг тўла хўжайинлари бўлиб олиб, бу ерларни мерос тариқасида қолдиришлари мумкин бўлиб қолди. Маҳаллий аҳолига тегишли ерлар эса давлат мулки деб ҳисобланди.

Туркистонда рус нуфусини кўпайтиришга марказ катта эътибор бериб, бунга маблағни аямади. 1908—1910 йилларда ўлкани тафтиш қилган марказ вакили сенатор граф К.К.Пален Туркистондаги рус ҳукмронлигининг асосий воситаси ўлкада ўзига тўқ рус деҳқонларини кўпайтириш деб ҳисоблади. Сенаторнинг фикрича, ана шундай мужиклар империя билан мустамлакани ўзаро боғловчи ва яқинлаштирувчи «ишончли» унсур бўлиб қолди. 1906—1915 йилларда Сирдарё-Фарғона кўчирув ҳудуди бўйича рус мужиклари учун маҳаллий аҳолига қарашли 744,9 минг таноб ер мусодара қилинди. Мустабид ҳокимиятнинг бундай талончилик сиёсати ҳақида Россия парламенти—Давлат Думасида князь Мансуров гапириб, Туркистонда маъмурият ерли аҳоли устидан «крепостной ҳуқуқни амалда қўллаётганини» алоҳида уқтириб ўтгани бежиз эмас эди. Давлат Думасининг 1910 йил 7 апрелдаги мажлисида Қозон губерниясидан келган ноиб ана шу кўчирув бошқармасининг фаолиятини танқид қилиб, подшолик аграр сиёсатини шундай сўзлар билан фош қилди: «Туркистон руслар учун! Бу шиор қисқа, лекин тушунарсиз. Буни қабул қилиш дўстларни душманларга айлантириш демакдир. Туркистонни сайлов ҳуқуқидан, ўз-ўзини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилганингизда ҳам ўлка хотиржамликни сақлар деб ўйланг. Майли, балки сиз уни тушунмайди, деб ҳисобланг. Аммо сиз унинг ерларини тортиб ола бошласангиз, бу ҳолда шу вақтгача осойишта бўлиб келаётган ўлка ҳаракатга келиб кўзголиши мумкин»¹. Аммо подшо ҳукумати парламент минбарида туриб қилинган бундай огоҳлантиришларга қулоқ солмади. 1912 йили Зироат ва давлат мулклари вазири Кривошеин Туркистон сафари ҳақида императорга йўллаган ҳисоботида ўлкадаги 3 миллион таноб суғориладиган ерларни рус хўжаликлари фойдасига мусодара қилиш таклифини илгари сурди. Ана

Государственная Дума. Стенографический отчет. Созыв IV, сессия V, закрытое заседание 15 декабря 1916 г. 130—131-бетлар.

шу ерлар 300 минг тўқ рус хўжаликлари ихтиёрига берилиши лозим эди. 3 миллион таноб ернинг бир миллиони ғўза майдонларига айланиши керак эди.

«Мусулмонларга!» деб аталган бир хитобномада империядаги 1905—1907 йиллардаги сиёсий воқеаларга шарҳ берилиб, подшолик Россиясининг Туркистондаги мустамлакачилик ва руслаштириш сиёсати фош қилинган. Хитобномада ўқиймиз: «Золим ҳукумат зулми остида неча йиллар эзилиб ётган рус ишчилари ва деҳқонлари сўнгги йилларда бахт-саодатга эришиш учун ҳукуматга ён босиш эмас, аксинча унга қарши курашиш зарурлигини тушундилар. Икки йил муқаддам барча халқлар томонидан тенг асосда вакиллар сайланиб, подшо Николайга халқ аҳволини баён қилишга киришилди. Амалдорлар ва бойлар томонидан қўллаб-қувватланган подшо Николайга бу ёқмади. Аммо халқ талабидан кўрқиб, халқ вакиллари йиғинини чақиритишга мажбур бўлди. Халқнинг танг бўлгани ва қашшоқлигининг бош сабаби подшо энг яхши ерларни ўзининг яқин амалдорлари ва князларга бўлиб бериб, бутун Россия халқларини солиқлар юки остида эзиб ташлаганидан эди. Айнан шу халқ ердан ҳам, ҳуқуқдан ҳам маҳрум бўлгани учун халқ вакиллари йиғилишиб, уни асоратдан ва очликдан халос қилиш учун ерни ўз мулки деб ҳисоблаган амалдорлар ва князлардан уни тортиб олиб, ҳақиқий хўжайин бўлган халққа бўлиб беришни талаб қилдилар... Халқнинг бундай адолатли талаби подшо Николайга ёқмади ва у Думани тарқатиб юборди. Аммо Дума тарқатилган бўлса ҳам халқ тинчимасди ва ўз мақсадига эришиш учун курашни давом эттирди. Шунда подшо Николай ноилож иккинчи Думани чақиритишга мажбур бўлди. Иккинчи Дума депутатлари ҳам ҳуқуқсиз ва ерсиз халққа ер ва эрк талаб қилди. Николай нима қилишини билмай халқ вакиллари ва вазири Столипин орқали қуйидаги жавобни йўллади: «Агар камбағал ва ерсиз деҳқонларга ер керак бўлса мен уларга шундай ерни, помешчик ва катта бойларникидан ташқари, топиб бераман. Мана, Туркистон ўлкасида ерлар кўп, ерга муҳтож мужиклар ўша ерга кўчиб бораверишсин, мен эса ўз тарафимдан бу зироатчиларга ёрдам кўрсатаман». Вазирнинг сўзларини эшитган Туркистон вакиллари ўринларидан туриб эътироз билдирдилар: «Эй, ватандош биродарлар! Вазирнинг сўзлари тўғри эмас, чунки Туркистон ерларига жон ато қилишга бутун куч-қувватларини бағишлаган қирғизлар ва сартларга ҳам ер етишмайди». Шунда Думада иштирок қилаётган рус ва бошқа депутатлар «бечора туркистонликларнинг ерларини тортиб олиш, ўзларига ҳам етишмаётган ердан маҳрум қилиш яхши иш эмас», деган фикрга келишди. «Бизга помешчиклар қўл остидаги ўзимизнинг ерлар керак. Шунинг учун жазирама Туркистонга кўчиб бормай шу жойдаги ўз ерларимизни олаемиз», дейишди. Депутатларнинг бундай баёнотини эшитган подшо Ни-

колай жаҳли чиқиб яна депутатларни ҳайдаб юборди. Рус мужиклари эса Туркистон депутатларининг сўзларини эшитиб, помешчикларнинг ерларини тортиб олишга жиддий киришдилар.

Подшо энди учинчи Думани чақириб, унга туркистонлик вакилларни кириш ҳуқуқидан маҳрум қилди. Энди улар Россияга ўз аҳволини билдириш имкониятини йўқотдилар. «...подшо Николай Туркистонда ер кам, қирғиз ва сартларга ҳам етишмаслигини билгани ҳолда, буни рус депутатлари ҳам билишини истамади. Золим подшо ерсиз деҳқонларни алдаб, Туркистонда ер кўп демоқда ва уларни бу ерга жойлаштирмоқда, унинг амалдорлари зўрлик билан қирғиз ва сартлардан ерини тортиб олиб мужикларга бермоқда... Ҳозирги кунда бу ерга кўчиб келётган мужиклар золим подшо ва унинг амалдорларининг пуч сўзларига ишониб, Туркистоннинг чинакам аҳволини билмай, қирғиз ерларига жойлашмоқда. Натижада улар билан қирғизлар ўртасида қонли тўқнашувлар содир бўлмоқда. Подшонинг бу тўқнашувлар ҳақида хабари бор, лекин бу ҳол уни ташвишлангандиғани йўқ, чунки бу тўқнашувлар унга ҳам, помешчикларга ҳам фойдалидир. Чунки бечора сартлар ва қирғизлар билан ерсиз, ҳуқуқсиз ва қашшоқ мужиклар ўртасидаги тўқнашувлар улар ўртасига душманлик солади, ўзаро курашда ҳукуматга қарши кураш учун зарур кучлар заифлашади. Подшо Николай мужикларни Туркистонга кўчиришда худди шу мақсадни кўзлайди. Улар билан ерли халқ ўртасида қонли тўқнашувлар бўлишини истайди... Мусулмонлар, агар Сизлар пешона терингиз билан ишланадиган ерларингизни қўлдан беришни истамасангиз, помешчикларнинг ерларини тортиб олиш учун курашаётган рус деҳқонлари ва ишчиларига ёрдамга келинг, бўлмаса Николай подшо ўз амалдорлари орқали барча ерларингизни тортиб олиб, мужикларга тақсимлаб беради. Шунда сўнгги пушаймонларингиз ўзларингизга душман бўлиб, сизларга ҳеч ким ёрдам беролмайди. Шунинг учун сизлар бошқа миллатлар билан биргалашиб подшо ҳукуматига қарши курашмоингиз керак. Бу курашга зарур маблағ ва воситаларни тайёрланг»¹. Туркистондаги эсерлар партияси 1908 йилда чиқарган бу хитобномада тарихий ҳақиқат ўз аксини топган. Туркистон халқларининг ота мерос ерлари рус келгиндиларига зўравонлик билан тақсимлаб берилаётгани аниқ далиллар асосида кўрсатилган.

Чоризм турли йўллар ва воситалар билан маҳаллий халқнинг ерларини рус мужиклари фойдасига мусодара қилишга уринди. Ерга солиқлар миқдорини ҳаддан ташқари ошириб юбориш ана шундай воситалардан бири бўлди. Натижада аҳоли ўз ерларини сотишга ёки ундан буткул воз кечишга мажбур

¹ ЎзР МДА, 461-жамғарма, 1-рўйхат, 1988-иш, 141—143-варақлар.

бўлди. Биргина Марғилон туманида шу тариқа ўзбекларнинг 11,5 минг таноб ери мусодара қилинди. Жалолқудуқ волостида эса солиғини тўлолмайд еридан воз кечган ўзбек деҳқонларига қарашли жойда 3 рус посёлкаси, Андижон туманида 2, Ушда эса 1 посёлка барпо этилди. Шу тариқа 1906—1913 йиллар мобайнида Туркистонда 116 рус посёлкаси қурилди. «Ҳар бир рус посёлкаси, — деб ёзган эди Сирдарё вилояти ҳарбий губернатори Н. Гродеков, — рус қўшинларининг бир батальонига тенг ҳарбий салоҳиятга эгадир»¹. 1912 йилга келиб, ўзбек тупроғида барпо этилган рус посёлкалари икки кун давомида рус қўшинлари сафига 31 минг қуролли аскар ҳозирлаб беришга тайёр эди.

Подшолик аграр сиёсати 1916 йилги миллий-озодлик кўзғолонидан сўнг очикдан-очик зўравонлик тусини олди. Генерал-губернатор А.Н.Куропаткиннинг буйруғи билан биргина Жиззах туманида ўзбек деҳқонларининг 1810 таноб ери рус мужиклари фойдасига тортиб олинди. Санкт-Петербурзнинг ҳукмдор доиралари Туркистонда «сиёсий нуқтаи назардан» руслардан катта ер эгалари — плантаторлар, фермерлар хўжалиklarини ташкил этишни, ниҳоят, «зарур эҳтиёж» деб ҳисоблаган ҳолда ўлкада рус хусусий мулк эгалигининг устивор бўлишига доир барча чора-тадбирларни амалга оширдилар. «Иккинчи рус Туркистони»ни яратиш ғояси подшолик аграр сиёсатининг тугал мақсадига айланди. Пахта якка ҳокимлигини Туркистон қишлоқ хўжалигида ўрнатиш, Санкт-Петербург ҳукмрон доиралари фикрича, бу сиёсат асосини ташкил қилиши керак эди. Ўлкага қимматга тушса ҳам, Россиядан ғалла келтириш ва ўлка халқининг рус донига мутелик эҳтиёжининг доимий тус олишини таъминлаш, шунингдек, Туркистон деҳқонларини далаларда нуқул ғўза ўстиришга мажбур этиш — бу соҳада таъсирчан воситалигини Петербург алоҳида уқтирди ва шу йўналишда изчил фаолият кўрсатди.

Хулоса қилиб шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, подшо ҳукуматининг аграр сиёсати ва унинг ўткир тиғи бўлган кўчирувчилик тадбирлари охир-оқибатда ўлкада русларни кўпайтиришга олиб келди, уларнинг иқтисодий мавқеини кучайтириб, маҳаллий халққа нисбатан калондимоғлигини янада оширди. Бу эса буюк рус шовинизмининг ижтимоий-иқтисодий заминини яратди.

¹ Галузо П.Г. Вооружение русских переселенцев в Средней Азии. М., 1926, 5-бет.

3. ТУРКИСТОННИНГ ХОМ АШЁ МАНБАИ ВА ТАЙЁР МАҲСУЛОТЛАР БОЗОРИГА АЙЛАНТИРИЛИШИ

Ўрта Осиёнинг арзон хом ашё манбаи ва рус саноат моллари сотиладиган қулай бозор бўлишини 1826 йилдаёқ генерал-майор Веригин император Николай I (1825—1856)га йўлаган тақдимномасида баён қилган эди. Веригин Россияда ишлаб чиқарилаётган моллар мамлакат ичкарасида ҳам зўр-базўр сотилаётгани ва сифати паст бўлгани учун Европа бозорларида сира рақобатга дош беролмаслигини кўрсатиб, Ўрта Осиё бу жиҳатдан рус саноат моллари сотиладиган қулай бозорга айланиши мумкинлигини баён қилган эди. Бу фикрни сенатор граф К.К.Пален ривожлантириб шундай деган эди: «Туркистонни истило қилишнинг сиёсий сабабларини ҳисобга олмаган тақдирда ҳам бу ўлка Россия тарафидан босиб олинишининг дастлабки кунлариданоқ Россия учун икки жиҳатдан қизиқиш уйғотган эди: 1. Молиявий сиёсат жиҳатидан давлат даромади манбаи ва ички ишлаб чиқариш маҳсулотлари учун янги бозор. 2. Мустамлакачилик сиёсати нуқтаи назаридан марказий губерниялардаги ортиқча аҳолини кўчириш учун янги ҳудуд сифатида диққатга лойиқ эди»¹.

Империя юқори сиёсий доираларининг нуфузли вакили сенатор граф К.К.Пален ўлканинг метрополияга тўлайдиган солиқлари миқдорини аниқ билгани ҳолда уларни янада ошириш режасини ҳам ишлаб чиққан эди. Бу режа изчилик билан амалга оширилган. Агар XIX аср охирида ер солиғи 4 миллион сўмни ташкил қилган бўлса, 1914 йилга келиб у 75 фоизга кўпайди. Россиянинг Туркистондан оладиган даромади 300 фоизга ошди ва 1916 йилга келиб 38.329 минг сўмни ташкил қилди.

Империянинг Туркистон хом ашёсидан оладиган фойдасининг аниқ миқдорини ҳеч ким билмаган ва у фақат метрополия буржуазиясигагина маълум эди. Россия тўқимачилик саноати маҳсулотлари қиммати 1900 йилдан 1913 йилга қадар 150 фоиз ошганидан келган фойда ҳам шу рус капиталистларининг чўнтагига тушган ва унинг ҳисобини ҳам ҳеч ким билмайди.

Россия Туркистонни қисқа муддатда ўз саноати учун хом ашё манбаига айлантирди. Агар 1885 йилда пахта майдони 41,4 минг танобни ташкил қилган бўлса, 1915 йилга келиб у 541,9 минг танобга етди, яъни 13 баробарга ўсди. Ўлка Россиянинг асосий пахта базасига айланди. Бу ҳақда Туркистон жадидлари етакчиларидан Убайдуллаҳўжа Асадуллаҳўжаев 1917 йил июль ойида Қозонда ўтган 2-Бутунроссия мусулмонлар қурултойида шундай деган эди: «Шу кунгача Туркистон рус капиталистлари

¹ Материалы к характеристике народного хозяйства в Туркестане. ч.1. отд.4, СПб, 1911, 111-бет.

учун говмиш сигир бўлиб келмоқда. Бугунда Туркистон Россияга пахта етказувчидир. Ҳанузгача тўхтамаётган уруш туфайли пахтага эҳтиёж тобора ортиб бормоқда, чунки у порох тайёрлашда керакдир. Агар урушгача бўлган даврда Америка пахта-сининг 1 пуди Россияга 18 сўмдан тушган бўлса, ҳозирда барча молларга нарх-наво 3 баробар ошганда, 1 пуд Туркистон пахта-си Россия томонидан 7 сўмдан 10 сўмгача сотиб олинмоқда, ҳолбуки, 1 пуднинг баҳоси ҳозирда 20 сўмни ташкил қилиши лозим. Демак, Туркистон пахтакорлари ҳар пуд пахтадан 10—12 сўм зарар кўришмоқда. Бундан шундай хулоса чиқадики, агар Туркистонда йилига 10—12 миллион пуд пахта етиштирилса, у ҳолда бизнинг пахтакорлар томонидан ишлаб топилган 100 миллион сўм ҳар йили рус капиталистлари чўнтагига тушмоқда»¹.

Метрополиянинг иқтисодий сиёсати Туркистонни хом ашё базасига айлантириш, уни рус моллари сотиладиган бозор сифатида тутиб туриш ва табиий бойликларини марказга ташиб кетишга қаратилган эди. Бу сиёсатдан дворян-помешчиклар синфидан ташқари, тобора ривожланиб ва кучга кириб бораётган рус буржуазияси, айниқса тўқимачилик саноатининг эгалари манфаатдор эдилар. Туркистон мўмай даромад манбаи сифатида ҳам чор Россиясининг хазинасини бойитиб бораётган эди. Бу даромадлар 1867—1896 йилларда 4 баробарга кўпайди, аҳолидан олинадиган солиқлар 1889—1893 йилларда 40 фоизга ошди. 1869—1896 йиллар давомида империя хазинаси ўлкадан 158 миллион сўм даромад олди².

Туркистоннинг бойликларини талашда империя марказини мустамлака билан туташтирувчи темир йўл мустамлакачиларга қулай келди. Каспийорти, Сибирь ва Оренбург темир йўллари Россия империясининг Европа ва Осиё қисмини ўзаро бирлаштириб, ўлкаларни империянинг мол алмашинуви жараёнига жалб этди. Метрополиядаги капиталистик муносабатларнинг ривожини мустамлакаларни ҳам ўз домига тортди. Туркистон ўлкаси ҳам бу жараёнга жалб этилиб, унда ҳам марказ манфаатларига мос келган капиталистик муносабатлар ривожлана бошлади. Ўлканинг биргина Фарғона вилоятида XX аср бошида 157 пахта тозалаш заводи бўлиб, улар маҳаллий, рус ва чет эл капиталистларига қарашли эди. Туркистоннинг Самарқанд, Сирдарё ва Фарғона каби уч вилоятида 1867—1900 йиллар мобайнида 170 саноат корхонаси очилган бўлса, 10 йил давомида (1900—1910) яна 220, 4 йил ичида (1910—1914) эса 180 корхона ишга туширилган³.

Ўлка фабрика- завод саноатининг асосини ҳам худди шу

¹ «Хуррия» газетаси, 1917 йил 15 август.

² *Стеткевич А.* Убыточен ли Туркестан для России? СПб, 1899, 7-бет.

³ ЎзР МДА, 36-жамғарма, 1-рўйхат, 3298-иш, 42-варақ.

пахта тозалаш корхоналари ташкил этгани тасодифий эмас, албатта. Чунки метрополиянинг саноат соҳасидаги сиёсатини рус буржуазияси белгилар, унга эса ўлканинг пахтаси биринчи навбатда зарур эди. Князь Масальскийнинг таъбирича, пахтачиликни ҳар томонлама ривожлантириш рус тўқимачилик саноати учун «яқин келажакда ҳаёт-мамонт масаласига айланади»¹. Генерал-губернаторнинг ёзишича, Туркистоннинг империяга кўрсатадиган буюк иқтисодий хизмати ҳам ана шунда эди. Рус тўқимачилик саноати Туркистон пахтачилигининг ривожи туфайли жаҳон бозорида мустаҳкам маррани эгаллади. 1900 йилда Туркистон пахтаси рус саноати эҳтиёжининг 25 фоизини ташкил қилиб, бу рақам йил сайин ошиб борди ва биринчи жаҳон уруши арафасида 50 фоизга етди. Империя газлама саноатининг гуркираб ўсиши ана шу пахта туфайли эди. 1889—1916 йиллар орасида америка нави экиладиган Туркистон ўлкаси пахта майдонлари 7 баробар кенгайганининг боиси ҳам шунда эди². Биргина Қўқоннинг ўзидагина 1900 йилда 22 та пахта тозалаш заводи ишлаган. Арзон хом ашё асосида ишловчи ёғ, вино, пиво, колбаса заводлари, ўлка ер ости бойликларини ўзлаштирувчи тоғ-қон корхоналари пахта тозаловчи заводлардан кейинги ўринда турган.

1884 йилдан рус саноатчилари «Америка» навли пахтани ўлкада катта майдонларда эктиришларидан сўнг империя тўқимачилик саноати қорчалонларининг иштаҳаси очилиб кетган эди. 1889 йилда бундай нав 50 минг, 1895 йилда 100 минг таноб майдонга экилди. 1901 йилга келиб эса ўлкада 186326 таноб ерни эгаллаган пахтадан 174026 таноби рус саноати эҳтиёжи учун мўлжалланган америка навига тегишли пахта эди. Рус ишбилармонлари ва чет эл фирмаларининг махсус пахта плантациялари ҳам шитоб билан ўз майдонини кенгайтириб борди. Г.Беляков, Н.Раевский, С.Тарсин каби плантаторлар америка навли пахтани Туркистонда кенг тарқатиш ишининг ташаббусқорлари ва бошловчилари бўлишди. Энг катта плантация Катта Ярославль мануфактурасига тегишли эди (2750), кейингиси эса рус келгиндиларининг Андреев хутори (Андижон уезди) бўлиб, у 700 таноб майдонни эгаллаганди.

XX аср бошларида пахтачилик Туркистон саноати ва қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг 40 фоизини ташкил этган бўлса, дон — 37 фоиз, бошқа экинлар эса 1,2 фоизни ташкил қилган. Пахтачилик империянинг чет элларга сарфлайдиган 70 миллион олтин пулини тежашда ёрдам бергани ҳам тўқимачилик, газлама саноати гуркираб ўсишига туртки берди.

Туркистон ўлкасидан 1906 йилда 566878, 1909 йилда — 1102876, 1913 йилда — 2115119, 1915 йилда эса 2426298 пуд

¹ Туркестанский край. Т. XIX, СПб, 1913, 559-бет.

² ЎзР МДА, 1-жамгарма, 5-рўйхат, 939-иш, 6-варақ.

пахта Россия тўқимачилик саноатига етказиб берилди. Шунга қарамай, пахтанинг нархи ниҳоятда паст эди. 1913 йилда пахта нархи 50 фоиз оширилганда мустамлака маъмурияти атайлаб энг муҳим озиқ-овқат маҳсулотлари баҳосини 400—500 фоизга оширди. Ноннинг нархини 6 мартага кўтариб, пахта нархини эса 20 фоизга камайтирди¹.

Рус мустамлакачилари Туркистондан 1914—1916 йиллар мобайнида 59 миллион пуд пахта, 8,5 миллион пуд пахта ёғи, 950 минг пуд пилла, 2925 минг пуд тери, 300 минг пуд гўшт, 229 минг пуд совун, 474 минг пуд балиқ олиб кетдилар.

Туркистон ўлкаси империянинг хом ашё манбаи бўлишидан ташқари у Россиянинг Европа бозорларида рақобатга дош бера олмайдиган ўтмас матоҳларнинг сотиладиган қулай бозорига ҳам айлантирилди. XX аср бошларида Туркистонга келтириляётган темир, мис, чинни идишлар, газлама ва бошқа маҳсулотлар миқдори 8 марта кўпайган². Хусусан, биргина Фарғонага Москвадан — 605412, Ирбитдан — 5000, Нижний Новгороддан — 71233, Оренбургдан — 23910, Лоуздан — 33600 рублик моллар келтирилган³.

1895 йилнинг бир ўзида Россиядан Туркистон ўлкасининг Фарғона вилоятига 6010005 рублик рус моллари келтирилган. Метрополиядан 1914 йилга келиб бир йилнинг ўзидагина Туркистонга 243,6 миллион рублик мол келтирилиб сотилгани ҳам ўлканинг рус товарлари учун қулай бозорга айланганини яққол кўрсатади. Мутахассисларнинг ҳисоб-китобига кўра, Россиядан келадиган молларнинг 40 фоизини газлама, 15 фоизини озиқ-овқат, 11 фоизини металлни қайта ишлаш, 7 фоизини ёғочни қайта ишловчи, 6 фоизини кимё саноати маҳсулотлари ташкил қилган⁴.

Рус фирмалари ва ширкатлари молларнинг турлари бўйича Туркистон бозорида ўз монополияларини ўрнатиб олишган эди. Хусусан, чой савдосини Швецов, Синицин, Лушников фирмалари эгаллаб олган эдилар. Бу фирмалар 1902 йилда 26222 пуд, 1903 йилда эса 26327 пуд чойни сотишган. Чинни буюмлар савдоси эса Кузнецов ва Гарднер ширкати монополиясида эди. «Владимир Алексеев», «Братья Каменские», «Барон А.Кноп», «Братья Шлюсберг» каби савдо уйлари, «Шипс, Стукен и К°», «Ярославль катта мануфактура» ширкатлари, Москва савдо-саноат ширкати ҳам Туркистон бозорида ҳукмрон мавқени эгаллаган эдилар.

Рус капиталистлари ўз манфаатларини ўйлаб қайта ишлаш саноатини ўстиришни истамаганлар ва асосий капиталларини савдо-сотик муомаласи доирасига сарфладилар. 1913 йилдан

¹ ЎзР МДА, 461-жамғарма, 1-рўйхат, 1676-иш, 2-варақ.

² ЎзР МДА, 1-жамғарма, 1-рўйхат, 2599-иш, 2-варақ.

³ ЎзР МДА, 19-жамғарма, 1-рўйхат, 23742-иш.

⁴ ЎзР МДА, 19-жамғарма, 1-рўйхат, 24156-иш, 33-варақ.

1915 йилгача Москва ва Санкт-Петербургнинг фирма ва ширкатлари ўлка хўжалигига сарфлаган 313 миллион сўм маблағнинг 60 фоизи кредит тармоғига тўғри келган. Туркистондаги хусусий тижорат банклари икки катта корчалон гуруҳни: Москва ва Петербург банкларини ташкил қилиб, ўлка иқтисодий ҳаётида ҳал қилувчи роль ўйнаган. Мунтазам ўтказиб келинган иқтисодий зўравонликнинг оқибатларидан расмий идоралар ташвишга тушгани ҳақида маълумотлар кўп. Хусусан, таниқли мутахассислардан Н.П.Верховский чоризмнинг Туркистонни хонавайрон қилувчи иқтисодий сиёсатини танқид қилиб, 1909 йилда бундай деб ёзган эди: «Бундай ижтимоий-иқтисодий эволюциянинг бориши ўлкани буткул хонавайрон қилибгина қолмай, барча руслардан ётсирашга олиб келади. Хонавайрон бўлган аҳолининг иқтисодий норозилигини кучайтириб, ҳукуматга ва русларга қарши ташвиқот учун қулай замин яратадиган нуфусини вужудга келтиради»¹.

1916 йил 4—6 март кунларида бўлиб ўтган Туркистон қишлоқ хўжалиги жамияти мажлисида пахтачилик билимдони ҳисобланган С.Понятовский Россиядан келтирилаётган газлама, темир, мис буюмлар, чой ва дон маҳсулотларига ҳеч қандай чекланишсиз нарх-наво қўйилгани ҳолда, масалан, биргина ёғнинг нархи 1913—1916 йиллар давомида 20 баробар кўтарилгани ҳолда пахтага нарх қатъий нормада сақланиб қолаётганига диққатни қаратади. «Москва, — деган эди у, — бизнинг Ўрта Осиё пахта толасига ниҳоят катта эътибор бераётганини кўриб турибмиз ва бу эътибор келгусида улкан фалокатга олиб келади»².

Пахта якка ҳокимлиги Туркистон саноатига тамоман мустамлака тусини бериб, уни метрополия буржуазиясига рақобатчи эмас, балки унга хизмат кўрсатувчи соҳага айлантирган эди. Рус буржуазияси ва шаклланиб бораётган Туркистон буржуазияси ўртасидаги муносабатда ҳам шу ҳолат ўз аксини топди.

Марказдаги капиталистлар, чет эл фирмалари билан ҳамкорликда Туркистон бойликларини ўзлаштириш ишида маҳаллий буржуазияни ўзига воситачи қилиб олган эди. Рус буржуазияси Туркистон саноати, қишлоқ хўжалиги ва ер ости бойликларини ўзлаштириш ишига нисбатан, капиталистик муносабатлардан келиб чиққан ҳолда сиёсат ўтказар ва ана шу масалада дворян-помешчиклар билан тўқнашар эди. Рус подшошининг саройи, Давлат Кенгаши ва Министрлар Қўмитасида асосий ўринларни эгаллаган дворян-помешчиклар эса Туркистонга нисбатан ҳарбий-феодал сиёсат юритиб, очиқдан-очиқ унинг бойликларини талаш, ер-сувларини тортиб олиш тарафдорлари эди. Ҳар икки синф манфаатларини мувофиқлаштиришга уринган подшолик

¹ Туркестанские сельское хозяйство, 1909, №22, 839-бет.

² Уша ҳужжат, 1916, №5.

шунинг учун ҳам мустамлакаларда «Ҳарбий-феодал империализми» сиёсатини ўтказиб келарди. Александр II (1856—1881), Александр III (1881—1894) ва Николай II (1894—1917) ҳукуматлари таркибига кирган дворян-помешчикларнинг ҳал қилувчи мавқеи рус буржуазиясининг норозилигини уйғотарди. Буржуазия мустамлака сиёсатини ўтказишни монополистик капитализмга хос бўлган янги усулларда: капитал чиқариш, қарз бериш, концессиялар олиш, хом ашё манбаларини қўлга киритиш каби воситалар ёрдамида амалга оширишни истаса, дворян-помешчиклар эса ўлка ерларини тортиб олиб, рус помешчикларига бўлиб бериш, иқтисодий характерга эга бўлмаган воситаларни ҳарбий куч ва зўравонлик билан патриархал-феодал муносабатларни сақлаб қолиш тарафдорлари эдилар. Бошқа соҳалардаги каби худди шу мустамлака сиёсатини ўтказишда дворянларнинг устиворлиги рус буржуазиясини подшо ҳукуматига қарши қайрарди.

Шубҳасиз, шу йилларда Туркистон ўлкасида ишчилар синфи билан баробар маҳаллий буржуазия ҳам шаклланиб, ўз ҳақ-ҳуқуқларини таний бошлаган эди. Рус ва чет эл капиталистлари билан ҳамкорликдаги фаолият давомида тижорат илмини ўзлаштирган маҳаллий буржуазия қаддини ростлаб, жаҳон бозорига чиқишга ҳам урина бошлаганди. Андижонлик Миркомил Мирмўминбой ҳожи ўғли (1860—1919) ана шундай йирик ўзбек буржуазиясининг ёрқин намояндаси эди. XX аср бошларида унинг шахсий бойлиги 15 миллионга яқин бўлган ва у «Ака-ука Шлюсберг», «Кноп», «Ака-ука Стенцум» фирмалари, Москва ҳисоб банки, Рус - Хитой банки, Рус Осие банки ва бошқа савдо-сотик фирмалари ҳамда банклари билан ҳамкорликда фаолият кўрсата бошлади. Миркомилбойнинг 5 та пахта тозалаш заводи, 5 минг таноб ери, 300 дан ортиқ дўконлари, 4 та катта боғ-узумзори, 6 миллиондан ортиқ нақд пули, қимматбаҳо қоғоз, акциялари бўлган¹. Рус капиталистларининг воситачи хизматкори бўлиб ўз халқини талашда қатнашган, судхўрлик қилган ва ҳар хил йўллар билан бойлик орттирган бошқа тижоратчилардан фарқли ўлароқ, у рус ва чет эл капиталистлари билан муваффақиятли рақобат қила олган, тадбиркор ва маърифатпарварлиги билан ҳам ўз биродарларидан кескин ажралиб турган. Рус мустамлакачилари уни ёмон кўришса ҳам у билан ҳисоблашишга мажбур бўлишган.

Миркомил Мирмўминбой ҳожи ўғли ва Аҳмадбек ҳожи Те-мурбеков каби андижонлик мулкдорларнинг илғор вакиллари ижтимоий-иқтисодий адолатни интиқиб кутаётган ишчи, ҳунарманд ва деҳқонлар мафкурасини XX аср бошларида ўз фаолиятларида намоён эта бошладилар.

¹ ЎзР МДА, 19-жамғарма, 4-рўйхат, 178-иш, 97-варақ.

4. МУСТАМЛАКАЧИЛИК ДАВРИДА ТУРКИСТОН АҲОЛИСИ. ХУНАРМАНДЧИЛИК, САНОАТ, ШИРКАТЛАР ВА ТИЖОРАТ

Туркистон аҳолисининг Россия босқинидан кейинги нуфузи ва умумий сони ҳақида аниқ маълумотлар йўқ. Император Александр III нинг топшириғига кўра Туркистон ўлкасини тафтиш қилган (1882—1884) Ф.Гирсининг аниқлашича, Туркистонда ҳаммаси (эркак ва аёл) бўлиб 2406000 киши истиқомат қилган ва шундан эркаклар сони тахминан 1200000 кишини ташкил этган. Манбаларнинг гувоҳлик беришича, XX аср бошида ўлкада 7464100 киши, Бухоро амирлигида 2236437, Хива хонлигида эса 640 мингдан кўпроқ киши яшаган¹.

Туркистон Хазина Палатаси томонидан солиқ тўловчиларнинг сони ва уларнинг иқтисодий имкониятларини аниқлаш мақсадида тузилган ижтимоий хўжалик бошқармаси ҳужжатларида кўрсатилишича, 1884 йилда Кўқон шаҳрида 7711 ҳовли бўлиб, уларда 60 минг ўзбек, 2400 тожик, 420 қирғиз, 410 лўли, 302 рус, 72 дунган, 21 ҳинд, 17 афғон истиқомат қилган. Кўқон шаҳри аҳолисининг умумий сони 63642 кишига етган. «Умуман олганда, — деб ёзган эди Гирс, — Туркистон ўлкасининг аҳолиси империянинг бошқа қисмларида истиқомат қилувчи мусулмон аҳоли сингари рус ҳукуматига нисбатан яхши муносабатда эмаслигини пайқамасликнинг иложи йўқ. Шубҳа йўқки, ўзининг сиёсий мустақиллигини йўқотиб қўйган халқда ўтмишини эслаш унинг голибга нисбатан бўлган муносабатида ёқимсиз таъсирини ўтказмай қолмайди. Бироқ ҳукуратимиз бу туйғуни юмшатиш учун мағлуб халқнинг иқтисодий аҳволини яхшилаш борасида кўп ишларни амалга оширди»². Империя Давлат кенгашида Туркистон аҳолисининг руслар билан бирга таълим олишлариغا йўл қўйиш масаласи муҳокама этилганда, Россия империяси ҳарбий вазири генерал-адъютант граф Д. Милютин ҳам, халқ маорифи вазири, ҳақиқий махфий маслаҳатчи граф Д. Толстой ҳам Гирсининг юқоридаги гапларига ҳамоҳанг фикрлар билдиришган эди. Ҳар икки вазир ҳам маҳаллий аҳоли, хусусан, ўзбеклардан ташкил топган ва савдо ва деҳқончилик билан шуғулланаётган мулоим табиати билан ажралиб турган мусулмон аҳолини ёппасига мутаассиб деб аташ адолатдан бўлмаслигини қайд этишган. Вазирлар «уларнинг руслар билан бирга таълим олишлариغا рухсат бериш» мумкинлигини эътироф этишган.

XIX аср охирларида ўлкада саноат ишлаб чиқариши асосан аҳолининг майший эҳтиёжларига хизмат кўрсатувчи майда хунармандчиликдан иборат эди. Саноат ибтидоий босқичда эди.

¹ ЎзР МДА, 1-жамғарма, 25-рўйхат, 26-иш, 18-варақ.

² ЎзР МДА, 1-жамғарма, 12-рўйхат, 923-иш, 8-варақ.

Кўчманчи аҳоли орасида ҳунармандчилик: кигиз тайёрлаш, уй жиҳозлари ишлаб чиқариш, оила эҳтиёжи учун тери ва мўйна ишлаб чиқариш кенг йўлга қўйилган эди. Бу ерда кигиз (намат) тайёрлаш анча ривож топган, чунки унга талаб ҳамма вақт катта бўлган. Умуман, Туркистонда бўз, атлас, шойи тўқиш, дўппидўзлик, темирчилик, заргарлик кенг ривож топган. Қандолатчилик, ширмонпазлик, новвойлик ҳам тараққий этган.

Уй-рўзгор ишларида, хўжаликда керак бўладиган барча жиҳозлар: эгар-жабдуқ, сандиқ, мис идишлар, халатлар, чарм буюмлар, сопол, ёғоч, кумуш, олтин буюмлар, кетмон, пичоқ, махси, калиш ва шу каби кўпгина нарсалар ишлаб чиқарилган.

Минтақа иқтисодиётини ўрганиш учун Тошкентда очилган Ўрта Осиё саноат ва қишлоқ хўжалигига доир биринчи (1886) ва иккинчи (1890) Туркистон кўрғазмаларида маҳаллий ҳунармандлар ҳамда саноат корхоналари ишлаб чиқарган буюмлар, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари намойиш қилинганда гилам тўқувчилар, қуrolсозлар, заргарлар ва тўқувчиларнинг тайёрлаган буюмлари кўрғазма иштирокчиларининг диққат-эътиборини қозонган эди.

Шуни ҳам айтиш керакки, шаҳар ҳунармандлари XIX асрнинг иккинчи ярмида пахта йигириш учун чарх, қўлбола тўқув дастгоҳини ишлаб чиқардилар. Бу буюмлар анча оддий бўлиб, ундан фойдаланишни ўрганиш учун кўп вақт талаб қилинмас, махсус малакага эга бўлишнинг ҳам ҳожати йўқ эди.

XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб Россиядан саноат маҳсулотларининг келтирилиши ортиб борган сари маҳаллий ҳунармандчилик ишлаб чиқариши инқирозга учрай бошлади. Тўқувчи қўл дастгоҳида 17—18 соатдан ишлаб бор-йўғи 4—8 аршин (1 аршин 72.12 смга тенг) мато ишлаб чиқарар, лекин оладиган маоши арзимаган миқдорда эди. Хонавайрон бўлган ҳунарманд-косибларнинг сони ортиб борди.

Хонликлар Россия тарафидан босиб олинишига қадар уларда фабрика ва мануфактура ишлаб чиқариши бўлмаса-да, баъзи тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, «уйда ишлайдиган деҳқон ҳунармандчилигига асосланган марказлашган, шунингдек асосан тарқоқ ҳолдаги мануфактураларнинг куртаклари мавжуд бўлган». Самарқанд, Марғилон, Қўқон, Андижон, Бухоро шаҳарлари ўлканинг ҳунармандчилик марказлари ҳисобланар эди. Бухорода 1841 йилда 6 та чўян қўйиш цехи бўлиб, уларда қишлоқ хўжалик қуrollари, тўплар учун ядро ишлаб чиқарилган. Худди шундай корхоналар бошқа хонликларда ҳам мавжуд эди. Биргина Тошкент шаҳрининг ўзида 1870 йилда 775 га яқин тўқувчилик устахонаси фаолият кўрсатиб турган. Туркистон ўлкасида рус капиталига хизмат кўрсатувчи катта-кичик корхоналар сони ҳам аста-секин ортиб борган. Бу хусусда генерал-

губернатор фон Кауфманга Тошкент шаҳрининг руслар яшайдиган қисмидаги фабрика ва заводлар ҳақида берилган маълумотлар диққатга муносибдир¹.

Тошкент шаҳридаги фабрика ва заводлар сони

Корхоналар	1872 йил	1873 йил
Заводлар:		
Совун ишлаб чиқарувчи	17	17
Кўн ишлаб чиқарувчи	90	91
Гишт ишлаб чиқарувчи	35	34
Вино ишлаб чиқарувчи	5	6
Пиво ишлаб чиқарувчи	1	2
Фабрикалар:		
Пиллакашлик	3	3
Тўқувчилик	430	420
Бўяш	14	14

Кўриниб турибдики, тўқувчилик устун даражада ривожланган бўлиб, улар аҳолига ҳам турли матолар етказиб берган. Фабрикаларда тўқилган газламалар ўлкага оммавий тусда келтирилиши муносабати билан ярим кустар корхоналар сони камайиб борган. Бу жараён ҳақида қуйидаги маълумотлар аниқ тасаввур беради:

1890—1913 йилларда Туркистондаги хунармандчилик-тўқувчилик ишлаб чиқариши

Кўрсаткичлар	Фарғона вилояти		Сирдарё вилояти	
	1890 йил	1913 йил	1890 йил	1913 йил
Корхоналар сони	869	754	230	20
Ишчилар сони	934	817	246	36
Маҳсулот (минг рубл)	200.6	149.4	49.8	18.8

¹ Бу маълумотлар тадқиқотчи А.Тожибоев томонидан ишланган. Туркистон саноати, темир йўл ишчилари ҳақидаги ахборотлар ҳам шу тадқиқотдан олинган.

Жадвалдан кўриниб турибдики, ана шу йиллар орасида корхоналар сони 43 марта, уларда ишлаб турган ишчилар сони деярли 26 баробар, ишлаб чиқарилган маҳсулот қиймати 10,7 баробар қисқарган. Худди шундай аҳволни бошқа вилоятлар ва хунармандчилик корхоналарида ҳам кўриш мумкин.

Ўлка забт этилгандан сўнг маҳаллий саноатнинг ривожланиши пахтани қайта ишлаш билан бевосита боғлиқ бўлиб қолди. Пахта тозалаш, ёғ, совун пишириш корхоналари тармоғи кенгайди. Туркистондаги биринчи пахта тозалаш заводи 1874 йилда Тошкентда қурилди. 1880 йилда Олимхўжа Муҳаммаджонов Андижонда пахта тозалаш заводи қурди, саноатчи Л.Югович 1881 йилда Каттакўрғонда шундай завод барпо этди. 1890 йилда эса Андижон туманининг Бўтақора қишлоғида пахта заводи ишга туширилди. У кўп тармоқли агросаноат корхонаси бўлган « Андреев хутори» номли савдо-саноат ширкати таркибига кирди. Завод бир кеча-кундузда тахминан 1800 пуд пахтани чигитдан тозалаган. Мавсум мобайнида 200 минг пудгача (3200 т) пахтани тозалаш имкониятига эга бўлган.

Хуллас, 1880—1914 йиллар орасида қарийб 220 та пахта тозалаш заводи қурилди. Бундай заводлар Бухоро амирлигида ва Хива хонлигида ҳам барпо этилди. Масалан, Бухоро амирлигида 1905 йилда 9 та, 1913 йилда эса 26 та пахта заводи ишлаб турган. 1890 йилда Хива хонлигида 81 та саноат корхонаси бўлиб, улардан 27 таси нисбатан йирик корхоналар эди. 1917 йилги февраль инқилоби арафасида Хива хонлигида 36 та пахта тозалаш заводи, 4 та ёғ ва совун ишлаб чиқариш заводлари ишлаб турган. Пахта тозалаш заводларининг эгалари савдогарлар ва йирик ер эгалари бўлиб улар орасида ака-ука Вадьяевлар, Фузаловлар, Юсуфбоевларнинг салмоғи катта бўлган.

Дастлабки ёғ ишлаб чиқариш заводлари 1884 йилда Қўқон ва Тошкентда пайдо бўлди. 1897 йилда Каттакўрғонда ҳам ёғ заводининг қурилиши ўлкада йирик ёғ ишлаб чиқариш корхоналарининг пайдо бўлишига асос яратди. 1915 йилда бу ёғ заводи қарийб 2 млн. пуд ёғ, 5 млн. пуддан кўпроқ кунжара, 5 млн. пудга яқин шулиха ишлаб чиқарган. Ёғ ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг анчагина қисми Фарғонада жойлашган. Бу ерда тайёрланган ўсимлик ёғининг талай қисми Россияга, кунжара Германия ва Англияга олиб кетилган.

Пахта саноатчиларининг йирик монопол бирлашмалари ҳам вужудга келди. 1915 йилнинг июлида 5 та йирик фирмани бирлаштирган «Бешбош» савдо-саноат ширкати ташкил этилди. 1892 йилдан 1915 йилгача ўлкада Давлат банкларининг 10 га яқин бўлимлари ва хусусий тижорат банкларининг 40 та бўлими очилди. Банк-молия капитали Ўрта Осиё иқтисодиётининг барча соҳаларига кириб борди. Дастлабки монополиялар пахтачиликда ва у билан боғлиқ бўлган ёғ ишлаб чиқариш соҳасида вужудга келди. Лекин улар ички жамғармалар ҳисоби-

га эмас, балки Россия молия капитали томонидан ташкил этилди. Туркистон ўлкасига хорижий фирмалар ва уларнинг капиталлари ҳам кириб келди. Улар орасида жаҳонга машҳур «Зингер» фирмаси алоҳида ўрин тутди. Россияни ўлка билан боғлаган темир йўллар ишга туширилгач, рус ва чет эл капиталининг Туркистонга кириши учун катта имкониятлар очилди.

Ўрта Осиё (1880—1898 йиллар), Тошкент-Оренбург (1901—1906 йиллар) темир йўллари давлат хазинаси маблағи ҳисобига, Фарғона (1911—1916 йиллар), Бухоро (1914—1916 йиллар), Еттисув (1912—1917 йиллар) темир йўллари эса ҳиссадорлик жамиятлари ҳисобига қурилди.

Темир йўлларнинг қурилиши, ҳаракат тартибининг ўсиб бориши ва ташиладиган юклар ҳажмининг кўпайиши жойларда қудратли таъмирлаш базасини вужудга келтиришни талаб қиларди. Темир йўллар ёқасида уларга хизмат кўрсатадиган устахона ва деполар қурила бошланди. 1882 йилда Қизил Арвот вагон-таъмирлаш, 1900 йилда Тошкент ва Красноводск устахоналари ишга туширилди.

Ўлкада 1895 йилдан 1914 йилгача 11 та уруғ заводи, ўнлаб кўн, гишт, оҳак қиздириш, мис эритиш, жун ювиш цехлари, вино, пиво, фармацевтика, озиқ-овқат корхоналари ишга туширилди.

Электрлаштириш ҳали бошланғич ҳолатда эди. Фақат бир нечта йирик корхоналарда электр аппаратлари мавжуд эди, холос. «Чимён» ҳиссадорлик жамиятининг нефть ҳайдаш заводи ўзининг дизел электр станциясидан қувват олган. Қовунчи қанд заводи эса хусусий ГЭС ига эга бўлган. Туркистон ўлкасида электр қувватининг ишлатилиши ҳали бошланғич босқичда бўлса, Фарбий Европа мамлакатлари 30—50 йил олдин бу йўлни босиб ўтишган. Агар 1913 йилда Россияда аҳоли жон бошига фақат 14 квт. соат электр қуввати тўғри келган бўлса, Туркистондаги аҳоли жон бошига 1 квт. соат электр қуввати ишлаб чиқарилган.

Шуни унутмаслик керакки, XX аср бошларида ўлканинг саноат жиҳатидан ривожланиши Россияга қараганда анча пастроқ даражада эди. 1908 йилги саноат корхоналари рўйхати маълумотларига қараганда, бу ерда 378 та саноат корхонаси мавжуд бўлиб, у бутун Россия империясидаги барча саноат корхоналарининг 2%ини ташкил этган. Вилоятларда саноат бир хилда ривожланмаган. 1880 йилдан 1914 йилгача Фарғона вилоятида 224 та, Самарқанд вилоятида 163 та, Еттисув вилоятида 107 та корхона бунёд этилган. Саноат корхоналарининг 60 фоизи ўлканинг йирик шаҳарларида жойлашган.

Яна шуни ҳам айтиш керакки, ўлкадаги ишчиларнинг асосий қисмини (70%ини) мавсумий ишчилар ташкил этган. Бу ҳол пахта етиштиришга хизмат кўрсатувчи корхоналарнинг устуворлиги билан белгиланди. Пахта тозалаш, жун, ёғ саноатида

мавсумий меҳнат оммалашган эди. Корхоналар ҳажмининг кичиклиги, техника таъминотининг заифлиги доимий ишчи кадрлар пайдо бўлишини секинлаштирди. Доимий ишчи кадрлар аввало кон қазиш саноатида ва темир йўл қурилишида кўпроқ вужудга келди. 1912 йилда Сирдарё, Фарғона ва Самарқанд вилоятларида жами ишчилар 1904 кишини ташкил қилди.

Темир йўлда ишловчи туб миллат вакиллариغا нисбатан мустамлакачилик сиёсати ўтказилган. Натижада маҳаллий аҳоли вакилларининг кўплари бу соҳадан сунъий равишда четлатилган. Буни қуйидаги жадвалдан ҳам билса бўлади:

Каспийорти темир йўлдаги ишчи ва хизматчиларнинг миллий таркиби (темир йўл солдатлари бунга кирмайди)

Миллатлар	1895 йил 1 сентябргача	1899 йил 1 январгача
Руслар	2803	4280
Ўзбеклар	174	25
Туркманлар	75	29
Эронийлар	240	60
Татарлар	—	5
Яҳудийлар	—	17
Немислар	48	42
Арманлар	11	6

Темир йўллар фойдаланишга топширилгандан кейин маъмурлар ходимлар штатларини асосан Россиянинг марказий вилоятларидан кўчириб келтирилган ишчилар ҳисобига тўлдиришди. Улар бу ерга темир йўлчиларни имтиёзли шартлар билан олиб келдилар, улардан махсус ҳарбий қисмларда фойдаланилди. Темир йўлда ишловчи солдатларнинг иш малакаси турлича эди. Малакали ишчиларнинг бир қисми ҳарбий хизматни ўтаб бўлган солдатлар эдилар. Шу тариқа ишга қабул қилишда рус миллатига тегишли кишиларга катта имтиёз берилган. Маҳаллий аҳоли вакилларининг темир йўлга ишга кириши анча мушкул бўлган. Буни шундан ҳам билса бўладики, XX аср бошларида Каспийорти темир йўли қурилишидаги 6 минг ишчининг 81,3% ини руслар ташкил қилган¹.

Маҳаллий аҳолидан темир йўлга оммавий киришни чеклаш мақсадида подшо маъмурияти махсус тартиб-қоидалар жорий этди. Масалан, насроний динида бўлмаган киши бош темир

¹ Путеводитель по Туркестану и Среднеазиатской железной дороге от Кизил-Арвата до Ташкента. СПб, 1903, 20-бет.

йўл устахонасида ёки депода машинист, кондуктор, чилангар, ўт ёқувчи бўлиб ишлаши мумкин эмас эди. Мисол тариқасида мана бу фактни келтириш мумкин: 1894 йилда бечораҳол Омонов чилангар бўлиб ишга кириш мақсадида насроний динини қабул қилишга мажбур бўлган ва чўқинтирилган куннинг эртасига ишга қабул қилинган. Қора ишчиларнинг бош темир йўл устахонасига ишга кириши айниқса қийин эди. Ишга кирувчилардан яна 3 ой мобайнида бепул синов муддатини ўташ ҳам талаб қилинган. Шунини ҳам айтиш керакки, ишга кириш синовидан муваффақиятли ўтган киши кунига 15—20 тийиндан ҳақ олган. Ишга кириш вақтида пора олиш, иш ҳақини пасайтириш, арзимаган сабаблар билан ишдан бўшатиш, жарима солиш одат тусига кирган.

Ўлка саноат корхоналарида меҳнат шароити ниҳоятда оғир бўлиб, меҳнатни муҳофаза қилишга мутлақо эътибор берилмаган. Фабрика механикларидан бирининг хабарига кўра, 1907 йилнинг июлида «Катта Ярославль мануфактураси» ширкати заводларидан ўзбек ишчиларидан 18 киши шикастланган. Улардан 12 киши мутлақо ишга яроқсиз бўлиб қолган. 1906 йилда «Чимён» нефть конларида 53 киши майиб бўлган. Шикаст топганларнинг кўплари маҳаллий миллат вакиллари эди. Биргина 1911 йилнинг ўзида Ўрта Осиё темир йўлида 2938 бахтсиз ҳодиса рўй берган. Ишчиларни суғурта қилиш эса корхоналарнинг айримларидагина мавжуд эди, холос. Завод, фабрика ва шахталарнинг эгалари кўп ҳолларда бахтсиз ҳоллар рўй берганлигини яширишар ёки уларнинг сонини атайлаб камайтириб кўрсатишган.

Ишчилар сафида хотин-қизлар ҳам бўлгани ҳақида маълумотлар бор. Ўзбек аёлларидан асосан саноатнинг пилла қуриши ва қурт уруғи олиш тармоқларида фойдаланилган. Пилла қуриши фабрикаларида аёллар 56,5 фоизни ташкил қилган. Хуллас, 1914 йилда ўлканинг фабрика-завод саноатида 3672 аёл, шу жумладан, 2417 ўзбек аёли ишлаган.

Капиталистлар қурилиш ишларида арзон ишчи кучига эҳтиёж сезган. Шунинг учун ҳам подшо маъмурияти ўлкага чет эл фуқароларининг иш излаб келишига тўсқинлик қилмаган. Фарғона водийсига фақат Кошғардан 1904 йили 14556 киши, 1905 йили 13337 киши, 1907 йили 25056 киши, 1909 йили 12725 киши, 1911 йили 26463 киши, 1912 йили 27174 киши ишлаш учун келган¹. Афғонистон, Эрон, Шарқий Туркистондан иш қидириб келган кишилар паспортсиз яшаб амалда ҳуқуқсиз бўлиб қолган эдилар. Улар қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналарида, конлар ва шахталарда, қурилишларда ва темир йўлда қора ишчи бўлиб ишлар эдилар.

¹ Юферов В. И. Труд хлопковых хозяйств Туркестана. СПб, 1914, 22—23-бетлар.

Шундай қилиб, ўлка ҳудудида маҳаллий ва рус ишчилари билан бир қаторда қўшни мамлакатлардан иш қидириб келган кишилар ҳам бўлиб, улар ишчи малакасига эга бўлишмаган.

1914 йилда ўтказилган тафтиш натижасига кўра, саноат ишчиларининг умумий сони 49,5 минг киши бўлиб, улардан 25,5 минг киши, яъни 51 фоизи саноатда, қолган 24,4 минг киши эса (49 фоиз) темир йўлда ва темир йўл устaxonаларида ишлаган. Россия мустамлакачилик сиёсатининг асосини авваламбор рус капитализмининг иқтисодий манфаатларини ҳимоялаш ва эҳтиёжларини қондириш муаммоларини ҳал қилиш ташкил қилган.

Юқорида айтилганидек, Россия капитализми учун Туркистон арзон хом ашё манбаи сифатида муҳим аҳамиятга эга эди. Туркистон билан Россия ўртасида темир йўл алоқасининг ўрнатилиши деҳқон хўжалигининг Умумроссия бозори тасарруфига тортилишини тезлаштирди. XIX асрнинг охиригача чорагидан ўлка қишлоқ хўжалигида саноат учун пахта етиштириш билан боғлиқ бўлган катта ўзгаришлар даври бошланди. Пахтачиликнинг дастлабки таъсири икки йўналишда намоён бўлди. Биринчиси, пахта майдонлари буғдой экиладиган, суғориладиган ерлар ҳисобига кенгайтирилди. Иккинчиси, аввал асосан ўз хўжалигининг эҳтиёжини қондириш учун пахта экадиган деҳқон сўнгра бозор учун маҳсулот етиштириш билан шуғуллана бошлади. Чунки мавжуд шароитда пахтага ихтисослашиш, уни бозорга сотиш иқтисодий жиҳатдан фойдалироқ бўлиб қолди. Туркистонда деҳқон хўжалигининг бозор муносабатларига мослашиш суръатлари Фарбий Европага нисбатан ниҳоятда кам вақтни талаб қилди.

Пахтачиликнинг йил сайин кенгайиши натижасида XX асрнинг биринчи ўн йиллигида Туркистон қишлоқ хўжалиги бозор муносабатлари устиворлиги шароитида дастлабки иқтисодий тангликка учради. Унинг келиб чиқиш сабаби асосан майда деҳқончилик хўжалигининг молиявий қийинчиликларга дуч келишида эди.

Европада деҳқон хўжалигининг бозор муносабатларидаги иштироки ер майдонининг йириклашуви билан кенгайиб борди. Туркистонда эса, бозорга чиқариладиган маҳсулот майда деҳқон хўжалигида умумий маҳсулотнинг 95 фоизини, ўрта хўжаликда 80 фоизини, йирик хўжаликларда 61,1 фоизини ташкил қилган. Йирик ер эгалари пахта майдонларини кенгайтиришга интилмас эдилар, чунки ёлланма меҳнатдан фойдаланиш эвазига олинадиган пахта ҳосили бошқа экинларга нисбатан кўп фойда келтирмас эди. Оиласининг эҳтиёжларини қоплаш бош мақсад бўлган майда деҳқон хўжалиги маҳсулотни ишлаб чиқаришга сарфланадиган меҳнат эвазига умумий даромадни оширишга интиларди. Пахта етиштириладиган хўжаликларда мавсум давомида тирикчилик ўтказиш учун маблағ зарур

эди. Оддий деҳқон сон-саноқсиз банклар ва фирмалар хизматидан фойдалана олмасди, чунки унинг олинадиган қарз учун гаровга қўядиган мол-мулки йўқ эди. Фарбий Европада деҳқон хўжалиги, буни ерни гаровга қўйиш билан ҳал қилган бўлса, Туркистонда ерни гаровга қўйиш шариат қоидаларига тўғри келмас эди. Бу ҳол, бир томондан, ернинг қўлдан-қўлга ўтишини маълум даражада чегаралаган бўлса-да, иккинчи томондан, деҳқон хўжалигини ривожлантириш учун узоқ муддатли кредит олишдан маҳрум бўлинган. Пахтачиликдан катта фойда оладиган фирмалар деҳқонлар билан бевосита муносабатлардан воз кечиб, уларга кафолат берувчи воситачилар ва даллоллар хизматидан фойдаланишни афзал кўрдилар. Шу тариқа Туркистонда буноқ тизими шаклланиб, маҳсулот етказиш билан боғлиқ бўлган судхўрлик юзага келди. Банклар ва фирмалар билан деҳқонлар ўртасидаги воситачилик мисли кўрилмаган фойда кўриш соҳасига айланди. Воситачилар 10 фоиз атрофидаги бадалга олинган маблағни деҳқонларга 40—60 фоиз устама билан етказадиган бўлишиди.

Ниҳоятда катта фоизлар ҳисобига қарз оладиган деҳқон ҳосил яхши битса қарзини уза олар, акс ҳолда, у тобора кўпайиб борар эди. Бу ҳол пахтачиликнинг, умуман қишлоқ хўжалигининг ривожланишига тўсқинлик қилди. Вужудга келган шароитда деҳқонни имтиёзли кредит билан таъминлаш подшо ҳукумати томонидан ягона йўл деб топилди ва Туркистонда кредит кооперациясини жорий этишга қарор қилинди.

Подшо ҳукумати узоқ вақт кооператив характердаги ташкилотларни тузиш учун аҳолининг умумий ҳуқуқий ривожланиши етарли даражада эмас, деган уйдирма асосида қарз берувчи ширкатларни тузишга рухсат бермади.

Чор ҳукумати бозор муносабатлари шароитида шаклланган, ўз-ўзини иқтисодий ҳимоя қилиш асосидаги кооперация тизимини ўлкада ўз манфаатларини ҳимоялаш таъсиридагина татбиқ қилган. Лекин инсоният тараққиёти жараёнида вужудга келган ижтимоий фаолиятнинг кооператив шакли ўлкамизда азалдан мавжуд бўлган. Хусусан, олимлар шарқдаги сув иншоотларини ўрганар эканлар, бу ерда қадим замонлардаёқ оддий кооперация шаклланганини асослашган. Масалан, шариат шерикликнинг тўрт турини ҳуқуқий томондан асослаб берган. Биринчиси, «мувафазо», яъни топширишда шериклик; иккинчиси — «ширкати айнан» — ишни шерикчилик асосида юритиш; учинчиси — «ширкати таҳаббул» — бир турли ҳунарни бирга қўшиб бажариш; тўртинчиси — «ширкати вужуҳ» — шерик бўлиб мол олиб сотиш.

Туркистонда кооперация ҳаракатининг пайдо бўлиши тўғрисида манбаларда турлича саналар келтирилади. Расмий равишда империя рўйхатидан ўтган биринчи кредит ширкати ўз фаолиятини 1907 йил 6 майда Кўқонда бошлаган, Туркис-

тонда эса кредит кооперациясининг тарихини 1909 йилдан бошланган деб ҳисоблаш мумкин¹.

Кооперация принциплари асосида иш юритадиган майда кредит ташкилотлари тузиш масаласи эса Туркистонда аср бошидаёқ кўтарилган эди. Лекин бу масала билан чор ҳукумати 1907—1908 йилларда пахта ҳосилининг камайиши натижасидагина кенг кўламда шуғуллана бошлади. 1909 йилда Давлат банкнинг майда кредит бошқармаси вакили В.В.Краинский ўлка билан танишиш учун Петербургдан Туркистонга келди. Россиянинг бирон жойида Туркистоннинг Фарғона, Самарқанд ва Сирдарё вилоятларидек, аҳолининг ташаббусига таянган ҳолда, ширкатлар тузиш учун шароит йўқ, деган хулосага келди. Шундан кейин Давлат банкнинг Тошкент, Самарқанд, Ашхобод бўлимларида махсус инспекторлар тайинланди. Маҳаллий тилларни ва урф-одатларни биладиган бундай инспекторлар аҳолига кредит ширкатларининг тузилиши ва уларнинг фаолияти тўғрисидаги маълумотларни тарқатдилар.

Россияда кооператив ташкилотларнинг фаолиятини тузувчилар майда Кредит бошқармасига мурожаатнома юборишар, бошқарма рухсат бергач, губернаторлар қошидаги қўмиталар ва майда кредит (бошқарма) инспектори назоратида ташкилий ишлар бошланар эди. Одатда, ширкатнинг очилиши кўйидагича амалга оширилган: рухсат олингач, инспектор кооперативни таъсис этувчиларни тўплаб, бўлажак ишларга умумий жавобгарлик тўғрисидаги аҳдномага қўл қўйдирган. Умумий йиғилишда раис, одатда, инспектор, ширкат бошқармасининг махсус назорати йиғинининг уч аъзоси ҳам сайланган. Йиғилиш бошқармага ажратиладиган маблағ ва ширкат томонидан бериладиган қарзнинг фоизини белгилаган. Шундан сўнг бошқарма ва махсус йиғиннинг қўшма мажлиси раис ўринбосари, соқчи, пул тарқатувчини тайинлаган. Давлат банкасидан қарз олинган кун ширкат фаолияти бошланган кун ҳисобланар эди. Қарз махсус рўйхат бўйича фақат ҳўжалик юритиш билан боғлиқ бўлган харажатларга 6—9 ой муддат билан берилган. Бошқарма аъзоларининг маблағдан қандай фойдаланаётганлиги кузатиб борилган, бунинг учун улар инспекция олдида жавоб берган. Бошқарма махсус йиғинининг ойлик мажлисларида, кундалик умумий йиғилишларида ширкат ҳаётининг муҳим масалалари ҳал қилинган.

Дастлабки пайтларда ширкатларда фойдасини дарҳол тушуниб олган ўзига тўқ аҳоли кўпчиликни ташкил қилди. Қашшоқ, ҳокимият ва бойлар таъсиридаги деҳқон ҳам қандай қилиб бўлса-да, ширкатга аъзо бўлиш ва тезроқ қарз олишга интилар эди. Шунинг учун ширкатни бошқариш ишлари раҳбариятга

¹ Бу мавзуга оид маълумотлар тадқиқотчи Ж. Мирзаев томонидан тайёрланган.

топшириб қўйилди. Маблағ биринчи навбатда раҳбарларга, уларнинг қариндош-уруғига ва яқинларига берилди. Баъзи ширкатларда ота-болалар, хўжайин ва унинг хизматчилари аъзо бўлиш ҳоллари учради. Мазкур камчиликларга қарамасдан, ширкатларга аъзо бўлиш деҳқон учун фойдали эди. Чунки судхўрдан 40—100 фоизли қарз олгандан кўра, ширкатдан 12 фоизли қарз олиш қулай эди. Туркистон ширкатларининг ўзига хос хусусияти шундаки, улар асосан давлат маблағларига таянар эдилар. 1913 йилда бутун Империя бўйича ҳар бир ширкатчига 80 сўм берилган бўлса, шундан давлат тарафидан Россияда 17 сўм, Туркистонда 64 сўм кредит ажратилган. Бунинг сабаби, биринчидан, аҳолининг камбағаллиги, иккинчидан, ортиқча маблағи бўлганлар пулни ширкатга аъзо бўлмаган деҳқонларга бериб, бунинг эвазига катта фойда кўрар эдилар.

Ширкат иш бошлаган қишлоқда сўдхўрлардан қарз олиш шартлари ҳам ўзгарган. Масалан, Қўқон туманидаги Новҳат ширкати ташкил топган (1912 йил) пайтда қишлоқда 1000 сўмдан 3000 сўмгача бўлган маблағи бўлган 20 судхўр мавжуд эди. Бир йилдан кейин улар 5 кишига камайган бўлса, 1915 йилда бирорта ҳам судхўр қолмаган. Самарқанд вилоят Каттақўрғон туманидаги Пайшанба қишлоғида ширкат тузилмасдан олдин судхўр 40—50 фоиз фойда билан қарз берса, кейинчалик бу 15—25 фоиз билан чекланадиган бўлди.

Ширкатларда камбағаллар сони аста-секин ошиб борди. 1913 йилда Фарғона вилоят Скобелев туманидаги 26 ширкатда ўтказилган текширишга кўра, 7704 деҳқон 92683 таноб, ўртача 12 танобдан ерга эга эди. Тадқиқотларга кўра, Туркистоннинг Самарқанддан ташқари барча вилоятларида ширкат аъзоларининг ери унга алоқаси бўлмаган деҳқонлар ерига нисбатан кам бўлган. Бунинг устига ширкатлардан бойларни қувиш ҳоллари ҳам бўлган. Масалан, Самарқанд вилоятида 1917 йилда 38 ширкатдан 310 киши бой сифатида четлатилган.

Шўролар даврида амалга оширилган айрим тадқиқотларда ширкат аъзоларининг асосий қисмини Россиядан кўчиб келувчилар ташкил қилган, деган нотўғри маълумот берилган. 1914 йилда Туркистонда фаолият кўрсатган 517 ширкатдан 70 тасининг миллий таркиби руслардан ёки аралаш аҳолидан иборат бўлган. Шулардан 35 таси Еттисув, 14 таси Сирдарё вилоятининг Черняев туманида жойлашган эди.

Самарқанд вилояти бўйича тўлиқ сақланиб қолган маълумотларга кўра, 1917 йилга келиб, ҳудуддаги 151 ширкатнинг 43048 аъзосидан 3 ширкатда 300 рус миллатига мансуб аъзо бўлган.

1913 йилдан ширкатлар воситачилик фаолиятини бошлади. Масалан, шу йили Самарқанд вилоятидаги «Шерқўрғон» кредит ширкати ўзининг аъзолари учун Москвада 2700 пуд чигитни (ҳар пудини 65 тийиндан) сотиб олди. Маҳаллий бозорларда эса

бир пуд чигит одатда 90 тийин — 1 сўм атрофидаги нарҳда сотилар эди. Туркистондаги воситачилик ширкатлари ўз аъзоларини уруғ, меҳнат қуроллари, кундалик эҳтиёж моллари билан таъминлашдан то етиштирилган маҳсулотни жамоа асосида сотишгача бўлган ишларни ўз зиммасига олди. Кредит кооперациясининг ютуғи сифатида баъзи ширкатларнинг пахта заводларини ижарага олиб, пахта тозалаш билан ҳам шуғулланганлигини айтиб ўтиш керак. Кейинчалик кредит кооперацияси аҳолини озиқ-овқат билан таъминлашни йўлга қўйиб, матлубот кооперацияси вазифасини ҳам бажарган.

Ширкатлар Тошкентда ҳунармандларни, Қўқон, Андижон, Скобелев (Фарғона) шаҳарларида извошчиларни бирлаштирди. Хусусан, 1917 йилга келиб, Тошкентнинг эски шаҳар қисмида Бешёғоч ширкати 257 кишини, Қўштут ширкати — 223 кишини, Кўкмачит ширкати — 259 кишини, Чорсу ширкати — 129 кишини, Ровот ширкати — 84 кишини, Себзор ширкати — 265 кишини, Ҳасанбой ширкати — 96 кишини ўзига бирлаштирди. Барча ширкатлар шаҳар ҳунармандларига тегишли эди.

Ширкатларнинг тез кўпайиб бориши кадрлар тайёрлаш заруратини пайдо қилди. 1913 йилдан ишчилар учун куз ва қиш ойларида ҳисобчилар тайёрловчи курслар очилиб, маҳаллий тилларда биринчи қўлланмалар пайдо бўлди. Дастлабки курсларни Самарқандда 185 киши, Тошкентда — 52 киши, Фарғона водийсида — 100 киши битирди. Хужжатлар шуни кўрсатадики, курсларда ўқишни хоҳловчилар талабалардан кўпроқ бўлди. Андижонда барча ширкатлар ўз ҳисобларидан курсларда фойдаланиш учун киноаппарат сотиб олишга 3—8 сўмдан пул йиғишган.

1910 йилда Туркистонда 46 ширкатнинг 5288 аъзоси 178800 рублни, 1914 йилда 512 ширкатнинг 129910 аъзоси 9.780551 рублни, 1917 йилда 846 ширкатнинг 231405 аъзоси 43.655531 рублни ўзлаштирди. 1910—1917 йилларда ширкатлар сони 18 марта, аъзолар сони 43 марта, маблағлар ҳажми 243 марта кўпайди.

1910—1917 йиллар мобайнида ширкатлар сони 18 баробар (46 дан 846 га), аъзолар сони 43 баробар (5288 дан 231405 га), молиявий ҳиссаси 243 баробар (178800 рублдан 43.655531 рублгача) ўсди.

Шундай қилиб ҳўжалик юритишнинг кооператив шакли шахсий, жамоа ва ижтимоий манфаатларни бирга қўшишнинг мукамал услуги сифатида XX аср бошида Туркистондаги иқтисодий муносабатларнинг муҳим қисмига айланди. Майда деҳқон ҳўжалигининг анъанавий фаолияти сақланган ҳолда, бозор муносабатлари келтириб чиқарган муаммолар кооперация орқали ҳал қилинди. Бозор муносабати тараққиёти даражаси билан кооператив ташкилотлар фаолиятининг хусусиятлари ўртасида чамбарчас боғлиқлик намоён бўлди.

Рус капиталистлари саноат маҳсулотларини сотиш бозори ҳамда хом ашё манбаи бўлган Туркистондаги ишлаб чиқариш жараёнига бошда фаол иштирок этишдан ўзларини четга олдилар. Йирик саноат фирмаларидан бир йилга вексел сифатида қарз олган рус улгуржи савдогарлари ушбу фирмаларнинг маҳсулотларини Туркистонда Россиядаги нархидан бир неча баробар қимматига сотардилар. Маҳаллий савдогарлар ҳар кунги савдодан тушган маблағни рус савдогарларига берар, қарзининг қолган қисми учун эса устама ҳақ тўлар эдилар. Рус улгуржи савдогарлари Туркистонда сотилган маҳсулотларининг пулига ипак, тери, пахта, қуруқ мева сотиб олар ва уларни Россияга жўнатар эдилар.

Россиянинг йирик савдо кўрғазмаларида тузилган савдо битимлари Ўрта Осиёнинг Россия билан иқтисодий муносабатларида алоҳида ўрин тутар эди. Бунда Нижегород ярмаркасининг роли катта бўлган. Маҳаллий сармоя рус капитали томонидан тамомила сиқиб қўйилган. Саноат маҳсулотлари ва пахтадан бошқа хом ашёларни четга чиқаришда эса маҳаллий капитал сезиларли ўрин тутган. Мамлакат ичида чакана савдо қилиш жабҳаси тўла маҳаллий савдогарлар қўлида эди. Россиянинг савдо-сотик соҳасидаги сиёсати савдо марказларидан бири бўлган Қўқон мисолида тўла намоён бўлади. Фарғона вилоят бошқармаси 1876 йилнинг 7 мартда вилоятнинг ҳамма шаҳар ва туманлари учун умумий закот тўлаш тартибини ўрнатди. Вилоятдаги ҳамма маҳаллий савдогарлар йиллик савдо-сотик муомаласида бўлган капиталларининг 2,2% миқдорида закот бериши ва закот бошқармасини ўзларининг бойликлари ҳамда савдо хусусидаги ишлари ҳақида мунтазам хабардор қилиб туришлари шарт эди. Мазкур қонунни бузувчилар эса ўзларига қарашли умумий бойликнинг 1/10 миқдорида жарима тўлаганлар.

1877 йилнинг 1 июнида Фарғона вилоятида «Савдо-сотик ва бож ҳақида»ги қонунга амал қилина бошланди. Бу қонунни ишлаб чиқишда «Савдо-сотик билан шуғулланиш ҳуқуқи» ҳақидаги 1865 йил 9 февралда қабул қилинган Умумроссия қонуни асос қилиб олинган бўлиб, у Фарғона шаҳарларининг савдо-сотик соҳасидаги фаолиятида катта воқеа бўлган эди.

Қўқон шаҳар бошқармасининг 1877 йил 18 февралда вилоят бошқармасига берган ҳисоботида шаҳарда 517 давлат, 1817 хусусий дўкон борлиги қайд этилган¹. Ушбу ҳужжатда таъкидланишича, 1877 йилнинг январигача чорва билан савдо-сотик қилишдан тушган бож 1164 рубл, чойдан — 29126, ижарадаги давлат дўконларидан — 4393, ипакдан — 7370, бугдойдан — 4203, бошқа маҳсулотлардан — 18971 рублдан иборат бўлган. Шаҳардаги ҳамма дўконлар сони 2006 тага етган, туман қиш-

¹ ЎзР МДА, 19-жамғарма, 1-рўйхат, 10472-иш, 17-варақ.

лоқларидан — 218 та, давлат дўконларидан — 891 та, савдо расталари ва 6 та қарвонсаройдан тушган бож 11350 рублни ташкил қилган¹. Туман бошлиғининг ҳисоботида 1876 йилда четдан келтирилган моллардан 27945 рубл, четга чиқариладиган моллардан 27945 рубл йиғиб олингани кўрсатилган².

Туманнинг Бешариқ, Конибодом, Олтариқ, Риштон, Бувайда, Исфара, Яйпан, Кудаш ва Ултарма каби қишлоқларидаги мустақил бозорлардан 6745 рубл миқдорида бож ундирилган. 1876 йилнинг 1 апрелидан 1877 йилнинг 1 январигача Қўқондан умумий миқдори 5517555 рубл 94 тийинлик мол четга чиқарилган ва бошқа шаҳарлардан 139039 рубл 80 тийинлик мол келтирилган³. Одатда, Қўқондан бошқа шаҳарларга пилла, ипак, газмол, мато, тери, пахта ва қоғоз маҳсулотлари, жун, тамаки, этик, чопон каби 62 хил мол чиқарилган бўлса, ойна, ип, биллур, чой, бўёқ, қанд, гугурт, темир, пўлат каби 77 турдаги мол четдан келтирилган. Четдан келтирилаётган моллар орасида Эрон, Хитой, Ҳиндистон ва Европа мамлакатларининг маҳсулотлари кам учраб, бу асосан Россия молларидан иборат бўлган. Қўқон савдогарлари хонликнинг бошқа шаҳарлари ва Россияга, одатда, Шарққа хос моллар жўнатишган. 1877 йилда Қўқоннинг йиллик савдо муомаласида четдан келтирилган моллар 2194683 рублдан иборат бўлган бўлса, четга жўнатилган моллар миқдори 1540179 рублни ташкил этган. Шу йили четдан келтирилган моллардан 411639 рубл, четга сотилганларидан эса 322938 рубл миқдорида бож ундирилган⁴. Қўқоннинг Бухоро, Самарқанд, Тошкент, Ўратепа ва Хўжанд билан бўлган савдо-сотиқ ишларида четдан келтирилган кўк чой, трикотаж, чит, нил, темир буюмлар, тери ва бошқа моллар харидорғирлиги билан ажралиб турган. Бундай моллар билан савдо қилишда Авлиёхўжа Муҳаммад ва Зокир Қурбонбоев каби қўқонлик савдогарлар катта ўрин тутганлар.

Шу йилларда Қўқондан Туркистон ўлкасининг бошқа шаҳарларига ипак ва ип матолар, жун, тамаки каби чакана моллар чиқарилган. 1881 йилнинг 19 декабрида Туркистон генерал-губернатори томонидан Туркия, Эрон ва Европада келтирилаётган моллар миқдорини ва улардан олинadиган бож миқдорини чегараловчи ва оширувчи 22 банддан иборат қарор қабул қилинди. Чой, нон, бўёқ бундан мустаснодир. Бу қарор рус молларининг сотилишини осонлаштириш мақсадида чиқарилган эди.

Туркистон ўлкасига келтирилаётган молларнинг 25%и Қў-

¹ ЎзР МДА, 19-жамғарма, 1-рўйхат, 22615-иш, 52-варақ.

² ЎзР МДА, 276-жамғарма, 1-рўйхат, 123-иш, 53-варақ.

³ ЎзР МДА, 19-жамғарма, 1-рўйхат, 22532-иш, 3-варақ.

⁴ ЎзР МДА, 19-жамғарма, 1-рўйхат, 22600-иш, 39-варақ.

қонга, 14% и Самарқандга, 3% и Марғилонга келтирилган. 1882 йилга келиб, Қўқон четга мол сотиш бўйича Туркистон шаҳарлари орасида биринчи ўринни эгаллади. Бу 4920937 рубл-ни ташкил этди. Қўқонга Россиядан, асосан, турли буюқлар, жун, дори-дармон, китоблар, тангалар, қанд, темир, пўлат ва улардан тайёрланган буюмлар келтирилиб, пахта, пилла, чорвачилик ва турли хунармандчилик маҳсулотлари олиб кетилган. Қўқон шаҳрининг ички ва ташқи савдо муомаласининг нафақат вилоятда, балки ўлкада ҳам етакчи ўринлардан бирини эгаллаши Фарғона вилояти ҳарбий губернаторининг 1883 йил майда Туркистон генерал-губернаторига берган ҳисоботида ҳам таъкидлаб ўтилган. Қўқон қўшни шаҳарлар ва мамлакатлардан ташқари, Москва, Нижегород ярмаркаси билан ҳам савдо муомаласи олиб борган ва унинг йиллик савдо муомаласи 10 млн. рублдан ошиқ эди.

Савдонинг ривожланиши натижасида савдогарларни доимий капитал ва вексел билан таъминлаш мақсадида Қўқонда Давлат банкининг бўлимини очиш масаласи кўтарилди. 1884 йилда Москвадаги Ўрта Осиё тижорат банкининг қарорига кўра, Қўқон савдо ходимлари учун бутун шарт-шароитларни яратиш ва Ўрта Осиёдан келтирилган молларни сотиш ҳамда керакли рус товарларини Туркистон ўлкасига жўнатиш билан шуғулланиши лозим бўлган савдо агентлиги ташкил этилди. Асли қўқонлик бўлган Муҳаммад Носир Тоиров ушбу савдо агентлигининг вакили қилиб тайинланди ва унга бир йилга 1800 рубл маош белгиланди¹.

1886 йилнинг 1 январида бутун Туркистон ўлкасида, шу жумладан, Фарғона вилояти шаҳарларида ҳам, ички божлар бекор қилиниб, рус ва маҳаллий моллардан ягона бож олиш ҳақидаги қонун кучга кирди.

1889 йил давомида «Катга Ярославль ярмаркаси» Қўқонга 24648 рубл 75 тийинлик моллар келтириб, эвазига 66600 пуд пахта (431850 рублик) жўнатди. Ўша йили Қўқондан четга чиқарилган молларнинг умумий қиймати 10711277 рублдан иборат бўлди². Фарғона вилояти бошқарувининг Туркистон генерал-губернаторига 1890 йил 4 сентябрда берган маълумотида ўлканинг савдо масалаларида Қўқон шаҳрининг ўрни алоҳида таъкидланиб, бу ерда Осиё мамлакатлари, Россия ва Сибирь шаҳарлари билан доимий савдо муносабатларида бўлган жуда кўп савдогарлар ва хунармандлар борлиги айтилади. Транспорт идораларининг маълумотларига кўра, 1892 йилда Қўқон туманига олиб келинган ва чиқариб кетилган моллар қиймати 21 млн. рублдан ошиқ бўлиб, бунинг 3/4 қисми шаҳарнинг ҳиссаси бўлди.

¹ ЎзР МДА, 1-жамғарма, 1-рўйхат, 2599-иш, 2-варақ.

² ЎзР МДА, 19-жамғарма, 1-рўйхат, 24118-иш, 12-варақ.

XIX асрнинг 90-йилларида савдонинг ривожланиши туфайли Қўқонда ички ва ташқи савдода асосий ролни ўйновчи йирик маблағга эга бўлган маҳаллий савдогарлар гуруҳи ажра-



Мустамлакачилар ўзбек бозорида.

либ чиқа борди. Йиллик савдо муомаласида 50 мингдан 100 минггача пули бўлган ва доимий маблағи 500 минг рублни ташкил этувчи Сион Пинхасов, 250 минг маблағининг 200 мингги савдо муомаласида бўлган «Ислом Хоимов ва К», 500 минг маблағининг 300 минг рубли савдо муомаласида бўлган «Юмиев ва К» кабилар шулар жумласидандир. Пинхас Рибаконнинг савдо муомаласида 200 минг рубли бор эди. Фарғона вилоятида бундай йирик савдогарлар кўп эди. 123 яхудий савдогарларнинг 44 таси Қўқонда савдо қилар, улардан 19 тасининг савдо муомаласида 800000 рубл, 23 тасида ўртача 2000 рублдан бўлган.

Каспийорти темир йўлининг Андижонгача узайтирилиши масаласининг ҳал этилиши Қўқоннинг ички ва ташқи савдо-сида катта роль ўйнади. Бу нарса айниқса чой билан савдо қилувчиларга қўл келди. Шунинг учун улар Хитой чойини Ботуми орқали кўпроқ олиб келиш учун у ерда мустақил божхона тузиш масаласини кўтариб чиқдилар. Савдогарларнинг талабига кўра, 1898 йилнинг ноябрь ойида божхона бошқармаси Марғилондан Қўқонга кўчирилди. 1900 йилда 669753 рублик 20345 пуд чойдан божхона 226.647 рубл 77 тийин даромад кўрган. Чой билан бўладиган савдо 4 та фирма ихтиёрида эди. 1900 йилда Швецов фирмасида 7651, Синицинда 4477, Сабиров фирмасида 8603 пуд, ҳаммаси бўлиб 20731 пуд 77 фунт чой бор эди. Охирги ўн йилда чой билан савдо қилиш 2 баробар ўсди.

Қўқондаги ички савдода давлатга қарашли «катта бозор» ва шахсий савдо расталари асосий ўрин эгаллар эди. Тадқиқотчиларнинг маълумотига кўра, бозорда 5000 га яқин савдо дўконлари бўлган. Қўқон бозори ўзининг жойлашишига кўра, нафақат яқин туманларнинг, балки бутун Ўрта Осиё шаҳарларининг савдо марказларидан бири ҳисобланган. Бу ерда савдо кенг кўламда олиб борилган, савдо дўконлари маҳаллий бой-савдогарларга ижарага берилиши билан бирга, рус савдогарлари билан ҳам савдо муносабатлари яхши йўлга қўйилган эди. Марказий бозордан ташқари, туманнинг катта қишлоқларида ҳафтанинг айрим кунлари бозор уюштирилган. Қўқон атрофларида бу даврда 20 га яқин шундай бозорлар мавжуд эди.

Мутахассис тадқиқотчиларнинг кўрсатишларича, ички бозор аҳолининг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига, озиқ-овқат, мануфактура, арзон атир-упа, ишлаб чиқариш қуролига ҳамда чой, қанд, оёқ кийими, гилам, ипак, тери, пахта ва қуруқ меваларга бўлган эҳтиёжини қондира олган.

1909 йилда 44 тага етган қарвонсаройлар ички бозорда катта ўрин тутган¹. Савдо дўконлари хусусий шахслар ихтиёрида эди.

¹ ЎзР МДА, 300-жамғарма, 1-рўйхат, 60-иш, 49-варақ.

Шунинг учун ҳам маҳаллий ҳокимият янги савдо шаҳобчалари қуриш, бозорларни кенгайтириш ва у ердаги шарт-шароитни яхшилаш ҳақида қайғурмас эди.

Шаҳар бозорлари асосан Марказий Россия саноати учун зарур бўлган маҳаллий хом ашё сотиб олиш ва олиб келинган рус молларини сотишда воситачилик ролини бажарар эди.

1890 йилда ихтисослаштирилган транспорт идоралари Қўқон туманидан 557555 пуд Америка ва 242546 пуд маҳаллий навли пахтани олиб кетган. XIX асрнинг 90-йилларидан ўлкага Россиядан қишлоқ хўжалиги ва саноат машиналари, темир кўплаб келтирила бошланди. Россиядан келтирилаётган моллар 8 маротаба, Россияга чиқарилаётгани эса 7 маротабага ўсди¹.

Келтирилган рақамлар шуни кўрсатадики, Россия ишбилармонлари ўзлари келтирган саноат маҳсулотларини сотишдан ҳам, хом ашё сотиб олишдан ҳам катта фойда кўрганлар. Улар олиб келаётган молларнинг миқдори ва сифати ўзгариб, бу моллар ичида тикув машиналари, унга эҳтиёт қисмлар, шиша, уй-рўзғор буюмлари, мусиқа асбоблари ва бошқаларни учратиш мумкин эди.

Шу тариқа XIX асрнинг охири — XX асрнинг бошларида Туркистон районлари ўзаро савдо алоқаларига кенгроқ жалб этила борди. Худди шу даврда Туркистонда ягона ички бозорнинг шаклланиши бошланди. Бу жараён Россия билан иқтисодий алоқаларнинг кенгайиши, Ўрта Осиё темир йўлининг қурилиши ва Амударёда кема қатновининг ривожланишини анча тезлаштирди. Шу билан бирга, хоризмнинг Туркистондаги савдо сиёсати шуни кўрсатдики, Туркистон ўлкасининг савдо-сотиқ ишларида пахтачилик, ипакчилик ва газлама маҳсулотлари асосий ўринни тутса-да, аммо улар керагича ривожланмади. Чоризм сиёсати маҳаллий тўқимачилик саноатининг пайдо бўлишига тўсқинлик қилди. Шунга қарамай, мустамлакачилик шароитида Туркистон бозори умумимперия бозорининг салмоқли қисмини ташкил қилар ва империя иқтисодиёти манфаатларига хизмат қиларди. Туркистон ўлкасининг Россия саноати учун хом ашё манбаи бўлиши бу ерда меҳнатнинг капиталистик тақсимооти тадрижига, шунингдек, тузумнинг умумий тараққиётига тўсқинлик қилди. Бу ҳолат Туркистон ўлкасида ягона миллий ички бозорнинг қарор топишига ва аҳоли иқтисодий ҳаётининг яхшиланишига монъелик қилди.

¹ ЎзР МДА, 19-жамғарма, 24149-иш, 50-варақ.

5. ЧОРИЗМНИНГ ТУРКИСТОНДА МАОРИФ, ФАН ВА МАДАНИЯТ СОҲАСИДАГИ СИЁСАТИ. ЖАДИДЛАРНИНГ МАОРИФДАГИ МУСТАМЛАКАЧИЛИККА ҚАРШИ ФАОЛИЯТИ

Рус мустамлакачиларини Туркистондаги кенг тармоқли халқ маорифи ўчоқлари: мактаблар ва мадрасалар ғоят ажаблантирган эди. Истилочилар уларнинг фаолияти билан танишиб, мустамлакачилик тадрижи учун ўша мактаб ва мадрасаларнинг ғоятда хавфли эканлигини пайқадилар.

Чоризм руслаштириш сиёсатини айна шу соҳадан бошлаш кераклигини англаб, ўз дастурини ишлаб чиқишга киришди. Туркистоннинг биринчи генерал-губернатори, устамон дипломат ва пихини ёрган сиёсатчи К. П. фон Кауфман бу соҳада айниқса жон куйдириб фаолият кўрсатди. Унинг бу соҳадаги ишлари беҳуда кетмади. 1880 йилда Империя Давлат Кенгашида Туркистондаги маҳаллий аҳоли болаларини руслар билан биргаликда ўқитиш масаласи кўрилганда Туркистон аҳолисининг «савдо-сотик, деҳқончиликда суяги қотганлиги ва ювош табиати» таъкидланиб, уларнинг «империядаги бошқа мусулмонлардан кескин ажралиб туришлари» қайд қилинди¹.

Империя Давлат Кенгашининг 1880 йил февраль ойидаги қарори Туркистон генерал-губернатори К. П. фон Кауфман томонидан қизгин қўллаб-қувватланди ва руслаштириш сиёсатининг янги бир жабҳаси халқ маорифига қаратилди. Кауфман «руслар ва туземеларнинг болаларини биргаликда тарбиялаш» масаласини кўтарди. У «мусулмон ва рус мактабларининг ажралиб туриши» иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан зарарли деб ҳисоблади². Бу ғояни Кауфманнинг издоши генерал-лейтенант Н. О. Розенбах (1884—1889) давом эттириб, ибтидоий турдаги бошланғич мактаблар — «рус-тузем» мактаблари тармоғини яратиш лойиҳасини ишлаб чиқди. 1884 йилда Тошкентда биринчи рус-тузем мактаби очилиб, уларнинг сони XIX аср охирида юздан ошиб кетди. Бундай мактабларда ўқув кунини икки қисмдан иборат бўлиб, биринчи қисмда икки соатлик машғулоти рус ўқитувчиси (ўқув, ёзув, ҳисоб бўйича), иккинчи қисмда эса сабоқни ўзбек муаллими олиб борган.

Фарғона ҳарбий губернатори генерал-лейтенант Н. И. Корольков 1898 йилда императорга йўллаган ҳисоботида подшо маъмуриятининг ўлкани руслаштириш бобидаги дастурини баён этиб, «туземеларнинг» ўз болаларини ихтиёрий равишда рус-тузем мактабларига беришига эришиш муҳимлигига эътиборни қаратган. Бунинг учун у маҳаллий маъмурият амалдорларига яқин беш йил ичида иш юритишни рус тилига кўчиртириш

¹ Журнал Государственного Совета, 5/1 — 29/II, 1880 г., №13.

² ЎзР МДА, 47-жамғарма, 1-рўйхат, 1004-иш, 32-варақ.

лозимлигини уқтиради. Корольков бу тадбир «туземешларни» мансабга қизиқиб, фарзандларини рус-тузем мактабларига беришга истагини уйғотади, деб ҳисоблаган. Подшо генераллари «рус-тузем мактаблари ва шаҳар билим юртларини муваффақиятли тугаллаган туб ерли аҳолининг болаларига жиддий имтиёзлар берилсин»¹, деган фикрни илгари сурдилар. Ўзбек тилини мукамал билган, саккиз йил давомида рафиқаси билан Нанай қишлоғида яшаб, ўзбек халқи руҳиятини пухта ўрганган, руслаштириш сиёсатининг «маданий» услуби тарафдорларидан бўлган собиқ зобит, Туркистон маорифи раҳбарларидан бири В.П.Наливкин (1857—1918) маслакдошлари ўртасида шундай ғояни илгари сурган эди: «Ўлкада рус таъсирини мустаҳкамлаш учун икки томонлама иш олиб бориш керак. Аҳолининг икки асосий гуруҳи ўзаро бир-бирларига яқинлашсин. Рус тилини маҳаллий аҳоли ўртасида кенг тарқатиш билан бирга руслар, айниқса, хизматдаги амалдорларга маҳаллий оғзаки нутқни ўргатиш керак»². Туркистонда қарийб 40 йил хизмат қилиб, кичик зобитликдан генерал-лейтенант унвонига, шаҳар ҳокими ёрдамчиси, эски шаҳар полицмейстери лавозимидан вилоят ҳарбий губернаторига қадар мансаб пиллапояларидан кўтарилган Н.С.Ликошин ана шу ғояга амал қилган амалдорлардан бири эди. У уч йил ичида ўзбекчани ўрганиб, шу тилда ёзадиган, русчадан ўзбекчага, ўзбекчадан русчага бемалол ва эркин таржима қиладиган даражага эришади. Н.С.Ликошин руслаштириш сиёсатининг нозик услубини ёқлаб, Туркистонда хизмат қилувчи ҳар бир рус мансабдори маҳаллий тилни билиши шарт деб ҳисоблади. Ликошин маҳаллий аҳолидан тушаётган ариза-шикоятларни текшириш воситачилар орқали эмас, балки приставлар томонидан бевосита ўтказилиши лозимлигини уқтирган. Бу эса приставлардан маҳаллий тилни билиши талаб қиларди. Ликошин рус зобитларини ўзбек тилинигина эмас, ўзбек ёзувини ҳам ўрганишга чақирган. Маҳаллий маъмурият вакиллари, аҳолининг нуфузли қатлами, уламо ва зиёлиларни билиш, назорат қилиш, халқ кайфиятидан вақтида хабардор бўлиб туриш учун энг яхши восита эканлигини таъкидлаган. Мустамлакачи амалдорлар бундай таклифни бошда ижро учун қабул қилиб, Туркистон халқлари тилларини ўрганишга оид тадбирларни йўлга қўйиш билан шуғулланувчи комиссия ташкил қилдилар. Комиссия ўзбек, тожик, қирғиз тилларини ўрганган рус амалдорларига мукофот беришга қарор қилди. Ҳиндистонда инглиз амалдорлари маҳаллий тилни ўрганганлари учун 600 рупия мукофот олишларини эслатиб, рус хизматчиларини маҳаллий тилларни ўрганишга рағбатлантириш зарурлигини кўрсатди.

¹ Бендриков К.Е. Очерки по истории народного образования в Туркестане (1865—1924). Москва, 1960, 67—70-бетлар.

² Бендриков К.Е. Кўрсатилган асар, 73-бет.

1886 йилда В.П.Наливкин томонидан рус зобитлари учун ўзбек тилини ўрганиш курслари очилди. У икки йил давомида 50 га яқин зобитни ўз атрофига тўплади. Наливкин ўзбек тилини ўрганишга оид қўлланмалар, луғатлар ва бошқа асарларни ёзиб нашр эттирди¹. Биринчи рус-тузем мактабига раҳбарлик қилган В.П.Наливкин мукофотланганлардан бири бўлгани тасдиқий эмас.

Шаҳарларда очилган билим юртлири ҳам руслаштиришнинг муҳим ўчоғи бўлиб хизмат қилди. Улар рус-тузем мактабларидан интернатлари билан ажралиб турган. Интернатда ўзбек, қирғиз, қозоқ болаларининг рус тенгдошлари билан бирга яшаб, рус тилини яхши ўзлаштиришлари мустамлакачиларга аён бўлди. Шунинг учун ҳам Туркистон генерал-губернатори М.Г. Черняев (1882—1884) Чимкент шаҳар билим юртини кенгайтириш учун 100 минг рубл ажратгани ва ана шу билим юртида ўқишни истаган хотин-қизлар учун пул мукофоти таъсис этгани бежиз эмас, албатта. Ўша Черняев швейцариялик Генрих Мозер билан суҳбатда унинг туркистонликларни «руслаштиришни қачон охирига етказасиз?» деган саволига сипоҳларга хос жангарилик билан «маҳаллий аҳоли рус ароғи ва тамакисига ўрганиб бўлгандан кейин», дея жавоб берган.

Тошкентнинг Эски шаҳарида узоқ йиллар давомида полиция бошлиғи лавозимида ишлаган Н.С.Ликошиннинг ўзбек болаларининг билимга чанқоқлиги ва табиий қобилиятларига баҳо бергани диққатга сазовордир. У Содиқ деган боланинг рус тилини ўрганиш учун унинг уйида маълум вақт яшагани ва шу вақт ичида кунт ва сабот билан рус тилини мутолаа қилганини ҳикоя қилади. Содиқ Ликошиннинг қизлари билан биргаликда дарс қилиб, оғзаки сўзлашувни ҳам яхшилаб ўрганиб олади. «Мен, — деб ёзган эди Н.С.Ликошин, — рус-тузем мактабида ўқимай, эски мактабни битириб тўғри шаҳар билим юртига келган болаларни кўрганман. Руслар орасида юрган бу болалар тезда ўз тенгдошлари билан чиқишиб, русча бийрон гаплашадиган бўлиб кетишдики, ҳатто рус-тузем мактабидаги тенгқурларини ҳам бу борада ортда қолдириб кетдилар. Бунинг асосий сабаби маҳаллий болаларнинг рус болалари билан бирга бўлишидир. Ўйинларда ва болалик машғулотларида оғзаки нутқ тез ривожланади»². Ликошин рус тилини ўзбек болалари мактаб доирасидагина эмас, балки рус тенгдошлари билан ўзаро суҳбатда ва мулоқотда ўрганиши самарали бўлишини алоҳида таъкидлаган.

Олий лавозимдаги мустамлака маъмурлари руслаштириш сиёсатида Туркистон ёшларига эътиборни кучайтиргани бежиз эмас, албатта. Улар маҳаллий халқни идора қилиш келажagini ёшлар орасидан тарбияладиган содиқ кулларда кўрди ва шу

¹ Бендриков К.Е. Кўрсатилган асар, 79-бет.

² Ликошин Н.С. Полжизни в Туркестане. Петроград, 1916, 78-бет.

мақсадда уларнинг империя марказий шаҳарларига саёҳатини уюштирдилар. 1898—1899 йилларда шахсан генерал-губернатор ташаббуси ва фаол иштироки билан дастлаб катта ёшдаги туркистонликларни, сўнг ўқувчиларни Европа Россиясига саёҳатга юборишди. Кузатилган мақсад ҳақида Туркистон ўлка билим юртлари бош инспектори Ф.Керенский шундай фикр билдирган: «Сартлар ва қирғизларнинг болалари Россия улугворлигини, қудрати ва бойлигини кўриб, аҳолисининг машғулотлари, меҳнат унуми, саноати ва савдо-сотиғи билан танишиб, бу ҳақда узоқ эслаб, бошқаларга гапириб юришади. Улар буюк оқ подшонинг қудратли паноҳида фақат русларгина эмас, бошқа ўзга элатлар ҳам осойишта кун кўраётганига гувоҳ бўлишади». Биринчи саёҳатчиларни 1899 йилда ҳарбий вазирнинг шахсан ўзи қабул қилиб, уларни «азиз меҳмонлар» деб атади ва мулоим тарзда суҳбатлашди. Вазир уларга совға тариқасида 300 рубл берди. Царское селого томошага юбориб, уларга йўл бошловчи қилиб генерал штаб полковнигини тайинлади. Бу жойда император Николай II ҳарбий билим юрти юнкерлари кўригини ўтказмоқда эди. Зиёратчилар Царское селода кўрикни кузатишаётган пайтда уларнинг олдига генерал штаб бошлиғи, императорнинг амакиси буюк князь келиб кўриниш берди. Кўриқдан сўнг Россия императори Николай II ва унинг рафиқаси Мария Федоровна улар билан суҳбатлашди. Тошкент, Самарқанд, Андижон, Қўқон каби йирик Туркистон савдо-саноат шаҳарларидан келган, 14—18 ёшлардаги 15 ўзбек, 2 қozoқ, 1 тожик ўқувчи «давлатпаноҳ император» оқ подшонинг илтифотига сазовор бўлишди. Туркистон ёшлари икки ой давомида Санкт-Петербург, Москва ва Россиянинг бошқа йирик шаҳарларини томоша қилишди. Кейинги икки экскурсия ҳам шундай дабдабали тарзда яқун топди¹.

Рус амалдорларига русчани яхши билган ва халқ кўзини очиб, гафлат уйқусидан уйғотадиган зиёлилар керак эмас эди. Мустамлака маъмурияти Туркистон зиёлилари катта мансабга эришса, ўз халқи учун хизмат қилишлари ва мустамлака тартибларига қарши чиқишлари мумкинлигидан хавфсирашган. Ана шундай нуқтаи назардан келиб чиқиб, мустамлака маъмурияти ўлка аҳолиси рус тилини табиий равишда ва ихтиёрий тарзда ўрганани дейиш хомхаёлдир, бунинг учун ҳам зўрлик, ҳам устамонлик даркор, деган хулосага келди. Бу ўринда Тошкентдаги эркаклар гимназиясида 1899 йил февраль ойида шаҳар жамоатчилиги билан бўлган бир йиғиндаги воқеа характерлидир. Туркистон генерал-губернатори ёрдамчиси генерал-лейтенант Н.Иванов шаҳар бошлиқлари, мингбоши, қози ва бошқа мансабдорлар, мударрислар учун тарихда биринчи марта ташкил этилган илмий-оммабоп маъруза кечасида мадрасалар-

¹ Бендриков К.Е. Кўрсатилган асар, 217-бет.

да рус тилини алоҳида предмет сифатида жорий этишни таклиф қилди. Рус мустамлакачиларининг сардори ана шу ишда ҳам «сопини ўзидан чиқариш» қабилида иш тутиб, илғор ўзбек зиёлиларидан фойдаланишга ҳаракат қилди. Рус тили Туркистон халқлари учун Европа ва жаҳон маданиятини яқиндан билишга восита бўлишини яхши тушунган зиёлилардан таниқли уламо, журналист Муҳиддинхўжа қози генерал Ивановнинг фикрини қувватлади, лекин унинг Осиё маданиятини ерга уриши ва мадрасаларнинг аҳамиятини камситганига қарши чиқиб, Европанинг Осиё маданиятидан ўрганса арзийдиган ижобий томонлари ҳам борлигини уқтириб ўтди¹. Муҳиддинхўжанинг миллатпарварлик ғурури унга қимматга тушди. Бу гаплари учун у ўша йили ўтган сайловларда ғолиб чиққан бўлса ҳам, номзоди тасдиқланмади. У элликбошилардан 62 овозни, рақиби подшо амалдорлари кўтарган номзод Раҳматхўжа 12 овозни олди. Аммо вилоят ҳарбий губернатори, тараққийпарвар ўзбек зиёлиларини ўлгудек ёмон кўрувчи генерал Н.Корольков ўз ҳуқуқидан фойдаланиб, сайлов натижасини бекор қилди. Қўшимча янги сайлов ўтказишни, номзодлар сафига Муҳиддинхўжани киритмасликни буюрди. Бу тараққийпарвар ўзбек уламосига қилинган биринчи адолатсизлик эмас эди. Муҳиддинхўжа 1899 йил 22 июлда генерал-губернаторга йўллаган аризасида ўз хизмати давомида кечирган уқубатларини тилга олишга мажбур бўлди: «Устимизда турғон шаҳар ҳокимимиз бизни шаҳарга келгонидин бери манга назарлари чап бўлуб, ёмон кўруб турадур. Шундоғ ёмон кўрушнинг сабабини, ўз тарафимдин бирор айб содир бўлмаганлиги маълум эмаслиги юзидин, муайян баён қилмоққа журъат қилолмайман, хизматимни гўё мукофотиға бу шаҳар ҳокимидин ҳар бир жамиятда беҳурматлик кўруб, ҳақоратга оид бўладурғон сўзлар эшитганим важҳидин кўрқинч остида бўлуб... ушбу аҳволотларимни жанобингизга ариза қилмоқни лозим билдим»².

Генерал Корольковнинг императорга тақдим этган ерли аҳоли турмушига маънавий-руҳий тазйиқ ўтказиш дастурида ўлка хотин-қизларини ва болаларни русча ҳаёт тарзига ўргатиш алоҳида ўрин эгаллагани бежиз эмас. «Туркистон ўлкасида тарихан олий миссия ўтказишга чақирилган рус халқининг шифокор аёллари», унинг фикрича, ўзбек хотин-қизларининг «эрксиз, зиёсиз ва ҳуқуқсиз турмуш тарзига ўзга тушунчалар олиб киради ва бошқача ингилишлар уйғотади»³. «Туземканинг, — деб давом этади генерал Туркистон хотин-қизларини таҳқирли бир номда атаб, — ўзи бир жойда насроний аёл билан яшаши, у билан доимий ва яқин алоқаси унда ўз ҳаёт тарзини

¹ «Туркестанские ведомости», 1899, №5.

² ЎзР МДА, 1-жамғарма, 27-руйхат, 1610-иш, 9-варақ.

³ ЎзР МДА, 1-жамғарма, 31-руйхат, 91-иш, 17-варақ.

рус аёллариники янглиғ яхшилаш фикрини аста-секин уйғотади, насроний тасаввурларни сингдириб боради ва бу ҳол унинг фарзандларини тарбиялаш жараёнига ҳам таъсир кўрсатмай қолмайди. Бундай аёлнинг ўғил-қизлари мусулмон бўлмаганларга мурасасиз ва душман бўлмайди»¹. Шундай ишни муваффақиятли бажариш учун Корольков ўлкада хотин-қизлар амбулаторияларини кўпайтиришни таклиф қилади. Бунга яна кўшимча тарзда у Россиядаги аёллар монастырларини Туркистон аёлларига «православ рус қарашларини сингдириш учун» хизматга жалб этиш заруратини ҳам алоҳида таъкидлаб ўтади². Яна бир рус амалдори Кошғарда мажбуран хитойлар хотин-қизларнинг юзини очганига тўхталиб, Туркистонда ҳам хотин-қизларни «паранжи зулмидан халос этиш зарурлигини» уқтиради ва маҳаллий хотин-қизлар русларнинг яхши иттифоқчиси бўлиши мумкинлигига диққатни қаратади. «Рус кишисининг фикри» деб номланган сарлавҳа остида 1899 йилда Тошкентда нашр этилган китобда номаълум муаллиф худди шунга ҳамоҳанг фикрлар билдирган. «Ўлкани руслаштириш, — деб ёзган эди у, — қонунан асосланган қатағон даҳшати остида аҳолини тутиб туришга қодир кучларни кўпайтириш йўли билангина амалга оширилади, деган гап эмас. Тарихнинг ўзи рус кишисининг мустамлакачилик бобида зўр салоҳиятини кўрсатган. Ана шу лаёқатни тўла намоён қилиб, тинч йўл билан меҳнаткаш деҳқонлар ва ярим жанговар казак кучларининг ўзаро ҳамкорликда иш кўриши ҳамда рус элементини аста-секин кўпайтириш орқали Туркистон ўлкасини руслаштиришга замин ҳозирлангани»³.

Шундай фикрларни ҳисобга олган ҳолда генерал-губернатор С.М.Духовской, генерал Корольков ишлаб чиққан дастурни тўлдирган ҳолда, империя ҳукумати ҳарбий вазирига 1898 йил 6 сентябрда юборган ахборотида рус ҳукуматининг Туркистон ўлкасида амалга ошириши лозим бўлган ишлари ҳақида ўз мулоҳазаларини билдирди. Булар қуйидагилардан иборат эди:

1. Халқнинг маънавий-руҳий ҳолатига кучли таъсир ўтказувчи барча мусулмон муассасалари, айниқса мадраса ишлари-га фаол даражада аралашшиш.

2. Барча маҳаллий мусулмонларни бирлаштиришга қодир орган сифатида мусулмон диний бошқаруви идорасига йўл қўймаслик.

3. Барча ерли мактабларни маъмурият ихтиёрига ўтказиш ва барча маҳаллий мусулмон ўқув юртлари ва диний муассасаларни тўла рўйхатдан ўтказиш.

¹ ЎзР МДА, 1-жамғарма, 31-рўйхат, 91-иш, 16-варақ.

² ЎзР МДА, 1-жамғарма, 31-рўйхат, 91-иш, 17-варақ.

³ Мысли русского человека. Ташкент, 1899, 10-бет.

4. Туркистондаги барча мусулмонларга яҳудийларга нисбатан ўрнатилганига ўхшаш муносабатларни жорий қилиш; шунинг учун барча ерли мусулмон мактабларига 1893 йил 1 март қонунини қўллаш; шу қонунга кўра мусулмон мактаблари ўқитувчилари ҳар йили алоҳида гувоҳномалар олишлари ва улар учун ҳақ тўлашлари лозим.

5. Сиёсий жиҳатдан зарарли деб топилган маҳаллий мусулмон муассасаларини ёпиш ҳуқуқини генерал-губернаторга бериш, оила ва никоҳ ишларини ҳал қилиш ҳуқуқини рус маъмуриятига қайтариб бериш.

Генерал-губернатор бу таклифларнинг умумий асосини белгилаб, «нодон ва эҳтиросли осиёликлар учун ислом ҳамон кучли таъсир қилишини»¹ уқтириб, бу таъсир ҳали узоқ давом этишини таъкидлаб ўтди.

Жадидларнинг маорифдаги мустамлакачиликка қарши фаолияти

XX аср бошларида Россиядаги мусулмон мактабларининг буюк ислоҳотчиси ва «Таржимон» жаридаси (1883 йилдан Қримда чиқа бошлаган) ташкилотчиси Исмоил Фаспиралининг номи бутун Шарққа машҳур бўлиб кетди. У Боғчасаройда эски мактабларнинг мураккаб ўқиш усулига нисбатан енгил қироат усулига асосланган янги мактаб очиб, унда ўзи дарс берган, дарсликлар ёзган, чоризмнинг Шарқдаги сиёсатини фош қилувчи ўткир асарлари билан Туркистон жадидлари етакчилари Маҳмудхўжа Беҳбудий, Мунаввар қори Абдурашидхонов, Тавалло, Абдулла Авлоний, Абдурауф Фитрат, Садриддин Айний, Абдулҳамид Чўлпон ва бошқаларнинг дунёқарашига катта таъсир ўтказган. Янги усул



Жадид адабиётининг йирик намояндаси
Тавалло — Тўлаган Хўжамёров
(1882—1937).

¹ Всеподданнейший доклад Туркестанского генерал-губернатора генерала от инфантерии Духовского. Ислам в Туркестане, 1899, 6-бет.



Туркистон жадидлари отаси
Махмудхўжа Бехбудий.

мактабларининг вужудга келишида туртки, яъни намуна бўлган.

Мунаввар қори сўнгги 3 аср давомида вужудга келган, рус истибдоди туфайли янада чуқурлашган маданият таназзули ҳосиласи бўлмиш миллий жаҳолат ва гафлатни йўқотиш учун биринчи навбатда маорифни қайта ташкил этиш ишига киришди. Мунаввар қори Абдурашидхонов 1901—1904 йилларда қримлик дўсти раис Кишод ёрдамида Тошкентда ўз ҳовлисида «усули савтия» мактабини очди. Бундай мактаблар тармоғини кенг қулоч ёйдиришда қалдирғоч бўлган унинг «Намуна» мактаби катта шуҳрат қозондики, мустамлака маъмурияти ҳам ундан ташвишга тушди. Чунки янги усул мактаблари

руслаштириш сиёсатининг томирига болта урарди. Империя ички ишлар вазирлигининг 1900 йил 31 декабрда Тошкентдаги махфий цензори Н.П.Остроумовга юборган кўрсатмасидан ана шундай таҳлика сезилади. Ички ишлар вазирлиги полиция департаменти Туркистон ўлкасида маҳаллий халқлар ўртасида янги усулдаги мактаблар очиш ҳаракати бошланиб, матбуотда бу ҳақда турли мақолалар эълон қилинаётгани, шу ваҳждан Туркистон буйича мақола ёзиш, мактаб очиш ва дарс бериш ишида қатнашаётган барча шахслар ҳақида мукаммал материал тўплаб шахсан Ички ишлар вазирига маълум қилиш учун зудлик билан полиция департаментига юбориш вазифаси Остроумов зиммасига юклатилганлигини маълум қилгани бежиз эмас эди, албатта. Жадидлар чоризмнинг мустамлака сиёсати стратегиясига жиддий заифлантирувчи ўзгаришлар қилишга мажбур этувчи ватанпарвар сиёсий куч сифатида айна шу XX аср бошида тарих саҳнасига чиқа бошладилар.

Жадидлар Туркистонда XIX асрнинг охирида пайдо бўлган илғор усулларни ёқлаган маърифатпарварларгина бўлиб қолмай, айна чоғда, туркий-исломий ҳуқуқий мероснинг миллат ичида кенг ёйилиши, ҳурфикрлик, тараққиёт ва миллий истиклол учун ҳам курашни мақсад қилиб қўйган эди.

Жадидчилик вужудга келишида Ўрта ва Яқин Шарқ мамла-

катларида кенг тарқалган бобийлик ва баҳойийлик сингари фалсафий-диний оқимлар, шунингдек, Туркиядаги «Иттиҳод ва тараққий» («Ёш турклар» ҳаракати)нинг таъсири катта бўлди.

Бобийлик ва баҳойийлик XX асрнинг бошларига келиб Кавказда, сўнгра эса Тошкент, Ашхабод ва Туркистоннинг бошқа шаҳарларида кенг тарқала бошлаган ва халқнинг маданий-маърифий даражасини кўтаришда катта таъсир кўрсатган. Ўз даврига нисбатан анча юқори савияли бир неча мажаллалар, жаридалар чиқарилди. Хусусан, ўша даврда нафақат Туркистонда, балки бошқа қардош ўлкаларда ҳам машҳур бўлган «Ал-Ислоҳ» мажалласи диққатга сазовордир. 1915—1917 йилларда мазкур мажалла саҳифаларида ислом, шариат масалалари, фалсафий муаммолар, таржималар, Туркистон ҳаётига оид баҳс-мунозаралар бериб борилган. Мажалла бобийлар «бонийси» (Абдулла Авлоний ибораси) Абдурахмон ас-Сайёҳ ат-Тошкандий муҳаррирлигида, унинг мажалла ёритишни кўзда тутатган мавзулари, гоялари, мақсадлари ва вазифалари тўғрисида мufассал сўзбошиси билан нашр этила бошланган. Мажалланинг 2—5 ҳамда 6—10-сонларида босилган «Дин ва дунёнинг бир-бирига тааллуқи» ва «Тасаввуф»га бағишланган мақолалар туркуми бағоят асосли ва замонага ҳозиржавоблиги билан ажралиб туради.

Биргина Тошкентнинг ўзида бобийлар ва баҳойлар тарафидан «Туркистон», «Ислоҳ», «Осиё» (ҳозирги Чорсу бозорида жойлашган вилоят кутубхонаси) ва бошқа кутубхоналар, қиротхоналар ташкил этилган бўлиб, улар халқимизнинг турли қатламлари вакиллари ўртасида маърифат тарқатиш, халқнинг маданий савиясини ўстириш, сиёсий ва миллий онгини уйғотишда катта роль ўйнади.

Жадидчилик ҳаракатининг катта ижтимоий-сиёсий куч сифатида майдонга чиқишида Туркистоннинг ўзида ҳам асосий омил бўлиб хизмат қилган замин ва шароит этилган эди¹.

Европа XVIII—XIX асрларда техника тараққиётига йўл бериб, XX аср маданияти ва турмуш тарзи учун мустақкам пойдевор яратган эди. Осиё, жумладан, Туркистон, илм-фан амалиёти ва техника тараққиётидан орқада қолиб кетганди. Ўзбек хонликлари (Бухоро, Хива, Қўқон) ўртасида мунтазам давом этиб келган низолар охир-оқибатда уларни заифлаштириб, Россиянинг бу хонликларни босиб олиб, жаҳолат ва иқтисодий-маданий таназзулни янада чуқурлаштириб юборди.

‘Қолоқлик ва жаҳолат, ўлка аҳолисининг аянчли аҳволи Туркистоннинг Европа ва жаҳон цивилизациясидан орқада қолиб кетиши, Ислом ва шариатнинг оёқ-ости қилиниши ва бундай оғир фожиали ҳаётдан қутулиш, эрк ва озодликка эришиш

¹ Жадидчилик моҳиятининг янгича талқини Б. Қосимов, О. Шарафидинов, А. Аҳмедов, А. Алиев, Ҳ. Зиёев, Н. Каримов, Д. Алимова, Ш. Турдиев, Ҳ. Содиқов, М. Ҳасанов, Ҳ. Болтабоев, С. Аъзамхўжасев, С. Холбоев, С. Аҳмедов, Ш. Ризасев, Р. Шамсутдинов каби олимларнинг қатор асар ва мақолаларида ўз аксини топган.

ҳақида ўз замонасининг илғор зиёли қатламларида фикр-мулоҳазалар пайдо бўла бошлади. Жаҳолат уйқусидан уйғониш тарихий заруриятга айланган эди. Бошқача қилиб айтганда, жадидчилик ҳаракати ижтимоий ривожланишнинг, тарихий тараққиётнинг талаб ва эҳтиёжларига жавоб сифатида майдонга келган улкан ижтимоий-сиёсий оқим, ҳаракат эди. Ўлкада миллатнинг дард-аламларини, бутун аянчли, мудҳиш, фожеали офир қисматини ўз қалби ва вужудидан ўтказиб, ўзининг бутун борлигини, ақл-заковатини, онгли ҳаётини эрк, озодлик, тараққиёт учун сафарбар этган зиёлиларнинг бутун бир янги авлоди шаклланган эди.



Туркистон маърифати ва истиқлолнинг толмас курашчиси, жамоат арбоби профессор Аҳмад Закий Валидий Тўғон (1890—1970).

Туркистонда жадидчиликнинг майдонга келиши ва ривожланишида Усмонли турк салтанатидаги ижтимоий-сиёсий, маданий-мафкуравий ғоя ва ҳаракатларнинг ҳам таъсири кучли бўлди. Айниқса, Туркия султони Абдулҳамид II (1876—1909) даврида мамлакатни қолоқликдан олиб чиқишга қаратилган қатор қонунлар ва уларнинг ҳаётга тадбиқ этилиши Туркистон халқлари учун ҳам аҳамиятли эди. Туркиядаги илғор ислохотлар Европа маданияти ва турмуш тарзининг мамлакатда кенг оммалашувиغا олиб келди. Бу ижобий йўналиш Туркистонга ҳам ўз таъсирини ўтказди.

Бу вақтда Туркистон, Хива хонлигидан, Бухоро амирлигидан Туркияга бо-

риб таҳсил кўраётган кўплаб зиёлиларда ўша мамлакатда амалга оширилаётган ижобий ислохотлар, илғор Европа турмуш тарзи, техника тараққиёти, маданияти, маърифатидан таъсирланиш, унга ҳавас билан қараш, ўз ватанларида ҳам шу каби ўзгаришлар бўлишини кўмсаш ҳис-туйғулари ўйғона бошлади.

1889 йилда «Иттиҳод ва тараққий» деган ҳурриятпарвар оқим бутун Туркия бўйлаб ёйилди. Бу даврда Туркияда таҳсил кўрган туркистонлик зиёлилар ўз ватанларига қайтиб, она юрларида ҳам ўшандай жамиятларни ташкил этдилар.

Собиқ Иттифоқ Ташқи ишлар вазирлиги ҳузуридаги СССР ташқи сиёсат архивида, Ўзбекистон миллий хавфсизлик хизмати ҳужжатгоҳида Туркистон «Иттиҳод ва тараққиёт»чилари ҳақида кўплаб манбалар сақланиб қолган. Жадидчилик ҳаракати фаолларидан бири, кейинчалик шўроларга алданган ва раҳбарлик лавозимларида хизмат қилган, 30-йиллар бошида қатан бўлган Акбар Бойтурсунович Ўрозалиев 1925 йил 6 июлда Москвадан Хитойга дипломатик хизматга кетиш олдидан шахсий варақасидаги «Ўтмишда қандай партиёга мансуб эдингиз?» деган саволига шундай жавоб ёзган: «1914 йилдан 1917 йилгача ёш ўзбекларнинг «Иттиҳод ва тараққиёт» яширин ташкилоти аъзоси бўлганман»¹.

↑ Туркиядаги «Иттиҳод ва тараққий»чилардан Туркистондаги «иттиҳод ва тараққий»чиларнинг афзаллик томонлари бор эди, Уларда космополитик ғоя деярли йўқ бўлиб, рус империализмига ва унинг мустамлакачилик тизимига қарши кураш ғояси кучли эди. Ҳолбуки, 1905 йилги рус ва 1908 йилги Туркия инқилобий ҳаракатларида империализм ва мустамлакачиликка қарши кураш ғояси бўлмаган.

Бунга қарама-қарши ўлароқ, Туркистон жадидчилик ҳаракатида империализм ва унинг мустамлакачилигига қарши кураш олиб бориш биринчи ўринга кўтарилган.

↑ Жадидлар Бухоро амирлиги ва Хива хонлигида хон ва амирни ҳам ўз ғоя ва маслақларига тортишга ҳаракат қилдилар. Бухоро жадидлари 1900 йил бошида амирдан янги усулдаги мактаблар очишга рухсат олишга муваффақ бўлдилар. Аммо бундай янги усул мактабларининг очилиши Россия манфаатига зид эди. Шу боис Россиянинг амирга бўлган таҳдиди ортиб кетди ва амир жадидларга тазйиқ ўтказишга мажбур бўлди. Бутун Ўрта Осиё бўйлаб очилган янги усул мактабларига қарши Россия мустамлакачилари ўт очадилар, бу мактабларни «исломга қарши», «ғайридин мактаблари» деган ташвиқот юргиздилар, жосуслик идораларини ишга солдилар. Аҳвол шу даражага бориб етадики, бу борада кўплаб қурбонлар берилди. Рус маъмурлари бу пайтга келиб ислом динига ҳам қарши курашни кучайтириб юбордилар. Ҳатто, 1903 йили подшо Туркистон аҳолиси учун муборак Ҳаж қилишни ҳам махсус фармон билан ман этди. Бу маҳаллий мусулмон аҳолисида кучли норозилик уйғотди.

1905 йилги тўнтариш ҳаракатидан сўнг Россия ҳудудидаги туркий халқлар ва уларнинг Туркия мамлақати билан қардошлик алоқаси кучайди. Ўз даврида Турк дунёси марказларидан бири бўлган Қрим, Қозон, Истанбулда чоп этилган жадидчилик руҳидаги адабиётлар Туркистонда ҳам кенг ёйила бошлади.

¹ Шамсутдинов Р. Т. Тарихий меросимизга бир назар. Андижон, «Мерос», 1994, 47-бет.



«Ёш бухороликлар» фирқаси аъзоларидан бир гуруҳи. Ўртада ўтирган
Файзулла Хўжаев.

Истанбулда ташкил топган «Жамияти ҳайрия», «Нашриёт» ширкатлари каби ижтимоий ташкилотлар Бухоро ва Хивада ҳам майдонга келди. Бу жамиятлар билан узвий ҳолда камол топган жадидчилик ҳаракати ўсиб, 1908 йилги Туркия инқилоби туфайли юзага келган «Ёш турклар» ҳаракатига муқобил ҳолда Хивада «Ёш хиваликлар», Бухорода «Ёш бухороликлар» жамиятларини юзага келтирди. Бу жамиятлар охир-оқибатда сиёсий партиялар мақомини олдилар. Жадидчилик ҳаракатининг бундай сиёсий ташкилотлари, жамиятлари қисқа вақт ичида Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива, Қўқон, Андижон каби Ўрта Осиёнинг йирик шаҳарларида кучли, нуфузли ташкилотларга айланди.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш керакки, XX аср бошларидаёқ миллий-озодлик байроғини баланд кўтариб, миллий кучлар бирлигини таъминлаш борасида салмоқли фаолият кўрсата бошлаган Туркистон жадидлари жаҳон жамоатчилиги эътиборини ўзига жалб қилди. 1906 йилнинг баҳорида Франция Республикаси бош штаби иккинчи бюроси (ҳарбий разведка) топшириғи билан майор Лякост икки йил давомида Туркистондаги ижтимоий-сиёсий вазият билан яқиндан та-

нишди. У ўзининг кузатишларини ҳисобот тарзида «Комита де Асия Франсайс» номли журналда чоп этади. Мақола Европада катта қизиқиш уйғотди. Бу мақолада Туркистон генерал-губернаторлиги ҳудудидаги ижтимоий-сиёсий кучлар ва партиялар фаолияти шарҳлаб берилган эди. Эътиборли томони шундаки, француз разведкачисининг ўтқир нигоҳи билан Туркистонда қайси партия, қайси сиёсий оқим кучли экани шундай аниқлаб берилдики, бу ҳол рус сиёсий полициясини ғоят жиддий ташвишга солди.

Майор Лякост Туркистон ўлкасидаги энг эътиборли ва келажаги порлоқ ташкилот сифатида социал-демократлар (большевик ва меньшевиклар), ёки социалист-инқилобчилар (сўл ва ўнг эсерлар), ё кадет ва либераллар эмас, балки ёш сартлар¹ деган хулосага келган эди. Разведкачи Туркистонда жадидлар таъсири кучли бўлган ўз фирқасига эга экани ва у 1906 йилнинг январида Санкт-Петербургга, Умумрусия мусулмонларининг қурултойига вакил юборганини таъкидлаб, бу фирқа худди Қозон татарлари каби ўзининг миллий дастурига эгаллиги ва рус истибдодига жиддий зарба бериши мумкинлигига ишора қилган эди.

Россиянинг Туркистондаги махфий полиция идораси ҳам жадидларни ўзбек савдо-саноат аҳли қўллаб-қувватлаши ва улар шаклланаётган ёш авлодга ёмон таъсир кўрсатаётганидан огоҳлантириб, марказни жадидлар билан жиддий ҳисоблашишга чақирган эди. 1916 йилги миллий-озодлик қўзғолони ва 1917 йилги Россия февраль инқилобининг ўлкадаги жадидчилик ҳаракатининг янада кенг авж олишида ва жадидлар фаолиятида кескин сифат ўзгариши юз беришида ўрни ва роли катта бўлди. Жадидларнинг маърифий-мафкуравий жабҳадаги кураши аниқ ифодаланган сиёсий кураш тусини олди ва бу ҳаракат сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилди².

Жадидчилик ҳаракатининг асосий қаноти сифатида жадид адабиёти ҳам юзага келиб, мукаммал ғоявий тусга киради. Бу билан ҳам насрда, ҳам назмда руҳан янгиланиш, қолоқлик ва жаҳолатдан қутулиш ғоясини куйлаш, рус истилосига қарши кураш, маърифат ва ҳурриятга эришиш, истиқлолни қўлга киритиш кайфияти билан суғорилган янги бир адабий оқим вужудга келди. Бухорода Аҳмаджон маҳдум, Садриддин Айний, Усмонхўжа Пўлатхўжа ўғли, Абдулвоҳид Рафий маҳдум «Тарбияйи атфол» номли яширин жамиятни асосладилар. Бу жамият империализмга, мустамлакачиликка, жаҳолатга қарши кураш бошлади.

«Тарбияйи атфол» жамияти Туркияда таҳсил кўраётган талабаларга кўмак-ёрдам кўрсатиш мақсадида Истанбулда шўъба

Расмий идоралар жадидларни ёш туркларга қиёслаб «Ёш сартлар» деб аташган.

² Бу ҳақда иккинчи китобда батафсил ҳикоя қилинади.



Жадидлар ҳаракатининг таниқли
намояндаси журналист, шоир ва
мударрис Абдулла Авлоний.

ташкил этди. Унинг раҳбарияти Содиқ Ашур ўғли, Абдурахмон ва Абдурауф Фитратлар эдилар.

Бухоро жадидларининг яна бир тармоғи «Турон нашри маориф» жамияти эди. Унинг ташкилотчилари А. Фитрат, Муқим Бойжон, Абдулазиз, Аҳмаджон маҳдум, Олимжон Идрислар бўлишган. Бу жамият қисқа вақт ичида Туркияга талабалар жўнатдилар. Улар тез орада аҳли илм бўлиб етишдилар. Самарқандда Маҳмудхўжа Беҳбудий, Тошкентда Мунаввар қори, Абдулла Авлоний, Қўқонда Ашурали, Оренбургда Аҳмад Бойтурсун, Мирёқуб Дулат, Андижонда Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпон Туркистон

жадидчилик ҳаракатининг йирик намояндалари эдилар. Асрий қолоқлик ва жаҳолатга қарши қаратилган кураш адабиётда ҳам ўз ифодасини топган эди.

Хуллас, бутун бир жадид адабиётчилиги юзага келди. XX асрдаги Туркистон миллий адабиётида Россия зулми, истилоси ва унга қарши кураш жуда ажойиб ва ўзига хос тарзда ифодаланди. Биринчи жаҳон уруши йилларидаги жадид адабиётида туркчилик ва унинг ғояси асосий мавзу ва мафкура бўлиб қолди. Маҳмудхўжа Беҳбудий, Ҳожи Муин шу адабий оқимнинг кўзга кўринган намояндаларидан эдилар.

Садриддин Айнийнинг жаҳолатга қарши кураш олиб боришга даъват қилинган шеърлари маҳаллий аҳоли орасида кенг тарқалди:

Мактабсизлик қилди бизни қип-яланғоч,
Мактабсизлик бизни этди талон-тороғ,
Мактабсизлик Турон элин ўлдирди оч,
Кўзингни оч, бу хўрликдан мактабга қоч.
Билим қочди қўлимиздан беш юз йилдир,
Унутмагил Улуғбеклар бизнинг элдир,
Турон эли, ўзбек тили бизнинг тилдир,
Турон ўғли, эканингни тезроқ билдир!

Жадид шоир ва адиблар маҳаллий газета ва журналларда истиқлол ғояси билан суғорилган шеър ва ҳикояларни мунтазам эълон қилиб бордилар.

Туркистон жадидларининг сардори Маҳмудхўжа Беҳбудий ташкил этган ва ўзи муҳаррирлик қилган «Ойна» журнали ўлка халқига истиқлол руҳини сингдиришда муҳим ўрин тутди.

Тошкент, Қўқон, Самарқанд, Андижондаги жадид ташкилотлари, бир томондан, истиқлол ҳаракатларини олиб бордилар, иккинчи томондан эса мингларча жилдлик асарларга эга бўлган кутубхоналар ташкил этдилар.

Туркистоннинг буюк шоири, Андижонда жадидчиликка асос солган Чўлпон ўз юртида «Турон кутубхонаси»ни ташкил қилган. Чўлпоннинг очиқ ифодаланган, гўзал туркча, тоза услуб билан битилган даъваткор, исёнкор шеърларида Россия мустамлакачилигини қораловчи, Туркистон истиқлолини мадҳ этувчи шеърлари ўлка аҳолисининг миллий ҳис-туйғусини, миллий ўзлигини уйғотган:

Эй, сен мени ҳақир кўрган, тубан кўрган афанди,
Эй, устимда бир умрга хўжа бўлмоқ истаган,
Эй, бўйнимга кишан солиб ҳалокатга судраган,
Кўзларимни заҳарлатиб ўйнамагил, бас энди...
Кишанларинг занг босгандир, сергак бўлким, узилур,
Томиримда кўзғолишнинг ваҳший қони кўпирди.
Эски фикр, анъаналар энди буткул узилди.
Ё битарман, ёки сенинг салтанатинг бузилур.
Эй, сен мени қул ўрнида ишлатувчи афанди,
Титра, кўрққим боғлиқ қўлин бош кўтарган куч инди.

Мулоҳаза учун ахборот

«Азизим Озоджон!

Чўлпон аканинг Андижонда инқилобга довор кўрсатган ижтимоий, сиёсий фаолияти ҳақидаги материални илтимосингизга кўра, Сизга юбордим. Бу тарихий, ҳаққоний материал менинг кўлимга яқинда тушди ва мени қаттиқ ҳайратга ва ҳаяжонга солди.

Бу тарихий ҳужжат менга Чўлпон ака билан менинг қариндошларим ва яқинларим ўрталарида бўлган мустаҳкам, узилмас дўстлик ришталарининг сиру асрорини очиб берди. Андижонда чоризмга қарши яширин сиёсий жамият «гап» бўлиб, унинг фаол ташкилотчиларидан бири Абдулҳамид Сулаймон (Чўлпон) экан. Тазкирада номи шарифлари зикр этилган тараққийпарвар зотлардан бошқа бу «гап» деган ном билан иш кўрган жамиятга яна бир қанча зиёлилар, чунончи: менинг қариндошларим — поччаларим Муҳаммадхон ҳожи, Ҳакимжон (Мавруф Ҳошимовнинг отаси), Олимжон, Яъқуб Сарқаровлар ва уларнинг биргаликда русско-тузем мактабида ўқиган кадрдон дўстлари Салоҳиддин Ашуралиев... Қаландар Девонабоев... Раҳматилла Султонов (Чўлпон бу киши вафот этганда унга бағишлаб марсия ёзган эди)...

Демак, шоир Чўлпон фақат зулмга қарши шеър ёзиш билан чекланмаган, оғир кишанларни, баланд дорларни, совуқ ва узоқ Сибирь азобларини ҳам



Жадид адабиёти юлдузи—
Туркистоннинг буюк шоири Чўлпон.

нинг энг буюк шоирига айланган Чўлпон ўша вақтда 15 ёшларда бўлган бўлса керак. Менга, тарих китобимни ўқиб, илҳомланганлиги ва фикрдошлик қилишимни айтиб, хат ёзди. Андижонга, уйларига меҳмонга таклиф қилди... Буюк ўзбек шоирининг ўзи билан ҳам, унинг меҳмондўст отаси билан ҳам танишиб олдик... Сулаймон ака билан хайрлашдик, у кишининг менга қилган совғаларини онамга олиб бордим...»²

Чўлпон 1914 йилдан Қўқонда «Садои Фарғона» номи билан чиқаётган жадид газетасининг Андижондаги обуначи ва эълон қабул қиладиган вакили бўлганлиги газета саҳифаларида қайд этилган. Чўлпон билан бирмунча вақт бирга ишлашган Аҳмад Закий Валидийнинг гувоҳлик беришича, бўлгуси шоир 1913 йилдаёқ Турк тарихига доир асарларни ўқиб чиққан, сўнгра «Турк юрди» ва «Сайра» каби туркчилик нашрларини кузатар экан».³

Ўзбек маърифатчилигининг тўнғич бўғинига мансуб машҳур мураббий ва журналист Мўминжон Муҳаммаджонов 1916 йилда Чўлпон билан илк бор учрашгани хусусида шундай ёзган: «Абдулҳамид ҳар куни хусусий

писанд қилмаган мард, фидокор шоир экан. Бинобарин, Чўлпон ака ҳақидаги китобингизга унинг йигитлик чоғида Андижонда кўрсатган ижтимоий-сиёсий фаолиятига 4—5 саҳифа бағишласангиз ғоятда зўр савоб иш қилган бўлармидингиз... яна ўзингиз биласиз...

Фикр-мулоҳазангизни айтурсиз, деган умиддаман.

Камоли эҳтиром билан:
Сизнинг Комил Яшин».

Мазкур мактубни ўқиб чиққан ҳар бир адабиёт ихлосманди ҳаяжонга тушмасдан қолмайди. Чунки унда биз учун ғоятда қимматли, ғоятда муҳим маълумотлар бор — буни қарангки, Чўлпон 1914—1915 йиллардаёқ, яъни 17—18 яшарлигидан бошлаб мустабид чоризм зулмига қарши курашга қўшилган, унинг теварагида эса ўша даврдаги Андижондаги етук зиёлилардан бир қанчаси бўлган экан!

Туркистонда танишган шахслар орасида Назир Тўракулов билан Абдулҳамид Сулаймон (Чўлпон) менга алоҳида яқин дўст бўлдилар... кейинроқ ўзбеклар-

¹ Қ а р а н г: Озод Шарафуддинов. «Ўзбекистон адабиёти ва санъати», 1999 йил, 25 июнь. № 26(3513).

² Закий Валидий Тўгон. Хотиралар. «Шарқ юлдузи», 1993 йил, 5—6-сонлари.

³ Ўша жойда.

равишда русча ўқир эди. Татаристон, Озарбайжон, Ҳиндистонда чиқади-
ган ҳамма газет ва журналларга муштарий бўлиб, русча газеталарни ҳам
ўқиб турар эди»¹.

Андижондаги «Тараққийпарварлар», «Падаркушчилар», «Гап»чилар
номи остида фаолият кўрсатган ижтимоий-сиёсий жамиятга мансуб
ёшлар сафида Усмонхон Эшонхўжа ўғли, Фозилбек Отабек қози ўғли,
Акбар Ўрозалиевлар ҳам бўлган:

Усмонхон Эшонхўжа ўғли (1899—1937) Андижоннинг янги шаҳридаги
рус-тузем мактабини, олий бошланғич билим юртини, эрлар гимназияси-
ни битирган, муаллимлик қилган, «Туркестанский голос» газетасида ишла-
ган. «Бу газета, — деб ёзган Усмонхон кейинчалик, — бутун Туркистонда
ўзининг инқилобий йўналиши жиҳатидан ягона газета эди. Унинг муҳарри-
ри Туркистонда танилган социалист-революционер Вадим Чайкин эди»².

Фозилбек Отабек қози ўғли (1886—1938). Мадрасани, рус-тузем мак-
табини битирган, фаол жадидчи. «Россия телеграф агентлиги» (РОСТА)
Туркистон бўлими, Андижон шўъбаси мудир бўлиб хизмат қилган. Ўзбек,
итальян, форс тилларини билган, моҳир публицист, таржимон, олим.

Акбар Ўрозалиев (1890—1937) фаол тараққийпарварчилардан. У 1917
йил 24 февралда Туркистон генерал-губернатори А. Н. Куропаткинга
ёзган аризасида шундай сатрлар бор: «...1914 йилнинг 6 июлида Андижон
шаҳрида маҳаллий ҳаваскор сарт ёшлари томонидан кўнгилочар кеча
ташкил қилинди. Унда сарт тилида Маҳмудхўжа Бехбудий ёзган «Падар-
куш» номли пьеса ҳам қўйилган. Пьеса ўз мазмунига кўра чуқур ибратли
эди. Ҳозирги замон сартлари жамиятининг маънавий тушкунлигини очиб
берган. Шу кечада тўпланган маблағнинг бир қисми Андижондаги эркак-
лар прогимназияси фойдасига, бир қисми ҳозирги урушда ҳалок бўлган-
лар фойдасига, қолган қисми эса кўнгилочар бошқа муассасалар фойда-
сига сарфланган. Бу кечани ўтказиш учун маҳаллий рус ҳукуматининг
розилиги олинган. Бу пьесани севиб, ўни ўйнаганлардан бири мен
эдим...»³.

Жадид мактаблари. Тараққийпарвар ўзбек зиёлилари кенг
ҳалқ оммасини саводли қилишга, уларни жаҳолат уйқусидан
уйғотишга интилиб, мактаблар очдилар. Биринчи бўлиб (Ҳусайн-
нов маблағи ҳисобига) 1893 йили Самарқандда, 1898 йили
Кўқонда Салоҳиддин домла томонидан, ўша йили Тўқмоқда,
1899 йили эски Тошкентда Маннон Қори, Андижонда Шамсид-
дин домла томонидан жадид мактаблари очилди⁴. 1900 йили
Бухорода Жўрабой қори томонидан янги усулдаги мактаб очил-
ди. 1903 йили М. Бехбудий ўз маблағи ҳисобидан Жомбойда
мактаб очди. Жадид Ҳожи Муин ва Абдул Қодир Шақурийлар

¹ *Аҳмад Закий Валидий Тўғон*. Бугунги турк Эли (Туркистон) ва яқин тарихи. 1-жилд. Шарқий ва Ғарбий Туркистон. 2-жилд. Истанбул, 1981; *Қуронов Дилмурод*. Чўлпон ҳаёти ва ижодий мероси. Т., «Ўқитувчи», 1997, 3—5-бетлар.

² *Муҳаммадҷонов М.* Турмуш уринишлари. Т., 1964, 130-бет.

³ *Шамсутдинов Р.* Усмонхон Эшонхўжа ўғли — истиқлол курашчи-си. «Андижоннома», 1999 йил, 22 июнь.

⁴ *Темур Хўжа Усмонжон ўғли*. Туркистонда жадид мактаблари. — «Хур Туркистон учун». Анқара, 1976 йил, 15 май.

бу мактабда сабоқ бердилар. 1908 йили бундай мактабларни Мирза Абдулвоҳид ҳам ташкил қилди. Муфтий домулла Икром бу янги усулдаги мактабларни диний жамоат томонидан қабул қилинишига эришди. 1911 йилда жадид мактаблари Туркистонда 63 та бўлиб, уларда 4106 бола ўқиган. Тошкентнинг ўзида 24 та бундай мактабларда 1740 бола ўқиган. 1917 йил бошларида ўлкада 100 га яқин жадид мактабларида 5 мингдан зиёд ўқувчи бўлган.

Жадидларнинг мактаблари истиқлолчилар етиштирувчи маскан эканлигини рус маъмурияти яхши англади. Хусусан, мустамлака маъмурияти бу ҳаракатга қарши кучли рақобатчилик усулини ишга солиб рус-тузем мактаблари фаолиятини кучайтиришга қарор қилди. Бу қалтис вазифага ишончли одамни топиш ўлка маорифи раҳбарларидан бири С.М. Граменицкийга топширилди. У 1-рус-тузем мактаби ўзбекча синфлар муаллими, шу мактабни битирган, Шайховандтахур даҳасининг Баланд мачит маҳалласида истиқомат қилувчи Саидрасул Саидазизовни рус амалдорларига мақбул шахс деб топди. Таниқли рус олимлари В.В.Бартольд ва А.Н.Самойловичлар билан яқин алоқада бўлган, русчани яхши тушуниб дипломатик қобилияти кучли бўлган Саидрасул домла Тошкентнинг етук зиёлиларидан бири эди. Унинг уйига руслардан ташқари, чет эллик шарқшунослар ҳам келиб-келиб тургани ҳамда унинг билими ва заковатига тан берганлари мустамлакачи амалдорларга маълум эди. Саидрасул домла рус-тузем мактаблари учун тайёрлаган дарсликда кўпгина рус муаллифлари асарларидан таржималар киритгани генерал-губернаторга маъқул бўлди ва китоб нашрга тавсия қилинди. Янги усул мактабларидан намуна олган тарзда қироат усули қўлланилган «Устоди аввал» дарслиги шу тариқа 1902 йилда дунё юзини кўрди ва кейин бир неча бор қайта нашр этилди. Саидрасул Саидазизов таниқли журналист, шоир ҳам эди. Академик Бартольд уни Туркистон ўлкасидаги «ўқув-тарбия ишларига ислоҳ кирита олган илғор зиёлий» деб атаган. У Россияга саёҳат қилиб, «Туркистон вилояти газети»да «Маҳаллий олимнинг 1910 йилда Москва ва Петербургга қилган маърифий сафари» сарлавҳаси остида туркум мақолаларни эълон қилган.

Мустамлака маъмурияти рус тилини ўрганишни тарғиб қилса ҳам ана шу тилни яхши ўзлаштирган ва руслар билан яқин алоқада бўлган маҳаллий миллат вакилларига шубҳа ҳамда ҳадик билан қараган. Шундай одамлардан бири ўзбек зиёлилари ўртасида бообруъ ва эътиборли собиқ Китоб беги Жўрабек Қаландар қори ўғли эди. 1868 йилгача руслар билан жанг қилган, хиёнат туфайли асир олинганидан сўнг эса рус армиясига хизматга ўтишга мажбур бўлган Жўрабекка 1901 йили генерал-майор унвони берилган. Миллат фожеасининг гувоҳи, мустамлака

истибдодининг барча қабоҳатларини қарийб 30 йил генерал-губернатор маҳкамасидаги таржимонликда кўрган-билган Жўрабек истеъфога чиққанидан кейин мавжуд тузум мухолифлари раҳнамоларидан бирига айланган. 1902 йили академик В.В.Бартольд унинг уйида бўлганида истеъфодаги рус армияси генерали Жўрабек таниқли олимга ўзининг Шарқ қўлёмалари мажмуини кўрсатиб, уни лол қолдирган эди¹.

Ўзбек жадидлари Туркистон халқ маорифига жиддий эътибор берганлар. Бу соҳада таниқли мударрис ва маърифатпарвар Мунаввар қорининг хизмати каттадир. Мунаввар қори 1909 йилда маслакдош дўстлари Абдулла Авлоний, Убайдулла Асадуллахўжаев, Тошпўлатбек Норбўтабеков ва бошқалар билан ҳамкорликда тошкентлик бир бойнинг раислигида «Жамияти хайрия»ни ташкил қилди. Мунаввар қори ва сафдошлари жамият орқали қашшоқ ва касалманд кишилар, ўқувчиларга ёрдам кўрсатиш билан чекланмайди. Россия ва Туркиядаги олий ўқув юртларига талабалар юбориш билан ҳам шуғулланади. Мунаввар қори гуруҳига мансуб кекса санъаткор Абдурахмон Акбаров ўз хотирасида шундай воқеани эслайди: «Гуруҳдаги жадидларнинг бош раҳбари бўлган Мунаввар қори бир куни тўданинг мажлисига келиб: «Зиёли ёшлардан бир нечасини Германияга юбориб ўқитиш керак», деб узоқ нутқ сўзлади. Шундан кейин тўданинг раҳбарларидан 7—8 киши Орифхўжабойнинг янги шаҳардаги ҳовлисида шу ҳақда биринчи марта мажлис ўтказдилар. Орадан чамаси 15 кунлар кейин Каттахўжа Хўжаевнинг уйида иккинчи марта катта йиғин бўлди. Бу мажлисда Тошкентнинг энг машҳур боёнлари йиғилдилар. Жумладан, Орифхўжабой, Саидқаримбой, Комилжонбой чойфуруш, Асил оқсоқол, Боқижонбой ва бошқалар. Бу ерда тўпланганларнинг сони 50—60 тага етарди. Буни ташкил қилишда кўпроқ ташаббус кўрсатган Мунаввар қори билан Илҳом самоварчи ва Муродхўжа Солихўжа ўғиллари эди. Ҳамма йиғилиб бўлгандан кейин мажлис очилиб, биринчи бўлиб Мунаввар қори сўзга чиқди. Мунаввар қори: «Ўзбек зиёлий болаларини Германияга юбориб ўқитишга жуда муҳтожмиз. Болалар ўқуб, илм таҳсил олиб келсалар, миллатига катта хизмат қилаоладилар», деган сўзлар билан узоқ нутқ сўзлади. Унинг кетидан, Мунаввар қорининг сўзини қувватлаб, Самиг қори чиқиб сўзлади. Охирда саволлар тушди: ким, неча кишини юборамиз, деб Самиг қори «борадиган кишиларнинг рўйхати бор», деб домла Муродхўжа Солихўжа ўғлидан рўйхатни ўқиб беришни сўради... Германияга ўқиб келиш учун борувчилар шулар экан:

Академик В. В. Бартольд «Жўрабекка тегишли қўлёмалар йиғиндиси» номи асар яратган. Ундаги «Жомеъ ут-таворих» асарини «Ўрта асрда на Осиёдаги, на Европадаги бирор халқда учрамайдиган улкан тарих қомуси» деб баҳолаган. Қ а р а н г: Бартольд В.В. «Туркестан в эпоху монгольского нашествия». Соч. Том. I, М., 1968, 24-бет.

1. Шайховандтахур даҳасидан Абдулваҳоб Муродий. Бешёғоч даҳасидан ҳам икки киши: 1-си Чақар маҳаллалик Муҳаммад-жонов, 2-си Яланқир маҳаллалик Аъзам соатсоз ўғли, жами 4 киши экан. Мунаввар қори яна ўрнидан туриб «Жамоат, мана бу ёш, ўсмир болаларимизнинг Германияга бориб ўқиб келишлари фақат сиз боёнларимизнинг ёрдами остида вужудга чиқади», — дейиши билан ўтирган бойларнинг бири Мунаввар қорининг қўлига анчагина пул берди... Пул тўпланиб саналиб бўлингандан кейин Мунаввар қори ўрнидан туриб: «Миллатимизнинг келажакдаги бахту саодати учун шундай катта ҳимматларингизга кўпчилик томонидан раҳматлар айтаман», деб ташаккур билдирди»¹.

Бу далил қаддини ростлаб бораётган ўзбек буржуазиясининг миллий бирликка ва ўз-ўзини англаш жараёнига хайрихоҳ бўлганини кўрсатади. Андижонлик Миркомил Мирмўминбоев каби бойларнинг хайрия ишларига катта маблағ ажратгани, ёшларни Германия ва Туркияга ўқишга жўнатгани ана шундан далолат беради. Мўминбоевга рус сиёсий полицияси шундай таъриф берган: «У жуда ақлли, айёр, удабурон киши. Эътиқоди бўйича панисломчи ва русларга қарши... Андижон шаҳар тижоратчилар партияси бошлиғи. Ушбу партия аъзоларининг ҳаммаси унга моддий жиҳатдан боғланган»².

Андижонда ташкил топиб бутун ўлкада ўз ташкилотларига эга бўлган «Тараққийпарварлар» фирқаси ҳам Туркистон миллий буржуазияси ёрдамига таянган³.

Туркияга бориб таълим олган ёшлардан бири, кейинчалик машҳур шоир, адиб ва олим Абдурауф Абдурахим ўғли Фитрат эди. Афғонистонлик машҳур мутафаккир Жамолидин Афғоний, мисрлик Муҳаммад Абдух, қримлик Исмоилбек Фаспиралининг сиёсий қарашлари, хур фикрлари, Туркиядаги турк ёшларининг «Турк ўчоғи», «Иттиҳод ва тараққий» ташкилотлари ва бошқа сиёсий ҳаракатларнинг истиқлол хусусидаги мақсад ва маслаҳатингиз ва рус муштамлақачилари занжирини узиб, бутун мусулмон мамлакатларига тарқалган эди. Айниқса, Исмоил Фаспиралининг «Дорулроҳат мусулмонлари» асарининг Бухоро ва Туркистонда ёйилиши зиёлилар онгида инқилоб уйғотади. Ана шу илғор шахснинг таъсири билан Бухорода «Тарбияيي атфол» (Болалар тарбияси), Тошкентда «Турон» жамиятлари вужудга келди. Атоқли олим Аҳмад Закий Валидий Тўғон «Бугунги турк эли: Туркистон ва унинг яқин тарихи» китобининг «Ерли туркларда сиёсий ташкилот» бобида шундай ёзган: «1910 йили Бухорода мударрис Ҳожи Рафий, мирзо Абдувоҳид, Ҳамидхўжа

¹ Сирожиддин Аҳмад. Мунаввар қори. «Шарқ юлдузи», 1992, 5-сон, 107-бет.

² ЎзР МДА, 461-жамғарма, 1-рўйхат, 1902-иш, 64-варақ.

³ ЎзР МДА, 1-жамғарма, 31-рўйхат, 1144-иш, 35-варақ.

Меҳрий, Аҳмаджон маҳдум, Усмонхўжа¹ ва Мукаммалиддин маҳдум кабилар «Гарбияи атфол» жамияти қурдилар. Бу жамият Истанбулда бир шўъба очароқ, 1911 йили ўн беш, 1912 йили 30 талаба юборди. Бу шўъба Бухорода «Таълим маориф жамияти» отила расмий бир жамият шаклини олди. 1910 йили Эрон йўли-ла Истанбулга келган шоир Фитрат ила Муқимиддин ва Русия йўли-ла келган Усмонхўжа, гулжалик Абдулазиз, Содиқ Ашур ўгли бу жамиятнинг қурувчиларидан эдилар. Фитрат Истанбулда форсча «Мунозара», «Сайёҳи ҳинди» отли танқидий ва ҳажвий асарларини бостирди.



Туркистоннинг маърифатпарвар сармоядори — жадидлар раҳнамоси Миркомил Мирмўминбоев тижоратчи дўсти Ёқубхўжа билан.

¹ Усмонхўжа Пўлатхўжаев Бухоро жадидлари етакчиларидан, 1920—1921 йилларда Бухоро Халқ Шўро Республикаси Марказий Ижроия Қўмитаси раиси бўлиб хизмат қилган, Афғонистонга ўтиб кетган, 1968 йили Туркияда қаза қилган. Қ а р а н г: *Шамсутдинов Р.* Усмонхўжа Ватан хоини эмасди. «Халқ сўзи», 1991 йил 15 сентябрь.



Машхур шоир, адиб ва олим
Абдурауф Абдурахим ўгли Фитрат.

Фитрат 1909—1913 йилларда Истанбулда таҳсил олиб қайтиш чоғида Ҳиндистон ва Афғонистонда бўлади. У Истанбулдан мутлақо янги туғилган одамдай бўлиб қайтади. Шу боис ўзига «Фитрат» — «Туғилиш» деб тахаллус олади.

Бу ўринда Андижондаги «Тараққийпарварлар»нинг таҳсинга сазовор ташаббусларидан бирини эслаш ҳам жоиздир. 1917 йилнинг 19 февралда шаҳардаги маҳаллий жамоат арбоблари, маърифатпарвар ташкилотлар вакиллари, жадидларнинг Фарғона водийсида замонавий институт очишга бағишланган йиғилиши бўлди. Йиғилиш кечқурун соат етти яримда бошланиб тунги 3 гача давом этди. П. М. Турнеев, П. Н. Шереметьевский, В. А. Чайкин ва бошқа кўплаб нотиқлар ўз

сўзларида Фарғона олий техника мактаби очиш зарурлигини ҳар жиҳатдан асослаб бердилар. Соат 11 га бориб жамоат ташкилотлари ва айрим шахслардан институт очиш учун 40000 сўмлик хайрия жамғармаси ташкил бўлди. Бу жамғармага таркибида кўплаб тараққийпарварлар бўлган маърифат ҳаваскорлари жамияти 5000 сўм, миллионер бой, жадид Аҳмадбек ҳожи Темирбеков 25 000 сўм ҳадя этдилар. «Саҳоватли бой, ўзбек миллий сармоядорларининг типик вакили Аҳмадбек ҳожи кейин яна кўп маблағ ажратишга ваъда қилди... Йиғилишда институт очишни ҳал этиш учун 15 нафар аъзодан иборат ташкилий қўмита сайланди.... Худди шундай ташкилий қўмиталар, институт очиш хайрия фондлари водийнинг Қўқон, Наманган, Ўш, Скобелев шаҳарларида ҳам ташкил этилиб, уларнинг жамиятларида жадидлар хизмати катта бўлди...»¹

Ўзбек маърифатпарварларининг қудратли гуруҳининг фаолияти ҳақида рус махфий полицияси ТРМБ катта маълумот тўплаган эди. У Туркистон ёшларининг Туркия билан алоқасидан чўчиган ва ёш турклар таъсирини йўқотиш чораларини излаган. ТРМБ архивида Мирза Аҳмад Қушбеғиевнинг «Тарақ-

¹ «Туркестанский голос», 1917 йил февраль.

қийпарварлар жамияти ғоялари очерки» деб номланган маълумотномаси бу жиҳатдан диққатга сазовордир. «Тараққийпарварлар жамиятининг бош ғояси, — деб ёзган А. Қушбеғиев, — ёш турклар тараққиётига тақлид этишдир. Уларнинг режаси халққа сиёсий ва ички эркинлик бериш, аҳоли ўртасида улар ўз эътиборларини сиёсат ва дин заминидаги ҳаракатлари билан амалга оширишни режалаштиришган. Улар ўзларини халқни рус ва маҳаллий маъмурият зулмидан халос этишга қаратилган сиёсатни олиб борувчилар қилиб кўрсатишга интилишади, рус тили ва маълумотини эгаллаган ва рус элементлари доирасида юрвчи ёшларнинг кўпчилиги уларга хайрихоҳ ва ғояларини тарқатишда яқиндан ёрдамлашади»¹.

ТРМБ туркларга хайрихоҳ ёшлар сафидан энг хавфлиси деб Мунаввар қоридан сўнг унинг дўсти Убайдулла Асадуллаҳўжаевни билган ва уни тезда рўйхатга олган. У, махфий айғоқчи таърифича, «рус тили ва маълумотини эгаллаган ёшлардан» эди. Тошкент эски шаҳарининг «Қорёғди» маҳалласида боғбон Асадулла маҳсум оиласида дунёга келган Убайдуллаҳўжа рус-тузем мактабини битиргач, келиштирувчи судья идорасида тилмоч сифатида фаолиятини бошлаган. Унинг уқувчилиги, ақлидроки ва билимга чанқоқлиги судья эътиборини ўзига жалб қилди. Саратов шаҳрига жўнашга тўғри келганда Убайдуллани ҳам ўзи билан олиб кетиб, унга устоз бўлишининг сабаби ҳам шу эди. Саратовда у адлия бўйича мутахассисликни ўрганиб, ҳам назарий, ҳам амалий билимларни эгаллади. Ўша йилларда у рус инқилобий ғояларига қизиқиб, эсерлар билан яқинлашди. Убайдуллаҳўжа 1909 йилда Лев Толстойга хат ёзгани ва унинг таълимоти ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдиргани диққатга сазовор. Буюк адибнинг ёш ўзбек йигити мактубига жавоб ёзиб, Саратовга йўллагани ҳам Убайдулланинг ақл-заковати улуғ ёзувчи эътиборини жалб қилганидан далолат беради. У социал-демократ, эсерлар дастури билан танишади ва ўз дунёқарашини шакллантиришда уларнинг тажрибасидан фойдаланади.

Мулоҳаза учун маълумот

**Убайдулла Асадуллаҳўжа ўглининг 1909 йил 29 майда
рус ёзувчиси Л.Н.Толстойга йўллаган мактуби**

Хурматли Лев Николаевич !

Мен Сизни безовта қилишни хоҳламасам-да, ушбу мактубим орқали ўзим учун шубҳали туюлган «ёвузликка ёвузлик қилмаслик» ҳақидаги саволга жавоб олиш учун мурожаат қилишга жазм этдим. «Ёвузликка ёвузлик қилмаслик» ҳақидаги гап сўзсиз ҳақиқат эканлигини эътироф этсам-да, қуйида келтирилаётган воқеадан кейин қандай ҳаракат қилиш лозимлигини билмайман. «Ёвузликка ёвузлик билан жавоб бермаслик» нафақат мен

¹ ЎзР МДА, 461-жамғарма, 1-рўйхат, 1968-иш, 13-варақ.

амал қиладиган Ислом дини ва дунёқарашига, балки Инжил ва Таврот талабларига ҳам тўлиқ мос келади. Менимча, «ёвузликка ёвузлик қилмаслик»нинг асосида «агар бирор киши қандайдир ёвузлик қилса, бу билан битта ёвузлик содир этилади, агар мен ўша ёвузликка қаршилиқ қилсам ва қасос олсам, табиийки, бунинг оқибатида битта ёвузлик ўрнига иккита ёвузлик содир этилган бўлади. Агар мен қаршилиқ қилмасам, битта ёвузлик кўпаймайди, битталигича қолади», деган ҳақиқат ётади. Шундай қилиб, қаршилиқ қилмаслик ва бошқа йўллар билан ёвузликни иложи борича камайтириш керак деган хулоса чиқади. Фараз қилайликки, мен қандайдир бир кишининг бутун бир уйни, шаҳарни ёқиб юбориш ёки поезд ё пароходни ҳалокатга учратиб, сўзсиз ўнлаб-юзлаб ва минглаб кишиларнинг ҳалок бўлишига олиб келиши керак бўлган катта ёвузлик қилмоқчилигидан хабардорман. Инсонийлик нуқтаи назаридан қараганда, мен тайёрланаётган ёвузликдан огоҳлантирувчи чоралар кўришим лозим. Аммо бунинг учун менинг балки ўша ёвузлик қилмоқчи бўлган кишини ўзининг қабиҳ ниятини амалга оширмасдан йўқ қилмасликдан бошқа чорам бўлмас.

Менинг у ёвузни йўқотиш билан қилган ёвузлимим ўнлаб, юзлаб ва минглаб кишининг кутқарилиши туфайли олди олинган жуда катта ёвузлик олдида ҳеч нарса эмас. Мен ўзимнинг ҳаракатимни ёвузлик деб эмас, ундан ҳам катта ёвузликнинг олдини олишнинг ягона йўли деган бўлар эдим.

Менинг фикрим шундай, аммо унинг тўғри ёки нотўғри эканлигини билмайман, шунинг учун ҳам Сизга узоқ иккиланишлардан сўнг, тушунтириб беришигизни сўраб, муурожаат қилишга жазм эдим.

Агар мени жуда қизиқтирган саволга ўзингизнинг шарҳингизни раво кўрсангиз, абадул абад Сиздан миннатдор бўлар эдим.

Менинг турар жойим: Саратов шаҳри, Юренков пассаж-уйи, ҳуқуқшунослик бўлими, Хўжаев Убайдулла Асадуллаевичга,

Сизга сидқидилдан содиқ мусулмон

Уб. А. Хўжаев.
1909 йил 28 май.
Саратов ш.

Л. Н. Толстойнинг жавоб мактуби

Ясная Поляна. 1909 йил 5 июнь.

Убайдулла Асадуллаевич!

Сиз мендан сўрабсизки, бир кимсанинг кўп одамларга ёвузлик қилиш нияти маълум бўлса, у такдирда қаршилиқ кўрсатмаслик ҳақидаги таълимотни тан олган киши нима қилиши керак? Кўпчилик ҳалокатининг олдини олиш учун, ўша бир кишига нисбатан қўллаш маъкул эмасми?

Авф этасиз, саволингиз, кўпларнинг шу хилдаги саволлари сингари ҳақиқатни билиш истагидан эмас, аксинча, ҳақиқат деб ҳисоблаган нарса-ни адо этмасликни оқлаш истагидан келиб чиққан. Инсонга меҳр-муҳаббат ҳақидаги таълимот қаршилиқ кўрсатмаслик тушунчасини ҳам ўз ичига олиб, у инсон интиладиган идеални билдиради. Идеални таомилнинг оддий қондаси деб билиш эса катта хато ёки ўз-ўзини алдашдир. Бу ҳаётда ҳеч қачон тўла эришиб бўлмайдиган етук камолотни талаб этувчи идеалгина идеал бўла олади. Лекин у ҳаётга раҳнамо сифатида зарурдир, ҳаётда эришиб бўлмайдиган ана шу камолотдан дарак бергандагина зарурдир. Меҳр-муҳаббат идеали ҳақида ҳам шунини айтиш мумкин. Қаршилиқ кўрсатмаслик тушунчасини ҳам ўз ичига оладиган меҳр-муҳаббатни талаб этиш — ҳеч вақт тўла адо этиб бўлмайдиган нарсадир. Шунинг учун уни адо этишга интилиш ҳам керак эмас деган мулоҳаза менга компас тутган шундай бир одамни эслатади: йўлда манзилингга тикка бор деб унинг кўлига компас тутқазганлар, у бўлса компас кўрсатган тўғри йўлдан ўтиб

бўлмайдиган тўсиқлар: тоғлар, дарёлар ва ҳоказолар бор, шу сабабли ҳам мен мумкин қадар мутлақо тўғри йўлга тушиб олиш учун компасга риоя қилиб ўтирмай, бошим оққанча четга қараб кетаверишим мумкин, деб туриб олади. Қаршилиқ кўрсатмасликни ҳам ўз ичига оладиган меҳр-муҳаббат масаласида эса компас доимо нима қилиш кераклигини (сайёҳга йўналишни) кўрсатадиган ахлоқий-диний туйғудир. Одамнинг хатти-ҳаракатларидан келиб чиқадиган оқибатлар эса ҳеч қачон унга аён бўлмайди. Шунга кўра, сайёҳ учун компас кўрсатган мутлақ тўғри йўналишга мумкин қадар яқинроқ юриш бирдан-бир раҳнамо бўлганидек, ахлоқий идеалга мумкин қадар яқин бўлишга интилиш — инсон учун бирдан -бир раҳнамо бўлиши керак.

Саволингизга берган жавобим Сизни қаноатлантира олса гоят хурсанд бўлур эдим.

*Лев Толстой.
Ясная Поляна.
1909 йил 5 июнь¹.*

* * *

Маҳаллий театр. Саратовлик эсерлар тавсияси билан Убайдуллани эсер, Тошкент суди ишончли вакили (давлат хизматидаги адвокат) Иван Чарковский ўз идорасига ишга олади. Қисқа муддат ичида олий маълумотли Убайдулла мустақил равишда адвокатлик ишини юрита бошлади. Бийрон русча нутқи адлия ишининг нозик нуқтадони, Россия империяси қонунлари мажмуасининг билимдони сифатида мижозлари ишини муваффақият билан яқунлагани, бир неча катта суд жараёнида галаба қозонгани унга обрў-эътибор келтиради.

ТРМБ бошлиғи полковник М. Волков уни 1913 йилдан қайдга олиб мунтазам кузатувда тутгани сабабини шундай изоҳлаган: «Убайдулла Асадуллаҳўжаев. Тошкент сартларидан. Хусусий ишончли вакил. Хўжаев Саратовдан Тошкентга қайтиб, қисман адвокатлик ва қисман тарғиботчилик қила бошлаган, 1913 йилдан ТРМБга эътиқодли панисломчи сифатида маълум. У «Умид» деб аталган илғор мусулмон гуруҳига етакчилик қила бошлаган»².

Убайдуллаҳўжа дўсти Мунаввар қори, Абдулла Авлоний, Раҳим Иноғомов, Комилбек Норбеков, Тўлаган Хўжамёров (Тавалло), Муҳаммад Пошшаҳўжаев, Тошпўлатбек Норбўтабеков ва бошқалар билан биргаликда «Турон» жамиятини тузади. Бу жамият низомида қуйидагилар ёзилган: «Халқ орасида жадидий ва сахна ишига ҳамда хайрияга муҳаббат уйғотиш; халқ учун спектакль қўйиб, соғлом томоша кўрсатиш; Туркистон ўлкаси ҳудудида яшовчи муҳтож мусулмонларга моддий ёрдам бериб, маънавий ва моддий жиҳатини яхшилаш». 1913 йил июнь-июль ойларида «Турон» труппаси ўзининг норасмий спектаклини кўрсатади. Мунаввар қорининг маълумотига қараганда, ундан 600 сўм фойда кўрил-

¹ «Туркестанский голос», 1916 йил, №136. Ўзбек тилида бу мактублар «Гулистон» журналининг 1971 йил 11-сонида эълон қилинган.

² ЎзР МДА, 1-жамгарма, 31-рўйхат, 1144-иш, 6-варақ.



Туркистоннинг таниқли адвокати,
ношир ва жамоат арбоби Убайдулла-
хўжа Асадуллахўжа ўғли.

тарафи ойнабанд қилинган бир уйга ўхшайдурки, унга ҳар ким кирса, ўзининг хусн ва қабихлигини, айб ва нуқсонини кўриб ибрат олур... Театр сахнасига чиқиб, юзига ун суртиб, бир масхарабоз шаклига кирган зотлар гўёки табиби ҳозиқ мисолидадир»¹. Муфтий Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг «Падаркуш» пьесаси катта муваффақият қозониб, эл оғзига тушди. Бу шунчаки бир маданий тадбир бўлмай, балки миллий ўзлигини англашдек сиёсий дастур эканлигини ТРМБ бошлиғи қайд қилгани бежиз эмас. Абдулла Авлоний бу ҳақда шундай ёзган: «1913 йилдан бошлаб халқни кўзин очмоқ, маданиятга яқинлаштирмоқ учун театру ишларига киришуб Тошкентда бир неча маротаба театру ўйнагондан сўнг бутун Фарғонани айлануб, ҳар бир шаҳарларда бир неча мартабадан театру ўйнаб қайтдик. Бу вақтларда бизнинг мақсадимиз зоҳирда театру бўлса ҳам, ботинда Туркистон ёшларини сиёсий жиҳатдан бирлаштирув ва инқилобга ҳозирлов эди»².

¹ Сирожиддин Аҳмад. Мунаввар қори. «Шарқ юлдузи», 1992 йил, 5-сон.

² А. Авлоний. Бурунги ўзбек вақтли матбуотининг тарихи. «Туркистон», 1924 йил 24 июнь; Ш. Ризаев. Жадид драмаси. Т., «Шарқ», 1997.



«Турон» гурппаси аъзолари.

Тадқиқотчиларнинг маълумотига қараганда, «Падаркуш» пьесасидан кейин 1917 йилгача ўзбек драмаларининг сони 40 га етган. Тошкент, Самарқанд, Андижон, Қўқон шаҳарларида турли труппалар вужудга келган. Маҳмудхўжа Бехбудийнинг «Падаркуш» пьесаси таъсири ўлароқ, бутун бир сиёсий оқим мухолифлар томонидан «Падаркушчилар» деб аталишига сабаб бўлади. Жадидларни шундай номлаш жоҳил уламолар ва бидъатчи унсурлар орасида расм бўлиб кетдики, уни кейинчалик рус мустамлакачилари ва шўро тадқиқотчилари ҳам мафкуравий нуқтаи назардан ишлатдилар.

«Турон» жамиятининг обрўси ва тарихий хизмати ҳақида Мунаввар қори бундай деб ёзган эди: «Тошкент жамиятининг исмини унутган, ёки ҳеч бир жамият деган сўзни эшитмаган Тошкент мусулмонларининг етти яшаридан етмиш яшаригача жамиятнинг вужудидан хабардор бўлди. Рус, яҳудий ва арманлар фойдаланиб юрган ўринлардан фойдаланмоқ мусулмонларга ҳам мумкин эканлиги очиқ билинди. Бу эса Тошкент мусулмонларининг хийли руҳларини кўтарилмоғига ва жамиятга муҳаббат ила қарамоқларига сабаб ўлди»¹.

Мунаввар қори халқ маорифи аҳволи ҳақидаги бош мақола-сида «Бутун дунёдаги маданий миллатларнинг қайғу ва ҳасрат-

Сирожиддин Аҳмад. Кўрсатилган мақола.

ларина иштирок этмаган ва бу шодлик масарратларидан баҳра олмаган бир қавм ва бир миллат зор эса ул ҳам Туркистон туркларидирмиз», деган. Мунаввар қори бошланғич ва ўрта мактаблар фаолиятдан қоникмаслигини очиқ айтиш билан бирга, мадраса ва мударрисларнинг ҳам заиф эканини ошкор қилади: «Мадрасаларга имтиҳон жорий бўлса, кўп шоғирдларнинг ва бир неча мударрисларнинг мадрасадан чиқармоқлари лозим келур». Ҳар бир халқнинг миллат сифатидаги шаклланишининг биринчи белгиси мазкур халқнинг ўзлигини таниши ва ўзини ҳимоя қилиш туйғусининг уйғониши, миллий қадриятларини сақлаш ва тараққий эттириш, бу йўлда турли-туман жамият ва уюшмаларни вужудга келтиришидир. Буни Мунаввар қори қуйидагича шарҳлайди: «Мадааний миллатларнинг бутун тараққиёти диния ва эҳтиёжот майллари учун энг ишончли суянчиқ ва мутлақо эттеҳоз ўлинмиш ва уларда маданият нарвонининг биринчи босқичи мактаб, иккинчиси жамият экан»¹. Ана шунинг учун ҳам рус мустамлакачилари Туркистон халқлари ўртасидаги маърифатпарварликнинг ҳар қандай кўринишига барҳам беришга интилдилар. Каспийорти вилояти бошлиғининг 1908 йил 14 августда ўлка билим юртлари бош нозирага йўллаган хатида айтилган фикр бунга ёрқин далилдир. Рус генерали ўқитувчилар семинариясини тугаллаб юртига қайтган туркманларга ўқитувчилик жойларини бермаганини асослаб шундай ёзган: «Мавжуд туземецлар мактаби ва 8-рус-тузем мактаблари туркманлар эҳтиёжини тўла қондиради. Россияда ўзимиз томонимиздан яратилган ўчоқларимизда давлатга қарши ҳар хил ташвиқот юргизилаётгани етарлики, эндиликда туркман аҳолиси ўртасида яна бир ўчоқ яратиш мутлақ эҳтиётсизлик бўлади. Мен туркманлар бизга содиқмас демоқчи эмасман. Аммо ҳозир улар ҳам биз, руслар аввалгидек аҳил ва кучли эмаслигимизни кўришмоқда. Шунинг учун ҳам туркманларнинг дунёқарашида Россия қудратига ишонч мустаҳкам эмас ва бўлмайди ҳам»².

Вилоят бошлиғи худди шу қирғиз даштларида русларга қарши ғалаёнлар авж олаётганидек инқилобчилар фаолияти туфайли туркманларда ҳам қарши ҳаракат учқунлари пайдо бўлаётганидан ташвишини яширмайди. Тажан туманбошиси подполковник Н. Ломакин бошлиғига юборган ахборотида ўз туманида Гамзабек Сулаймонов деган зиёлий пайдо бўлгани ва халқни ҳукуматга қарши қайраётганини айтиб, Гамзабекка мурожаат қилаётган ҳар бир кишини бир ой муҳлатга қамаётганини маълум қилгани ҳам диққатга сазовордир³.

¹ Ўша жойда.

² ЎзР МДА, 1-жамғарма, 31-рўйхат, 433-иш, 233-варақ.

³ Ўша жойда.

Мустамлака маъмурияти маҳаллий миллатлар ўртасидаги миллий-озодлик ва инқилобий ҳаракатнинг ҳар бир кўринишини зудлик билан, ривож топмасидан олдин, бўғиб ташлашга асосий диққатини қаратди. Сиёсий разведка фаолиятининг диққати ҳам шу масалага қаратилди.

Рус мустамлакачилари ўлка туб аҳолиси 1905—1907 йиллардаги инқилобий воқеалардан хулоса чиқариб, мустамлака тузумига қарши кайфиятда иш кўра бошлаганини пайқадилар. Самарқанд вилояти ҳарбий губернатори 1907 йил февраль ойида ўлкада жандарм назоратини ўрнатиш ҳақидаги маълумотномасида шу фикр мужассамдир. Рус ҳокимияти «Ўрта Осиёдаги инқилобий ташкилотларнинг маҳаллий аҳолига таъсирини йўқотиш учун зарур миқдорда маблағ ва яхши воситаларга эга бўлиши керак»¹, дея ўлка вилоятларида жиний-сиёсий қидирув хизматини кенг миқёсда ташкил этишни таклиф қилади. Бу хизмат, губернаторнинг фикрича, «тузем аҳолини инқилобий ташвиқотчилардан сақлашда» муҳим роль ўйнаши керак. Унинг мулоҳазаларини Фарғона вилояти ҳарбий губернатори ҳам маъқуллаб, бугунда сиёсий жиноятчилар сони ерли аҳоли вакиллари ҳисобига кўпайганини ҳам кўшиб кўяди. Маълумотномага Янги Марғилон округ судида Ғофиржон Исомжонов, Тошмаҳсум Муллаҳўжашев каби ўзбеклар ишини илова қилади. «Тайёр ва кенг тармоқ отган ташкилот ва идораларга эга бўлган маъмурият ва полиция, — уқтиради у, — кенг аҳоли билан ҳар куни муттасил тўқнашиб туради ва уни назорат қилишга ажойиб имкониятга эга»². Вилоят губернаторлари фикрини генерал-губернатор Н. И. Гродеков қизгин қўллаб-қувватлаб, ҳарбий вазирликка шу хусусда таклифномалар жўнатди. Санкт-Петербургнинг ҳарбий-сиёсий доиралари бу таклифларни ғоят жиддий ва қизиқиш билан ўрганди. Империя ҳукумати Туркистондаги мустамлака тузумига таҳдид солувчи жиддий куч оз сонли рус социал-демократлари, социал-инқилобчилари эмас, балки ўлкада уйғониб келаётган миллий онг эканлигини яхши англади. Шахсан император Николай II нинг амри билан ҳукмрон Сенат ўлкага сенатор гофмейстер граф К. К. Пален раҳбарлигида барча соҳалар мутахассисларидан иборат катта тафтиш комиссиясини юборди. Ички ишлар вазири айна шу мақсадда миллий-озодлик ғояси ва аҳоли кайфиятини ўрганиш ва зудлик билан қарши чоралар кўриш учун Тошкентга сиёсий ифвогарликлар устаси изқувар зобит Алоҳида жандармлар корпуси подполковниги Н. А. Васильевни катта ваколатлар билан жўнатди. Подполковник Васильев сиёсий изқувар сифатида маърифатчилик ғоясини кўтариб, янги усулдаги мактаблар, газеталар очган жадидларнинг туб мақсади рус

¹ Ўша жойда.

² Ўша жойда.

мустамлака тузумини ағдариш эканлигини яхши тушунган. Мунаввар қорининг ўзи ҳам бу ҳақда шундай деган: «Чор ҳукумати йўқотиш жадидларнинг тилагида бор эди. Сиёсий вази-фамиз ва мақсадимиз ҳам шундан иборат бўлиши яширин эмас. Наинки биз жадид мактаби очиш билан савдо хизматчи-лари, бошқа таъбир билан айтганда, дўконда ўлтириб насия ёзадурғон ходимлар етказсак. Шу ишга ақлли одам шу баҳони беришда у ёқ бу ёқни мулоҳаза қилсин»¹.

Таниқли маърифатчи Абдулла Авлоний ўз таржимаи ҳолида мазкур масалага ойдинлик киритади: «1904 йилда рус-япон уруши чиқиб, бу уруш бутун Россия ишчиларининг кўзини очгондек бизнинг ҳам кўзимиз очилди. 1905 йилдаги Россияда бошланган инқилоб тўлқини бизга ҳам таъсир қилди. Бизнинг ташкилотимиз сиёсий маслақларга тушуниб, биринчи навбатда қора халқни оқартмоқ ва кўзни очмоқ чорасига киришди. Бу мақсадга эришмоқ учун газит чиқармоқни муносиб кўруб, уюшманинг ҳаракати билан ўзбек тилида газеталар чиқарилди. 1906 йилда «Тараққий», «Хуршид» газеталари чиқуб, эски ҳуку-мат томонидан тўхтатилгондан сўнг, 1907 йилда мен ўз муҳар-рирлигим билан ҳамда темир йўл ишчиларининг социал-де-мократ фирқасининг алоқа ва ёрдами билан «Шуҳрат» номин-даги газитни Сапёрни кўчада чиқардим»².

Хулоса тариқасида шуни таъкидлаш лозимки, XX аср бош-ларида Туркистон халқ маорифи ривожига янги усул мактаб-лари муҳим ўрин тутган эди. Жадидларнинг янги усул мактаб-лари Туркистон халқ маорифи тизимида туб бурилиш ясади. Эски мактаблар ва мадрасаларда ўқув сифатини яхшилаш ва замон талабларига мос иш тутишга зўр туртки берди. Бу соҳада матбуотнинг мавқеи катта бўлди.

Китоб санъати. Мустамлака Туркистонда босмаҳоналар ташкил топиши ва уларда газеталар, журналлар ва китоблар-нинг чиқиши тасвирий санъат ривожига таъсир қилди, маҳал-лий тилларда китоб, газета, илмий тўплам ва тақвимлар нашр этила бошланди. Бу нашрларда тасвирий санъатнинг илк на-муналари юзага кела бошлади. Бу асарлар ўзига хос, содда ва кўп ҳолларда ҳарф ва ҳандасавий шакллар ранг-баранглиги, миллий нақшларни янги даврга мослаб ишланган кўриниш-лари тарзида намоён бўлди. Аста-секин нашр қилинаётган китоб-ларга тасвир-безаклар киритиш ривожлана борди. Бу ишларга маҳаллий рассомлар ҳам кенг жалб этилди. 1908 йили Тош-кентда нашр қилинган «Шоҳнома», «Фарҳод ва Ширин» каби қатор китоблар суратлар билан безатилиб чиқарилди. Фирдав-сийнинг «Шоҳнома» дostonи расмларини Раҳматулла ва Раҳ-

¹ Сирожиддин Аҳмад. Кўрсатилган мақола.

² А. Авлоний. Бурунги ўзбек вақтли матбуотининг тарихи. «Туркистон», 1924 йил 24 июнь.

матуллабек, мулла Абдушукур, Саъдийнинг «Гулистон» ҳамда «Гўр ўғли» достонига Сирождидин маҳдум Сиддиқий безаклар ишлаган. Уларда рассомлар маҳаллий миниатюра санъати анъаналари билан бирга Европа реалистик санъати анъаналаридан ҳам фойдаланишга интилишган. «Гўр ўғли» достонига ишланган миниатюраларда С. Сиддиқий ўз қаҳрамонлари қиёфасини ҳаққоний талқин этишга ҳаракат қилган. Рассомлар баъзи китоблар учун эса хорижий мамлакатларда чиққан китоб иллюстрацияларидан нусха олишган. Китоб графикаси, унинг муқовасини ишлашда миллий анъанавий шакллар билан бирга секин-аста рус ва Европа китоб санъати анъаналари ҳам кенг ёйила бошланди. Шу ўринда рус ёзувчиси Г. А. Панкратьевнинг рус тилида нашр этилган «Исторические памятники города Самарканда» (1910) китоби муқовасини эслаш қифоя. Муқовага пештоқнинг олд кўринишини эслатувчи шакл ишлатилиб, унинг ичида китоб номи, муаллифнинг исми-шарифи киритилган. Натижада рус китоб графикаси услуби ўзбек нақш санъати билан бойиб, маҳаллий мазмун ва кўринишга эга бўлган. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, бу даврда Ўзбекистон ҳудудида нашр қилинган китоблар, жумладан, илмий йўналишдаги китобларни чоп этишда уларни тасвир-иллюстрациялар билан тўлдириш ҳоллари ҳам кенг тус ола бошлаган. Бу суратлар ўз характери жиҳатидан реал бўлиб, гравюра техникасида бажарилган. Туркистон ўлкасининг ҳайвонот олами, шунингдек, бу ҳудуддаги турли миллат ва элат кишиларининг қиёфалари шу китобларнинг иллюстрацияларида ўз аксини топган. Турли масжид ва мадрасалар, Туркистоннинг ажойиб табиати кўринишлари ҳам шу даврда нашр этилган китоблардан кенг ўрин олган. Жумладан, И. И. Гейернинг «Туркистон йўл кўрсаткичи»да (1901) табиат кўринишлари, тарихий обидалардан ташқари, халқ ҳаётидан олинган лавҳалар ҳам ўрин олган. XIX аср охири — XX аср бошларидаги ҳудуддаги бадиий ҳаёт бирмунча ривож топиб, бу ерда Россия китобот санъати услублари ўзининг янги қирраларини намоён эта бошлади.

Миллий санъат услублари Европа санъати услублари билан уйғунлаша бошлади. Бу даврда яратилган кўпгина санъат асарлари, жумладан, китобот санъатида яратилган асарлар, энг аввало рус мафқураси ва маданиятининг истило қилинган ерлардаги санъати эди. Аммо, шу билан бирга, бу асарлар бевосита Ўзбекистон ҳудудида яратилган ва миллий зиёлилар ҳаётида муҳим роль ўйнаган. Маҳаллий зиёлилар «илғор маданият»дан ортда қолмасликка интидилар, даврнинг энг янги ва сўнгги кашфиёт ва жараёнларидан бохабар бўлиб бордилар. Уларнинг ичида санъат билан шуғуллангани ва миллий санъатга янгиликлар киритишга ҳаракат қила бошлаган ижодкорлар сафи кенгая борди. Бу даврда бадиий ҳаётда Россиянинг турли минтақаларидан келган рассом ва

бошқа ижодкорлар етакчилик қилдилар. XX аср бошларига қадар бу ерга 40 дан ортиқ санъаткор келиб ижод қилган. Уларнинг кўпчилиги кейинчалик шу ерда ўтроқ бўлиб, ўзларининг бутун фаолиятини ўлкага бағишладилар. Россия марказида содир бўлаётган жараёнлар тезлик билан Туркистон заминига ҳам кириб келабошлади. Китоб муқоваси ва унинг ички безак ҳамда иллюстрацияларида XX аср Европа санъатида кенг тарқала бошланган «модерн» услуби ўз аксини топа борган. «Ўрта Осиё альманахи» шундай нашрлардан бўлиб, унда геометрик шакл ва чизиқлар, уларнинг мураккаб бирлашма ва ҳосилалари яратилган. XIX аср охирида ҳаттотлик, қўлёзмалар тайёрлаш, аниқроғи босмаҳоналар ёрдамисиз китоб яратиш жараёни жуда қисқариб кетди. Бу сўзсиз ҳаттотлик санъатига бўлган талабни ҳам камайтириб юборди. Босма ҳарф ва тасвир клишеси—тасвирни қоғозга тушуриш учун мўлжалланган махсус ишланмага бўлган талабнинг юзага келиши эса шунга монанд мутахассисларнинг пайдо бўлишини таъминлади. Босма услубда китоб тайёрлаш ва уни кўп нусхада чиқариш имконияти маърифий-маданий ишларнинг жонланишига, китобхонлар сафининг кенгайишига олиб келди. Графика санъатининг ривожланиши ва турларининг кенгайишини таъминлади. Плакатнинг турли кўринишлари, афиша, реклама, эълон варақалари, амалий графика борасидаги асарлар бу даврдаги Туркистон бадиий муҳотида етакчи ўринни эгаллаб, ижтимоий ҳаётда фаол иштирок этди.

Тасвирий санъат. XIX аср охири — XX аср бошларидаги Туркистон ўлкаси бадиий ҳаётида қаламтасвир ва айниқса рангтасвир санъати етакчи ўринни эгаллаб, бу санъат турларида, асосан, рус рассомлик мактабининг вакиллари ҳамда рус салтанатининг турли ҳудудларидан келган ижодкорлар етакчи ўрин эгалладилар. Агар ҳайкалтарошлик ва графика санъатида оз бўлса ҳам маҳаллий ижодкорларнинг вакиллари учратсак, аксинча, ҳали бу турларда бирор-бир маҳаллий ижодкор етишмаган эди. Бу соҳа ижодкорларининг яратиб қолдирган асарлари даврнинг муҳим ҳужжати сифатида қимматлидир. Бу санъат турларида турли миллат вакиллари ва турли эътиқод соҳибларининг профессионал маҳорати турлича бўлган санъаткорлар иштирок этган. Бундай рассомлар ичида В. Верешчагин, Н. Каразин, олим ва рассом Дмитрий-Кавказский, В. Вележе, О. Федченко ва бошқаларни кўриш мумкин. Кейинроқ эса таниқли рассомлар П. Кузнецов, К. С. Петров-Водкин, Г. Нюренберг ва бошқа ижодкорлар ўз асарларининг бир қисмини Ўрта Осиё ҳаёти, табиати манзаралари, одамларининг турмуш тарзини тасвирлашга бағишладилар.

Бу рассомлар орасида рус қуроли, рус шухратини кўжларга кўтарган, ашаддий шовинист В. Верешчагин алоҳида ажралиб

туради. У 1865 йили юртимизга ҳарбийлар билан бирга кириб келди, шаҳар ва қишлоқларни вайрон қилишда қатнашиб, рус кўшинлари ғалабасини кўкларга кўтариб мақтади. Махсус кундалик тутиб, бўлаётган воқеаларни қоғозга туширди. У ўз кундаликларида «бир туземцини минорадан улоқтириб юборганман», «биз ўтган шаҳар-қишлоқларда тутун бурқсираб қолар эди», «ўлим талвасасида жон бераётган дордаги мурданинг расмини ишлаганман» деб мақтанади. Верешчагин Туркистонга келганида рус тасвирий санъатида танила бошлаган рассомлардан эди. Улканинг кўп ерларида бўлди. Бу ерда у рангда ва қаламда расмлар чизди. Тўпланган расмлар асосида кейинчалик ўзининг машҳур «Туркистон» асарлар туркумини яратди. Верешчагиннинг «Туркистон» деб номланган асарлар туркумини тўрт гуруҳга ажратиш мумкин.

Биринчи гуруҳга рассомнинг ишлаган қаламчизги ва рангчизгилари, этнографик характердаги портрет ва композицияларини киритиш мумкин. Рассомнинг бу туркумдаги асарларида ўлканинг ажойиб меъморлик обидалари, халқ амалий безак санъати тасвир этилган. Шунингдек, бу гуруҳга кирган расмларда турли миллат вакиллариининг этник қиёфаларини юксак маҳорат билан ишлаган муаллиф уларнинг руҳий ҳолатларини ҳам очиб беришга ҳаракат қилган.

Туркумнинг иккинчи гуруҳига кирувчи асарлар маиший мавзуга бағишланган бўлиб, унда рассом ўлкадаги мустамлака шароитидаги халқнинг оғир қисмати, дарвиш ва тиланчилар қиёфасини тасвирлайди. Унинг «Зиндонда», «Кўкнорихўрлар», «Кул савдоси», «Болани сотиш», «Тиланчи дарвишлар» каби асарлари атайин ўлка ҳаётининг аянчли тарафларини кўрсатади.

Туркумнинг учинчи ва тўртинчи гуруҳи уруш мавзусига бағишланган. Бу асарларда рассом урушнинг нақадар шафқатсиз эканлигини кўрсатади. Шу билан бирга, рассом бу мавзуга улут рус шовинизми, энг аввало, рус салтанати мафкураси нуқтаи назаридан ёндошади. Рус жангчиларининг Ўрта Осиёни босиб олишда кўрсатган жасоратларини бўрттириб тасвирлайди. Кимсасиз саҳрода қора қарғаларга ем бўлиб ётган рус жангчисини ачиниш билан кўрсатади. Унинг Туркистон ҳимоячиларини акс эттирган асарлари эса нафрат туйғулари билан тўлиб-тошиб, унда юрт ҳимоячилари гўё ваҳший босқинчилардек тасвирланади. Асарларининг номи ҳам шунга монанд танланган. «Ваҳшийлар», «Тантана қилишмоқда», «Ўлжани кўрсатишмоқда» ва бошқалар шулар жумласидандир.

Бу тасвирлардан бирида туркистонликлар қопдан рус жангчиларининг бошларини ўз амирлари оёғи остига тўкаётган пайти тасвирланади. Бошқа бир асарда рус жангчиларининг бошлари ёғоч қозиққа илиниб, Регистон майдонида одамларга кўрсатилаётганлиги тасвирланади. Верешчагиннинг

ишлари ичида «Жанг тантанаси» асари ҳам машҳур. Одам бош суягидан қад кўтарган минора ва унинг теварак-атрофида қора қарғалар учиб юришида фожиали ва даҳшатли уруш тантанаси ўз аксини топган. Бу асарнинг ёғоч ҳошиясига «ўтган, ўтаётган ва келадиган буюк босқинчи саркардаларга бағишланади», деб ёзиб қўйилган. XIX аср охирларидан бошлаб бошқа халқлар ва давлатларнинг вакиллари ҳам Туркистонга келиб кетдилар ва ўлка билан яқиндан танишдилар. Унга атаб асарлар ёздилар. Булар орасида швед олими Свен Гедин, американинг таниқли ёзувчиси Теодор Драйзер, украин рассоми Сергей Светославский, грузин рассоми Г. Габашвили ва бошқаларни учратамиз.

Украин рассоми Сергей Светославский (1857—1931) Самарқандга атаб кўпгина расмлар чизган. Унинг «Самарқанд оқшоми», «Самарқанд бозори», «Ўрта Осиё манзараси» каби асарлари маълум. «Бибихоним олдидаги бозор» (1910) асари унинг халқчил анъаналарга содиқ эканлигини ва воқеликни танқидий идрок этиш ҳамда тасвирлаш қобилиятига эга эканлигини кўрсатади. Рассом ўлканинг бой ўтмишини улуғвор, лекин вайрона бўлиб бораётган Бибихоним масжиди мисолида ўлканинг мустамлака истибдоди давридаги аҳволини шу улуғ ёдгорлик ва унинг остонасидаги бозор кўриниши, лой йўлақлар, йиқилиб кетай деб турган кулбалар орқали тасвирлайди. Табиат манзараси — булутга бурканган осмон, барглари тўкилиб бораётган дарахт мазмунга янада мунгли оҳанг ва изтироб бағишлайди.

Туркистонда XIX аср охирида бўлган Георгий Габашвили Тбилиси Бадий академиясининг ташкилотчиси ва профессорларидан бири бўлиб, у Самарқанд ва Бухорода қатор асарлар, қаламсуратлар ишлаган. Уларда Ўрта Осиёнинг маҳобатли меъморчилик ёдгорликлари ўз ифодасини топган.

Яна бир рассом Сергей Юдин (1858—1933) манзара жанрида катта полотнолар яратиб, тошкентлик санъат мухлислари орасида шуҳрат қозонган эди. «Тоғдаги чойхона» асари рассомнинг воқеликни ниҳоятда табиий ишлашдаги юксак маҳоратини намоиш этади. С. Юдин 1889 йилдан 1923 йилгача Туркистон ўлкаси бадий мактабида устозлик қилди. Ўзбекистоннинг таниқли рассоми Н. Қорахон, таниқли рус рассомлари С. Чуйков, Маленина, Н. Куприяновалар, ҳайкалтарошлар Швац, Слоним шу даргоҳда ўқиган кезларида С. Юдиннинг таълимини олдилар.

XIX аср охирларидан эътиборан Туркистон ўлкасида туғилиб ўсган ижодкорлар ҳам бадий ҳаётда иштирок этиб, шу давр санъати ривожига ўз ҳиссаларини қўша бошладилар. Самарқандда туғилиб ўсган Лев Бурд (1887—1943) Москва бадий мактабида таълим олиб қайтгач (1907), ушбу шаҳарда ўз фаолиятини бошлади. Шаҳар кўриниши, унинг ҳаёти, ёдгорликла-

ри, одамларига бағишлаб кўплаб асарлар яратди. Шаҳарнинг бадиий ҳаётида фаол иштирок этиб, кўрғазмалар ташкил этишда, кейинроқ эса бадиий студия ва мактаблар очилишида хизматлари катта бўлди. Лев Бурд асарларининг асосий қисми мойбўёқда бажарилган. Унинг «Эски шаҳар», «Регистон» ва бошқа асарлари бугунги кунда Ўзбекистоннинг қатор музейлари экспозициясидан ўрин олган.

XX аср бошларида санъат оламига кириб келган яна бир йирик рассом Александр Волковнинг (1886—1957) асл ватани Фарғонадир. У шу ерда таваллуд топди, Петербург Бадиий академиясида таниқли рус рассомлари Н. Рерих, И. Гилибин, В. Маковскийлардан сабоқ олди (1908—1910). Киевдаги бадиий мактабда бўлиб, машхур украин рассоми Ф. Кричевский хузурида маҳоратини оширди (1912—1916). Туркистонга қайтгач, «янги» услубларда кўплаб асарлар яратди. Унинг «Анори қизил чойхона» асари кўпгина тадқиқотчилар томонидан юқори баҳоланди.

XX аср бошларида қадар Туркистон ҳудудида санъатни ривожлантиришда рассомлар П. М. Никифоров, И. Казаков, О. Татевосян, А. Зоммер, А. Юсупов, С. Дудин, П. Кузнецов, С. К. Петров-Водкин ва бошқаларнинг ижоди салмоқлидир. Мазкур санъаткорларнинг асарлари бугунги Ўзбекистон ва ундан ташқаридаги музей ва шахсий галереялардан ўрин олган бўлиб, давр руҳини ўзида намоён этиб келмоқда.

Туркистон генерал-губернаторлиги ҳудудида меъморлик ва амалий безак санъатида ҳам ўзгаришлар юз берди. Меъморчиликда маҳаллий анъаналар асосида ишланган ёдгорликларга нисбатан (масалан, масжид, мадраса қурилишлари) европача услубда қурилган бинолар етакчи ўринни эгаллади. Миллий меъморчиликда халқ ижодиёти ва давр ўзгаришлари заминидан янги технология ва конструкциялар бунёд этилди. Жумладан, пишиқ гишт, тунука том, темир панжаралар қурилишлари оқибатида таомилдаги «эски шаҳар» кўриниши ўзгара бошлади. Хона-интерьерларини безашда нақшли тасвирлардан ташқари мавзули деворий расмлар ҳам урфга кирди. Хориждан келтирилган қандил, чинни, кафел ва бошқа буюмлар ўзига тўқ оилалар хонадони муҳитини янги давр руҳига мос қилиб ўзгартирди. XIX аср охири ва XX аср бошларида меъморчиликдаги ўзгаришлар ўлканинг муҳим шаҳарлари Тошкент, Самарқанд, Фарғонада айниқса кўзга яққол ташланди¹.

¹ Н. Абдуллаев. Россия истилоси даврида Марказий Осиё санъати. Тошкент, 1999, 1—16-бетлар.

Матбуот

XX аср бошларида Туркистон ўлкасида генерал-губернаторликнинг расмий органи — «Туркестанские ведомости» ва унинг ўзбекча иловаси «Туркистон вилоятининг газети» мунтазам чиқиб турди. Унинг муҳаррири олим ва журналист Н. П. Остроумов (1846—1930) эди. У 1877 йилдан 1917 йилгача Тошкентда хизмат қилган.

«Туркестанские ведомости» ва унинг иловаси «Туркистон вилоятининг газети» (1870—1917) ўлка тарихи, маданияти ва халқнинг турмушига оид жуда кўп мақолалар эълон қилганки, улар бугунги кунгача тарихчилар учун бебаҳо манба вазифасини ўтамоқда. Бу газеталар чоризмнинг мустамлакачилик сиёсати тарғиботчиси ва ташвиқотчиси бўлганини сира унутмаган ҳолда, уларнинг тарихий хизматларини, яъни ўша истибдод зулми тарихини ёритишдаги хизматини алоҳида таъкидлаш лозим. Бу газетада шоир Фурқат асарлари ҳам босилган, илғор зиёлиларнинг материаллари ёритиб борилган.

Биринчи рус инқилоби (1905—1907) йилларида ўзбек жадидлари бир қанча газеталар чиқаришди. Уларнинг орасида Исмоил Обидов муҳаррир бўлган «Тараққий» газетаси алоҳида ўрин тутди. Бу газета ўлкадаги ижтимоий-сиёсий тафаккурни ривожлантиришда катта роль ўйнади.

Жадидлар «Шуҳрат», «Хуршид» газеталарини ҳам чиқарганлар. Лекин бу газеталар чоризм томонидан тез орада ёпиб қўйилган. Бу ҳақда эсерларнинг яширин газетаси «Молот» мана буларни ёзган эди: «Туркистон эллик йилдан бери рус ҳукумати ҳукмронлиги остида кун кечирмоқда. Аммо Туркистон истило қилиниши арафасидаги жаҳолат ва нодонлик ҳанузгача сақланиб келмоқда. Ҳукумат бўйсундирилган халқни олға силжитиш у ёқда турсин, аксинча, ундаги хурофотни сақлаб қолди, чунки бу унга тинчгина ҳукмронлик қилиш ва аҳолини бемалол талашни таъминлар эди. Ерли аҳоли ўртасидаги ҳар бир янгилик ҳукумат томонидан душманлик билан қаршиланар ва шафқатсиз тусда бўғиб ташланар эди. Ҳаммага маълум эркинликлар деб аталмиш озодлик эълон қилинган, хусусий ташаббусга йўл очилган, туземецларнинг зиёли кучлари ўз билимлари билан она юртларига хизмат қилмоқчи бўлдилар. Жўшқин инқилоб туфайли уйғонган рус жамияти бошидан кечираётган жараёнга уларни жалб қилмоқчи бўлишди. Аммо уларнинг бу истаги бошидан оқ бўғиб ташланди. Ҳокими мутлақ золимнинг бир дастхати билан туземецларнинг тараққийпарвар маданий газеталари «Тараққий», «Хуршид», «Осиё» ёпиб қўйилди. Ҳозирги кунда ҳар бир давлатнинг истиқболи унинг маданияти даражасига боғлиқ бўлган йигирманчи асрда, ўз ҳудудида ўнлаб Фарбий Европа давлатлари бемалол сиғадиган беш вилоятдан иборат Туркистонда, маҳаллий аҳоли 90 фоизни ташкил этувчи ўлкада маҳал-

лий тилда чиқувчи биронта ҳам хусусий газета йўқ. Аҳоли атай-лаб зўрлик ила жаҳолатда сақланмоқда, чунки рус газеталари уларга етиб бормади. Рус ватикани умуман маърифатни ёқтирмайди ва ҳар бир илғор органда ўзининг ашаддий душманини кўради. Атиги икки йил давомида подшо гумашталари томонидан «Русский Туркестан», «Туркестан», «Вперёд», «Фергана», «Самарканд», «Новый Самарканд», «Работник», «Ташкентский курьер», «Туркестанская жизнь» газеталарининг ёпилгани бунинг яққол далилидир»¹. Эсерларнинг бу яширин газетаси («Молот»)нинг 1908 йил 25 декабрдаги «Туркистонда рус давлатчилигини ўрнатишнинг қисқача очерки» деб номланган мақоласида номлари эслатилган жадидларнинг «Тараққий», «Хуршид», «Осиё» ва рус инқилобчиларининг нашрлари фаолиятига оид қизиқ фикрлар берилган. Чунончи, Тошкент эски шаҳар полицмейстери подполковник Н. Н. Караулшчиков «Тузем аҳоли ўртасидаги озодлик ҳаракати» номи билан ёзган ахборотида сўнгги вақтларда ерли аҳоли анча дадиллашиб, ижтимоий ҳаётда уйғонганликлари ва бу борада илғор зиёлилар минбари — жадидлар ташкил қилган «Тараққий» газетаси салмоқли таъсир кўрсатишини алоҳида уқтириб ўтгани бежиз эмас².

Салтанат маркази вакили алоҳида жандармлар корпуси подполковниги Васильев ўзининг дастлабки фаолиятини ўзбек зиёллари — жадидларнинг рус инқилобий фирқалари билан алоқасини аниқлашдан бошлади. У Тошкент шаҳар ҳокимидан жадидларнинг етакчилари ва уларнинг оммавий ахборот нашрлари ҳақида маълумот талаб қилди. «Менга шуни хабар қилишингизни илтимос қиламанки, — деб ёзган эди Васильев, — 1907 йилда Тошкентда сарт тилида «Хуршид» сарлавҳаси остида газета чиққанми? Ким унинг муҳаррири бўлган? Қачон чиқа бошлаган? Қандай сабабларга кўра тўхтатилган? Унинг йўналиши қандай бўлган? Қайси босмаҳонада чиққан? Неча нусхада тарқатилган?» Тошкент шаҳар бошлиғи тезкорлик билан унга қуйидаги жавоб йўллаган: «Хуршид» газетаси соф сарт тилида 1907 йилда чиққан. Муҳаррири Шайховандтахур даҳасининг Дархон маҳалласида истиқомат қилувчи Муннаввар қори Абдурашидхонов, ёрдамчиси Фансуроллоҳбек Худоёрхонов ва котиби «Падаркуш» маҳалласида яшовчи сарт мулла Муҳаммад Раҳимхожи Муҳиддинхўжаев. Газета 6—7 ой мобайнида чиқиб, ҳукуматга қарши мақолалари ҳамда халққа хитобномалари учун ёпилган. Газета жуда сўл йўналишда бўлиб, обуначилари сони 300 дан зиёд эди»³.

Подполковник Николай Васильев ва полиция маслаҳатчиси Леонид Квицинский марказнинг махфий кўрсатмаси асосида

¹ ЎзР МДА, 1-жамғарма, 31-рўйхат, 567-иш, 35-варақ.

² ЎзР МДА, 1-жамғарма, 32-рўйхат, 840-а иш, 48-варақ.

³ ЎзР МДА, 461-жамғарма, 2-рўйхат, 1988-иш, 165-варақ.



«Хуршид» газетаси муҳаррири —
Тошкент жадидлари дарғаси
Мунаввар қори Абдурашидхонов.

Ўлка халқларининг мустамла-ка тузумига қарши миллий-озодлик курашига раҳбарлик қилишга қодир бўлган жадидлар ва уларнинг ҳукуматга қаршилиқ кўрсатувчи «миллий дастурлари» нималардан иборат эканлигига асосий диққатларини қаратишди. Маҳаллий халқларга муносабат масаласида рус инқилобий фирқаларининг тутган сиёсатини ўрганишга ҳам эътибор қаратилди. Социал-демократларнинг тутган йўли эсерлардан тубдан фарқ қилиши ҳам уларнинг назаридан қочмади. Сиёсий изкуварлар Туркистон ўлкасида марксизм ва инқилобий ғояларни тарғиб этувчи фирқаларнинг ташкил топиши ва фаолияти бўйича ортигича тасаввур ҳосил қилдиларки,

Туркистон генерал-губернатори Гродеков империя Ички ишлар вазирига бу ҳақда 1907 йил 18 апрелида йўллаган махфий хатида шундай деб ёзган: «Сарой маслаҳатчиси (надворний советник) Квицинскийни ўлкага командировка қилиш тажрибаси шуни яққол кўрсатдики, бу ишдаги (сиёсий қидирув) энг катта камчилик маҳаллий ахборотларни оладиган, жамлайдиган, узук-юлуқ маълумотларни етук илмий ва малакали асосда тартибга солиб умумлаштирувчи органнинг йўқлигидадир. Жаноб Квицинский шахсан ўзи ҳеч қандай маълумот тўпламаган бўлса ҳам бу борадаги омилкорлиги ва улкан тажрибаси турли қўллардаги чалакам-чатти ахборотлардан моҳирона таҳлил асосида ўлкадаги инқилобий ташкилотларнинг умумий манзарасини ярата олди. Жаноб Квицинский туфайли ўлкадаги инқилобий ташкилотларнинг таркиби ва фаолиятининг аниқ манзарасини ярата олдик»¹.

Генерал-губернатор Ички ишлар вазирига йўллаган мактубида қуйидагича ғояни илгари суради: «Ушбу тажриба шундай катта самара бердики, у ўлкада ана шундай кузатув органининг доимий бўлиши зарур деган фикрга олиб келади»². Гродековнинг бу ғояси империя Ички ишлар вазири ва Бош вазир П. А. Столипин томонидан қизгин қувватланди 1907 йилнинг ноябрида подполковник Васильев ва полиция маслаҳатчиси Кви-

¹ ЎзР МДА, 1-жамғарма, 31-рўйхат, 367-иш, 13-варақ.

² Уша ҳужжат, 16-варақ.

цинский яратган махфий жосуслик тармоғи асосида бевосита марказ — Петербургга хизмат қилувчи рус махфий сиёсий полицияси Туркистон район муҳофаза бўлими (ТРМБ) ташкил қилинди. Петербургнинг «кўз-қулоғи» бўлмиш ТРМБни руслар «охранка», ўзбеклар эса «сиёсий идора» деб аташди. Рус сиёсий разведкаси ва контрразведкаси вазифасини ҳам адо этувчи махфий полиция Туркистондаги барча тараққийпарвар кучларни аниқлаш, уларнинг сафига ифвогарлар кўшиш, халқлар, миллат-элатлар ўртасидаги нифоқни кучайтириш ва миллий-озодлик ҳаракати кўринишларининг барча турларини зудлик билан аниқлаб, ривожланишига йўл қўймаслик, энг асосийси, ўлкани руслаштиришга монелик қилувчи барча кучларни зимдан, пинҳон ё ошқора йўқ қилиш учун хизмат қилиши лозим эди. Ана шундай идорага раҳбарлик қилиш моҳир, тажрибали полиция мансабдори Леонид Квицинскийга топширилди. Подполковник Васильев эса генерал-губернатор маҳкамасидаги барча сиёсий ёзишмаларнинг мутасаддийиси — махсус бўлим бошлиғи вазифасини бажара бошлади.

Квицинский ва Васильев ҳамкорликда Туркистондаги миллий-озодлик ҳаракатини бўғиб ташлаш, истиқлол учун курашга қодир шахсларни «зарарсизлантириш» режасини ишлаб чиқдилар. Бу режани ижро этишга мустамлака маъмуриятининг барча арбоблари жалб этилди. Махсус кўрсатмага биноан, Васильевнинг буйруғига барча вилоят маъмурлари бўйсунушига мажбур эдилар. Генерал-губернатор буйруғи билан барча вилоятлар, туманларга қуйидаги саволларни аниқлаш ҳақида йўриқнома юборилди: «Аҳоли ўзининг аввалги мустақиллигини қандай эслайди? Ўтмишдаги озодлигини кўмсайдими? Аҳоли рус маъмуриятига умуман қандай қарайди? Ўтган даврга нисбатан беҳурматлик, норозилик пайқаладими? Туземецларнинг ёш авлоди ўртасида тараққийпарварлик йўналиши борми? Эҳтимоллик назарияси бўйича мана шу ерли ёш авлоддан келажакда нима кутиш мумкин? Босмаҳона ускуналари ва гектографлар борми? Бўлса улар халққа ахборот, ё хитобнома чиқаришга хизмат қиладими?»¹ Ерли аҳолининг кайфияти, фикрий даражасини ўрганиш бўйича маълумотларни тўплашга мўлжалланган мазкур йўриқнома 19 саволдан иборат бўлиб, уларга туманбошилар батафсил жавоб юборишга мажбур эдилар. Генерал-губернатор кўрсатмаси бўйича туманбошилар, жабҳа (участка) приставлари «ўзларига бўйсундирилган тузем аҳоли устидан доимий назоратни сусайтирмасликлари» ҳамда сиёсий разведка бўйича маълумот йиғишда унинг асл мақсадини «билдирмасликлари, бу ишни эҳтиёткорлик билан, мулоҳаза-идрок ила ва энг яхшиси шахсан амалга оширишлари лозим», деб алоҳида кўрсатма берил-

¹ ЎзР МДА, 468-жамғарма, 1-рўйхат, 1-иш, 80-варақ.

ди. Хусусан, уларни «жосуликда гумон қилишларига асло йўл қўймаслик» уқтирилди¹.

«Садои Туркистон» газетаси илғор ғояларни тарғиб қилиб, бидъат, хурофот ва турмуш иллатларини фош этди. Унинг саҳифаларида етук ижодкорлар қатори ёшларга кенг ўрин берилди. Газета ўзининг қисқа умри давомида (1914—1915) Абдулҳамид Чўлпон, Хуршид (Шамсиддин Шарафиддинов), Лутфилла Олимий, Мирмуҳсин Шермуҳамедов, Мискин, Мўминжон Муҳаммаджонов, Ҳамза каби адиб ва журналистларни камолга етказди. Уларнинг илк асарлари худди шу газетада эълон қилинган эди.

Худди шу даврда мақоланавислик ҳам кенг ривож топди. Биргина муфтий Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг эълон қилган мақолалари 300 га борган. Мирмуҳсин Шермуҳамедов 1914 йилнинг ўзидагина 100 га яқин мақола ёзган. Чўлпон, Қодирий, Ҳамза, Мирмуҳсинларнинг ҳикоя ва қиссалари, миллий романлари пайдо бўлди. Замоннинг долзарб масалаларини акс эттира олган ижтимоий-сиёсий шеърят майдонга келди. Тавалло ва Ажзийнинг шеърлари, Сидқий Хондайлиқийнинг дардга тўла дostonлари дунё юзини кўрди. Қардош халқларнинг, биринчи навбатда, туркийзабон қардош халқлар билан адабий-маданий ҳамкорлиги кучайди. Туркистон жадиidlари Мунаввар қорининг тили билан «Бизим Туркистон мамлакати туфроғ, сув ва ҳаво жиҳатидан энг бой мамлакатлардан бўлатуриб, на учун ўзимиз бундан фойдалана олмай-миз?»², деб нола қилдилар ва унга шу арбоб тилидан жавоб бердилар: «...бундай саволларга жавоб бермак учун нодонлик ва оламдан хабарсизлик, демакдин бошқа чора йўқдир. Бу нодонлик ва дунёдан хабарсизлик балосидан қутулмоқ учун аввал орамизда ҳукм сурган бузуқ одатларнинг бузуқлигини билмак ва ўрганмак керакдир»³.

Жадиidlарга Туркия таъсири Абдурауф Фитратда намоён бўлди. Унинг Туркияда таълим олгани, 1909—1913 йилларда ёш турклар ҳаракати таъсирида бўлганлиги маълум. Камол Отатуркнинг сўзи билан айтганда, барча туркларнинг эътибори «Туркларнинг ватан севгисида тўлиқ бўлган кўксилари душманларнинг малъун эҳтиросларига қарши доимо темирдан бир девор каби юксалажак»лигига қаратилган эди. Фитрат бу ҳақда шундай деб ёзган: «...Туркияга таҳсил учун бордим. Мана шу вақтларда мен диний ислоҳ тарафдори эдим: динни фан билан келиштириш, фанга тўғри келмайтурсан хурофот қисмини диндан чиқариш, динни тозалаш хаёлларига ишонган эдим. Панисломизмнинг бўлмағур хаёл эканини англагач, пантуркизм ха-

¹ ЎзР МДА, 1-жамғарма, 31-рўйхат, 367-иш, 16-варақ.

² *Сирожиддин Аҳмад*. Мунаввар қори. «Шарқ юлдузи», 1995, 5-сон.

³ Ўша жойда.

ёлига берилдим. Бу вақтларда ёзганим асарларда диний ислох фикрлар кўрилиб турадир»¹.

Фитрат туркчилик ғоясини «Сайёҳи ҳиндий», «Сайха» каби асарларида акс эттиради. У мусулмонларни бирлаштириб, Те-мур ва Абдуллахон давлати шавкатини тиклаш масаласини кўяди. Халқни, Ватанни босқинчилардан озод қилишга чақира-ди. Шу тариқа, Файзулла Хўжаев сўзи билан айтганда, «рус подшоси ва амирнинг иккиёқлама зулми жадидчилик ҳарака-тини маданият тарқатиш билан шуғулланиш йўлидан сиёсий йўлга буриб юборди».

1911—1912 йилларда Тавфиқбек ал-Аъзамнинг рисоласи ўзбек тилига таржима қилиниб Туркистонда кенг тарқатилгани диққатга сазовордир. Рисолада мусулмон динининг социализм, анархизм ва бошқа Ғарбда туғилган таълимотларга муносабати баён қилинган эди. Муаллиф бу рисолада Ғарбда туғилган ҳар бир таълимот, шу жумладан, социализм ҳам, инсониятни бахт-саодатга олиб келмаслиги ва ижтимоий муносабатларнинг бир-дан-бир камолоти мусулмон дини қонун-қоидаларига риоя қилишда эканлигини кўрсатган эди². Тавфиқбек «социалист-ларнинг асосиз ғоялари одамларни бахт-саодатга олиб келмас-лигини» уқтирган ҳолда, «моддий ва маънавий бахт фақат ило-ҳий қонунларга риоя қилгандагина» амалга ошишини ёзган эди. Туркистонда кенг тарқалган «Сироти мустақим» деган турк журналида мусулмон дунёсининг уйғониши Шарқ мусул-монларининг ислом байроғи остида бирлашишида намоён бўлиши айтилган эди. Газета бирдамлик хусусида 1911 йил 20 январдаги сониди «Мусулмон дунёсидаги уйғониш» мақоласида шундай фикр билдирган: «Панисломизм тўғрисида гап кетган-да биз, мусулмонлар, қаерда бўлишимиздан қатъи назар, ўзи-мизнинг бир бутун маданий халқ эканлигимизни унутмаслиги-миз лозим»³.

ТРМБ Туркияда панисломизм тарғиботи учун «Янги жо-мий» мактаби ташкил этилгани ва у Туркистон ўлкаси ва Бухоро ёшларидан иборат тарғиботчилар тайёрлаётгани ҳақида ах-боротлар олган эди. «Мусулмонлар кенгаши» деб аталган таш-килотнинг 1913 йилда «Мусулмонларга!» хитобномасида ўша вақтда содир бўлаётган воқеалар таърифланиб, Греция билан урушаётган Туркияга ёрдам бериш лозимлиги уқтирилган эди: «Овруполиклар мусулмонларни ўлдиришмоқда ва эзишмоқда. Шунинг учун мусулмонлар Туркия атрофига бирлашишлари лозим»⁴, — дейилганди ўша хитобномада.

ТРМБ агентураси жадидлар билан илғор рус демократлари

¹ *Сирожиддин Аҳмад*. Ватан учун туғилган. «Тошкент ҳақиқати», 1992 йил, 16 май.

² УзР МДА, 461- жамғарма, 1-рўйхат, 1168-иш, 146-варақ.

³ Ўша хужжат, 294-варақ.

⁴ Ўша жойда.



Жадидлар ва рус демократлари йиғилиши.
Андижон, 1916 йил, август.

Ўртасида яқин ҳамкорлик юзага келганидан хабар беради. Бу ҳамкорликнинг бир учи Убайдуллаҳўжа Асадуллаҳўжаевга бориб тақалган эди. Тошкент, Саратов ва Петроград эсерлари даврасида яқин киши ҳисобланган Убайдуллаҳўжанинг «Садои Туркистон» муҳаррири сифатидаги фаолияти ҳам маълум эди. Полковник Волков шу газетада Лев Толстойнинг Убайдуллаҳўжага йўллаган мактубини ҳам ўқиган эди. Граф Толстойнинг оддий бир сарт зиёлисига эътибори бутун Туркистон жамоатчилиги эътиборини ўзига жалб этгани махфий полициянинг диққатини унга алоҳида қаратган эди. «Садои Туркистон» ёпилгандан кейин Андижонга келган Убайдуллаҳўжа маҳаллий жадидлар ва рус журналистлари билан яқинлашиб, ҳукуматга қарши фаолиятини давом эттирди.

Полковник Волков Тошкент, Қўқон, Андижонда жадидлар ташкилотларида, ўзбек буржуазиясидан ташқари, рус савдо-саноат доиралари вакиллари, шунингдек, инқилобий фирқа аъзолари ҳам борлиги ҳақида сигнал олган эди. Бундай рус инқилобчиларидан бири Георгий Павлюченко ҳақида ТРМБ шундай маълумот олган: келиб чиқиши Дондаги Ростов шахридан. 1905 йил декабрь қурулли қўзғолонида қатнашган. 1909 йил Дон социал-демократлари, 1914 йили Москва эсерлари таркибида яширин иш олиб борган. Ўша йили қамоққа олиниб Туркистонга сургун қилинган. 1915 йили Қўқонга келиб ўзбек тилида чиқадиغان «Садои Фарғона» газетасида ишлай бошлаган. Ўша

йили ҳукуматга муҳолиф руҳдаги «Утро Ферганы» газетаси чиқара бошлаган. Расман унинг муҳаррири Львов бўлса ҳам, аслида чинакам хўжайин яҳудий буржуазиясининг моддий мададида таяниб иш кўрувчи Павлюченко эди. Газета ноширлари сафида собиқ талабалар — эътиқоди бўйича социал-демократ Шоислом Шоаҳмедов, Болотин, Зубарев ва бошқалар бўлиб, улар Павлюченко бошчилигида «Утро Ферганы» газетаси обуначилари сонини ошириш учун ҳокимиятга қарши мақолалар босиб чиқара бошлади. Павлюченко бошчилигидаги ноширлар ўз олдига урушдан кейин бўладиган тўнтаришга жамиятни ҳозирлаш ва шунга кадрларни тайёрлаш мақсадини кўйди. Худди шу мақсадда 1915 йилнинг кузида Павлюченко Кўқон матлубот жамияти аъзолари ўртасида тарғибот ўтказа бошлади. 1915 йилнинг декабрида газета муҳаррири Львов сўл қарашдаги мақолаларни ёритгани учун 3 ойга қамалгач, муҳаррирлик ҳуқуқи Павлюченко қўлига ўтади. 1916 йил январидан газета номини «Ферганская жизнь» деб ўзгартирди. 4 апрелдан эса «Туркестанский край» номини олди. Павлюченко бу газета ёпилгандан сўнг, 1916 йилнинг ёзида Скобелев ҳарбий бошлигининг маҳкамасига мирзаликка ўтади.

«1916 йил 1 июлдан бошлаб Андижон шаҳрида, — деб хабар қилган эди агентура, — ҳукуматга қарши йўналишдаги газета чиқа бошлади. Бу газета моддий маблағлар етишмаслиги туфайли ёлғиз Чайкин томонидан эмас, балки пай пулига асосланган ноширлик ширкати томонидан чоп қилинади. Пайчилар маҳаллий зиёлилардан ташкил топган эди. Жаноб Чайкин тузем аҳоли ўртасида шуҳрат қозониш ва ўз газетаси пайчилари сонини кўпайтириш учун аҳоли манфаатларини ҳимоя қилишни ўз зиммасига олган. Сўнгги вақтда «Туркестанский голос» газетасининг ҳар бир сониди пахтакорларга аталган эълонлар чиқмоқда. Бу эълонларда муҳарририят пахтадан қарздор бўлиб қолган деҳқонларга мурожаат қилиб, кимнинг шикоятини бўлса таҳририятга хабар қилишини сўрайди. Газетанинг қарздор деҳқонларга ён босиши Миркомил Мирмўминбоев каби йирик бой-қулоқларга ёқмайди, аммо бу тadbир аҳолининг ўртаҳол ва камбағал синфи ўртасида газетани машҳур қилиб, янги-янги пайчиларни ширкатга жалб этмоқда. Кўқонда ёпилган «Туркестанский край» газетаси ходимлари эндиликда шу «Туркестанский голос» газетаси билан ҳамкорлик қилмоқда»¹.

Махфий полиция раҳбари «Туркестанский голос» газетаси ходимлари ва фаол мухбирлари тўғрисида ҳам аниқ маълумотларга эга эди. «Таҳририят таркиби, — деб ёзган эди агентура, — бу газета йўналишини яққол кўрсатади. Муҳаррир — ношир Анастасий Афанасьевич Чайкин Андижонда ҳовли-жойли, йирик асаларичилик хўжалигига эга киши. Ўзаро ёрдам жамияти

¹ ЎзР МДА, 461-жамғарма, 1-рўйхат, 1963-иш, 13-варақ.

раиси, шаҳар ҳарбий-саноат қўмитаси аъзосидир. Таҳририят ходимлари: 1. Вадим Афанасьевич Чайкин (ноширнинг туғилган укаси) Уфа гимназиясида ўқиган кезлари ўқувчилар ўртасида сиёсий гоялар тарғиботчиси бўлган. Уфа губернаторига суиқасдга доир ишга дахлдор. 1905 йилда В.Чайкин инқилобий тарғибот олиб боришда фаол қатнашган. 1908 йилда Курскда социалист-революционер сифатида қамоққа олинган. 1916 йилнинг ёзида Андижонга келган. Июль ойида эса Андижон аҳолиси номидан Миркомил Мирмўминбоев уни ва Убайдуллахўжа Асадулла Хўжаевни Петроградга вакил қилиб жўнатган. Улар мардикорликка сафарбарлик ишини текишириш учун Давлат Думаси аъзоларини Андижонга таклиф этишга вакил қилинган эдилар. 2. Степан Антонович Руйко Харьков дорилфунунининг собиқ талабаси, журналист, касбий тахаллуси «Вл. Качинский». Социалист-революционер, максималист (ўнг эсер). 3. Убайдулла Асадулла Хўжаев — Тошкент сартларидан, қонуншунос, Андижонда яшайди ва ишлайди. Газета ходими ва пайчиси. Эътиқодли панисломчи сифатида Туркистон район муҳофаза бўлими томонидан 1913 йили рўйхатга олинган. Ўша йили Саратовдан Тошкентга қайтган Убайдулла қисман адвокатлик, асосан эса тарғиботчилик билан шуғуллана бошлаган. У «Умид» деб аталган илғор мусулмонлар гуруҳига бош бўлди. Унинг ҳаракатлари туфайли Тошкентнинг Эски шаҳар қисмида китоб савдоси ташкил қилинди. Маҳаллий тилда сўл йўналишдаги газета нашр қилишга мўлжалланган ширкат тузилди. Газетани нашр қилиш бўйича Хўжаев ғайрати бекор кетмади. 1913 йил 21 декабрда унга Тошкентда маҳаллий тилда «Садои Туркистон» номида газета чиқаришга рухсатнома берилди. Сўл йўналишдаги маҳаллий тилда чиқадиган газетанинг кенг омма ўртасидаги улкан аҳамиятини ҳисобга олиб, генерал-губернатор давлат босмахоналарига бу газетани чиқариш бўйича буюртмалар қабул қилмаслик тўғрисида фармойиш берди. Натижада газета 1914 йил февралдагина чиқа бошлади. Худди ўша йили Тошкентда Убайдулла Асадулла Хўжаев раҳбарлигида сахнада «Падаркуш» пьесаси қўйилди. 1914 йилдан Хўжаев Тошкент мужоҳидлари сафига қўшилиб, ўлкада Россия ҳукмронлигига қарши қаратилган тарғиботчилик фаолиятини махфий равишда давом эттирди. «Садои Туркистон» газетаси ёпилгандан сўнг Хўжаев Андижон шаҳрига келиб адвокатлик билан шуғуллана бошлади. 1916 йил 1 июлдан «Туркестанский голос» газетасида ҳамкорлик қилади»¹.

Агентуранинг бир тармоғи полковник Волковга шундай ахборот йўллаган: «Чайкининг фикрича, бош мақсади маҳаллий аҳоли манфаатларини ҳимоя қилиш бўлган «Туркестанский голос» газетаси ўзининг пайларидан кўпини (25 минг сўмлик)

¹ ЎЗР МДА, 1-жамғарма, 31-рўйхат, 1144-иш, 35-варақ.

Қўқон шаҳридаги «Файрат» деб аталмиш маҳаллий мусулмон маърифатчилар жамиятига жойлаштиришга муваффақ бўлди. Бу жамият Андижон шаҳридаги 1916 йил октябрь бошларида «Туркестанский голос» таҳририяти раҳбарлигида сартча матбуот органини нашр қилишга киришмоқчи. Мазкур масалани узил-кесил ҳал қилиш учун 4 октябрда «Файрат» жамияти аъзоларининг шошилинич мажлиси чақирилди. Мажлисда жамият уставига баъзи ўзгаришлар киритиш, пай капиталини 12500 сўмдан 50000 сўм етказиш, хусусий босмахона сотиб олиш ва мусулмонча газета чиқариш масалалари муҳокама қилинди. «Туркестанский голос» газета таҳририяти «Файрат» жамиятига ўзининг хусусий нашр органини Андижонда эмас, балки Қўқонда «Туркестанский край» газетаси таҳририяти раҳбарлигида



Қўқон жадиллари «Файрат» жамияти раҳбари, йирик савдогар, ношир, муҳандис Обиджон Маҳмудов (1858—1936).

чиқаришни таклиф қилди. Агар «Файрат» жамияти бу газета пайларининг маълум қисмини оладиган бўлса, унинг босмахонасидан фойдаланиши мумкинлиги ҳам айтилди. Бу масала ҳал бўлиш арафасида. «Файрат» жамияти ҳозирча «Туркестанский голос» газетасининг 25 минг сўмлик пайларини сотиб олди.

«Туркестанский голос» газетасига обуна йиғиш учун Андижондан газета котиби Николай Михайлов Наринский (тахаллуси Туркестанский, Саматин) Қўқонга жўнаб кетди. У Наманган, Скобелевда ҳам бўлиб, «Файрат» жамияти аъзоларидан ташқари, бошқа кўплаб обуначиларни топди¹.

Агентура маълумотларига кўра, «Қўқонда 9 октябрда Обиджон Абдухолиқ Маҳмудовнинг уйида «Файрат» жамияти аъзоларининг иккинчи йиғилиши бўлиб ўтган. Унда Қўқонда хусусий босмахона очиб, сарт тилида мусулмонча газета чиқариш масаласи муҳокама қилинган. Бой сартлар бу тadbирга маблағ бериш ҳақида розилик билдиришган. Бу ишда 1914 йилда илгор йўналишидаги «Садои Фарғона» газетасини нашр қилган

¹ ЎзР МДА, 1-жамғарма, 31-рўйхат, 1144-иш, 36-варақ.

Обиджон Абдухолиқ Маҳмудов салмоқли таъсирга эга эди. У бой мулкдор, айёр ва тadbиркор киши бўлган. Панисломизм гояларига ўта берилган. У кўп марта йиғинларда Туркистон ўлкаси руслардан озод бўлиши кераклиги ҳақида гапирган.

Мулоҳаза учун маълумотлар

Жадид Обиджон Маҳмудов, Ашурали Зоҳирийларнинг саъй-ҳаракати билан чиқа бошлаган «Садои Фарғона» газетаси ҳам таҳсинга сазовор фаолият кўрсатди. Унинг саҳифаларидан бутун водийда кечаётган ижтимоий-сиёсий, маънавий-мафкуравий ҳаётга оид кўплаб мақолалар ўрин олган. Турмушда мавжуд бўлган хилма-хил камчилик, нуқсонларни фош этиш орқали маҳаллий аҳоли миллий онгининг ўсишига хизмат қилувчи хат ва хабарлар ҳам газетадан мунтазам ўрин олиб турган.

Газетанинг 1914 йил 2 июль сониди «Андижонда овмачилик» номли мақолада жамиятдаги айрим нопок, ярамас иллатлар очиқ-ошкора фош қилинган. «Андижонда, — дейилган эди, жумладан, бу мақолада, — Оллоқулбек қасрида бир сарой ва бир неча дўконларда ушбу XX асрда Туркистонда мавжуд бўлиб тургон қабихадан, яъни баччабозлик кўп ривожди экан. Мазкур мавзёда 13 ёшдан 16 ёшгача етган жувонлардан етти нафар бор экан. Ҳар кун ва кечалари 500 нафардан бир минг нафаргача одамлар, ҳаттоки мадрасалардаги муллабаччалар ҳам бўлишиб чой ичиб ўтирар эканлар. 7 июнда мазкур мавзёдан ўтиб эрдимки, мазкур саройга кўзим тушди. Бир неча нафар ўрислар кўринди, ичкари кириб қарасам 4 нафар ўрис старшийлари хотинлари илан икки нафар меҳмонлари илан ва бошқа одамлар ҳам бўлишиб, 4 нафар баччани ўйинга солиб турибдур.

Баъзи одамлар баччаларга 5 сўмлик, 3 сўмлик қоғозларни ёпиштириб туриб эканлар. Ажабо! Андижон қози ва уламолари театрни ҳаром деб, бул тариқа маълум ва машҳур жойда бўлиб турган баччабозликни нимага кўзлари кўрмас экан? Ва на учун амри-маъриф қилмас эканлар?»

«Садои Фарғона»нинг 1915 йил 2 январь сонидидаги «Нафсоният қахрамони» сарлавҳали мақолада эса Андижонда амалга оширилаётган хайрли, ибратли ишлар ҳикоя қилинади. Унда Андижондаги машҳур Офтобачи мадрасаси биноси эски бўлиб, «талабаларни истиқомат қилмоқларига ярамай қолинганлиги сабабли, Андижоннинг яланғочқўрғонлик ҳожи Муҳаммад эшон жаноблари Насибулло ўз ақчаларидан мазкур мадраса биносини ислоҳ қилиб бурунги мударрис келтирилиб, мадрасани аввалгидек обод қилиб талабалар ўқумоқда эканлар» деб ёзилганди.

Газетанинг ўша йил 25 февраль сонидида «Ана муллаларнинг аҳволи!» деган хабар эълон қилинади. Унда, жумладан, мана бу сатрлар бор эди: «Андижонда Маҳмуд дастурхончи мадрасасида



Жадидчилик ҳаракатининг таниқли арбоби, журналист, адабиётшунос муаллим Ашурали Зоҳирий (1885—1937).

тургувчи бир неча нафар ахлоқи бузуқ ёмон муллалар бир яхши пок муллони мадрасадан зўрлик қилиб чиқарибдурлар. Бечорани гуноҳи бачча-бозликдан монёъ қилиши экан. Сўнгра бечора тўғри мулла жаноб инспектор тўрага арз қилибдур. Инспектор тўра мазкур ишни ҳақиқат қилмоққа мадрасага бориб полиция билан ҳужрага кириб китоблар кўриб турилгон ҳолқа бир тўнки яшчинда баччаларга солиб ўйнатургон (кокил) толибдурлар. Бул ишдан кўп нарида бўлиб жаноб инспекторга юборибдурлар. Ана муллаларнинг аҳволи!».

Шу газетанинг 15 май сонидида Ашурали Зоҳирийнинг «Туркистонда биринчи юрист» мақоласи босилди. Унда Тошкентдан Қўқонга келиб қолган Тошпўлатбек Норбўтабек ўғли ҳақида гап борар эди. Ўзбеклардан биринчи бўлиб дунёвий фанлар бўйича европача усулдаги олий маълумотга эга бўлган бу зиёлининг ҳаёти ва фаолияти ўзгаларга намуна сифатида тарғиб қилинган.

Ана шундай маълумотлар асосида ТРМБ бошлиғи полковник Волков ўз бошлиқларига юборган мутлақ махфий ахборотларида шундай хулоса чиқарган эди: «Хулоса қилиб айтганда, «Файрат» ширкат жамияти ҳиссадорлар жамияти эмас, балки демократик асосга қурилган изчил артел сифатида ўзини намоеён қилмоқда. Бу биродарлик фаолият доираси шундайки, у билан доимо ҳисоблашишга ва унга муҳофаза бўлими доимо кўз-қулоқ бўлиб туришига тўғри келади»¹. Полковник Волков агентураси йўллаган яна бир ахборотни ҳам унинг бошлиқлари диққат билан ўрганди. Бу ахборотда Убайдуллахўжа бош бўлган Тошкент жадидлари Андижондаги «Тараққийпарварлар» фирқаси билан бирлашгани ва уларда туманбоши тилмочлари Сулаймон Келгинбоев, Акбарбой ва Мадамин Бойтурсунович Ўрозалиев ҳамда Убайдуллахўжанинг укаси Баширулла Хўжаев муҳим роль ўйнаши кўрсатилиб, улар билан маслакдош рус журналисти Вадим Чайкин ҳокимиятга қарши маҳаллий ёшларни уюштираётгани маълум қилинган эди. Греklar устидан Туркиянинг ғалабасини тиловчи бу махфий жамиятнинг мақсади, агент фикрича, «маҳаллий рус ҳокимиятини ерга уриб қоралаш орқали маҳаллий халқ ўртаси-



Ўзбек зиёлилари фирқаси ташкилотчиларидан бири Баширулла Асадуллахўжа ўғли.

¹ ЎзР МДА, 1-жамғарма, 31-рўйхат, 1144-иш, 35-варақ.



«Тараққийпарварлар» жамияти аъзолари.

да обрў қозонишдир». ТРМБ махфий агенти Мирза Аҳмад Қушбегиев эса уни тўлдириб «агар бу жамият жазосиз қолаверса у ҳолда даҳшатли кучга айланади. Халқ уларнинг қармоғига илиниб, жиловини уларга бериб қўяди»¹, деб ўзбек жадидлари фаолияти тўғрисида батафсил ахборот берган эди.

ТРМБ бошлиғи жадидлар сафида Қушбегиев, рус инқилобчилари қаторида эса «Августовский» каби ўз «Азеф»ларига эга эди. Евгений Филиппович Азеф эсерлар фирқаси Марказий Қўмитаси аъзоси, жанговар террорчи ташкилот раҳбари сифатида 1901—1908 йилларда подшо амалдорларини даҳшатга солган. Ички ишлар вазири Плевени ўлдирган эсерлар раҳбари. Аслида у рус сиёсий полицияси агенти бўлган. Унинг кимлиги 1908 йилдагина фош қилинган ва катта шов-шувга сабаб бўлган. Августовский 1912—1917 йиллар мобайнида большевиклар сафига кириб олган ТРМБ махфий агенти эди.

Полковник Волков рус ҳукумати сиёсатини белгилашда махфий сиёсий разведкачи сифатида генерал-губернаторга зарур йўриқларни бериб турди. 1916 йил август ойида Куропат-

¹ ЎзР МДА, 461-жамғарма, 1-рўйхат, 1902-иш, 65-варақ.

кин билан ўлка сафарига чиққан Давлат Думаси аъзолари орқасидан ўз одамларини қўйиб, уларнинг ҳар бир ҳаракатини кўздан қочирмади. Унинг агентлари Туркистон маъмурияти устидан шикоятларни қабул қилаётган Давлат Думаси аъзолари фаолияти ҳақида шундай хулосага келишган эди: «Давлат Думаси аъзолари билан суҳбатдан сўнг туземецлар ўз эҳтиёжлари ва шикоятлари билан олий ҳокимиятга мурожаат қила олишлари мумкинлигини тушунишди ҳамда ана шу ҳокимият паноҳида шикоятлари асосли бўлса маҳаллий ҳокимиятдан кўрқмасликларини англади»¹.

Мустамлакачи маъмурлар Тошкент, Андижон ва Қўқон каби йирик маъмурий марказларда тобора кучайиб бораётган «Тараққийпарварлар» фирқасидан ҳайиқиб қолишди. 1916 йил 16 октябрдан 3,5 ой олдин ёпиб қўйилган «Туркестанский край» газетаси яна нашр қилина бошлади. Унинг муҳаррири ўзбек адвокати Шоислом Султон Шоаҳмедов бўлиб, муҳарририят ходимлари илғор фикрли рус зиёлилари эдилар. Сиёсий разведка бошлиғи Волков ўзининг 1916 йил 4 ноябрдаги генерал-губернатор номига юборган махфий ахборотида уларга шундай таъриф беради: «Газетада шифокор Давид Ильич Чернородов ишлайди. У ўзининг 1905 йилдан бери давом этиб келаётган жинойи фаолияти билан бизга таниш. Казалинск шаҳридан келган Зубарев Иван Егорович социалист-революционерлар фирқаси билан 1910 йилдан боғланганлиги маълум. Сўл йўналишдаги қарашлари билан таниқли Бердичевский Моисей Маркович Вадяев ширкати идорасида ҳам ишлайди. Газета учун пулни Қўқон Биржа Қўмитаси бермоқда. Келгусида газета муҳаррири Шоаҳмедов бизга номаълум манбадан 100 минг сўм олишни мўлжалламоқда. Бу маблағ газета фаолиятини кенгайтиришга сарфланмоқчи. «Туркестанский край» газетаси «Туркестанский голос» газетаси қиёфасида кучли рақобатчини кўрса-да, бу рақобат ғоявий мазмунда бўлмай, балки соф тижорат жабҳасидадир»².

Генерал-губернатор маҳкамаси махсус бўлими, яъни сиёсий разведка, Туркистон район муҳофаза бўлими ҳужжатлари шунини кўрсатадики, Туркистоннинг ҳарбий-сиёсий доиралари жадидларнинг «Тараққийпарварлар» фирқаси нашрлари таъсиридан талвасага тушганлар.

Туркистон матбуоти тарихида «Хуррият» (1917—1918) газетасининг ҳам ўрни салмоқлидир. Самарқандда ҳафтада икки марта 4 саҳифада чиқувчи бу газетани тараққийпарвар зиёлилар ташкил этишган эди. Газетани «Зарафшон» компанияси чиқариб, унга жадидлар етакчиларидан Ақобир Шомансурзода муҳаррир бўлган. Тахририят таркибида ўлканинг таниқли иж-

¹ ЎзР МДА, 1-жамғарма, 31-рўйхат, 1144-иш, 8-варақ.

² ЎзР МДА, 1-жамғарма, 31-рўйхат, 1144-иш, 33-варақ.

тимоий-сиёсий арбобларидан Маҳмудхўжа Бехбудий, Абдурауф Фитрат, Саид Аҳмадхўжа Сиддиқий, Мардонкул Шомаҳмудзодалар бўлиб, уларнинг материаллари газетадан кенг ўрин олган.

Жадидларнинг журналлари ҳам Туркистон халқлари миллий онгини ўстириш ва ўзлигини англашда катта хизмат қилганини алоҳида кўрсатиб ўтиш лозим. Бу ўринда Маҳмудхўжа Бехбудий муҳаррирлигида 1915 йилдан чиққан «Ойина» журналининг фаолияти диққатга сазовордир. «Ойина» ўзбек тилининг софлигини сақлаш учун курашди ва руслаштириш жараёнининг салбий таъсиридан сақланишга чақирди. «Ўз халқчиллигимизни йўқотсак, — деб ёзган эди «Ойина», — эътиқодимиз ҳам ўз-ўзидан йўқолади. Тил муҳофазаси энг муҳим мажбуриятдир».

Уламолар томонидан 1915—1918 йилларда чиқарилган «Ал-ислоҳ» журнали фаолиятида ҳам маърифатпарварлик, дин, урф-одатлар софлиги ва рус таъсирига қарши кураш устивор эди. 1917 йил февраль инқилобидан кейин «Ал-изоҳ», «Ишчилар дунёси», «Кенгаш», «Хуррият» каби журналлар чиқа бошлади. 1896 йилдан 1917 йилга қадар 18 та русча журналлар нашр қилинганини ҳам эслатиб ўтиш даркор. «Средне-Азиатский вестник» (1896), «Туркестанский скорпион» (1907), «Средняя Азия» (1910), «Туркестанский кара-курт» (1911), «Степные миражи» журналлари шулар жумласидандир.

Хулоса қилиб айтганда, Туркистон матбуоти ўз даврининг овози вазифасини ўтади. Мустамлака истибдодидида ўлканинг иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маданий-маърифий ҳаётини ўзида яққол акс эттирди.

Фан ва санъат. Россия мустамлакачилиги шароитида илм-фан соҳасида эски услубларга ёпишиб олиш ҳоллари давом этди. Анъанавий равишда дунёвий билимларни ўрганиш, уларни янада ривожлантириш устидан давлат гамхўрлиги деярли бўлмади. Илм-фан ва маданиятни ривожлантиришнинг муҳим омили сифатида уларнинг бошқа мамлакатлар билан ўзаро алоқалари, ижодий ҳамкорлик эътибордан четда қолди.

Мустамлакачилар, энг аввало, маҳаллий халқнинг ўзлигини танишларига монёлик қилдилар. Аксинча, турли йўллар билан рус маданиятини тарғиб этишга киришдилар.

Хуллас, халқимизнинг минг йиллар давомида таркиб топган, шакланган ва ривожланган, айни пайтда, ўзининг анъаналарига эга бўлган қадимий ва бой маданиятнинг ривожланишига сунъий тўсиқлар қўйилди. Миллий руҳимизга, миллий онгимизга ёт бўлган ўзга халқ маданиятини миллий эҳтиёсиз ўзлаштириб бўлмаслиги назар-писанд қилинмади.

Барча истилочилар каби рус мустамлакачилари ҳам ўзгалар ерига эгалик қилиш учун, энг аввало, унинг маданиятини йўқ қилиш зарур эканлигини яхши тушунар эдилар. Ҳар ҳолда, маданият ва миллий истиқлол ғояси бир-бирини тўлдирса, улар ватанпарварлик ифодаси сифатида намоён бўлиши, акс ҳолда,

улар бир-бирини инкор этса, кишиларда, жамият аъзоларида ижтимоий лоқайдлик, манқуртлик, ҳаттоки, Ватан туйғуси софлиги ва мустақиллик учун бефарқлик юзага келиши рус мустамлакачилари учун сув билан ҳаводек зарур бўлиб қолди.

Ўзининг ёвуз мақсадини амалга ошириш учун Рус давлати ўлкада кўплаб европача ижодий уюшмалар, бирлашмалар ташкил этишга ҳомийлик қилди. Бу нарса, табиийки, ўша ижодий уюшмаларнинг ташаббуси билан эмас, аксинча, давлат сиёсий раҳнамолиги оқибатида юз берган эди.

Рус мустамлакачиларининг Туркистон халқлари фани ва маданиятига тубан муносабатда бўлгани ҳақида рус шарқшунос олимлари Е.Ф.Кал устози барон Розенга (Санкт-Петербург) йўллаган мактубида шундай ёзган: «Бу ерда ўлкани тарихий, лингвистик ўрганишга жуда лоқайдлик ҳукмрон. Энг ачинарлиси ва умуман энг ёмони шуки, маҳаллий рус жамиятининг кўпчилиги туземеларга паст назар билан қарашади. Уларнинг ҳаёти, турмуши, тарихи, тили ва бошқа томонларига мутлақо бефарқ муносабатда бўлишади. Ўз вазифаларига кўра аҳоли билан бевосита мулоқотда бўлиши лозим маъмурият вакиллари — туман бошлиқлари ва уларнинг ўринбосарлари ҳақида гапирмаса ҳам бўлади»¹. Худди шундай фикрни В.В.Бартольд ҳам айтган эди. У 1914 йили асарларидан бирида мана бундай деб ёзди: «Ўрта Осиёнинг қадимги маданиятини ўрганиш ва ёдгорликларни кўриқлаш фақат фойдасизгина бўлиб қолмай, балки зарарли ҳам деб ҳисобланган»².

Туркистон маданий бойликлари, рус мустамлакачиларидан ташқари, чет эллик саёҳатчилар томонидан ҳам беаёв таланган. 1895 йилда ўлкада бўлган швед меъмори Мартин бу ҳолатга ҳаёҳон фан-маданияти нуқтаи назаридан чек қўйишни сўраб Россия империя ҳукумати бошлиғи граф С.Ю.Виттега мурожаат қилгани бежиз эмас. Швед меъмори Самарқанддаги меъморий ёдгорликларнинг биргина Туркистон, Осиё учунгина эмас, балки умумжаҳон маданияти учун ҳам улкан аҳамиятини таъкидлаб, граф Виттедан Самарқанддаги улуғвор обидаларни вайронагарчиликдан сақлаб қолиш учун зудлик билан чоратадбирлар кўришни илтимос қилган эди³.

Туркистон ўлкасидаги нодир қўлёзмалар, камёб китоблар, кўҳна археологик буюмлар, олтин-кумуш тангаларни йиғиш ва шу мақсадда бойлик ортириш билан шуғулланаётган рус амалдорларининг айримлари Туркистоннинг табиий бойликларидан ташқари, ўзининг тарихий ўтмиши билан ҳам эътиборга лойиқлигини тушунган. Худди шулар ўлкадаги илмий жамиятлар фа-

¹ Содиқов Ҳ. Кўрсатилган диссертация, 130-бет.

² Бартольд В. В. Задачи русского востоковедения в Туркестане. Петроград, 1915, 17-бет.

³ ЎЗР МДА, 394-жамғарма, 1-рўйхат, 143-иш, 19-варақ.

олиятида бевосита қатнашган. Москва ва Санкт-Петербурглик шарқшунослар эса ўлкани астойдил ўрганиш фан учун катта аҳамият касб этишини тушуниб, бу ерда илмий-тадқиқотлар олиб боришган.

1870 йилда оммавий кутубхона, 1876 йилда Тошкент оммавий музейининг очилиши ҳам ана шу олимларнинг саъй-ҳаракати билан ташкил топган эди. Бу муассасалар аслида рус мустамлакачиларининг Туркистон маънавий бойликларини илмий асосда ўрганиш, уларни империя манфаатлари йўлида ўзлаштиришни марказлаштирадиган муассасалар хизматини ўтиши керак эди. Уларда Туркистон халқларининг моддий ва маънавий бойликлари тўпланиб, қиймати аниқланар ва энг ноёб, жаҳон аҳамиятига моликлари марказга — Санкт-Петербург ва Москвага олиб кетилган. Шу тариқа йиллар давомида олиб борилган илмий-қидирув ва археологик қазишмалар натижасида топилган кўплаб ёдгорликлар Россияга ва бошқа чет элларга олиб кетилди.

Туркистон тарихи кўплаб рус олимлари номини жаҳонга танитди. Масалан, Самарқанд вилоят бошқармаси ходими В.Л. Вяткин номини жаҳонга машҳур этган нарса ҳам Самарқанд обидалари бўлди. Ҳаваскор ўлкашунос В. Л. Вяткин 1908—1909 йилларда Обираҳмат ариғи яқинидаги Пойи расад тепалигида қазув ишларини олиб борди. Унга Шайбонийхон мадрасасининг мударрисси Абу Саид маҳсум яқиндан ёрдамлашди. Бу ўзбек олими, профессор Н. И. Веселовский таъбири билан айтганда, «мусулмон адабиётининг зўр билимдони» эди. У Қурбонжон додхоҳ архивини тартибга солиш вақтида қизиқ бир ҳужжатга кўзи тушган ва уни Вяткинга берган. Ана шу ҳужжат унга бевосита қазув ишларини бошлашга муҳим бир туртки бўлгани ҳақида Вяткиннинг ўзи бундай деган: «Пойтахт Самарқандда Мирзо Улуғбек тарафидан бино этилган расадхона кўпгина мусулмон адиб ва муаррихлари тарафидан муттасил зикр этиларди. Хусусан, Мирзо Заҳириддин Муҳаммад Бобур ўзининг машҳур «Бобурнома» китобида расадхонанинг туриш жойини тахмин қилиб кўрсатган эди. Шундай бўлса-да, бундай аҳамиятли ва азим бир бинонинг манзили ушбу вақтгача маълум эмасди. ...Расадхонанинг ўрнини топиб очмоққа манинг қўлимга тушган бир вақфнома сабаб бўлдики, мазкур вақфнома бундан 250 йил аввал ёзилган». Ўзбек зиёлиси Абу Саид маҳдумнинг бу кашфиётдаги хизматини русларнинг ўзи тан олишган. Ўрта ва Шарқий Осиёни тарихий, археологик, лингвистик ва этнографик жиҳатдан ўрганувчи Россия қўмитаси уни 100 рубл пул билан тақдирлади¹. Мустамлака Туркистон шароитида ўз эли тарихи, маданияти ва фани жонкуяри, ватанпарварлар ҳам бўлди. Улар Ўрта Осиё тарихи, илм-маданияти

¹ Известия Русского Комитета, 1910, №10, 9-бет.

ва бетақорр обидаларини кенг жамоатчиликка танитиш ва уларни келгуси авлодлар учун сақлаб қолиш йўлида фидокорлик кўрсатдилар. Туркистон, Россия ва умумжаҳон кўрғазмаларида ҳам ўз коллекциялари билан қатнашдилар. Тошкентда 1890 йилда Туркистон фани, саноати ва қишлоқ хўжалигининг 25 йиллик юбилейи кўрғазмаси очилганда ана шундай маҳаллий ўлкашунослардан Ақром полвон Асқаров ўзи тўплаган экспонатларни намойиш қилди¹. Ҳам тижоратчи, ҳам илм-фан фидойиси бўлганлардан яна бири Мирза Абдулла Бухорий (1893 йили вафот этган) касбкори бўйича иккинчи тоифали савдогар ва маҳаллий ипак, жун ҳамда ип-газлама фабрикасининг хўжайини эди. 1878 йили у Тошкентда кўрғазма ташкил этишда иштирок этди. Кўрғазмага хонатлас, турли рангдаги аёллар бош кийими ва ҳар хил рўмоллардан иборат коллекция тақдим қилади. Мирза Абдулла савдогар Муҳаммад Шокир билан бирга «Ипак буюмлари ишлаб чиқаришни анча такомиллаштиргани ва кенгайтиргани» учун олтин нишонга сазовор бўлган. 1886 йили Туркистон кўрғазмасида, 1887 йили Харьков қишлоқ хўжалик кўрғазмасида қатнашди. У келтирган ипак маҳсулотлар томошабинлар диққатини ўзига жалб этган. У тезда сотилиб кетган ана шу газмоллари учун мукофот олган эди. Мирза Абдулла Н.И.Веселовский билан ҳам алоқада бўлган. Н.И.Веселовский Мирза Абдулла коллекцияларини кўриб чиқиб, ундан 1202 буюм, шу жумладан, 11 тилла ва 77 кумуш танга, 951 дона чақа, 18 та муҳр, одамлар, ҳайвонлар тасвири туширилган 6 та тош сотиб олган².

Н.И.Веселовский билан танишиб, ҳамсуҳбат бўлиши, шунингдек, Афросиёб қазилмаларини бориб кўриши Мирза Бухорийда ёдгорликлар тўплаш фаолиятини янада кучайтирган. Натижада у қадимги нарсаларнинг илмий аҳамиятини тушунишга ҳаракат қилибгина қолмай, рус фани ва маданияти ютуқлари билан яқиндан танишишга ҳам интилди. Ўз ташаббуси билан Москва ва Петербургга саёҳат қилди: Кремлда бўлди, Третъяков галереясини бориб кўрди.

Мирза Абдулла Бухорий тўплаган моддий маданият ёдгорликларидан кўпчилиги Санкт-Петербургдаги Эрмитаж ва Археология комиссиясига юборилгани ҳамда қабул қилинганига доир маълумотлар бор. 6 та махсус қутига жойлаштирилган 6300 та қадимий осори-атиқаларни Бухорий ҳеч қандай нарх қўймай Россия фойдасига текинга совға қилган³.

Тарих ва маданият жонкуярларидан яна бири Турди Мирғиёс ўгли бўлиб, юртсеварлиги билан ажралиб турган. У 16 йил давомида йиққан коллекциялари билан таниқли ўлкашунослар

¹ Содиқова Н. Маданий ёдгорликлар хазинаси. Тошкент, 1981, 51-бет.

² Содиқова Н. Кўрсатилган китоб, 52-бет.

³ Содиқова Н. Кўрсатилган китоб, 54-бет.

қаторидан ўрин олган. Турди Мирғиёс ўғли тарихий обидаларнинг жонкуяр тарғиботчиси эканлигини унинг генерал-губернатор маҳкамаси ходими, шарқшунос Абубакр Диваевга йўлланган бир мактуби яққол кўрсатади. Мактубда хусусан мана буларни ўқиймиз: «Бизнинг Тўқмоқ райони атрофида, ҳозирда суғориш ишлари олиб борилаётган жойда қирқ чақирим масофага қадар чўзилган қадим шаҳар қолдиқлари ётибди. У ёки бу белгиларига кўра бу ерда қачонлардир юксак маданиятли халқлар яшаган. Ҳар қадамда қабр тошлари кўзга ташланади, несторианча ва мусулмонча ёзувлари бор. Шуниси ажабланарлики, бу кўҳна шаҳар қолдиқлари ҳақида ҳеч ким бир нима билмайди, на Овруп, на Шарқ тарихчиларига ҳам номаълум бу шаҳар... Маҳаллий қариялар буни Хитой шаҳри дейишади. Аммо арабча ёзувлар бу тахминни рад қилади. Бир қўрғонда қазилма қилганимда Византия услубидаги икки алебастр устунчаларни топдим, чуқурроқ бир жойда эса араб услубидаги буюмларни учратдим. Бу жойлардан топилган тангалар турк амирлари, халифаларига тегишли, ҳижрий 425—426 йилларга оид. Яна шуни ҳам хабар қилишни лозим кўраман. Канал ўтказилаётган жойдан шарқ томон 18—20 чақирим нарида жуда қадим замонга оид минора турибди. Бу кўҳна иншоотнинг гишларини атрофдаги одамлар ташиб кетишмоқда. Биз Верний шаҳрига учта телеграмма юбордик, аммо ҳеч қандай жавоб олмадик. Орадан яна уч йил ўтса, бу нодир минорадан ҳеч нарса қолмайди. Қисқа қилиб айтганда, туркистонлик археологлар бу ердаги қадимий ёдгорликларни ўз ҳимоясига олмасалар, фан ва тарих учун қимматли ҳамма нарса адо бўлади ва биз авлодлар қарғишига учраймиз»¹.

Самарқад вилоятининг Хўжанд туманида Ҳожи Юсуф Мирфаёзовнинг илмий-маданий фаолияти ҳам диққатга сазовордир. Унинг уйи Хўжанд маданий марказига айланган. Фалакиётшунослик, математика, география, табиғат, тарих бўйича билимдон Ҳожи Юсуф раҳбарлигида яратилган Ер шари глобуси XIX аср иккинчи ярмидаги илмий кашфиётлардан бири эди. Глобусда 1000 дан ортиқ географик номлар жойлаштирилган². Туркистон олимлари синовидан ўтган бу глобус Петербургда ҳам намоёниш қилинган. Россия Императори География жамияти аъзолари унинг илмий жиҳатдан мукамаллигига ишонч ҳосил қилишган. Император Николай II ва унинг сарой амалдорлари ҳам глобусни кенг оммага намоёниш этишга сазовор деган хулосага келишган ва унинг муаллифини тақдирлашган³.

¹ ЎзР МДА, 394-жамғарма, I-рўйхат, 27-иш.

² *Х. Хасанов*. Памятники Среднеазиатской картографии. «Известия Узб. Геогр. Об-ва», Т. VIII, Ташкент, 1964, 62-бет. *Шу муаллиф*. «Ўзбекча глобус тарихидан». «Совет мактаби» журнали, 1962, 9-сон, 39—42-бетлар.

³ *Х. Хасанов*. Географическое наследие ученых Средней Азии. Автореферат на соис. уч. ст. доктора геогр. наук. Ташкент, 1967, 37-бет.

Ҳожи Юсуф Мирфаёзов (1842—1924) Осиё ва Европа мамлакатларида таълим олган ўз даврининг илғор кишиси ва маърифатпарваригина эмас, балки бутун Туркистон ўлкаси маданияти ривожига катта ҳисса қўшган олим сифатида ҳам ўзидан ном қолдирган¹.

Умуман олганда, XIX аср охири — XX аср бошларида Туркистонда маърифатпарварларнинг маълум гуруҳи шаклланганини уқтириб ўтиш лозим (Сатторхон Абдуғаффоров, Саидрасул Саидазизов, Жўрабек Қаландар қори ўғли, Шоҳимардон Мирғиёс ўғли ва бошқалар).

Мустамлака Туркистонда фан ва маданият соҳасида бир неча кўргазмалар уюштирилган. «Туркистон фани, саноат ва қишлоқ хўжалигининг 25 йиллик юбилеи кўргазмаси» 1909 йилда Тошкентда очилди. 1911 йили 3 та, 1912 йили 2 та, 1915 йили 2 та, 1916 йилда 1 та бадий кўргазма уюштирилди. Туркистон кўргазмаси 7 марта Умумроссия (1870—1913) ва 10 марта жаҳон (1873—1914 йиллар) кўргазмаларида қатнашган².

Россия ҳукумати турли йўллар билан ўз маданияти, хусусан, қўшиқчилик санъатини Туркистон ҳудудида кенг тарқатишга ҳаракат қилди. Шунинг учун ҳам улар барча воситаларни ишга солдилар.

XIX асрнинг 70- йиллари бошларидан ҳаваскорлик бадий уюшмалари пайдо бўла бошлади. Бундай иш билан асосан Туркистон генерал-губернаторлиги шуғулланди. Аслида, қўшиқчилар уюшмаларини ташкил этиш 1866 йилда драматик тўғарак сифатида, кейинчалик эса, 70-йилларнинг охирларида Ф. Ф. Никитников раҳбарлигида мусиқа тўғараги билан бошланган эди. 70-йилларнинг охирлари — 80-йилларнинг бошларидан ўлканинг турли ерларида рус жамоалари ташкил этилиб, улар ўзларининг маданий-эстетик маҳоратини оширишда мадад сўраб юқори ташкилотларга мурожаат қила бошладилар.

Буларнинг ҳаммаси кейинчалик Тошкент шаҳрида мусиқа жамиятини ташкил этишга ундай бошлади. 1883 йил 5 февралда Туркистон генерал-губернаторлиги бундай жамиятни тузишга рухсат берди. Шу йилнинг октябрь ойида эса жамият учун махсус бино ажратилди. 1884 йил январь ойидан Тошкент мусиқа жамияти ўз фаолиятини бошлади. «Тошкент мусиқа жамияти» ўз сафини тобора кенгайтира борди. Бунинг ижтимоий сабаблари мавжуд бўлиб, улар кўпинча мустамлакачилик идлизларининг мустаҳкамланиши, Россиядан Туркистон ҳудудига кўплаб рус фуқароларининг кўчириб келтирилиши билан боғлиқ эди. 80-йилларнинг иккинчи ярмида жамият мусиқа ҳаваскорларидан ташкил топган оркестр ва хорга эга эди. Чу-

¹ Саиди Шариф Муҳаммадрофе. (С. Ш. Марофиев) Ходжи Юсуф Худжанди. Худжанд, 1995, 13—17-бетлар.

² Содиқова Н. Кўрсатилган китоб, 48-бет.

нончи, ўша йилларнинг охирларида «Тошкент мусиқа жамияти» хорида 80 дан ортиқ қўшиқчилар фаолият кўрсатди. Айни пайтда жамият қошида офицерлар ҳаваскорлар оркестри ҳам фаолият кўрсатиб турди.

Тошкент рус қўшиқчилик санъатининг жонлана бориши бу ерда кўплаб ижодий сафарларнинг уюштирилишига сабаб бўлди. Масалан, 1889 йилда Тошкентга Д. Славянскийнинг хор капелласи ижодий сафарда бўлган бўлса, кейинчалик «Малороссийская капелла», 1891 йилда Франция оперетта труппаси, 1894—1898 йилларда эса Тифлис операси Туркистонга сафар уюштирди. Бироқ, европача усулда ижро этувчи гастролчилар ва Туркистондаги мавжуд рус қўшиқчилик гуруҳларининг концертлари маҳаллий аҳоли ўртасида эътибор топмади. Хусусан, уларнинг репертуарларидаги «Гальяка», «Жизнь за царя», «Кармен» операларига маҳаллий аҳоли кирмаганлиги юқоридаги фикрларни исботловчи далил бўлиши мумкин.

Лекин, Россия маданият соҳасидаги ўз ҳукмронлигини таъминлаш ва мустақамлаш мақсадида турли жамиятлар, уюшмалар, гуруҳлар ташкил этишда давом этаверди. Масалан, 1891 йил 4 февралда Туркистон генерал-губернаторлиги Самарқанд мусиқали драма жамиятининг тузилганлиги ҳақидаги ҳужжатни имзолади, унинг Низомини тасдиқлади. 1907 йил март ойида Сирдарё вилояти генерал-губернатори Тошкентда ҳам мусиқали драма жамияти Низомини тасдиқлади. Жамиятни тузишдан асосий мақсад бу ерда санъатнинг 2 жанри — рус мусиқаси ва драматик асарларни кенгроқ ёйиш эди. Айни пайтда Туркистондаги рус маъмурияти бундай тадбирларни узоқни кўзлаган ҳолда олиб борди. Бош мақсад русча усулларни мустақамлаш асосида Туркистонда Россия давлати мустамакачилик сиёсатини кучайтириш эди. Бу жамиятларда маҳаллий аҳолидан биронта одамнинг йўқлиги ҳам фикримизнинг далилидир.

Туркистон генерал-губернаторлиги ўлкада, айниқса Тошкент шаҳрида рус мусиқий марказларини мустақамлашга катта эътибор берди. Бу пайтга келиб, ўқув юртларида хорлар ташкил этила бошланди, янги ҳаваскорлик мусиқий тўғарақлар пайдо бўлди. Буларнинг ичида айниқса ҳаваскор хор қўшиқчилари тўғараги бўлмиш «Лира» ажралиб турарди. Кейинчалик «Тошкент мусиқа жамияти» ва «Лира» фаолиятлари бир-бирига яқинлаша борди. 1904 йилда Тошкентда симфоник ва камер мусиқаси ҳаваскорлари тўғараги ташкил этилди. 1906 йилда эса мусиқа жамияти таркибида мусиқа-драматик жамият ташкил этилди. Улар ўз концертларини кенг халқ оммаси тўпланадиган жойлар, шаҳар боғларида ҳам намойиш эта бошладилар. Кейинчалик «Тошкент мусиқа жамияти»нинг жойлардаги филиал, бўлим, шўьбалари ҳам ташкил этила бошланди.

Туркистонга рус қўшиқчилик санъатининг кириб келишида унинг миллий санъат турларига салбий таъсир қилиши билан

бирга, айна пайтда, рус олимлари — мусиқашунослар, элшуносларнинг ўзбек миллий кўшиқчилик санъатининг тарихини ўрганишда, халқ фольклор асарларини йиғишда ва тартибга солишда ҳамда нашр этиш ишларида маълум даражада ижобий роль ўйнаганлигини ҳам айтиб ўтиш лозим. Масалан, XIX асрнинг 70-йилларида илғор фикрловчи ва умуминсоний қадриятларни ўз фаолиятларида шахсий мезон даражасигача кўтарган қатор рус олимлари, мусиқашунослари ўзбек миллий кўшиқчилик санъатини (бошқа маданият ва санъат шакллари каби) ҳам чуқур ўргана бошладилар. Улар айнақса кўшиқчилик санъатида халқ оғзаки ижоди анъаналарини қизиқиш билан таҳлил қилдилар. Айна пайтда, айрим рус мусиқашунослари, санъаткорлари маҳаллий халқ ижодкорлари, бастакорлар, ашулачилар билан суҳбатлашиб, уларнинг оғизларидан анъанавий кўшиқларни ёзиб ола бошладилар.

Рус мустамлакачилигининг тўсиқларига қарамасдан, Ўзбекистонда анъанавий кўшиқчилик санъати тараққий эта борди. Айнақса, Фарғона водийсида яратилган куйлар ва кўшиқлар, табиийки, ўша даврнинг оғир кунларини, эзилган меҳнаткаш халқ оммасининг орзу-умидларини ифодалаганлиги билан характерланади. Аслида бундай ҳолат ўша пайтда мустамлакачилик асорати остида бўлган барча халқлар, ҳудудларга тааллуқли эди. Ҳофизлар асосан Муқимий, Фурқат, Завқий, Увайсий, Ҳамза, Хазиний, Надимий, Ғарибий, Ёрий, Мирий каби шоирларнинг ғазалларини куйлаганлар. Мадали ҳофиз номи билан бутун Фарғона водийсида катта обрўга эга бўлган марғилонлик Мадалибек Раҳматуллаев (1876—1931) Хазиний, Муқимий, Рожий каби шоирлар билан яқин ижодий ҳамкорликда ижод қилди.

Мадали ҳофиз Раҳматуллаевнинг замондошлари, Фарғона водийсида ўзларининг юксак ижрочилик маҳорати билан барчанинг ҳурматини қозонган санъаткор, ҳофиз, мусиқачи ва бастакорлардан Фарғонага яқин Арсиф қишлоғидан чиққан Парпи ҳофиз, наманганлик Абдулла ҳофиз (Абдулла Файзуллаев), исфаралик Мадумар ҳофиз, бешариқлик Ҳамроқул қори Қосимов, кўқонлик Эркақори Каримов ва Маҳрам ҳофиз, марғилонлик ҳофизлар Абдураззоқ ота, Болтабой Ражабов, Ҳасанқори, олтиариқлик мулла Усмон охун, Мирзааҳмад, мулла Бурҳон, андижонлик Тошкент ҳофиз, шаҳрихонлик Абдуллажон маҳсум Макайли ҳофиз, мулла Абдувоҳид, Солихўжа ҳофизлар хонлар ва чоризм истибдоди даврларида яшаб самарали ижод қилдилар. Улар ўзларининг ғоят нафис ва гўзал санъатларида жаҳолат ва разолатни фош этдилар. Марғилонлик машҳур доирачи уста Олим Комилов, камончи ва дуторчи Отахўжа эшон, наманганлик дуторчилар Собирохун ва Рамазонохун, танбурчилар Жалолхон ва Султонхон, ёзёвонлик Маматхон қори Муннақбоевлар ҳам ўзбек санъатининг ривожига фаол меҳнат қилдилар.

Мустамлакачилик даврида қўшиқчиларнинг ижтимоий-иқтисодий аҳволи оғир бўлган. Шунинг учун ҳам уларнинг кўпчилиги бошқа касб билан шуғулланишга мажбур бўлганлар. Чунончи, Мадали ҳофиз Марғилоннинг Ўрда таги маҳалласида атторлик қилиб кун кечирган, наманганлик Абдулла Файзуллаев тароқчилик касби билан машғул бўлган, шунинг учун уни Абдулла Тароқ ҳам деб атаганлар. Мазкур даврда туркистонлик ашулачи ва созандаларнинг кўпчилиги серқирра санъаткор эдилар. Бир кишининг ўзи икки-уч чолғу асбобида чалишни пухта эгаллаган созанда, бастакор, ҳофиз, қизиқчи, ҳатто баъзилари ўзлари учун доимий керак бўлган чолғу созларини яшаш хонаридан ҳам хабардор эдилар. Уларнинг ноёб истеъдоди яна шу жиҳатдан қадрлики, улар нота ёзувларисиз қанчадан-қанча халқ мусиқа бойликларини, шашмақомларни ёддан ўрганганлар ва эса сақлаб қолиб, ўз навбатида шогирдларига ўтказганлар, Фарғона водийсида ўзбек профессионал мусиқаси жанрига кирувчи «Шашмақом»нинг Фарғона — Тошкент йўллари ва айниқса катта ашула кенг тарқалган.

XIX аср иккинчи ярми — XX аср бошларидаги мураккаб иқтисодий-сиёсий вазиятга қарамасдан, ўзбек санъаткорларининг номи бошқа давлатларга ҳам тарқалган. Масалан, самарқандлик машҳур ҳофиз Ҳожи Абдулазиз Расулов Эрон, Афғонистон, Ироқ, Ҳиндистон ва Юнонистон мамлакатларида ўз санъатини намойиш қилган. Тошкентлик Мулла Тўйчи Тошмухамедовнинг овозини Ёркент, Фулжа, Чугучак халқлари севиб тинглаганлар. Тўйчи ҳофиз 1868 йилда Тошкент шаҳрида таваллуд топди. 1898 йили Кўқон сафарида машҳур ҳофизлар Мадумар, Абдуқаҳҳор ҳофиз, Саид Аҳмад, Назирхонлар билан яқиндан танишиб, бир умр улар билан дўстлашиб қолди. Бу ҳофизлар асосан ликопча билан катта ашула айтиб ном чиқарганлар. Тўйчи ҳофиз соз жўрлигида ашула айтишнинг асосчиларидан бўлиб, ундан кўриб бошқалар ҳам аста-секин соз жўрлигида ашула айтишни машқ қила бошладилар. Орадан кўп вақт ўтмай, Тўйчи ҳофиз Муҳаммад Умар ва Абдуқаҳҳор ҳофиз билан бирлашиб кўп вақт кўқонлик санъат мухлисларини хурсанд қилиб юрдилар.

Тўйчи ҳофиз ўз санъатининг маҳоратлиги билан шуҳрат қозонди. Шунинг учун ҳам Рига «Граммофон» жамияти унинг ашулаларини ёзиб олиш учун таклиф этди. 1905 йилда унинг 25 га яқин халқ қўшиқлари ва мумтоз ашулалари ёзиб олинди ва тарқатилди. Унинг «Бобо Равшан», «Ёқаётган наби», «Бевафо дунёсан», «Сувора», «Илғор», «Хисрав» каби қўшиқ ва куйлари бутун Европа давлатларига тарқалди. Унинг ташаббуси билан Ўрта Осиёнинг қатор шаҳарларида граммофон ва пластинка дўконлари очилди. Тўйчи ҳофиз айниқса маърифатпарвар шоир Фурқат билан жуда илиқ ижодий алоқа қилди.

Ўзбек миллий кўшиқчилик санъатини ривожлантирган машҳур ҳофизлардан бири Ҳожи Абдулазиздир. У 1855 йили Самарқанд шаҳрининг Кўкмачит маҳалласида дунёга келган. Абдулазиз ўз устози Бобораҳим танбурчи тарбиясида бўлиб, уч-тўрт йил ичида соз чалишни яхшигина ўрганиб олди. У тўй ва базмларда танбур чертар, баъзан соз жўрлигида кўшиқ айтарди. Кейинчалик ўша вақтдаги машҳур ҳофиз Борух билан биргаликда ашула айтиб юрди. Борух ҳофиз ўзбек ва тожик мусиқа санъатини зўр ҳавас билан ўрганган киши бўлиб, «Шашмақом»ни ҳам яхши айтарди. У ўз тенгқурлари билан биргаликда созандалар, ҳофизлар, шоирлар иштирок этадиган ўтиришларда тез-тез қатнашиб турар, Бедил, Жомий, Навоий, Фузулий ва бошқа мумтоз шоирларнинг асарлари ҳақида борган мусоҳабаларни берилиб тинглар эди.

Ҳожи Абдулазиз «Шашмақом»ни мукаммал ўрганиш мақсадида XIX асрнинг 80- йилларида Бухорога боради. У моҳир мақомчи Ота Жалол Назировга шогирд тушади ва бир йил давомида ундан таълим олади. Ота Жалол ўз шогирдига мақом йўлларини тўла-тўқис ўргатибгина қолмай, «Шашмақом»нинг тарихи, унинг авлоддан-авлодга сайқал топиб, ривожланиб келаётгани ҳақида ҳам тушунча беради.

Ҳожи Абдулазиз томонидан «Шашмақом» куйларининг дуторга кўчирилиши ҳам бошқа жиҳатдан аҳамиятли эди. Биринчидан, мақом ижро этиладиган чолғулар шу туфайли биттага кўпайди. Иккинчидан, дутор энг сеvimли чолғу ҳисобланган Тошкент ва унинг атрофларида, Фарғона водийсида мақомларнинг илгаридан ҳам кенг тарқалишига имкон яратди.

Ўзбек анъанавий кўшиқчилик санъати мазкур даврда кўп қийинчилик билан ривож топди. Россиянинг мустамлакачилик сиёсати оқибати ўлароқ, ўзбек санъатининг камситилиши унинг иккинчи даражали санъат деб қаралиши асосида юз берди. Чунончи, XIX аср охири — XX аср бошларида Ўзбекистон ҳудудида ташкил топган барча «Мусиқа севувчилар жамиятлари» рус ҳукуматининг ўлка маъмуриятларида тасдиқдан ўтар, ҳаттоки жамият аъзоларининг аъзолик бадалини тўлаш тартиби, ўйналадиган спектакллар ва концерт репертуарларини тасдиқлаш, томошалардан тушган маблағларни ўз вақтида давлатга топшириб туриш кабилар ҳам ҳарбий губернаторлик тасаруфида эди.

Ўзбек миллий кўшиқчилик санъатининг ривожланиши маърифатпарварларнинг фаолияти, жадидлар ҳаракати билан ҳам бевосита боғлиқдир. Чунончи, улар ўзбек кўшиқчилик санъатини юксак даражага кўтариш билан бирга, рус санъатини ҳам ўрганиш ғоясини кўтариб чиқдилар. Аҳмад Дониш (1828—1897) ўзининг «Бухородан Санкт-Петербургга саёҳат» номли китобида рус маданияти, айниқса кўшиқчилик санъатидан ҳаяжонланганлигини ёзади. У айни пайтда миллий маданият, санъат-

нинг равнақи унинг бошқа миллат маданияти ва санъати билан ўзаро алоқадорлигига боғлиқлигини ҳам айтади.

Ўзбек миллий қўшиқчилик санъатининг ривожини Фурқат, Муқимий, Завқий ва бошқаларнинг маърифатпарварликка асосланган ижтимоий - сиёсий қарашларига ҳам боғлиқ бўлди. Юқорида номлари тилга олинган маърифатпарварлар айрим масалаларни талқин қилишлари билан бир-бирларидан ажралиб турсалар-да, қарашларига хос умумий белги аниқ кўзга ташланади. Бу уларнинг мавжуд тузумга қарши муносабат, халқ оммаси манфаатларини ҳимоя қилиш, тараққиёт ва маърифат ғоялари учун курашга чақиритишларида яққол кўринади. Улар жамият аъзоларининг ҳар томонлама камол топишида мусиқа, айниқса қўшиқчиликнинг ўрни катта эканлигини таъкидлар, шу билан бирга, ўз шеър ва ғазалларида ўзбек миллий руҳиятини кўрсатишга ҳаракат қилардилар. Уларнинг асарлари замонавий, халққа яқин бўлганлиги, айтиш пайтда қадимий-анъанавий усулларга содиқлиги учун ҳам халқ томонидан севиб айтилар эди.

Ўзбек миллий қўшиқчилик санъати, истилочилик сиёсатига қарамасдан, ўзининг умумий анъанавий ривожланиш йўлида давом этди. Хусусан, ижрочиликнинг Бухоро, Хоразм, Қўқон йўллари тўла-тўқис сақлаб қолинди ва бундай усулларни янада такомиллаштиришда ўша шаҳарлардаги мавжуд анъанавий мактаблар муҳим аҳамият касб этди. Шу билан бирга, Туркистоннинг барча ҳудудларида ўзига хослик мавжуд бўлишига қарамасдан, ўзбек анъанавий қўшиқчилиги ҳам ашулада, ҳам чолғу асбобларида умумийликни йўқотмади.

Ўзбек анъанавий қўшиқчилик санъати ўзининг чуқур миллийлиги ҳамда ўзига хос йўналиши, усул ва услубларига эга эканлиги учун ҳам мустамлакачилар уни йўқотолмадилар.

Айтиш пайтда Россияда ўзбек маданияти, хусусан, анъанавий қўшиқчилик санъати жуда маълум эди. Хусусан, XIX асрнинг 70-йиллари бошларида Бухоро амири 7 кишидан иборат мусиқачилар гуруҳини Россияга жўнатганлиги, руслар эса кўплаб ўзбек мусиқий чолғуларини кўриб ҳайратланганликлари маълум. Мазкур даврда ўзбек қўшиқчилари Россияда, чунончи, Нижний Новгородда ташкил этилган кўргазмада иштирок этиб, тингловчиларни лол қолдирганликларини ҳам таъкидлаш лозим. Туркистонда узоқ йиллар истиқомат қилган Н. Ликошин «тузем» халқлари қўшиқларини севиб тинглаганини айтади.

Россия дипломати Л. Костенко ўзбек чолғу мусиқасига қисман қизиқиб қараса-да, бироқ матн билан боғлиқ ўзбек қўшиқлари ҳақида мутлақо зид фикрлар билдиради: «Турон қўшиқчиларидек бемаъни нарсани тасаввур қилиб бўлмайди; уларда бирорта ёқимли товуш ёки тўғри куйланадиган нота йўқ. Эшитувчиларга роҳат бағишламоқчи бўлган субъект (мен уларни ашула

деёлмайман) куйламайди, овозининг борича бақиради, холос. Унинг бақироқ овози кучайган сари уни эшитувчиларнинг завқ-шавқи ҳам кучаяди. Ашулачи бошини кўтариб, кўзларини олазарақ қилади, томирлари қонга тўлади ва у чиябўрига ўхшаб улийди, гоҳ мушук сингари миёвлайди, гоҳ туядек наъра тортади». Л. Костенконинг бундай мулоҳазаси аксарият истилочиларнинг руҳияти ва мақсадларига мос эди. Бундай нотўғри хулосанинг пайдо бўлиши икки сабабга боғлиқ эди: 1) мустамлакачиликни оқлаш, унга маҳқум этилганларга «илғор» маданият олиб кириш «ғоя»сини исботлаш; 2) анъанавий кўшиқчилик, айниқса шеър матнидан мутлақо хабарсизлик.

Бундан фарқли ўлароқ, ўзбек анъанавий кўшиқчилик тарихидан яхши хабардор бўлган рус тадқиқотчилари маҳаллий аҳоли орасида ҳофизларни, айниқса кучли овозга эга бўлган ашулачиларни доимо ардоқлаганликларини таъкидлайдилар.

Айни пайтда ўзбек халқ чолғу ижрочилиги янги шакллар билан ҳам бойиб борди. Халқ ижрочилиги анъаналари асосида янги, нисбатан мураккаб ва мукамал, халқ ҳаётининг турли томонларини ёритувчи куй ва кўшиқлар яратила бошланди. Таниқли дуторчи, танбурчи, доирачи, найчи, сурнайчи, гижжакчи, қашқар ва афғон рубобчилари пайдо бўлди. Халқ чолғулари мусиқа ихлосмандлари орасида кенг ёйилди. Улар «Наврўз» байрамларида ва бошқа оммавий халқ сайиллари ва томошаларида, ҳосил байрамларида ўз санъати билан фаол иштирок этдилар.

XX аср Туркистон ўлкаси маданий ҳаётида 1916 йилда Скобелев (ҳозирги Фарғона) шаҳрида Муҳитдин қори Ёқубов ташкил этган чолғу созлари ансамбли, Наманганда уста Рўзимат Исабоев тузган даста, Кўқонда Ҳамза томонидан тузилган духовой оркестр катта воқеа бўлди. Мазкур жамоалар репертуарларида ўзбек халқининг мумтоз, лирик, эпик кўшиқлари ўрин олди. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, XX аср бошларида бўлиб ўтган инқилобий жараёнлар, чор ҳукумати мустамлакачилигининг кучая бориб, халқнинг аянчли аҳволга тушиб қолиши кўшиқчилик санъати репертуарларига ҳам ўзгаришлар кирита бошлади. Бошқа сўз билан айтганда, энди кўшиқлар кўпроқ сиёсий тус олабошлади. 1916 йилда мустамлакачиликка, зулмга қарши ва миллий-озодлик учун йирик халқ ҳаракатлари бўлиб ўтди. Кўзғолонлар пайтида ўзбек халқининг «Минг лаънат», «Элликбоши» ва бошқа янги замон билан баробар туғилган кўшиқлари кенг тарқалди. Бу кўшиқларда подшо, маҳаллий амалдорларнинг ўзбошимчалиги ғазаб билан қораланади, халқ оммасининг тезроқ озод бўлишига ишонч билдирилди. 1916 йилда фронт орқасидаги қора ишлар учун мардикор олиниши муносабати билан «Поезингни жилдирган...» мисраси билан бошланувчи «Николай қон жаллоб» ёки «Мардикорлар воқеаси» кўшиғи яратилди. Ўзбек йигитла-

ри темир йўл қурилишига сафарбар этилган пайтда Жаркентда (ҳозирги Қозоғистоннинг Талдикўрғон вилоятида) яратилган «Аршиллари — нахшиллари» халқ кўшиғи ҳам ана шундай руҳга эга эди.

Анъанавий ўзбек кўшиқчилик маданиятининг ривожланишида Ҳамза Ҳақимзода Ниёзийнинг алоҳида ўрни бор. У ўз шеърларини халқ куйларига солиб, таниш ашула ёки кўшиқлар оҳангига мўлжаллаб ёзилишини таъминлади ва бу билан ушбу асарлар тезроқ халқ орасида ёйилди. У ўзи тўплаган халқ куйларининг 30 тасига содда ва ихчам ибораларда шеърлар ёзди. 1915—1917 йиллар мобайнида унинг «Оқ гул», «Қизил гул», «Пушти гул», «Сариқ гул», «Яшил гул», «Савсар гул» ашулалар тўпламлари босилиб чиқди.

Ҳамзанинг ўзи бу тўпламларнинг туб моҳиятини ва мақсадини «Миллий ашулалар учун миллий шеърлар мажмуаси» китобининг биринчи бўлимига ёзган сўзбошисида бундай дейди: «Кулоқ ноталари ила эшитиб келмиш миллий табаррук ашулаларимизнинг ўрни йўқолмасин учун баъзи ярамас шеърлар ўрнига миллий шеърлар тартиб бериб, ҳамма оҳанг ва куйларимизни топиб, бир неча бўлимда ношир этмак ниятидамиз. Ушбу ниятимизга муқаддима ўлмоқ узра бу бўлимда 6 дона миллий ашулаларимиз учун миллий шеърлар тартиб бериб, муҳтарам ватандошларимизга тақдим қилдик». Ҳамзанинг «Миллий ашулалар» номи билан машҳур тўпламида 40 дан ортиқ халқ ашулалари бўлиб, улар орасида ўзбек, тожик, уйғур, татар халқлари кўшиқлари ҳам бор эди. Умуман, Ҳамзанинг ўзи 90 дан ортиқ кўшиқлар яратганини айтади. Бироқ уларнинг кўпчилиги бизгача етиб келмаган.

Ўзбекистоннинг чор Россияси мустамлакачилиги давридаги анъанавий кўшиқчилик санъатининг аҳволи ўзбек халқ байрамлари мазмунида ҳам ўз аксини топган. Ушбу даврда истилочилик сиёсати ўз моҳияти нуқтаи назаридан маънавиятдаги миллийликни йўқотишга қаратилган. Бундай сиёсий мақсадни амалга ошириш учун эса мустамлакачилар маҳаллий халқнинг миллий, анъанавий маданиятини камситиш, уларни чеклаш йўлидан борди. Лекин шунга қарамасдан, маҳаллий халқ, жумладан, ўзбекларнинг ўз анъана, урф-одатларини сақлаб қолиш йўлидаги ҳаракатлари самара берди. Ўзбек халқи маънавий маданиятнинг, унинг урф-одатларидаги мумтозликнинг, моҳиятан анъанавийликка асосланган санъат турларининг мустақкам илдизи халқ байрамлари ҳамда унинг асосини ташкил этувчи кўшиқчилик санъатининг сақлаб қолиниши билан изоҳланди¹.

Туркистон генерал-губернаторлиги вилояти мақомидаги

¹ Ҳожиакбар Ҳамидов. Ўзбекистон маънавий маданияти тарихи: шаклланиши, тараққиёти, муаммолари. Тарих фанлари доктори илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация. Тошкент, 1996, 168—204-бетлар.

Амударё бўлими ҳудудида яшовчи қорақалпоқлар санъати ҳам мустамлака шароитида яшовчанлигини кўрсатди. «Қорақалпоқлар хотирасида, — деб ёзган эди қозоқ элшуноси Ч. Валихонов, — минглаб ҳикоялар, қиссалар, қўшиқлар сақланган»¹. Уларнинг ичида энг машҳури «Алпомиш», «Қоблан», «Эдиге», «Шариёр», «Эршўро», «Қирқ қиз» дostonлари бўлган. Уларнинг ижрочилари жировлар, бахшилар ва қиссахонлар фавқуллодда шоирона қобилиятга эга бўлишган. Улар туфайли узоқ ўтмишдаги халқ оғзаки ижоди намуналари авлоддан-авлодга ўтиб, бизгача етиб келган.

Жировлар шажарасининг илдизи узоқ ўтмишга бориб тақалади. XV асрда Соппасли Сипира жиров катта шухрат қозонди, XVIII—XIX асрларда эса Жиян жиров, Шонқай жировлар ном чиқарди. Бир неча бахшилар мактаблари, шу жумладан, Ғарибниёз бахши, Ақимбет бахши, Қўшим бахши, Муса бахши ва ҳоказо мактаблар фаолият кўрсатган.

Халқ турмуши, меҳнат фаолияти, дастурлари, урф-одатлари билан чамбарчас боғлиқ бўлган тўй қўшиқлари, йиғи ашулалари (йўқлаш, марсия, хайрлашиш), болалар ва «даволаш» (бадик) қўшиқлари ва бошқалар қорақалпоқларнинг шеърий ва муסיқий ижодиётининг таркибий қисмини ташкил этган.

Мақол-маталлар халқ донишмандлигининг йиғиндиси, халқ истеъдодининг ёрқин намунаси бўлиб келган. Қорақалпоқларда жумбоқлар, зукколик мусобақалари (жавоб айтиш) ва халқ ижодининг бошқа кўпгина турлари кенг тарқалган.

Қорақалпоқлар бошқа туркийзабон халқлар билан бир қаторда қадимий умумтурк ёзма ёдгорликларини (қадимий урхун-енисей ёзувлари, VII—VIII асрлар), Маҳмуд Кошғарийнинг «Девони луғати турк» (XI), «Кодекс Куманикус» (XIII асрдаги қипчоқлар тили луғати), «Оғузнома» кабиларни мерос қилиб олган².

Қорақалпоқларнинг ўз ҳаёти ва мустақиллиги учун саботматонат билан олиб борган кураши жараёнида Жиян жиров, Кунхўжа, Ажиниёз, Бердах, Ўтеш каби ажойиб халқ шоирлари етишиб чиқди.

Қорақалпоқ адабиётининг йирик намояндаси, шоир ва жиров Жиян Жунғор хонининг ва бошқа хонларнинг шафқатсиз сиёсатини «Хонавайрон халқ» поэмаси мисолида фош қилди. XIX асрдаги барча тараққийпарвар қорақалпоқ шоирлари Жиян жировни қорақалпоқ шеъриятининг отаси деб тан олдилар.


Машҳур шоир Кунхўжа (Жиямурод) ҳам (1799—1880) ўз асарларида («Чўпонлар», «Ўроқчилар», «Оқ қомиш» ва бошқ.) заҳматкаш халқнинг оғир аҳволини акс эттириб, қорақалпоқ

¹ Валихонов Ч. Ч. Сочинения. Известия русского географического общества по отд. этнографии. Т. XXIX, 1904, 192-бет.

² Хамидов Х. Каракалпакский язык XIX — начала XX вв. по данным письменных памятников. Ташкент, «Фан», 1966, 16—17-бетлар.



Бердах Қарғабой ўғли (1827—1900).



Ерназар Алакўз (1806—1856).

жамиятидаги чуқур ижтимоий қарама-қаршиликларнинг моҳиятини очиб берди. XIX асда яшаб ўтган қорақалпоқ шоирлари Ажиниёз ва Бердах ижодиёти ҳозирда ҳам долзарб аҳамият касб этади¹.

Ажиниёз Қосибой ўғли (1824—1878) қорақалпоқ адабиётининг яна бир йирик ва ўзига хос ижодий сиймосидир. У Хева мадрасасида таълим олган, тарих ва халқ оғзаки ижодини яхши билган, Шарқ лирикаси билан таниш бўлган. Шоир асарларида лирик мавзулар билан бир қаторда ижтимоий мавзулар ўрин тутди. Унинг машҳур «Бўзатов» поэмаси қорақалпоқ халқининг оғир ҳаётини акс эттирган аҳамиятли тарихий манба бўлиб ҳисобланади.

Бердах (Бердимурод) Қарғабой ўғли (1827—1900) қорақалпоқ мумтоз адабиётининг энг ёрқин намояндасидир. Ўзининг кўпгина лирик асарларида, поэмаларида Бердах XIX асдаги қорақалпоқ халқининг ижтимоий ҳаётини ҳар тарафлама акс эттирди. Шоир-демократ сифатида у ўз давридаги воқеаларга ва ижтимоий муносабатларга адолат ва ватанпарварлик нуқтаи назаридан баҳо берди. Бердах ўз асарларида жамиятнинг илғор кишиларини халқ бахт-саодати учун курашга чорлади кўпгина ўтмиш воқеаларига жиддий фикр билдирди. Шу боисдан ҳам тарихчиларнинг бирортаси Бердах ижодиётини четлаб ўтмайди.

¹ Қ а р а н г: Каримов И. А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. 6-жилд. Т., «Ўзбекистон», 1998, 268-бет.

Ўтеш Алшинбой ўгли (1828—1902) нисбатан унчалик кўп бўлмаган мерос қолдирган. Лекин унинг золимларга қарши, жафокаш мазлумларни ҳимоя қилишга қаратилган ҳажвий асарлари («Шарманда», «Ўхшар» ва ҳ. к.) шоирни XIX аср қорақалпоқ шеърятининг атоқли вакиллари сафига кўтарди.

Адабиёт билан бир қаторда қорақалпоқ мусиқаси ҳам ўз тарихига эга. Халқ оғзаки ижоди каби мусиқа авлоддан-авлодга оғзаки ўтиб келган. Мусиқа маданиятининг тарқатувчилари кўшиқчилар, жироббахшилар, сўз усталари, халқ бастакорлари, созандалар, оддий мусиқа ва кўшиқ ишқибозлари бўлган.



Ажиниёз Қосибой (1824—1878).

Асосий қорақалпоқ мусиқа асбоблари: қобыз — камонча билан чалинадиган қадимий мусиқа асбоби бўлиб, у билан жировлар қаҳрамонлик дostonларини ижро этган; дутор—бахшилар чаладиган икки торли мусиқа асбоби; бошқалардан алоҳида ажралиб турадиган шынқобыз — фақат аёллар чаладиган, такрорланмас овозга эга асбобдир. Булардан бошқа сурнай ва гижжак ҳам қўлланилган.

Амалий санъат (ёғоч ўймакорлиги, каштадўзлик, гилам тўқиш, заргарлик, кўнга босиб нақш солиш, аппликация ва ҳ.к.) қорақалпоқ халқи ижодиётининг кўпроқ ривожланган серқирра соҳасидир. Айниқса каштачиларнинг ранг-баранг бўлиб товланган кашталари хотин-қизларнинг байрам кийимларини безаган.

Қорақалпоғистонда заргарлик буюмлари (исирға, билагузук, узук, кўкрак тақинчоқлари), меҳнат қуроллари, уй-рўзғор анжомлари, шунингдек, қурол-яроғ (қилич, совут, камар ва ҳ. к.) ҳам кенг тарқалган.

Мустамлака сиёсати қорақалпоқ халқининг нафосат туйғусини сўндира олмади. Унинг меҳнати ва истейдоди асрлар оша яшаб келаётган халқ ижодиёти намуналарида ўз аксини топди¹.

¹ Камолов С., Сарибоев К. Қорақалпоқлар. Рисола кўлёмаси. Нукус, 1999, 36—39-бетлар.

Рус мустамлакачилари ўзларининг маданият соҳасидаги сиёсатида ўлка халқларининг ерлари, табиий бойликларинигина эмас, балки уларнинг қалбини ҳам забт этишни кўзладилар. Руслаштириш сиёсатида ўлка маданиятини ҳам, халқ руҳиятини ҳам русларнинг таъсирига олишни назарда тутган эдилар. Генерал-лейтенант Мациевский Шарқшунослик жамияти Тошкент бўлими раҳбариятига юборган йўриқномасида ана шу фикрни ҳарбийларга хос очиқ баён қилган. «Жамият, — деб ёзган эди генерал, — Шарқни фан ва Шарқ учун эмас, балки унинг элларини Россияга сингдириб юбориш — руслаштириш мақсадида ўрганиши лозим»¹.

Хулоса қилиб айтганда, Туркистон халқларининг фан ва маданияти мустамлака тузумининг биқиқ шароитида ҳам, руслаштириш сиёсатининг барча зуғум-ситамларига қарамай, ривожланишдан тўхтамади. Мустамлакачилар илм-маърифатга интилиш, илғор ғоялар ва истиқлол истагини бўғиб ташлай олмадилар.

Чоризмнинг маданият соҳасидаги сиёсатининг асосий йўналишларини қисқача қуйидагича белгилаш мумкин:

1. Чор ҳукумати Туркистонда турғунлик ҳолатини сақлаш, ўзаро низо-адоватлар уруғини сепиб турган ҳолда улардаги миллатпарварлик, юртсеварлик ва жанговарлик туйғуларини ўлдириш.

2. Ўлка халқларини ўз тарихи ва маданиятидан узоқлаштириш. Бу соҳада чоризм жуда изчил иш юритди. Олимлар, илмий жамиятлар томонидан Туркистон тарихига доир моддий ва маънавий ёдгорликлар йиғиб олинди ва Москва ҳамда Санкт-Петербургга жўнатилди. Шундай қилиндики, эндиликда ўлка тарихини ўрганиш учун туркистонликлар ана шу марказларга боришга мажбур бўлишди. Шўро тузуми даврида ҳам шундай бўлиб қолаверди. Иш шу даражага бориб етдики, Ўрта Осиё республикалари ёшлари ўз тарихларига кўра Россия тарихини яхши биладиган бўлиб қолдилар.

3. Мустамлака маъмурияти ўлкадаги тарихий обидаларнинг қаровсиз қолиб вайрон бўлишига атайлаб йўл қўйдилар. Туркистон генерал-губернатори А.В.Самсонов эса Самарқандда бўлганида жаҳонга машҳур обидаларнинг вайрон бўлаётгани сабабли уларни тиклаш зарурлиги ҳақида гап кетганда обидаларни тўпга тутиш афзалроқ деган. Подшо генераллари жаҳон афкор оммаси фикридан чўчибгина бундай режани амалга оширмадилар.

4. Чоризм халқ маорифи соҳасидаги руслаштириш сиёсатини рус-тузем мактаблари тармоғини вужудга келтириш ва рус тилига давлат мақоми бериш воситасида амалга оширдилар.

Содиқов Ҳ. XX аср бошида Туркистонда чоризмнинг мустамлакачилик сиёсати ва истиқлол учун кураш. Т., 1994, 132-бет.

Фаргона ҳарбий губернатори генерал-лейтенант Н. И. Корольков 1898 йилда императорга йўллаган ҳисоботида подшо маъмуриятининг ўлкани руслаштириш бобидаги дастурини баён этиб, «туземецларнинг» ўз болаларини ихтиёрий равишда рус-тузем мактабларига беришига эришиш муҳимлигига эътиборни қаратган. Бунинг учун у маҳаллий маъмурият амалдорларига яқин беш йил ичида иш юритишни рус тилига кўчириш лозимлигини уқтирди. Корольков бу тадбир «туземецларни» мансабга қизиқиб фарзандларини рус-тузем мактабларига беришга уларда қизиқиш уйғотади деб ҳисоблаган. Туркистон генерал-губернатори барон А. Б. Вревский вилоят ҳарбий губернаторларига йўллаган мактубида бу масалага ойдинлик киритди: «Шундай вақт келдики, — деб ёзган эди Вревский, — энди ерлилар рус ва фақат рус мактабида ҳар қандай фаолият учун зарур билим ва малакалар ўчоғини кўришсин. Улар мадраса ва мактаблардаги билим эндиликда давлат ҳамда ижтимоий тузумга яроқсиз эканлигини ҳис қилишсин. Рус тилини билувчи маҳаллий мусулмонлардан барча соҳаларда фойдаланилсин»¹. Подшо генераллари «рус-тузем» мактаблари ва шаҳар билим юртлирини муваффақиятли тугаллаган ерлилар болаларига жиддий имтиёзлар берилсин»² деган фикрни ҳам илгари сурдилар ва уни амалга оширдилар.

Чоризмнинг Туркистон ўлкаси аҳолисини руслаштириш сиёсатининг риёкорлиги шунда эдики, рус амалдорлари ўзбек, қозоқ, қирғиз, туркман, тожик халқлари орасидан етишиб чиққан ва русчани муқаммал ўрганган одамларни хушламай, улардан чўчиб турган ва ўрни келганда таъқиб қилган. Абай Қўнанбоев, Чўқон Валихонов, Сатторхон Абдуғаффоров, Фурқат, Тўхтагул Сотилганов, Шарифхўжа Пошшахўжаев, Жўрабек Қаландаров, Муҳиддинхўжа Ҳакимхўжаев ва бошқалар шулар жумласидан. Шунинг учун ҳам Россия Туркистонда маҳаллий аҳолидан олимлар етишиб чиқишига бутун чоралар билан қарши иш юритди.

6. ТУРКИСТОН ХАЛҚЛАРИ СИЁСИЙ ВА ИНСОНИЙ ҲУҚУҚЛАРИНИНГ ПОЙМОЛ ЭТИЛИШИ

Россия империяси Туркистон ўлкасини истило қилганидан кейин маҳаллий халқларни мустамлака истибдодига солувчи қонун — «Туркистон ўлкасини бошқариш ҳақидаги Низом»ни жорий этди. Низом ўлкада маҳаллий аҳолининг инсоний ва сиёсий ҳуқуқларининг расман поймол этилишига олиб келди.

Низомга кўра, кичик мансабдорлар, приставдан тортиб ге-

¹ Содиқов Ҳ. Кўрсатилган диссертация, 90-бет.

² Ўша асар, 92-бет.

нерал-губернаторгача маҳаллий аҳолига нисбатан чекланмаган жазо чораларини қўллаши мумкин бўлган. Шаҳардаги рус аҳолисига берилган имтиёзлар мусулмонларга тегишли бўлмаган. «Мусулмон аҳолини кучайтирмаслик учун уларни имтиёзлардан маҳрум этиш ўринлидир», — дейилган эди бир расмий ҳужжатда.

Туркистон тарихи тадқиқотчиларидан Г Сафаров ўлкадаги Европа аҳолисининг барча қатламини «умумий мустамлакачилар» деб атагани бежиз эмас. У мустамлака шароитидаги синфий ва миллий тенгсизлик ҳамда рус ишчиларининг имтиёзлари ва уларнинг маҳаллий миллатлар ишчиларидан кескин фарқланувчи ҳукмрон мавқеи ҳақида адолатли фикр юритиб, хоризмнинг руслаштириш сиёсати ва рус келгиндиларига туб жойли аҳоли ерларининг бўлиб берилиши Туркистондаги миллий-озодлик ҳаракатини юзага келтирган асосий сабаб бўлганлигини ёзган. «Барча руслар, — деб айтган эди Г. Сафаров, — Туркистоннинг туб аҳолиси одамлар эмас, балки урса, таласа, зўрласа мумкин бўлган иш ҳайвонларидир, деган руҳда яшаган ва тарбияланган»¹.

Чоризм маҳаллий халқнинг урф-одатларини, ислом динини ҳам топташдан тоймади. Замондошларнинг ёзишича: «Тарихи милодийнинг 1895 йилларида чор ҳукуматининг золим генераллари Туркистон ўлкасига қўйилган «миссионер», яъни дин бузувчи Остроумовларнинг таклифлари бўйича, Туркистон ўлкасининг халқини кўр каби истибдод қоронғусида қолдирмоқнинг маслаҳатида «русский-туземный» мактаблар очмоққа киришдилар. Мадраса вақфларини бони, вақф қилгувчи вақфларнинг авлодларига буюриб бериб, сотиб емоқларига фармойиш қилиб мусулмонларнинг жума номозларида подшонинг номини [хутбага] қўйиб ўқимоқ, «Қуръон»нинг «ва-л-мушрик» деган жойларидан «мушрик» иборатларини чиқармоқ каби беҳуда ишларни амр қилдилар. Шаҳар ҳокимлари, қози ва амалдорлар ҳам мактабдорларни чақириб, оқ подшонинг номини жамий одамларга билдириб, масжидларда, номозларда дуо қилдириш, ҳатто мактаблардаги ёш болалар ўқийдиган Эшон Сўфи (Сўфи Оллоёр)нинг «Чаҳор китоби» деган савоб китоблардаги «азоби қабр кофирларгадир, чин — кўрар гўрнинг азобин баъзи мўмин»дек бўлган байтларини ва «кофир, мушрик» деган ибораларини йўқотиб янги босиладирган китоб ва «Қуръон»лардан юқорида айтилган қалималарни чиқаришдек фармойишлар қилдилар. Мусулмонларни ниҳоят эзиб, қисиб, ҳатто кўчадан пристуф ўтиб қолса, ё беихтиёр кўрмай қолган ва ўрнидан турмаган мусулмонлар бўлса, қайтиб келиб уриб, қамар эдилар. Андижонда бир неча мўътабар одам-

¹ Сафаров Г. И. Колониальная революция (опыт Туркестана). Москва, 1921, 34-бет.

ларни кўчада, халқ қошида «манга салом қилмадинг» деб ҳақорат қилиб қамаб қўядиган бўлди¹.

1898 йилги Андижон қўзғолонидан кейин мустамлакачилар ўлкани русча ўзлаштириш сиёсатида ҳар қандай ниқобдан воз кечиб очиқчасига зўравонлик йўлига ўтдилар. Мусулмонларни русларга мажбурий равишда сажда қилдириш одатини расм қилдилар. Бунинг исботи, жумладан, андижонликлардан Фозилбек Отабек ўғлининг юқорида парча келтирилган китобида мужассамдир.

Қатор адабиётлар ва архив материаллари ҳам Россия империяси ҳукмрон доиралари Туркистон халқларининг диний ҳақ-ҳуқуқларини қандай тарзда поймол этганидан яққол далолат беради.

Рус генерали М. Г. Черняев 1864 йилда Туркистон шаҳрини истило қилганда, буюк аллома Аҳмад Яссавий мақбарасини, унинг ёнидаги масжид биноси ичидаги муқаддас ашёларни, деворлардаги қуйма олтин шаклларни ўлжа қилиб талагани етмагандек, мусулмонларнинг бу муқаддас қадамжосида насронийча ибодат ҳам қилган. Кўп ўтмай, мустамлакачилар ана ўша мақбара қаршисида қад ростлаб турган Робия Султонбегим² мақбарасини бузиб, гиштларидан ўзларига уй ва казарма қуришгани ҳам маълум.

Ўзларини холис олим сифатида кўрсатувчи Москва ва Санкт-Петербург илмий доиралари эса Юсуф Ҳамадоний, Абдуҳолиқ Фиждувоний, Аҳмад Яссавий, Сулаймон Боқирғоний, аз-Замахшарий, Баҳоуддин Нақшбанд, Убайдулло Хўжа Аҳрор валий, Сўфи Оллоёр ва бошқа алломаларнинг жаҳон фан-маданияти ривожига қўшган хизматларини инкор этишга уринишди ва уларнинг асарларини бир ёқлама сохта тадқиқ этишди. Санкт-Петербург Туркистон ўлкасида ислом динининг жаҳоншумул умуминсоний мавқеини синдириш учун рус православ ибодатхоналари тармоғини кенгайтirdи.

Рус мустамлакачилари ўзлари ишлаб чиққан «Туркистон ўлкасини бошқариш ҳақида Низом»да шариат қозиларини сайлаш масаласига алоҳида эътибор бердилар. Хонлар замонида саводхон ва ниҳоят билимдон одамлар қозиликка тайинланган бўлса, рус маъмурларининг қонунига кўра, саводсиз кишилар ҳам бу лавозимга сайланиши мумкин бўлди. Мингбоши, оқсоқол, қози сайловлари жараёнида норозиликлар юз берди. Халқ ўз фикрини билдиришга уринди. Рус мустамлакачилик тартиблари, идора услуби ва руслаштириш сиёсатидан норозилик қуйи маъмурият сайловларида очиқдан-очиқ сиёсий чиқишлар шаклида намоён бўлди.

¹ Фозилбек Отабек ўғли. Дукчи эшон воқеаси. Самарқанд-Тошкент, 1927, 21-бет.

² Мирзо Улуғбекнинг қизи, Дашти қипчоқ хони Абулхайрхон (1428—1468)нинг рафиқаси, Кўчкнчхон (1510—1530)нинг онаси.

Рус мустамлакачиларининг Туркистондаги ҳукмронлиги учун таҳликали вазият вужудга келди. Туркиянинг Юнонистон билан урушда эришган ғалабаси бутун мусулмон оламида Туркия султонининг обрўсини кўтариши баробарида европаликлар зулми остида эзилган мазлум Шарқда миллий ғурур уйғотиб, озодлик курашига ҳавас кўзгади. Ана шундай кайфият Туркистонда ҳам кучайганлигини рус сиёсий разведкаси пайқади. Рус махфий полицияси, округ штаби контрразведкаси доимо турклардан мунтазам хавфсирар, уларнинг Туркистондаги таъсиридан қўрқар эди. Шунинг учун мустамлакачилар Туркия билан Туркистонни бирлаштирувчи қардошлик ришталарини узишга ҳаракат қилдилар.

Озодлик курашининг бу даври Европа мустамлакачилари зулмига қарши Шарқ халқлари кўтарган миллий-озодлик кўзғолонларининг таркибий қисми деб қаралмоғи лозим. Шарқий Судан халқларининг Муҳаммад Аҳмад (1848—1885) бошчилигидаги инглиз босқинчиларига қарши кўзғолони ҳамда француз мустамлакачиларига қарши Жазоирда Абдулқодир бошлаган кўзғолон (1808—1883) алангалари ловиллаб турган бир пайтда Андижонда Муҳаммад Али эшон (1846—1898) раҳбарлигида рус мустамлакачиларига қарши кўтарилган кўзғолон тарихан тасодифий бўлмаган. Ана шу боғлиқлик, яъни Туркистондаги миллий-озодлик ҳаракатининг бутун мусулмон Шарқидаги ижтимоий-сиёсий жараёнлар билан узвий боғлиқлиги масаласи ҳанузгача ўрганилмаган ва ўз тадқиқотчиларини кутмоқда. Ҳолбуки, ўша вақтдаёқ рус мустамлакачилари бундай алоқадорликнинг сабабларини жуда яхши тушунган ва унга қарши кескин чоралар кўрган. Хусусан, 1898 йилда олий лавозимдаги подшо амалдори ва публицист Владимир Череванский Судан ва Жазоир кўзғолони ҳақида шундай деган эди: «Мусулмонлар ўртасидаги тенгликни тиклаш ҳамда мусулмон мамлакатларидаги ўзгалар ҳукмронлигига чек қўйишга чақирилганини эълон қилган Маҳди (Муҳаммад Аҳмад) фаол ҳаракат бошлади. Шу тариқа Судан кўзғолони бошланиб кетди ва у ҳанузгача давом этмоқда. Бу аланга Қоҳирага ҳам ўтиб, Александрияда европаликларни қириш бошланди. Қоҳиранинг ўн икки майдонида ўн икки дарвиш Муҳаммад байроғини кўтариш ва европаликларни йўқотиш ҳақида ваъз ўқишарди. Судан кўзғолони давомида Маҳди икки юз минглик қўшинга эга бўлди ва унинг ғазотга даъвати бутун мусулмон дунёсига ёйилди. Миср қўшинлари кетма-кет мағлубиятга учради. Илғор артиллерия ва бошқа хил яроғ-аслаҳалар билан қуролланган Маҳди қўшини Хартум остонасига яқинлашди. Ниҳоят Хартум ҳам эгалланиб, унинг мудофаасига раҳбарлик қилган инглиз генерали Гордон ўлдирилди. Инглизлар чекиндилар. Яна бир Маҳдий пайдо бўлди. Бу имомнинг ислом дини софлиги учун кураш ҳақидаги чақириғи жамий мусулмон мамлакатларида кучли акс-садо берди. Ҳиндистонда Ер курраси-

даги мусулмонларни бирлаштиришга қаратилган иттифоқ ташкил топди. Иттифоқ аъзолари ўз ишини инглиз ноибини ўлдирish ва савдогарларини талашдан бошладилар. Суннийлар ва шиалар ўртасидаги мухолифлик йўқола борди. Ўрта Осиёда дарвишлар жазавога тушиб, бозорлар ва майдонларда ўзларининг мистик мадҳияларини куйлашга тушдилар. Бу таҳликали вазиятда олдинда кутилиши мумкин бўлган фанатик портлашдан чўчиб, Туркистон генерал-губернатори Судан ислоҳотчисини сохта Маҳдий деб эълон қилишни талаб қилди»¹. Бу хавфсирашда жон борлигини айғоқчилик хабарлари ҳам тасдиқлади.

Туркистон ўлкасининг турли ҳудудларида халқ ҳаракатлари давом этаётгани ва русларга қарши кайфият кучайиб бораётгани ҳақидаги хабарларда, жумладан, шундай маълумотлар бор эди: «Сўнгги вақтларда ўлкада маълум мақсади ва тегишли ҳужжатлари бўлмаган турк фуқаролари пайдо бўлмоқда. Халқ ўртасида эса Туркия-Юнонистон урушида турклар эришаётган зафарларни мадҳ этувчи Истанбулда нашр қилинган китоблар тарқалган. Турк султони Муҳаммад Алига ўз елкасидаги тўнни ва газовот эълон қилишга чорловчи фармонни юборгани ҳақида овозалар юрибди. Афғонистон амири бўлса ўзини шариатпаноҳ деб эълон қилиб, муқаддас уруш жамғармаси учун олтин танга зарб қила бошлади. Амир ўзининг таҳрири остида Кобулда муқаддас уруш — жиҳод ҳақида китоб чиқарган. Яқинда Панжакент участкасида қандайдир афгон фуқароси қўлга олинган ва у ўлкага келиш сабабларини атайлаб яширган. Авлиёотада эса қирғизлар ҳеч қандай асоссиз русларнинг икки нафар қуйи даражадаги зобитига гап отиб, жанжал чиқарганлар. Бухорода эса бир мулла темир йўл қоровули — рус фуқаросини газовот йўлида ўлдирган. У яна бошқа бир русни ўлдирмоқчи бўлганида қўлга олинган ва айбига тўла иқроп бўлган. Ўлими олдидан халққа қарата дини ислом учун шаҳид кетаётганини айтиб, у одамларни газовотга чорловчи оташин нутқ сўзлаган. Тошкентда эса ерли аҳоли русларни кўрганда ерга туфлаб, ўз нафратини изҳор қилмоқдалар»².

Ана шундай шароитда обрўли ва эътиборли шахс — Муҳаммад Али эшоннинг пайдо бўлиши тасодифий эмас эди. Муҳаммад Али эшоннинг дунёқараши, обрўси ва уддабурунлиги ҳисобга олинса, у бошлаган кўзғолоннинг пухта тайёрланмаганлиги ва бемаврид кўтарилгани тадқиқотчиларда асосли шубҳа уйғотди ва бу нарса ифвогарлик бобида устаси фаранг рус сиёсий полициясининг иши эканлиги, дейишга асос бўлади. Мустамлакачиларга халқни кўрқитиш ва қатағон бошлаш учун зўр бир дастак керак эди. Бир неча рус аскарини қурбон бериш

Череванский В. Две волны. Историческая хроника. Часть 2, Спб, 1898, 347—348-бетлар.

² ЎзР МДА, 1-жамғарма, 31-рўйхат, 91-иш, 10-варақ.

эвазига мингларни қириш ҳамда уларнинг ерларини рус келгиндиларига бўлиб бериш имконияти туғилар эди. Амалда шундай бўлди. Фозилбек Отабек ўғлининг ёзишича, «кимлигидан қатъи назар, оқ дўппи кийган бўлса, рус солдатлари: «Сеники эшон» деб тутиб урар эдилар... Шунинг учун шаҳар меҳнаткашлари ва фуқаро салла ўраб бозорга чиқолмай қолди. Оқ дўппи деган нарсанинг уруғи қолмади. Кимда бўлса, куйдириб йўқотди. Мингбошиларнинг дунёпарастлиги кўзғалиб, шаҳарда кимнинг жойи бўлса, кечаси чақириб бориб: «Сени тутиб берман, эшоннинг ҳовлисига борган эдинг», деб сиёсат қилиб, бор-йўғини шилиб олдилар. Порахўрлик амалдорлар ичида ниҳоятда авж олди¹. Рус амалдорлари ҳам одамларни талашди мингбошилардан қолишмади. «Бир кишини эшонга қарашли деб қамаб қўйсалар, — деб ёзади Фозилбек Отабек ўғли, — юқорига рапорти чиққанда, эшон ҳодисаси зулмга катта баҳона бўлгани кўруниб, кўб йиллар Сибирга ҳайдалар эди. Бечорани ажратиб олмоқ пайига тушган қавм-қариндошлари тамом бор-йўғини сарфлаб, ҳатто ер ва мулкларни сотиб, терговчиларга пора деб берсалар, натижада яна ўзларини осиш, ё Сибирга юборишга қарор бўлар эди»². Бу фактни ўлканинг нуфузли амалдори В. П. Наливкин ҳам тасдиқлайди: «...1902 йилда жавобгарликка тортилган бир неча амалдор иши оммавий тус олган қабиҳликлар яширинган пардани қия очди, холос. Маъмурий бебошлик ҳеч қаерда 90-йиллар охири ва 1900 йилларда Андижон ноҳиясидагидек кенг авж олмаган»³.

Бу бебошликларга ўлка бошлиғи инфантерия генерали С.М. Духовскойнинг ўзи бош бўлган эди. У Андижонга келганида Эски шаҳар аҳолиси уни қандай кутиб олгани ва у халқ билан қандай муомалада бўлганининг жонли гувоҳи сифатида шундай ҳикоя қилади: «Ярим подшоҳ келадилар, деб ҳамма кўчаларга байроқ тутиб, шаҳарни неча кунлар зийнат бериб, ҳамма мактаб болаларини вокзалга олиб чиқиб, қатор қилинди. У вақтларда қамина ҳам туземной школда ўқур эдим. Фуқаролар кумуш табақда нон, туз тутуб тургон эдилар. Уезд ҳокими фуқароларга хитоб қилиб, ярим подшоҳ келиб вагондан тушган ҳамон ҳаммаларингиз таълим олғонларингиздек баробар энгашиб, ерга қараб турасизлар! Бошларингизни кўтаринглар, десам ҳам кўтармай туринглар!» деб ўргатди. Истансага чиққан халқ 2 соат кўброқ интизорлик тортди. Шундан сўнг бирдан поезд кўруниб қолди ва вагонлари ниҳоят зийнатланган ҳолда келиб тўхтади ва солдатлар тушуб, қатор бўлгандан сўнг ярим подшоҳ... қаттиқ ғазаб билан вагондан чиқиб, пастга тушган замон бечора халқ ва мактаб болалари ҳаммаси энгашиб, рукуь

¹ Фозилбек Отабек ўғли. Кўрсатилган асар, 30-бет.

² Фозилбек Отабек ўғли. Кўрсатилган асар, 59-бет.

³ Наливкин В. Туземцы раньше и теперь. Ташкент, 1913, 138-бет.

қилиб турди... Ярим подшоҳ ҳокимдан: «Нима учун халқ бундай энгашиб турадир», деб сўради. «Жаноб императори аъзамга юртимиздан чиққан бир эшон жинни бўлиб билмасдан осийлик қилгани учун биз хижолат бўлуб, улуг ва баланд даражали бош ҳокимимизнинг юзларига қайси бетимиз билан қараймиз, бизларни марҳамат этиб, авф қилиб подшоҳи аъзамдан гуноҳимизни сўраб олмасалар, муборак бетларига камоли хижолатдан қарай олмаймиз, дейдилар», деб жавоб қайтарди. Ярим подшоҳ: «Гуноҳни қилиб қўйиб, эмдиги хижолат нимадир? Фарғона музофотидан Андижондек бир шаҳарнинг тупроғини осмонга совуруб юбормоқ билан подшоҳи аъзам мамлакатларига ҳеч нуқс етмайдир!». Кейин фуқарога қараб: «Сизлар ҳали осий ва гуноҳқорсизлар. Сизларнинг нон-тузингизни қабул қилиб бўлмайди!» деди ва бир тўп ҳинд ва яҳудийлар ҳам нон-туз ушлаб турган эдилар, шуларнинг олдига бориб, нон-тузларини қабул қилиб: «Сизлар ҳозирда манга сартлардан кўра яхшироқсизлар», деб аскарлар томон юрди. Биз туземной школ талабаларини рус домла билан 150 га яқин болалар турғон эдик; бизларнинг ёнимизга тўхтаб, «Сизлар яхши ўқиб турунглар», деб чўнтагидан бир сўм олди-да, домла қўлига бериб, «Ёнғоқ олиб бўлуб беринг, ўйнасунлар ва подшоҳ ҳазратларини дуо қилсинлар» деб аскарлар олдига ўтиб кетди... Халқ бечора маюс бўлуб, кўркуб тарқалиб кетди.

Ярим подшоҳдан ўрнак олган катта-кичик рус мустамлакачилари ҳам «ҳар кун Эски шаҳар бозорига тушуб, савлат кўрсатиб айланиб юрар эдилар. Кўча ва расталардаги халқни ўзларига салом қилдирмоқ балосига мубтало эдилар. Ким салом қилмаса ёки дўқондан пастга тушиб қўл қовуштириб турмаса, дарҳол устига бориб: «...Эшон!» деб қўлидаги таёқ билан бошига солар эди. Мазлум халқ бу хорлик ва разолатни кўриб: «Тавба қилдим, тўра, ман кўрмай қолибман», дер эди. Кўброқ тавба қилиб, илтижо қилғонида раҳм қилса, қўяр эди, бўлмаса, палиска чақириб, турмага — қамоққа юборур эдилар»¹.

Бундай шафқатсизлик ва ҳаддидан ошган зўравонликдан мақсад Фарғона аҳолисининг жанговарлигини синдириб, бутун ўлкани кўркувга солиш эди. Марғилон туманбошиси полковник Бряннинг таъбирича, «Фарғонада доимо газовот гоёси йўлида ўзини жасорат билан ўлим бағрига отувчи марди-майдонлар қаердандир пайдо бўлиб турарди. Аҳолига руслар таъсирини ўтказишда Фарғона вилояти доимо орқада юради, шунинг учун ҳам темир йўлни ўтказиб биз ерли аҳоли ўртасида камалга тушиб қолишдан хавфсираймиз»².

Чоризм Туркистон ўлкасида татбиқ этган «Туркистон ўлкасини бошқариш ҳақидаги Низом» ўлка халқлари инсоний ва

¹ Фозилбек Отабек ўғли. Кўрсатилган асар, 30-бет.

² ЎзР МДА, 1-жамғарма, 31-рўйхат, 91-иш, 24-варақ.

сиёсий ҳуқуқларини расман поймол этувчи қонунлар мажмуаси эди. Унда мустамлакачилик тамойиллари яққол акс этган бўлиб, унинг моддалари 50 йил давом этган империя ҳукмронлиги даврида метрополия манфаатларига мослаб ўзгартириб турилди.

Шуни ҳам айтиш керакки, рус маъмурияти қонунларни ўзи истаганча ўзгартириб, маҳаллий аҳолининг иқтисодий, ижтимоий, диний ва сиёсий эркинликларини нақ 50 йил давомида поймол этиб келди. Бунинг ёрқин бир далили сифатида Сирдарё вилояти Авлиёота тумани жабҳа пристави, штабс-капитан Стрельбицкийнинг ўзбошимчалигини келтириш мумкин. Низомнинг 64-моддаси унга, приставга маҳаллий аҳолидан истаган одамни 3 кунгача қамаб қўйиш, ёхуд муҳофаза ҳолатидаги жойда 2 ҳафтага қадар ҳибсда сақлаш ҳуқуқини берган эди. Приставга бу камлик қилгандай, у мусулмонларнинг рўза ҳайитини 1903 йил 29 декабрга белгиланишини булуриб, агар қози буйруқни бажармаса 9 кунга қамалишини айтди. Пристав хотини ва ити билан мачит ҳовлисига кириб намозхонларга шундай деган: «Агар кимнингдир подасида касал қўй бўлса, уни даволашади, у тузалмаса сўйишади. Сизлар ҳам менинг қўйларимсиз, ораларингизда тиррақилар ҳам бор. Уларни ўзим даволайман, тузалишмаса сўйилади»¹.

Бошқа бир пристав — Андижон тумани Бозорқўрғон жабҳаси пристави капитан Бржезицкий эса ундан ҳам ўтиб тушди, яъни «Низом»да белгиланган мингбоши — волост бошқарувчилари ва қишлоқ оқсоқолларининг ҳуқуқларини бекор қилди. Оқсоқол мулла Фармон Тўрақуловнинг эътирозига жавобан унинг юзига шапалоқ тортди. Бржезицкий ўз бошлиғига йўллаган рапортида оқсоқолни урганини тан олиб, бундай деб ёзган: «Агар урмасанг, демак, сен ҳокимият эмассан, демак, сен қўрқинчли эмассан, демак, мен бошимни дангал кўтариб баҳслашишим, бақириб-чақиришим мумкин, ҳуқуқимни талаб қилиб чиқишим мумкин. Туземцларнинг мантиқи шунақа. Улар мурувватингдан талтайиб кетишади. Бизнинг кўнгилчанлигимизда улар куч-қудратни эмас, балки заифликни кўришади. Бошқарувдаги қаттиққўллик Европанинг маданий дунё тажрибаси асосида танқид қилинаётган бўлса, бизнинг ярим ёввойи Осиёдаги мулкчимизда қаттиққўллик аксинча керакдир. Умумдавлат манфаати йўлида бу зарурдир. Менинг маъмуриятдаги хизматим давомида чиқарган хулосам шудир. Қишлоқ оқсоқоли Тўрақуловни ҳақоратлаганим масаласига келсак мен бу туземцнинг сурбетлиги туфайли урганимни тан оламан»².

Рус маъмуриятининг энг қуйи бўғини жабҳа приставлари ана шундай бебошлик қилганини қайд этган ҳолда, уларнинг

¹ Содиқов Ҳ. Кўрсатилган диссертация, 152-бет.

² Уша асар, 153-бет.

бошлиқлари—туманбошилар ва губернаторларнинг халққа нисбатан қандай зўравонлик қилгани ҳақида гапирмаса ҳам бўлади. Бу ҳолатни юксак лавозимдаги рус амалдорлари эътироф этишгани диққатга сазовордир. Сенатор граф К.К.Пален Туркистон туманбошиларини ўзбек хонликларидаги «бекларнинг худди ўзгиналаридир»¹, деб атагани бежиз эмас. Улар қўл остидаги халқдан истаган кишига жарима солишлари ва 7 кунгача қамаб қўйишлари мумкин бўлган.

Рус маъмурияти мустамлакачилик нуқтаи назаридан келиб чиқиб, суд маслаҳатчилари иштирокидан атайлаб воз кечдилар. Бундан ташқари, «мировой судья» ва унинг ёрдамчиларига суд терговчилари вазифалари ҳам юкланди. Бу йўсиндаги суд ислоҳотини Туркистонда қўллаш ерли миллат ҳақ-ҳуқуқларини оёқ ости қилиб, гурурини поймол этишни империя адлия вазири риёкорона тарзда шундай ифодалайди: «Ён босиш тарзида эмас, балки давлат фойдасининг зарур эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда айрим чекланишлар ва ўзгаришларга йўл қўйилди». Вазир ошқора тарзда Туркистондаги суд ислоҳоти империяда рад этилган лойиҳанинг 4-таҳриридан олинганини ва у «полиция — суд устави», деб аталганини тан олган.

Генерал Кауфман ўзига ўхшаш бешафқат мансабдор империя ҳарбий вазири граф Милютиннинг яқин маслакдоши ва сирдоши эди. У 1876 йили Милютинга йўллаган ахборотида очикчасига мустамлака истибдодини кучайтириш сабабини ёзган. Кауфман Россия ва Англия каби насроний давлатларнинг Осиёдаги мақсади муштарак эканлигини алоҳида таъкидлаб, «бу жойда бизнинг умумий душманларимиз — мусулмонлик ва ёввойилиқдир», дегани ва ҳарбий вазирдан қаттиққўл сиёсат ўтказишда кенг ваколатлар сўрагани ҳам тасодиф эмас. Худди шундай сиёсатни подшонинг яқин мулозими, махфий маслаҳатчи Ф. Гирс Туркистон ўлкасини бошқариш тартиби ҳақида тузган қонун лойиҳасида ҳам акс эттирган эди. Махфий маслаҳатчи аслзода рус зодагонлари, ҳарбийлари ва мустамлака аппаратиде ишлаб бой тажриба орттирган амалдорлардан иборат Дашт комиссиясига (1865—1867) раҳбарлик қилиб, Туркистон ўлкасида қандай мустамлака тузумини ўрнатиш ҳақида императорга ўз мулоҳазалари битилган лойиҳани йўллаган ва рус императори Александр II (1856—1881) бу лойиҳани «Ўрта Осиёдаги мулкларни ўзлаштириш бўйича махсус Қўмита» диққатига ҳавола қилган эди.

Махсус қўмитадаги мўътабар зотлар Дашт комиссиясининг Туркистон халқларига берган таърифига тўла-тўқис қўшилиб, уни қизгин қўллаб-қувватладилар. Дашт комиссияси жаҳонга Хоразмий, Фарғоний, Ибн Сино, Беруний, Яссавий, Бухорий, Термизий, Амир Темур, Улуғбек, Навоий, Бобур каби жаҳон

Пален К. К. Тақдимнома, 7-бет.

тан олган буюк сиймоларни берган аҳли Туркистонни «жуда кўйи ақлий тараққиёт босқичида», бу халқлар «хуқуқ, маъмурият, қонун нималигини билмайди, унинг зарарига хизмат қиладди»¹, деган хулосага келган эдилар.

Биринчи рус инқилоби (1905—1907) натижасида Россияда илк бор парламент — Давлат Думасининг ташкил топгани ва унга Туркистондан ноиблар сайлаш зарурати туғилганда ҳам сиёсий хуқуқлар поймол қилинди. Империя қонун чиқарувчи органида Туркистондан иштирок этувчилар аҳолининг қандай табақаларидан, хусусан, рус ва мусулмон қисмидан қай тартибда сайланиши масаласини ҳал қилиш учун «махсус сайлов» идораси таъсис этилди.

Сайловларда рус элементини мусулмонлар сони босиб кетмаслиги чоралари кўрилди. Тошкент шаҳар думаси ноиблари императорга йўллаган петицияларида ана шундай ғоя илгари сурилган эди. Улар Давлат Думасида Туркистоннинг рус ва ерли аҳолисидан алоҳида айрим вакиллар сайланишини сўрашган. «Агар сайлов асосига сайловчиларнинг сони олингандай бўлса, ўлкани ўзлаштириб маданийлаштираётган рус аҳолиси вакилсиз қолади, — деб ёзишган эди ноиблар 1905 йил 28 июлда йўллаган петициясида, — чунки ерли аҳоли ўз сонининг устуңлиги билан уни босиб кетади. Ҳолбуки, ўлка рус капиталистлари туфайли бойимоқда, бу ерга рус аҳолиси илм ва техника самараларини олиб келмоқда, ўлкага рус колонизацияси тўлқини йўналтирилмоқда, ҳокимият ва маданият вакиллари ҳам ерли аҳолига мансуб эмас. Шунинг учун ҳам адолат ва тараққиёт нуқтаи назаридан Давлат Думасига Туркистон аҳолисидан вакиллик айрим ҳолда ерлилардан, баъзи ҳолларда рус аҳолисидан бўлиши керак»².

1905 йил 11 декабрдаги сайлов қонунига кўра, барча хотин-қизлар, икки миллион ишчи, ҳарбий хизматчи, ўқувчилар, 25 ёшдан кичиклар сайлов ҳуқуқидан маҳрум қилинди. «Туркистондаги сайлов қоидалари лойиҳаси» мулкдор табақалар ва маҳаллий маъмурият манфаатларини ўзида мужассам этган эди.

Туркистондаги сайловларда рус ва умуман маҳаллий аҳоли бўлмаганлар, сайловчилар сонидан қатъи назар, ҳар беш вилоятдан биттадан, Тошкентдан ва Етгисувдаги казак кўшинидан, ҳаммаси бўлиб 7 депутатни, туб ерли аҳоли эса ҳар вилоятдан ва Тошкентдан — жами 6 ноиб юборадиган бўлди. Ҳар бир рус ноибига ўртача 46 минг, ўзбек ноибига эса 96 минг сайловчи тўғри келди. Шу тариқа маҳаллий аҳоли рус элементини босиб кетмаслиги учун маҳаллий аҳолининг Думадаги вакиллиги русларга қараганда бир неча баробар кам бўлди.

¹ ЎзР МДА, 1-жамғарма, 25-рўйхат, 89-иш, 156-варақ.

² ЎзР МДА, 17-жамғарма, 1-рўйхат, 22654-иш, 12—16-варақлар.

Императорнинг 1907 йил 3 июндаги II Давлат Думасини тарқатиб юбориш ҳақидаги фармони ҳам буюк рус шовинизминини кучайтиришга туртки берди. Столипин тарафидан ёзилган фармонда «Давлат Думаси руҳан рус бўлиши, бошқалар эса соф рус масалаларини ҳал қилишда зинҳор ҳакам бўлмасликлари» алоҳида уқтириб ўтилди. Туркистон ўлкасини атрофлича ўрганиб, рушлаштириш сиёсатини кучайтириш мақсадида ўлкага юборилган граф К.К.Паленга ана шундай вазифа юклатилиб, Туркистон ўлкаси учун янги қонун низоми учун зарур материаллар тўплаш буюрилгани ҳам бежиз эмас эди. Юқорида айтиб ўтилганидек, чоризм 1908 йилнинг ёзида Туркистонга йўллаган алоҳида жандармлар корпуси қўмондони, генерал-майор барон Таубе миллий-озодлик ҳаракати ва инқилобий воқеалар иштирокчиларига нисбатан ниҳоятда шафқатсиз бўлишни таъкидлаб, судлардан уларга фақат ўлим жазосини беришни талаб қилди. Барон Таубе «Туркистонда дор қуриш учун хазинадан ҳеч қандай сарф-харажатлар бўлмаслигини» уқтириб, дор ўрнини «қайрағочлар бажаради»¹, деган. Миршабларга жанговар ўқларни осмонга эмас, балки тўғридан-тўғри оломонга қарата отиш ҳуқуқидан фойдаланишга расман ижозат қилинди.

Туркистон маъмуриятига маҳаллий аҳолига нисбатан қўлланадиган жазо чораларини рус ишчи-деҳқонларига ҳам қўллаш ҳуқуқи берилди. Давлат назоратчиси, статс-секретар (махфий котиб) П. А. Харитонов раислигида ўтган ва Туркистон ўлка бошқарувини ўзга асосларда тубдан қайта қуришга бағишланган олий амалдорлар кенгашида (1911) Туркистон генерал-губернатори А.В.Самсонов генерал-губернатор ҳокимиятини «император ҳазрати олийларининг Кавказдаги ноиб ҳокимияти каби асосга яқинлаштиришни талаб қилди. Бу талабни Туркистон ўлкасини 1908—1910 йиллар давомида атрофлича тафтиш қилиб, ўлканинг янги низоми учун бой материаллар тўплаб қайтган сенатор граф К. К. Пален ҳам қўллаб-қувватлади. Унинг тафтиш материаллари ва император ҳуқуқига ҳавола этган тақдимномасида чоризм идорасини мустаҳкамлаш, «Туркистон генерал-губернаторлиги маъмурий-полиция амалдорларига ўзларига қарашли аҳолига унча аҳамиятли бўлмаган хатти-ҳаракатлари учун қўлланадиган жазо бериш ҳуқуқларини янада кенгайтириш»² таклиф қилинган эди. Паленнинг фикрича, бу чора «маҳаллий турмушни тўғри йўлга солиш учун зарурдир». Сенатор Туркистон шаҳарларида мустақил полиция бошқармалари, Тошкентда обер-полицимейстер лавозимини жорий этиш ва ўлкадаги миршаб-полиция хизматчилари сонини кўпайтиришни ҳам таклиф қилди. У Туркистонда инқилобий

¹ ЎзР МДА, 1-жамғарма, 31-рўйхат, 567-иш, 36-варақ.

² Пален К. К. Тақдимнома, 42-бет.

ҳаракатга раҳна солиш учун ва «Европа Россиясидан ёпирилиб келаётган пролетариат ва аграр ғалаёнлар юз берган губерналардан кўчиб келаётган деҳқонларнинг зарарли таъсирини» кесиш учун Туркистон генерал-губернаторлигида туман полицияси маҳкамасини тузиш ғоясини илгари сурди¹. Граф Паленинг фикрлари империя Вазирлар Кенгашида тингланиб, Туркистон ўлкаси бошқарув идорасини тубдан ўзгартириш бўйича Вазирлар Кенгаши аъзоси, Давлат назоратчиси П. Харитонов раислигидаги махсус Кенгашда муҳокама этилди. Кенгаш ишига Туркистон генерал-губернатори Самсоновнинг императорга 1909 йил бўйича йўллаган ахборотномаси ва сенатор Паленинг тафтиши яқунлари асос қилиб олинди². Кенгаш Туркистон генерал-губернаторининг барча талабларини асосли деб топди. Туркистонга оид барча тadbирлар унинг розилигисиз амалга оширилмаслиги кераклигини тасдиқлади. Император саройи, молия, адлия соҳасидан ташқари, барча вазирликлар идораларини бошқаришда унга империя вазири ваколатлари берилди. Метрополия ҳукумати ўз сиёсатини фақат шу биргина шахс — Туркистон генерал-губернатори орқали амалга оширадиган бўлди. Генерал-губернаторга иккинчи ёрдамчи лавозими ҳам берилди. Кенгаш ишлаб чиққан Туркистон ўлкаси идорасига оид таклифлар 1912 йил 20 ноябрда Вазирлар Кенгашида муҳокама этилиб, маъқулланди³.

Империя ҳукмдор доиралари Туркистон ўлкасининг рус ва туб аҳолиси учун махсус сиёсат дастурини ишлаб чиқди. Рус аҳолиси ўртасида инқилобий ҳаракатни тўхтатиш ва Туркистон халқлари ўртасида миллий-озодлик ҳаракатининг барча кўри-нишларини бўғиб ташлашга оид бир қатор тавсиялар берилди.

Ҳарбий вазирликнинг Бош штаби Осие бўлими Туркистон генерал-губернаторига Рязань губернияси аҳволи ҳақидаги ҳисоботни бериб, унга императорнинг фикри мавжудлигига эътиборни қаратди. Рязань губернатори унда инқилобий кучлар таг-томири билан йўқотилмагани, нисбий осойишталик алдамчи бўлиб, инқилоб учқунлари исталган вақтда аланга олиниши мумкинлигини унутмаган ҳолда «Тож-тахтнинг содиқ хизматчиларига доимо кўз-қулоқ бўлиб туриш лозимлигини» уқтирган ва ҳужжатга Николай II ўз қўли билан «Мутлақо тўғри» деган дастхат ёзган эди⁴.

Туркистон генерал-губернатори марказдан ана шундай андоза-дастурлар олиб ва кенг ваколатларга эга бўлиб, ўлкада миршаблик ҳолатини кучайтирди. Рус мустамлакачи маъмурлари жойларда жосуслик назоратини кенг йўлга қўйдилар.

¹ Пален К. К. Тақдимнома, 39-бет.

² ЎзР МДА, 1-жамғарма, 12-рўйхат, 1674-иш, 105-варақ.

³ ЎзР МДА, 1-жамғарма, 12-рўйхат, 1674-иш, 110-варақ.

⁴ ЎзР МДА, 468-жамғарма, 1-рўйхат, 1-иш, 78-варақ.

Тошкент темир йўли жандарм-полиция бошқармаси бошлиғи, алоҳида жандармлар корпуси подполковниги Бабкин жойлардаги ходимларига 1910 йил 19 июнда юборган кўрсатмасида 1905—1907 йиллар инқилобида ва иш ташлашларда қатнашган барча шахслар ҳақида маълумот тўплашни буюрди. «Ҳеч қандай ташвиқотга йўл қўйилмасин, — деб ёзган эди у, — ақллар безовталигига зудлик билан чора кўрилсин, иш ташлашдан алоҳида огоҳ бўлинсин»¹. Генерал-губернаторнинг «Ишчилар ўртасида жиноий адабиётлар тарқалишига зинҳор йўл қўйилмасин»², деган буйруғига бенуқсон риоя этиш буюрилди.

Сиёсий полиция томонидан жойларга махсус сўров-анкета юборилди. Унда қуйидаги саволлар бор эди: «1905—1906 йилларда иш ташлашлар қанча бўлган? Иш ташлаш мақсади ва хусусияти қандай? 1907 йили қанча инқилобий чиқишлар ва террор актлари содир бўлган? Социал-демократлар ва социал-инқилобчилар ташкилотларида қанча ходимларингиз бор?»³. Анкетада инқилобий чиқишлар салмоғи ҳар бир жойда қандай бўлгани ва унинг ёндош аҳолига таъсирини аниқ тасвирлаш зарурлиги кўрсатилиб, жандарм-полиция бўлимлари ўз ҳудудларида яширин ифвогарлик билан шуғулланувчи ходимларга эга бўлишлари мажбурий эканлиги жиддий тарзда уқтирилган⁴.

Империя ички ишлар вазирлиги полиция департаменти Махсус бўлими юборган мутлақо махфий йўлланмасида полиция-жандармерия бўлимлари бошлиқларига аҳоли ўртасида агентура тармоғига эга бўлиш ишига шахсан жавобгар эканликлари таъкидланиб, улар ишчи ташкилотлари, инқилобий фирқаларда ўз жосусларини орттиришлари жуда муҳимлиги алоҳида кўрсатилди. Бу тadbир, махсус бўлимнинг фикрича, «ўтган 1905 йилдагига ўхшаш воқеаларнинг олдини олади»⁵.

ТРМБ ва махсус бўлим тавсиялари асосида ўлкадаги барча амалдорларга генерал-губернатор томонидан ҳукуматга қарши йўналишдаги ҳаракатлар тўғрисида арзимас кўринишда бўлса ҳам, хабар қилиш, айниқса, уюшган ҳаракат, ё иш ташлаш ҳолларига алоҳида эътибор қаратиш топширилди. «Ана шундай ҳолларни синчиклаб ўрганиш жуда зарур ва мақсадга мувофиқ эканлигини тажриба кўрсатди, — деб ёзган эди ўз кўрсатмасида генерал-губернатор. Баъзан арзимас, самарасиз ва бефойда кўринган бир кунлик иш ташлаш, ё бошқа ҳоллар маълум муҳитнинг, айрим шахсларнинг ички интизоми, қобилияти, ташкилотчилиги ва фаол чиқишга лаёқатини кўрсатиш учун синов вазифасини ўтайди. Бундай ҳолларни тадқиқ этиш орқали

¹ ЎзР МДА, 468-жамғарма, 1-рўйхат, 1-иш, 99-варақ.

² ЎзР МДА, 468-жамғарма, 1-рўйхат, 424-иш, 4-варақ.

³ ЎзР МДА, 468-жамғарма, 1-рўйхат, 1-иш, 78-варақ.

⁴ ЎзР МДА, 468-жамғарма, 1-рўйхат, 1-иш, 79-варақ.

⁵ ЎзР МДА, 468-жамғарма, 1-рўйхат, 1-иш, 161-варақ.

дастлаб филиал бўлимлар, кейин эса бундай ташкилотларнинг марказий идораларини аниқлашга муваффақ бўлинган»¹.

Алоҳида жандрлар корпуси штаби бошлиғи генерал штаб генерал-лейтенанти Герцельман эса темир йўл ишчилари устидан назоратни кучайтириш билан бир қаторда уларнинг атрофидаги ерларда пайдо бўлувчи ҳар қандай шахсларни назоратга олиш тўғрисида махфий кўрсатма йўллади. Бундай ўргимчак тўрлари билан қуршаб олинган Туркистонда марказ кўрсатмалари қандай амалга оширилгани ҳақида жумладан 1912 йил Тошкентда бўлган воқеани социал-демократ (большевик) П.Ф.Сахарова (1890—1969) ўз эсдаликларида шундай баён қилган: «Нуқул ўзбеклар истиқомат қилувчи гувала уйлардан иборат эски шаҳарнинг янги шаҳарга яқин жойидаги уйлардан бирида жойлашдик. Биз темир йўлчилар билан алоқа ўрнатишга интилдик. Шунда ўйлаб қолдик. Ўзбеклар ўртасида инқилобий руҳдаги ташкилотлар бормикан? Наҳотки Туркистон ноиб яратган куллик истибдодига қарши улар сафида инқилобий ташкилот бўлмаса?». Сахарова шу мақсадда ўзбеклар билан бир-икки бор суҳбатлашганида Камолов деган одам ўзбекларда ҳам тараққий-парвар кишилар борлигини, эр-хотин Сахаровларни улар билан таништиришини айтган. Шундан сўнг, кўп ўтмай, улар қамоққа олинди. Камолов ТРМБ айғоқчиси экан². Шу фактнинг ўзи ҳам рус махфий полицияси ва разведкаси мусулмон аҳолиси ўртасида ҳам кенг жосуслик тармоғини ёйганидан далолат беради.

Петербургда ишланган дастур бўйича рус мустамлакачиларининг махфий сиёсий идоралари изчил ишлаб, Туркистон мусулмонлари онгида жиддий тўнтариш юз берганини ва миллий-озодлик кураши куртак ёзиб бу ҳолат жадидлар сиймосида гавдаланганини яхши пайқашган. Улар генерал-губернаторнинг махсус сўров анкетаси бўйича маҳаллий аҳоли кайфияти, дунёқараши, рус ҳокимиятига ва тузумига муносабати, миллий мустақилликка интилиши ҳолларини чуқур ўрганишган. ТРМБ ўзбек, қозоқ, қирғиз, туркман, тожик ёшларининг дунёқараши ва хатти-ҳаракатларидан хабардор бўлиш учун уларнинг сафида ўз одамларига эга бўлгани ҳужжатлардан маълум.

Чоризм 1892 йил 18 июндан кучга кирган «Ҳарбий ҳолатда деб эълон қилинган жойлар ҳақидаги қоидалар»ни Туркистон ўлкасида татбиқ этди. Бу рус мустамлакачилари учун турли ваколатлар дарвозаларини кенг очди. «Кучли муҳофазада» деб эълон қилинган жойда Туркистон генерал-губернатори мажлис-йиғинларни тарқатиб юбориш, савдо-саноат корхоналарини ёпиш, матбуот органларини тақиқлаш, истаган одамини сургун қилиш, жаримага тортиш ва бошқа ҳуқуқларни олган. «Фавқулодда муҳофаза» деб эълон қилинган жойда эса бутун

¹ ЎзР МДА, 22-жамғарма, 1-рўйхат, 1199-иш, 2-варақ.

² «Вопросы истории», 1977, №11, 125-бет.

ҳокимият генерал-губернатор ёки у тайинлаган бош ноиб қўлига ўтган. 1892 йил 18 июндаги «Қоидалар» эса ҳарбий ҳолатни ўрнатиб, фуқаролар ишини ҳам ҳарбийлар қўлига топширди. Туркистонда ҳар икки миршаблик қонунлари (1887 йилги Низом ва 1892 йилги қоида) қисқа узлишлар билан 1892 йилдан 1917 йилга қадар мунтазам амал қилди.

Туркистондаги мустамлакачилар марказдан олинган кенг ваколатлари етмагандай, энди ўлкада худди мустабид хонлар замонасига тақлидона, ўлим жазосини ошқора ижро этишга рухсат олишди.

Генерал-губернатор ҳарбий вазирга йўллаган мактубида ёзган: «Тажриба шуни кўрсатадики, бу ўлкада ошқора қатл ижросигина маҳаллий аҳолига яхши таъсир кўрсата олади. Сиздан, Россия худудида ўлим ҳукмини ошқора ижро этмаслик ҳақидаги қонунни Туркистон ўлкасига татбиқ этмаслик учун зоти Олийлари ижозатларини олиб берсангиз, деб илтимос қиламан»¹.

Рус амалдорлари Туркистон халқлари ҳуқуқларини чеклаш сабабини шундай изоҳладилар: «Туркистон ўлкасининг ерли аҳолиси ҳали жуда паст ривожланиш босқичида турибди. Улар ўз маъмурияти ва судини ўзлари сайлаш ҳуқуқини тушуниши ва қадрига етиши учун ҳали жуда ғўр ва нодондир. Мазкур жамият қонун томонидан ўзига берилган ҳақ-ҳуқуқлардан фойдаланиш-ни билмайди. Бу ҳуқуқ унинг фақат зарарига хизмат қилади»².

Рус шовинистлари халқнинг кўтарилиши сабабини эса қуйидагича изоҳлашган: «Ўлкани бир ҳовуч рус қўшини билан истило қилишда мисли кўрилмаган жанговар матонат кўрсатган рус кишиси ерлилар ўртасида афсонавий баҳодир тимсолига айланган эди. Келгиндиларнинг темир یرодиси олдидаги кўрқув эса ерли аҳолида мусулмончилик тарбияланган ғайридинларга нафратини улар қалбининг энг тубига яширган эди. Ана шунинг учун ҳам дастлаб рус ҳокимияти уларни осонгина бошқариб келди. Аммо эндиликда ерли омма илк истилочилар қиёфасини унута бошлади»³.

Андижон туманбошиси полковник И. Бржезицкий бу фикр-ни янада ойдинлаштиради: «Ўлкадаги 27 йиллик хизматимдан келиб чиқиб шундай қатъий ҳулосага келдим: бизнинг ёввойи ерлиларга инсонпарварлик мутлақо тўғри келмайди»⁴.

Князь Мансуров Давлат Думасининг ёпиқ мажлисида Россияда яширин тарзда ҳукм суриб, 1861 йилда бекор қилинган куллик (креспостнойлик) тузуми аслида Туркистонда бенуқсон амалга оширилганини тан олишининг замирида тарихий ҳақиқат ётарди.

¹ ЎзР МДА, 1-жамғарма, 4-рўйхат, 117-иш, 10-варақ.

² ЎзР МДА, 1-жамғарма, 25-рўйхат, 989-иш, 156-варақ.

³ ЎзР МДА, 276-жамғарма, 1-рўйхат, 909-иш, 297-варақ.

⁴ ЎзР МДА, 461-жамғарма, 1-рўйхат, 1968-иш, 65-варақ.

Россия парламенти — Давлат Думасида ноиб князь Мансуров Туркистонда крепостной ҳуқуқ амалда эканлиги ҳақида гапирганда ҳеч қандай муболаға бўлмаган.

7. СОЛИҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАР. МЕҲНАТКАШ ХАЛҚ АҲВОЛИНИНГ ОФИРЛАША БОРИШИ

Россия ҳукмрон доиралари Туркистон ўлкасига мўмай даромад манбаи ва арзон хом ашё макони сифатида қараб, халққа солинадиган солиқ ва мажбуриятларни кўпайтириш сиёсатини қўлаб келди.

Ўлкада солиқлар миқдори тинимсиз ошиб борди. 1889 йилдан 1896 йилгача мустамлака маъмурияти солиқларни 40 фоизга оширди. Генерал-губернатор императорга 1895—1897 йиллар бўйича берган ҳисоботида солиқларни янада кўпайтириб, ўлкадан олинadиган даромадни ошириш учун аҳолидан янги ҳарбий солиқ ундиришни таклиф қилди. «Ерли аҳоли рус ҳарбий кучи паноҳида барча рус фуқаролари ҳуқуқларидан тенг фойдаланган ҳолда ўз фаровонлигини ошироқда, — деб ёзган эди генерал-губернатор, — шу билан бирга у ҳеч қандай асоссиз рус фуқаролиги берадиган катта имтиёзлардан ҳам фойдаланмоқда. Шунинг учун ҳам бундай солиқнинг жорий этилиши халққа офир ботмаган ҳолда давлат хазинасига йилига ярим миллион рубл даромад келтиради»¹. Мустамлакачилар сардори пахта якка ҳокимлигининг тобора кучайиб бораётганини қайд этиб: «1887 йилда 200.000 пудни ташкил қилган Америка навли пахта етиштириш 1895 йилга келиб 500.000 пудга етган, яъни Россия саноати истеъмол қиладиган толанинг учдан бир қисмини ташкил қилган»², — деб ёзади.

Мустамлакачилар бу бой ўлкани русчасига ўзлаштиришга аҳамиятни кучайтиришга интилдилар. Империянинг Давлат мулклари ва зироатчилик вазири Кривошеин рус подшосига йўллаган тақдимномасида бу ҳақда шундай деб ёзган эди: «Рус халқининг сиёсий устиворлигига эришиш унинг хўжалик соҳасидаги қуввати билан мустақамланмоғи лозим... Ўзига тўқ муслмон аҳолиси ўртасида рус келгиндилари хўжалиги камбағал ва хароб ҳолда бўлмаслиги керак. Келгинди рус хўжайиннинг ерида ишловчи сартни кўриш мароқли ҳол бўлишига шубҳа йўқ. Бильякс, унинг сарт қўлида батрак бўлиши жуда ноҳуш ва қўнғилсиз воқеа эканлиги бизга аён бўлмоғи керак»³. Шунинг учун ҳам «ўзга миллатларнинг рус элементини босиб кетмаслиги учун» генерал-губернаторга кенг ҳуқуқлар берилди. Мустамла-

¹ ЎзР МДА, 1-жамғарма, 5-рўйхат, 939-иш, 12-варақ.

² ЎзР МДА, 1-жамғарма, 5-рўйхат, 939-иш, 6-варақ.

³ ЎзР МДА, 1-жамғарма, 27-рўйхат, 63-иш, 2-варақ.

качилар рус қишлоқларини ўзбек, қирғиз, тожик қишлоқларидан ажратиб, мустақил бўлишини таъминлаш билан бирга зарур ҳолларда рус ва маҳаллий қишлоқларни бирлаштириб рус воласт старшинасини унинг раҳбарлигига қўйганлар»¹.

Мустамлака маъмуриятининг келгуси фаолият дастурида ҳам ўлкани руслаштириш гоёси асосий ўринни эгаллади. Олий ҳарбий-сиёсий доиралар фикрини баён этган князь Масальский 1913 йилда бу ҳақда лўнда фикр айтган: «Туркистонда қарийб ярим асрлик ҳукмронлигимизга яқун ясаганимизда беихтиёр шундай савол туғилади: Бу мамлакатдаги келгуси фаолиятимиз дастури қандай бўлиши лозим? Яқин орада қандай вазифаларни амалга оширамиз? Мақсадимиз нималардан иборат ва нималарга интилишимиз лозим? Туркистонда навбатда ҳал этилиши лозим бўлган муҳим масалалардан бири — ўлкани рус аҳолиси билан мустамлака қилишдир. Россияга қўшиб олинганига ярим асрча вақт ўтганига қарамай, ўлкада бу аҳоли маҳаллий мусулмон нуфусига нисбатан жуда озчиликдир... Пахтачиликни ҳар томонлама ривожлантириш ва яхшилашга биз доим интилишимиз, бу борада сарф-харажатларни аямаслигимиз лозим. Чунки яқин келажакда саноатимизни ўз хом ашёимиз билан таъминлаш масаласи муҳим ҳаёт-мамот масаласига айланади»².

Рус капитали учун ўлка дарвозасини кенг очиб берган темир йўл шахобчалари ўргимчак тўри мисол ҳар ёққа илдири отиб, 1885 йилда Ашхободга, 1886 йилда Марв, Чоржўй ва Амударёгача бориб етди, Қорақум саҳросидан ўтган пўлат излар 1888 йилда Самарқандга туташди. 1898 йилда Марв-Кушка тармоғи қурилиб, бир йилдан сўнг Фарғона водийси ва Тошкент ҳам темир йўл билан боғланди. Шундай қилиб, кейинчалик Ўрта Осиё темир йўли деб номланган Каспийорти темир йўлининг узунлиги 1748 чақиримга етди. Мустамлака хом ашё манбаларини метрополия саноатига яқинлаштиришнинг навбатдаги вазифаси — Туркистон-Сибирь темир йўлини қуриш кун тартибига қўйилди. «Жуда муҳим иқтисодий, мустамлакачилик ва стратегик аҳамиятга эга бўлган бу темир йўл линиясини зудлик билан қуриш зарурати барчага аён»³, — деб ёзган эди князь Масальский.

Темир йўл ўлкада руслаштириш жараёнини тезлатишда катта хизмат кўрсатди. Рус капитали билан бирга рус мужиклари, лўттибозлар, турли-туман товламачилар, хонавайрон бўлган тижорат аҳли — «жаноб тошкентликлар» оқими кучайди. Метрополиядаги хусусий капитал эндиликда ўлка табиий бойликлари

¹ Пален К. К. Тақдимнома, 51-бет.

² Туркестанский край. Т. XIX, составитель князь В. И. Масальский. СПб, 1913, 558-бет.

³ Ўша асар, 559-бет.

рини арзон ва қулай йўл билан ташиб кетиш имкониятига эга бўлди. 1895 йилнинг ўзидаёқ биргина Фарғонадан Россияга 3 миллион 399 минг 371 пуд пахта, 451 минг 740 рубллик тери, 192 минг рубллик пилла ташиб кетилди. Ўлканинг гавҳари — Фарғона вилоятига минглаб келгинди мужиклар жойлаштирилди. Ўша воқеалар шоҳидининг ёзишича, 90-йилларда «Тоғу саҳроларда ... камбағал қорақирғизларнинг тоғлардаги мулкларини тортиб олиб ва ичкари Русиядан бир неча минг рус деҳқонларини кўчириб келтириб, бўлиб бериб, охирда қирғизларни ўз мол-мулкларига ҳам эга қилмай, бечораларни Фарғонанинг кенг тоғларига тирқиратиб юборди. Шаҳар халқ золим ҳокимлар зулмидан безор бўлиб кўчага чиқолмай қолганларидек, шунча кенг тоғлардаги қирғизлар ҳам ўзларининг отабоболаридан буён ёқиб келган қуриган ўтинларидан ёқолмай қолдилар, балки тикони қолмади. От, мол, қўй, эчкиларни бемалол боқолмай, бир тарафдан, чўб, оғиз пули деб жарима солиб, пулларини олса, иккинчи тарафдан, «тўёғ пули» деб қўйларини ҳисоблаб олдилар. Учинчи тарафдан, ўрис мужиклари, «меним экинимга кирди» деб молларини «штраф» қилиб олиб кўярди. Ариза берилса, кимга берилар эди? Яна шу золимларга берулув эди. Булар бўлса ҳеч вақт камбағалларнинг арз-додига қулоқ солишмас эдилар. Мана шундай қаттиқлик кунларга қолгандан кейин халқ орасида золимларга қарши кўзғолончилик руҳи пайдо бўлиб қолди»¹.

Рус мустамлакачиларининг Фарғонада «доимо газовот ғояси кўланка ташлаб туради» деган хавотирларида жон бор эди, албатта. Чунки худди шу вилоят ер-сув муносабатларидаги зиддиятлар ғоят кучайган районлардан эди. Алоҳида жандармлар корпуси генералларидан Батъяновнинг фикрича, бундай жойлардаги идора соф миршаб тартибини тақозо қилган. «Ҳукумат ва халқ давлат таркибида доимо ўзаро маҳдуд ҳолда яшайди, — дейилган эди бир жандарм ҳужжатида. Зотан, халқ доимо ҳукуматга таҳдид солиб туради. Шунинг учун ҳам ҳар қандай халқ ҳаракатида хавф-хатар мужассам. Ҳукумат халққа нисбатан доимо уруш ҳолатида бўлмоғи даркор»².

Генерал-губернатор ўз хатларидан бирида шундай ёзган: «Хон ҳукмронлиги таъсиридан чиқмаган, арзимас бир ўғрилиқ учун қўли кесилган, сал жиддийроғи ўлим билан жазоланган даврни унутмаган ерлилар учун бундай тузумдан бизнинг муруватли тузумимизга ўтиш жуда туб ўзгариш бўлди»³.

Генерал-губернатор ҳарбий вазирга ўлкадаги аҳволни таништириб, кейинги йилларда «меҳнатсевар ерли аҳоли фаро-

¹ *Фозилбек Отабек ўғли*. Дукчи эшон воқеаси. Тошкент, 1992, 27-бет.

² *Содиқов Ҳ.* Кўрсатилган диссертация, 30-бет.

³ *Содиқов Ҳ., Шамсутдинов Р., Равшанов П.* Истибод. «Қишлоқ ҳаёти», 1999 йил 3 сентябрь.

вонлигининг ошгани» ҳақида ёзади. Фарғона вилояти ҳарбий губернатори 1889 йилда подшога юборган ҳисоботида бу фаровонлик сабабларига тўхталиб: «Вилоятда пахтачиликнинг ва бошқа соҳаларнинг ривожига фабрика, завод саноати унумдорлиги америка пахта навининг кенг тарқалгани таъсирида рўй бериб, фойда шу йилнинг ўзига 2.317.900 рубл миқдорида ифодаланди»¹, деб ёзгани бежиз эмас эди.

XX аср бошларида пахтачилик Туркистон саноати ва қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг 40 фоизини ташкил этган бўлса, дон — 37 фоиз, чорвачилик — 15,8 фоиз, боғдорчилик — 3 фоиз, узумчилик — 3 фоиз, бошқа соҳалар эса — 1,2 фоизни ташкил қилган. Пахтачилик империянинг чет элларга сарфлайдиган 70 миллион олтин пулини тежашга имкон бергани ҳам тўқимачилик, газлама саноати гуркираб ўсишига туртки берди. Аммо кенг деҳқон оммаси тобора қашшоқлашиб ишчилар синфи сафини тўлдирди. «Қишлоқ пролетариатининг иқтисодий аҳволи, — деб ёзган эди «Русский Туркестан» газетаси, — йилдан-йилга ёмонлашиб бормоқда, чунки йилдан-йилга очдан ўлиш хавфи кучаймоқда. Деҳқонларнинг камбағал қисми тўла хонавайронлик даражасига етиб, тез ўсиб бораётган ерли пролетариат қиёфасига кирмоқда»².

Ҳунармандлар ҳам шундай аҳволга тушиб ишчилар армияси сафини тўлдирди бошлади. Уша давр тадқиқотчиларидан бири Туркистоннинг деҳқон ва ҳунармандлари аҳволи ҳақида шундай ёзади: «Иқтисодий танглик ва моддий қашшоқлик, оғир меҳнат натижасида тўпланган бойликларнинг барчаси унча кўп бўлмаган эксплуататорлар қўлига топширилиши яқин келажакда жуда жиддий оқибатлар келтириши мумкин... Бундай танглик ўзининг сўнгги поёнига етганда нималар бўлиши ва қандай оқибатлар юзага келишини олдиндан сира тасаввур қила олмаймиз»³.

Россия императори Сиёсий агентининг 1905 йил ноябрида йўллаган мактубида ҳам руслар орасидаги инқилобий ҳаракат ўзбекларни ҳам айнитаётгани, пахта тозалаш заводларида иш тўхтатилгани маълум қилинган. Самарқанд Эски шаҳаридаги ўзбеклардан чой қадоқлаш корхоналарида иш ташлаш жиддий тус олгани ва бунда русчани биладиган большевик ва эсер ташвиқотчилари билан боғланган Дўстмуҳаммад Устабоевнинг роли катта бўлгани полиция хужжатларида ўз аксини топган⁴.

¹ ЎзР МДА, 1-жамғарма, 4-рўйхат, 241-иш, 4-варақ.

² «Русский Туркестан», 1906 йил 11 август.

³ *Слуцкий И. М.* Хлопководства в Туркестане. Туркестанское сельское хозяйство, 1911, №4, 352-бет.

⁴ *Муродова Ш.* XX аср бошида Туркистон ўлкасидаги озолик ҳаракатлари (Самарқанд вилояти мисолида). Тарих фанлари номзоди илмий даражаси учун диссертация. Тошкент, 1999, 110-бет.

Самарқанд вилояти ҳарбий губернатори генерал штаб генерал-майори Гескетнинг 1905 йил 21 декабрда туманбошиларга юборган кўрсатмасида Самарқанднинг ўзбеклар яшайдиган қисмида «айрим кимсалар халқни солиқларни тўламасликка чақираётганлари» маълум қилинган. Генерал-губернатор идораси ҳужжатларида ҳам 1905 йил ноябрь-декабрида рус инқилобчилари маҳаллий аҳолини солиқларни тўламаслик, мажбуриятларни бажармасликка даъват этаётгани, ўзбекларни «рус ҳукуматига қарши қўзғатишга уринишаётгани» алоҳида уқтирилган¹.

Худди шундай уринишлар ҳақидаги маълумотлар Сирдарё, Каспийорти вилоятлари губернаторларидан ҳам олинган.

Самарқанд вилояти ҳарбий губернатори 1907 йил 24 февралдаги маълумотномасида «Хўжанддаги янги солиқ солинганидан кейин пайдо бўлган боқимандалар, асосан, бақироқларнинг ҳукуматга қарши гапларининг аҳолига етиб борганлиги оқибатидандир» деганида чуқур маъно бор эди. Губернатор рус инқилобчилари ва маҳаллий аҳоли ўртасида воситачи сифатида «Кавказдан келган арман, грузин, форс, лезгин ва бошқалар» эканлигини айтиб, улар инқилобий фаолиятни кенг қулоч ёйдириш учун жуда қулай материал» деб баҳолайди ва келгиндилар «шу кунгача содиқ ва тинч ерли аҳолини ҳам йўлдан ураётганини» таъкидлаб ўтади. Фарғона вилояти ҳарбий губернатори эса 1907 йил 1 мартда генерал-губернаторга йўлланган махфий ахборотда инқилобий ҳаракат қишлоққа ҳам кўчгани ва бу жойларда ўзига хос усулда намоён бўлаётганини шундай таърифлайди: «Ҳозирги кундаги сиёсий жиноятлар оломоннинг тўполони, галаёни, талончилиги, қотилиги каби ҳолатлар билан узвий боғланган»².

Туркистон ўлкаси аҳолисининг 90 фоизини ташкил этган деҳқон ва чорвадорларнинг аҳоли тобора мушкуллашиб борди. Туркистондаги ер солиғи 1914 йилда 6859021 рубл бўлган бўлса, 1916 йилда бу рақам 14311771 рублни, яъни икки баробарни ташкил қилди. 1915 йилда эса махсус ҳарбий солиқ солиниб, у пахтакорлар учун ҳар пуд пахтадан 2 рубл 50 тийинни ташкил қилди. Ўша 1915 йилдаги солиқлар миқдори 38329000 рублдан иборат бўлди. Рус мустамлакачилари империя тўқимачилик саноати манфаатларини ҳимоя қилиб пахтага бозор иқтисодиёти қонунларига хилоф равишда қатъий нарх — пудига 24 рубл белгилади. Натижада пахтакорлар бир йил ичида 60 миллион рубл йўқотдилар. Агар 1913 йилда пахта нархи 50 фоиз оширилган бўлса, бошқа зарур моллар нархи 400—500 фоизга кўтарилди. Нон нархи эса 6 баробар ошди. Чайқовчилик авж олди³.

¹ Ўша жойда, 111-бет.

² Ўша жойда, 120-бет.

³ ЎзР МДА, 461-жамғарма, 1-рўйхат, 21-иш, 140-варақ.

Жандармерия хизмати Қўқон бўлими бошлигининг 1915 йил 18 ноябрдаги махфий ҳисоботида «олиб сотарлар ҳар юз йилда бир марта, ҳозиргидек, уруш йилларида бойиб кетиши мумкин», деб ёзганида ҳеч қандай муболага бўлмаган. Пахта харид нархининг ана шундай шароитда яна 20 фоизга туширилиши фақат маҳаллий пахтакорлар эмас, балки пахта етиштирилишига сабаб бўлди. 1916 йил 4—6 мартда Туркистон қишлоқ хўжалиги жамияти уюштирган йиғинда пахтачилик билимдони С. Понятовский бундай сиёсат жуда хунук оқибатларга олиб келишини айтиб, «Москва бизнинг Ўрта Осиё толасига ниҳоятда катта эътибор бераётганини кўриб турибмиз ва фавқулодда эътибор улкан фалокат дебчасидир», деганида чуқур ҳақиқат бор эди. Уруш баҳонасида турли-туман қўшимча мажбуриятлар ва янги солиқлар ундирилиши ҳам халқ аҳволини оғирлаштиргани ва бу ҳол хунук оқибатларга олиб келишини сиёсий полиция агентлари хабар қилган эдилар.

ТРМБ агентлари галла захираларини яшираётган, кундалик харид моллари нархини кўтариш пайида уни сотаётган савдогарлар ҳақида қатор ахборотлар йўллаган. ТРМБнинг тажрибали жосуси Августовский аҳолининг тобора ошиб бораётган қимматчилик ва бўҳрондан норозилиги ҳақида ёзиб, бу ҳол келгусида катта тўполонларга олиб келиши мумкинлиги ҳақида огоҳлантирган. «Аҳоли ўртасида, — деб ёзган эди жосус, — маҳаллий маъмурият савдо-сотикни тартибга сололмас экан ва аксинча у озиқ-овқатни яшираётган чайқовчиларни ўз паноҳига олаётган экан, демак, одамларнинг ўзлари чайқовчиларнинг танобини тортиб қўйишлари кераклиги ҳақидаги гаплар кучайиб бормоқда»¹. Августовский бундай шароитда четдан ташвиқотчилар келса, улар ўзлари учун қулай заминни шу ўлкадан топишлари мумкинлигидан ҳам бошлиқларини огоҳ қилган.

Тошкентда анча вақт ишлаган қурувчи муҳандис фон Фегезакнинг ўша 1916 йилдаги фикри ҳам диққатга сазовор: «Менинг фикримча, Россия ўзининг ифлослиги ва тартибсизлигидан ҳалокатга учрайди. Ўшанда руслар уйғониб адолат, ҳалоллик ва тозалик ҳукмрон бўлгандагина давлат яшаши мумкинлигига ишонч ҳосил қилишади»².

Рус мустамлакачилари Туркистондан уруш йиллари 59 миллион пуд пахта, 8,5 миллион пуд пахта ёғи, 950 минг пуд пилла, 2925 минг пуд тери, 300 минг пуд гўшт, 229 минг пуд совун, 474 минг пуд балиқ олиб кетишган. Фронтга аҳолидан 70 минг от, 12 минг туя, 38 минг квадрат метр гилам-наматлар, 2400 минг рубл йиғиб олинган. Худди шу даврда гуруч, гўшт, қанд, пойафзал ва газламанинг нархи бир неча марта кўтари-

¹ ЎзР МДА, 461-жамғарма, 1-рўйхат, 2120-иш, 140-варақ.

² ЎзР МДА, 461-жамғарма, 1-рўйхат, 190-а иш, 16-варақ.

либ, деҳқон билан ҳунарманд ҳамда ишчи рўзгорини мушкул ҳолга солди. «Андижон туманида, — деб ёзади Дархон маҳаллалик Содиқ ҳожи, — армия эҳтиёжлари учун 200 минг сўм йиғилди. Бу пулни маъмурият ҳарбий хизматни ўтамаслик эвазига солиқ сифатида йиғди. 8 июль куни эрталаб эса, юқоридан бўлган буйруққа асосан, шаҳар Жомеъ масжидида қуйи маҳаллий маъмурият вакиллари билан 200—300 киши йиғилишди. Туман бошлиғи полковник Бржезицкий одамлар кам тўпланган деб, бозордаги барча аҳолини ҳайдаб келишни буюрди. 10 мингга яқин киши тўпланди. Рўза ойи бўлгани учун халойиқ асабий, толиққан аҳволда анча туриб қолди. Туман бошлиғидан чақириқ ёшига етганларни аскарлик хизматидан озод қилишни сўрашди. Подшо номидан чақириқдан озод қилинганлик ҳақида қоғоз беришни илтимос қилиб йиғлаб-сиқтаганлар ҳам бўлди. Бржезицкий индамай жўнаб кетди ва бир соатдан сўнг икки взвод аскар билан қайтиб келди. Тинч мулоқот секин-аста отишмага айланди»¹.

Аҳоли томонидан адвокат Убайдулла Асадуллаҳўжаев номига ёзилган ариза ҳам диққатга сазовор. Унда ўқиймиз: «Ҳозирги Андижон тумани бошлиғи Бржезицкий даврида авваллари ҳам мавжуд бўлган порахўрлик, товламачилик ва зўравонлик ниҳоятда кучайиб кетди. Қонун-қоидага айланган бу тизимнинг хусусиятлари қуйидагича: 1) Аҳолидан ўлпон олиш ва порахўрликка маҳаллий амалдорлар: элликбоши, мингбошилар ва ҳозирги бош оқсоқол Шермат Алимқулов (қўқонлик амири лашкар Алимқулнинг ўғли Шермуҳаммад) каби маъмурият вакиллари жалб этишган; 2) Солиқ-ўлпон ундириш ва пора олиш маъмурият вакиллари томонидан бевосита эмас, балки билвосита воситачилар орқали амалга оширилмоқда. Хусусан, ноҳия бошлиғининг тилмочи Юсуфжон ҳожи ҳамда приставларнинг таржимонлари воситачилик қилишади. Бу усул шундай усталик ва изчиллик билан олиб бориладики, натижада аҳоли амалдорларнинг қонунга хилоф ишлари юзасидан қилган шикоятлари ҳеч қачон адолатли ҳал бўлмаслигига кўникиб кетишган»².

ТРМБ агентураси хабарларида социал-демократ А. Казаков «ишчилар ўртасида урушга қарши сўзлаётгани, уруш халқ учун бефойда экани, ишчилар аҳволи оғирлашгани, ҳукумат ва тижоратчилар эса урушдан манфаатдор эканликларини тушунтираётгани тўғрисида»³ маълумотлар олинган.

Бошқа бир ахборотда ТРМБ агенти Тошкент трамвайи ишчиларининг «қуролни ҳукуматга қарши қаратиш керак» ва умуман ўлка ишчилари ўртасида «эски тузум сақланиб қололмай-

¹ ЎзР МДА, 461-жамғарма, 1-рўйхат, 2113-иш, 42-варақ.

² ЎзР МДА, 461-жамғарма, 1-рўйхат, 1631-иш, 10-варақ.

³ ЎзР МДА, 461-жамғарма, 1-рўйхат, 1462-иш, 92-варақ.

ди, инқилоб муқаррар» деган ғоя кенг қулоч отганини хабар қилади. Бундай ҳолат рус мустамлакачи аҳолиси ўртасида, чоризм кутганидек, яқдиллик йўқлигини кўрсатди, қолаверса, рус ишчилари, ўзларига яратилган имтиёзлар ва ҳукмрон мавқеидан қатъи назар, мавжуд тузум таянчлари эмаслигини билдириб қўйди.

Маҳаллий миллатлардан иборат ишчилар синфи ўртасида ҳам мавжуд тузум ва тартиблардан норозилик учқунлари аста-секин аланга олмоқда эди. Темир йўл ишчилари сафида туб миллатга мансуб ишчилар 4,5—5 минг кишини ташкил қилган. Худди шу темир йўлдаги қора ишда, қурилишларда ва малакали касбларда ишловчилар озодлик ғоялари таъсири остида ўз ҳақ-ҳуқуқларини таниб, миллий ўзлигини англай бошлаган эдилар.

Миллий давлатчиликни тиклаш ва озодлик учун кураш. Жадидчилик ҳаракати

1. XIX АСР ОХИРЛАРИДАГИ ХАЛҚ ҲАРАКАТЛАРИ

Туркистонда чоризмнинг сиёсий ва иқтисодий зулмига қарши ҳаракатлар XIX асрнинг 70-йилларидан бошланди. 1879 йилда 600 нафарга яқин оломон Фарғона вилоят бошқармаси биносини қуршаб олиб, ҳарбий губернатордан Марғилон туманидан олинаётган солиқларни камайтиришни талаб қилди. Ўшанда вилоят ҳарбий губернатори бевосита қуроли куч ишлатишдан чўчиган. Чунки 1875—1876 йилларда айни шу вилоятда бошланган Пўлатхон бошчилигидаги қўзғолон ҳамда Мингтепадаги 1871 йилги Етимхон бошчилигидаги ғалаён русларни чинакамига ташвишга солгани эсдан чиқмаган эди. Оломоннинг авзойи бузуқлигини англаган ҳарбий губернатор бўлажак катта жанжалнинг олдини олиш мақсадида халққа ён босиб, уларнинг талабларини ўрганиб чиқишга ваъда берди. Шу мақсадда ҳайъат тузилиб, иш бошланган. Ҳайъат тўплаган маълумотлар вилоятда пахта майдонининг кенгайиб кетгани, натижада яшаш учун зарур бўлган бошқа экинлар майдони кескин камайганини кўрсатади. Оқибатда озиқ-овқат маҳсулотлари нархи 2,5 баробар кўтарилиб, чайқовчилик кучайган. Андижон, Марғилон, Наманган, Ўш, Янги Марғилон, Қўқон туманларини ўз ичига олган Фарғона водийсида 88 минг 858 таноб ерни эгаллаган пахта бошқа экинларни сиқиб чиқарган. «Ерли аҳоли рус ҳарбий кучи паноҳида, барча рус фуқаролари ҳуқуқларидан тенг фойдаланган ҳолда, ўз фаровонлигини оширмақда, — деб ёзган эди генерал-губернатор. Шу билан бирга у ҳеч қандай асоссиз рус фуқаролиги берадиган катта имтиёзлардан ҳам фойдаланмоқда. Шунинг учун ҳам ҳарбий солиқнинг жорий этилиши халққа оғир ботмаган ҳолда давлат хазинасига йилига ярим миллион рубл даромад келтиради»¹. Мустамлакачилар сардори пахтачилик салмоғининг тобора ошиб бораётганини қайд этиб, 1887 йилда 200 000 пудни ташкил қилгани, «Америка» навли пахта етиштириш 1895 йилга келиб 500 000 пудга етгани, яъни Россия саноати истемол қиладиган толанинг учдан бир қисмини ташкил қилганини ёзган². Россиянинг савдо-саноат доиралари бу бой ўлкани ижти-

¹ ЎзР МДА, 1-жамғарма, 5-рўйхат, 939-иш, 12-варақ.

² Ўша ҳужжат, 6-варақ.

мой-иқтисодий ўзлаштиришга аҳамиятни кучайтириб, рус ун-сурининг салмоғини оширишга интилди.

Мустамлакачи маъмурларни халқнинг иқтисодий чиқишларидан кўра кўпроқ сиёсий чиқишлар ташвишга солди. Бундай чиқишлар маҳаллий маъмурият—волост бошқарувчилари — мингбошилар, оқсоқоллар ва халқ судьялари — қозилар сайловларида тобора очик-ойдин кўрина бошлади.

Мавзуга доир ҳужжат

(Қурама тумани ҳоқими полковник Каллаурнинг 1880 йил 16 июлда Сирдарё вилояти ҳарбий губернаторига йўллаган ахборотидан)

«Мен, 10 июл куни волост бошқарувчиси сайловини ўтказиш учун Хурдон қишлоғига келдим. Мулла Шермуҳаммад Худойберганов, Холмуҳаммад Худойберганов, Муҳаммадқул Қоплонов бошчилигидаги оломон мен тушган уйни ураб олди. Халқ олдига чиққанимда одамлар мулла Шермуҳаммад номзодини сайловга қўйишимни талаб қилишди. Мен уларга йигилиш ўтказиладиган жойга боришларини буюрдим. Аммо улар кўрсатилган жойга бормасликларини айтдилар. Шунда мен оломонни тарқатиб юборишни буюрдим. Аммо ғаламислар одамларни қаршилик кўрсатишга чақирдилар. Ур-тўполон бошланди. Миршабларни калтаклашди. Одамларни тўполонга бошлаганлардан бири Муҳаммадқул бўлса тилмочимнинг юзига шаполоқ тортди. Отлиқ казаклар етиб келгандagina оломонни тарқатиб юбордик. Ҳибсга олинган мулла Шермуҳаммад, Муҳаммадқул Қоплонов ва Холмуҳаммад Худойбергановлар Қўйлиққа юборилгандан кейин йигилиш мулжалланган жойга бордим. Аммо у ерда эллиқбошилардан бошқа ҳеч ким йўқлигини кўрдим. Одамлар икки чақиримча наридаги кўргончада тўпланишиб тўполонни давом эттиришгаётганини хабар қилишди. Мен тилмоч ва миршабларни уларнинг олдига жўнатдим. Улар кўп ўтмай ҳовлиқиб қайтишди. Одамлар уларни яна калтаклашибди. Тилмоч уларга буйруғимни етказганда халойиқ орасидан бир неча киши «туман бошлиғи тилмочи ва одамларини сўйиш керак. Шунда бу ишнинг довуғи узоққа кетади. Бизни ҳеч нарса қилиша олмайди. Кези келганда уларни отса ҳам бўлавереди», деб қичқиришибди. Мен улар олдига жўнадим. Оломонга уларнинг тартибсизлиги хунук оқибатларга олиб келишини тушунтира бошладим. Қонунга кўра бундай иш оқибатсиз қолмаслиги ва қаттиқ жазоланишини айтдим. Аммо оломон парво қилмади. Сайлов жойига боришдан бош тортишгани етмаганидек, дўқ-пўписа ҳам қилишди:

— Дўқ қилма!

— Сибирингдан ҳам кўрқмаймиз!

Вазиятни чамалаб куриб мен сайлов ўтказмасликка қарор қилдим»¹.

Вилоят ҳарбий губернатори туманбошининг ахборотномасига жиддий баҳо бериб, зудлик билан жазо чораларини кучайтиришга киришди. «Тўполон» бошлиқлари мулла Шермуҳаммад, Холмуҳаммад Худойберганов ва Муҳаммадқул Қоплонов Еттисув вилоятининг Сарипул шаҳрига бадарга қилиндилар. Кеқса, саломатлиги ёмон бўлишига қарамай, уларга шафқат қилинмади. 1881 йил 28 апрелда Еттисув вилояти ҳарбий гу-

¹ ЎзР МДА, 1-жамғарма, 19-рўйхат, 908-иш, 1—3-варақлар.

бернаторининг Туркистон генерал-губернаторига юборган ахборотномасида, «касаликлари туфайли Сарипулга етиб боришмай, Лепсинск шаҳрида туриб қолишган... уч туземцдан иккитаси — Худойбергановлар кекса, жуда қашшоқ» эканликлари ва улар шаҳарда садақа сўраб тирикчилик қилишаётганлиги маълум қилинган¹.

Чор амалдорларининг раҳмсиз жазolari ҳам эркесвар Фаргона халқини чўчита олмади. 1885 йилнинг ёзида мустамлакачи амалдорларни таҳликага солган катта халқ ҳаракати бошланди. Андижон, Ўш ва Марғилон туманларида қўзғолончи гуруҳлар пайдо бўлди. Улар асосан маъмурият вакилларига ҳужум қилдилар. Андижонда икки мингбоши улар тарафдан асир олинди, бири қаршилик кўрсатгани учун ўлдирилди. Қўзғолончиларга мулкдор табақага мансуб Дарвишхон тўра раҳбарлик қилди. У русларга қарши ялпи қўзғолон кўтариш мақсадида кичик гуруҳларни катта бир қўшинга бирлаштиришга уринди. Дарвишхон тўранинг яқин ёрдамчиси Мўминбой ана шу мақсадга қисман эришиб, Фарғонадаги қўзғолончи гуруҳлардан каттагина лашкар тузишга муваффақ бўлди. Фарғона ҳарбий губернатори уларга қарши жазо экспедициясини жўнатди. Қўзғолончилар яхши қуролланган мунтазам рус қўшинларидан енгилган бўлсалар-да, батамом таслим бўлмай, қишлоқларга тарқаб кетдилар. Мўминбой асир олинди, дорга осилди. Жазо экспедицияси қишлоқма-қишлоқ юриб, қўзғолончиларни қидирди. Руслар кўплаб деҳқонларни қамади, лекин Дарвишхон тўрани топа олишмади. Рус амалдорларига ҳужум қилиш ҳоллари эса тўхтамади. Мустамлака маъмурияти вакиллариининг ҳисоб-китобига кўра, 1885 йилдан 1892 йилга қадар Фарғона вилоятида деҳқонларнинг сиёсий тусдаги 205 марта чиқиши қайд этилган.

Рус амалдорлари маҳаллий халқнинг мустамлакачилардан ўч олишини «талончилик», «қароқчилик» дея баҳолаб, қўзғолонларнинг ижтимоий-сиёсий моҳиятини хаспўшлашга уринишди.

1891 йил 18 августда Наманган туманининг Чандавур қишлоғида маҳаллий судхўр Муҳаммад Жалил Ворисхўжаевнинг уйини номаълум кишилар ўраб олиб, ундан адолат талаб қилишган. Қуролланган деҳқонлар инсофсиз судхўрнинг сандиғидан 87600 рубл топишган ва уни мазлумлар фойдасига мусодара қилишган. 1892 йил 18 февралда эса Кўқон туманидаги маҳаллий бойлардан мулла Муҳаммад Ражаб Ҳакимбоевнинг уйига ҳам номаълум қуролли кишилар ҳужум қилишган. Мингбоши Мирзакул Султонбоевга ҳам ана шундай кишилар ҳужум қилиб, уни ўлдиришган.

Туркистон генерал-губернатори маҳкамаси махсус бўлимининг махфий ахборотида 1887—1898 йиллар мобайнида Фарғона, Самарқанд ва Сирдарёда ана шундай «қароқчилик босқин-

¹ ЎзР МДА, 1-жамғарма, 19-рўйхат, 908-иш, 2—8-варақлар.

лари»дан 668 таси қайд этилган. Генерал-губернатор маҳкамаси махсус бўлимининг бошлиғи Туркистон генерал-губернаторига ёзган маълумотида «тўполон ва исёнга мойил» бўлган Фарғона аҳолиси вакилларини ҳарбий судга бериш ва суд чиқаражак ўлим жазосини ошқора ижро этиш ҳақида фикр билдирди. У халқни қўрқув ва талвасада тутишигина ўлкада тартиб ва озо-йишталикни таъминлашга қодир ягона воситалигини уқтирди. Генерал-губернатор унинг фикрларини жамлаб, 1892 йил 17 мартда ўзининг бевосита бошлиғи—Ҳарбий вазирга ахборот жўнатди. Унда у Қўқон туманига қарашли Конибодом қишлоғида яшовчи Аҳмад Азимов, Абдужаббор Маҳсумов, Юсуфжон Саид Оқсоқолов, Тошмуҳаммад Ашур Муҳаммедов, мулла Со-диқ Олимбоев, Муҳаммад Собир, мулла Муҳаммад Ражабов, Муҳаммад Холиқ Муҳаммад Ёқубовни ҳамда Бешариқ волости-дан Ортиқ мирза Раимов, Отажон ва Сибирдан қочган Саид «ўғри»ни ҳарбий судга бериш учун ижозат сўраган.

Худди ўша йили Фарғонадаги вазиятдан чўчиган вилоят ҳарбий губернатори аҳолидан кўз-қулоқ бўлиб туриш учун махфий сиёсий полиция хизматини ташкил этиш таклифини илгари сурди. Генерал-губернатор Вревский марказий ҳуку-матдан расман ижозат олгунча бундай хизмат учун, яъни махфий айғоқчилар тармоғини вужудга келтириш учун, Фар-ғона вилоятининг ҳар бир туманига ўз ихтиёридаги маблағ-дан ойига 200 сўм ажратди. Ўлканинг олий ҳарбий-сиёсий доиралари тобора кучайиб бораётган норозилик тўлқинини пасайтириш учун таъсирчан восита излай бошладилар. Қу-ролли кучлар ва полиция хизматини кучайтириш тадбирлари учун бир йилнинг ўзига 5 536 417 сўм сарфланди. Холбуки, ундан ҳам муҳим ҳисобланган темир йўл учун бор-йўғи 190 000 сўм ажратилганини ҳисобга олсак, чор ҳукуматининг халқ ҳаракатидан нақадар хавотирга тушгани аниқ бўлади. Лекин мустамлакачилар қўллаган фавқулодда жазо чоралари барибир халқ ҳаракатларини тўхтата олмади. Турли-туман сиёсий чиқишлар давом этаверди.

Андижон яқинидаги Қўқонқишлоқ волостида 1893 йил 13 февралда рўй берган воқеа рус маъмурларини ғоят таҳликага солади. Пристав Шаригин мингбоши сайловини ўтказиш учун Қашқарқишлоққа келганида халқ элликбошилар ва мингбоши номзодларини қайта кўриб чиқиб, адолатли сайлов ўтказишни талаб қилади. Рад жавобидан сўнг оломон ҳаракатга келиб, пристав ва унинг одамларига ташланади. Рус зобити ва унинг миршаблари казаклар ёрдамга келгунча калтакланади. Халқ ва-килларидан уч киши ҳибсга олиниб, Андижон турмасига жўна-тилади, лекин йўлда одамлар миршабларга ҳужум қилиб маҳ-бусларни озод қиладилар. Пристав Шаригин қўйдек ювош деб ҳисоблаб келган ўзбек деҳқонларини энди танимай қолади ва ваҳимага тушиб, ўз жонини сақлаш учун қочиб қолади. Рот-

мистр Шаригиннинг кийим ва анжомлари кўзғолончилар қўлида қолиб кетади. Шаригин кўрққанидан тўғри йўл қолиб, Ойим волости орқали 60 чақирим йўл босиб Андижонга етиб келади. Туманбоши подполковник Бряннов, туман судьяси Никифоров воқеа юз берган жойга бориб вазиятни ўрганадилар, гувоҳларни чақириб сўроқ қилишадилар. Келиштирувчи судья Никифоров ўз бошлиғига берган ахборотида пристав ротмистр Шаригиннинг «қутурган оломон ўртасидаги аҳволи чиндан ҳам хавфли бўлганини»¹ айтади. Ўша куни Кўқонқишлоқда бўлган воқеалар Ўзган, Ойим волостларида ҳам акс садо бериб, Омончура, Моси қишлоқларида ҳам одамлар кўтарилгани ва сайловлар қолиб, очиқдан-очиқ ғалаён тусини ола бошлагани маълум бўлади.

Фарғона вилояти ҳарбий губернатори генерал-лейтенант Н.И.Корольков зудлик билан ўзининг ёрдамчиси генерал-майор Мединскийни «исёнчиларни жазолаш учун» Қашқарқишлоқ ва Кўқонқишлоққа жўнатади. Генералга 16-батальоннинг кучайтирилган ротаси ҳамроҳ бўлади. Мединскийга ҳукуматга қаршилик қилган аҳолига нисбатан империя қонунлар мажмуасининг II жилди, I қисмдаги 542-модда ҳамда уни тўлдирувчи Вазирлар Кўмитасининг 1885 йил 3 мартдаги Низомида кўрсатилган жазо чораларини кўриш юклатилди. Ротанинг Кўқонқишлоққа келиши, Андижон тумани бошлиғи подполковник Брянновнинг кузатишича, қишлоқ аҳлига «айтарли таъсир кўрсатмади»². Генерал Мединский «исёнчиларга» маънавий-руҳий, жисмоний ва моддий жазо қўллашга қарор қилади. Унинг буйруғи билан 31 нафар ўзбек деҳқони яланғоч ҳолда очиқ майдонга ётқизилади. Казаклар уларни дарра ва қамчи билан 15 мартадан 100 мартагача савалашади. Икки юздан ортиқ аскар ва зобитларни боқиш учун аҳолига катта пул жаримаси солинади. Губернатор Туркистон ўлка бошлиғига рота Кўқонқишлоқ ва Қашқарқишлоқларда жуда қулай жойлашгани ва ажойиб тарзда озиқ-овқат билан таъминланганини мамнуният билан хабар қилган³. 1893 йил 16 мартдаги ахборотда рота зобитлари аҳолидан ундирилган пулдан кунлик маош билан таъминланганликлари кўрсатилган. Аммо ҳарбий куч ва зўравонлик халқнинг адолатсиз рус ҳокимиятига қарши чиқишларига барҳам беролмади. Худди шу Андижон туманининг Кенгкўл — Қорақир волостида элликбошилар сайловини ўтказишга келган пристав Шаригин яна оломон қаҳрига дуч келади. Волост бошқарувчиси унга одамлар унинг буйруғини бажаришдан бўйин товлаётганидан шикоят қилади ва Мансурхонов деган қирғизни жавобгар сифатида қози ҳузурига юбора олмаётганини айта-

¹ ЎзР МДА, 1-жамғарма, 4-рўйхат, 155-иш, 3-варақ.

² Ўша ҳужжат, 5-варақ.

³ Ўша ҳужжат, 6-варақ.

ди. Шаригин миршаблардан бирига ана шу қирғизни ҳузурига олиб келтиришни буюради. Шундан сўнг Шаригин ўтовдан чиқади ва кўзи ўзаро жанжаллашаётган катта оломонга тушади. Пристав уларга тарқалишни буюради.

Воқеаларнинг кейинги ривожини Фарғона ҳарбий губернатори генерал-лейтенант Повало-Швейковскийнинг Туркистон генерал-губернаторига 1896 йил 13 февралда юборган ахборотида шундай баён қилинади: «Ротмистр қирғизлар қаршиликка дуч келди. Оломон унга таҳдид билан яқинлашди, ёнидаги шифокор ва фельдшер томон тош ота бошлади... Тошлардан бири Шаригиндан икки қадамча нарида турган мирзаси Муҳаммад Турдининг юзини ёриб, қонга бўяди. Лаблари ёрилиб тўртта тиши синди. Бошқа тош миршаб Содиқ Ёқубовни ерга қулатди. Атрофидаги ходимлари приставга зарар тегишидан хавотирланиб уни амаллаб ўтовга олиб кетишди. Шунда ўтовга тошлар ёғилди. Муҳаммад Турди миршаб ва мирза Орзиқулнинг айтишича, оломон ўртасида «Пристав ва миршабларни уринглар!», «Русларни дўппосланг!» деган хитоблар эшитилган¹.

1896 йилда Наманган туманининг Оқчи-Шаҳрихон волостидаги Найманча, Кўҳна мазор, Лангарбобо қишлоқларида мингбоши сайловида ҳам кучли норозилик ошқора ғалаёнга айлана бошлаган. Халққа зулм ўтказган порахўр мингбоши Эшмуҳаммаднинг яна лавозимига сайланганидан норози бўлган кишилар туманбоши ёрдамчиси ротмистр Бушендан адолат тилашади, лекин унинг рад жавоби ва дағдағасидан ғазабланиб, уларга қарши кўтарилдилар. Порахўр эллиқбошиларни дўппослаш бошланганда Бушен «ғаламислардан бири» Шербой Исматуллаевни миршаблар ёрдамида ҳибсга олади. Оқсоқол Эшонқул Холмуҳамедовга уни тезда Наманган турмасига элтишга буйруқ беради. Оқсоқол маҳбусни масжид ҳовлисида олиб чиқаётганда у тўсатдан оқсоқолга мушт уриб қочади. Саросимада қолган оқсоқол ўзига келар-келмас ғазабнок одамлар уни қуршаб олишади. Шу вақтда масжидга икки мингдан ортиқ деҳқонлар келиб эллиқбоши, оқсоқол, қози ва миршабларни дўппослаб кетишади. Оломон мингбошиликка номзод Йўлдош саркор яширинган масжид ҳужраси эшигини синдиради. Лекин у маҳаллий қози Тошхўжа ёрдамида мўри тепасидан томга чиқиб, қочиб қолган эди. Туманбоши ёрдамчиси Бушен ўз вақтида қочиб, бошлиғига воқеани хабар қилади. Қўрқиб кетган туманбоши шахсан Кўҳна мазорга келиб, халққа адолат қилишга ваъда беради².

Янгикўрғон жабҳа (участка) пристави штабс-капитан Еникеев ўша йили Сарой қишлоғида деҳқонларнинг сайловга

¹ Ўша ҳужжат, 241-иш, 8-варақ.

² Ўша ҳужжат, 23-варақ.

тўпланган элликбошиларни ўраб олдани ва катта тўполон кўтарилганидан сайлов ўткази олмаганини хабар қилган¹.

Қорақалпоқлар яшовчи Чимбой участкаси Таллиқ волостининг Копак-кўл деган жойда (ҳозирги Бўзатов тумани ҳудуди) маъмурият вакили—оқсоқолни қайта сайлаш жараёнида ғалаён кўтарилди. Аммо у казаклар томонидан бостирилди. 1899 йил 28 мартда тергов, қидириш, қамоққа олиш ишлари бошланди. Деҳқонлар ҳибсга олиниб, Петроалександровскга жўнатилди.

Шўраҳон участкаси Бийбозор волостида ва Чимбой участкаси Нукус волостида мустамлакачиларга қарши Бобо Кўклан бошчилигидаги халқ кўзғолони жиддий тус олиб, қарийб ўн йил (1881—1891) давом этди.

Деҳқонлар тез-тез солиқ тўлашдан бош тортиб турганлиги натижасида боқимандалар 1889 йили бўлим бўйича 12818 рублни, 1896 йили эса 16723 рублни ташкил этди. Деҳқонларнинг қарзлардан озод этиш ҳақидаги илтижолари қониқтирилмади. 1900 йил март ойида Нукус волостида шу сабаб деҳқонлар билан қишлоқ маъмурияти ўртасида тўқнашувлар бўлиб ўтди. Деҳқонлар ўтов бошига олинадиган солиқни тўлашдан бош тортиб, овул оқсоқоли билан қозини тутиб, уларнинг лавозимлик белгиларини, муҳрларини тортиб олишди². Чап қирғоқдаги қорақалпоқлар ҳам золимларга қарши бош кўтардилар. 1900 йили Қўнғирот беклигида яшовчи қорақалпоқлар суғориш иншоотларини (Лавзон каналини) тозалаш мажбуриятини бажаришдан бош тортдилар.

2. ТОШКЕНТ ҚЎЗҒОЛONI

1892 йилнинг ёзида Туркистон маркази Тошкентда ҳам рус мустамлакачиларини талвасага солган ва тарихга «Вабо исёни» ёки «Тошотар воқеаси» сифатида кирган қўзғолон бошланди³. Расмий доиралар бу қўзғолон вабога қарши рус амалдорлари қўллаган тadbирлардан норозилик туфайли келиб чиққан, деб изоҳлашга уриндилар. Шунинг учун ҳам уни «Вабо исёни» деб номлашди. Шунчаки қараганда, чиндан ҳам шундай бўлган. 1892 йил май ойида Жиззахда вабо билан оғриган кишилар ҳақидаги хабар бутун ўлкага тарқалди ва Сирдарё вилоятига ўтадиган кечув олдида эҳтиёт юзасидан кузатиш бекати ташкил

¹ Ўша ҳужжат, 16-варақ.

² Борьба трудящихся Каракалпакии против колониального и социального гнета. Т.: Фан, 1972, 51-бет.

³ Мазкур воқеа тафсилоти ҳақида энг сўнги маълумотлар Ҳамид Зиёевнинг «Туркистонда Россия тажовузи ва ҳукмронлигига қарши кураш» ҳамда Ш.Каримов, Р.Шамсутдиновнинг «Туркистон Русия босқини даврида» китобида келтирилган.

қилинди. Июнь ойида Тошкентда ҳам вабо тарқалгани маълум бўлди. Янги шаҳарда 417, Эски шаҳарда 1462 бемор аниқланди. 1892 йил 7 июнда шаҳар маъмурияти 12 эски қабристонни ёпиб, янги 4 қабристон очилишини, шаҳардан чиқиш чекланганини эълон қилди. Аммо мустамлака маъмурияти тиббиёт нуқтаи назаридан тўғри бўлган бу тадбирларни ўтказишда аҳоли ўртасида тушунтириш ишлари олиб бормади, муслмончилик одатлари, маросим қонун-қоидаларини ҳисобга олмади. Ваъда қилинган 4 та янги қабристон ўрнига фақат биттаси очилди. Марҳумларни урф-одатга кўра кўмиш ғоят мушкул юмушга айланди. Одамлар ноилож ўликни эски қабристонларга олиб бориб кўмишга мажбур бўлдилар. Полиция бундайларни топиб ҳибсга ола бошлади. Қабрларни очиб, ўлганларнинг руҳи ҳақорат қилинди. Халойиқ бош оқсоқолни қидириб кетди. Эшонлардан Азизёр, Абулқосимхўжа, бозор оқсоқоли Зиёмуҳаммад ва бошқа таниқли кишилар бошчилигидаги мингга яқин киши шаҳар бошлиғи маҳкамаси томон йўл олдилар. Уларга Ўрда бозори яқинидаги Воронцов кўчасида ҳоким тўра — шаҳар бошлиғи полковник С. Р. Путинцев ва оқсоқол Муҳаммад Ёқуб тўқнаш келишди. Қамчисини ўйнатиб келган оқсоқол халқнинг сўзларини, арз-додини тинглаш ўрнига унга дағдаға қилабошлади. Ана шунда унинг бошига тошлар ёғилди. Машҳур «Тошотар воқеаси» бошланиб кетди. Оқсоқол отдан тушиб ҳокимнинг идорасига қочиб яширинди. Полковник Путинцев эса ўзининг содиқ қулини паноҳига олиб, халқни тинчитишга уринди. Халқ ундан оқсоқолни тутиб беришни талаб қилди. Путинцев ҳам музокара ўрнига куч ишлатишни афзал кўриб, тўппончасини ғилофидан чиқариб, дағдағага ўтди. Сабр косаси тўлган халқ, узоқ ўйлаб ўтирмай, ҳокимга ҳужум бошлади. Путинцев ва унинг миршабларини дўппослади, маҳкамани ҳам остин-устин қилди.

Қуролланган солдатларнинг етиб келгани ҳам қўзғолончиларни чўчитмади. Мустамлакачи амалдорлар халқни аямай ўққа тутди. Натижада кўп киши ҳалок бўлди ва яраланди. Ўлганлар ва ярадорларнинг миқдори ҳақида аниқ маълумотлар сақланмаган. Чунки халқнинг ўзи жасадларни ва ярадорларни ўзлари билан олиб кетишди. Қўлга олинган 60 кишидан 8 киши ўлим жазосига, қолганлари қамоқ ва сургунга ҳукм қилинди¹.

Қўзғолоннинг асл сабабини мустамлака маъмурият мансабдорларининг ўзлари ҳам яхши билишган. Жумладан, Н. П. Остроумов: «Кўп жиҳатдан айб ўзимизда, албатта. Уларнинг феъл-атворини ва қонун-қоидаларини ўрганганимиз йўқ ва ҳали ҳам ўрганмаяпмиз. Бунда айб фақат вабонинг ўзида эмас, у сабр-косасини тўлдириб-тошириб юборган сўнгги томчидир.

Каримов Ш., Шамсутдинов Р. Туркистон Русия босқини даврида. Андижон, «Мерос», 1995, 64-бет.

Норозилик аллақачон кучайиб, йигилиб келмоқда эди, кейин эса бошқа норозиликлар қўшилиши билан бирданига қўзғолон бошланиб кетди»,¹ — деб ёзган эди.

Рус мустамлакачилари қўзғолончиларни жазолашда ўзларига ёқмаган маҳаллий зиёлиларни, халқни кўтаришга қодир маърифатпарвар ва миллатпарварларни ҳам қатағон қилди. Подшо генералларидан бири, ҳарбий губернатор Н.И.Гродековнинг 1892 йил 1 июлда Туркистон генерал-губернаторига юборган ахбороти буни яққол тасдиқлайди: «Ўтган 25 июнь куни тақдим этганларимга қўшимча равишда Сиз зоти олийларига яна шу нарсани маълум қилиш шарафига ноилманки, шаҳарнинг осийликлар яшайдиган қисми оқсоқоли Инъомхўжа Умархўжаевни 24 июнь воқеаларига олиб келган ҳаракатнинг асосий раҳбари ва ҳақиқий сабабчиси деб ҳисоблаш керак. У шахсан ўзи ва энг яқин ходимлари орқали нодон халқ оммаси орасида ташвиқот олиб борган, маъмуриятимизнинг вабога қарши фармонлари ва хатти-ҳаракатлари хусусида ташвиш туғдирадиган хабарлар ҳамда миш-мишлар тарқатган. Мазкур туземецнинг энг яқин шериклари унга қариндош бўлган юзбоши Аҳмадхўжа ва қудаси Усмонхўжадан ташқари, Шайховандтахур даҳасининг қозиси Шарифхўжа, сўнгра Бешёғоч даҳасининг ерлик фуқаролари Бадалмуҳаммад Холмуҳамедов ва Боқижон Дадажонбоев бўлган. Менга маълум бўлишича, бу кишилар авваллари ҳам шахсан ўзлари ва кўп тарафдорлари орқали оломонга бошчилик қилганлар, уни ҳукуматнинг тадбирларига қарши қўзғатганлар. Бу барча шахсларнинг халқ орасидаги зарарли ташвиқи таъсирини ҳисобга олиб, 24 июнь воқеалари содир бўлган куннинг ўзидаёқ ҳаммаларини қамоққа олишга фармойиш бердим»².

Мулоҳаза учун маълумот

Сирдарё вилояти ҳарбий губернатори юқорида тилга олган кишилар ўз даврининг илғор ва миллатпарвар кишилари эди. Масалан, Инъомхўжа Умархўжаев (1833—1896) асли Қўқон шахридан бўлиб, савдо ишлари билан Тошкентга келади ва Шайховандтахур даҳасига қаршли Занжирлик маҳалласида муқим бўлиб қолади. Ўзининг одамшавандалиги, билими ва маърифатпарварлиги билан эл эътиборига тушади. Уни даҳа оқсоқоли лавозимига сайлашганида Инъомхўжа адолат ила иш юритади. Рус амалдорлари билан муносабатда ўзини дадил тутиши ва халққа хайрихоҳ бўлиши туфайли мустамлакачи маъмурларга ёқмайди ва уни 1880 йили лавозимидан четлатишади. Аммо халқ эътиборига тушган Инъомхўжа куп ўтмай Тошкент шаҳар бош оқсоқоли лавозимига сайланади. Бу мансабда ишлаши давомида у мустамлака тузуми моҳиятини чуқур англайди ва халқни истилочиларга қарши курашга тайёрлаш зарурлигини тушунади. Инъомхўжа 1892 йилги қўзғолоннинг асосий ташкилотчилари қаторида

¹ ЎзР МДА, Н. П. Остроумов жамғармаси, 1-рўйхат, 67-иш.

² Юсуфов Шариф. Фурқат йўлларида. Адабий мақолалар. Тошкент, 1984, 168—170-бетлар.

Туркистон ҳарбий округи суди томонидан шафқатсиз жазога маҳкум этилади. 12 йил муддат каторгага ҳукм қилинган собиқ бош оқсоқолнинг халқ уртасидаги эътиборидан чўчиган Туркистон генерал-губернатори бу жазони 4 йил қамоқ билан алмаштиради. Олтмишни қоралаб қолган Инъомхўжа Қўқон турмасида вафот этади. Шоир Муқимийнинг «Тарихи фавти ноиби Тошкандий» марсияси унинг хотирасига бағишлаб ёзилган.

Юзбоши Аҳмадхўжа Абдурашидхўжаев ҳам миллатпарвар зиёлилардан бўлиб, мустамлакачиларга нисбатан муҳолиф кишилардан эди. Суд уни осиб ўлдиришга ҳукм қилади, аммо кейинчалик бу жазо 15 йиллик каторга билан алмаштирилади. Жазо муддатини уташ давомида Аҳмадхўжанинг соғлиғи ёмонлашиб Тошкентга қайтади ва 1907 йили вафот этади.

Шариат қозиси Шарифхўжа Пошшоҳўжаев (1814—1904)нинг фаолияти ҳам маърифатпарварлик ва элпарварликнинг ёрқин мисоли бўла олади. Бухоро мадрасасида таҳсил қўриб, Тошкентнинг Хўжа Аҳрор мадрасасида мударрис, сўнг шаҳар қозикалони лавозимида ишлаган Шарифхўжа Худоёрхон даврида ўзининг халқпарварлиги билан ном қозонган эди. Қўқон хони вафот этган ҳар бир кишининг ворислари хонга мерос тақсимлаши кераклиги ҳақида фармон чиқарганда, Шарифхўжа қозикалон сифатида бу фармонни шариатга зид дея баҳолаб, унга имзо чекишдан бош тортади. Худоёрхон бу воқеадан хабардор бўлгач, Шарифхўжани мансабидан бекор қилиб, ўлимга буюради. Шарифхўжа дўстлари ёрдамида Бухорога қочиб кетади. Амир уни Вобкентга қози қилиб тайинлайди. Шарифхўжа дилкашлиги туфайли бу ерда ҳам таҳдидга дучор бўлиб, зиндонга ташланади. Бир йилдан сўнг озод бўлиб, Тошкентга қайтади. Шайховандтахўра даҳаси қозилигига сайланиб, 22 йил давомида шу лавозимда хизмат қилади. Уша давр матбуотида Шарифхўжа Пошшоҳўжаев «Тошкент қозилари орасида энг кексаси ва энг билимдони»¹ ва «Хўжа Аҳрор мадрасасининг энг катта профессори»² деб тилга олинади.

Ана шундай обрўли кишини подшо маъмурлари 1892 йилги қўзғолоннинг асосий ташкилотчиси сифатида тўрт ўғли билан бирга қамоққа олади. Ҳарбий суд 80 ёшдаги Шарифхўжани 3 йил муддатга Аштархон губерниясига сургун қилади. Аммо шаҳар жамоатчилигининг ариза-илтимослари билан бу жазо муддати бир йилга қисқартирилади.

Тошкент халқининг илгор зиёлилари халқ дардига беварқ бўлмай, унинг курашига бевосита раҳбарлик қилишлари табиий ҳол эканлигини тергов материаллари ҳам тасдиқлади. 27 ноябрдан 10 декабргача давом этган Туркистон ҳарбий округи дала судида Эшонхон, Мухаммад Олим, халққа зулм етказган бош оқсоқол Мухаммад Ёқуб гувоҳ сифатида беришган баёнотда Инъомхўжа оқсоқол, Шарифхўжа қози 20 йил мобайнида ҳамма ишни бамаслаҳат қилишгани ва «Тошотар воқеаси»дан бир кун аввал икки марта куришиб, узоқ маслаҳат қилишгани ҳақида маълумот беришган. Мустамлакачиларнинг қўзғолондан халқнинг мустақил фикрлайдиган кишиларини йўқ қилиш учун фойдаланишга уринганларини ва бунга анча олдиндан тайёргарлик қўрганликларини Н. П. Остроумовнинг ўзи эътироф этган эди. У Шарифхўжа Пошшоҳўжаев ҳақида 1892 йил 26 январда бундай деб ёзган эди: «Бугун мен Шарифхўжа қозиникига бордим. Шарифхўжа айёр чол, унинг ўтмиши шубҳали, у Бухоро амирининг зиндонига ётган». Остроумов 10 июндаги кундалигида эса Себзор қозиси Муҳиддинхўжанинг шаҳар ҳоқими томонидан таъқибга олинганини қизгин маъқуллади. Эски шаҳар полиция бошлиғи Н. С. Ликошин ҳам Муҳиддинхўжанинг обрў-эътиборига тан берган ҳолда, унинг 1892 йилги қўзғолонга «жинояткорона» муносабатда бўлганини ёзган³.

¹ «Туркестанские ведомости», 1890 йил 10 июль.

² Уша газета, 18 сентябрь.

³ Н. С. Ликошин 1916 йили Петербургда нашр этилган «Полжизни в Туркестане» китобида Муҳиддинхўжа Ҳакимхўжаевнинг ерлилар орасида ғоят ўқимишли, илгор фикрли ва эътиборли шахс бўлгани, ўзи ҳам у билан бир неча бор суҳбат қўргани ҳақида ёзиб, унинг фаолиятини ёритишга анча ўрин ажратган.

1892 йилги кўзғолондан сўнг Сирдарё вилоят ҳарбий губернатори генерал-лейтенант Н. Гродековнинг 26 июндаги буйруғи билан Муҳиддинхўжа Себзор қозиси лавозимидан олиб ташланди. Орадан олти йил ўтгач, даҳа жамоатчилиги унинг номзодини адолатпарвар шариат қозиси сайловига кўйишади. Сайловда у 62 овоз, унинг рақиб Раимхўжа 12 овоз олади. Аммо ҳарбий губернатор сайловда ғолиб чиққан Муҳиддинхўжа номзодини тасдиқламай, янгидан сайлов ўтказиш ва унда Муҳиддинхўжа номзодини киритмаслик ҳақида фармон чиқаради. Худди ўша йили Тошкентдаги эрлар гимназиясида бўлган шаҳар жамоатчилиги йиғинида генерал-губернатор ёрдамчиси генерал Иванов мадрасаларда рус тилини ўқитиш таклифини киритиб, маҳаллий олий ўқув юртлари замон талабига жавоб бермаслиги ҳақида гапирганда ва мустамлакачиларнинг содиқ малайи мулла Олим уни қўллаб-қувватлаб, мадрасалардаги амалдаги таълимни ерга уриб таҳқирлаганда Муҳиддинхўжа жим туролмайди. У жаҳон фанига улкан ҳисса қўшган Форобий, Ибн Сино, Беруний, Навоий ва Улуғбек каби алломалар худди шу мадрасаларда ўқиганини эслатиб, бу даргоҳларнинг маърифат масканлари сифатидаги хизматлари ва халқ маорифида ўзига хос ўрни борлигини айтади. Ўзбек зиёлиси ва уламосини бу чиқиши подшо амалдорларининг унга бўлган адоватини янада кучайтиради. Мустамлакачилар халқпарвар, кенг дунёқарашга эга бўлган, билимдон зиёлиларни ёмон кўрсалар ҳам улардан вақт келганда империя манфаатлари йўлида фойдаланишган.

Қишлоқлардаги ғалаёнлар ва айниқса Тошкентдаги кўзғолон Туркистондаги мустамлакачи маъмуриятини ғоят ташвишга солди. Мустамлакачилар марказдан маъмурий-полиция штатларини кўпайтириш ва маъмуриятнинг жазо ваколатларини янада кенгайтиришни сўради. Рус императори Туркистон генерал-губернаторининг илтимосини қондириб, ўлкада миршаблик ҳолатини жорий этишга рухсат берди. Империя Давлат кенгашининг 1887 йилда тасдиқлаган «Давлат тартиби ва жамоат осойишталигини муҳофаза этишга оид чоралар ҳақидаги Низом»и Туркистон ўлкасида 1892 йил 18 июндан эътиборан қўллана бошланди. Бу қоидалар рус мустамлакачилари учун ваколатлар эшигини кенг очди. «Кучли муҳофазада» деб эълон қилинган жойда Туркистон генерал-губернатори мажлисийиғинларни тарқатиш, савдо-саноат корхоналарини ёпиш, матбуот органлари фаолиятини тақиқлаш, истаган одамни сургун қилиш, жарима солиш ва бошқа ҳуқуқларни олди. «Фавқулодда муҳофазада» деб эълон қилинган жойда бутун ҳокимият генерал-губернатор ёки у тайинлаган бош ноиб қўлига ўтди. 1892 йил 18 июнда жорий этилган «қоидалар» ҳарбий ҳолат ўрнатиб, фуқаролар ишини ҳам ҳарбийлар қўлига топширарди. Аммо халқнинг мустамлакачилик тартиблари, идора услуби ва рус-

лаштириш сиёсатидан норозилик тўлқини сира пасаймади. XIX асрнинг 90-йилларида рус мустамлакачиларининг Туркистондаги ҳукмронлиги учун таҳликали вазият вужудга келди. Туркиянинг 1898 йилда Греция билан урушда эришган ғалабаси бутун мусулмон оламида турк султони обрўсини кўтариб, европаликлар зулми остида эзилган мазлум Шарқнинг миллий гурурини уйғотиб, озодлик курашини қўзғатди. Ана шундай кайфият Туркистонда ҳам кучайганини рус сиёсий разведкаси пайқайди. Рус махфий полицияси, округ штаби контрразведкаси доимо турклардан хавфсираб, уларнинг Туркистондаги таъсиридан қўрққан. Мустамлакачилар Туркия билан Туркистонни бирлаштирувчи қардошлик ипларини узишга интилишган. Туркистон халқи озодлик курашининг бу даври Европа мустамлакачилари зулмига қарши Шарқ халқлари кўтарган миллий-озодлик қўзғолонларининг таркибий қисми деб қаралмоғи лозим.

3. АНДИЖОН ҚЎЗҒОЛОНИ

Тарихга «Дукчи эшон қўзғолони» номи билан кирган Андижон қўзғолони XIX аср охиридаги халқ ҳаракатларининг энг катталаридандир. У Муҳаммад Али эшон (1846—1898) номи билан машҳур¹.

Муҳаммад Али Марғилон шаҳрига қарашли Шахидон қишлоғида ўртаҳол деҳқон ва ҳунарманд Муҳаммад Собир оиласида дунёга келган. Отаси уни болалигида Бухорога олиб бориб, Усмонча охунд домла мактабига берган. Муҳаммад Али 16 ёшга тўлганида Самарқанд яқинидаги Каррух қишлоғида мулла Усмон охунд судур эшон хизматида берилди. Тўрт йилдан сўнг бутун водийга танилган обрўли уламо Султонхон тўра эшон хизматида қиради.

Муҳаммад Али ўзининг одамохун, камбағалпарварлиги ва кўнгли очиклиги ҳамда чуқур мулоҳазакорлиги билан устози эътиборини қозонади. У Аравондан Асакага ва Асакадан Ўшга ўтадиган йўлда қатнайдиغان карвон ва йўловчилар учун хайрли иш қилади. Шаҳрихонсойнинг тепасида Аравон билан Асака ўртасидаги карвон йўли ёнида жойлашган баланд сувсиз ерда жой қилиб, Шаҳрихонсойдан кўзаларда сув ташиб келиб катта йўл ёқасига ўрнатилган хумларни тўлдиради. Шаҳрихонсойнинг 40—50 саржинлик баланд қурғоқликда Муҳаммад Али

Бу қўзғолон тарихи ҳақида қаранг: *Фозилбек Отабек ўғли*. Дукчи Эшон воқеаси. Фарғонада истибод жаллодлари. Нашрга тайёрловчилар: С.Аҳмад, У.Долимов, Ш.Ризаев. Т.: Чўлпон, 1992; *Эгамназаров Алиназар*. Сиз билган Дукчи Эшон (ҳужжатли қисса). Т., «Шарқ», 1994; *Мусо Туркистоний*. Улуғ Туркистон фожиаси. II жилд. Мадина, 1979. *Юсупов Э.Ю., Лунин Б.В.* Андижанское восстание в советской исторической литературе. ОНУ, Т., 1987, №1; *Ҳамид Зибев*. Туркистонда Россия тажовузи ва ҳукмронлигига қарши кураш. Т., «Шарқ», 1998.

боғ барпо қилади. Унинг меҳнати билан ўсган дарахтлар соясида сув тўла хумлар йўловчилар чанқоғини қондирди. Бу иш унга обрў келтириб, номини одамлар озғига туширади. 1882 йилда Султонхон тўра эшон агар қазою қадар етса, ўрнига Муҳаммад Али пир бўлишини эълон қилгани бежиз эмасди. Муҳаммад Али 1887—1893 йилларда Маккаю Мадинага бориб ҳаж қилади, Ҳиндистон ва Россия шаҳарларида бўлиб қайтади. Мухлислари Мингтепа қишлоғидан унга мос ҳовли-жой олиб беришади. Эшоннинг яхши феъл-атвори, камтарона турмуш тарзи, бой ҳаётий тажрибаси ва кенг дунёқараши унинг мухлислари сонини тобора ошириб борди. Мингтепа тезда кўпларнинг қутлуғ зиёратгоҳига айланди.

Уша йиллари Мингтепа 450 хонадонлик ўртача бир қишлоқ бўлиб, унда 1200 нафарга яқин ўзбек, тожик ва қирғизлар истиқомат қилган. Улар деҳқончилик ҳамда ҳунармандчилик билан шуғулланганлар. Эшон ҳам кўплар қатори отасидан қолган ҳунар — йигчилик билан машғул бўлган. Бекор вақтларида муридлари олиб келиб берган ёғочни тарашлаб, йиг қилиб, муридларига бир-иккисини совға қилади. Муридлар эса йиг билан ип эшсалар, бири минг бўлганидек хаёл қилишган. Агар йиг билан йигирилган ипдан тўн тикилган бўлса, табаррук қилиб, қариялар тобутларининг устига ёпмоқ учун олиб кўйишган. Замондошларининг ҳикоя қилишларича, Муҳаммад Али ўрта бўйли, чўққи соқолли, камсухан, кулиб турувчи, овози майин бир киши бўлган. У ҳамма вақт бўз кўйлак ва иштон билан малла тўн кийиб юрган. Бошига кичик салла ва қулоқ кўйиб, бўз маҳси-ковуш кийган. Муҳаммад Али зиёрат учун келганларга, ҳатто мурид ва мухлисларига ҳам, ўзи дастурхон ёзган, нон-ош кўйган. 1890 йилларга келиб эшоннинг зиёратчилари ниҳоят кўпайиб кетгач, муридлари унга 500 от сиғадиган отхона қуриб беришади¹, хом фиштли 12 газли минорасини 34 газга кўтариб, пишиқ фиштдан ишлаб беришади².

Муҳаммад Али чекланган, шариат ақидаларидан ўзгани тан олмайдиган руҳонийларга қарама-қарши ўлароқ, давр талаб-эҳтиёжларини англаб етган пешқадам уламо бўлиб, ўз олдига аниқ мақсад кўйган эди. У ана шу мақсад йўлида барча воситаларни, ҳатто турли сеҳр ва «каромат»ларни ҳам ишга солганки, натижада унинг муридлари сафига деҳқон, чорвадор, ҳунармандлардан ташқари, мулкдор табақалар, ҳатто маҳаллий маъмурият вакиллари ҳам қўшилган. Эшон зиёратчиларнинг кўз олдида ўт-олов ёқмай қозон қайнатган. Аслида эса бу ишни табиий девор ичидан ўтказилган махсус қувурлар орқали келадиган иссиқлик бажарган. Бу ишларда муҳандисликдан ва

¹ *Фозилбек Отабек ўғли*. Дукчи Эшон воқеаси, 9-бет.

² Уша асар, 12—13-бетлар.

Европа фан-техникаси ютуқларидан хабардорлиги, чет элларда бўлиб, кўп нарса ўрганганлиги ҳам кўл келган.

Эшоннинг обрў-эътибори қандай кўтарилиб кетганини «минора воқеаси» яққол кўрсатади. Хом гиштдан тикланган минорани 34 газ кўтарганларидан сўнг бир қанча вақт ўтгач, у болалар ўқийдиган мактаб томон оғади. Буни кўрган хушёр одамлар минорани бузиб, қайта қуриш ҳақида гапирганларида жоҳил сўфилар «ҳазрат эшоннинг кароматлари билан бўлган нарса йиқилмайди, қиёматгача шу ҳолатда туради», — дейишади. Мактабни бошқа тарафга кўчиришга ҳам кўнишмайди. Миноранинг мактаб томон қулаши арафасида ҳам жоҳил сўфилар бу миноранинг хом гишт устига қурилганини бир каромат, шунча ёрилиб, бир тарафга оғиб йиқилмаганини иккинчи каромат деб ҳисоблашган. 1896 йилда минора қулаб, мактабнинг ярмини босиб қолиши натижасида сўфи ва 23 бола ҳалок бўлади, 15 бола жароҳат олади. Аммо бу воқеани овоза қилмай дарҳол, бости-бости қилишиб, ўлган болаларнинг ота-оналарини овутишади. Воқеани текширгани келган пристав ва шифокорнинг эшонга даъво қилмай «уч киши ўлганлиги» ҳақида ҳужжат расмийлаштириб кетишгани ҳам маъмуриятнинг Муҳаммад Али обрў-эътибори билан ҳисоблашишга мажбур бўлганлигидан далолат беради. Полиция бошлиғи эшонни суд жавобгарлигига тортади ва намоийшкорона таҳқир ила шаҳарга чақиртиради. Аммо Марғилондаги судда эшонга даъвогар хун талаб кишилар топилмай, суд уни оқлашга мажбур бўлади. Ушбу суд жараёни Муҳаммад Али муридларининг улкан намоийши ва жанговар кўригига айланиб кетади. Эшон тантана билан ўтган шаҳар кўчаларини тўлдирган минглаб муридлари уни зафар билан кутлашади. Мингтепалик эшоннинг тобора ортиб бораётган обрў-эътибори ва гоят кўтарилиб кетган мавқеи мустамлакачиларнинг хавотирини оширди. Бунга уларнинг асослари бор эди. 1895 йилда эшон ҳузурига Олой маликаси номи билан машҳур бўлган Қурбонжон додхоҳ ташриф буюргани ва у билан мустамлакачиларга қарши кўзғолон кўтариш масаласини муҳокама қилгани мустамлакачиларни талвасага солди. Қурбонжон додхоҳнинг ўғли Қамчинбек рус божхонаси ходимини ўлдирганликда айбланиб қамалгани ва унинг осиб ўлдирилганлиги бу мўътабар зотнинг подшо ҳокимиятига қарши ҳаракат бошлашига сабаб бўлди. Қолаверса, норозилик унинг қўл остидаги қирғизларда ҳам кучли эканлиги маълум эди. Кетмонтепа, Кўгарт тарафлардаги қирғизлар 1896 йили рус мужиклари устидан шикоят қилиб, Мингтепага вакил юборишди. Тахминан 25 киши Дукчи эшоннинг ҳузурига келиб, шундай дейишган: «Агар бизга ижозат берсангиз, ҳамма қирғизлар йиғилиб, мужиклар устига ҳужум қилиб, ҳаммаларини отимиз тўёғи остида бостириб юборамиз. Жонимиздан тамом тўйдик. Биз қирғизларни бениҳоят бесаранжом қилдилар. Бундай юрганимиздан

ҳаммамизнинг ўлганимиз яхшироқ. Ғазотга ижозат беринг!». Эшон бунга жавобан бундай деган: «Биродарлар! Ҳали вақти эмас, андак фурсат бор, ҳаммамиз бирдан ҳужум қиламиз, охири бу Николай зулми остида қолмаймиз, бир оз фурсат бор, таваққуф қилиб туринглар! Мен ўзим бош бўлиб ҳамма биродарларни, балки тамом шаҳар аҳлини ўзимизга ёр қилиб, кейин ишни бир йўла бошлаймиз»¹.

1896—1897 йилларда Россия ички губернияларидан кўчиб келган ва ҳосилдор ерларни эгаллаб олган рус мужиклари билан қирғизлар ўртасида тўқнашувлар кучаяди. 1897 йил охирида Кетмонтепа, Кўгарт водийларидаги мингдан ортиқ қирғиз яқинда вафот этган бир бойнинг уйида тўпланишади. Уларнинг раҳбарлари — волост бошқарувчиси Чибил бўлис, қози ноиби мулла Раҳматилла мужиклар устига ҳужум қилиш режасини ишлаб чиқишади. Улар эшон ҳузурига одам юбориб, ундан маслаҳат сўрайдилар. Муҳаммад Али зудлик билан чорвадор бой Чибил бўлис бош бўлган қирғизлар масканига етиб келади. Қирғизлар ва эшон иштирокидаги кенгашда бўлғуси қўзғолон режаси муҳокама қилинади. Муҳаммад Алининг ғазовотга раҳбар бўлишига келишилади. «Шу кундан эътиборан, — дейилган эди уларнинг аҳдномасида, — бутун миллати исломияга махфий равиш билан хабар қиламиз, то эшонимиз тарафларидан қайси кун рус аскарлари устига ҳужум қилмоқни муносиб кўриб, хабар қилсалар, ўша куни ғазот учун тайинланган жойда ҳозир бўлурмиз»². Эшон шу маънода бир васиқа ва аҳднома ҳам ёздириб унга мўътабар кишилар, волост бошқарувчилари — мингбошилар ҳамда қозиларнинг муҳрларини босдилар. Ана шу йиғинга етиб келган мустамлакачи маъмурлар йиғилганларни тергов қилишганда ҳеч ким сир бой бермай «катталари ўлгани учун худойи»га тўпланганликларини айтишади ва Муҳаммад Алини эҳтиром билан Мингтепага кузатиб қўйишади. Мустамлакачи маъмурлар ислом динида бўлган Асака жабҳаси (участка) пристави штабс-капитан М.Чанишевнинг Муҳаммад Али эшон ҳусусида Марғилон туман бошлиғига ёзган рапорти ва ахбороти билан танишгач, ташвишлари чиндан ҳам кучайиб кетди. «Махфий олган ахборотимга қараганда, — деб ёзган эди М.Чанишев, — муридлари ўн мингдан ошган бўлса керак, ҳаммалари эшонга шундай тобеъдирларки, агар амр қилса бир кунда жамъ бўладилар. Агар аҳвол шундай давом этаверса, эҳтимол Эрон эшонларидек Русия давлатига исён чиқарса, лоақал ҳукумат бошлиқлари амр-фармонида инқиёд қилмаса»³.

Мустамлакачиларни приставнинг кейинги ахборотидаги фикри ҳам бир қатор сергаклантирди. Чанишев эшон ҳовлиси-

¹ *Фозилбек Отабек ўғли*. Дукчи Эшон воқеаси, 22-бет.

² *Ўша асар*, 23-бет.

³ *Ўша асар*, 16-бет.

даги мактабда 3 муаллим 250 болани ўқитаётгани ҳақида ёзиб, «булар тез кунда ўқиб чиқсалар, кўпларини Истанбулга юбориб ўқитмоқчи эмиш. Буларнинг ҳар нечик бўлса-да, манъ қилинмоғи зарур эди»¹, дейди.

Россия доимо Туркия билан урушлар қилгани ва ундан ҳамиша хавотир олгани, айниқса туркларнинг Туркистонга интилиб ўз қондошларига хайрихоҳ тургани ҳисобга олинса, рус мустамлакачиларининг қандай ташвишга тушиб қолганлари ўз-ўзидан аён бўлади.

Ўша 1897 йили рус разведкаси Муҳаммад Алининг чиндан ҳам Туркия билан алоқа боғлаганлиги ҳақида маълумотлар олган. Хусусан, унинг турк султониға мактуб билан мурожаат қилганидан хабардор бўлган. Бу мактубда эшон руслар Кўқон хонлигини босиб олиб, уни Фарғона вилоятиға айлантирганидан кейин мусулмонлар ўртасида ахлоқан бузилиш кучайганлигини, шариат қоидаларидан чекиниш ҳоллари рўй бериб, бузқлик, ичкиликбозлик, нашавандлик авжига чиқа бошлаганини ёзган эди. Муҳаммад Али, бундан ташқари, турк султониға руслар камбағаллар учун закот йиғишни, ҳажга боришни таъқиқлаганликларини, эски вақфларни бекор қилиб, янгиларини жорий этмаётганликларини эслатиб, унинг Россия императоридан халқнинг шариат қонун-қоидалари бўйича турмуш кечириши учун шароит яратишни талаб қилишини сўрайди.

Халқ орасида обрўси ва мавқеи баланд бўлган эшоннинг ана шундай вазиятда пайдо бўлиши рус мустамлакачиларини безовта қилиши турган гап эди. Чунки эшон ўлкадаги озодлик ҳаракатиға бош бўлиши мумкинлиги уларнинг назаридан қочмагани.

Мингтепа эшонининг иши билан шахсан ярим подшонинг, яъни генерал-губернаторнинг ўзи шуғулланди ва Тошкент округ судининг ўта муҳим ишлар бўйича терговчиси бошчилигида 12 кишидан иборат комиссия ташкил қилди. Комиссия 1897 йил 12 майда вазиятни ўрганиш ва эшон ҳақида аниқ тасаввур ҳосил қилиш мақсадида Мингтепаға ташриф буюрди. Комиссия раҳбари бўлган терговчи билан Муҳаммад Али ўртасидаги савол-жавоб мустамлакачиларнинг нимадан хавфсираганлиги ва асл мақсадларидан далолат берибгина қолмай, эшоннинг дунёқарши, эътиқоди ҳамда кимларға суянгани ҳақида ҳам тасаввур беради. Мана ўша савол-жавоб:

«Терговчи: Подшоҳи аъзамға қарашли қайси мамлакатларни кўргансиз?

Эшон: Ўз қишлоғимдан тортиб, то Севастопол, Одес, Қрим, Кафа, Ашхобод, Узунота, Тошкентларни кўрдим.

Терговчи: Одес, Севастополларда подшоҳи аъзамнинг дабаи аскария ва шавкатларини нечук фаҳмладингиз?

¹ Ўша асар, 17-бет.

Эшон: Ниҳоят зўр, катта, аскарлари кўп, обод.

Терговчи: Бошқа подшоҳлар, масалан, инглиз ва афғон кабиларнинг шавкатлари ва аскарлари қалай? Турк давлати нечук?

Эшон: Буларнинг шавкати ва аскарлари оқ подшоҳникидек кўринмади. Турк ва афғон бўлса ниҳоят нообод, мулклари хароб, аскарлари Россиядек озода эмас экан.

Терговчи: Мунча давлат ва иморатлар отангиздан қолганми, ёки ўзингиз топгансизми? Эшон бўлмасдан аввал нечук эдингиз, ер-сувларингиз бор эдимиз?

Эшон: Отамдан бир кичкина ҳовлича қолган эди. Бошқа давлат қолган эмас. Бу давлатни 26 йил ичида, ҳаждан келганимдан сўнг, аввали худойим етказди, иккинчидан, подшоҳи аъзамнинг сояси давлатларида, эшон бўлганимдан кейин топдим. Ҳали ҳам чандон давлатли эмасман, ҳамма нарсаларим худованди олам йўлида, бева-бечораларга ҳадя қилиб қўйганман. Шундай қилиб камбағал-чамбағаллар йиғилиб қолганлар. Шулар билан нима топсак, еб ётибмиз...

Терговчи: Муридларингизнинг ҳаммаси камбағал одамларми, ёки бой ва давлатлик одамларми, қайсиси кўп?

Эшон: Ҳар қайсиларидан ҳам бор. Бой ҳам бор, камбағал ҳам кўп. Ҳаммалари бизга баробар биродарлардир...

Терговчи: Сизга қайсилари яқин, бойларми ёки камбағалларми? Қайсисининг тарафдорисиз?

Эшон: Албатта, манга шу олдимда хизмат қилиб турган камбағаллар яхшидир...

Терговчи: Подшоҳи аъзамнинг катталиги ва аскарининг кўплигини ўзингиз билганингиздек буларга ҳам айтиб тушунтирасизми? Булар ҳам биладиларми?

Эшон: Албатта айтамыз, ҳаммалари биладилар.

Терговчи: Императури аъзамнинг хонадонларини, номларини биласизми? Бу юрганлар ҳам биладиларми?

Эшон: Оқ подшоҳнинг исмларини одамлар Николай подшоҳ деб юритадилар. Шуни эшитамизки, булар ҳам «оқ подшоҳ» деб биладилар. Бироқ хонадонларининг номларини чандон билмаймиз.

Терговчи: ...Ман приставга буюраман: подшоҳ билан хонадонларининг номларини тамом мусулмонча ёзиб беради. Ўзингиз ва муридларингиз, ҳаммаларингиз билиб, ёд қилиб ҳар намозда дуо қилмоқларингиз керак. Бундан кейин ҳам шундай қилинлар! Ҳатто мактаб болаларигача билдиринг. Ўқиб ёд қилсинлар! Ҳокимлардан бири сўраганда дарҳол айтиб берадурган бўлсинлар»¹.

Сўроқ бобида устаси фаранг, ўта муҳим сиёсий ишларда пишиб кетган терговчи қанчалик усталик қилмасин, зукко эшонни чалғитолмайди, унинг муддаосини ва кўнглидаги пин-

¹ *Фозилбек Отабек ўғли. Ўша асар, 17—19-бетлар.*

ҳоний мақсадини англай олмайди. Рус амалдори ва ўзбек уламси ўртасидаги савол-жавоблар матнининг мазмуни икки томон ўртасида ўзаро ақлий-руҳий олишув бўлганидан далолат беради. Олишув эса эшон фойдасига ҳал бўлади. У терговчи нимага шама қилаётганини дарҳол илғаб олади. Ундан нима истаганини ҳам тушуниб, шунга яраша жавоб қила билади. Эшон мустамлакачи амалдорнинг салтанатпарастлиги, намойишкорона очиқ таҳдидини ҳам илғай олади.

Мустамлака маъмурияти ҳам уста терговчи бош бўлган комиссия ҳисоботидан эшон ҳақида маълум тасаввур ҳосил қилди ва ўзига хос хулоса чиқарди. Эликдан ошган Мингтепа эшони жисмонан бақувват, руҳан бардам ва кўпни кўрган. Дипломатия бобида ўзига хос мактаб сабогини олган. Мустаҳкам диний эътиқоди, имони хушёрлик, мулоҳазакорлик ва тадбиркорлик билан уйғунлашган. Одамларга фавқулудда таъсир кўрсатиб сафарбар этиш қобилияти кучли. Шарқ олами ва Европа дунёсини яхши билади. Ўз олдига улкан бир мақсад қўйгани табиий. Ўз гоёсини рўёбга чиқаришда нозик усуллари ишлатишга қодир. Табиатан мулкдор синфларга эмас, балки камбағалларга мойиллиги учун кўзлаган мақсади мавжуд тузумни таҳликага солади. Шунинг учун ҳам серташвиш Фарғона вилоятида Мингтепа эшонига доимо кўз-қулоқ бўлиб туриш зарур.

Муҳаммад Али ҳам ўз навбатида комиссия тафтишидан тегишли хулоса чиқариб, мустамлакачилар билан ҳал қилувчи курашга тараддуд кўра бошлади. Фарғона музофотидаги машҳур одамларни ўз маслагига эргаштириш мақсадида Муҳаммадалибой, Сомий ва Холиқберди охундларга; Ўшга— Қурбонжон додхоҳ ва унинг болаларига; Марғилонга — Саид Аҳмадхўжа, Муҳаммад Юсуф эшонга; Наманганга — Яҳёхон тўра, Қодирхўжа ҳожи ҳамда бошқа тижорат аҳли ва уламога мактублар йўллайди. Улардан олинган жавоблар ўзбек саноатчиларининг кўзғолонга хайрихоҳ бўлсалар ҳам, уни бошлашга журъати етишмаётганлигини кўрсатди. Бу нарса, хусусан, андижонлик бойлардан халқ орасида Мамталибой номи билан машҳур бўлган, Андижонда Жомъе масжидини қурдириб берган Маҳмудалининг жавобидан яққол кўринади: «Рус подшоҳи катта подшо, ҳозир бунга муқобил бўлмоқ ниҳоят мушкул бир ишдир. Биздек фақирлар қўлидан келмай қолиб, охири кўп бешаранжомликларга боис бўлурмикин. Хусусан, бу кунларда ҳамма шаҳарларга поездлар келиб қолган, йўл яқин бўлган... Ниҳоят ўйлаб иш қилинса, яхши бўладур. Ва илло, ҳеч мусулмон киши бу золимлар қўлида қолмоққа розилиги йўқдир. Шаҳарлар ўзбекларга тор бўлгондек, тоғлар қирғиз, элатияларга тор бўлди, бутун Туркистон мусулмонларга торлик қилди.

Нима қилайлик, ноиложмиз. Қўлимизда ҳеч нарса йўқ. Етарлик асбоб ва хазина йўқ. Ҳар нечик бўлса-да, ишнинг оқибатини ўйлаб, бева-бечораларнинг фикрини қилмоқлари-

ни илтижо қиламиз, деб ёзилгувчи мискин ва ғариб Маҳмудали»¹.

1897 йил 15 шаввал ойида Мингтепага чақирилганларнинг барчаси ҳам вақтида етиб келмадилар. Кетмонтепа, Кўгарт ва Кошғар довонидан келган кўплаб қирғизларнинг обрўли кишилари (Чибил бўлис, Муҳаммадалибек ва бошқалар) икки кун бошқа вакилларни кутишди. Шундан сўнг эшон бошқа шаҳарлардан келган жавоб хатларини танишиш учун уларга берди. Турли жойлардан ўзбек бойлари, савдогарлар ва уламолардан келган хатларда баъзилар белгиланган муддатда шай чиқишларини билдирса, кўпчилигида кутиш зарурлиги баён қилинган эди. Эшон эса хулоса сифатида, қирғизларга «шаҳар халқи чор ҳукумати зулмидан қўрққанлари учун чиқмайдилар», деган. Йиғилиш кўзғолонни яхшиси келаси йили тараддуд билан бошлашга қарор қилди.

Эшон қирғизларнинг ишга чиндан ҳам жиддий киришганликларини пайқади. Мустамлакачи маъмурлар Кетмонтепа ва Кўгартдаги рус мужикларидан ташвишли хабарлар олабошладилар. Авваллари уларнинг ерларида чорикор бўлиб ишловчи, ижарачи ва бошқа хизматдаги қирғизлар келмай қўйишгани, улар билан алоқа бирдан узилганидан хавотирлана бошлагани маълум қилинди. Мужиклар маъмурларни умумқирғизлар ичида инқилобий ҳаракат кўзгалгани ва яқин кунларда ҳукуматга қарши кўзғолон бўлиши мумкинлигидан огоҳ қилишди.

Мустамлакачилар калаванинг учи бевосита Дукчи эшонга бориб тақалишини яхши билишган. Рус маъмурларининг жосуслик тармоғи Мингтепада ҳам ўз тўрини ёйгани маълум эди. Ифвогарлик илмида бутун Европага таниқли рус разведкаси ва контрразведкасининг кўтарилажак кўзғолонга қарши ўз чораларини кўриб қўйгани ҳақиқатга яқин. Мағлубиятга маҳкум бўлган кўзғолон кўтарилиши мустамлака маъмурлари узоқни кўзлаб астойдил ишлаб чиққан стратегияга мос ва маъқул эди.

Муҳаммад Али бой тажрибаси ҳамда фавқулодда сезиш қобилияти билан атрофида кимлардир, нима учундир ҳаракатни тезлаштиришга уринаёганини ҳис қиларди. Кўз илғамас душман қўли ғоят маккорлик билан иш кўрарди. Эшон бу кучни 17 май куни тўсатдан унинг ҳовлисига бостириб келган икки юздан ортиқ кишининг дарҳол кўзғолон бошлашни талаб қилганида яққол кўрди. Бутун режалар остин-устин бўлиб кетди. Жияни Абдулазизни эмас, балки уни, эшонни 17 май куни оқ кигизга ўтказиб, хон деб кўтарган қўлларни ҳам бегона куч бошқарди. Маккор душман одамларнинг эшонга эътиқодидан ҳам усталик билан фойдаланди. Оддий таёқлар эшон дуоси билан ўточар милтиққа, белбоғ эса тиг ўтмас қалқонга айланарди, деб ҳайқирганлар ишончини ҳам мустаҳкамлаб, олдинга

Фозилбек Отабек ўғли. Ўша асар, 25-бет.

бошлади. Эшон бу номаълум куч муддатидан эсанкираб, воқеалар тизгинини қўлдан чиқарибгина қолмай, сандигида жуда эҳтиётлаб сақланган муҳим ҳужжатларни олишни ҳам унутди. Муҳаммад Али гарчанд қўзғолон ташаббускори бўлса ҳам, унинг боришини идора қилолмай қолди. Кудратли тўлқин уни ўз домига тортиб, оддий иштирокчига айлантирди.

Қўзғолон стихияли тарзда бошланди. Унинг бориш жараёни қуйидагидек: Бир гуруҳ маҳаллий мансабдор шахслар эшон тайёрлаган мурожаатнома — қасамёдга ўз муҳрларини босишди. Мурожаатномада шундай дейилган эди: «Оллоҳ йўқ жойдан ўн саккиз минг оламни яратиб, инсонга мукаммал бир қиёфа бахш этиб, уни барча жонзотларнинг соҳиби, Одам Атони эса халифа қилиб кўтарди. Бутун оламни Оллоҳ пайғамбаримиз учун яратиб, уни энг яқин кишисига айлантирди ва ул ҳазратни тахтга ўтқазди-да, шундай мурожаат қилди: «Эй пайғамбар! Файридинлар ва имон-эътиқодидан қайтганлар билан жанг бўлғусидир». Бунда ўзига содиқ қолган ва энг яқин бўлганларга Жаннат ваъда қилди. Чорёрлар халққа панду насиҳат қилиб дедиларки, «Кимки ғазовот йўлида ўз мулки ва ҳаётини Оллоҳ ва пайғамбар учун қурбон қилса, бундайлар биз сингари бўлғусидир». Улар номуносиб бандаларни тийиш учун китоб битдилар ва бизга эсдалик сифатида қолдирдилар. Шундай экан, ўзимизни Оллоҳнинг қуллари ва пайғамбарнинг умматлари ҳисоблайдиган бизлар албатта ғазовот эълон қилишимиз жоиздир. Биринчидан, Оллоҳ ва пайғамбар йўлидаги бу муқаддас урушда биз голиб чиқишимиз, иккинчидан, ҳаётимизни қурбон қилишимиз лозим.

Биз қуйида ўз муҳримизни босганлар, олдимизга каломуллоҳни қўйиб, Оллоҳ ва пайғамбарга қасамёд қилиб, халифамиз билан шартнома туздик. Шундан кейин, агар ўзимизга бино қўйганимиздан, шайтоннинг васавасига учиб ёки ширин жонимизни сақлашни ўйлаб, қўрқиб, ваъдамиздан қайтиб, уни бажармасак, дўзахга тушайлик, икки дунёда юзимиз қора бўлсин, қиёмат кuni шармандаю шармисор бўлайлик.

Бу сўзларнинг тасдиғи учун муҳримизни қўйдик»¹.

Мазкур қасамёдга маҳаллий амалдорлар ва обрў-эътиборли кишилардан ўн икки киши: Мулла Аҳмад Нойиб Мирза ўғли, Ҳайитбой Тўқсабо, Орзиқулбой Понсод, Умарбек Додхоҳ, Ботир Мингбоши, Сотғибой Мирза, Ботир Мингбоши Нормат ўғли, Муҳаммад Иброҳим Тўқсабо, Мулла Ғойибназар Ортиқ ўғли, Алибек Додхоҳ, Мулла Қосим Амин, Зиёвиддин Маҳдум Муҳаммад Шариф ўғли² ўз муҳрини босган.

14 май кuni кечқурун Муҳаммад Али халфанинг уйида кен-

¹ *Мусо Туркистоний*. Улуғ Туркистон фожиаси. Мадина, 1979, 107—108-бетлар.

² Айблов хулосасидан. ЎзР МДА, 1-жамғарма, 31-рўйхат, 91-иш, 53—61-варақлар.

гаш бўлиб, унда Фарғона вилоятининг турли бўлисларидан келган кишилар қатнашди. Кенгашда эшон маълум қилган режага биноан водийдаги уч шаҳар — Андижон, Марғилон ва Ўшдаги ҳарбий лагерга бир кунда ҳужум қилиниши керак эди. Бу ҳужум муваффақиятли тугаса, Қўқонни ҳам олиб, водийда хонлик тузуми тикланарди. Сўнгра мустамлакачилар Самарқанд, Тошкент ва Чимкентдан ҳам ҳайдаб чиқариларди.

Орадан икки кун ўтгач, яна эшон хонадониди кенгаш бўлиб, унда мингга яқин одам қатнашди. Шу кенгашда, кўзғолоннинг қачон бошланишига ва эшоннинг ўн тўрт ёшли жияни Абдулазиз (Мусулмонқул) хон қилиб кўтарилажагига келишилди.

17 май куни шом намозиди Тожик қишлоғиди масжидга жуда кўп одам тўпланди. Намоз пайтида эшон халққа мурожаат қилди: Бу мурожаат Мусо Туркистоний асарида қуйидагича акс эттирилади: «Эй муҳтарам мусулмонлар! Эй биродарлар! Ҳаммангизга маълумдирки, юртимиз мусулмон, эл мусулмон, халқ мусулмон, хон мусулмон, шариатнинг ҳукми жорий, амри нофиз эди. Ҳукуматни Оллоҳ таоло ўзи биладур, кофирларни мусаллат қилди, юртимизга ўрус келди. Худоёрхон ўрнига Кауфман, Умархон тахтига Чернайуф ўлтирди. Фарғона хонлиги ерида Москва хонлиги — оқ подшо ҳукмрон бўлди.

Ўрус ватанимизни истило этди. Сўнг тилимизга истило қилди. Секин-аста динимизга истило қилмоқга бошлади. Биласизларки, мусулмонларнинг ахлоқи бузилди. Ўриснинг келғонига ўтгиз йил тўлмай, мусулмонлар рибога одатланди, ҳалол-ҳаром фарқ қилмас бўлди. Қозиларимиз бўйнига бут тақадифон бўлди. Хулоса, шариатимиз хор, мусулмончилик ғариб бўлди. Ҳурриятимиз ғоиб бўлди, истиқлолимиз маҳв бўлди, ўзимиз ўтмас, сўзимиз кесмас бўлдик. Эй воҳ!

Эй мусулмонлар! Бунга сабаб ўзимиз бўлдик. Бу ҳолимизга Оллоҳ ҳам рози эмас, Расул ҳам рози эмас. Бу асорат ва маҳкумиятга кимса рози эмас, инс ҳам, жинс ҳам рози эмас. Эй биродарлар, тек тураверсак, бу кофир яна баттар қиладур. Вой бизнинг ҳолимизга!

Тарихда ўтган муаззам бир салтанат қурғон қаҳрамон паҳлавонлар авлодимиз — бу зиллатга ҳеч қандай зиреҳ чидамас. Қани биздаги шижоат, қани аждодларимиздаги басолат, Сизларга нима бўлди?

400 олимимиз бордир, ҳаммаси мусулмон, ҳаммаси турк, ҳаммасининг исми Муҳаммад. Ҳаммаси ҳанафий мазҳабдир. Бу исмда, бир мазҳабда, бир қабристонда бу қадар олимларни тўплаган Туркистонни дини тақдимда, дин одимларини етиштиришда на даражада хизматлари сабақат этганлиги ўқувчилар диққатига арз ўриндур. Жаҳон тарихида, ер юзида, кўк юзида бу мисли кўрилмоғондир. Туркистонликлар ҳар қанча ифтихор этса арзийдур, бажодур, эй биродарлар! Бизлар шундоқ аждод-

нинг набираларимиз. Ўлук уйқусида ухлайсизми?!» — деб ҳазрат эшоннинг сўзи бу жойга келгонда зори бошланди. Ҳозир тургонлар ҳўнг-ҳўнг йиғлаш билан эшоннинг амрига омода эканликларини билдирдилар. Аларнинг ҳаяжонларини босиш учун ҳазрат эшон сўзида давом этди:

Эй мусулмонлар, эй худонинг бандалари, эй пайғамбар уммати! Чин мўмин бўлсангизлар, сизларга жиҳод лозимдур, жиҳод! Эътиқод Оллоҳ йўлида жиҳод қиламиз, ўлсак — шаҳид, ўлдирсак — ғози бўламиз. Жиҳод қилмагунча елкамизга минган бу рўдапо ўрусдан қутулиш йўқ.

Эй мўминлар, кўзингизни очинг! Фафлатдан бедор бўлинг! Кофирлардан ҳуқуқимизни олайлик.

Эй биродарлар, ҳурриятимизни олайлик, ўз Ватанимиз, ўз юртимизда ўзимиз ҳукумат қурайлик. Бунинг учун биздан ғайрат истайдур, ҳиммат истайдур, хоҳи жиҳод истайдур, фийсабиллалоҳ жиҳод вақти келди!

Ҳаййу аълал жиҳод!

Ҳаййу аълал фалаҳ!

Шу ҳолда хонақоҳни тўлдирган мусулмонлар «Жиҳод! Жиҳод! Жиҳодга ҳозирмиз, молимиз, жонимиз жиҳодга фидо бўлсин. Ҳазрат эшон, амрингизга ҳозирмиз!» деб бир овоздан бақирдилар.

Ҳазрат эшон яна сўзга оғиз очди:

— Боракаллоҳ, боракаллоҳ, шундоқ хизмат лозим Оллоҳ йўлида.

Сўнг эшон шаҳид бўлганлар ўлук эмасдур, алар тирикдур, деган мазмунни ифодаловчи ушбу оятни ўқиди: «Валатакулу лиман йўқталу фисабалиллоҳи амватун бал ай аҳйсун ва лаекин ла тишуруна». Эй биродарлар, ажал бордур, қирқ йил қиронгарчилик бўлса ҳам ажали етган ўладур, худо ризоси учун жиҳодга ҳозир бўлинглар.

Ҳаййу аълал ғазо, ҳаййу аълал фалаҳ, ҳаййу аълал жиҳод! Оллоҳу акбар! Оллоҳу акбар! Оллоҳу акбар!»¹

Бу калимани ҳамма баробар такрорлади. Ҳазрат эшон нутқи охирида:

— Ҳаммангиз ҳозирланинг, бу кеча ҳуфтондан кейин ҳужум! — деди.

Кейин яқин қишлоқларга чопар йўллади, ҳазрат эшон амрлари билан жиҳод фийсабилллоҳ эълон қилинди. Чопарлар кимки мусулмон бўлса, бу оқшомдан қолмай жиҳодга ҳозир бўлсин!», деб нидо қилишди.

Ҳуфтон намозига одамлар қуролланиб келишди. Аммо уларнинг камдан-ками қилич ва милтиқ билан қуролланган, асосий қисми сўйил, чўқмор, кетмонсоп, паншаха қўтариб олишган эди. Намоз пайтида улар қуроллларини масжид деворига суяб

¹ *Мусо Туркистоний*. Улуғ Туркистон фожиаси, 108—109-бетлар.

қўйишди. Намоз ўқиб бўлингач, ҳамма баравар «Жиҳод! Жиҳод! Жиҳод!», — дея ҳайқира бошлади. Қисқа вақтда бу овоз бутун қишлоқни тутиб кетди.

Бир пайт эшон ҳовлисининг дарвозаси очилиб, ундан оқ отни етаклаб чиқишди. Муҳаммад Али халифа: «Бисмиллоҳир раҳмонир роҳийм, баният жиҳод!» деб отга минди. Шундан кейин кўзғолончилар йўлга тушдилар.

Тўпланган одам олти юз нафарча эди. Лекин уларнинг ҳаммаси ҳам отлиқ эмасди. Шу боис отлиқлар пиёдаларни мингаштириб олишди. Қолганлар пиёда ёки аравада йўлга тушишди. Кўзғолончилар сафи йўл-йўлакай тўлиб борди. Оломон икки байроқ остига уюшганди. Биринчи байроққа Мулла Зиёвуддин маҳдум бошчилик қилаётган эди. Кўк тўн кийиб, оқ салла ўраган отлиқ эшон эса иккинчи байроққа бош бўлгани ҳолда энг олдинда девона болалар даврасида борарди.

Уша воқеалар гувоҳининг ҳикоясига кўра, «Мингтепада қиёмат барпо бўлиб, ҳамма хотин-халаж, эркак кўчага чиқиб, «Эшон хон кўтарилди!», деб шойе қилдилар. Хуфтон вақти эди, бирдан ҳар ким қўлига тушган нарсани олиб, кимдир пичоқ, кимдир шоп, кимдир тўппонча, қайсилари милтиқ, хуллас, ҳар ким топган нарсасини олиб, тахминан олти юз чамаси бўлган киши шаҳарга қараб жўнаб қолдилар. Булар кечаси билан юриб, эрта саҳар Андижонга, Ҳакандга келдилар». Кўзғолон қатнашчиларидан Матмусанинг маълумотига кўра, 17 май кеч-қурун Тожик қишлоғида «газовот, газовот» деган ҳайқириқлар янграб узоқдан Муҳаммад Али бош бўлган кўзғолончилар кўринади. Илғор қисмга мулла Аҳмад исмли қирғиз бош бўлиб, у телеграф симларини қирқишга буйруқ олади. Улар йўлда Асака миршабини учратиб, уни ўлдиришади. Мулла Зиёвуддин маҳдум бош бўлган кўзғолончилар Қўнжи қишлоғига киришганда уларга яна 200 киши келиб қўшилади. Қорақўрғон ва Ўқчидан ўтиб, Қўйлига яқинлашишганларида уларга мингбоши Ғойибназар ўз йигитлари билан келиб қўшилади. Мингбоши рус мирзаси Бичковнинг қалласини эшонга тортиқ қилади. Эшон Ғойибназарга раҳмат айтади, лекин каллани қабул қилмайди. Шу қишлоқда у нопок қози мулла Йўлдош Холмат ўғлини тутиб келишни буюради. Кўзғолончилар Андижонга яқинлашганларида уларга бой савдогар Алибой қуроллантириб юборган 150 йигит қўшилади. Эшонга қўшилган Андижон йигитларига аввал русларда хизматкор бўлиб, кейин эшонга мурид бўлган Муҳаммад Зулун қўмондонлик қилади.

Воқеа гувоҳи Н.Веселовский ўз кундалигида, жумладан, мана буларни ёзган: «... Бир маҳал, сартлар (ўзбеклар) чекина бошлашди. Лекин байроқ атрофида бир тўдаси қимирламай турарди. Мулла кўк байроқ остида баланд овозда Қуръон ўқир, чекинишни истамас эди. Унинг ёнида баланд бўйли-йигит байроқ кўтариб турарди. Шунда аскарлар отган ўқ муллани кулат-

ди. Байроқдор унинг ўлигини қўлтиқлаб олди, аммо у ҳам ўлдирилди. Байроқни подпоручик Карселадзе олди. Муҳаммад Али Андижон шаҳрига кираверишдаги адирда намоз ўқиш учун тўхтади ва уч йигитни жарчи сифатида олдиндан шаҳарга юборади. Андижон Эски шаҳар қоровули миршаблари «газот, газот!» дея ҳайқириб келган жарчиларни қаршилик кўрсатмай ўтказиб юборишади. Орқадан изма-из етиб келган 163 киши қоровуллардан бири йўлбошчилигида 20-Туркистон линия батальони казармасига бостириб киришади. Казарманинг пирамидаларида турган 30 га яқин милтиқни ўлжа олиб, ухлаб ётган биринчи қатордаги солдатлар устига ташланишади. Уларни пичоқ, ханжар билан уриб калтаклаб туришганда иккинчи қатор ичкаридаги солдатлар уйғонишиб, дарҳол ёнларидаги милтиқларни оладилар. Чорак соатча давом этган отишмадан сўнг кўзғолончилар тўрт ўлган шерикларини ташлаб чекинадилар ва соат олтиларгача Эски шаҳарда туриб, кенгашадилар. Улар тайин қарорга келаолмай, Қорабура тарафи билан орқага чекинадилар. Шаҳарга кирмаган кўзғолончилар эса «Афғон боғ» деган имтиҳон боғида имтиҳончи рус тўрани ўлдириб, туғларини унинг қонига бўяшган эди.

Аскарлар сартларни найза ва қўндоқлар билан уришди. Улар эса ўз қуроллари ва бизнинг қурооллар билан ўзларини ҳимоя қилишди, аммо муваффақият қозонишолмадилар. Тез фурсат ичида уларни Дўнг қишлоғига ҳайдашди. Фақат патронлар ва отлар етишмаганлиги сартларни тўла қирилиб кетишдан сақлади. Жанг майдонида 15 сартнинг ўлиги қолди. Лекин кўп ўликлар ва ярадорларни улар ўзлари билан олиб кетишиб, қишлоқларга яширишди¹.

Шаҳардан чувалашиб чиққан кўзғолончиларни кўрган шаҳар аҳли ҳайрон бўлганча нима ҳодиса рўй берганлигини тушунмай қолди. Гувоҳларнинг эслашича, «эшон янги шаҳардан қочганича ва Ҳакандга қараб келаётганда баъзи сўфилар отларини кўчага ташлаб, Ҳаканддаги боғларга кириб бекиниб олдилар. Эрта билан Ҳаканд аҳли боғларида буларни кўриб, аҳволни билиб, кўрққанидан аскарларига эски тўнлар бериб, саллаларини кийдириб, мардикорларга ўхшатиб, ишлатиб қоладилар. Эски шаҳардан қочганлари Қорадарёдан кема билан ўтганча ҳар қайсилари ўз жонларини сақлаш фикрига тушиб, тўғри келган томонга қочдилар». Андижонда, айниқса руслар яшайдиган янги шаҳарда мустамлакачи амалдорлардан тортиб то оддий фуқарогача ваҳимага тушиб, уйларига беркинган ва мусулмонларнинг ялпи ҳужумини кутган эдилар. Ҳатто туманбоши полковник Коишевский ҳам кўчага чиқишдан кўрқиб,

¹ Бу эсдалик «Русский инвалид» газетасининг 1898 йил 131—132-сонларида чоп этилган. Ундан қисқартириб олинди. *Али Назар Эгамназаров*. Сиз билган Дукчи Эшон. Т., 1994, 47—58-бетлар.

уйида беркиниб ётган. У олдига Эски шаҳар оқсоқоли Холботир Рўздорбий ўғли мингбоши келгандагина воқеани тинчлик билан тугатгани билган. Гувоҳларнинг ёзишича, агар эшон Эски шаҳарда соат 8—10 ларгача турганда, халқ тўпланиб миллий муҳораба бошланар эди. «Чунки у вақтларда умумий халқ Русия ҳукуматининг зулмидан ниҳоят безор бўлиб, кўзғолишга ҳеч фурсат тополмай юрар эди. Фуқаро мундан беҳабар, соат саккиз эди, бозорлар ҳар кунгидек очилиб, ҳамма ўз тирикчилигига машғул бўлди. Соат 9 ларда шуҳрат бўлдики, Йикчи эшон шаҳарга ҳужум қилиб, тамом солдатларни ўлдириб чиқиб кетибдир, деб, бу хабар тарқалгандан кейин Эски шаҳарнинг катта оқсоқоли Холбаходир мингбоши Рўздорбий ўғли Эски шаҳар аҳволотини янги шаҳарга хабар бермоқ учун отланиб, чиқиб кўрдики, янги шаҳарда ҳеч ким йўқ»¹.

Кўзғолоннинг биринчи кунндаёқ кучларнинг тарқоқлиги маълум бўлди. Ҳамма бир вақтда кўтарилмади. Кетмонтепа ва Кўгартдаги қирғизлар сардори Чибил бўлис зудлик билан эшонга қўшилиш ўрнига «аввал шу жойдаги мужикларни саранжом қилиб, кейин борамиз», дея рус деҳқонлари посёлкаларига юриш қилди. Иноятхон эшон Марғилонга ҳужумни уюштирибди, асосий кучларини Муҳаммад Али қўшини билан бирлаштиришга қарор қилди. Умарбек додхоҳ ҳам Ўшга юришнинг уддасидан чиқолмади. Чунки мингбоши Қорабек Ҳасанов Ўш тумани бошлиғи подполковник Зайцевни олдиндан огоҳлантирган эди.

Марғилон гарнизонида эса ўша кечаси атайлаб солдатларнинг ухлаб қолмаслиги учун базм ташкил қилингани ҳам тасо-дифий бўлмаса керак. Кўзғолончилар эса гарнизондагилар уй-қуда эмаслигини аниқлаб, орқага қайтишган.

Андижон кўзғолонига оид 20 жилдлик тергов ва сўроқ-жавоб материаллари ҳамда кўплаб адабиётларда бир қанча жумбоқларга жавоб топа олмаймиз. Чунки форизмнинг махфий хизмати ходимлари девор орқасида туриб фитна солишга моҳирлигидан ташқари, из йўқотишга қодирликда ҳам устаси фаранг эдилар.

Шундай қилиб, Муҳаммад Али эшоннинг кўзғолонни атрофлича ва пухта тайёрламай, режасиз, яхши қуролланмаган муридлари билан 1898 йил 17 майда чор истибдодига қарши курашга кўтарилгани рус мустамлакачилари учун айни муддао бўлди. Эндиликда уни ҳеч тап тортмай йўқотишга, қатлиом уюштиришга зўр дастак топилган эди.

Россия императори Бош штаб генерал-лейтенанти Корольковга Туркистон ҳарбий округида ёзги машқларни бекор қилиш, «овчи» команда қўшинларини Фарғонанинг турли туманларига юбориш, шаҳарлардаги ва темир йўллардаги барча

¹ *Фозилбек Отабек ўғли. Дукчи Эшон воқеаси, 29-бет.*

руслар ва мужикларни ёппасига қуроллантириш ҳамда ишончли ерли амалдорларга махсус ёрликлар билан ов милтиқларини беришни тайинлади. Мусулмонлар қонига ташна бўлган Корольков зудлик билан ишга киришиб, 1898 йил 20 май куни «Бўшанглик қилган» Фарғона вилояти ҳарбий губернатори Повало-Швейковскийни, туман ҳокимини, Асака участка пристави капитан Еникеевни лавозимидан бўшатди. У ўзига маслақдош мустамлакачи генераллардан Чайковскийни Фарғона губернатори, генерал Ионовни Фарғона қўшинлари қўмондони қилиб тайинлаб, маҳаллий халққа қарши шафқатсиз чоралар кўришда чекланмаган ваколатлар берди¹. Корольков шахсан ўзига махсус дала штаби тузиб олиб, унга маҳкама бошқарувчиси полковник Девелни, «Туркестанские ведомости» газетаси муҳаррири, подполковник Романовични, ҳарбий прокурор, генерал-майор Долинскийни, алоҳида ўта муҳим ишлар бўйича ҳарбий терговчи полковник Некрасовни бирга олиб Фарғонага жўнади. У Тошкентдаги 1-ўқчи батальонини, Қўқондаги 5-Оренбург казак полкни, Андижондаги 5-«овчи» командадан иборат жазо экспедициясини тузди.

Мустамлакачилар асосий диққатни Муҳаммад Али эшонни тутишга қаратишди. Улар эшонни ўзбекларнинг ўзи тутиб беришларини мақсад қилиб қўйишди. Ана шу мақсадни амалга ошириш учун рус амалдорлари «Хоҳ мингбоши, хоҳ фуқаро бўлсин, хоҳ бошқа бўлсин, эшонни тутиб келса, Андижон шаҳрига истарший оқсоқол қилинур», деб эълон қилишди. Фозилбек Отабек ўғлининг ёзишича, «рус аскарлари Мингтепага боргунча «ким учраса, отиб ўлдириб, эшоннинг ҳовлисига етиб, дафъатан атрофни ўраб, тинтув қилабошладилар... Мингтепада уч соат отишма қилдилар. Бу уч соат ичида солдатлар ҳовлидан ҳовлига ўтиб, ким кўринса отиб ўлдирдилар. Муддат битганда, эшонга қарашли нимаики бўлса олиб, шаҳарга қайтдилар. Ашё жумласидан бир хос сандуқда кўп хатлар бор экан, буни ҳам олиб келиб таржима қилиб кўрсалар, тамомиси ҳар кимдан борган дуойи саломлар экан. Дуойи саломлар кимдан бўлса, дарҳол шу одамларни тутмоққа амр қилинди. Шунинг учун Андижон шаҳридан кўп фуқаро қамалдилар»².

Бу вақтда Муҳаммад Алининг лашкари теварак-атрофга ҳар ёққа тарқалиб, ўзи озчилик муридлари билан тоғларда яшириниб юрган эди. Эшон тузоқдан қандай қилиб чиқишни билмай гангиб қолган эди. Муридлари ҳам саросимада эдилар. Чунки улар кутган воқеа юз бермади. Қолаверса, қўлларидоги дарралар эшоннинг дуоси билан милтиқларга айланмади, белбоғлари эса ўқ ўтмас совут бўлмади. Унга эргашган кишилар эса рус аскарларининг найзалари, ўқ ва тўплари ҳамда казак

¹ ЎзР МДА, 1-жамғарма, 31-рўйхат, 1144-иш, 323-варақ.

² Фозилбек Отабек ўғли. Ўша асар, 31-бет.

шамширларидан нобуд бўлишди. Охир-оқибат, Муҳаммад Али паришон ҳолда ёнида қолган уч содиқ муриди билан Арслонбоб яқинидаги Тошкўприкда пистирмага дуч келди. Рус мустамлакачилари ваъда қилган амалга учган миллатфурушлардан Қўқонқишлоқ мингбошиси Қодиркул ва бозор саркори Матяъқуб кўрбоши эшонни тутиш учун тор йўлни тўсиб туришган эди. Орқаларида эса штабс-капитан Оғабеков бошчилигидаги рус аскарлари шай туришганди. Матяъқуб кўрбоши эшонни таниб, унинг олдига чошиб чиқдида, таъзим билан «Эй, тақсир, мен сизни кутиб турибман, ёрдам бермоқ учун», дея риёкорлик билан отдан тушди ва унга яқинлашди. Миллатдошидан ҳеч ёмонлик кутмаган эшон очиқ кўнгил билан кўлидаги тўппончасини тушириб, отни тўхтатди. Матяъқуб билан кучоқлашиб йиғлаб кўришди. Оғир дамларда ёрдамини аямаган одамга меҳри тошиб дили тўлиб йиғлади. Матяъқуб бўлса эшонни кўтариб ерга босди ва шерикларини чақирди. Қодиркул мингбоши рус аскарлари билан бирга эшон ва унинг шерикларини боғлашди. У Муҳаммад Алига «Хотин талоқ! Ҳаммани хонавайрон қилдинг-ку!», — деди. Бундай хиёнат ва ҳақоратларни ўз миллатдошларидан сира кутмаган эшон дили вайрон бўлиб, уларни лаънатлади: «Икковинг ўлар вақтда жинни бўлиб ўлгин! Бизни русга тутиб берган қўларинг билан ўзингни уриб, сўккан оғзинг билан ўзингни тишлаб ўлгин!».

Миллат сотқинлари мустамлакачиларнинг сийловларига учиб, кўзғолон раҳбарини шу тариқа рус жаллодларига тутиб бердилар. Қодиркул Андижон Эски шаҳарига оқсоқол, Матяъқуб кўрбоши эса Қўқонқишлоққа мингбоши қилиб тайинланди. Босар-тўсарини билмай мустамлакачиларга астойдил хизмат қилишди, аммо лаганбардорликлари ҳам, ҳушомадгўйликлари ҳам иш бермай, охир-оқибат жазосини топдилар. Хиёнат билан берилган амал вафо қилмади. Қодиркул орадан кўп ўтмай бир арман бойини ургани учун судга берилиб, мансабидан бекор қилинди. У Қўқонқишлоққа қайтиб амал ҳасратидан касал бўлиб қолди. Қодиркул охири ақддан озди ва ўзини ўзи пичоқлаб ўлдирди. Матяъқуб ҳам беш ойдан кейин шундай ўлимга дучор бўлди. Топгани шу бўлдики, ҳарбий вазирнинг буйруғи билан унинг оиласига беш йил муддат билан ойига 50 рублдан нафақа тайинланди¹.

Мустамлакачилар қўл-оёғи кишанланган Муҳаммад Алини аравага солиб эски шаҳардан олиб ўтдилар. Ҳамма эшонни кўришга чиқсин, деган фармонга қарамай деярли ҳеч ким кўчага чиқмади. «Таажжуб шундаки, — дея эслашади гувоҳлар, — ҳоким ва тўралар эшондан бир оғиз ҳам маълумот ва саволларига жавоб ололмадилар. Ҳарчанд сиёсат қилдилар ва

¹ ЎзР МДА, 1-жамғарма, 3-рўйхат, 488-иш, 5—19-варақлар; *Р.Шамсутдинов*. Дукчи Эшон воқеасидан сўнг. «Шарқ юлдузи», 1991 йил, 1-сон.

ТУРКЕСТАНСКИЯ ВЪДО

ВЫХОДЯТЪ ПО ВОСКРЕСЕНЬЯМЪ И ЧЕТВЕРГАМЪ

№ 1668

Владострой вышло 26 апреля 1970 года



Портрет одного из участников событий, описанных в статье.

Владострой вышло 26 апреля 1970 года


Два человека на улице в Туркестане.



Официальный вид в Туркестане.

ПРОКАЗЫ

КРАКЪ
д. 112
улицы ин-
женерной,
в Шады-
но Садык.



улицы ин-
женерной,
д. 112
улицы ин-
женерной, д. 112
улицы ин-
женерной, д. 112

Завели на этот раз...

Завели на этот раз... [Text continues with details of the event]

История Арбухова и Омарова... [Text continues with details of the event]

Д. Абдулла Давлат и Хасан Бей Ира... [Text continues with details of the event]

Степенью их взаимности...

Степенью их взаимности... [Text continues with details of the event]

Д. Абдулла Давлат и Хасан Бей Ира... [Text continues with details of the event]

Степенью их взаимности...

Степенью их взаимности... [Text continues with details of the event]

Д. Абдулла Давлат и Хасан Бей Ира... [Text continues with details of the event]

Степенью их взаимности...

Степенью их взаимности... [Text continues with details of the event]

Д. Абдулла Давлат и Хасан Бей Ира... [Text continues with details of the event]

Степенью их взаимности...

Степенью их взаимности... [Text continues with details of the event]

Д. Абдулла Давлат и Хасан Бей Ира... [Text continues with details of the event]

ПО ВОССТАВЪ ТУРКЕСТАНСКОГО ВИМАНДО БОРТА.

1. Туркестан, 21 мая 1970 г. № 210.
Туркестанское восстание. 1) Абдулла Давлат, 2) Хасан Бей Ира, 3) Мухаммад Саидов, 4) Мухаммад Саидов, 5) Мухаммад Саидов, 6) Мухаммад Саидов, 7) Мухаммад Саидов, 8) Мухаммад Саидов, 9) Мухаммад Саидов, 10) Мухаммад Саидов, 11) Мухаммад Саидов, 12) Мухаммад Саидов, 13) Мухаммад Саидов, 14) Мухаммад Саидов, 15) Мухаммад Саидов, 16) Мухаммад Саидов, 17) Мухаммад Саидов, 18) Мухаммад Саидов, 19) Мухаммад Саидов, 20) Мухаммад Саидов, 21) Мухаммад Саидов, 22) Мухаммад Саидов, 23) Мухаммад Саидов, 24) Мухаммад Саидов, 25) Мухаммад Саидов, 26) Мухаммад Саидов, 27) Мухаммад Саидов, 28) Мухаммад Саидов, 29) Мухаммад Саидов, 30) Мухаммад Саидов, 31) Мухаммад Саидов, 32) Мухаммад Саидов, 33) Мухаммад Саидов, 34) Мухаммад Саидов, 35) Мухаммад Саидов, 36) Мухаммад Саидов, 37) Мухаммад Саидов, 38) Мухаммад Саидов, 39) Мухаммад Саидов, 40) Мухаммад Саидов, 41) Мухаммад Саидов, 42) Мухаммад Саидов, 43) Мухаммад Саидов, 44) Мухаммад Саидов, 45) Мухаммад Саидов, 46) Мухаммад Саидов, 47) Мухаммад Саидов, 48) Мухаммад Саидов, 49) Мухаммад Саидов, 50) Мухаммад Саидов, 51) Мухаммад Саидов, 52) Мухаммад Саидов, 53) Мухаммад Саидов, 54) Мухаммад Саидов, 55) Мухаммад Саидов, 56) Мухаммад Саидов, 57) Мухаммад Саидов, 58) Мухаммад Саидов, 59) Мухаммад Саидов, 60) Мухаммад Саидов, 61) Мухаммад Саидов, 62) Мухаммад Саидов, 63) Мухаммад Саидов, 64) Мухаммад Саидов, 65) Мухаммад Саидов, 66) Мухаммад Саидов, 67) Мухаммад Саидов, 68) Мухаммад Саидов, 69) Мухаммад Саидов, 70) Мухаммад Саидов, 71) Мухаммад Саидов, 72) Мухаммад Саидов, 73) Мухаммад Саидов, 74) Мухаммад Саидов, 75) Мухаммад Саидов, 76) Мухаммад Саидов, 77) Мухаммад Саидов, 78) Мухаммад Саидов, 79) Мухаммад Саидов, 80) Мухаммад Саидов, 81) Мухаммад Саидов, 82) Мухаммад Саидов, 83) Мухаммад Саидов, 84) Мухаммад Саидов, 85) Мухаммад Саидов, 86) Мухаммад Саидов, 87) Мухаммад Саидов, 88) Мухаммад Саидов, 89) Мухаммад Саидов, 90) Мухаммад Саидов, 91) Мухаммад Саидов, 92) Мухаммад Саидов, 93) Мухаммад Саидов, 94) Мухаммад Саидов, 95) Мухаммад Саидов, 96) Мухаммад Саидов, 97) Мухаммад Саидов, 98) Мухаммад Саидов, 99) Мухаммад Саидов, 100) Мухаммад Саидов.

Д. Абдулла Давлат и Хасан Бей Ира... [Text continues with details of the event]

Д. Абдулла Давлат и Хасан Бей Ира... [Text continues with details of the event]

Д. Абдулла Давлат и Хасан Бей Ира... [Text continues with details of the event]

Д. Абдулла Давлат и Хасан Бей Ира... [Text continues with details of the event]

Д. Абдулла Давлат и Хасан Бей Ира... [Text continues with details of the event]

Д. Абдулла Давлат и Хасан Бей Ира... [Text continues with details of the event]

Д. Абдулла Давлат и Хасан Бей Ира... [Text continues with details of the event]

Д. Абдулла Давлат и Хасан Бей Ира... [Text continues with details of the event]

Д. Абдулла Давлат и Хасан Бей Ира... [Text continues with details of the event]

Д. Абдулла Давлат и Хасан Бей Ира... [Text continues with details of the event]

Д. Абдулла Давлат и Хасан Бей Ира... [Text continues with details of the event]

Д. Абдулла Давлат и Хасан Бей Ира... [Text continues with details of the event]

Д. Абдулла Давлат и Хасан Бей Ира... [Text continues with details of the event]

Д. Абдулла Давлат и Хасан Бей Ира... [Text continues with details of the event]

Д. Абдулла Давлат и Хасан Бей Ира... [Text continues with details of the event]

Андижон кўзғолони ва унинг қатнашчилари ҳақидаги расмий ахборот.



Фарғонага юборилган жазо отряди.

гап сўрадилар, «эшон ҳеч кимни кўрсатмади, мустабид терговчиларни доғи ҳасратга қўйдилар».

Кўзғолон раҳбарининг қўлга олиниши бутун ўлкага ёйилиб кетган кенг халқ ҳаракатини тўхтатолмади. Янги тайинланган генерал-губернатор С. М. Духовской (1898—1901) ҳарбий вазир генерал Куропаткинга юборган рапортида ана шу фактни тан олади. «Бу гарчанд Фарғонада кўтарилган бўлса ҳам, — деб ёзган эди Духовской, — уни мутлоқ маҳаллий ҳодиса ёки қандайдир синфнинг иши деб бўлмайди. Фарғонанинг барча аҳолиси ва ўлканинг ўзга ҳудудларида ҳам газовотга хайрихоҳлик билдирганлар кўп. Фарғонадаги ғалаён дастлабки тахминларда кўзда тутилган район доирасидан анча кенг ташқарига ёйилиб кетди дейишга тўла асос бор»¹.

1898 йил 19 майда Яккатутда қуролланган деҳқонлар жазо отрядига қаршилик кўрсатган. Наманган туманида қирғиз кўзғолончилари руслар билан тўқнашган. Бу «шайка»га қарши казаклар жанг қилишган. Қўқон туманида телеграф устунни қирқилиб, темир йўл излари қўпорилиб ташланган. Бир неча юз ўзбеклар худди шу туманда Бешариқ бўйлаб темир йўл мин-

¹ ЎзР МДА, 1-жамғарма, 31-рўйхат, 1144-иш, 307-варақ.

тақаси орқали сафар уюштириб, маъмурият кучларига хужум қилганлар. 7 июнда Кўгарт волостидаги қирғизлар жазо отрядига хужум қилишга уринишган. 9 июнда эса Андижон туманидаги Сусамир волостидаги аҳоли бош кўтарган.

Жазо гуруҳларининг халққа кўрсатаётган ваҳшийлиги меҳнаткаш халқнинг ғазабини кўзгатиб, янги-янги исёнларга сабаб бўлди.


Муҳаммад Али қамалгандан кейин рус аскарлари ҳар куни «эшонга қарашли ёрдамчилар» деб ўзбек, қирғиз, қипчоқ, қорақалпоқларни тутиб ўлдирдилар. Мустамлакачилар бош оқсоқолга шундай кўрсатма берганлар: «Эски шаҳарни эҳтиёт билан сақлаб турасан? Эшонга борди-келди қилгон одамлар бўлса, ҳаммасини суриштириб тутиб берасан! Умуман фуқароларни қайси хил сиёсат билан бўлса-бўлсин, Русия подшоҳига тобеъ ва мутеъ қиласан! Русия амалдорлари эски шаҳарга тушсалар ҳамма фуқарони ўрнидан туруб, энгашиб салом қилмоққа ўргатасан! Дўкондор ва растадагилар бўлса, ҳаммаси бўлсун, ҳоким, пристав, қайси амалдор бўлса — бўлсин, эски шаҳарга тушса, ҳаммалари дўконларининг олдига тушиб қатор бўлуб, энгашиб салом қилиб турсинлар. Муллалар ва мударрислар бўлса шогирдларига Йикчи эшондан шикоят қилиб, уни ёмонлаб турсунлар! Ва мактабдорлар бўлса, майда болаларга «Эшон осий бўлди, боқий бўлди» деган гапларни ўргатсунлар! Аълам, муфтилар бўлса, «Йикчи эшоннинг осий, боқий бўлғони учун тезда ўлум жазосига мустаҳиқ бўлмоғи шариятда ҳам дуруст» деб фатво берсунлар. Адиб ва шоирлар Йикчи эшоннинг қилгон тамом ёмонлиғи ва ҳийлаларини шеър (байт) қилиб газитга юборсунлар! Агар ҳар ким бу хусусда қилгон сиёсат жабриндан арз қилса, биз у аризачининг ўзига жазо берамиз»¹.

Қодирқул мингбоши бу кўрсатмани бажариш борасида шундай зулм қилган эдики, замондошларидан бири бу ҳақда қуйидагиларни ёзади: «Биров энгашиб салом қилмаса, тутиб тўхтатмоқни бу киши чиқарди. Бундан ўрганиб рус амалдорлари ҳам халқни «рукуъ» билан салом ва «сажда» қилдирадиган бўлдилар. Бечора халқ шапқалик кишининг соясини кўрса ҳам ўрнидан туриб сажда қилишга одатланиб қолди». Мустамлакачилар қатлиомни кучайтириб, одамларни даҳшатга солиш мақсадида ҳеч қандай суд-терговсиз дорга осийни одат қилдилар. Гувоҳлардан бири шундай манзарани тасвирлайди: «Бизларни бозордан ва маҳалладан катта оқсоқол фармойиши билан миршаблар ҳайдаб, тахминан 500 кишини янги шаҳар девори тагига олиб бориб эди; қарасак, адир тарафга 8 та дор қилиб, арғамчиларни тортиб, тайёр қилиб қўйгон экан. Бу ҳолда турмага 50 га яқин солдатлар ўлан (ашула) айтиб кириб, 5 та

¹ *Фозилбек Отабек ўғли. Дукчи Эшон воқеаси, 37-бет.*

мусулмонни ҳайдаб чиқди. Бечораларнинг ранги-рўйига асло қараб бўлмайди. Бечораларнинг ихтиёри ўзида эмас, сўзламоққа мажоллари ҳам йўқ эди. Қамалганларига анча кун бўлгон бўлса, овқат емаганлари ҳам маълум эди. Дарҳол 5 та хом сурупдан тикилган халта олиб келдилар. Бир мутақаббир «тўра» қўлига ярим тахта қоғозни олиб ниҳоят қовоғини солиб ўқиди: «Сизларнинг подшоҳи аъзам, императури муаззам аскар-ри борасида қилгон ҳамла, ҳужумларингизга ва бу исёнга сабаб бўлгон Муҳаммад Али эшоннинг императури аъзамнинг улуғ сиёсатидан кўрқмай қилгон феълига шерик бўлиб ёрдамда бўлгонларингиз сабаб бўлди. Сизларнинг бешовларингизни ҳарбий суд осиб ўлдирмоққа ҳукм қилди» деган ҳамано солдатлар бирдан қиличларини суғуриб, пешоналарига тутиб, ярим соатга яқин ноғораларини чалиб турдилар... губернатор фуқароларга қараб: «Бу кўрилган сиёсатни кўрмаганларга баён қилинлар, ҳар ким исён қилса, мундан баттар бўладилар»¹, — деб мурожаат қилди.

Бундай қатағонлар эрксевар Фарғона йигитларининг шаштини қайтармади. Мутеъ бўлиб, русларга бош эгишни истамаганлар тоғу тошларга чиқиб курашни давом эттирдилар. Сибирь ҳарбий округи штаби бошлиғи генерал-майор Зарубаев



Мустамлакачиларнинг жазо отрядлари ёндирган қишлоқ.

¹ Фозилбек Отабек ўғли. Дукчи Эшон воқеаси, 35-бет.

1898 йил 28 июнда ҳарбий вазирга юборган мактубида Жаркент туманида халқ кўтарилгани, газовотга барча Илиорти волост бошқарувчилари ҳам қўшилиб кетганини ёзиб, аҳолида жуда кўп миқдорда қурол, ўқ-дори пайдо бўлганидан ташвишланади. Уларга қарши казак полки қисми юборганини маълум қилади. Фаргонанинг шимолида эса эшоннинг сафдошлари Чибил бўлис ва Шодибек ҳаракатни давом эттиришган. Прижевальск туманбошиси Туркистон ҳарбий округи штаби бошлиғига йўллаган телеграммасида Еттисув вилояти чегараси яқинида Андижон туманининг ўтиб бўлмас тоғларида мингга яқин кўзғолончи яширинганини, 200—300 кишилик гуруҳларга бўлинганини ва уларни ерлилар озиқ-овқат билан яширинча таъминлаб турганини, Пишпек, Сусамир, Тўқмоқ ва бошқа ерларда галаёнлар давом этаётганини хабар қилгани тасодифий эмас, албатта. Сусамир волостида Шодибек бошчилигидаги ерлилар газовот қилишгани ҳақида 5 июль кuni мингбоши Андижон туманбошисига хабар қилган.

Генерал-губернатор Ҳарбий вазирга йўллаган ахборотида «Сўнги галаёнларда» Марғилон, Андижон туманларидаги ерлилар фаоллиги ҳақида ёзиб, Андижон, Марғилон ва Ўш шаҳарлари «энг ашаддий» газовотчиларни етказиб бергани ва Мингтепа, Қўнжи, Асака, Қоратепа, Новкат, Қува, Шаҳрихон, Аравон, Яккатут, Ичкилик, Ёзёвон, Оқбўри, Булоқбоши, Кўгарт, Сусамир, Кенгкўл, Қорақир каби волостлар кўзғолончилар уясига айланиб қолганлигини хабар қилади¹. Бу ерлардаги йигитлар кўзғолон раҳбарлари қамалиб қатл этилган бўлса ҳам, тарқоқ ҳолда гуруҳларга бўлиниб, курашни давом эттиришган.

Жазо экспедицияси бошлиғи генерал Корольков ўз ҳисоботида Муҳаммад Алидан кейин кўзғолоннинг энг йирик етакчилари сифатида қуйидаги 14 кишининг исм-шарифларини келтирган: мулла Аҳмад ноиб, Ҳайитбой тўқсабо, мулла Қосим Амин Араббой ўғли, Орзикулбой понсод, Муҳаммад Иброҳим тўқсабо, мулла Ғойибназар Ортиқ сўфи ўғли, Алибек додҳо, Ғойиб ҳожи Муҳаммад Мурод ўғли, Муҳаммад Зиёвуддин маҳдум домла Шариф ўғли, Умарбек додҳо, Отакул понсод, Рустамбек, Маллабой, Ҳидоятхон².

Корольков 1898 йил 3 июнь кuni эшоннинг жияни, Қўқон хони тахтига мўлжалланган 14 ёшли Абдулазиз ҳам қўлга олиниб, Андижон турмасига солинганини хабар қилади.

Мустамлакачилар кўзғолон раҳбарларининг қийноқ-азобларга мардона чидаганидан ғазабланганликларини яширмаганлар. Улар Муҳаммад Алидан шундай кўрққан эдиларки, у ҳатто

Кўшинлар кўмондони С. М. Духовскойнинг 1898 йил 5 августда юборган 6980-сонли рапортидан.

² ЎзР МДА, 1-жамғарма, 31-рўйхат, 1144-иш, 329—333-варақлар.

қўлга олиниб ҳибсга олинганида ҳам шу одам эшон эканлигига ишонмай уни танийдиган одамларни зўрлаб келтириб, қасам остида маҳбуснинг ким эканлигини тасдиқлашни сўрашган. Шундай гувоҳлардан бири Мирзо Маъсуд хотираси диққатга сазовор: «Бизларни 5 та тўралар бирга бошлаб турмага олиб бориб эди, қарасак, турмада қадам босарлик жой йўқ, ҳавонинг ниҳоят иссиқлигидан турманинг ичи дўзах бўлуб кетибдур. Бош-оёқларида занжир бор. Қочмоқ у ёқда турсун, турарга мажоли йўқларнинг оёқларига занжир солибдирлар, буларнинг ичидан оралаб ўтиб, бир хонага кириб эдик, Йикчи эшон билан уч киши ўлтирибдирлар. Ҳаммалари банд, занжир солинғон. Хусусан, эшонни ниҳоят маҳкам боғлабдирлар. Оёқ-бўйни, қўли боғлиқдир. Бошида салласи бор, устида малла эски тўни бор, ерга қараб ўлтирибдир. Салом қилиб кириб эдик, ёнимда турғон мингбоши салом қилма, дегандек ишорат қилиб, нуқуб қўйди. Кейин тўралар кириб: «Чўрт эшон!» деди. Бизларга қараб: «Эшон шуми?» деб савол қилиб эди, бизлар «шу», дедик. «Яна тузук кўринглар, ғалат қилманглар, рост айтинглар», деб сиёсат қилиб эди, бизлар қўрқиб: «Эшон шу, бошқа эмас» деганимизда «Қайси бири, қўлинг билан ушлаб кўрсат!» деди. Ҳаммамиз бир-бир ишорат билан кўрсатдик. Кейин, «Яхши», деб чиқиб кетдилар. Эшон асло бизга қарамади»¹.

Фарғона вилояти губернатори ҳарбий суд билан бирга эшонни Андижон тумани бошлиғи маҳкамасига олиб келиб тергов қилганида қатнашган мирзабоши мулла Исмоилнинг ҳикояси ҳам диққатга лойиқ: «Уезд (туман) маҳкамасининг адабий таржимони Эшмуҳаммад тўра Тошмуҳамедов деганини чақириб, ҳарбий суд раиси буюрди: «Эшонга айтинг, бўлғон ҳодисани сўзлаб берсун, кимлар эшонни шу ёмон ҳаракатга далолат ва тарғиб қилди?» Эшон ўзим қилдим, деб жавоб берди.

Раис: Сен билан кимлар бирга эди: амалдор, мингбоши ёки юрт боши катталаридан ҳам иштирок қилдиларми?

Эшон: Йўқ.

Раис: Оқ подшоҳ ва унинг амалдор, ҳоким, пристуфларини дўст тутар эдингми, ёки душман тутар эдингми?

Эшон: Кўтарт тарафидаги мужиклар бечора фуқарони кўб хор қилиб, уруб, ер-сувларини тортиб олғонлари учун хафа бўлуб, душман тутар эдим.

Раис: Мужикларнинг зулм қилғонини ўзинг кўрганмисан ёки одамлар келиб айтдимми?

Эшон сукут қилиб жавоб бермади. Раиснинг атрофида элликка яқин солдатлар турғон эди. Уларга қараб: «Ур!» деб буюрди. Тўрттаси югуриб келиб қўлидаги милтиқнинг қўндоғи билан 20—30 ни солдилар. Эшон ўлтирғон курсидан йиқилди.

¹ *Фозилбек Отабек ўғли. Дукчи Эшон воқеаси, 42-бет.*

Яна турғизиб қўйиб: «Сўзла, мужикларнинг зулмини санга ким хабар қилғон!», деб савол қилғонда, эшон:

— Алҳамдулилло, алҳамдулилло! — деб қўйди.

Суд раиси «Нима дейдир?» деб таржимондан савол қилғонда Тошматуф, худога шуқр қиладир, деди. Суд раиси яна икки солдатга калтаклардан олиб кел, деб буюрди. Солдат юғуриб чиқиб, бир кучоқ калтак олиб келди. Эшонни ётқизиб калтакладилар. Эшон ҳеч овоз чиқармай беҳуш бўлиб қолғондан кейин солдатлар судраб, ташқари олиб аравага кўтариб ташладилар»¹.

Эшоннинг сўроғида жазо экспедициясининг бошлиғи Корольков ҳам бевосита иштирок этди. У Муҳаммад Алидан кўзғолон сабабини сўраб-суриштирганда эшон шундай деган: «Руслар бизга яхши қарашади. Мусулмонлар бойиб кетмоқда, аммо бу бизга жуда қимматга тушмоқда, чунки мусулмон руҳидан путур кетмоқда. Вужуд яйраса-да, руҳ ўлмоқда. Самовотнинг ўзи мени ҳаракатга ундади, мусулмонларни Муҳаммад алайҳиссалом подшолиги ва унинг қонунларини ҳалокатга етакловчи шундай хоинона фаровонликдан халос этиш учун курашга кўзгатди». Корольков эса бундай кўзғолонни «мусулмонларнинг насронийлар билан асрий курашининг оқибати», деб баҳолади. Мустамлакачилар ўша 1896 йилда Туркиянинг Греция устидан қозонган ғалабасини кутлаётган мусулмон оламидан ўзига хос диний интиқом олиш учун ҳам Андижон кўзғолони баҳонасида даҳшатли қатағон уюштирдилар. Эшон ва унинг яқин маслакдошларини қатл этиш маросими бу интиқомдан биринчи кўриниш бўлди.

Рус маъмурлари Муҳаммад Али сиймосида фақат кўзғолон раҳбаринигина эмас, балки дини ислом уламосини ҳам кўрардилар. Мустамлакачилар унинг мол-мулкани мусодара қилишганда 300 дан ортиқ нодир Шарқ қўлэзма китоблари қатори Муҳаммад Али қаламига мансуб «Ибрат ул-ғофилин» («Ғофиллар учун ибрат») асарини ҳам кўришган эди. Рус амалдорлари унинг сиймосида Туркистон ўлкасини руслаштириш сиёсатининг ашаддий муҳолифи намоёнлигини ҳам ҳис этишган. Ана шунинг учун ҳам рус зобитлари ва генераллари эшонни руҳан ҳамда жисмонан маҳв этиш жараёни жуда таъсирчан бўлиши учун барча воситаларни ишга солишди. 1898 йил 12 июнда бу қонли фожиа минглаб фуқаро кўз ўнгида рўй бердики, унда қатнашганлар ўз хотираларида ўша кун тафсилотларини тўла тасвирлаганлар. Мустамлакачилар Андижоннинг Эски шаҳар аҳолисини, барча катта-кичикни Янги шаҳардаги Тупроққўрғон олдида эрталаб соат саккизда ҳозир бўлишларини буюрдилар. Мактаб болаларининг ҳам қатнашуви мажбурий эканлигини уқтириб алоҳида буйруқ эълон қилишди. «Ёш болалар, —

¹ *Фозилбек Отабек ўғли. Дукчи Эшон воқеаси, 44—45-бетлар.*

деган эди губернатор Чайковский, — катта одамлардан кейин қоладурғон одамлар бўладирғони учун узун умр кўриб, кўп йиллар Россия подшосининг сиёсатини айтиб юрадилар». Ана шундай болалардан бири Фозилбек Отабек ўгли¹ 1927 йилда нашр қилган «Дукчи эшон воқеаси» китобида шундай ёзади: «Янги шаҳарда тахминан 8000 киши бўлса, 2000 майда мактаб болаларини олиб чиқиб, Тупроққўрғон олдида, адирнинг тагига қон иси келадирган ва тикиб, созлаб қўйилғон дорларнинг атрофига одамларни айлантириб қўйдилар. Хоқим чиқиб, фуқаронинг қўблигини кўриб, катта оқсоқолга «рахмат» деб, ёш болаларни ҳам дорнинг бир тарафига қатор қилиб қўймоққа буюрди. Бир тарафдан жой бўшатиб турган бир киши: «Ёш болалар кўрқарми экан?, Одамлар орқасига қўйсак қалай бўлар экан? — деди. «Кўрққани яхшироқ. Эсидан чиқмайди. Дорга яқин қўюлсун», — деб буюрубди. Мингбоши келиб, дорнинг қибла тарафидан одамларни ҳайдаб юбориб, ҳамма мактаб болаларини қатор қилиб қўйди. Бир вақт, соат ўнга яқин эдики, бир тўп, занжир билан қўл-оёғи боғланган олти кишини ўртага олиб, ўлан айтишиб келди ва дор тагига келтириб қатор-қатор қилди. Буларнинг олдида тўрт ноғора осган солдатларни қўйди. Уларнинг ичида эшонни икки солдат етаклаб, йиғиннинг атрофини айлантириб, «эшон шу одамми?» деб сўраб юрди... Халқдан овоз чиқмаганидан ғазабланиб, бир каттақони охири қаттиқ овоз билан: «Албатта ҳаммаларинг биласизлар, бовужуд айтмайсизлар, исён қилмоқни ҳам сизлар билгансизлар. Шунини айтмай хиёнат қилиб, шунча қахрамон аскарларнинг нобуд бўлмоғига сабаб бўлдингизлар. Агарда ҳеч ким танимаса, шу йиғиндаги бутун халқни пулемётга тутамиз. Бирор жон қолмайди», деб сиёсат қилиб эди, ҳар тарафдан одамлар ўзини кўрсатмай туриб, «шу киши эшон!», деб қичқиришдилар... Золим тўралар бундан ўз сиёсатлари ҳадду камолига етганини билиб, бир-бирига қараб кулар эдилар. Халқ бўлса, дор тагида мунгайиб, бўйинини қисиб, йиғлаб турганларни кўриб, тоқат қилолмай, секин-секин йиғлар эди». Шу вақт эдики, йиғин ташқарисида вой-войлаб, дод-фарёд бўлиб кетди. Қарасак, осиладирғон одамларнинг бола-чақалари, хотин-қиз, ўшоқ болалари экан. Хотинлар «Тул бўлдик!» деб, болалар бўлса «Етим бўлдик!», деб фарёд қилар эдилар. Бу ҳолни кўрган халқнинг кўнгли яна бузилиб, хоинлардан кўрқиб ўзларини йиғидан тўхтатар эдилар»². Чунки халқ ўзининг буюк фарзандидан жудо бўлаётганини, мусулмон олами ўзининг етук алло-

¹ *Фозилбек Отабек ўгли* Андижоннинг «Девонабой» даҳасида туғилган, русча, мусулмонча маълумотга эга бўлган, араб ва форс тилларини билган журналист сифатида яхши танилган, жадидчилик, истиқлолчилик курашида фаол қатнашган. 1938 йили қатағон қилинган.

² *Фозилбек Отабек ўгли*. *Дукчи Эшон воқеаси*, 49—50-бетлар.

маларидан бирини йўқотаётганини сезаётган эди. Бу воқеа рус мустамлакачиларининг Муҳаммад Алидан қандай қўрққанини ҳам кўрсатади. Улар дор тагида турган маҳбусларнинг халққа айтадиган сўзларидан ҳам қўрқиб ноғора билан товушларни бўғишга уринишган. Рус амалдорлари ўлим олдидаги инсоннинг охирги илтимоси бажарилиши шартлиги ҳақидаги умуминсоний, халқаро қонун-қоидани ҳам поймол қилишди.

«Эшонни дорнинг тагига олиб келиб, оёғидаги темир кишанни очамиз деб уриндилар, — ёзади Фозилбек Отабек ўғли, — илож бўлмади шекилли, болға билан уруб синдирдилар ва бошқа рафиқларининг кишанларини ҳам уриб синдиришди... Қози биринчи эшонга, иккинчи Чибил¹ бўлисга ва бошқаларига бир-бир иймон ўкутди... Чибил бўлис ўзини ростлаб, дадиллик ва баланд овоз билан: «О мусулмонлар! Гувоҳ бўлинглар, мен ноҳақ кетаётибман, манга бу ҳокимлар зулм қилдилар...» деб сўзлаб туриб эди, ҳоким келиб: «Бас, бас!» деди. Унга қулоқ солмай яна сўзлаб туруб эди, икки солдат келиб милтиқнинг қўндоғи билан 4—5 марта урди, шундан кейин индамай қолди. Бу ҳолда бири келиб дорнинг аргамчиларини тушуриб, сиртмоқларини очиб, тузатиб қўйди. Кейин икки солдат ерда турган халталарни олиб келиб қатор турган банди асирлар бошига кийим-бошлари устидан кийдириб қўйди. Бечораларнинг оқ халталар ичида нима ҳолга тушгани бизга маълум эмас... Буларни судраб, дор тагига келтириб, унинг остига қўйилган икки поғаналик курсига «чиқ, чиқ» деб эшонни чиқарди. Шу ҳолда кафан ичида бир ўзи қадам қўйиб чиқди ва баланд овоз билан: «Эй мусулмон биродарлар! Гувоҳ бўлинглар, ман ноҳақ тухмат билан кетиб турубман. Бола-чақаларим майда-чуйда, кўп эди. Бу ҳоким ва тўралар яхши адолат қилмади. Тўғри ҳақиқат қилмади. Дуо қилинлар, шу золимларни...» деган вақтда тўранинг ишорати билан бирдан сиртмоқларни солиб, курсиларни тепиб юбордилар. Бу олтига кишидан иккитаси бир-икки бурилиб, оёғини уруб қимирламай қолди. Бошқалари пириллаб айланиб, буралиб, икки томон дорнинг ёғочига урилиб, ниҳоят қийналиб кўп овора бўлдилар. Буни кўриб турган ёш болаларнинг қўблари қўрқиб: «Дод, ота, она!» деб йиғлаб юбордилар. 4—5 тасининг хуши кетиб қолди ва йиқилди. Болалар турган тараф тўполон бўлиб кетди...»²

Дорни тикар вақтида дорларнинг тегига одам бўйи пастрок чуқурлар кавлаб устига бўйра ёпиб қўйилган экан. Сиртмоқни кесиш билан жасадлар чуқур гўрга қулади. Жаллодлар бир арава оҳак келтириб, улар устига ташлашади. Олти мурда икки

Сўнги тадқиқотларга кўра Кўгарт бўлиси бошлиғи Чибил Абдуллабиев осиб ўлдирилмаган, бир умрлик каторгага ҳукм қилинган. Қ а р а н г: *Али Назаров*. Сиз билган Дукчи Эшон, 20-бет.

² *Фозилбек Отабек ўғли*. Дукчи Эшон воқеаси, 21-бет.

чуқурдан сўнги манзил топадилар. Улар устига бир қатлам тупроқдан сўнг яна оҳақ солиб, тупроқни оҳақ билан аралаш қилиб зичлаб кўмиб қўйишди. Золимлар шунда ҳам кўнгли жойига тушмай ўша гўрлар олдига бир неча кун давомида аскарлардан соқчи қўйишди.

Жазо экспедициясининг бошлиғи генерал Корольковга бу ҳам етмагандек рус императоридан бутун маҳаллий халқни жазолашни илтимос қилди. Корольков эшон ва унинг муридларидан олинган интиқом етарли эмаслигини таъкидлаб, Мингтепадан Андижонгача бўлган ерлардаги барча аҳолини империянинг ичкари ҳудудларига сургун қилишни таклиф қилди. «Бу тадбир, — деб ёзган эди Корольков императорга, — сиёсий жиҳатдан фойдали аҳамият касб этиб, Фарғонадаги рус унсурининг кучайишига олиб келади. Бошқа томондан эса, суғориш ишлари олиб бориладиган Россиянинг Европа қисмига табиатан мироб бўлган ерлиларни кўчириб юбориш мазкур соҳада салмоқли самара келтиради»¹.

Фарғона вилояти ҳарбий губернатори худди шундай режа асосида иш тутиб, халққа империя ичкарисидан мужикларни бу ерга кўчириб келтириш ва гуноҳкорларнинг ерларини уларга тақсимлаб беришни расман эълон қилди. Мингтепа қишлоғи тўпга тутилиб, иморатлари ер билан яксон қилингандан сўнг рус мужиклари учун 450 хоналик турар-жой қурилиши лойиҳаси режалаштирилди. Қурилиш ишларига маҳаллий аҳоли мардикор сифатида жалб этилди.

Воқеалар қатнашчиларининг гувоҳлик беришича, Мингтепадаги эшон хонақоҳининг ўрнини текислаб, черков қилишга қарор қилинган. «Орадан бир ой ўтганда, ичкари Русиядан ниҳоят кўп мужиклар келиб қолди. Буларнинг ҳар қайсиларига қарз ва ёрдам пули топиб бериб, шу Мингтепада тайёр ва план қилиб қўйғон жойларга хона жой бериб ўрнаштирилди»². Посёлкага «Марҳамат» номи берилди. Ҳаканддаги Авғонбоғ деган машҳур зироат тажрибагоҳидаги агрономни 18 май куни қўзғолончилар ўлдиргани учун ана шу жойдаги 500 хонадоннинг иморатлари, боғ-роғлари ҳам текислаб ташланди. Қаршилик қилганлар отиб ўлдирилди. Андижон шаҳрининг боғу бўстони бўлган Ҳакан қишлоғи «Духовской майдони» деб аталган рус посёлкасига айлантирилди³. У ўзбеклар ўртасида «Вайрона-вайрона» номи остида ёмон отлиқ бўлиб қолди.

Туркистон генерал-губернатори подшо Николай II га йўллаган мактубида: «Қўзғолончилар бизнинг уйқуда ётган 22 солдати-мизни ўлдирганликлари учун бунинг хунига исёнчилардан 22000 кишига ўлим жазоси берилиб, 300 киши каторгага ҳукм этилди.

¹ ЎзР МДА, 1-жамғарма, 31-рўйхат, 1144-иш, 339-варақ.

² *Фозилбек Отабек ўғли*. Дукчи Эшон воқеаси, 57—58-бетлар.

³ Ўша асар, 66-бет.

Кўзғолончилар раҳбари яшаган жой теп-текис қилиниб, у ерга 200 оилали рус қишлоғи қурилди. Худди шунингдек Андижон шаҳри атрофидаги Ҳакан, Хартум қишлоқларидан ҳам ерли аҳоли кўчирилиб, уларнинг ерлари рус оилаларига берилди».

Империянинг Санкт-Петербургдаги олий ҳарбий-сиёсий доиралари генерал Корольковнинг Андижон кўзғолони баҳонасида Туркистон ўлкасини ёппасига руслаштиришга доир бошқа ғояларига ҳам зўр қизиқиш билан қарадилар. Корольков императорнинг диққатига Ўрта Осиёни «тезкор усулда руслаштириш» бўйича бутун бир фаолият дастурини ҳавола қилди. Туркистон аҳолисининг маънавий-руҳий ҳолатига таъсир ўтказиш бу дастур моҳиятини ташкил этарди. Корольков ишни мусулмон оламида катта нуфузга эга мадрасалардан бошлашни таклиф қилди. Олий ўқув юртлари бўлган мадрасаларда рус тилини ўқитиш ғоясини илгари сурди. Бу ғоят нозик ва қалтис тадбир зўравонлик билан эмас, аксинча, ихтиёрий, кўнгилли асосда амалга оширилиши мақсадга мувофиқлигини уқтирди. Генералнинг фикрича, бунинг учун одамларда қизиқиш уйғотиш лозим. Шу мақсадда рус тилига давлат мақоми бериш, барча маҳаллий амалдорларга 5 йил муддат ичида давлат тилини ўрганишни, 15 йилдан кейин эса мансабга даъвогар кишилардан фақат русчани биладиганларни юзбоши, қози, оқсоқол ва мингбоши каби лавозимларга тайинлашни таклиф этди. «Бу тадбир, — деб ёзган эди генерал Корольков, — мадрасаларнинг эшикларини рус ўқитувчилари учун кенг очади. Ана шунда биз мадрасалар деворлари ортида нималар бўлаётганидан доимо бохабар бўлиб турамиз»¹. Империя маркази Корольковнинг ғоясини қизғин қўллаб-қувватлади ва уни тезлик билан ижрога қабул қилишни генерал-губернатор зиммасига юкледи.

1898 йил 6 ноябрда янги тайинланган Туркистон генерал-губернатори С. М. Духовской ҳарбий губернаторларга маҳаллий маъмурият рус амалдорлари билан ёзишмаларда рус тили давлат тили сифатида амал қилишини билдиришни ва бу тадбир муҳокамадан ўткунча оқсоқол ва мингбошилар идораларига рус мирзалари тайинланиши лозимлигини уқтирди. Генерал-губернатор вилоятларнинг бошлиқларига эндиликда маҳаллий бошқарувдаги мансабларга фақат рус тилини билганларни тайинланажagini кенг тарғиб қилишни буюрди. Мустамлака маъмурияти, ўлка аҳолиси рус тилини табиий равишда ва ихтиёрий тарзда ўрганади дейиш хомхаёлдир, бунинг учун ҳам зўрлик, ҳам устамонлик даркор, деган хулосага келди. Генерал-губернатор вилоятларнинг ҳарбий губернаторларига юборган кўрсатмасида «Энди туземцлар рус ва фақат рус мактабида ҳар қандай фаолият учун зарур билим ва малакалар ўчоғини кўришсин. Улар мадраса ва мактаблардаги билим эндиликда давлат ҳамда ижтимоий тузум-

¹ ЎзР МДА, 1-жамғарма, 31-рўйхат, 1144-иш, 337-бет.

га яроқсиз эканлигини ҳис қилишсин» дея русчани ўзлаштирган мусулмонлардан барча соҳаларда кенг фойдаланишни тавсия қилди. Ана шу фикрни Тошкентдаги эрлар гимназиясида 1899 йил февралда бўлган шаҳар жамоатчилиги йиғинида Туркистон генерал-губернатори ёрдамчиси генерал-лейтенант Н. Иванов очиқ айтди. У шаҳар бошлиқлари, мингбоши, қози ва бошқа мансабдорлар, мударрислар учун тарихда биринчи марта ташкил этилган илмий-оммабоп маъруза кечасида мадрасаларда рус тилини предмет сифатида жорий этишни ҳам таклиф қилди. Иванов ва унинг каби жангари шовинистлар Андижон кўзғолони баҳонасида ўзларининг дилларидаги ёвуз ниятларини ошкора амалга ошира бошладилар. Генерал Корольковнинг императорга тақдим этган бу мактубида ўлка хотин-қизларини ва болаларни русча ҳаёт тарзига ўргатиш алоҳида ўрин эгаллагани бежиз эмас. «Туркистон ўлкасида тарих томонидан олий миссия ўтказишга чақирилган рус халқининг шифокор аёллари», унинг фикрича, ўзбек хотин-қизларининг «эрксиз, нурсиз ва ҳуқуқсиз турмуш тарзига ўзга тушунчалар олиб киради ва бошқача интилишлар уйғотади». «Туземканинг, — деб ёзади генерал, — насроний аёл билан бир жойда яшаши, у билан доимий ва яқин алоқаи унда ўз ҳаёт тарзини рус аёллариникидек яхшилаш фикрини аста-секин уйғотади, насроний тасаввурларни сингдириб боради ва бу ҳол унинг ўз фарзандларини тарбиялаш жараёнига ҳам таъсир кўрсатмай қолмайди. Бундай аёлнинг ўғил-қизлари мусулмон бўлмаганларга нисбатан муросасиз ва душман бўлмайди»¹. Шундай ишни муваффақиятли бажариш учун Корольков ўлкада хотин-қизлар амбулаторияларини кўпайтиришни таклиф қилади. Бунга яна қўшимча тарзда у Россиядаги аёллар монастирларини Туркистон аёлларига «православ рус қарашларини сингдириш учун» хизматга жалб этиш заруратини ҳам таъкидлаб ўтади.

Андижон кўзғолонидан кейин мустамлакачилар ўлкани русча ўзлаштириш сиёсатида ҳар қандай ниқобдан воз кечиб, очиқчасига зўравонлик йўлига ўтдилар. Мусулмонларни русларга мажбурий равишда сажда қилдириш одатини расм қилдилар.

Чор амалдорларининг шафқатсизлиги ва ҳаддидан ошган зўравонлигидан мақсад Фарғона аҳолисининг жанговарлигини синдириб, бутун ўлкани кўрқувга солиш эди. Марғилон туманбошиси полковник Брянвнинг таъбирича, «Фарғонада доимо ғазовот ғояси йўлида ўзини ажабтовур жасорат билан ўлим бағрига отувчи марди-майдонлар қаердандир пайдо бўлиб қолади. Аҳолига рус таъсирини ўтказишда Фарғона вилояти доимо орқада юради. Шунинг учун ҳам темир йўлни ўтказиб биз тузем аҳолиси ўртасида қамалга тушиб қолишдан хавфсираймиз».

¹ ЎзР МДА, 1-жамғарма, 31-рўйхат, 1144-иш, 337-варақ.

Мавзуга оид ахборот

Сафдош

Қирғиз қўзғолончи раҳбарларининг тақдири ҳақида бизда маълумот етарли эмас эди. Фозилбек Отабек ўғлининг Чибел бўлиси ҳақида қисқа бўлса ҳам ёзганлари мақоланавис Алиназар Эгамназар берган маълумотга («Сиз билган Дукчи Эшон»: ҳужжатли қисса, Тошкент, 1994) тўғри келмайди. Масалан, Фозилбек ўз китобида Чибел бўлиси эшон билан бирга осиб ўлдирилгани ҳақида ёзади. А. Эгамназар эса, осиб ўлдирилмаган дейди, аммо Чибел ҳақида унда ҳам маълумот йўқлиги сабабли бошқа бирон фикр билдирмайди.

Бизнинг Кугарт водийсига қилган сафаримиз бу воқеалар тафсилоти-ни ўрганишда жуда муҳим бўлди. Сафар чоғида ёзиб олинган хотиралар билан бирга «Тўхтақул замондошларининг хотиралари» тўплами ҳам бизга анча қўл келди. Тўпламда атоқли қирғиз куйчиси Тўхтақул Сотилғоновнинг қўзғолон туфайли Сибирга сургун қилингани ҳақида хотира маълумотлари бор ва унинг сургундаги «ирлари»дан намуналар келтирилган. Шунингдек, ушбу тўпламдан жой олган, Сотқин Сасиқбоевнинг Чибел дўсти Бўлат Жиртақов ҳақидаги мақоласида ҳам биз учун муҳим хабарлар келтирилган.

Шундай қилиб, ушбу тўпламда келтирилган ҳужжатли маълумотлар ва ўзимиз тўплаган хотиралардан Чибел бўлиси ва дўстларининг тақдири ҳақида қимматли далиллар аниқланди. Улар қўлга олингач, қўл-оёқларига кишан солинган ҳолда Бозорқўргонда уч кун қамашиб сўнгра, Андижонга олиб кетишган. Айна ўша кунлари Кетмонтепада Тўхтақул ҳам қамалган экан. Қўлга олинганларни иккита аравага солишиб отлиқ аскарлар назоратида жўнатишган. Кун иссиқ, йўллар чанг, чанқоқ ёмон азоб берарди, атрофдан сув тутмоқчи бўлганларга ҳатто қаратмас ҳам эдилар, — деб эслайди Бўлат Жиртақов. Иккинчи куни Андижонга етиб келишди ва уларни Андижон турмасига қамашди. Бўлат хотирасида турмада «бир неча кун бўлдик», — дейилган. Аммо Ади оға ва бошқалар хотирасида 33 кун қамокда бўлгани аниқ айтилади. Бирон ҳафтадан сўнг ён камерага яна одамлар олиб келишади. Ана шулар орасида Тўхтақул Сотилғонов ҳам бор эди. Улар Андижон турмасида бир-бирлари билан танишдилар. Бу кунлар Фозилбек Отабек ўғли ёзганидек, Чибел бўлиси сўроқ қилган кунларига тўғри келади. Бўлат хотирасига қараганда, турма хонасида тахминан 70—80 тадан маҳбус бўлган, ҳаво иссиқ ва дам, нафас олиш оғир бўлганидан бир неча одам ҳолдан тойган, ўлганлар ҳам бўлган.

(Сайфиддин хожи ЖАЛИЛОВ.
«Салтанатни титратган кунлар»)

Чоризм 90-йиллардаги халқ ҳаракатлари, хусусан, Андижон қўзғолонидан тегишли хулоса чиқариб, 1886 йилда тасдиқланган «Туркистон ўлкасини бошқариш ҳақидаги Низом»га ўзгартишлар киритди. 1886 йилги қонун Туркистон генерал-губернаторлигини Туркистон ўлкасига айлантириб, «ҳарбий халқ бошқаруви»ни «маъмурий-полиция бошқаруви»га айлантирган эди. Санкт-Петербург Ҳарбий вазирлиги ўлкада «ҳарбий халқ бошқаруви»ни тасдиқлади. Туркистондаги мустамлакачиларга кенг ваколатлар бериб, уларга «ерли аҳоли ўртасида ҳар қандай норозиликни тағ-туғи билан шафқатсиз босиш, бирон-бир душманлик ҳолати сезилса дарҳол уни ҳаракати кучаймасдан бўғиб ташлаш, тартибни бузувчилар ва уларнинг маслакдошларига

тегишли сабоқ бериш ва уларга қудратимизни кўрсатиб қўйиш учун ҳар қандай чоралардан қайтмасликни» буюрди. Аммо Санкт-Петербург ўлка халқларининг озодлик курашини тўхтата олмади, халқ янгидан кўтарилиш учун қулай фурсат келишига тараддуд кўра бошлади.

Хулоса қилиб айтганда, XIX аср охиридаги халқ ҳаракатлари чоризмнинг Туркистондаги рушлаштириш сиёсати кенг омма ўртасида чуқур илдиз отолмай жиддий тўсиқларга дуч келганини кўрсатди. Сайловлардаги «тартибсизликлар» халқнинг рус мустахлака истибдоди тартибларидан норозиликни кўрсатиб, оммининг исёнкорлик руҳи сўндирила олинмаганини намойиш этди.

Тошкент қўзғолони шаҳар оммасининг, Андижон қўзғолони қишлоқ аҳлининг ўртасида мавжуд тузумга қарши жиддий кучларнинг шаклланиб бораётганидан далолат берди.

Халқ ҳаракатларида диний, ижтимоий-сиёсий ва миллий-озодлик курашлари ўзаро уйғунлашган ҳолда намоён бўлди. Рус мустахлакачиларининг қатағонига қарамай эрксевар кучларнинг Туркистон ўлкасида чуқур заминга эғалигини ва улар фурсати келганда яна кўтарилишга қодир эканлигини кейинги воқеалар тасдиқлади.

4. XX АСР БОШИДА РОССИЯ ИСТИБДОДИГА ҚАРШИ ХАЛҚ КУРАШИ

XX аср бошларида ўлкада халқ ҳаракатлари янги босқичга кўтарилди. Ана шу ҳолат Петербургда безовталиқ уйғотди. 1906 йил 31 декабрда империя Ички ишлар вазирлиги полиция департаменти Туркистон генерал-губернаторига йўллаган тавсияномасида «Сўнгги йилларда Россиядаги инқилобий ҳаракат Туркистон ўлкасида ҳам акс садо берганини» эслатиб, Ички ишлар вазирлигида тўпланган жосуслиқ маълумотлари ўлкадаги ҳукуматга қарши ташкилотларнинг фаол иш кўраётганидан хабар бераётганини маълум қилди. «Туркистон ўлкасининг ерли аҳолиси, — деб ёзган эди полиция департаменти, — ҳозирча тинчлик сақлаётган бўлса-да, бундай кайфият келгусида ҳам сақланиб қолишига ишонч йўқ»¹. Полиция департаментининг бундай гумон қилиш учун етарли асослари бўлган. 1906 йил 12 сентябрда Тошкентнинг Жомеъ масжидида рўй берган воқеа бунга далилдир. Бу ерда Тошкент шаҳар думасига ноиблар (гласный) сайлови бораётган пайтда Себзор даҳасида яшовчи Маҳдихўжа Хорунхожинов деган киши маъруза қилиб, сайловни барбод қилишга чақирди. У ноибликка фақат бойлар сайланаётганидан норозиликни очиқ айтди. Сайловчилар унинг

¹ ЎзР МДА, 2-жамғарма, 31-рўйхат, 367-иш, 2-варақ.

сўзларидан ҳаяжонга тушдилар. Шаҳар думаси оқсоқоли ва полиция пристави Маҳдихўжани тартибга чақиришади. Кейин миршаблар ёрдамида уни масжиддан чиқариб юборишга уринишади. Маҳдихўжа «дод» солиб одамларни ёрдамга чақиради. Бешёғоч даҳасида яшовчи Султонхўжа Иноғомхўжаев унга ён босиб, одамларни тарқалмасликка ва Маҳдихўжанинг сўзларини тинглашга даъват қилади. Полиция пристави ёрдамчиси Мирецкий унга дарҳол масжиддан чиқиб кетишни, акс ҳолда иккаласини ҳам қамоққа олишини айтади. Шунда Султонхўжа дадиллик билан, полиция вакили сира кутмаган тарзда, рус тилида жавоб қайтаради: «Қамоққа олсанг, олавер! Уч кундан ортиғига ҳақинг йўқ! 7 кунга фақат полицмейстергина қамаши мумкин». Довдираб қолган Мирецкий Султонхўжадан яна бир қанча гапларни эшитадики, улар ўзбекларни одам ўрнида кўрмайдиган пристав ёрдамчисини ҳайратга солади. Султонхўжа унга ўзининг дунё кезганини, чет элларда бўлганини ва қонунни ундан кам билмаслигини айтади. Бу ерга йиғилган халқ қизиқиш билан уларнинг атрофига тўплана бошлайди. Саросимага тушган Мирецкий ёнидаги миршабга бу ерга қўшимча кучлар чақиришни буюради. Шу вақтда Маҳдихўжа халққа қарата хитоб қилади: «Мусулмонлар! Мен генерал-губернаторга, шаҳар бошлиғи ва полицмейстерга аризалар ёздим, лекин улардан биронтаси ҳам шикоятларимга қулоқ солмади. Мен солиқлар остида эзилиб ётган халқ учун қайғураман. Бизга Думанинг кераги йўқ, унга нуқул бойлар тушади. Улар халқ учун қайғурмайдилар, балки мансабга миниб бойишни ўйлашади. Бизни ўтин учун, беда учун, пичан учун, қўй сўйганимиз учун ҳамма-ҳамма нарасага солиқлар солиб, чирмаб олишган». Халойиқ унинг гапларини маъқуллаб, ҳаяжонга келабошлаганини кўрган Мирецкий Маҳдихўжани миршаблар ёрдамида четга судрай бошлайди. Шунда Султонхўжа чопиб уларнинг олдига боради ва қандайдир қоғозни Маҳдихўжага тутқзади. Маҳдихўжа қоғозга имзо чекиб, одамларга ўз номидан Султонхўжа иш юритишини маълум қилади. Масжидга тўпланган 200 дан зиёд одамларга қарата Султонхўжа оташин маъруза қилади. Полиция баённомасида қайд қилинишича, у «Мусулмонлар! Ҳеч нарсдан қўрқманглар, ҳеч кимга қулоқ солмай, тарқалиб кетманг. Мен сизларнинг фойдангиз йўлида ўз бошимни қурбон қиламан. Майли, мингга казак келса, кела қолсин. Барибир ҳеч нарса қилиша олмайди», деган ва қўлини фотиҳага очган: «Олло таолонинг ўзи менга мададкор бўлсин! Ўзи менга куч-қувват ато этсин». Оломон унга фотиҳа берган: «Парвардигорнинг ўзи сенга мададкор бўлсин! Азиз авлиёлар ёр бўлсин!» Воқеани кузатиб турган миршаб Мирвали Миркамоллов атрофдан миршабларни ёрдамга чақирган. Шу пайтда турган кишилардан бири уни полиция пристави ёрдамчиси олди-дан суриб чиқариб, юзига шапалоқ тортади. Жунбушга келган

одамлар «Итвачча, нега ҳуштагингни чалдинг?», — дея калтаклаша бошлашади. Шу вақтда масжидга полицмейстер подполковник Н.Н.Караулшчиков катта-кичик амалдорлар ва бир тўда миршаблар ҳамроҳлигида кириб келади. У одамларга хитоб қилиб турган Султонхўжани қамоққа олишни буюради. Полицмейстер буйруғига жавобан Султонхўжа унга қарата дадил жавоб қилади: «Мени ҳеч ким ҳибсга олишга ҳақи йўқ, полицияхонага бораверинг, керак бўлса, мен ҳам ўша ерга бораман»¹.

Подполковник Караулшчиков халойиқни миршаблар ёрдамида тарқатиб, Маҳдихўжа ва Султонхўжани ҳибсга олади ва бозор томон олиб кетади. Шунда каттагина оломон уларни озод қилиш ниятида орқадан эргаша бошлайди. Кўрқиб кетган полицмейстер тўппончасини чиқариб, ким қаршилик кўрсатса, ўқ узишини айтади. У шаҳар бошқармаси аъзоси Боқижон Дадажонбоев ва оқсоқоллар ёрдамида халойиқни тарқатишга ва тинчлантиришга уринади.

Султонхўжа ва Маҳдихўжани қамоқхонага олиб кетишгандан сўнг, кечқурун полицмейстер полиция ходимларидан ташвишли хабар олади. Қамоқхона бошлиғи Нечаев ҳибсга олинганларни озод қилишга уриниш бўлаётганидан хавфсираётганини маълум қилган эди. Полицмейстер Караулшчиков шаҳар бошлиғига ёзган ахборотида Султонхўжа у билан кўришганда, қўлида Максим Горькийнинг «Муттаҳам» ҳикоясини кўрганидан ажабланганини яширмайди. Султонхўжа ундан қандай сабаб билан қамалганини сўраб, айби фақат ўз эшонини кўллаб гапирганида, бойларга қарши кескин сўзлаганида эканлигини айтиб, шу бойлар халқни эзаётганлигини уқтирган. У отаси ва акаси давлатмандлигини, ўзи эса русларнинг уйида хизмат қилиб бири икки бўлмаётганини айтган. Маҳдихўжа эса полицмейстерга ўзининг полиция пристави ёрдамчисига кўполлик қилганини тан олгани ҳолда, халққа очиқ ҳақиқатни айтмоқчи бўлгани, Тошкентдаги тўрт даҳа қозисининг шариятга хилоф иш тутаётганини одамларга тушунтирмоқчи бўлганини билдирган. Эртаси куни эрталаб подполковник Караулшчиков бу икки маҳбусни полиция бошқармасига олиб келганида Султонхўжа шу бошқармада иш юзасидан келган одамларга қарата нутқ сўзлайди. «Генерал-губернатор ва умуман олий ҳукмдорлар халқ пулини олаётган бўлса ҳам, — дейди Султонхўжа, — уларни ўйламайди, хотиржам ухлайверади, камбағаллар эса азобда меҳнат қилаверади». Унинг гапларини бўлмоқчи бўлган Шайховандаҳур ва Бешёғоч даҳаси юзбошиларини кескин танқид қилади.

Подполковник Караулшчиков бу икки чиқишга тўхталиб, шундай хулосага келади: «Уларнинг бошқармада менга ва

¹ ЎзР МДА, 1-жамғарма, 4-рўйхат, 1053-иш, 42—43-варақлар.

приставга муносабати қўпол бўлди... Султонхўжанинг халқ олдида ва бошқармада ўзини бундай дадил тутишини ўта сўл фирқалардан бирига мансуб русларнинг таъсири натижаси деб ҳисоблайман. Улар Султонхўжани ташвиқотчилик ишига тайёрлашган. Хурофотга ботган ва ақли заиф аҳоли орасида Маҳдихўжа ва Султонхўжа каби шахсларнинг пайдо бўлиши ва уларнинг гўё камбағаллар манфаати йўлида жонкуяр сифатида турлича ваъдалар билан халқ аҳволини яхшилашга қаратилган чиқишлари мутлақо кўнгилсиз ҳолатдир ва мулкдор синфларга нисбатан зўравонлик ва тартибсизликлар келтириб чиқариши мумкин»¹.

Мулоҳаза учун маълумот

Аср мулкдори

Тожимуҳаммад Исамуҳаммад ўғли савдогарлар орасида биринчи бўлиб Германия, Франция, Англия каби ривожланган мамлакатларга бориб, улардаги тижорат ишларини ўрганган, биринчи бўлиб Москвада ўз тижорат фирмасини, Хельсинкида, Парижда, Петербургда, Харьковда ва бошқа йирик шаҳарларда шу фирманинг бир неча дўконини очиб, ўзбек савдогари шаъни юртимиздан узоқ-узоқларда ҳам ардоқланишига муносиб ҳисса қўшган.

Тожимуҳаммад Исамуҳаммад ўғлининг 1900 йилда Парижда ташкил этилган халқаро кўргазма ва ярмаркага бориши, бу сафар чоғида Москва, Петербург каби рус шаҳарларидан ташқари Берлин, Лондон, Париждан олган олам-олам таассуротларини «Туркстон вилоятининг газети»нинг беш сонида эълон қилдириши ўзбек савдогарлари ва маърифатпарварлари ҳаётида ҳали учрамаган ажойиб воқеа эди.

Аввало, шуни айтиш керакки, муаллиф ўз саёҳати санаси, йўналиши ва бошқа тафсилотлари хусусида кейинги авлодлар учун гоёат муҳим бўлган аниқ маълумотлар қолдиради: «1900 инчи йилда 10 инчи мортда камина Тожиддин Париж виставкасига бормоққа ирода айлаб, Тошканд шаҳридан вагон билан жўнаб, 11 инчи мортда Самарқанд ва 12 инчи мортда Бухорои шариф шаҳарларидин ўтуб, Красноводга келиб, андин 15 инчи мортда оташ кема бирлан юриб, 16 соатда Боку шаҳрига чиқтим...».

«Саёҳатнома» муаллифи йўл давомида туғилган таассуротларини баён қила бошлар экан, фақат савдогар сифатида эмас, балки ўз халқининг истиқболини ўйлаган етук зиёли сифатида ҳам фикр юритади. «Қўлдан келган одамларга керак ва лозим эканким, — деб гапни бошлайди Тожимуҳаммад Исамуҳаммад ўғли, — юруб, сайр ва сайёҳат айлаб, ҳар қайси обод ва улуг шаҳарларни кўруб, ҳар илм ва ҳунарни маонийи фаҳм айлаб, ибрат кўзларини очар эдилар. Ушбу тарафларни ҳунарлари ва шаҳарларини обод бўлмоғи барчаси илм таълим олгонларидан экан».

Муаллиф Москва ҳақида мулоҳаза юритган ўринларда, аввало, элшуносликдан, жуғрофия ва иқтисод илмларидан пухта хабардор мутахассис сифатида гавдаланади. Мана унинг синчковлик билан олиб борган баъзи кузатишлари: «Москва шаҳрида бир миллион икки юз минг турфон одам бордур, деб айтадилар. Ҳар куни 120 мартаба оташароба келиб-кетар экан. Конька, яъни от бирлан юрадургон темир йўл ва электричество бирлан юрадургон йўллар кўчаларда тайёр-муҳайёдир. Мундин бошқа 20 мингдан кўпроқ извошиқ ароба бор. Мошина ароба ва велосипед миниб

¹ ЎЗР МДА, I-жамғарма, 4-рўйхат, 1053-иш, 43-варақ.

юрган одамларни ва яхши магазинларни ҳисоби йўқ. Булар ҳаммаси илм ва ҳунар таълимларини ўқуғондиндур».

Асл касби савдогарлик бўлган муаллифни, табиийки, тижорат ишлари, катта дўкондорлар фаолияти ҳам ниҳоятда қизиқтирган. Шунинг учун бўлса керакки, Москвадан бошлаб, Петербург, Берлин, Лондон, Париж шаҳарлари тасвирида масаланинг бу жиҳатларига алоҳида эътибор беради, оврупалик савдогарлар фаолиятини ўз ҳамюртлариники билан қиёслаб, ўқувчини ўйлашга, янги режалар тузишга мажбур қилади.

1906 йил 27 апрелда Россия парламентининг биринчи мажлиси очилиши бутун Европанинг диққатини жалб этган воқеа бўлди. Энди деярли 300 йил танҳо ҳукмронлик қилган Романовлар сулоласининг даври тугаб, янги замон бошланмоқда эди. Биринчи рус давлат тўнтариши подшолик Россиясининг мутлақ ҳокимиятини заифлаштириб, ҳокимиятталаб янги сиёсий кучларга имкон яратган. Дума иш бошлаганига беш кун бўлганда подшо фармони Тошкентга юборилди. У «Еттисув, Каспийорти, Сирдарё, Самарқанд ва Фарғона вилоятларида Давлат Думасига сайловлар ҳақидаги ҳолатни ва унга қўшимча қонун-қоидаларни қўллаш ҳақида қоидалар» деб аталди.

I Давлат Думаси сайловида қатнашиш учун худди Санкт-Петербургда бўлганидек, Тошкентда ҳам Дума фракциясининг «меҳнатчилар гуруҳи» тузилди. 1906 йил май ойида «Меҳнатчилар гуруҳи Бюроси» ташкил этилиб, у ўз дастурини эълон қилди. Бюро котиби конституциявий — демократлар (қисқача кадет) фирқаси аъзоси адвокат Н.И.Закаменний эди.

РСДРПнинг Тошкент гуруҳи, эсерлар ва «Халқ тараққиёти фирқаси» сайловда ўз номзодлари учун кураш бошладилар. Сайлов 1906 йил августда ўтказилиши лозим эди, ammo марказда I Дума тарқатиб юборилгач, бу тадбир 1907 йил февралда — II Давлат Думасига сайловлар билан баробар бошланди.

Сайловлар рус мустамлака истибдодининг устунлари нураб бораётганидан, ўлка ижтимоий-сиёсий ҳаётида мураккаб давр бошланиб, ҳокимиятталаб янги кучлар тарих саҳнасига чиқаётганидан дарак беради. Муҳими, мазлум халқ уйғона бошлади. Мустамлакачилар танлаган ўта миллатчи ва маҳдуд, руспараст номзодлардан биронтаси ҳам етарли овоз ололмай, мағлуб бўлдилар. Сайловда мавжуд подшолик тузумига қарши кайфиятни ифодалаган социал-демократлар (большевик ва меньшевиклар), социал-инқилобчилар (эсерлар) ва кадетларнинг уюшмаси бўлмиш «Тараққийпарвар сайловчилар гуруҳи» ютиб чиқди. Тошкентдан Дума аъзолигига маҳаллий аҳоли ўртасида «Жаҳонгир домла» номи билан машҳур бўлган В. П. Наливкин сайланди. Ўлканинг туб аҳолиси бўлмаганлардан 2 социал-демократ, 1 социал-инқилобчи, 2 «меҳнатчи» (трудовик), 1 фирқасиз сайланди. Тошкентлик туб аҳоли ўртасидан уламо Абдурауф қори Абдувоҳид Қориев, Самарқанддан савдогар Тошпўлат Абдуҳолиқов, Фарғонадан савдогар Муҳаммаджонов, Сирдарёдан чорвадор бой Т. Оллаберганов, Еттисувдан муҳан-

дис Муҳаммаджон Тинишбоев, Каспийорти вилоятидан подполковник Махтумқулихон сайландилар¹. Бу ғалаба Тошкент шаҳар оқсоқоли сайловида подшо генераллари эмас, балки шаҳар зиёлиларининг вакили Н.Г.Маллицкийнинг кўп овоз олишига замин яратди.

Туркистон генерал-губернатори маҳкамасининг махсус бўлим бошлиғи лавозими билан ниқобланган, аслида эса сиёсий ишлар бўйича марказ иродасини амалга оширувчи Алоҳида жандармлар корпуси подполковниги Н. А. Васильевнинг ва генерал-губернатордан мустақил тарзда иш юритувчи, империя Ички ишлар вазирлигининг мухтор вакили, расман Туркистон махфий сиёсий полицияси бошлиғи лавозимидаги Леонид Квицинскийнинг Туркистондаги сайловларда рус жамиятидаги янги сиёсий кучлардан ташқари туб аҳоли ўртасида салмоғи кучайиб бораётган ўзбек буржуазияси ва зиёлиларининг амалий нуфузига муносиб баҳо беришдан бошқа чораси қолмаган эди. Бинобарин, улар ўз эътиборини Туркистон халқлари миллий-озодлик ҳаракатининг кучайишига таъсир кўрсатаётган рус инқилобий фирқаларидан қай бирларининг хавфли эканига қаратишди. Шу жиҳатдан, уларга РСДРПнинг Туркистон ташкилотлари конференциялари ҳужжатлари бой далилий манба бўлди.

1906 йилнинг феврида РСДРП Туркистон ташкилотларининг биринчи конференцияси бўлиб, унда Тошкент, Самарқанд, Марғилон, Ашхобод, Қизил-Арват, Чоржўй ташкилотларининг вакиллари қатнашдилар. Таъсис йўналишига эга бўлган ушбу конференцияда бир неча ташкилий масалалар кўрилди. Жумладан, маҳаллий фирқа гуруҳлари ташкилотларга айлантирилиб, «РСДРП Туркистон ташкилотлари иттифоқи»га бирлаштирилди. Конференцияда РСДРП Тошкент гуруҳи таркибидан «Иттифоқ кўмитаси» сайланиб, унга адабиётлар нашр этиш, ташкилотларга ташвиқотчи кучлар билан ёрдам бериш, ишларни уйғунлаштириш, марказий ташкилотлар билан алоқа ўрнатиш масалаларига раҳбарлик қилиш вазифаси юклатилди. Конференция РСДРП Тошкент гуруҳи газетаси «Рабочий»ни РСДРП Туркистон ташкилотлари иттифоқи органига, «Солдатский листок — Правда» газетасини эса Туркистон ўлкаси барча ҳарбий инқилобий ташкилотларининг органига айлантирди. «1-Туркистон конференцияси ҳақида Билдириш» деб номланган нашрда конференция жойлардаги барча ўртоқларга тузем пролетариатига алоҳида эътибор бериш, улар ўртасида кенг йўсинда социал-демократик ташвиқот олиб бориш таклиф қилинади», бу ташвиқот оғзаки ҳам, ёзма — варақа шаклида ҳам, шарт-шароитга қараб амалга оширилсин», дейилган.

Сиёсий полиция агентлари социал-демократларнинг бу

¹ ЎЗР МДА, 17-жамғарма, 1-рўйхат, 22655-иш, 374-варақ.

қарори қоғозда қолиб кетганини ва уларнинг Туркистон мусулмон аҳолиси ва ишчиларидан ташқари, хунармандлар, айниқса, кўпчиликни ташкил этган деҳқонлар ўртасида деярли ҳеч қандай ташвиқот юритмаганига ишонч ҳосил қилишади. Улар социал-демократлар органи бўлган «Солдатский листок—Правда»да босилган «Ишчилар нима истайди?» деб номланган мақолада қўйилган масалага алоҳида диққат билан қарашади. Зотан, бу мақолада социал-демократлар миллий масалада миллатларнинг ўз ҳуқуқларини ўзлари белгилашлари, миллий давлат тузиб, Россиядан мустақил бўлишлариға қафолат беришни ёқлаганлари ҳолда, бу эркинликнинг фақат Европа миллатларига оид эканлигини уқтирганлар. Хусусан, унда поляк, литва, фин, яҳудийлар эслатилиб, Туркистон халқлари эса мутлақо тилга олинмаган. «Рус халқини талаган ва эзган ҳолда, — деб ёзилган эди ўша дастурий мақолада, — ҳукумат поляклар, литваликлар, финлар, яҳудийлар, грузинлар, арманлар ва бошқа рус бўлмаган миллатларни жуда қаттиқ эзмокда... Барча миллатлар ишчиларининг манфаатлари бир хил: рус, фин, поляк ҳамда яҳудий ишчилари ўз манфаатларига кўра, бир-бирлари билан рус ишчиси ва рус капиталистларига қараганда яқинроқдир»¹. Туркистон социал-демократлари ўлкада яшовчи фин, поляк ва бошқа миллатларға нисбатан ҳам қаттиқ эзилган ўзбек, қирғиз, туркманларни тилга олмаганликлари уларнинг ҳеч қачон ўлка туб аҳолиси манфаатини ўйлаб, жиддий иш тутмаганлигидан, аниқроғи, ҳокимият талаб бу фирқанинг ҳам мустамлакачиликдан воз кечгиси йўқлигидан далолат беради.

Афтидан, маҳаллий аҳоли подшодан ҳокимиятни тортиб олишда ёрдамчи — қора куч бўлишини кўзда тутмаган эди. Шунга кўра, Васильев ва Квицинский эсерларнинг узоқни кўзлаб, маҳаллий миллатлар ўртасида кенг кўламда иш бошлаганликларидан воқиф бўлдилар ва айнан шу фирқаға нисбатан кескин чоралар кўра бошладилар.

1906 йилдаги воқеалар тадрижида эсерларнинг нуфузи социал-демократларникидан қолишмаган. Улар 1 май муносабати билан бир неча варақа ва хитобномалар чиқардилар. Тошкент Бош темир йўл устахонасидаги иш ташлаш ва унинг ғалаба билан тугашида, шубҳасиз, шу фирқаларнинг роли катта бўлган. Полиция, казаклар, ҳарбий қисмлар тазйиқи темирйўлчилар иродасини бука олмагани, маъмуриятнинг уларға тўла ён бериши бутун ўлкада Тошкент темир йўл устахонасининг обрўсини кўтариб уни «Ишчилар қалъаси» номи билан машҳур қилди. Ўша йили оммавий иш ташлашлар бошқа саноат корхоналарида ҳам кенг тус олди. 1906 йил 29 июнда Тошкент темир йўлчилари ишчи ноиблари кенгагини ташкил қиладилар.

Пясковский А.В. Революция 1905—1907 гг. в Узбекистане. Ташкент, 1957, 177—178-бетлар.

Уларнинг эндигина шаклланиб келаётган маҳаллий ишчилар синфининг жипслашишига таъсири катта бўлди. Масалан, Тошкентдаги Дюршмидт ичак-тозалаш заводида бир ишчининг бўшатилишига қарши норозилик тариқасида 13 ўзбек ишчиси иш ташлагани ана шундан далолат беради. Эсерлар 1906 йил 3 июлда Тошкентдаги сапёрлар кўзғолонида ва уларга қўшилган Туркистон ва Каспийорти темир йўл батальонлари исёнида асосий роль ўйнади. Ўлкада пайдо бўлган қасаба уюшмаларида эса социал-демократлар таъсири салмоқли бўлди. Махсус бўлим уларни «Янги ишчи ноиблари шўроси»¹ деб атади.

Ички ишлар вазирлиги Полиция департаментининг сиёсий бўлими бошлиғи Васильевга шу ишлар юзасидан махфий тергов ўтказишни буюргани бежиз эмас эди. Марказ Туркистон генерал-губернатори Д. И. Субботич (1852—1920)дан норозилигини яширмай, уни Петербургга чақириб олгани Васильевга аён эди. Субботич подшо генераллари ўртасида жанговар ўтмиши билангина эмас, балки илғор фикрлари ва табиатан тайинланган кундан эътиборан иш ташлаган ишчилар, фирқаларнинг вакиллари билан музокаралар олиб бориб, ишни тинчлик, муросаю мадора билан ҳал этиш сиёсатини юритган эди. Социал-демократлар таъсиридаги «Русский Туркестан» газетаси бу ҳақда шундай ёзган: «Генерал Субботич порох ҳидига тўйинган мундир кийган. Аблаҳ туҳматчиларга бу камлик қилди. Улар генерал Субботич ўз мундирини халқ қони билан бўяшини истаган эдилар. Агар бирор она унинг номига лаънат билан тилга олмаса, агар у биронта ҳам дор қурмаган бўлса, қўллари эса манфур инқилобчиларнинг қони билан бўялмаган бўлса, у қандай қилиб генерал-губернатор бўлиб қолади».

Бош вазир П.А.Столипиннинг буйруғига кўра, Ўрта Осиё истилосида фаол иштирок этган инфантерия генерали Н. И. Гродеков генерал-губернатор лавозимига тайинланди (1906—1908). Ўрта Осиё темир йўли жандарм-полиция бошқармаси бошлиғи генерал Малихин истеъфога чиқарилиб, ўрнига полковник князь Микеладзе тайинланди. Вилоят ҳарбий губернаторларининг таклифлари инobatга олиниб, ўлкада ҳарбий миршаблик ҳолати жорий этилди. Янги генерал-губернаторнинг буйруғига мувофиқ, Ўрта Осиё темир йўли тармоғи унга ёндош шаҳарлар билан 3 ҳудудга бўлиниб, уларга вақтли генерал-губернаторлар тайинланди. Биринчи ҳудудга Каспийорти вилояти бошлиғи, генерал-лейтенант Карцов, иккинчисига Туркистон казак дивизияси кўмондони генерал-лейтенант Греков, учинчисига эса 1-Туркистон армия корпуси кўмондони, генерал-лейтенант Шпицберг вақтли генерал-губернатор қилиб

¹ ЎЗР МДА, 461-жамғарма, 1-рўйхат, 984-иш, 1-варақ.

тайинланди. Марказ Туркистон ўлкасини руслаштириш жараёнини янада кучайтириш борасида кескин ўзгариш ясашни лозим топади. Бош вазир ва Ички ишлар вазири П. А. Столипиннинг буйруғига мувофиқ, рус мужикларини оммавий равишда Туркистонга кўчириш учун «Сирдарё тумани кўчирув бошқармаси» ташкил қилинди.

Бу даврда маҳаллий аҳолига тегишли ерларни зўрлик билан тортиб олиш ва кўчириб келтирилган рус деҳқонларига тақсимлаб бериш жараёни кучайди. Мустамлакачиларнинг бебошлиги шу даражага бориб етдики, бу, ҳатто иккинчи чақириқ Давлат Думасида ноибларнинг норозилик билан чиқишига туртки бўлди. 1907 йил 17 апрелда Таврия губернияси ноиби Дума минбаридан туриб, «Кўчирувчилик сиёсати қаёққа олиб боради?» деган саволни ўртага ташлаб, шундай хитоб қилди: «Бурчимиз шуни тақозо қилади: Етар! Туйғуларни жунбушга келтириш етар! Ўрта Осиёда зиддиятларни ёқиб, аланга олдириш етар!» Урал вилояти ноиби ҳам уни қўллаб, чоризмнинг рус мужиклари талабларидан қутулиш учун уларни Урал, Сибирь ва Ўрта Осиё ерларига кўчириш сиёсатини кескин танқид қилди. Аммо Столипин ўзининг ер ислоҳоти сиёсатининг бутун оғирлигини мустамлакаларга кўчириб, ўша жойларда мулкдор рус табақасини шакллантириш йўлидан қайтмади. Туркистонда руслаштириш сиёсатини кучайтиришга алоҳида эътибор берди.

Мавзуга доир мулоҳаза

Жаҳолат асоратида

Республика, вилоят давлат архивларида бутун-бутун қишлоқ меҳнат-кашларининг янги ариқ чиқариш, мавжуд ариқларни тартибга солиш, дарё, сойларга тўғонлар қуришни сўраб ёзган ариза, талабномалари кўплаб сақланган. Аризаларни қараб чиқиш учун аввал улар рус тилига таржима қилинар эди. Вақт эса ўтиб борар, масала ҳал бўлгунча деҳқонлар азоб чекарди.

Ўлка эҳтиёжлари қондирилмай, секин-аста қашшоқланиш бошланди. Анъанавий халқ таълимининг энг муҳим воситалари ҳисобланмиш ислом дини таълимотига асосланган мактаб ва мадрасалар фаолияти чеклаб қўйилди. Бир вақтнинг ўзида янги кўчиб келган ўрис маҳалла ва қишлоқларида христиан черковлари — бутхоналар қурилди. Ҳатто Н. Остроумов деган ашаддий жосус масихий «Инжил» китобини ўзбекчага таржима қилиб тарқатди...

Шаҳар ҳокимлари, қози ва бошқа амалдорлар, имомлар ва мактабдорларни чақириб, масжидларда намоздан сўнг оқ подшоҳнинг номини дуо қилдиришга буйруқ бердилар.

Фозилбек Отабек ўғлининг ёзишича, бирон мусулмон кўчада ўтиб кетаётган уезд бошлиғи ёки приставни кўрмай қолиб ўрнидан турмагани ва салом бермагани учун, оҳранкалар қайтиб келиб уни калтаклаган, ҳатто қаматган. Андижон ҳокими айрим мўътабар одамларни: «Менга салом бермадинг», деб ҳақорат қилган, гап қайтарса бир неча кунга қаматган.

Ички сиёсатдаги бу ишлар икки мақсадни кўзлаб қилинар эди. Бири — маҳаллий мусулмонлар эътиқодини сусайтириб, диний ибодатларни ичдан емириш ва шу йўл билан ўлкада христианлик диний ҳуқуқларни қарор топтириш. Иккинчи мақсад — босқинчи ўрис подшоҳи ва унинг оиласига эҳтиром билдириш орқали, кейинча СССРда тўла ғалаба қилган ғоя — маҳаллий халқни «улуғ рус» халқини эъзозлашга ўргатиш ва шу йўл билан халқимизнинг ўзлигини унутишга ундаш.

Бундай сиёсат оқибатида ўлкада аста-секин маънавий қашшоқлик бошланди. Мустамлакачилар халқни гумроҳликда сақлаш учун ислом дини даъватига қарши ахлоқсизлик, нопоклик одатларини ёйдилар. Элни масиҳийликка тортиш, ўта нозиклик билан руслаштириш сиёсатини юргизмоқчи бўлдилар. Қадимий шаҳарларимизнинг чекка жойларида Россияда одат бўлган разил ишлардан бири — исловатхоналар очилди. «Янги шаҳар» деб аталмиш ўрислар яшайдиган обод жойларда ичкиликхоналар ташкил қилинди. Бу касофат баъзи имони заиф мусулмонларни ҳам ўзига тортдики, ўша даврдан бошланган ичкиликбозлик шўролар ҳокимияти йилларида ҳамма ёқни қамраб олди. Энди эса бундан қутилишнинг асло иложи бўлмаётир.

Шаҳарларда янги очилган кўчаларга рус подшоҳлари-ю, ўрис генералларининг номлари қўйилди. Кейинчалик ўлкага темир йўл тортилгач, барча бекат номлари ҳам руслаштирилди. Ном қўйишдаги бу янглиш ишлар мана энди мустақилликка эришилгандан кейингина тугатила бошланди.

Буларнинг барчаси маҳаллий халқ оммасининг икки табақасига, айниқса, ёмон таъсир кўрсатади. Бири — меҳнаткаш халқ (авоминнос)нинг ўша даврдаги пири-устози бўлмиш ислом динимизнинг олий табақали пешволарига азоб бераётган эди. Маҳаллий мударрислар, диний олим-уламолар бундай кўргилиқдан руҳий азобда қолдилар. Улар яхши билардиларки, Қуръони Каримнинг бирон сўзи тугул, ҳатто бирон нуқтаси, ҳарфини тушуриб қолдириш ҳам гуноҳи кабирдир. Ахир, қандай қилиб унинг маъносини бузган ҳолда янгидан нашр қилдириб бўлади, қандай қилиб халқимиз онгига сингиб кетган Сўфи Оллоённинг таълимий ғазалларини ўзгартириб бўлади. Наҳотки, жума намозларида оқ подшоҳ ва унинг оиласи номини хутбага қўшиб ўқитилса! Ичкиликбозлик, фоҳишабозликка, бошқа янги бетартибликларга қандай чидаб бўлади! Бунинг устига, мадрасалар ихтиёридаги вақф ерларга ҳам тажовуз бошланди. Бундай ерлар мадраса ходимлари ва талабаларнинг тирикчилик манбаи эди. Бундай ерларни ҳукумат томонидан сотиб юбориш ҳақида кўрсатма бўлган эди. Натижада уламолар асосий даромад манбаидан ҳам ажралиб, иқтисодий жиҳатдан камбағаллашиши бошланган эди.

Чоризм ички сиёсати руҳий азоб бераётган иккинчи табақа — янги муаллимлар ва кўзи очилаётган ёшлар эдиларки, булар XX асрдан бошлаб шаклланган бўлғуси жадидлар тоифасининг дастлабки вакиллари эдилар. Улар янги очилган рус-тузем мактабларининг айрим тараққийпарвар муаллимлари ва ўша мактабни битирган ёш муллабаччалар Русия босқинидан сўнг ҳаётда юз бераётган салбий ўзгаришларни, меҳнаткаш халқ аҳволи ва кайфиятини синчковлик билан кузатишга қодир ёшлар бўлиб, кейинча илғор фикрли жадидизм ҳаракатининг фаоллари ўша ёшлардан етишиб чиқади. Улар ҳоким тўраларнинг кўзидан йироқда юришга уринар, аммо рўй бераётган воқеаларни кўриб, ўзларини қўймоққа жой топа олмас эдилар. Уларда ҳукмрон тузумга қарши тугён бошланаётган эди. Улар фақат битта нарсани — миллий истиқлолни, ўз халқининг порлоқ истиқболини ўйлар эдилар.

*(Сайфиддин Ҳожи Жалилов. «Салтанатни титратган кунлар».
Тошкент, 1998, 16—19-бетлар)*

5. НАМОЗ ПИРИМҚУЛОВ БОШЧИЛИГИДАГИ ДЕҲҚОНЛАР ИСЭНИ

Рус мустамлакачилари орасида «Намоз ўғри», халқ ўртасида эса «Намоз ботир» деб шуҳрат топган бу шахснинг фаолияти 1904—1907 йилларни ўз ичига олади. Намоз Пиримқулов ҳаёти ва фаолияти 1907 йилдаёқ халқ ўртасида дoston бўлиб кетган эди. Халқ бахшиси Нурмон Абдувой ўғли (1862—1939) «Намоз» дostonида уни афсонавий Рустам полвонга ўхшатган эди. Намоз Пиримқуловнинг ким, кимларга қарши курашганлигини у шундай таърифлаган:

Кеча-кундуз юргани дала-дашт бўлди,
Ўттиз йигитларга ўзи бош бўлди,
Николайга неча кун кенгаш бўлди,
То ўлгунча Николай билан гаш бўлди,
Намоздайин бир зўр ўтди жаҳонда.

Нурмон Абдувой ўғли Намозни кўрган ва у билан суҳбатлашган замондош сифатида унинг рус мустамлакачиларига қарши курашини шундай сатрларда ифода этган:

Бургутдайин қабоғини уйгандир,
Бор кучини билагига йиққандир,
Тўрт ҳокимга ўзи ёлғиз теккандир,
Намоздайин валломат ўтди жаҳонда.

Нурмон бахши «тўрт ҳоким» деб Самарқанд, Каттақўрғон, Жиззах ва Хўжанд туманлари бошлиқларини назарда тутган¹.

Намоз Пиримқулов ва унинг сафдошлари ҳақида Самарқанд ва Тошкент округ судлари, муҳим ишлар бўйича терговчилари тўплаган «жиноий ишлар» 12 жилдни ташкил қилган.

Мустамлакачи маъмурларнинг Намоз ботир² ҳақидаги биринчи хужжати 1904 йил 15 октябрь билан саналанган. Унда айтилишича, Каттақўрғон туманига қарашли Даҳбед волостининг Оқтепа қишлоғида Қаршибой Рўзибоев, Файбулла Рўзибоев, Бекабой Ниёзбоев, Сайидназар Соҳибназаров каби бухорлик етти савдогар 15 туялик қарвони билан номаълум кишилар томонидан тўхтатилган. Уларнинг бошлиғи Қаршибойга қамчи босиб, ҳамроҳларига қарвонни тинтув қилишни буюради ва 720 танга, уч тўнни олиб савдогарларни қўйиб юборади.

¹ Муродова Шаҳодат. XX аср бошларида Туркистондаги озодлик ҳаракатлари тарихи (Самарқанд вилояти мисолида), 114—150-бетлар.

² Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов 1999 йил 9 майда — Хотира ва қадрлаш кунинда сўзлаган нутқинда Намоз Пиримқуловни «Намоз ботир» сифатида тилга олган.

Қаршибой полиция приставига берган гувоҳлигида қароқчилар бошлиғи Намоз Пиримқулов эканини айтади. Чунки, бундан бир ҳафта олдин йўлда тасодифан учрашганда Намоз ботир ундан 500 боғ беда келтиришни илтимос қилган, лекин Қаршибой унинг бу илтимосини бажармаган. Намоз ботир буни унутмай, ундан ўч олганини айтади. Намоз ботирнинг одамлари 1905 йил 10 майда Каттакўрғон бозоридан қайтаётган савдогарлар, чўпонлар ва деҳқонларни ўраб олишади, лекин фақат савдогарларнинг пул ва молларини мусодара қилишади. Чўпон ва деҳқонларнинг пуллари, отлари ва молларига эса қўл ҳам тегизмай, қўйиб юборишади.

Намоз ботирнинг тарафдорларидан бири Ҳамроқул Дўстбобоев қўлга олинганда терговчига берган иқрорномасида у асосан бозорчи савдогар — бойларни талаганлигини тан олади. Улар пуллари сафдошларига тақсимлаб берган, моллар, буюмлар ва кийим-кечакларни эса камбағалларга бўлиб беришган.

Пристав Пётр Широков Намоз ботир тарафдорлари маҳаллий маъмурият вакиллари — волост бошқарувчилари, мингбошилар, қишлоқ оқсоқоллари, юзбошиларга доимо таҳдид солгани, уларни калтаклагани, ўлдиргани ва мол-мулкни тортиб олгани ҳақида баёнот бериб, шундай ёзади: «Қароқчилар уларни тутиб ушлаб бермоқчи бўлган қишлоқ маъмурларидан қаттиқ ўч олардилар. Халқ ҳам улардан кўрқарди. Маҳаллий маъмурият эса улардан юрак олдириб қўйган».

Хўжа Аҳрор волости Оталиқ қишлоғида куппа-қундузи отда кетаётган қишлоқ оқсоқоли Муҳаммад Амин Назар Муҳаммаднинг олдидан бир неча қуролланган киши чиқиб, отининг жиловидан тутган ҳолда оқсоқолни уриб ерга ағдаришади ва унинг 40 сўм пули, 100 Бухоро тангаси, икки тўнани олиб қўйишади. Арабхона қишлоғида бир неча киши мингбоши Хидирбобоевга ўқ узишади. Қўққисдан узилган ўқ казаклар билан қароқчиларни ушлашга бораётган мингбоши Лутфулла Хўжаевни ҳам отдан қулатади.

1906 йил июль ойида икки кун ичида Намоз ботирнинг йигитлари чорвадор бой Худойназарни, Торариқ қишлоғида мингбоши Эшонқул Азимовни, Ангрен волостида машҳур савдогар Қурбонбойни талашган. Қўлга олинганлардан бири халқнинг ўзларига бўлган муносабатини сўроқ вақтида шундай изоҳлаган: «Биз қишлоқларда Намознинг ўртоқлари, ё танишлариникида, ёки мутлақо бегона кишиларнинг уйларида тунаб қолардик. Бизга бошпана бериш хусусида ҳеч ким монезлик қилмаган, чунки одамлар Намоз ботирдан жуда ҳайиқишган»¹. Каттакўрғон туманбошисининг гувоҳлиги ҳам шундай: «Намоз ўз ҳужумларидан сўнг, хавф-хатар пайдо бўлса, маҳаллий аҳоли

¹ ЎЗР МДА, 17-жамғарма, 1-рўйхат, 14346-иш, 59-варақ.

ёрдамида яшириниб оларди. Аммо ҳеч кимдан унинг турган жойи ҳақида маълумот ололмаганмиз. Маълум қилишса ҳам, Намоз кетгандан кейин бўларди»¹. Намоз ботир ва унинг тарафдорларини халқ оммаси қандай ҳурмат қилгани, улар ҳақида турли афсоналар тўқигани ва ҳамиша мадад берганини Самарқанд вилоят ҳарбий губернатори генерал-майор Гескет ҳам тан олган эди: «Намоз доимо чопқир отлари ёрдамида таъқибдан қочиб қутуларди. Турли туманлардаги турли қишлоқларнинг аҳолиси унга бошпана берарди; одамларига, отларига қарашарди. Намознинг соқчилик хизмати аъло даражада йўлга қўйилган. Ҳар ёқда кўриқчи-даракчилари бор, аҳоли ўртасида ва ҳатто Самарқанд шаҳрида ҳам унинг жосуслари кўп»². Маҳаллий маъмуриятда ҳам унга хайрихоҳ кишилар бўлгани диққатга сазовордир. Чашмобдан хожи Турсун, Ургутдан Мирза Қобил, Сергелидан мулла Рустам, Даҳбеддан мулла Ҳамид, Ангордан Ҳикмат маҳдум Жунайдуллаев каби волост бошқарувчилари — мингбошилар Намозни зарур ахборот, қурол-яроғ ва ўқ-дори билан таъминлаб туришган. Намоз 1905 йилда 20 йигити билан 200 кишилик қуролли карвонга ҳужум қилган. Жом волостида юз берган бу воқеа Намознинг номини жуда машҳур қилиб юборган. Карвондан 25 милтиқ, отлар ва анчагина моллар ўлжа қилиб олинган. Уша йили чорвадор бойлар карвони Жом волостининг Гумбаз деган жойида Намознинг ҳужумига учрайдилар. Карвонда бораётган Чироқчи ҳокимининг вакили Бухоро амирига аталган мактуб ва буюмлар билан Намоз ботирнинг қўлига тушади. Китоб беги соқчилари билан 1905 йилнинг апрелида Намоз томонидан қуролсизлантирилади ва амир юборган жазо эскадрони ҳам тор-мор қилинади. Намоз ботир ва унинг йигитлари Бухоро остонасига бориб, амирга таҳдид солганлар. Улар ҳатто Афғонистон чегарасигача борганлар.

Бухоро амири кушбеги Остонақулбий додхо орқали генерал-губернаторга Намоз ботир устидан шикоят қилгани ҳам диққатга сазовордир.

1905 йилнинг октябрь ойида Намоз ботир Хўжаариқ волости бошқарувчиси Лутфулла Хўжаевнинг сотқинлиги туфайли Қоратери қишлоғида пристав капитан Голов томонидан қўлга олинади. Уни сўроқ қилиш материаллари, гувоҳларнинг кўрсатмалари ва терговдаги савол-жавоблардан шу нарса маълум бўладики, ўша 1905 йилда Намоз ботирнинг ёши 28 да бўлган. Ўрта бўйли, қора соқол, қора кўз ва хушбичим йигит бўлган. Уйланган, фарзанди йўқ. Жар қишлоғида ҳовли-жойи ва ери бўлган. Касби-кори деҳқончилик. Икки марта қозилар суди томонидан жазоланган (сабаби айтилмаган). Йигитларининг

¹ Уша ҳужжат.

² УзР МДА, 17-жамғарма, 1-рўйхат, 2968-иш, 91-варақ.

ўртача ёши 20—25 ёшда ва турли миллатларга мансуб бўлган¹. 1906 йил 7 февралда Самарқанд округ суди прокурори Тошкент суд палатасининг прокурорига йўллаган ташвишли хабарида 2 февраль куни кечқурун вилоят турмасидан лаҳм орқали Намоз ва 50 маҳбус қочгани, уларга маҳаллий аҳоли ёрдам бергани, Холбек Хўжаёров, Тожикул Имомқулов ва Абдувоҳид Абдусодиқовлар эса 2 февраль куни кечқурун турма девори ёнига отларни келтиришгани ва шу отлар ёрдамида маҳбуслар қочиб кетишга муваффақ бўлгани маълум қилинган.

Намоз Пиримқуловнинг қамоқдан қочгач, ўз фаолиятини янада кенгроқ қулоч ёйдириши мустамлака маъмуриятини жуда чўчитиб юборди. Империяни ларзага солаётган сиёсий курашлар шароитида Туркистон деҳқонларини қўл остида бирлаштиришга қодир бўлган бу шахс рус ишчилари ва инқилобчиларидан ҳам даҳшатлироқ эди. Шу сабабдан Намоз ботирнинг ишига шахсан Туркистон генерал-губернатори Н.И.Гродековнинг ўзи эътибор берди. Унинг энг яқин сафдошлари — Россия турмалари ва Сибирь сурғунидан қочган Абдуқодир ҳожи Отауллаҳўжаев, Қобил Тошпўлатов, Худойназар Тошмуҳамедов, Жўра Жиянов, Жалил Улуғмуротов, Ҳотам Каримов, Абдуназар Ҳожиназаров, Турсун ва Карим Устаназаровлар иши бошқа «қароқчилар» ишидан ажратиб олиниб, хавfli жиноятчилар сифатида Тошкент округ судининг алоҳида муҳим ишлар бўйича терговчисига топширилди.

Намоз бошчилигидаги қасоскорлар гуруҳига қарши мустамлака маъмурияти ўзининг синалган айғоқчиларини юборди. Шундай ифвогар жосуслардан бири Ширин Муҳамедов бўлиб, у шу даражада «намозчи» бўлиб кетдики, казаклар билан отишмаларда барча ҳужумларда ўрناق кўрсатгани учун юксак ишонч қозонди. У қўлга олинганида рус маъмурларидан баъзилари ҳатто Ширин Муҳамедовнинг рус жосуси эканлигини билмай, унга қаттиқ жазо беришни талаб қилишган.

Намоз ботирга қарши Туркистон жанговар казак дивизияси қисмлари юборилди. Лекин, Намоз ботирнинг уруш кўрмаган, ҳарб илмида тажрибасиз йигитлари жуда кўп тўқнашувларда довдираб қолмай, партизан уруши услубларини қўллаб, казакларни доғда қолдиришди. Халқ қасоскорларига қарши 2-Уральск казак полки ҳам ташланди. Туркистон ҳарбий округи штабининг 1905—1907 йилларга оид ҳужжатларида ва «Туркестанские ведомости», «Туркистон вилоятининг газети» саҳифаларида Намоз ботир ва сафдошларининг миршаблар, аскарлар ҳамда казаклар билан жангу жадалларига оид қизиқарли маълумотлар кўп. 2-Уральск казак полки зобити хорунжий Казанцевни орден билан мукофотлаш учун берилган тавсияномада унинг жасорат кўрсатгани таъкидланади. Бу «жасорат» Намоз

¹ ЎЗР МДА, 130-жамғарма, 1-рўйхат, 2968-иш, 209-варақ.

ботир билан бўлган жангларда қатнашгани учун қайд этилган эди. 1-Туркистон казак дивизияси қўмондони Самарқанд ҳарбий губернаторига 1907 йил 30 январда йўллаган ахборотида «Намоз ишига муносабат доирасини анча кенгайтириш лозимлиги» уқтирилгани бежиз эмас. Казак генерали Намоз ботирни бутун вилоятнинг осойишталигини остин-устун қилган шахс сифатида баҳолайди¹.

Туркистон генерал-губернатори «ўзбек Дубровскийси» бўлмиш Намоз Пиримқуловни тутиш ишини ташкил қилиш операциясига шахсан Самарқанд вилояти ҳарбий губернаторининг ёрдамчиси, полковник Сусанинни жавобгар қилиб тайинлади. Операция муваффақиятини таъмин этиш ишига ўз навбатида Бухоро амири, рус армиясининг кавалерия генерали Саид Абдулахадхон ҳам киришди. 1907 йил март ойида генерал-губернатор маҳкамаси полковник Сусанинга Намоз ботир операцияси учун махсус қўшимча маблағ ажратди. Самарқанд ҳарбий губернатори генерал Гескет 28 майда 2-Уральск казак полки командирига операция мутлақо махфий тарзда бошланишини хабар қилиб, казакларни подполковник Сокольский ихтиёрига юборишни буюрди. Бухоро чегарасида 12 та пистирма, Самарқанд ва Каттакўрғон туманларида 10 та кузатув пистирмалари қўйилди. Бухоро амирининг амри билан барча йўлларга кучайтирилган сарбоз қисмлари жойлаштирилди. Намозчилар тенгсиз жангларда талафот кўриб, чекинишга уриндилар. Лекин қуршов ҳалқаси тобора торайиб борарди. Намоз ботир билан йигитлари таъқибдан қутулиб, ҳар ёққа тарқалиб кетгани ва етакчининг ўзи хиёнаткорона ўлдирилгани ҳақида икки хил тахмин бор.

Жазо отрядларидан бирига командир бўлган Самарқанд туманбошисининг ёрдамчиси подполковник Сокольский ҳарбий губернаторга 1907 йил 3 июнда Намоз Пиримқулов Туркман, Қобил, Норбобо, Кенжа, Алиқул ва Бердибек каби яқин дўстлари билан 25 май куни таъқибдан қутулгандан сўнг Бухоронинг Зиёвуддин беклигига қарашли Тошқудуқ ортидаги Қорача тоғларидан паноҳ топишди, деб хабар қилган эди. Ҳориб толган қасоскорлар пинакка кетгач, соқчиликда турган Қобил мудҳиш режа тузади. Шерикларини уйғотиб, Намоз ботирни ўлдириш ва шу билан қутулиб қолиш мумкинлигини айтади. Қобил ухлаб ётган Намоз ботирнинг пешонасига тош билан уради, Кенжа ва Алиқул уни томоғидан бўғадилар. Бошқалар эса Намознинг яқин сафдоши Туркманни ўлдиришади. Қотиллар Намоз ботирнинг жасадини палакка ўраб, аввал форга беркитишади, кейин эса Тошқудуқ қишлоғидан олти чақирим беридаги жойга ташлаб қочишади. Сокольский ўз хабарномасида пристав капитан Голов Намознинг жасадини бориб кўрганини

¹ Муродова Ш. Намоз ботир. «Туркистон» газетаси, 1999 йил 5 июнь.

ва у чиндан қасоскорлар бошлиғи Намоз Пиримқулов эканлигини ёзганди.

Бошқа бир тахминни 1907 йил 1 июнда Бухоро амирининг кушбегиси Остонақулбий додҳо баён этган. Бунга кўра, Зиёвуддин бекигининг Энкичик деган ерида Туркман бошчилигидаги 8 қароқчи Намоз дам олиб ётган жойга келишади. Ўртада қандайдир низо чиқиб Туркман Намозни ўлдиради. Уша заҳотиёқ Намознинг тарафкашлари Қобил ва Жума Туркманга ташланиб, қонли олишувда уни ўлдиришади. Намознинг жасадини эса дафн этиш учун Каттақўрғонга олиб кетишади.

Туркистон генерал-губернатори Намоз ботирнинг ўлимидан беҳад мамнунлигини яширмай Самарқанд вилоят ҳарбий губернатори генерал Гескетга ушбу миннатдорчилик телеграммасини йўллаб, «Хайриятки, биз сизнинг ғайрат ва тadbиркорлигингиз туфайли Намоздан қутулдик. Жуда хурсандман, сизлардан миннатдорман. Ўзини яхши кўрсатганларни мукофотга тақдим қилинг»¹, дейди. Генерал Гескетнинг тadbиркорлиги эса Намознинг яқин сафдошларини қўлга олиш, улар орасига нифоқ солишдан иборат бўлган. 1907 йил 19 декабрда Намозни ўлдириш ишида «ўрнак кўрсатганлардан» Самарқанд тумани Полвонариқ волости бошқарувчиси мулла Қулмуҳаммад Умарбеков кичик олтин нишон, Калқўрғон мингбошиси Мирза Саид Мурод Мирза Ҳакимов, Полвонариқ қишлоқ оқсоқоли Абдикул Абдурахмонов, миршаблардан Каримбой Назаров, Уста Муҳаммад Мурод Юсуфов кичик кумуш нишонлар билан тақдирландилар. Улар миллатимиз олдида абадул-абад юзи қора сотқинлардир. Намоз Пиримқуловнинг содиқ дўсти Абдуқодирхўжа 1908 йил 12 августда Минғариқ волостида туман ҳокими аскарлари томонидан отиб ўлдирилади. Каттақўрғонлик Қобилнинг тақдири фожиали кечди. Уни ҳам рус аскарлари ҳалок қилдилар. Намоз Пиримқулов ва дўстлари учун қаттиқ қайғурган Довурча қасос белбоғини маҳкам боғлаб Миттан, Чироқчи, Фаллаорол, Хатирчи ва Кармана музофотларида миршаблар, маҳаллий амалдор ва сотқин бойларнинг додини берди. Уни қарийб икки йил давомида қўлга ололмадилар. Фақат 1909 йил 29 августда чор маъмурлари казак отряди билан бўлган жангда Довурча қўлга олиниб қамоққа ташланди².

Мустабид тузумга қарши ўзига хос халоскорлик йўлини тутган Намоз ботирнинг ўлими деҳқонларнинг мавжуд мустабид тартибга ва мустамлака зулмига қарши курашини тўхтата олмади. Хуллас, Намоз Пиримқулов ва унинг издошларининг қасоскорона халқ кураши ватанимиз тарихининг энг ёрқин саҳифаларидандир.

¹ ЎзР МДА, 18-жамғарма, 1-рўйхат, 2193-иш, 43-варақ.

² Ҳайдаров Х. Жиззах тарихидан лавҳалар. Т., «Меҳнат», 1992, 29-бет.

6. ЎЛКАДА МАҲФИЙ СИЁСИЙ ПОЛИЦИЯНИНГ ТАШКИЛ ҚИЛИНИШИ

1905—1907 йиллардаги катта-кичик воқеалар Туркистон халқларини рус мустамлакачилари лагеридан бирлик йўқолгани ва ўртада ўзаро кураш бошланганидан дарак берди. Бу ҳақда маҳаллий матбуот шундай ёзган: «Туркистон ўлкасининг ерли аҳолиси Россиядаги инқилобий ҳаракат ва бу ҳаракат ўз олдига қўйган мақсадларга мутлақ лоқайддир, деб фикрловчилар қаттиқ янглишадилар. Россиядаги инқилобий ҳаракатга қизиқиш кундан-кунга ортиб бораётганига ишонч ҳосил қилмоқдамиз. Маҳаллий аҳоли ўртасидаги айрим нуфузли гуруҳлар уларга бу ҳаракатни атайлаб қанчалик бўяб кўрсатишларидан қатъи назар, сўнгги вақтлардаги воқеаларга доир ўзларининг холис қарашларини аллақачон шакллантирганлар»¹.

Рус мустамлакачилари Туркистон халқлари вакиллари озодлик кураши гирдобига тортилгундай бўлса, уларнинг орасида миллий онг уйғониб, истиқлол кураши бошланишидан гоят хавфсирашган. Шунинг учун ҳам биринчи рус инқилоби бошланган ойда — 1905 йилнинг январидаяқ генерал-губернатор маҳкамасининг босмахонасида ўзбек тилида «давлатпаноҳ император»га бағишланган дуо матни чоп этилиб, жойларга юборилди. Хусусан, Самарқанд вилоятидаги масжид ва медресалардаги имомлар учун мўлжалланган 190 дуо матни ҳарбий губернаторга жўнатилиб, маҳаллий аҳоли ўртасида тегишли ташвиқот олиб боришда мусулмон руҳонийларидан унумли фойдаланишга кўрсатма берилгани шу мақсадга қаратилган эди.

15 октябрда Тошкент, Қўқон темир йўлчилари, 16 октябрда Андижон, Чоржўй, 17 октябрда Самарқанд темир йўлчилари стачкага кўтарилди. Бу стачкаларда иқтисодий талабларга қараганда сиёсий талаблар кўпроқ эди. Темир йўлчилар иш ташлаши Ўрта Осиё темир йўлида жойлашган Қўқон, Андижон, Марғилон, Черняев, Когон ва Туркистоннинг бошқа шаҳарларини қамраб олди.

Подшонинг сиёсий эркинликлар ваъда қилган 1905 йил 17 октябрдаги манифести Туркистонда ҳам митинг ва намойишларга сабаб бўлди. 18 октябрь кунини эрталаб Ўрта Осиё Бош Тошкент темир йўл устахоналари олдидаги майдонда ўтган митингда манифест ҳақида РСДРП Тошкент гуруҳи вакиллари танқидий фикр билдиришди ва уни «қоғоздаги қонун» деб атаб одамларни ҳукуматга қарши куч ишлатишга чақирдилар ва биринчи галдаги вазифа қамоқдаги сиёсий маҳбусларни озод қилиш эканлигини уқтирдилар. Шундан сўнг улкан оломон кўлида «Йўқолсин чоризм!», «Йўқолсин капитализм!» деган

¹ «Русский Туркестан», 1905 йил 5 декабрь.

шиорларни кўтариб, турма томон йўл олдилар, 10 минг кишилик оломон сафида ишчилар, талабалар, ҳунармандлар, деҳқонлар ва майда савдогарлар, шу жумладан, маҳаллий миллат вакиллари ҳам бўлган.

Тошкент шаҳар думаси ноиблари 1905 йил 28 июлда подшога ёзган петицияларида ҳам руслар ўртасидаги ихтилоф ва тўқнашувлар ўлка туб аҳолиси ўртасида «рус таъсирини бўшаштириб, рус давлати куч-қудрати ҳақида нохуш тасаввур уйғотиши мумкин»¹ деб ёзишган эди.

Иш шу даражага бориб етдики, Самарқандда шаҳар истироҳат боғида митинг уюштирилганда вилоят ҳарбий губернатори бу митингга расман рухсат берибгина қолмай, митинг раиси большевик М. В. Морозовнинг шаҳардаги ҳарбий муҳофазани олиш ва барча жамоат, ҳукумат идораларини шу куни ёпиш ҳақидаги талабини ҳам қондирди. Рус жамоатчилигининг ҳукуматга қарши кайфияти кучини Чоржўй гарнизон бошлигининг 1905 йил 27 октябрдаги ахбороти яққол кўрсатган: «Бу иккинчи иш ташлаш биринчисига қараганда буткул ўзгача кечмоқда. Оломон дадиллиги жуда ошиб кетди. Халқ ўз ҳуқуқини куч билан олмоқда ва у буни тушунади, ўз кучини билади ва шу йўлдан боради. Халқ билан гаплашганимда шуни ҳис қилдимки, унинг талаби ҳали замон Париж Коммунаси даъволаридан ҳам ўтиб тушади»².

Туркистон ўлкасида 1905 йил 2 ноябрғача давом этган октябрь сиёсий стачкаси аскарлар ўртасида ҳам кучли безовталиқ уйғотди. РСДРП Тошкент ташкилоти ва эсерларнинг яширин хитобномаси ҳамда варақалари бунда катта роль ўйнади. Сапёрлар ва ўқчи батальонларида «тартибсизлик» ва интизом бузиш ҳоллари кучайди. Улар ҳатто ўз бошлиқларига зўравонлик ўтказишга ҳам уринишди³. 1905 йил ноябрида темир йўл батальонларида жиддий воқеалар юз берди.

Эсерлар ташвиқоти натижасида 1905 йил ноябрида 1-Туркистон захира батальони (Тошкент кўрғони), Тошкент тўп омбори ва устахоналарида қуролли кўзғолон кўтарилди. Бу кўзғолонни қўллаб РСДРП Тошкент гуруҳи икки хитобнома чиқарди⁴.

Аскарлар кўзғолони бостирилгандан кейин ҳам эсерлар ва большевикларнинг ташвиқоти давом этди. Ўлкада иш ташлашлар бир-бирига уланиб кетди. Ноябрь ва декабрь ойларида Туркистондаги амалий ҳокимият ўзига хос ишчи ва аскар ноиблари Шўроси вазифасини ўтовчи темир йўл стачка қўмиталари

¹ ЎЗР МДА, 17-жамғарма, 1-рўйхат, 22654-иш, 16-варақ.

² Начало революционного движения в Туркмении в 1900—1905 гг. Сборник документов, кн. 2, Ашхабад, 1946, 155-бет.

³ «Новая жизнь», 1905 йил 12 ноябрь, 11-сон. Бу большевиклар таъсирида-ги газета эди.

⁴ Ўзбекистон халқлари тарихи музейи архиви: 03Н/43, 192-рўйхат.

қўлига ўтди. Бу қўмиталар темир йўлда поездлар қатнови, озиқ-овқат таъминоти, жамоат хавфсизлиги каби масалаларни ҳал қилишган. Телеграф алоқаси ҳам стачка қўмиталари ихтиёрида бўлган.

Шундай воқеа бўлганки, Туркистон генерал-губернатори вазифасини бажарувчи Сахаров телеграмма юбориш учун қўмитадан рухсат сўрашга мажбур бўлган. Стачка давомида большевик М. В. Морозов раҳбарлик қилган Тошкент инқилобий қўмитасининг таъсири шундай катта бўлганки, уни одамлар «Вақтли ҳукумат» деб аташган. Ўрта Осиё темир йўлидаги иш ташлаш 18 кун давом этиб 3 декабрда, Оренбург — Тошкент йўлида эса 9 декабрда якунланди. 1905 йил октябрида пайдо бўлган стачка қўмиталари дастлаб темирйўлчилар манфаатини ўзларида ифодалаган бўлсалар, 1905 йил ноябридан эса инқилобий ҳокимият ўзагига айланиб кенг халқ оммаси манфаатларини ҳимоя қилишга даъвогар куч сифатида кўзга ташланди.

Худди шу ҳусусда Туркистондаги рус оммасининг 1905—1907 йиллардаги инқилобий ҳаракатини синчиклаб ўрганган подполковник Васильев диққатини икки телеграмма жалб қилди. Тошкентдаги ноябрь иш ташлашида Ўрта Осиё темир йўли бўйлаб шаҳардан қуйидаги мазмундаги телеграмма юборилган: «Бугун митингга русча гапирувчи ерлилар келишиб, бизнинг ҳаракатимиз билан қизиқишди ва нималар бўлаётганини тушуниш учун эски шаҳарга нотиқ юборишимизни сўрашди. Биз уларга иш ташлаганимиз сабабларини тушунтириб уларни митингларимизда қатнашишга таклиф қилдик»¹. Тошкент стачка қўмитаси раиси А. П. Гольберт² имзо чеккан яна бошқа телеграммада эса «ерли аҳоли иш ташлашимизга хайрихоҳлик билан қарашмоқда»³ дейилган. Русларнинг иш ташлаш ҳаракати туб миллатларга мансуб аҳолини ҳам «йўлдан ургани» ҳақида расмий газеталар ҳам хабар беришган. «Умумий иш ташлаш, — деб ёзган эди «Туркестанские ведомости» 1905 йил 12 ноябрь сонисида, — Андижонга ҳам ёйилиб ишчилари нуқул сартлардан ташкил топган пахта тозалаш заводларини ҳам тўхтатиб қўйди»⁴.

Махфий сиёсий полиция бошлиғи Васильевни Самарқанддаги 1905 йил 19 октябрь куни бўлган митинг қабул қилган

¹ Пяковский А. В. «К вопросу о прогрессивном значении присоединения Средней Азии к России». «Вопросы истории», 1959 йил, 8-сон, 31-бет.

² Алексей Павлович Гольберт (1873—1955) 1906 йилда қамоққа олинган ва кейинчалик Туркистондан чиқиб кетган. Темир йўл устахоналарида ҳисобчи бўлиб ишлаган.

³ Пяковский А. В. «К вопросу о прогрессивном значении присоединения Средней Азии к России». «Вопросы истории», 1959 йил, 8-сон, 31-бет.

⁴ «Туркестанские ведомости», 1905 йил 12 ноябрь.

резолюциядаги бир банд ўзига жалб қилди. Унда ўзбекларни «шафқатсиз эксплуатация қилувчи фирмаларга дашном бериш зарур», —деб ёзилган эди. Уша митингда ўзбеклар ҳам қатнашиб, ўз талабларини қўйган эди. Бундай русларга қўшилган ўзбек ишчи, зиёли ва ҳунармандларидан Дўстмуҳаммад Устабоев, Барот Икромов, Отамурод Шермуҳамедов, мулла Малик Абдукарим Ашуров номлари маъмурларга маълум эди.

Рус мустамлакачилари ўлканинг маҳаллий туб аҳолиси 1905—1907 йиллардаги воқеалардан ўзига хос усулда фойдаланиб, мустамлака тузумига қарши кайфиятда бўлганликларини пайқадилар. Самарқанд вилояти ҳарбий губернаторининг 1907 йил февраль ойида ўлкада жандарм назоратини ўрнатиш ҳақида қилган ахборотномасида шу фикр яққол кўзга ташланади. Рус ҳокимияти «Ўрта Осиёдаги инқилобий ташкилотларнинг ерли аҳолига таъсирини йўқотиш учун зарур миқдорда маблағ ва яхши воситаларга эга бўлиши керак» дея вилоятларда жинойи-сиёсий қидирув хизматини кенг миқёсда ташкил этишни таклиф қилди. Губернаторнинг фикрича, бу хизмат «ерли аҳолини инқилобий ташвиқотчилардан сақлашда» муҳим роль ўйнаши керак эди. Унинг мулоҳазаларини Фарғона вилояти ҳарбий губернатори ҳам маъқуллаб, бугунги кунда сиёсий жиноятчилар сони ерли аҳоли вакиллари ҳисобига кўпайганини ҳам кўшиб кўяди (Янги Марғилон округ судидаги Гофуржон Исломонов, Тошмаҳдум Муллаҳўжаев каби ўзбеклар ишини илова қилади).

1907 йилнинг ноябрида подполковник Васильев ва полиция маслаҳатчиси Квицинскийлар ташкил қилган махфий жосуслик тармоғи асосида бевосита марказ — Петербургда хизмат қилувчи рус махфий сиёсий полицияси — Туркистон район муҳофаза бўлими ташкил қилинди. У Петербургнинг «кўз-қулоғи» бўлиб хизмат қилди. Рус сиёсий разведкаси ва контрразведкаси вазифасини ҳам адо этувчи махфий полиция Туркистондаги барча тараққийпарвар кучларни аниқлаш, уларнинг сафига ифвогарлар юбориш, халқлар, миллат-элатлар ўртасида нифоқни кучайтириш ва миллий-озодлик ҳаракатининг барча кўринишларини тезлик билан аниқлаб унинг ривожланишига йўл қўймаслик, энг муҳими, ўлкани руслаштиришга монетьлик қилувчи барча кучларни зимдан, пинҳона, ё ошкора йўқ қилиш учун хизмат қилиши лозим эди. Ана шундай идорага раҳбарлик қилиш моҳир изкувар, тажрибали полиция амалдори Леонид Квицинскийга топширилди. Подполковник Васильев эса генерал-губернатор маҳкамасидаги барча сиёсий ёзишмаларнинг мутасаддиси — махсус бўлим бошлиғи вазифасини бажара бошлади.

Алоҳида жандармлар корпуси подполковниги Н.А.Васильев ва полиция маслаҳатчиси А.Квицинский ўз фаолиятларини кенг қулоч ёйдирдилар. ТРМБ агентураси ўлкадаги социал-демократик ташкилотларни тор-мор қилиб, кўтлаб одамларни

қамоққа олди. 1908 йилда Тошкент турмасининг бир ўзида 500, Скобелевда 300 сиёсий маҳбус сақланган. Самарқанд турмасида эса маҳбуслар кўплиги, шароит ёмонлигидан тиф эпидемияси тарқалган. Сиёсий жиҳатдан ишончсиз ҳисобланган 400 ишчи Ўрта Осиё темир йўлидан бўшатилиб, 700 га яқин ишчи «қора дафтар»га тиркалган. Миршабларга тинтувга келишганда эшик бир дақиқада очилмаса уни бузиш ҳуқуқи берилди¹.

Қисқаси, полиция штатлари кенгайтирилиб, очиқ ва яширин агентурага ажратиладиган маблағлар кўпайтирилди. Масалан, империя ички ишлар вазирлиги агентура харажатлари учун Каспийорти вилоятига 2000, Фарғонага — 1900, Самарқандга — 1200, Еттисувга — 1000 рубл ажратди.

Петербург Васильевга сиёсий қидирув ишларининг тўғри олиб борилишини текшириш, Туркистондаги инқилобий ташкилотлар фаолиятини тўла ва атрофлича ёритишга оид чекланмаган ваколатлар бердики, улар миршабларнинг бебошлигини ниҳоятда кучайтириб юборди. Метрополия маркази Туркистонда муҳолифатга қарши ташвиқот юритиш, подшога садоқат руҳида адабиётлар нашр этишга ҳам анчагина маблағ ажратди.

Мустамлака маъмурияти идораларида миршаблик-жосуслик руҳи кучайиб кетди. Генерал-губернатор маҳкамасининг махсус бўлими, ТРМБ ва Ўрта Осиё темир йўл жандарм-полиция бошқармасининг агентура тармоғи бутун ўлкани ўргимчак каби ўраб олди. Туркистон ҳарбий округи қўшинлари қўмондони генерал-адъютант Кондратович зобитлар сиёсат билан шуғулланмоқда, деган хабарни эшитиб, шундай деган: «Агар кимдир мени фуқаро деб атаса, мен буни шахсий ҳақорат деб ҳисоблайман». Ж. ва Т. деб аталган икки зобитга дашном берилгани, уларнинг айби ҳакамлар сифатида маскарад вақтида турма ва озодликни акс эттирган ниқобларга мукофот беришгани бўлди. Зобит Плотниковни ТРМБ бошлиғи ҳузурига олиб келишди ва у ўзининг ҳарбий эканлигини ҳамда миршабларга бўйсунмаслигини айтганда, Леонид Квицинский уни ҳақорат қилиб қуролсизлантиришни буюрди ва қамоққа жўнатди.

Васильев ва Квицинский округ ҳарбий қисмларидаги илғор фикрли, инқилобчиларга хайрихоҳ зобитлар ва аскарлар ўртасида эсерларнинг яширин ташкилотлари иш кўраётганини аниқладилар. 3-Каспийорти ўқчи батальони зобитларидан полковник Солодягин, подполковник Левдиков, капитан Крушинский, ҳарбий шифокор Лунковичнинг инқилобий фаолиятига оид маълумотлар аниқланди. Квицинский марказга юборган ахборотида (1908 йил 9 декабрь) подполковник Левдиков иши бўйича 44-агенти (филер) ишлагани ва унга 5500 рубл сарфлаганини ёзган. ТРМБ махфий агенти «Абрам» 1909 йил 1 апрелда шундай ахборот йўллаган: «Туркистон ўлкасининг тур-

¹ ЎзР МДА, 1-жамғарма, 1-рўйхат, 567-иш, 36-варақ.

ли чеккаларидан 30 зобит — ҳарбий ташкилот аъзолари келишди. Тошкентнинг Самарқанд кўчасида генерал Ивановнинг уйида истиқомат қилувчи штабс-капитан Алексей Алексеевич Хлебников ҳузурда икки йиғилиш ўтказилди. Бу йиғилишларда захирадаги батарея штабс-капитани Карпович, Тошкент резерв батальони штабс-капитани (фамилияси ноаниқ), қалбадаги сиёсий маъбусларни қочиришда ёрдам берган зобит, аввал 2-Туркистон ўқчи батальони командири, полковник, сўнг унвони пасайтирилган поручик Николай Николаевич Солодягин қатнашди. Ҳарбий ташкилот ҳақида самарқандлик савдогар Субеников қимматли маълумотларга эга бўлган. Унинг боғида номлари эслатилган зобитлар кўп бор бўлишган ва шу жойда босмахона ҳам бўлган»¹.

Сиёсий изқуварлар Туркистон эсерларининг Петербургдаги эсерлар билан яқин алоқасини ҳам аниқлашди. 1908 йилнинг июль ойида Петербург эсерлари Тошкентга доктор Моисей Слоним номига Рус-Хитой банки орқали 5 минг рубль юборганлар².

Туркистон ўлкасида фаол иш кўраётган эсерларнинг жангвар гуруҳи ҳақидаги тергов материаллари 7 жилдни ташкил этиб, бевосита Петербургнинг диққатини ўзига тортди. Эсерлар сафида мусулмонлар ҳам борлиги ва улар нуфуз жиҳатидан ҳам катта мавқега эгаллиги Васильевни безовта қилди. Ниёзбоев — Каримов иши шулар жумласидандир. Тошкентда Старогоспитал кўчасидаги 52-уйда яшовчи савдогар Собиржон Солихович Абдуллин аслида эсерларнинг раҳбарларидан бири бўлиб чиқди. «Спокойний» лақабидаги 27 ёшли мусулмон йигит «Кум», «Мастер», «Богачка» лақабли эсерлар билан алоқада бўлган. У «Богачка» лақабли йигитнинг билети билан Оренбургга жўнаганида орқасидан кузатув борлигини пайқаб, яширинади. Жандармлар уни Уфада қўлга туширишганда ўзини Гумар Хусаинович Каримов деб атаган. Каримов аслида Ниёзбоев бўлиб, таниқли эсер, Қозон ва Оренбургдаги ишларда қатнашган. Жандарм тергови уни Оренбургда Габдурауф Ҳакимбоевич Ниёзбоев номи остида яшагани, касби ўқитувчилиги, доимий манзилгоҳи Тошкент эканлигини аниқлади. У эсерлар фирқаси Марказий Қўмитасида «Қозонлик», «Яҳудий» каби лақабда алоҳида ҳисобда турган. Подполковник Васильев «Тошкент ва Чимкентдаги эсерлар гуруҳлари» деб номлаган махсус ишда қўйидаги маълумотларни аниқлаган. 1906 йилда Қозонда эсерлар фирқаси гуруҳи ташкил этилиб, қўмита аъзоллигига Габдурауф Ниёзбоев, Фиёс Исҳоқов, Исҳоқ Бикчурин, Шокир Муҳаммадёр, Фуад Тўхтаров сайланади. Улар яширин босмахона ташкил қилиб, 3 марта хитобнома чиқаришган. Уфада яшаган Фаисхон Усмонов татар босмахонасини Кари-

¹ ЎЗР МДА, 461-жамғарма, 1-рўйхат, 2027-иш, 52-варақ.

² Ўша архив, 1990-иш, 16-варақ.

мов-Ниёзбоевга топширган. Ашхобод ҳарбий-инқилобий ташкилот аъзоси Илья Петрович Андреев (фирқавий лақаби «Ўртоқ Фома») «Полковник» билан алоқада бўлиб, Тошкентдан пул олиб турган. Яширин босмахонада эсерларнинг «За народ» ва «Молот» деган газеталари чоп этилган. Ниёзбоев-Каримов икки марта Кишинёв шаҳрига бориб, Туркистон эсерлари учун қурол-яроғ сотиб олган ва бу ҳақда Тошкентга телеграммалар жўнатган. Ниёзбоев қурол-яроғ транспорти билан Оренбургдан ўтаётиб, Тошкентга давлат хизматидаги адвокат ёрдамчиси Чарковский номига шартли телеграмма юборган. Подполковник Васильев номи тилга олинган Чарковскийнинг ўзбек жадидлари билан яқин алоқасидан хабардор бўлиб, уни алоҳида хавфли шахслар қаторига қўшди¹.

1908 йил 10 январдаги тинтув вақтида Тошкентда истиқомат қилувчи эсерлардан Пётр Гордеев ва Тимофей Никитиннинг уйларида инқилобий руҳдаги адабиётлар билан бирга гектографда босилган «Мусулмонларга!» деб номланган хитобноманинг 58 нусхаси чиққани ҳам Васильевни ташвишга солди. Бу факт эсерларнинг маҳаллий аҳоли ўртасида қандайдир аниқ иш юритаётганидан дарак берарди. ТРМБ бошлиғи Квицинский эса унга эсерлар фирқаси Туркистон вилоят қўмитасининг таниқли арбоби Виктор Чернийнинг аслида Қозон дорилфунунининг талабаси Аббосали Қадимов бўлиб чиққани ҳақидаги хабари ҳам ташвиш учун асос эди².

Мусулмонларнинг инқилобий фирқалардаги иштироки Петербургни ғоят ташвишга солаётгани сиёсий идорага маълум эди. Петербургда изкуварларга ёрдамга келган Алоҳида жандармлар корпуси ротмистри Корабчаков 1908 йил 26 июлда Аббосали Қадимовнинг изига тушганини ёзиб, бу эсер уч шериги билан тижорат идораси ходимларига Самарқандда ҳужум уюштириб 4150 рубл, олтин буюмлар ва ҳужжатларини тортиб олгани, полиция улардан иккитасини қўлга туширганини маълум қилган. 1908 йилнинг июлида империя Ички ишлар вазирлиги Полиция департаменти ТРМБ бошлиғига мутлақо махфий ахборот йўллади. Унда эсерлар фирқаси Марказий Қўмитаси топшириғи билан Одесса вилоят қўмитаси вакили «Сергей» Тошкентда аллақандай вазифани бажариб, Одессага қайтгани хабар қилиниб, эсерлар Тошкентда қандайдир муҳим тадбирни амалга оширмақчи эканликлари тўғрисида тахмин билдирган. 22 июлда «Сергей» Петербургда борган ва Марказий Қўмитадаги маслаҳатга кўра императорнинг жонига суиқасд қилиш режасини тузган. Бунинг учун у Тошкентдаги давлат хазинасини талаб 700 минг рублни қўлга киритмоқчи, агар бу иш амалга ошмаса, бирон хусусий банк, ё почтани талаб, юз минг рублга яқин пул

¹ ЎзР МДА, 461-жамғарма, 1-рўйхат, 1488-иш, 12-варақ.

² Ўша архив, 125-иш, 11-варақ.

жамғармоқчи бўлган. Маблағ Петербургда подшони ўлдириш ишида асқотиши керак бўлган. Ака-ука Валицкийлар пул транспортдан 300 минг рублни ўғирлаб эсерлар фирқаси Туркистон вилояти кўмитасига топширган. Кўқон банкидан Тимофей Ниясов юз минг рубл олиб шу кўмига берган¹.

Подполковник Васильев, ротмистр Корабчаков ва ТРМБ бошлиғи Квицинскийларнинг биргаликда ишлаши, ҳамкорликда изланиши натижасида Туркистон эсерлари етакчиси Сергей Ососков ҳибсга олинган. Ососков иши бўйича эсерлар жанговар дружинасидан 100 киши жавобгарликка тортилди. Суд ҳукми билан Сергей Ососков 29 июлга ўтар кечаси қатл қилинди. Бу тadbир эса бутун ўлкани оёққа турғизган воқеаларга туртки берди. 1908 йил 22 сентябрда ўқув машқларида 1-Каспийорти батальонининг 4-ротаси аскарларидан Лаврентий Кузьменко, Анисим Хрипченко, Никифор Мальцев ва Пётр Клтуң генерал-губернатор ва унинг мулозимларига қаратиб ўқ узишган. Генерал-губернатор Мишченко ва унинг соқчи зобити яраланди. Бу воқеа «ТуркВО кўмондони жонига суиқасд ҳақида» деб аталган тергов материалларида батафсил баён этилган². ТРМБ бошлиғи генерал-адъютант Мишченконинг ярадор қилиниши инқилобчиларнинг Ососков қатлига биринчи жавоби эканлигини қайд қилиб, «бу соҳадаги даҳшатли ишларнинг биринчи йирик кўриниши» эканлигини таъкидлаган. «Туркистон инқилобчилари, — деб ёзган эди Квицинский 1908 йил 17 декабрда Петербургда юборган ахборотида, — ўлканинг бош ҳокимини ҳеч қачон кечирришмайди ва генерал-губернатор Мишченконинг ўлими аллақачон ҳал қилинган»³. Мазкур ахборотда махфий сиёсий полиция бошлиғи ўзининг эсерлар терроридан кўрқувини ҳам яширмаган: «Худди шу тарзда менинг тақдирим ҳам ҳал қилинган. Бу масалада инқилобчилар кузатуви яхши йўлга қўйилган. Менинг ёрдамчим ротмистр Келлернинг Ашхободга яширин боргани ҳам уларнинг назаридан қочмади»⁴. ТРМБ махфий агенти «Горний»нинг ахбороти ҳам Квицинский гумонини тасдиқлаган: «Тошкент турмасидаги маҳбус Чернишев муҳим кўрсатма бериш баҳонасида ўзини Туркистон район муҳофаза бўлимига олиб борилишини, у ерга боргач бўлим бошлиғи Квицинский билан учрашганда эса уни ўлдиришини айтди»⁵.

Васильев ва Квицинскийнинг маҳкамалари Тошкент, Чимкент ва Каспийортидаги эсерлар ташкилотларини аниқлаб эсерларнинг машҳурлари устидан «55 лар жараёни» деб аталган

¹ ЎзР МДА, 461-жамғарма, 1-рўйхат, 2007-иш, 13-варақ.

² ЎзР МДА, 1-жамғарма, 1-рўйхат, 567-иш, 40-варақ.

³ ЎзР МДА, 1-жамғарма, 1-рўйхат, 567-иш, 40-варақ.

⁴ ЎзР МДА, 461-жамғарма, 1-рўйхат, 2007-иш, 40-варақ.

⁵ ЎзР МДА, 461-жамғарма, 1-рўйхат, 2032-иш, 34-варақ.

судни уюштирган бўлсалар ҳам, инқилобий варақа, хитобнома-лар ва амалдорларга суиқасд уюштириш ҳамда террор давом этди. 1909 йил 21 февралда Тошкент бош темир йўл устахона-ларида «Ўрта Осиё темир йўли Тошкент район қўмитаси» хитобномалари пайдо бўлди. Улар ишчиларни курашга чорлаб, «жандармлар, қўриқчилар ва ифвогарлар билан ўраб ташланган оғир шароитга қарши» кўтарилиш зарурлигини уқтирган. Худди шу ташкилотда иш кўраётган рус инқилобчилари фаолияти ҳақида генерал-губернатор 1909 йил 3 октябрда империя ҳарбий вазирига шундай деб ёзган: «Инқилобий ташвиқот «Бунтуроссия темир йўл иттифоқи Ўрта Осиё бўлими» деб номланган темир йўл хизматчиларининг жиноий ташкилоти аъзолари ўртасида юқори чўққисига чиқди. Худди шулар орасида кўпдан-кўп террористик актлар, талончиликлар, фаол чиқишлар содир бўлдики, темир йўл жандармерияси ва полиция мазкур иттифоқ олдида ожиз бўлиб қолди»¹. Генерал-губернатор шу иттифоқ аъзоларидан 200 кишини ўлкадан чиқариб юборган бўлса ҳам, тинчлик бўлмаётганини кўшимча қилган.

Санкт-Петербургнинг қатъий талаби билан сиёсий идоралар фаолияти кучайтирилиб, юзлаб жосуслар, инқилобий ташкилотларга жойлашиб олган ифвогарлар Туркистондаги сиёсий фирқаларнинг таянч нуқталарини бирма-бир йўқ қила бошладилар. ТРМБ бошлиғи 1909 йил 3 августда Полиция департаменти Махсус бўлимига мана бундай ахборот йўллади: «Тошкент темир йўл ташкилотини агентура билан ёритиш бу ташкилотнинг Туркистонга қўшни Боку шахридан паноҳ топганини кўрсатди. Боку маркази билан агентуранинг алоқалари тўғарак ишларини ташкилий асосда кучайтириш ҳақидаги кўрсатмалар қаердан келаётганини кўрсатмоқда. Империянинг қай бир ерида инқилобий чиқишга тарадуд кўраётган фирқа марказий қўмитаси «тайёр бўлишга» оид фармойишлар йўлламоқда»².

ТРМБ инқилобий ҳаракатнинг яна бир маркази Ашхобод бўлганини ҳам аниқлади. Квицинский бу ҳақда генерал-губернаторга йўллаган махфий ахборотида эсерлар, анархистлар, «анархист-спиритидлар федерацияси Тошкент коммунаси» ташкилотлари тор-мор қилингани, қочиб қутилган жанговар кучлар Ашхободга кўчиб ўтганлигини ёзади. У Ашхободни Туркистон ўлкаси «инқилобий ташкилотларининг иккинчи табиий маркази» деб атаб, Каспийортида эсерлар социал-демократларни четлатиб, махфий босмаҳонани қўлга киритганини билдиради. ТРМБ бошлиғи агентурасига маҳаллий социал-демократлар ва эсерларнинг раҳбарлари маълум экани ва уларни кузатиш махфий босмаҳона изига тушишга имкон берганидан мақтана-

¹ ЎЗР МДА, 1-жамғарма, 31-рўйхат, 567-иш, 5-варақ.

² Ўша архив, 621-иш, 15-варақ.

ди. Квицинский 1908 йил 20 ноябрда подполковник Васильевга юборган махфий ахборотида эсерлар маҳаллий гуруҳини қўлга олганини айтган бўлса, бошқа бир хабарида эсерлар ва анархистлар уни ўлдириш пайида изма-из юришганини хабар қилган. ТРМБ бошлиғи унинг агентураси гектографда яширин хитобномалар чиқарувчи ўқувчи ёшлар тўрагини ҳам фош қилганини уқтириб ўтади¹.

Империя сиёсий идораларининг Туркистондаги ишчи ва инқилобий ҳаракатга қарши изчил кураши сабаби фақат маҳаллий аҳолида озодлик ҳаракати уйғонишидан хавотирликдагина эмас. Генерал-губернатор Ички ишлар вазирига юборган хатда шу ҳақда гап очган. У Туркистондаги инқилобий ҳаракат метрополияга қарши иш кўраётган фирқаларга катта мадад бўлишини уқтиради. «Чекка ўлкалардаги кучли ташвиқотларнинг мақсади, — деб ёзади у, — қўзғолон кўтариш, ҳукуматни қийин аҳволга тушириб, уни Россиянинг Европа қисми инқилобчиларига қарши курашини кучсизлантиришидир»². Генерал-губернатор ана шу махфий мактубида сиёсий полиция ва разведка материалларига таяниб, Туркистондаги инқилобий ҳаракат XIX асрнинг 80-йилларидан бошланганини айтади: «Рус аҳолиси ўртасидаги инқилобий ҳаракат ўлкага маъмурий сургун қилинган ва ҳукуматга қарши шахсларнинг пайдо бўлиши, икки темир йўл қурилиши ва фойдаланишга топширилиши билан Туркистонга кўп сонли миқдордаги ишчиларнинг келиши билан бошланган. Худди шу одамлар, шунингдек ўқувчи ёшлар ва қисман аскарлар, инқилобий ташвиқот учун қулай материал бўлди». У ўз сафига 8 минг кишини бирлаштирган Бутунроссия темир йўл иттифоқи Ўрта Осиё бўлимининг ўта хавфли фаолиятига тўхталади: «Инқилобий ташкилотлар, темир йўлчи ишчилар гуруҳи билан чекланмай, бутун Туркистонни ўз тармоқлари билан қамраб, Тошкент, Қўқон, Ашхобод вилоятлари қўмиталарига уюшдилар. Ҳали гўр ўқувчи ёшлар ичига ҳам кириб олдилар. Қўмиталар ўз босмаҳоналари, қурол-яроғ омборлари, бомба ясовчи устаҳоналарга, учар жанговар отрядларга эга. Айрим қўшин қисмлари, айниқса темир йўл ва сапёр батальонлари ҳамда Қўқон, Марв ва қисман Ашхобод гарнизонлари ҳам ташвиқотга учди»³.

Генерал-губернатор, кавалерия генерали А.В.Самсонов (1909—1913) сиёсий изкуварлар — Туркистон генерал-губернатори маҳкамаси махсус бўлими бошлиғи Васильев ва унинг ходимларидан иборат марказ гуруҳи ҳамда махфий сиёсий полиция — ТРМБ бошлиғи Квицинский кузатув ва таҳлиллари асосида рус инқилобчиларининг мустамлака тузумига берган

¹ ЎзР МДА, 1-жамғарма, 31-рўйхат, 621-иш, 15-варақ.

² ЎзР МДА, 1-жамғарма, 12-рўйхат, 1367-иш, 20-варақ.

³ Уша ҳужжат, 19-варақ.

зарбаси ва Туркистон халқлари миллий онгини уйғотишдаги таъсирини шундай баҳолади: «Собит эътиқодли мусулмонларнинг дунёқарашида улкан ўзгариш юз берди ва биз ана шу ўзгаришнинг амалий оқибатларини кўриш арафасида турибмиз. Бу оқибатлар номаълумлиги билан жумбоқли, айрим белгиларига кўра эса ўлкадаги ҳозирги аҳволимиз учун жуда таҳликалидир»¹.

Генерал Самсоновнинг 1909 йилда императорга юборган мактубидаги фикр метрополия ҳукмдор доиралари ўртасида кенг муҳокамага сабаб бўлди. Туркистонда руслаштириш жараёнини кучайтириш ва қаттиққўллик билан сиёсат ўтказиш тарафдорлари генерал-губернаторнинг ўлкада жандармерия хизматини жорий этиш, полиция штатларини кўпайтириш, жиноят-қидирув идораларини тузиш таклифини қўллаб чиқдилар. Эҳтиёткор амалдорлардан ташқи ишлар вазири граф Ламсдорф «Туркистондаги умумий аҳвол халқаро аҳвол билан яқин алоқадорлиги, Россиянинг чегарадош Осиё мамлакатлари ўртасидаги таъсири ва нуфузи билан боғлиқлиги» ҳақида гапириб, генерал-губернаторнинг таклифига қўшилмайди. Граф Ламсдорф ҳамма гап Туркистондаги рус маъмурларининг «маҳаллий аҳолининг тилини билмаслиги, унинг турмуши ва урф-одатларидан беҳабарлигида» эканлигини уқтириб ўтади. Ташқи ишлар вазири Туркистонга ўз вазифасига сидқидил яхши маъмурият кераклигини таъкидлади². Ўлкада 30 йилдан бери хизмат қилиб келаётган, ўлкашунос олим сифатида танилган генерал Н. С. Ликошин ҳам уни қўллаб, ўлкани руслаштиришда рус зиёлиларидан самарали фойдаланишни таклиф қилди.

Аммо Санкт-Петербургнинг олий доираларида қаттиққўл сиёсатдонлар тарафдорларининг қўли баланд келди. Рус дворян-помешчиклари ўлкани руслаштиришнинг иқтисодий тарафини кўзлаб, Давлат Думасида Туркистон ўлкасидаги «ортиқча» ерларни мусодара қилишни ёқлаб муҳолифларини сиқувга олишди. 1910 йил 7 апрелда Давлат Думасида «Туркистон ўлкасини бошқариш ҳақидаги Низом»нинг 270-моддасини «Туркистон кўчманчиларининг ортиқча ерларини колонизация эҳтиёжлари учун» мусодара этишга рухсат берувчи қўшимча банд билан тўлдириш масаласини ўртага қўйдилар. Шунда Уфа губерниясидан келган, миллати бошқирд ноиб Думада қозоқ ва қирғиз ноиблари йўқлигидан афсусланиб, ўз сўзида ҳукумат ва Дума Ўрта Осиёни иқтисодий ва маданий ривожлантириш бўйича ҳеч қандай ислоҳот ўтказмаганини айтди ва «ортиқча ер» деган гапнинг тагида очиқ зўравонлик ётганини эслатди. Қозон губерниясидан келган ноиб эса Туркистон аҳолиси сай-

¹ ЎЗР МДА, 1-жамғарма, 12-рўйхат, 1367-иш, 20-варақ.

² ЎЗР МДА, 1-жамғарма, 12-рўйхат, 109-иш, 149-варақ.

лов ҳуқуқидан маҳрум этилибгина қолмай, энди неча-неча авлодлардан мерос қолган ерларидан ҳам маҳрум бўлиши хунук оқибатларга олиб келиши мумкинлигини огоҳлантирди. Аммо рус мустамлакачилари ва шовинистлари овози баланд келиб, қонун лойиҳаси қабул қилинди ва 1910 йил 19 декабрдан кучга кирди. Тўққиз йил ичида, ана шу қонунга кўра, Сирдарё—Фарғона кўчирувчилик райони бўйича ерли халқнинг 744, 9 минг десятина ери тортиб олинди, русларга тақсимлаб берилди. Подшонинг зироатчилик бўйича вазири Кривошеин императорнинг диққатига Туркистондаги рус колонизацияси истиқболи ҳақидаги дастурини ҳавола қилиб, ўлкада 300 минг бақувват рус хўжалигини барпо этиш учун 3 миллион десятина суғориладиган ерни мусодара қилишни таклиф қилди. Империя олий доиралари ана шу мақсадни амалга ошириш учун Туркистонда шафқатсиз иш кўрувчи «кучли ва бақувват» ҳокимият бўлишга майл билдирди. Петербург Туркистон генерал-губернатори А.В.Самсонов ва вилоят ҳарбий губернаторларининг худди шу хусусдаги барча талабларини қондирди.

Ички ишлар вазирлиги генерал-губернаторга «агентура харажатлари учун» 3 минг рубл ажратди. Самарқанд ҳарбий губернатори генерал-майор Гескетнинг вилоятларда жиноий-сиёсий қидирув идоралари ташкил этиш ва уларни губернаторларга бўйсундириш таклифи ҳам амалга оширилди. 1911 йилда Сирдарё, Самарқанд, Фарғона, Етгисув ва Каспийорти вилоятларида шундай идоралар таъсис этилди¹. Вилоят ҳарбий губернаторларига ҳарбий дала судлари жорий этиш, миршабларга эса «тартибсизликлар содир бўлганда» осмонга эмас, балки тўғридан-тўғри оломонга қарата отиш ҳуқуқидан фойдаланишга ижозат берилди. Шунингдек, Туркистон маъмуриятига маҳаллий аҳолига нисбатан қўлланиладиган жазо чораларини рус ишчи-деҳқонларига ҳам қўллаш ҳуқуқи берилди. Туркистон ўлка бошқарувини бошқа асосларда тубдан қайта қуришга бағишланган Давлат назоратчиси, статс-секретар (махфий котиб) П. А. Харитонов раислигида ўтган олий амалдорлар кенгашида (1911) Туркистон генерал-губернатори А.В.Самсонов генерал-губернатор ҳокимиятини «император ҳазрати олийларининг Кавказдаги ноиб ҳокимияти» каби асосга яқинлаштиришни талаб қилди. Бу талабни Туркистон ўлкасини 1908—1910 йиллар давомида атрофлича тафтиш қилиб, ўлка янги низоми учун бой материал тўплаб қайтган сенатор граф К.К.Пален ҳам қўллаб-қувватлади. Сенатор Туркистон шаҳарларида мустақил полиция бошқармалари, Тошкентда обер-полицейстер лавозимини жорий этиш ва ўлкадаги миршаб-полиция хизматлари сонини кўпайтиришни таклиф қилди. У Туркистонда инқилобий ҳаракатни тўхтатиш учун ва «Россиянинг Европа қисмида

¹ ЎзР МДА, 461-жамғарма, 1-рўйхат, 1990-иш, 16-варақ.

пролетариат ва аграр ғалаёнлар юз берган губерниялар туфайли ёпирилиб кўчиб келаётганларнинг зарарли таъсирини» кесиш учун Туркистон генерал-губернаторлигида туман полицияси идорасини тузиш ғоясини илгари сурди. Паленнинг фикрлари империя Вазирлар Кенгашида ва Туркистон ўлкаси маъмурияти идорасини тубдан ўзгартириш бўйича Вазирлар Кенгаши аъзоси, Давлат назоратчиси П. Харитонов раислигидаги махсус Кенгашда муҳокама этилди. Кенгаш асосига Туркистон генерал-губернатори Самсоновнинг императорга 1909 йил бўйича йўллаган ҳисоботи, шунингдек, сенатор Паленнинг тафтиши ақунлари олинди. Кенгаш Туркистон генерал-губернаторининг барча талабларини асосли деб топди. Туркистонга оид барча тadbир-чоралар унинг розилигисиз амалга оширилмаслиги ҳам таъкидланди. Император саройи, молия, адлия соҳасидан ташқари, барча вазирликлар идораларини бошқаришда унга империя вазири ваколатлари берилди. Метрополия ҳукумати ўз сиёсатини фақат шу биргина шахс — Туркистон генерал-губернатори орқали амалга оширадиган бўлди. Генерал-губернаторга иккинчи ёрдамчи лавозими ҳам берилди. Кенгаш ишлаб чиққан Туркистон ўлкаси бошқарувига оид таклифлар 1912 йил 20 ноябрда Вазирлар Кенгашида муҳокама этилиб, маъқулланди.

Империя ҳукмдор доиралари Туркистон ўлкаси рус ва маҳаллий аҳолиси учун махсус сиёсат дастурини ишлаб чиқди. Рус аҳолиси ўртасида инқилобий ҳаракатни тўхтатиш ва Туркистон халқлари ўртасида миллий-озодлик ҳаракатининг барча кўринишларини бўғиб ташлашга оид бир қатор тавсиялар берилди.

Туркистон генерал-губернатори марказдан дастурлар олиб ва кенг ваколатларга эга бўлиб, ўлкада миршаблик ҳолатини кучайтирди. Рус мустамлакачи маъмурлари жойларда жосуслик назоратини ҳам кенг йўлга қўйдилар.

Тошкент темир йўли жандарм-полиция бошқармаси бошлиғи, Алоҳида жандармлар корпуси подполковниги Бабкин жойлардаги ходимларига 1910 йил 19 июнда юборган кўрсатмасида 1905—1907 йиллар инқилобида ва иш ташлашларда қатнашган барча шахслар ҳақида маълумот тўплашни буюрди. «Ҳеч қандай ташвиқотга йўл қўйилмасин, — деб ёзган эди у, — ақлар безовталигига зудлик билан чора кўрилсин, хусусан, иш ташлашлардан огоҳ бўлинсин». Генерал-губернаторнинг «Ишчилар ўртасида жиноий адабиётлар тарқалишига зинҳор йўл қўйилмасин!»¹ деган буйруғига бенуқсон риоя этиш буюрилди.

Сиёсий полиция томонидан жойларга махсус сўров—анкета юборилди. Унда қуйидаги саволлар қўйилган эди: «1905—1906 йилларда иш ташлашлар қанча бўлган? Иш ташлашнинг мақсади ва хусусияти қандай? 1907 йилда қанча инқилобий чи-

¹ ЎЗР МДА, 461-жамғарма, 1-рўйхат, 68-иш, 88-варақ.

қишлар ва террор актлари содир бўлган? Социал-демократлар ва социал-инқилобчилар ташкилотларида қанча ходимларингиз бор?»¹. Анкетада инқилобий чиқишлар салмоғи жойларда қандай бўлгани ва унинг қўшни қишлоқ ёндош аҳолисига таъсирини аниқ тасвирлаш зарурлиги кўрсатилиб, жандарм-полиция бўлимлари ўз худудларида яширин ифвогарлик билан шуғулланувчи ходимларга эга бўлишлари мажбурий эканлиги жиддий тарзда уқтирилган эди.

Империя ички ишлар вазирлиги полиция департаменти Махсус бўлим бўйича юборган мутлақо махфий йўлланмасида полиция-жандармерия бўлимлари бошлиқларига аҳоли ўртасида агентура тармоғига эга бўлиш ишига шахсан жавобгар эканликлари алоҳида таъкидланиб, улар ишчи ташкилотлари, инқилобий фирқаларда ўз жосусларини орттиришлари муҳимлиги алоҳида кўрсатилди. Бу тадбир, махсус бўлимнинг фикрича, «ўтган 1905 йилдаги воқеаларнинг олдини олади»².

ТРМБ ва махсус бўлим тавсиялари асосида ўлкадаги барча амалдорларга генерал-губернатор томонидан ҳукуматга қарши ҳар қандай йўналишдаги, арзимас кўринишда бўлса ҳам, ҳаракатлар тўғрисида хабар бериб туриш, айниқса, кооператив ҳаракат, ё иш ташлаш ҳолларига алоҳида эътибор қаратиш топширилди. «Ана шундай ҳолларни синчиклаб ўрганиш, — деб ёзган эди ўз кўрсатмасида генерал-губернатор, — жуда зарур ва мақсадга мувофиқ эканлигини тажриба кўрсатди. Баъзан арзимас, самарасиз ва бефойда бир кунлик иш ташлаш, ё бошқа ҳоллар маълум муҳитнинг, айрим шахсларнинг ички интизоми, ташкилотчилик қобилияти ва фаол чиқишига лаёқати учун синон вазифасини ўтайди. Бундай ҳолларни тадқиқ этиш орқали дастлаб филиал бўлимлар, кейин эса жиддий ташкилотларнинг марказий идораларини аниқлашга муваффақ бўлинган»³.

Петербургда ишланган дастур бўйича рус мустамлакачиларининг махфий сиёсий идоралари изчил ишлаб, Туркистон мусулмонлари онгида жиддий ўзгариш юз бериб, миллий-озодлик кураши куртак ёзгани ва бу ҳолат жадидлар сиймосида гавдаланганини яхши пайқашган. Улар генерал-губернаторнинг махсус тузилган сўров анкетаси бўйича маҳаллий аҳолининг кайфияти, дунёқараши, рус маъмуриятига ва тузумига муносабати, миллий мустақилликка интилиши ҳолларини чуқур ўрганишган. ТРМБ ўзбек, қozoқ, қирғиз, туркман, тожик ёшларининг дунёқараши ва хатти-ҳаракатларидан хабардор бўлиш учун уларнинг сафига ўз одамларини қўйгани ҳужжатлардан маълум⁴.

¹ ЎзР МДА, 468-жамғарма, 1-рўйхат, 1-иш, 78-варақ.

² Ўша ҳужжат, 79-варақ.

³ ЎзР МДА, 1-жамғарма, 12-рўйхат, 1-иш, 80-варақ.

⁴ Муродова Ш. Кўрсатилган диссертация, 174-бет.

7. 1916 ЙИЛГИ МИЛЛИЙ-ОЗОДЛИК ҚЎЗҒОЛONI. ЖАДИДЛАР ФАОЛИЯТИ

1910—1914 йилларда Туркистон ўлкасида миллий ўзликни англаш жараёни кучая бошлади. Мустамлака маъмурияти идоралари 1911 йилда Фарғона вилоятида «идора тартибларига ва жамоат осойишталигига қарши курашдан гувоҳлик берувчи» 833 та, 1913 йилда 1220 та «жиноий иш» қайд этганлар. Сирдарё вилоятида эса шундай айблар билан 1911 йилда 3487 киши, 1913 йилда эса 5494 киши жавобгарликка тортилган. Бу рақамлар маҳаллий халқ ўртасида мустамлакачилик зулми ва истибдодига қарши кураш муттасил ўсиб борганлигини кўрсатади.

1912 йили Тошкент яқинидаги Троицкий лагеридида турган сапёрлар қўзғолони бостирилгач, генерал-губернатор унинг маҳаллий аҳолига таъсиридан чўчиб, вилоят ҳарбий губернаторларига «Андижондагига ўхшаш чиқишларга йўл қўймаслик учун» кескин чоралар кўриш зарурлигини буюргани ҳам ўлкадаги озодлик ҳаракатида кўтарилиш кайфиятидан дарак берар эди. Самсонов 1898 йилги Андижон қўзғолонини эслагани ва ана шундай озодлик чиқишларининг бўлишидан чўчиганида катта асос бор эди. Махфий полиция айғоқчилари жойларда ишчилар ҳаракатига янгидан ташкил топаётган социал-демократлар ва эсерлар бош-қош бўлаётгани ҳамда маҳаллий аҳоли ўртасидан етишиб чиққан жадидлар фаолиятининг «зарарли таъсири» ҳақида ахборотлар юборган. Сиёсий разведка Туркистон ўлкасида «Ёш сартлар», Бухорода «Ёш бухороликлар», Хивада «Ёш хиваликлар» деб аталган ташкилотлардаги жадидлар раҳбарлари билан астойдил шуғуллана бошлади.

Туркистондаги рус махфий сиёсий разведка ва контрразведкаси «Туркистон район муҳофаза бўлими» (ТРМБ) деб бежиз аталмаган. У чиндан ҳам ўлкадаги рус мустамлака тузумининг муҳофазачиси — империя ҳукуматининг Туркистондаги сергак қўриқчиси эди. Унинг архивида ўлканинг иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, маданий ҳаётининг барча соҳалари кенг қамраб олинган ва ҳамма катта-кичик воқеалар ўз аксини топган ҳужжатлар тўпланган. Туркистон ўлкасининг 1914—1917 йиллардаги аҳолини ёритишда ТРМБ материаллари тадқиқотчи учун қимматли манба бўлиши мумкин.

Меҳнаткашлар аҳоли. Биринчи жаҳон уруши бутун Россия империяси, шунингдек, Туркистон ўлкаси аҳолисининг ҳам аҳолини оғирлаштирди. 1914 йил 26 июлда Туркистон ўлкаси «фавқулодда муҳофаза ҳолатида» деб эълон қилиниб, миршаб-лик назорати кучайтирилди. Ҳар қандай ташвиқот, тарғибот таъқиқланиб, тартиб бузганларга Махсус қўмида томонидан 900 рублгача жарима солиш, ё ўн ой муддатга қамаш ҳуқуқи белгиланди. Аммо, шунга қарамай, янгидан пайдо бўлган социал-

демократлар ва эсерлар ташкилотларининг яширин фаолияти давом этиб, корхоналарда иш ташлашлар тўхтамади. ТРМБ агентураси 1914 йил июлида Тошкент Бош темир йўл устахоналарида ишчиларнинг урушдан норозиликлари ва ҳукуматга қарши кайфиятлари ҳақида хабар берди.

Мавжуд тузумдан норозилик ўзбек ишчи, ҳунармандлари ўртасида ҳам кучайди. Ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида жойлашган 425 саноат корхонасидан 220 таси пахта тозалаш, 76 таси кўн-тери ишлаб чиқариш, 32 таси пилла қуришти заводлари бўлиб, уларда 18 минг ишчи кунига 12—14 соатдан оғир шароитда меҳнат қилган. Темир йўл ишчилари сафида туб миллатли ишчилар 4,5—5 мингга ташкил қилган. Худди шу темир йўл соҳасидаги қора ишда, қурилишларда ва малакали касблардаги ишчилар инқилобий фирқалар таъсири остида ўз ҳақ-ҳуқуқларини таниб, миллий ўзлигини англай бошлаган эдилар. Тошкент Бош темир йўл устахоналаридаги кураш қозонида қайнаган ўзбек ишчилари уларга яловбардор бўлишган. Шулардан бири Қосим Эшматов эди. Етим қолган бола қўшни рус темир йўлчисининг ёрдамида ишга жойлашади ва ўзи каби тенгқурлари билан инқилобий курашга тортилади¹.

Келажакда темир йўлчиларнинг қўни-қўшнилари ва ҳаммаҳалладагилардан кўп киши шу устахона ишчилари сафидан жой олди. Шу жараён шоҳиди бўлган Н. Муҳамедов Миробод маҳалласида яшагани, унда рус темир йўлчилари кўп бўлиб, уларнинг болалари билан бирга ўсгани, отаси Ниёз Ризамуҳамедов ва акаси Абдусамад Ниёзовлар Тошкент Бош темир йўл устахоналарида ишлаганликларини ҳам эслайдилар. Устахонада 1903 йилдан бери ишлаб келган ака-ука Ҳайтбоевлар қариндошлари Ёдгор ва Олим Раҳимовни ва унинг маҳалладошларини ўз ишхоналарига киришларига ёрдам беришган. «Устахонадаги иш мобайнида, — деб эслайди Ёдгор Раҳимов, — мен ва бошқа ўзбек ишчилари рус ишчиларининг ички дунёсини ўргандик. Улар мамлакатдаги воқеалар ҳақида бизга қараганда кўпроқ нарсаларни билишаркан. Капиталистлар ва помещиклар манфаатини ҳимоя қилувчи жаҳон империалистик уруши фақат русларга эмас, балки ўзбек халқига ҳам кўп уқубатлар келтирган. Ишчилар ўртасида норозилик кучая бошлади»².

Бинокор ишчи Жамол Камолов ана шу жараённи шундай эслайди: «Оғир меҳнат шароити ўзбек ишчиларининг онгида ҳам озодлик учун курашиш керак, чинакам кураш олиб бориш керак деган тушунчани юзага келтирди ва мустаҳкамлади.

¹ Ўзбекистон темир йўллари машинасозлик ишлаб чиқариш бирлашмаси (собик Тошкент темир йўл вагон-таъмир заводи) архивидан. К. Эшматов шахсий ишидан.

² Ўша архив. Н.Муҳамедов шахсий ишидан.

Ўзбек бинокор ишчилари билан социал-демократик ташкилот аъзолари ўртасида алоқа ўрнатиш ва уни мустақкамлаш борасида Мирзааҳмад Мирҳодиев катта роль ўйнаганини ҳам айтиб ўтиш лозим. Бинокор ишчилардан Очил Бобожонов ва бошқалар ҳам социал-демократик ташкилот билан яқиндан алоқа боғлаб йўл-йўриқлар олиб туришди. Бош темир йўл устaxonаларидаги рус ишчилари биз билан жуда мустақкам алоқада эди. Мажлис ёки бошқа бирор йиғилиш ўтказиш мўлжалланса, улар бизни М.Мирҳодиев орқали огоҳлантиришарди. М.Мирҳодиев мажлис қаерда ва қачон бўлишини айтгач, О.Бобожонов, уста Баҳром Нормухамедов, Хонхўжа Улуғхўжаев, Акбархўжа Қосимхўжаев ва бошқалар билан бирга Бош устaxonага келар эдик. Бундай мажлисларда кўпинча рус ишчиларидан А.Першин ва Н.Финкельштейн, ўзбек ишчиларидан О.Бобожонов ва бошқалар чиқиб сўзлагани эсимда»¹.

Туркистон ҳунармандларининг аҳволи ҳам оғир бўлган. Рус саноати молларининг рақобати уларни хонавайрон қилиб, кўпчилигини охири ишчилар сафига олиб бориб қўшган. Ўлкадаги ҳунармандлар сони 100 мингдан ошиқ эди. Ҳунармандчилик саноати маҳсулотининг қиймати эса ўлканинг фабрика- завод маҳсулотлари қийматининг 22 фоизини ташкил қилган. Уруш ўлканинг қолақ қишлоқ хўжалигига асосланган иқтисодиётига ҳам катта зарар етказди. Натижада ўлка аҳолисининг 90 фоизини ташкил этган деҳқон ва чорвадорларнинг аҳволи ҳам мушкуллашди. 1916 йилдан ўлканинг асосий экини бўлган пахтанинг экин майдони ҳам, ҳосилдорлиги ҳам камайиб кетди. Пахтага ихтисослашган рус фабрикантлари, ўз навбатида пахта нархини барқарорлаштиришга интилиб, охири ҳукумат ёрдамида тайёрланган пахтанинг қатъий нарҳда бўлишига эришдилар. Аҳволни яхшилаш мақсадида Москва шаҳрида пахтани қайта ишлаш фабрикаларини хом ашё билан таъминловчи кўмита ҳам ташкил этилди. Меъёрий нархларнинг белгиланиши пахтакорларнинг норозилигини кучайтирди. Пахта топширишдан оммавий бош тортиш бошланиб кетди. Натижада фабрикантлар икки йил мобайнида белгиланган нархларга маълум даражада қўшимча ҳақ тўлашга мажбур бўлдилар.

Деҳқонлардан олинадиган расмий солиқларнинг ҳажми ҳам кун сайин ортиб борди. Туркистонда ер солиғи 1914 йилда 6859021 рубл бўлган бўлса, 1916 йилга келиб бу рақам 14311771 рублни, яъни икки баробарни ташкил қилди². 1915 йилда эса махсус ҳарбий солиқ солиниб, у пахтакорлар учун ҳар пуд пахтадан 2 рубл 50 тийинни ташкил қилди³. Ўша

¹ Ўша жойда. Ё.Раҳимов шахсий ишидан.

² *Кастельская З.Д.* Восстание 1916 года в Узбекистане, 30-бет.

³ Ўша жойда.

1915 йили солиқларнинг умумий миқдори 38329000 рублни ташкил қилди. Рус мустамлакачилари империя тўқимачилик саноати манфаатларини ҳимоя қилиб, пахтага, бозор иқтисодиёти қонунларига хилоф равишда, қатъий нарх — пудига 24 рубл белгилади. Натижада пахтакорлар бир йил ичида 60 миллион сўм зарар кўрдилар. Агар 1913 йилда пахта нархи 50 фоиз оширилган бўлса, бошқа зарур моллар нархи 400—500 фоизга кўтарилди. Нон нархи эса 6 баробар ошди¹. Чайқовчилик авж олди. Судхўрлик кучайди.

Озиқ-овқат таъминотининг қийинлашуви сабабли Туркистонда меҳнаткашларнинг норозилиги кучайди. Нарх-навонинг ошиши йирик ер эгалари, капиталистлар, савдогарлар ва чайқовчиларга қўл келди. Натижада улар катта фойда кўра бошладилар.

Рус мустамлакачилари Туркистондан уруш йиллари 59 миллион пуд пахта, 8,5 миллион пуд пахта ёғи, 950 минг пуд пилла, 2925 минг пуд тери, 300 минг пуд гўшт, 229 минг пуд совун, 474 минг пуд балиқ олиб кетишди. Фроннга аҳолидан 70 минг от, 12 минг туя, 38 минг квадрат метр гилам-наматлар, 2400 минг рубл нақд пул йиғиб олдилар. Худди шу даврда гуруч, гўшт, қанд, пойафзал ва газлама нархи бир неча марта кўтарилиб, деҳқону ҳунарманд ва ишчи рўзгорини мушкул ҳолга солди. Айнан шу шароитда подшонинг бу оилаларни боқувчисиз қолдирадиган мардикорликка сафарбарлик ҳақидаги фармони халқ сабр косасини тўлдирган сўнги томчи бўлди.

Рус қўмондонлиги ўзининг Германия ва Туркияга қарши урушидаги нўноқлиги, уқувсизлиги туфайли ўринсиз қурбонлар бериб, Россиянинг урушга тарадудди пухта бўлмаганини кўрсатди. Бунинг устига оғир иқтисодий аҳвол, қурол-яроғнинг етишмаслиги армиянинг кайфиятига ёмон таъсир кўрсатиб, қисмларда инқилобий фирқалар фаолияти кучайди. Фронт орқаси ҳам армия учун таянч бўлолмайдиган аҳволда эди. Бу ерда ҳам урушдан норозилик кучайиб, рус «аёлларининг галаёнлари» кўпайиб кетаётган эди. Дўпписи тор келиб қолган рус қўмондонлиги уруш оғирлигини мустамлакалар елкасига ортиб, уларни аёвсиз эзиш сиёсатига ўтди. Олий Бош қўмондон штаби «армия эҳтиёжлари учун салмоқли миқдорда куч ажратиш»ни ҳарбий вазирликдан зудлик билан талаб қилди. Бу кучни ҳарбий вазирлик мустамлакалардан тўплашга қарор қилди. Император Николай II имзо чеккан ва 1916 йил 25 июнь кuni эълон қилинган «Империядаги рус бўлмаган эркак аҳолини ҳаракатдаги армия районида мудофаа иншоотлари ва ҳарбий алоқа йўллари қуриш учун олиб бориладиган ишларга, шунингдек, давлат мудофааси учун зарур бўлган бошқа ҳар қан-

¹ ЎзР МДА, 461-жамғарма, 1-рўйхат, 1676-иш, 2-варақ.

дай ишларга жалб қилиш ҳақида»¹ фармонга кўра Туркистон, Сибирь ва Кавказ халқларидан 19 ёшдан 43 ёшгача бўлган эркакларни сафарбор қилишни кўзлаган эди. Лекин фармоннинг бундай тарзда Туркистон ўлкасига мутлақо татбиқ этиб бўлмаслигини тажрибали подшо амалдори, собиқ ҳарбий вазир А. Н. Куропаткин ҳам тушунган эди. У вазир ёрдамчиси генерал Фроловга Россияда икки йилдан бери давом этиб, ниҳояси кўринмаган бу тадбирни, яъни урушга 19—43 ёшли аҳолини сафарбар қилиш масаласи ҳал бўлмаган ҳолда уни чекка ўлкаларга тадбиқ этиш ноўринлигини кўрсатгани бежиз эмас.

Туркистон генерал-губернаторига Фармонни тезликда амалга ошириш буюрилиб, Сирдарё вилояти зиммасига 87 минг, Самарқандга 88 минг, Фарғонага 50 минг мардикор юбориш вазифаси юклатилди. Фарғона вилояти бошқаларга қараганда анча енгил мажбурият олди — ҳар беш хонадондан бир мардикор берадиган бўлди. Бундай имтиёзнинг сабаби шунда эдики, водий рус тўқимачилик саноати учун бой хом ашё макони бўлиб, у билан йирик рус саноатчилари манфаати боғлиқ эди. Фарғонадан кўп ишчи кучининг сафарбар қилиниши рус саноатчилари учун зарур пахта толасининг камайиб кетиши ва мустамлакадан олинувчи устама фойданинг пасайиб кетиши демак эди. Пахта яккахоқимлиги ўз кучини 1916 йил 2 июлдаги Тошкентда бўлиб ўтган олий амалдорлар кенгашида ҳам кўрсатди. Губернаторлар ва метрополия вакиллари кенгашида Санкт-Петербургда белгилаб қўйилган пахта тайёрлаш режасини бажариш учун зарур ишчи қўллар миқдорини сақлаб қолиш масаласи биринчи ўринга қўйилди. Пахта экини майдонларининг 50 фоизини ташкил қилган районларда белгиланган мардикорларнинг олтидан бир қисми, 25 фоизини ташкил этган жойларда 50 фоизи олинадиган бўлди.

Фарғона вилоятининг пахта етиштирувчи Кўқон, Наманган, Андижон ва Марғилон уездларининг 86 волостидан 54 тасида пахта учун ажратилган ер майдони 50 ва ундан кўп фоизни ташкил этганлиги ҳисобга олинса, вилоятнинг пахта етиштирувчи волостларининг ярмидан кўпи учун анча қулай шароитлар яратилганлиги маълум бўлади. Бу волостларда уруш орти хизматига жалб қилиниши лозим бўлган ишчилар сони, бир

Восстание 1916 года в Средней Азии и Казахстане. Сборник архивных документов. М., 1960, с.25. Бу тўпламни бир гуруҳ лаганбардор тарихчилар тайёрлаб, кўзгolonнинг асл моҳиятини сохталаштириб, бузиб талқин қилишга ва унга диний тус беришга уринганлар. Мазкур тўпланда Туркистон генерал-губернатори архивидан олинган 508 та эълон қилинмаган ҳужжатлар берилган. Аммо бу кўзгolonнинг туб моҳиятини очиб берувчи бир қатор ҳужжатлар тўпламга атайин киритилмаган. Бу мавзу Ҳ. Зиёев асарларида батафсил ёритилган. Қ а р а н г: *Зиёев Ҳ.* Туркистонда Россия тажовузи ва ҳукмронлигига қарши кураш. Т., «Шарқ», 1998; *Шу муаллиф.* Истиклол — маънавият негизи. Т., «Маънавият», 1999.

сўз билан айтганда, Туркистоннинг бошқа вилоятларига нисбатан 6 баробар камайтирилди ва шу ҳақда қарор чиқарилди. Аммо фармон ижроси рус мустамлака тузумининг олий бўғинидан тортиб қуйи поғонасигача ярамас эканлигини кўрсатди. Эллик йил давомида чоризм истибодининг асоси бўш эканлигини исботлади. Ўлка маъмурияти ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий тараққиёт талабларига жавоб беролмаслиги, унга тўғаноқ бўлиб қолганини рўй-рост намойиш қилди. Мардикорлар рўйхатини тузишда қуйи маъмуриятнинг ўзбошимчалиги ва Фарғона вилоят ҳарбий губернатори генерал Александр Гиппиуснинг вазифасидан четлатилиши ана шу фикрни яққол тасдиқлайди. Ўлкада 40 йилдан зиёд хизмати билан қуйи маъмурликдан Самарқанд ҳарбий губернатори лавозимига кўтарилган Н.С.Ликошин ҳам рус ҳокимияти вакилларининг ноқобиллигини шундай таърифлаган: «Норозилик ҳаракати кўтарилмади, гоҳ у ер, гоҳ бу ерда ур-йиқитлар ва ўлдиришлар содир бўлди. Маҳаллий амалдорларнинг тушунтиришлари ва огоҳлантиришлари халққа таъсир қилмади. Маъмурларнинг сўзларига халқнинг мутлақо ишончи қолмади». Подшо фармони эълон қилинмасдан олдин Андижонда мустамлакачи маъмурлар халқни алдаб, сизларнинг ўғилларингизни фронтга олмаймиз, шу боис армияни қўлаб, унга отлар ва бошқа керакли нарсалар билан ёрдам берсангиз бўлади, деб алдагани ва бировга ишонган аҳоли фронт учун кўпдан-кўп моддий сарф-харажатлар қилгани ҳам маълум бўлади¹.

Фарғонада 10 йилдан бери губернаторлик қилиб келаётган генерал-лейтенант А.Гиппиуснинг эса «халқ ишончини қозониш» ва «подшо амрини тинч йўл билан бажариш» учун қилган барча ҳаракатлари зое кетди. Россия империяси учун бу бой мустамлакачи сақлаб қолишга уринган талбиркор генерални марказ тушунишга қодир бўлмади. Мустамлака сиёсатини нозик қўллаш тарафдори бўлган А.Гиппиус маслакдоши генерал Н.Ликошинга 8 июлда йўллаган мактубида сафарбарлик ишлари «ҳозирча осойишта кечмоқда»² деганида Фарғонада чинакам иш бошланмаган эди. Гиппиус 15 июлда «Фарғона вилоят ведомости»да подшо фармони билан баробар аҳолига ўзининг мурожаатини ҳам эълон қилди. Бу мурожаат намойиш тарзида араб имлосида, ўзбек тилида берилди. Унда губернатор мардикорлар давлат томонидан тўла-тўқис таъминланиши, одамлар ўзлари ўрнига бошқа одам ёллаб юборишлари ҳам мумкинлигини айтган. У Тошкентга қуйидагича илтимоснома юборди: 1) темир йўлни қўриқлаш учун минг аскар ва рус посёлкаларини ҳар эҳтимолга қарши ҳимоя қилиш учун бир дружина юбориш; 2) жабҳа приставлари ихтиёрига 600 казак

¹ ЎзР МДА, 1-жамғарма, 31-рўйхат, 1100-иш, 84—90-варақлар.

² ЎзР МДА, 1-жамғарма, 31-рўйхат, 1135-иш, 285-варақ.

жўнатиш; 3) вилоятни ҳарбий ҳолатда деб эълон қилиш; 4) ҳарбий губернаторга бош қўмондон ҳуқуқини бериш.

Сафарбарлик тўғрисидаги фармоннинг эълон қилиниши аҳоли ўртасида қонли воқеаларнинг вужудга келишига сабаб бўлди. 1916 йил 10 июлга келиб, Эски Марғилон, Қўқон, Наманган, Андижон, Чуст ва бошқа жойларда катта ғалаёнлар содир бўлди. 11 июлдан 15 июлгача Фарғона вилоятининг турли жойларида сафарбарликка қарши ошқора талаблар билан чиқишлар бўлиб ўтди. Гиппиус жойларда аҳолининг ғалаёнлари ҳақидаги хабарларга асосланиб, генерал-губернаторга «халқ ғалаёни нима сабабдан келиб чиқишидан қатъи назар, у ўз тараққиёти давомида диний ва сиёсий заминга кўчиши хавфи бор»¹, деб уни огоҳлантиради. У 17 июлда рўза тугаб, 18 июлдан ҳайит уч кун давом этилишини эслатган ҳолда, бу кунлар «тўполон чиқиши учун жуда қулай» эканлигини уқтиради. Гиппиус подшо фармонини айнан Фарғонада қўллаб бўлмаслигини ёзади. У маҳаллий шарт-шароитлардан келиб чиқиб, подшо фармониغا «ўз билганича тузатиш ва чекинишлар киритажагини, бундан мақсад йирик тартибсизликларга йўл қўймасликдир», деган мазмундаги телеграмманинг бир нусхасини Тошкентга, иккинчи нусхасини эса Петербургда, Бош штабга юборади. Тажрибали сиёсатчи ва тадбиркор генерал ён босишлар, қисман чекинишлар ва ҳатто Қуръони Каримни ҳам ишлатиш билан қўзғолон чиқармасликка уринади. Катта оломоннинг қўз ўнгида губернатор бошига салла ўраб, елкасига тўн ташлаб, Қуръондан суралар ўқийди. Лекин, ҳар қандай уринишлар тугал натижага олиб келмаслигига кўзи етгач, охири чорани қўллайди. Вақтдан ютиш мақсадида у 27 июлда подшо фармони ижросини тўхтатиб туриш ҳақида кўрсатма беради. Бундай дадил ва қалтис ишни асослаб, губернатор зўравонлик ишлатилса, «исёнга доим мойил» ва «ҳамиша ғазовот руҳи уфуриб турадиган» Фарғонада аҳоли қисман тоғларга чиқиб кетишига, қисман қароқчилар тўдасига қўшилиб кетишига, асосан эса диний ва сиёсий шиор остида очиқчасига қўтарилиб кетишига урғу беради. Гиппиус олий қўмондонликка Туркистон рус давлати учун қудрат манбаи бўлиб қолиши мақсадида шундай қилингани маъқуллигини айтади.² Аммо марказ унинг далилларини қабул қилмай, ҳатто фармонни бузишда ва мусулмонларга ён босишда айблаб вазифасидан бўшатади.³ Унинг ўрнига ўтакетган шовинист, калтадум полковник П.Иванов тайинланади. У табиий равишда тезлик билан фармонни бажариш ҳамда очиқдан-очиқ ҳарбий жазолар қўллашга киришади.

1916 йил 4 июлда биринчи бўлиб Хўжанд халқи қўзғолон

¹ ЎзР МДА, 1-жамғарма, 31-рўйхат, 1132-иш, 25-варақ.

² Ўша архив, 1211-иш, 5—9-варақлар.

³ Ўша архив, 1132-иш, 206-варақ.

кўтарди. 7 минг кишилик оломон полиция бошқармасига ҳужум қилди, лекин зудлик билан қалъадан етиб келган рус аскарлари ҳамда полициячилар уларни ўққа тутдилар. Икки киши ўлиб, бир одам ярадор бўлди. Уша куни Хўжанд туманига қарашли Кўстакўз қишлоғида одамлар мингбоши ҳовлисига бостириб кириб, уни дўппосладилар. Хўжанд билан бир вақтда Самарқанд, Жиззах ва Каттакўрғон туманларида ҳам ғалаёнлар бошланди. Айниқса, 1905—1907 йилларда деҳқонлар ҳаракати кўтарилган Даҳбед волостида воқеалар бирмунча жиддий тус олди. Бир неча минг кишилик деҳқонларга илғор ўзбек зиёлиси Усмон Абдурасулов бошчилик қилди. Улар мингбоши Ҳайдар Қосимжонов ва унинг мирзаси Қобуловни тошбўрон қилишди. Миллатпарварлик туйғуси кучли бўлган жадидлар вакили Усмон Абдурасулов мукамал қуролланган рус аскарлари билан олишувда 30 га яқин маслакдошлари билан асир олинди. Қайнар волостида қарашли Афғон қишлоғида оломон мардикорлар рўйхатини тузган элликбоши ва оқсоқолларни калтаклади. Қўзғолонни бостиришга шахсан Қўқон тумани бошлиғи ёрдამчиси подполковник А.Китаев етиб келди. 10 киши ҳибсга олиниб, қамоққа жўнатилди. Худди ўша 8 июль куни Найманчада асосан аёллардан иборат оломон подполковник Китаевни тошбўрон қилдилар. 9 июлдаги ахборотда Аравон бўлисида мингбоши, унинг мирзаси ва миршаби ўлдирилгани, Андижон шаҳрида эса мадрасадан чиққан талабалар тўпланишгани ва аскарлар билан тўқнашувда улардан 10 киши яралангани хабар қилинган¹. Найманчадаги қўзғолонда мингбоши ўлдирилиб, аскарлар билан тўқнашувда 316 киши ҳибсга олинган².

Қўқон туманбошиси полковник К.Мединский Ганжиравон қишлоғида оқсоқолнинг уйини ва мардикорлар рўйхатини ёқиб юборган қўзғолончилардан 139 кишини Қўқон турмасига жўнатди³. Худди шу 9 июль куни Қўқон мадрасаси талабалари миршаблар билан тўқнашиб, улардан 22 киши яраланди. 11 июлда эса Чопаргузар даҳасида аҳолининг полиция билан тўқнашувида 130 киши қамоққа олинди. К.Мединский Қўқон шаҳар ноиби IV Давлат Думасининг собиқ аъзоси Солиҳжон Муҳаммаджоновни ўз уйига чақириб, уни Давлат Думасида Туркистонни идора этиш ҳақидаги Низомнинг 4-бандини олдириб ташлашга эришганликда айблаб, ёмон сўзлар билан ҳақоратлаб, мана энди сенга ўша 4-бандни кўрсатиб қўямиз, деб тазйиқ ўтказдики, бу ҳам қўзғолоннинг янгидан авж олишига сабаб бўлди⁴. 12—15 июль кунлари Файзиобод, Ҳазратшо, Риштон, Кундош, Яйпан, Бачкир қишлоқларида аҳолининг

¹ ЎзР МДА, 1-жамғарма, 31-рўйхат, 1132-иш, 4-варақ.

² Уша архив, 906-иш, 47-варақ.

³ Уша жойда.

⁴ ЎзР МДА, 1-жамғарма, 1-рўйхат, 31-иш, 43-варақ.

жуда катта галаёнлари бўлиб ўтди. Қисқаси, 1916 йилнинг июлида Қўқон туманининг барча қишлоқларини қамраб олган кўзғолон бутун водийга ёйилди. Мустамлака маъмурияти берган маълумотларга кўра, Фарғона вилоятининг 17 жойида аҳолининг ҳарбий қисмлар билан қонли тўқнашуви бўлиб ўтган. 9 июль куни Андижонда ҳам одамлар кўзғалди. Маҳаллий амалдорларни дўппослаган улкан оломон эски шаҳардан янгисига — Скобелев номли катта кўча орқали йўл олди. Андижонликлар 1898 йилдаги воқеаларни унутмаган, интиқом ўти энди баралла аланга олган эди. Улар Гултепа майдонида туманбоши И. Бржезицкий билан учрашишади. У казаклар ва полициячилар қуршовида туриб, оломоннинг талабларини эшитиб, казакларга уларни ўққа тутишни буюради. Натижада 3 киши ҳалок бўлиб, 12 киши ярадор бўлади¹.

Андижон уезди бошлиғи вазифасини бажарувчи 1916 йил 27 сентябрда Туркистон район муҳофаза бўлими бошлиғига йўлаган хатида 9—16 июль кунларидаги кўзғолон тафсилотини баён қилган².

9 июль куни Андижон шаҳрининг 2-қисмида Гултепа майдонидаги «туземецлар оломони» амалга оширган тартибсизликларни бостириш чоғида алоҳида Урол казак юзлигидан Кунтаев бошига тош тегиб жароҳат кўрди. «..туземецлар»дан 3 киши ўлди, 8 киши ярадор бўлди. Кўзғолон бошлиқларидан 22 киши ушланди, тергов органига топширилди. 10 июлда Олтинкўл бўлисига қарашли Далварзин қишлоғида кўзғолончилар бўлис бошлиғи Мулла Ҳакимбек Мулла Рўзибеков ва унинг ҳамроҳлари (Темирбой Памғамбарқулов, Каримжон Абдуваҳоб Хўжаев)ни ўлдирдилар. Кўзғолон бошлиқларидан 32 киши ушланиб қамоқхонага топширилди³.

11 июлда Майгир бўлисининг Чувама қишлоғида кўтарилган кўзғолонда «туземецлар оломони» Чувама элликбошиси Қипчоқбой Боймирзаевни ўлдирдилар. Кўзғолон раҳбарларидан 16 киши ҳибсга олинди, терговга берилди.

12 июлда Балиқчи бўлисидаги Холмурод-Қўрғонча қишлоғида қишлоқ оқсоқоли Эсон Али Раҳимқулов ўлдирилиб, кўзғолон ташкилотчиларидан 2 киши қамоққа олинган. Худди шундай кўзғолон «туземецлар оломони» томонидан Ёрбоши бўлисидаги Бекобод қишлоғида, Султонобод жабҳасидаги Сўфи қишлоқ, Норин бўлисидаги Чўжа қишлоғида бўлиб ўтди⁴. Андижон туманининг Капа, Ҳиндимозор, Кўтарма, Эйлатон, Миробод, Хўжаобод (Балиқчи бўлисидаги), Ўрмонбек қишлоқларида кўзғолонлар ҳам бўлиб ўтди. Кўзғолон қатнашчиларидан талайгина қисми ҳибсга олинди.

¹ ЎзР МДА, 1-жамғарма, 1-рўйхат, 31-иш, 42-варақ.

² ЎзР МДА, 1-жамғарма, 31-рўйхат, 1100-иш, 275—276-варақлар.

³ Ўша жойда.

⁴ Ўша жойда.

10 июлда Марғилон халқи курашга кўзғалади. Шаҳар марказида жойлашган Ўрдада 25 минг кишилик оломон полицмейстер П. Пахотин, мингбошилардан Маҳмудбек Шаҳрихонов, Мавлонбек Бадалбоевни қуршаб олади. Полицмейстерга гапирришга ҳам имкон бермай, оёғи тагидаги тахтани уриб синдиришади. Ушанда мингбошилар, бош миршаб ва уларнинг тўрт ҳамроҳи уриб ўлдирилади. Кўзғолончилар кино уйини остинустун қилиб, подшо суратини ерга уриб топтайдилар. Чинни-хон Иброҳимова бош бўлган аёллар Исо элликбошини ўлдиришади. Эркаклар деҳқон Йўлдош Охунбобоев бошчилигида мингбоши идорасини ёндиришади. Кўзғолончиларга қарши юборилган 6-Оренбург полки казаклари 63 кишини ўлдириб, юзлаб одамларни ҳибсга оладилар.

11 июлда Наманганда кўтарилган кўзғолон ҳам жиддий тус олди. Шу куни эрталаб Лаббайтоға даҳасининг Курашхона майдонида 1500 дан ортиқ киши тўпланди. Пристав В. Домбровский ва туман-уезд бошлиғи вазифасини бажарувчи капитан Румянцев: «Сафарбарликка чақирриш бекор қилинган», деб, халқни алдамқчи бўлганда, улар ёзма тилхат беришини талаб қилишди. Уларга қарши кучли қуролланган рота ташланди. Пулемётлар билан қуролланган рус аскарлари ротасидан қўрқмай жанг қилганлардан 56 одам ҳалок бўлиб, 109 киши ярадор қилинди.

Тадқиқотчиларнинг ҳисобига кўра, Фарғона водийсида маҳаллий маъмурият вакилларидан 34 киши кўзғолончилар томонидан ўлдирилган.

Миллий-озодлик кўзғолони алангаси ўлка маркази Тошкентни ҳам ўз гирдобига тортди. 11 июлда шаҳарда кўтарилган кўзғолон қатнашчиси Йўлчи Иброҳимов ўз хотирасида шундай воқеани келтиради: «Биз Жарариқдаги бойларнинг заводларида кун-тун тинмай ишлар эдик. Мардикор олиш сўзини эшитиб, 19 корхонанинг ишчилари кўзғолон қилишга тайёргарлик кўришди. Кўзғолон куни эрталаб Олмазордаги полиция идорасига тўплана бошлади. Мен вақтлироқ бориб аҳволни билмоқчи бўлдим. Эшик олдида 4-даҳа пристави Мочаловга туппа-тузук кийинган бир чол таъзим қилиб турибди. Чол Мочаловга халқ кўзғолон қилиб келаётганини айтди. Билсам, бу чол машҳур Гиёсқори дума — Иброҳим ҳожилар томонидан юборилган жосус экан. Шу пайтда кўзғолон кўтарган оломон ҳам келиб қолди». Кўзғолончилар қамчисидан қон томган, ўзбек аёллари, болаларини унинг номи билан қўрқитадиган Мочаловдан ҳам ҳайиқмай у бош бўлган полициячиларга ҳужум қилгани, ёрдамга етиб келган подполковник Савицкий қўмондонлигидаги прапоршчиклар ротасига қарши жанг қилгани ва уларнинг сафида Рўзвонбиби Аҳмаджонова каби фидокор аёллар ҳам бўлганининг ўзи, Тошкент кўзғолони оммавий тус олганини кўрсатди¹.

¹ Содиқов Х. Арафа. «Гулистон», 1976 йил, 7-сон, 9-бет.



Тошкент кўзғолони. Пристав Мочалов ўзбек аёли Рўзвонбиби Аҳмаджоновага ўқ узмоқда.

Кўзғолончилар: «Ишчиларимизни бергандан кўра, ўлганимиз яхшироқ!», — деган қийқириқлар остида рўйхатни йиртиб ташлаш учун полиция биносига бостириб киришди ва Бошқарма биносининг деразаларини тошбўрон қилишди. Шунда пристав Мочалов халққа қарата ўт очишга буйруқ берди. Бундан ғазабланган Рўзвонбиби Аҳмаджонова юзидаги чачвонни олиб ташлаб: «Нега ёшларни ўлдирияпсизлар? Мени ўлдиринглар, аммо фарзандларимизни сизларга бермаймиз», — деб қичқирди. Пристав Мочалов ўз қўли билан бу аёлни ҳам отиб ташлади.

Шу пайтда хотинларнинг кўзғолонда қатнашаётганлигини қоралаган Обид уста Азизхўжаев калтакланади. Бу киши шаҳар касалхонасида ўлган. Прокурор айбномасида бу ҳақда шундай дейилган: «Марҳум Обид уста Азизхўжаевнинг укаси 11 июль куни кечқурун касалхонага борганда акаси жон беришдан олдин шундай дейди: «Мен полиция бошқармасининг тагида туриб, шовқин-сурон кўтариш ва тошбўрон қилиш, эркаклар турганда, хотинларга муносиб эмас, дедим. Шу ондаёқ кишилар ва хотинлар мени кўчага судраб олиб чиқишди. Бу ерда кимлардир биқинимга пичоқ урди»¹.

¹ Зиёев Ҳамид. Туркистонда Россия тажовузи ва ҳукмронлигига қарши кураш, 407-бет.

Халқ ғазабининг чеки кўринмас эди. Кўзғолонга раҳбарлик қилганлар орасида Фулом Камолов ва Очил Бобожонов каби қурувчи-усталар алоҳида ажралиб туришди. Эски Тошкентда юз берган кўзғолон Тошкент тумани меҳнатқашларининг ҳам чиқишига туртки бўлди. 13 июлда Тўйтепа бўлисининг мингга яқин аҳолиси волост йиғинида мардикорлик мажбуриятини бажаришдан бош тортдилар. Тошкент туманига юборилган полковник Афанасьевнинг жазо отряди қишлоқларга ўт қўйди, исёнчиларни эса суд ва терговсиз отиб ташлади.

Мустамлакачилар воқеаларнинг бундай боришидан ташвишга тушиб қолдилар. 1916 йил 17 июлда Николай II нинг фармони билан Туркистон ҳарбий округида ҳарбий ҳолат жорий этилиб, фуқаролик бошқаруви тўла равишда ҳарбий қўмондонлик ихтиёрига топширилди. Генерал-губернаторга ҳам бош қўмондон сифатида катта ваколатлар берилди. Тезлик билан жазо отрядлари тузилди. Жойларда ҳарбий гарнизонлар ва миршаблик қисмлари ишларини кўриб чиқиш учун ҳарбий-дала судлари ташкил этилди. Аммо кўзғолон алангасини бундай фавқулодда чоралар ҳам тўхтата олмади. Кўзғолон 18 июл-



1916 йилги миллий-озодлик кўзғолони қатнашчилари.

да Жиззахда шу қадар катта бўлдики, тарихчилар 1916 йилги кўзғолонни Жиззах кўзғолони деб атайдиган бўлиб қолдилар.

Жиззах халқи газовот байроғи остида Назирхўжа эшон бошчилигида янги шаҳарга йўл олишти. Туманбоши подполковник Рукин, бош оқсоқол Йўлдошев, пристав, тилмочлар ўлдирилди. Кўзғолончилар жазо отряди билан жангга киришиб, талафотларга қарамай, ҳужумни давом эттиришти. Темир йўл станцияларидаги нефть захиралари ёндирилди, алоқа симлари узиб ташланди. Обручево, Куропаткино, Ростовцево станциялари, 6-темир йўл кўприги бузиб ташланди. 3 мингдан ортиқ кўзғолончи Самарқанд сари йўл олди. Дуч келган мингбошилар, оқсоқолу миршаблар ўлдирилиб, мардикорлар рўйхатлари ёқиб юборилди. Подполковник Афанасьевнинг жазо отряди тумандаги кўзғолонни бостира олмади. Туркистон генерал-губернатори Жиззахга 13 рота аскар, 3 рота казаклар, 3 рота сапёрлар, 6 тўпли батарея — ҳаммаси бўлиб, 2,5 минг кишилик жазо отрядини юборди. Ўлка бўйлаб, халққа қарши уруш тажрибасини орттирган малакали ҳарбийлардан жами 15 батальон, 42 тўп, 69 пулемётга эга 32 рота жанг бошлади. Бу Антанта иттифоқида Германия — Австро-Венгрия ва Туркияга қарши жанг қилаётган рус армияси учун иккинчи фронт бўлди. Шунинг учун ҳам 1916 йил 13 декабрда IV Давлат Думасида сўзга чиққан ноиб А.Ф.Керенский «Уруш фронтларига янги бир фронт — Туркистон fronti қўшилди» деб вазиятга жиддий баҳо берган эди¹.

1916 йили Жиззах туманининг Қилич қишлоғида жазо отряди ва кўзғолончилар ўртасида сўнгги бор тўқнашув юз берди. «Аёвсиз қириш»га фармони олий олган полковник Иванов одамларни суд ва сўроқсиз отабошлади, юзлаб кишиларни дорга осди.

Эски Жиззах аёвсиз тўпга тутилиб, бутунлай ёндириб ташланди. Жиззахда рус аскарларини ўлдиргани учун маҳаллий аҳолининг 1810 десятина энг ҳосилдор ери тортиб олинди. Мингдан ортиқ киши қамоққа олинди, уларнинг кўпи қатл этилди ва сургун қилинди. «Қаҳрамонликлари» эвазига полковник П.Иванов Фарғона ҳарбий губернатори лавозимига кўтарилди.

Генерал-губернатор императорга йўллаган мутлақо махфий ахборотида кўзғолон пайғида 97 рус аскарлари ўлдирилиб, 86 таси ярадор бўлгани ва 76 аскар бедарак кетгани, 7 рус амалдори, рус аҳолисидан 2326 киши ўлдирилиб, 1384 киши бедарак йўқолганини ёзган². Аммо генерал-губернатор Туркистонда кўрган талафотини аниқ ёзгани ҳолда, ваҳшиёна ўлдирилган ўн

¹ Содиқов Ҳ. Арафа. «Гулистон», 1976 йил 7-сон, 10—11-бетлар. Бўлғуси Вақтли ҳукумат раисининг бу эътирофи 1916 йилги кўзғолоннинг улкан кўлами ва тарихий аҳамиятидан дарак беради.

² Красный архив. Т. XXIV, 1929, 85—86-бетлар.

минглаб маҳаллий аҳоли ҳисобини бермайди. Аммо у бир ҳақиқатни яширмайди. Сўнги 30 йил мобайнида, яъни Туркистон ўлкасини бошқариш ҳақидаги Низом тасдиқланиб, кучга кирган 1886 йилдан 1916 йилга қадар руслар ўтроқ маҳаллий аҳолига яқинлашиш ўрнига ундан узоқлашиб кетганини эътироф қилди. Аслида «Мардикорлар қўзғолони» деб аталмиш 1916 йилдаги миллий-озодлик қўзғолонида қурбонлар бениҳоя катта бўлган, миллиондан зиёд киши ҳалок бўлган. Туркистон аҳолисидан 673 минг киши ўлдирилган, 300 мингдан ортиқ аҳоли хорижга чиқиб кетган, 1 миллион кишининг мол-мулки талон-торож қилинган, аҳолидаги отларнинг 50 фоизи, сигирларнинг 39 фоизи, туяларнинг 55 фоизи, қўй ва эчкиларнинг 50 фоизи ўлган ва мусодара қилинган.¹ Ўлка аҳолиси кескин камайиб кетди. Аҳоли таркибида руслар, русий забонларнинг камайиши уларнинг фронтга олиниши ва Россияга кўчиб кетиши билан ифодаланса, туб аҳолининг камайиши асосан 1916 йилги оммавий қирғин, очлик ва хорижий мамлакатларга чиқиб кетганликлари билан ифодаланади.

Қўзғолонда қорақалпоқлар ҳам фаол иштирок этдилар. 1916 йил 24 июлда Шўраҳон жабҳаси Тўрткўл бўлими Сахтиан жамоаси аёллари бўлис бошқарувчиси Қозоқбой Абдиқаримбоевдан фронт орқаси ишчиларининг рўйхатини ва ўз эрларини ва ўғилларини мардикорликдан озод қилишни талаб қилиб чиқдилар. Бундай чиқиш 26 июлда Хўжаер жамоасида ҳам юз берди. Бўлисининг барча қишлоқларидан 200—300 аёл ўз болалари билан Тўрткўлга келиб, солдатларга ташландилар. Казак соқчи командаси аёлларни тарқатиб юборди ва улардан бир нечтасини қамоққа олди².

1916 йил 29 июлда Сарибий бўлиси аҳолиси (1 минг одам чамаси, ичида кўпгина аёллар бор) болта, пичоқ, қалтаклар билан қуролланиб, Шўраҳон участкаси Сарибий бўлислик бошқармасига йўл олди. Аҳолининг талабларига бўлис бошқарувчиси кўрс жавоб беради. Ҳазабланган халқ Сарибий бўлис бошқарувчиси Содиқ Бояков ва унга қарашли учта оқсоқолни ўлдиради. Шундан сўнг улар Амударё бўлими бошлиғига ўз талабларини билдириш мақсадида Петроалександровскга йўл олади, лекин исёни бостириш учун солдатларнинг келиб етганини эшитган қўзғолончилар уйларига тарқалиб кетади. Бўрибой Салманов, Оллониёз Худойназаров, Давлет Эшимбетов, Жаббор Қўшиқ, Султон Жабборбергановлар қўзғолоннинг фаол қатнашчилари эди. Авез Тўти Оразбейгамованинг номи ҳануз халқ хотирасида.

Шўраҳон жабҳаси бошқа бўлимларида ҳам ғалаёнлар бўлиб ўтди. 1916 йил 29 июлда Тўрткўл бўлиси Сахтиан, Хўжаер ва

Ёрқин Иброҳим. Туркистондаги 1916 йил исёни ҳақида баъзи маълумотлар. «Турк маданияти». Анқара, 1968 йил, 68-сон.

² ЎЗР МДА, 1-жамғарма, 1-рўйхат, 1137-иш, 201-варақ.

Тўрткўл жамоалари аҳолиси бўлис йиғинига қатнашишдан бош тортиб, бўлис бошқарувчисига вакилларини жўнатишади. Ўзларининг талабларини қондиришга эришолмаган исёнчилар бўлис бошқарувчиси идорасини ағдар-тўнгар қилади ва отлиқ аскарлар казармасидан солдатлар етиб келгандан сўнггина орқага қайтади.

Чимбой жабҳаси Бешяб бўлиси аҳолиси ҳам кўзғолон домига тортилди. 1916 йил 27 июлда уларга Эшим волостининг биринчи ва иккинчи овуллари, кейин Янгибозор ва Нукус бўлислари, 29 июлда эса Чимбой шаҳри ҳам қўшилди.

1916 йил 29 июль куни Чимбой исёнчилари қўлига тушган нараса билан қуролланиб, пристав идорасига йўл олади. Полиция пристави халқ арзларига рад жавобини беради ва вакиллардан бирини ярадор қилади. Дарғазаб чимбойликлар пристав идорасига ҳужум қилиб, подшо портретини ёқадилар, пристав Макел-жанияцни ўлдирадилар ва унинг яқинларини калтаклайдилар. Аммо исёнчилар казаклар томонидан тарқатиб юборилади. Бу кўзғолонда Жумон Маметқулов, Салима мулло Шалимова, Гулзода Тонгирбергенова, Ойгул Мамбетова, Шамурод Сагатбаев ва бошқа кўплаб кишилар фаол иштирок этди¹.

Чимбой кўзғолони балиқчилар орасида ҳам кучли ғалаёнларга сабаб бўлди. 1916 йил 4 августда Мўйноқда ғалаёнлар бошланди. Балиқчилар овчилик хўжайинига ҳужум қилди, унинг мол-мулкини яксон қилиб, гидрометрик постни эгаллади. Мўйноқ балиқчилари кетидан Ўрга овчилиги балиқчилари кўтарилди. Мўйноқ ва Ўрга балиқ овчиликларини қўриқлаш учун 4-Сибирь ўқчи полки жўнатилди.

Чор маъмурлари ҳарбий куч ишлатибгина кўзғолонни бос-тиришга эришдилар. 103 нафар кўзғолон иштирокчиси, шу жумладан, 18 аёл қамоқхонага ташланди. Ҳарбий трибунал кўзғолон раҳбарларининг бир қисмини осиб ўлдиришга, қолганларини эса Сибирга сургун қилиш билан турли муддатларга қамоқ жазосига ҳукм қилди.

Қорақалпоқ эли 1916 йилги озодлик ҳаракатида фаол қатнашиб чор маъмурларини жиддий хавф-хатарга солди². Маъмурият томонидан кўрилган жазо чораларига қарамай қорақалпоқларнинг мавжуд мустамлака зулмига қарши қатъий кураши давом этаверди.

Жадидлар фаолияти. Туркистоннинг асл фарзандлари бўлмиш жадидлар ўзлари узоқ йиллар ғоявий жиҳатдан тайёрлаган миллий-озодлик кўзғолонига ғоявий раҳбарлик қилдилар. Сиёсий разведка ва махфий полиция идоралари ҳужжатлари шундан гувоҳлик беради.

¹ Тўреев А. XIX аср охири — XX аср бошида Қорақалпоқ ўлкасида деҳқонлар ҳаракати. Нукус, 1991, 131-бет.

² Камолов С., Сарибоев К. Қорақалпоқлар. Қўлёзма. Нукус, 1999, 25—27-бетлар.

Туркистон жадидларининг етакчиларидан Мунаввар қори Абдурашидхонов ва Убайдуллаҳўжа Асадуллаҳўжаев оғзаки маърузалардан ташқари, амалда ҳам фаол бўлиб, рус мустамлакачиларининг кирдикорларини фош қилдилар. Шунинг учун ҳам улар маслакдошлари билан шовинистлар қаҳрига учрадилар. Чунки жадидлар уларнинг асл ният ва мақсадларини очиб ташлашга қодир кишилар эдилар.

Жадидларнинг етакчи раҳбарларидан Убайдуллаҳўжа Асадуллаҳўжаев мустамлака маъмуриятини фош этишда катта хизмат кўрсатди. 1916 йил июль ойида Андижон жамоатчилиги томонидан Петроградга вакил қилиб жўнатилган Вадим Чайкин ва Убайдуллаҳўжа IV Давлат Думасида Туркистонда рўй берган воқеаларни изоҳлаб бердилар. Шундан сўнг Давлат Думаси аъзоларидан Раевский, Виноградов, Таваккалов 21 июль куни Олий Бош кўмондонлик қароргоҳига — ҳарбий вазир номига телеграмма жўнатдилар. Телеграммада Туркистон ўлкасининг рус аҳолиси ҳарбий мажбуриятдан озод этилгани ҳолда маҳаллий аҳолидан мардикор олиш сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан хатарли эканлиги уқтирилди¹.

Николай II Туркистон хусусида Давлат Думаси ноиблари талабини ҳисобга олиб, ўлкадан мардикорликка одам олиш муддатини 1916 йил 15 сентябргача кечиктириш ҳақида фармон чиқаришга мажбур бўлди. Император Фарбий Фронт кўмондони А.Н.Куропаткинни Туркистон генерал-губернатори қилиб Тошкентга жўнатди. Бу ерда Ўрта Осиёни истило этишда қатнашган, генерал М.Д.Скобелев дивизиясида штаб бошлиғи бўлиб хизмат қилган генерал-адъютант Куропаткиннинг ўлка билан яқин танишлиғи ҳисобга олинган эди.

Тажрибали подшо амалдори халққа ўзини одил ҳоким сифатида кўрсатиш учун кўзғолоннинг келиб чиқишига сабаб бўлган амалдорларни жазолаш, одамларнинг шикоятларини диққат билан тинглашини эълон қилди. У ўзи билан бирга келган IV Давлат Думаси аъзолари Керенский ва Таваккалов билан ўлкани айланишга чиқди. Сафар давомида генерал-губернатор номига кўплаб ариза-шикоятлар тушди. Давлат Думаси аъзолари билан яқиндан таниш бўлган Убайдуллаҳўжа Асадуллаҳўжаев рус тилини яхши билгани учун бу аризаларни таржима қилиб, генерал-губернаторни ҳақиқий аҳвол билан таништирди. Аризаларда баён этилган фактлар мустамлакачи маъмурларнинг бебошлигини яққол кўрсатар эди.

Убайдуллаҳўжа мустамлакачиларнинг жойлардаги зўравонлиги, порахўрлиги ва ўзбошимчалиги ҳақида кўплаб материал йиғиб ва таҳлил этиб, адвокатга хос зукколик билан генерал-губернаторга, Давлат Думаси вакилларига тақдим қилди. Куропаткин рад этиб бўлмайдиган далиллар олдида ўзини уста сиё-

² ЎЗР МДА, 1-жамғарма, 31-рўйхат, 1144-иш, 3-варақ.

сатчи ва демократ қилиб кўрсатиш учун қалтис усулни ишла-тишга қарор қилди. У Андижон шаҳар бош оқсоқоли Шермат Алимқулов ва унинг рус ҳомийлари бўлган амалдорларни лаво-зимларидан четлатди¹. 1865 йилда рус босқинчиларига қарши мардона жанг қилиб ҳалок бўлган саркарда Алимқулнинг ўғли Шермат мирза отасига зид равишда мустамлакачиларнинг со-диқ малайига айланган эди. Одамларга беҳад зулм ўтказиб, ҳокими мутлоқ бўлиб олган Шерматни ҳам лавозимдан олиб ташланиши катта шов-шувларга сабаб бўлди. Бу ерда Куропат-кин бир кесак билан икки қуённи урган эди. Биринчидан, туб миллат вакилларининг фикри билан ҳисоблашувчи фуқаропар-вар эканлигини кўз-кўз қилиб, афкор омма иродасини ўзида гавдалантирган жадидлар сиймосида ўзига таянч яратиш учун уларнинг талабини ҳам қондирди. Иккинчидан, рус демокра-тиясининг ҳам ишончини қозониш мақсадида ўта шовинист ва калтафаҳм рус амалдорларини дадиллик билан ишдан олиб ташлади. У Убайдуллаҳўжа Асадуллаҳўжаев ва эсер Вадим Чай-кин Петроградда Давлат Думасида мардикорликка олиш маса-ласида рус амалдорлари йўл қўйган адолатсизликларни муфас-сал ҳикоя қилиб, маълум фикр туғдирганини ҳам ҳисобга олди. Убайдуллаҳўжа Думада ҳатто мардикорликка олиш ҳақидаги император фармонини бекор қилдириш талабини қўйгани — бу ўзбек адвокати орқасида жиддий кучлар турганидан дарак берган. Мана шу кучлар ичида андижонлик миллионер Аҳмад-бек Ҳожи Темирбеков, Миркомилбой Мирмўминбоевлардек гоят нуфузли миллий буржуазия вакиллари турганини, худди шу буржуазия жадидларни молиявий қўллаб-қувватлаётганини яхши билган. Шунинг учун ҳам у ўлка бўйлаб қилган сафариди Убайдуллаҳўжани мулозимлари қаторида олиб юрди. Ўзбеклар билан алоқада унга ишончли вакил сифатида қаради. Марди-корликка олиш масаласида жадидлар билан маслаҳатда иш кўришини маълум қилди.

А.Н.Куропаткин билан бирга Туркистонга IV Давлат Дума-си аъзолари А.Ф.Керенский, К.Б.Таваккалов ҳамда Ш.З.Му-ҳаммадиёров, Мустафо Чўқаевлар ҳам келишган эди. Улар ўлка шаҳарларида бўлишиб, маҳаллий аҳолини «тинчителиш» чорала-рини кўришга киришдилар. Уларнинг Андижондаги фаолияти ҳақида маҳаллий матбуот шундай хабар берган: «Кеча, 24 ав-густ куни, Андижонга Давлат Думаси аъзолари А.Ф.Керенский ва К.Б.Таваккаловлар келишди. Кечки поезд келиши олдидан депутатларни кутиб олиш учун перронга кўп одам тўпланди. Депутатлар «Слава России» меҳмонхонасида тўхташди. Депу-татлар билан Ш.З. Муҳаммадиёров ва М.Чўқаев ҳам келиш-ди»².

¹ ЎзР МДА, 3-жамғарма, 1-рўйхат, 31-иш, 8—9-варақлар.

² «Туркестанский голос», 1916 йил 25 август.

25 август куни эрталаб соат 10 да А. Ф. Керенский, К. Б. Таваккалов кузатувчилар билан биргаликда, «Слава России» меҳмонхонасидан очиқ экипажда Эски шаҳарга, Жомеъ масжидига қараб йўл олдилар. Бу ерда улар мусулмонларнинг вакиллари ва мадрасадаги маъмур шахслар томонидан кутиб олинди. Ҳозир бўлганларга ўзларини таништиргач, уларга мартабали шахслар сифатида ҳурмат кўрсатилди. Тез орада масжиднинг ички ҳовлисида депутатлар атрофида мусулмонлар гуруҳи тўпланишди. Улар билан тўсатдан уюштирилган йиғилиш ташкил бўлди. Суҳбатда мардикорликка олиш муддати кечиктирилгани ҳақида гап борди. К. Б. Таваккалов ва унинг котиби тилмочлар воситасида кўплаб ерли аҳоли вакиллари билан сўраш йўли билан Андижонда июль кунларида юз берган фожиали воқеалар, шу оқибатларга олиб келган сабаблар, мардикорликка олиш «ихтиёрий» деб ёлғондан мардикор олди номи остида қилинаётган нопок ишлар ҳақида талайгина маълумотлар тўпланди. К. Б. Таваккалов яқунловчи нутқида аҳолини барча масалаларнинг ижобий ҳал қилинишига ишонтариб, бунинг учун улар сабр-тоқат билан, осойишталик билан кутиб туришларини илтимос қилди. А. Ф. Керенский ўз нутқида Туркистонда ҳамда Россияда маҳаллий мусулмон аҳолиси тақдирига бефарқ қарамайдиган рус кишилари борлигини, ерли аҳолини авом, оломон деб камситувчи, паст назар билан қаровчилар ҳам бўлиши мумкинлигини, аммо бундай аҳволга барҳам берилажagini айтиб ўтди.



Россия Давлати Думаси аъзолари шарафига уюштирилган зиёфат. Андижон. 1916 йил, август.

«Туркестанский голос» газетасининг 26 август сониди келтирилган яна бир хабар диққатга сазовордир. Газета ёзади: «Давлат Думаси аъзолари Андижонда икки кун бўлганларида улар ҳузурига рус, сарт ва татар жамиятларидан кўплаб вакиллар ташриф буюришди. Тахминий ҳисобларга кўра шу қисқа вақт ичида депутатлар Андижондаги барча миллатлар ва турли хил жамоат вакилларидан юзга яқин кишиларни сўроқ қилганлар. Сўроқлар қисман шикоят, арзнома, талаблар шаклида бўлиб, уларнинг энг долзарб масалалари Тошкент суд палатаси прокурорига хабар қилинди, анча мураккаб, жиддий масалалар эса Давлат Думаси минбаридан туриб, шунингдек, Дума бюджет комиссиясида айтиладиган бўлди»¹.

Жадидлар ва рус демократларининг бу хайрли иши кенг жамоатчилик томонидан қизғин маъқулланди. Шоир Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий Вадим Чайкин ва Убайдуллаҳўжа Асадуллаҳўжа ўғлининг Петроград сафари ва Давлат Думаси аъзоларини Туркистонга олиб келишини табриклар шундай мисралар битган эди:

«Бу Ватандан икки ўғлон туғуб озоду ўкинч,
Тиз букуб шоҳ қошида қилди бу ҳолатлари ҳеч.
Яша Чайкин! Яшасин чун Ватан ўғли Ҳужаюф!
Яшасин соясиз ила бар авж ёшларимиз»².

Мулоҳаза учун маълумот

1916 йил кузғолонини келтириб чиқарган сабабларни аниқлаш масаласида Россия Давлат Думаси мусулмонлар фракцияси раиси Қутлуғ Муҳаммад Мирзо билан А.Ф.Керенский фикр алмашилишиб, Россиядаги бир қатор уруш фронтлари сафига Туркистон fronti ҳам кўшилганини эътироф қилишган. А.Ф.Керенский ўз юртдошларининг ваҳшийликларидан воқиф бўлиб, вайронага айлантирилган шаҳар ва қишлоқларни ўз кўзи билан кўрди. Шу боис у сузда бўлса-да, туркистонликларни ёқлаб чиқди. У 1916 йилнинг ноябрь ойида Туркистонда сўзлаган нутқида Россия ҳукуматини шафқатсизликда айблаб, ҳатто Туркистонга ўз ҳукуматини тузиш ҳуқуқини беришни талаб қилиб чиқди. Шунингдек, у 1916 йил охирида Петербургга ташриф буюрган Тўрғай вилояти вакиллигига рус ҳукуматининг ваъдаларига ишонмаслиқни маслаҳат берди. Керенский ана шундай фаолияти билан туркий халқларнинг ишончини қозонди. Шунинг учун ҳам 1917 йил февраль инқилоби ҳақида ўлкага хабар келганда туркистонликлар А.Ф.Керенскийга табрик телеграммаси йўллаб, унинг ёрдамида озодликка чиқишга умид қилдилар. А.Ф.Керенский ҳукумати Туркистонда жонажон русларидан кўра туркистонликлар томонидан кўпроқ олқишланди. Аммо 1917 йил февраль инқилобидан сўнг вазир, кейин Бош вазир бўлган А.Ф.Керенский туркистонликлар ишончини оқламади. Бунга бир қатор ҳужжатлар гувоҳлик беради.

«Ун уч ойдан бери Еттисув вилоятида қонли воқеалар давом этмоқда,— деб ёзган эди туркистонлик Шокир Эрной. — Бир неча ун минг мусулмон қирғизларнинг ёстиғи қуритилди. Уларнинг миллион-миллион сўмлик молмулки талон-торож этилди. Бегуноҳ қирғиз болалари ота-оналари бағридан

¹ Шамсутдинов Р. Тарихий меросимизга бир назар. Андижон, 1994, 9—11-бетлар.

² Ҳамза. Тўла асарлар тўплами. 2-жилд. Тошкент, 1988, 65-бет.

угирланиб, худди ўрта асрлардагидек қулликка сотиб юборилди. Аёллар зуравонлик қурбони бўлмоқдалар; дин эътиқоди ва миллати камситилмоқда. Аввалги тузумда ҳам бунақа зуравонликлар жамоатчилик назаридан четда қолмасди. Аммо у пайтларда тилимиз боғланган эди. Норозилик билдириш ёки кимдандир ёрдам олиш тўғрисида ўйлаб ҳам бўлмасди. Аммо ҳозир озодлик даври бошланган, ҳукумат тепасига социалистлар келишган. Тенглик ва биродарлик эълон қилинди. Қирғизлар ва барча мусулмонлар хон даврида одат тусига кириб қолган зуравонликларга чек қўйилди, деб умид қилган эдилар. Аммо Еттисув вилоятида ҳали ҳеч қандай тартиб ўрнатилгани йўқ. Қирғизларни камситиш, улим жазоси таъқиқланишига қарамасдан, уларни қатл этиш давом этмоқда. Халқни рус мустамакчилари зулмидан ҳимоя қилиш йўлида бирор қадам ташлангани йўқ. Керенский ҳукумати у ёқда турсин, бошқа социалистик ташкилотлар ҳам бу даҳшатли ҳолатга чек қўйиш тўғрисида ўйламаяптилар. Мусулмонларнинг телеграммалари ва аризаларига эътибор берилмаяпти. Хўш, биз энди нима қилишимиз керак? Шу пайтгача ҳукуматдан наҳот кутдик, аммо ҳукумат ташаббусни қўлга олишдан бош тортгандан кейин мусулмонларнинг ўзлари бу ишга жиддий киришишга мажбурдирлар»¹.

* * *

Генерал-губернатор Куропаткин ва Давлат Думаси аъзоларининг жадидлар билан алоқаси сирини илғаб олган ва тушунган сиёсий разведка раҳбари полковник М. Волков халқ кўзига ёмон кўриниб қолган рус амалдорларининг ишдан олинишидан норози кишиларнинг «туземецлар жиловини қўлдан чиқардик», деган даъволарини танқид қилиб, «бу фикр ўз мансабини суиистеъмол қилганларга таалуқли», — дейди ва қуйидаги ғояни илгари суради: «Жойлардаги маъмурият бўйсундирилган халқнинг учинчи авлоди билан тўқнаш келмоқда. Бу авлод рус фуқаролиги бераётган барча афзалликлар қадрини тушунади. Улкан Ўрта Осиё мулкларигаги миллатларнинг ўзаро маданий яқинлашуви олий ҳокимият иродасига бўйсунмас бир жараён дир. Айбдор амалдорларни лавозимларидан четлаштириш ана шу жараёнга тўсиқларни абадул-абад йўқотгай»².

Ўтмишдошлари Васильев ва Квицинскийнинг кузатувларини изчил давом эттирган полковник Волков жадидларнинг нуфузи ва халқ орасида тобора ошиб бораётган мавқеидан яхши хабардор эди. У ТРМБ бошлиғи сифатида Миркомил Мирмўминбоевнинг катта моддий маблағи билан таъминланиб, унинг бевосита ташаббуси билан Петроградга жўнаган Убайдуллаҳўжа ва унинг маслақдоши журналист Вадим Чайкинларнинг марказда подшо фармонини кечиктиришга муваффақ бўлишига, ўзлари билан Туркистондаги қонли воқеаларни текширишга Давлат Думаси мусулмон фракцияси аъзоларини олиб келишгани келажакда ўлкада жиддий ўзгаришлар ясашини яхши англади. ТРМБ агентураси жадидлар билан илғор рус демократлари ўртасида яқин ҳамкорлик юзага келганидан ҳам хабар топган эди. Бу ҳамкорликнинг занжири Убайдуллаҳўжа Асадул-

¹ Янги Шарқ, Берлин, 1917, 2-жилд, 124-бет.

² ЎзР МДА, 3-жамғарма, 1-рўйхат, 31-иш.


лахўжаевга бориб уланган эди. Тошкент, Саратов ва Петроград эсерлари даврасида яқин киши ҳисобланган Убайдуллахўжанинг «Садойи Туркистон» газетаси муҳаррири сифатидаги фаолияти ҳам уларга маълум эди. Полковник Волков шу газетада Лев Толстойнинг Убайдуллахўжага йўллаган юқорида тилга олинган мактубини ҳам ўқиган эди. Граф Толстойнинг оддий ўзбек зиёлисига бўлган эътибори бутун Туркистон жамоатчилиги эътиборини ўзига жалб этгани махфий полициянинг диққатини қаратган эди. «Садойи Туркистон» ёпилгандан кейин Андижонга келган Убайдуллахўжа маҳаллий жадидлар ва рус журналистлари билан яқинлашиб, ҳукуматга қарши қаратилган фаолиятини давом эттирди.

Полковник Волков Тошкент, Қўқон ва Андижондаги жадидларнинг ташкилотларида ўзбек буржуазиясидан ташқари, рус савдо-саноат доиралари вакиллари, шулар қаторида инқилобий фирқа аъзолари ҳам борлиги ҳақида хабар топган эди. Волков ўз агентурасининг яна бир ахборотини ҳам диққат билан ўрганди. Бу ахборотда Убайдуллахўжа бош бўлган Тошкент жадидлари Андижондаги «Тараққийпарварлар» фирқаси билан билрлашгани ва уларнинг орасида туманбошининг тилмочлари Сулаймон Келгинбоев, Акбарали ва Мадамин Ғузалиев¹ ҳамда Убайдуллахўжанинг иниси Баширулла Хўжаев муҳим роль ўйнаши кўрсатилиб, улар билан маслакдош бўлган рус журналисти Вадим Чайкин ҳокимиятга қарши маҳаллий ёшларни уюштираётгани маълум қилинган эди. Туркиянинг Греция устидан ғалабасини тиловчи бу махфий жамиятнинг мақсади, агентнинг фикрича, «маҳаллий рус ҳокимиятини ерга уриб қоралаш орқали маҳаллий халқ ўртасида обрў қозонишдир»². ТРМБ махфий агенти Мирза Аҳмад Қушбеғиев эса уни тўлдириб «агар бу жамият жазосиз қолаверса, у ҳолда у даҳшатли кучга айланади. Халқ уларнинг қармоғига илиниб, жилловини уларга бериб қўяди», деб ўзбек жадидлари фаолияти тўғрисида батафсил ахборот берган эди.

Бу жамиятнинг бош ғояси «ёш турклар»га тақлид этишдан иборат бўлган. Унинг аъзолари халқни сиёсий эркинликка чиқаришни, рус ва маҳаллий маъмурият зулмидан озодликка чиқишни мақсад қилиб олганлар. Уларга русча ва мусулмонча маълумотга эга бўлган ёшларнинг кўпчилиги хайрихоҳ эди. Андижон уезди бошлиғи полковник Ю.А.Бржезицкий Фарғона вилояти ҳарбий губернаторига 1916 йил 13 сентябрдаги рапортида: «Ҳозирда аҳоли маъмурият овозига эмас, балки жаноб

¹ А. Ғузалиев Москвада Хитойга дипломатик хизмат сафарига жўнаш олдидан 1925 йил 6 июлда тўлдирган шахсий варақасининг «ўтмишда қандай партиёга мансуб эдингиз?» деган саволига «1914 йилдан 1917 йилгача ёш ўзбекларнинг «Иттиҳод ва тараққий» яширин ташкилот аъзоси бўлганман» деб ёзган.

² ЎзР МДА, 3-жамғарма, 1-рўйхат, 31-иш, 68-варақ.



ARQA İŞLARIQA
TANLAB ALIŞ
QOMITASININ,
ÇADİDLARDAN
BOLGAN AZALARI.

ДЖАДНДИ
ЧЛЕНЫ КОМИТЕТА
ПО НАБОРУ
ТЫЛОВИКОВ.



Мардикорликка сафарбарлик ишларида рус амалдорлари зулмига қарши курашган жадидлар — «Тузем қўмитаси» аъзолари.

Чайкин, Убайдулла Хўжаев, Аҳмадбек Ҳожи Темирбеков, Пошшоҳўжа Умархўжаев ва улар тўдаси овозига қулоқ осмоқда. Одамлар арз-шикоятлар билан маъмурият олдига эмас, балки ўшалар ҳузурига адолат истаб бормоқда. Маъмурлар Тошкент, Андижон ва Қўқон каби йирик маъмурий марказларда тобора кучайиб бораётган «Тараққийпарварлар» фирқасидан жуда ҳайиқиб қолишди», деб ёзган эди¹.

Шамсутдинов Р. Тарихий меросимизга бир назар; 14—15-бетлар.

1916 йилнинг августида Туркистон генерал-губернатори ТРМБ маълумотлари асосида императорнинг мардикорликка олиш ҳақидаги фармони бажариш учун жадидларнинг ёрдамига суяниш ҳақидаги хулосасига қўшилди. Шу мақсадда у жадидлар етакчиси Убайдуллаҳўжанинг талабини қондириб, Андижон туманбошисини лавозимидан четлатди. Мардикорликка олишда барча ишларни жадидлар раҳбарлик қилувчи «тузем кўмитаси» ихтиёрига топширди. Тошкентдаги «Тузем кўмитаси» раислигига Убайдуллаҳўжа Асадуллаҳўжаевни, унинг муовинлигига эса Мунаввар қори Абдурашидхоновни тайинлади.

Куропаткиннинг жадидларга кўрсатган бундай ишончи тагида ётган яширин мақсадни англамаган шовинистлар ниҳоятда дарғазаб бўлишди. Уларни айниқса Убайдуллаҳўжанинг «Туркестанский голос» газетасида босилган «Рус император жуғрофия жамияти» мажлисида қилган маърузасидаги «рус халқи бизларни ўғирлик ва жиноятга ўргатди», деган сўзлари жунбушга келтирган эди. Шундай одамни генерал-губернатор масъул лавозимга тайинлаши шовинистлар газабини ниҳоятда кучайтириб юборди. Полковник И.Бржезицкий маслакдош дўсти, Фарғона вилояти ҳарбий губернатори вазифасини бажарувчи полковник Ивановга юборган хатида шундай деган: «Туземецлар сўнгги вақтда жуда сурбетлашиб кетишди. Жаноб Хўжаевлар ва Чайкинлар «Камбағал тузем аҳолини эзаётган маъмурият» устидан яна арзбозлик кампаниясини бошламоқда. Фикримча, зудлик билан уларнинг фаолиятига чек қўйиш керак. В. Чайкин, Убайдулла Асадуллаҳўжаев, укаси Баширулла Асадуллаҳўжаев, Аҳмадбек Темирбеков ва Пошшаҳожии Умархўжаевларни мардикорликка жўнатиш тугагунча ўлкадан чиқариб юбориш зарур. Шахсан ўзим кўрган кечирганларим асосида маҳаллий аҳолига ишончимни батамом йўқотдим. Бу халқ июль ойида рус қизлари ва аёлларини зўрлади, кўприкларни ёндирди, ҳимоясиз амалдорларни ўлдирди. Бундай ёввойиларга мен энди сира ишонмайман. Ўлкадаги 27 йиллик хизматимдан келиб чиқиб, шундай қатъий хулосага келдим: ёввойи туземецларга бизнинг инсонпарварлигимиз мутлақо тўғри келмайди. Фақат милтиқ найзаларигина уларни мардикор беришга мажбур қилади»¹. 1898 йилги Андижон қўзғолонини бостиришда фаол қатнашган Бржезицкийнинг бу хулосаси полковник Ивановнинг ҳам қалбига яқин эди.

Жиззах қўзғолонини бостирган жазо отрядлари кўмондони бўлган ва кўрсатган «жасорати» учун генераллик мансабига кўтарилган полковник Иванов рус зобитлари ўртасида машҳур бўлиб кетган «Бир рус солдати этиги пошнаси мингта туземец аблаҳдан афзал», деган иборанинг муаллифи эди. Иванов ўтакетган шовинист сифатида ўзбек жадидларини, айниқса, Убайдуллаҳўжани жуда ёмон кўрарди. У бор воситаларни ишга со-

¹ ЎЗР МДА, 3-жамғарма, 1-рўйхат, 31-иш, 12-варақ.

либ, жадидлар устидан жиноий иш қўзғайди. Шахсан ўзи кузатув ишларини олиб бориб, жадидларни айбловчи ҳужжатлар тўплай бошлади. У Тошкентга бориб Убайдуллаҳужани кўргани ва қандай ишлаётгани ҳақида шундай дейди: «Хўжаев Тошкентдаги энг яхши меҳмонхонада икки хонани эгаллаган. Улардан бирида бутун ўлкадан келган туземецларни қабул қилади. Шахсан ўзим унинг аризачиларни қабул қилганининг гувоҳи бўлдим. «Национал» меҳмонхонаси унинг қабулини кутаётган туземецларга тўлиб кетган эди. Хўжаев ўзини уларнинг кўз ўнгида улкан ваколатга эга амалдордек катта тутуди ва туземецлар бор аризаларини шахсан унинг номига йўллайдилар. Хўжаев ўз таъсирини кенгайтириш учун Андижондаги Келгинбоев тўдаси билан битим тузиб келиб, тайёр ташкилотга бош бўлиб олди»¹. Полковник Иванов сира эринмай 162 варақни ташкил этган маълумотномасида жадидларнинг рус инқилобчилари билан ҳамкорлиги хунук оқибатларга олиб келиши ҳақида маълумот тўплаб генерал-губернаторни чўчитмоқчи бўлди. «Келгинбоевнинг Хўжаев билан иттифоқиға, — деб ёзган эди Иванов, — «Туркестанский голос» газетаси муҳаррири фахрий фуқаро Анастасий Афанасьевич Чайкиннинг укаси Вадим Чайкин ўз ходими яҳудий Илья Яковлевич Шапиро билан жон-дили билан киришган ва у билан тил бириктирган»².


ТРМБ бошлиғи ўринбосари подполковник Розалион-Сошальский 1916 йил 24 сентябрда йўллаган докладига қўшимча тарзда 1916 йил 13 октябрда махфий хабар йўллайди. Унда Андижондаги «Туркестанский голос» газетаси биносида ҳар куни оқшомда газета муҳаррири Чайкин раислигида ўзларига «Тараққийпарвар» номини берган йўналишдаги 20 га яқин ўзбек ёшларининг йиғилишлари ўтказилаётгани, уларда ҳозирги аҳвол ва бошқа масалалар муҳокама этилаётгани айтилади. «Бу ўзбеклар, — дейилади рапортда, — Андижон шаҳрининг эски қисмини ўзаро бўлишиб олишган ва ҳар куни ўз жабҳаларини айланиб чиқадилар ва аҳолидан ҳол-аҳвол сўраш маъносида қандайдир шикоятлар йўқми деган саволлар ҳам беришади. Бошқача қилиб айтганда уларнинг ўзлари аҳоли вакиллариға бирон нарса бўйича шикоят ёзишликка шама қиладилар. Кечқурун таҳририятда тўпланишиб Чайкин ва унинг ёрдамчилари, жумладан, ҳуқуқшунос Шапиро иштирокида йиғилиш ўтказадилар»³.

Чайкиннинг генерал-губернаторға йўллаган телеграммаси бўйича Андижон шаҳрининг катта оқсоқоли ишдан олингани вақтидан бери Чайкиннинг аҳамияти янада кўтарилиб кетди. Шундан бери Чайкин генерал-губернатор бизнинг томонимизда ва у, Чайкин маъмуриятдаги ҳар қандай амалдорларни хиз-

¹ ЎзР МДА, 3-жамғарма, 1-рўйхат, 31-иш, 66—67-варақлар.

² ЎзР МДА, 3-жамғарма, 1-рўйхат, 31-иш, 67-варақ.

³ Шамсутдинов Р., Содиқов Ҳ. Сталинни чўчитган йигит. «Туркистон», 1999 йил 18 декабрь.



Андижон тараққийпарварлари етакчиларидан Акбар Ӯрозалиев.

матидан ҳайдаш мумкин, деб юрибди. Деярли ҳар куни «Туркистанский голос» газетаси таҳририятига келиб, йиғилишда қатнашаётган «Тараққийпарвар»чилардан ҳозирча қуйидагилар маълум. Олимжон Ҳожи Мирза Юсупов, Асака волост бошқа-

рувчисининг собиқ мирзаси Саъдуллаҳжа Турсунхўжаев, савдогар, Миркомил пассажида ўзининг Мануфактура дўконига эга Муҳаммаджон Ёқуб Саркаров, маълум машғулотга эга эмас Мирали Умарбоев, шаҳар ноиби, Латифжон Махдум Қозиев, Олимжон ҳокимнинг қариндоши Қўчқорбой Миралиев, Мирали Умарбоевда приказчик Отахон Назарбоев, хусусий китоб дўконига эга, Мир Ҳайдар, Миркомил Мирмўминбоев уйи ёнидаги газмол дўкони эгаси»¹.

Полковник Иванов шахсан ўзи ва маслакдошлари номидан Убайдулла Асадуллаҳжаев ва унинг сафдошларини дарҳол ҳибсга олиш, буткул Туркистон ўлкасидан чиқариб юборишни генерал-губернатордан қатъий равишда талаб қилган. Куропаткин эса уста сиёсатчи сифатида Сирдарё губернаторидан бу ҳақда фикр сўрайди. Сирдарё вилояти ҳарбий губернатори ўзининг 1916 йил 6 ноябрда генерал-губернаторга йўллаган ахборотида «Тошкент шаҳар тузем қўмитаси раиси Хўжаевнинг зарари фаолияти»га оид унда ҳеч қандай асослар йўқлигини ёзади: «Аксинча, мардикорларнинг бир неча партиясини муваффақиятли жўнатган тузем қўмитаси ишининг бутун оғирлиги Хўжаевнинг елкасида турибди. Унинг қўмитадан кетиши бу катта ишнинг белига тепади деган фикрдаман. Бугун ҳузуримга келган қўмита аъзолари ҳамда бошқа эътиборли зотлар менга Хўжаевга тўла ишонч ва ҳурмат кўрсатишларини алоҳида уқтириб кетишди»². Генерал-губернатор Куропаткин Убайдуллаҳжа ва Мунаввар қорининг мардикорларни сафарбар қилиш хусусида халққа хайрихоҳ бўлиб, рус маъмуриятидан уларга тегишли шарт-шароитларни яратишни қатъий талаб қилишларидан хавфсирай бошлади. Генерал-губернатор маҳкамаси, Туркистон район муҳофаза бўлими ҳужжатларида кўрсатилишича, Туркистоннинг ҳарбий-сиёсий доиралари жадидларнинг «Тараққийпарварлар» фирқасининг аҳолига таъсиридан хавфсираб, унинг фаолиятини тўхтатишга қарор қилишган.

1917 йил 31 январда ТРМБ бошлиғи ўринбосари подполковник Розалион-Сошальский Фарғонага келиб, ҳарбий губернатор маҳкамасидаги ҳужжатлар билан танишди. Тез орада ўзига «Тараққийпарвар» номини қўйган Андижондаги уюшма фаолияти ҳақида жиноий иш кўзғалди. Худди шу вақтда инқилобий мазмундаги ўзбек тилида тарқатилган варақалар чор маъмурларини ғоят ташвишга солган эди. Бу варақаларни ёзишда ва тарқатишда 50 дан ортиқ жадидлар гумон қилинди.

«Тараққийпарварлар» аста-секин инқилобий ҳаракатга қўшилиб кетаётганликлари энди равшан бўлиб қолган эди. ТРМБ бошлиғи полковник М. Волков 1917 йил февраль ойида генерал-губернаторга «Тараққийпарварлар» фирқаси иши бўйича

¹ ЎзР МДА, 3-жамғарма, 1-рўйхат, 31-иш, 20—21-варақлар.

² ЎзР МДА, 3-жамғарма, 1-рўйхат, 31-иш, 68-варақ.

ишга киришганини ва ўринбосари подполковник Розалион-Сошальскийни 7 февралда Андижонга юборганини маълум қилди. Шу билан бирга Куропаткиннинг Убайдуллахўжа ва бошқа фирқа аъзолари ва раҳбарларини жиноий фаолиятда айблаб ўлкадан сургун қилиш ҳақидаги буйруғи ижро учун қабул қилинганини маълум қилди¹.

Охири, Куропаткин ўта шовинист генераллар ва зобитларнинг сиқувига дош беролмай, мардикорликка сафарбарликни уюштиришда адолатли иш кўрган жадидларни судга берди. Аммо Туркистон ўлкаси тарихида қутилмаган воқеа юз берди. Тошкент округ суди ўз касбдоши, ишончли вакил-адвокат Убайдуллахўжа Асадуллахўжаев ва унинг сафдошлари устидан кўзғатилган жиноий иш ва чиқарилган ҳукми бекор қилди. Бунинг устига Петроградда «Тараққийпарварлар» фирқасига хайрихоҳ Давлат Думаси мусулмон фракцияси аъзолари ички ишлар вазирлигидан бу иш учун махсус тушунтириш талаб қилдилар.

Жадидлар хусусида, умуман уларнинг 1916 йилги кўзғолонда иштирок этганлиги хусусида шўролар даврида нотўғри фикрлар юрарди. Уларнинг 1916 йил кўзғолонида иштироки йўқ ва миллий буржуазия подшо Россияси тарафида турганлар, деган фикр мустаҳкам ўрнашиб қолган эди. Ҳатто бир вақтлар ўзлари жадидчиликка мансуб бўлиб, шу ҳаракатдан ўсиб-улғайиб чиққан баъзи бир раҳбарлар ҳам жадидларни қоралаш, айблаш йўлини тутганлар².

Жадидларни бу хилда айблаш 30-йилларда ҳам давом этди. 1932 йили Тошкент шаҳар партия конференциясида ВКП(б) МК Ўрта Осиё бюроси котиби Н. Я. Бауман ўз маърузасида жадидлар масаласига тўхталиб, Файзулла Хўжаев ва Абдужаббор Абдурахмоновларнинг Ўрта Осиёдаги инқилобий ҳаракат масаласидаги асарларини табриклар, Ф. Хўжаевнинг ўз даврида жадидчиликни идеаллаштириб, миллатчилик характеридаги «хатолари»ни ҳам алоҳида таъкидлаган. Шунда Ф. Хўжаев мутлақо расмий йўл тутишга мажбур бўлиб, «жадидчилик ва унинг тутган ролига келсак, ўзининг синфий моҳиятига кўра жадидлар савдо ҳамда туғилиб келаётган саноат буржуазияси вакиллари, шунинг учун ҳам улар капиталистик ислохотлар доирасидаги талаблардан нарига ўта олмас эдилар»³, деб ёзишга мажбур бўлди.

¹ Содиқов Ҳ., Шамсутдинов Р., Равшанов П. Петербургни гангитган ёшлар. «Туркистон» газетаси, 1999 йил 24 июль.

² Шамсутдинов Р. Жадидчилик: ҳақиқат ва уйдирма. «Мулоқот», 1991 йил, 11—12 сонлар.

³ «Қизил Ўзбекистон», 1936 йил 3 август, №117 (3634). 20-йилларда бошланиб кетган жадидларни танқид қилиш кампанияси 30-йиллардаги қатағон даврига уланиб кетди. 30-йиллар ва 80-йиллар охирларига қадар бир Ўзбекистонда эмас, бутун Иттифоқда жадидчилик фанда буржуа миллатчилигига синоним бўлиб келди. 1916 йилги кўзғолон тарихини тадқиқ этган олимларнинг айримлари бу кўзғолонда «жадидлар хоинлиги»ни алоҳида сарлавҳа остида кўрсатишгача бориб етдилар.

Лекин, миллий буржуазия ва унинг мафкурасини ифодаловчи жадидлар 1916 йил кўзғолонида чоризм тарафида турган, кўзғолончиларга хайрихоҳ эмас эдилар, деган фикрларни расмий ҳужжатлар рад қилади. Ўзбек миллий буржуазиясининг вакили андиджонлик Миркомилбой Мирмўминбоевнинг Қўқон ва Марғилон шаҳарлари мингбошилари халқни кўзғолонга даъват этиш зарурлиги ҳақида ёзган хатида шундай сатрлар бор: «Шаҳрингиздаги аҳоли ва бойларнинг мардикорлик сиёсатига қарши чиқишларини айтинг. Россиянинг аҳволи жуда танг, шунинг учун ҳеч нарсадан қўрқманглар. Ҳаммангиз бир ёқадан бош чиқариб иш юритсангизлар, мардикор олиншига қарши кўзғолон кўтарилиши осон. Ҳозирги вазиятда ҳукумат амалдорларига пул берса бас, ҳамма ишни битирадилар. Менинг халойиқни кўзғолонга ундаш ҳаракатим билиниб, текширув ўтказилганда 150 минг рубл бериб ўзимни сақлаб қолдим. Шу боис сизлар ҳам хавотирланмай ҳаракат қилаверинглар»¹.

Жадидлар Николай II нинг 1916 йил 25 июндаги фармони-ни бекор қилиш ва бутун ўлкада бирданига исён кўтариш ғоясини илгари сурганлар. Ёш бухороликларнинг сардорларидан Усмонхўжа Пўлатхўжа ўғли, ёш хиваликлар раҳбари Паҳлавон Ниёзхожи, Туркистон жадидлари пешқадамлари Маҳмудхўжа Бехбудий, Мунаввар қори Абдурашидхон ўғли ва бошқалар ўлка халқини кўзғолонга даъват этганлар, жойларда аҳоли йиғинларини ўтказганлар, ўта мудҳиш фармонни бекор қилишни қатъиян талаб қилиб чиққанлар.

Самарқанддан муфтий Маҳмудхўжа Бехбудий, Тошкентдан Мунаввар қори, Хивадан Паҳлавон Ниёз, Бухородан Усмонхўжа, Жиззахдан қори Комил, Қўқондан Обиджон Маҳмуд ўғли ва бошқаларнинг иштирокида ўтган йиғинларда мардикорликка олиш ҳақидаги фармонга қарши кураш тadbирлари ишлаб чиқилган. Туркистондан мардикор олиш хусусидаги фармоннинг қонуний тус олишига монъелик қилиш учун тadbир ишлатдилар. Фармон қонуний тус олган тақдирда норозилик моҳиятидаги исёнлар чиқаришни кўзда тутган эдилар².

ТРМБ бошлиғи полковник Волков Петроградга 1917 йил февраль ойида йўллаган ахборотида Убайдуллахўжа Асадулла-хўжаевга Тошкент ва Андижонда яшашга рухсат берилганини маълум қилди. Жадидлар ҳаракати туфайли метрополия марказида Давлат Думаси рус мустамлакачиларининг 1916 йил июль — август ойларидаги қонхўрликларини муҳокама қилишга мажбур бўлди. А. Ф. Керенский, Мансуров ва Жаъфаров каби ноиблар Туркистон маъмуларининг барча кирдикорларини жадидлар

¹ Зиёев Ҳамид. Кўрсатилган асар, 422-бет.

² Абдуллоҳ Ражаб Бойсун. Туркистон миллий ҳаракатлари. Истанбул, 1943, 40—41-бетлар; Али Бодомчи. 1917—1934 йиллар Туркистон миллий истиқлол ҳаракати ва Анвар пошшо. Биринчи жилд. Қўрбошилар. Истанбул, 1975, 50-бет.

берган ҳужжатлар асосида Давлат Думасининг 1916 йил 13 декабрь сессиясида очиб ташладилар.

1916 йилги кўзғолон хориждан, бирон-бир турткисиз, ичдан етилган, Россия истибдодига қарши кўтарилган ва кенг омма-ни ўз доирасига қамраб олган қудратли ҳаракат эди.

Мардикорликка сафарбарлик 1916 йил 18 сентябрдан оқ подшо ағдарилган кунгача давом этди. Жўнатилиши керак бўлган 200470 киши ўрнига амалда 123 минг мардикор сафарбар қилинди, холос. Туркистонлик мардикорлар ҳарбий ва саноат корхоналарида, конларда, темир йўл қурилишида, ўрмон ва айрим капиталистларнинг хўжаликларида қаттиқ назорат остида ишлатилди. Улар очликдан, хўрликдан, машаққатли меҳнатдан мислсиз азият чекдилар. Кўплари қаттиқ совуқдан, турли касалликлардан ўлиб кетдилар, ёки бир умрга ногирон бўлиб қолдилар.

Мардикорликка Андижон туманидан борган 200—300 нафар одам Батуми-Сухуми темир йўл қурилишида ниҳоятда оғир шароитда ишлади. Улар норозилик намойиши ўтказиб, иш ташладилар, очлик эълон қилдилар. Тифлис ҳукумати Тошкентга, генерал-губернаторга телеграмма йўллаб уларнинг намойишларини тинчйтишга мажбур бўлганини хабар қилган. Шу мақсадда Туркистон генерал-губернаторининг буйруғи билан Андижон Эски шаҳар оқсоқоли Рустам Тошматов Сухумига бориб, намойишчиларни хийла-найранг, дўқ-пўписа билан «Агар сизлар ишни давом эттирмасаларинг, у ҳолда сизларнинг Андижонда қолган ота-онангиз, қавми-қариндошларингиз ҳибсга олинади, мол-мулки мусодара қилинади», деган пўписа билан алдашга муваффақ бўлган.

Кавказ фронтида рус ҳарбийлари томонидан асирга олинган турклар ҳам фронт орқасидаги ишларга сафарбар қилинган. Улар билан Туркистондан борган мардикорлар ўртасида биродарлашув юз беради. Дини, тили, келиб чиқиши бир бўлган бу халқларнинг фарзандлари чор ҳукумати ва унинг мустамлакачилик зулмига қарши биргаликда кураш олиб бордилар.

Оқ подшо тахтдан қулатилгач, мусулмон асир ва мардикорлар Россия ва Сибирь минтақаларидан ўз она юртларига қайта бошлайдилар. Туркистонликлар билан бирга турк ҳарбий асирларининг бир қисми ҳам Туркистонга келди. Турк ҳарбий асирлари орасида кўпгина зиёлилар ҳам бор эди. Мардикорлар ва турк ҳарбийларининг ўлкага келиши билан бу ердаги жадидчилик ҳаракатида, истиқлол учун курашда маълум ижобий ўзгаришлар юз берди. Туркия зобитлари Тошкент, Фарғона, Андижон, Самарқанд, Хива, Бухоро ҳудудларида маҳаллий аҳоли ўртасида катта маърифий-маданий, ижтимоий-сиёсий иш олиб бордилар, жумладан, мактаб ва мадрасаларда муаллимлик қилдилар.

Собиқ асирлар, яъни турк зобитларининг Туркистондаги

миқдори ҳақида аниқ маълумот йўқ. Чунки бу мавзу мутлақо ўрганилмаган. Турк аскар ва зобитларининг 1916 йилдаги ва ундан кейинги миллий-озодлик ҳаракатларидаги иштироклари ҳам тадқиқ этилмаган.

1916 йилги миллий-озодлик кўзғолони, шўрошунос Ричард Пирс таъбирига кўра, фақат чор ҳукуматинигина эмас, балки бутун рус халқининг Ўрта Осиё халқларининг ишончи ва дўстлигини қозониш йўлидаги барча уринишларини пучга чиқарди. Бу кўзғолон рус социал-демократлари (большевик ва меньшевиклар) ва социал-инқилобчиларнинг (ўнг ва сўл эсерлар) Туркистон халқлари ўртасида мустаҳкам таянчга эга эмасликларини ҳам рўй-рост исботлади.

Кўзғолон ўлкадаги мустамлакачилик тузумининг ҳам пойдевори бўш эканлиги ва унинг устунлари чириб қолганлигини ҳам кўрсатди. У чоризмнинг яқинлашиб келаётган умумсиёсий инқирозининг ёрқин кўриниши эди. Лекин, генерал-губернатор Куропаткин императорга йўллаган ахборотида 1916 йил кўзғолонининг сабабларини ёзганда масаланинг ана шу жиҳати унутган эди. У ўлкада синфий табақаланиш жараёнини атрофлича ёритгани ҳолда, мустамлака тузумининг асосий иллатини даволашнинг бирдан-бир йўли 1886 йилги Низомни қайта кўриб чиқишдан иборат деб ҳисоблади. Куропаткин, аҳолининг кайфияти ва руҳиятини ўрганишга оид материалларга суянган ҳолда, ҳарбийлашган қаттиққўл ҳокимиятни сақлаб қолиш гоёсини илгари сурди.

Фарғона вилояти ҳарбий губернатори вазифасини бажарувчи полковник Иванов рус амалдорларининг порахўрлигини оқлаш ва ҳамма айбни Убайдуллахўжа Асадуллахўжаев каби «халқни бузувчи яширин адвокатлар»га ағдариш мақсадида ёзган маърузаномасида, ўзи сезмаган ҳолда, рус мустамлака тизимини фош этувчи фикрларни ҳам айтиб юборади. «Ҳокимият, — деб ёзади у, — ўша аввалги хонлар тузумидаги ўзбошимчалик ва зўравонликка таянди, чунки қонунчилик аслида амалда эмас, балки назарияда амалга оширилган эди... Маҳаллий маъмурият ҳаётнинг барча жабҳалари устидан назорат ўрнатгани ҳолда, бебош ва ўз ҳолича хонлар замонидаги тартибни давом эттирди. Рус ҳокимияти эса халқ ҳаётидан тамоман кўз юмиб, турмуш қаърига кириб боролмади, у океан юзидаги пўкакка ўхшаб қолди»¹. Генерал-губернатор Куропаткин ана шу пўкакни океан тубига тушириш учун янги маъмурият тизими лойиҳасини ишлаб чиқабошлади. Аммо замон ўзгарган, ўлка ҳаётида подшо ҳокимияти пайқаманган жиддий воқеалар яқинлашмоқда эди.

Генерал-губернатор бошлиқ маъмурият ўлкадаги тангликни бартараф қилиш хусусида ҳеч қандай чора-тадбир кўрмади.

¹ ЎзР МДА, 1-жамғарма, 31-рўйхат, 1144-иш, 20-варақ.

Марказдан керакли озиқ-овқат, биринчи навбатда, ғалла келтириш масаласини ҳам диққат-эътибордан четда қолдирди. Маълумки, марказдаги савдо-саноат доираларининг талаби билан ўлкадаги дон экинлари қисқартирилиб, ўрнига пахта экила бошланган эди. Келишувга кўра, дон-дунни Россия губерниялари Туркистонга юбориши лозим эди. Генерал-губернаторнинг эса бунга эътибори бўлмади, диққат бутун ўлкада оммавий қатагонни кучайтиришга қаратилди. У 1917 йилнинг февраль ойида миллий-озодлик кўзғолони иштирокчилари устидан чиқарилган ҳукми имзолади. Ҳукмга кўра, 347 киши — ўзбеклар, қозоқлар, қирғизлар, туркманлар дорга осилди, юзлаб кишилар қаторгага жўнатилди.

Генерал-губернатор кўзғолон иштирокчиларини жазолаш баҳонасида уларнинг ерларини мусодара қилиб, рус қишлоқлари сонини кўпайтириш режаларини ҳам ишлаб чиқди.

Мустамлакачилар ўлкада истибдод сиртмоғини янада қаттиқроқ тортишнинг янгидан-янги режаларини туздиларки, уларнинг амалга ошувига марказдаги воқеалар халақит берди.

1917 йил 2 март куни Петроградда подшо ҳокимияти ағдарилгани ҳақидаги хабар Тошкентга ҳам етиб келди. Уни биринчи бўлиб Куропаткинга Сирдарё вилояти ҳарбий губернатори генерал-лейтенант Галкин етказди. Генераллар ўзаро келишиб, бу сирни ҳеч кимга билдирмасликка ҳамда Петроградда воқеалар қандай бориши ва нима билан тамом бўлишини кутишга қарор қилдилар. Аммо Николай II тахтдан воз кечганлиги ҳақидаги телеграмма телеграфда кўчиртирилиб ва кўпайтирилиб аллақачон шаҳарга тарқалган эди. Чоризмнинг ағдарилгани, Россия империяси ўрнига республика пайдо бўлганлиги яшин тезлигида бутун Туркистон ўлкасига тарқалди. Туркистон афкор оммаси ўртасида ҳам мустамлакачилик тузумида ўзгаришлар бўлиши ҳақида умид учкунлари пайдо бўлди.

Лекин Вақтли ҳукумат ҳам Туркистонни мустамлака деб билиб, у ерда ҳеч қандай ўзгариш қилишни истамасди. Ўлка генерал-губернатори А.Н.Куропаткин ўз лавозимида қолаверди. Жойлардаги губернаторлар, туман бошлиқлари ҳам, аввалгидек ўз мансабларида хизматини давом эттиравердилар. Генерал-губернатор 8 мартда чиқарган буйруғида Вақтли ҳукуматдан янги фармойиш келгунча ўлка, вилоят ва туманлардаги амалдорлар ўз вазифаларида қолиб, фаолиятларини давом эттиравирилари лозимлигини уқтирди¹. У полицияни милиция билан алмаштириш лозимлигини, маҳаллий ҳокимият идоралари қошида жамоатчилик кўмиталари ташкил қилиш кераклигини ҳам қистириб ўтди.

¹ ЎзР МДА, 20-жамғарма, 2-рўйхат, 77-иш, 4-варақ.

Генерал Куропаткин инқилоб байроғи остида ниқобланиб олиб Туркистонда мустамлакачилик сиёсатини давом эттирди. У Самарқанд вилояти ҳарбий губернаторига 13 март куни йўллаган телеграммасида шаҳарлар бошқарувини тузиш хусусида шаҳар думалари аъзолари (гласнийлар) сафида рус вакиллари камида дума аъзоларининг ярмини ташкил этиши зарурлигини уқтирди. Чунки, унинг фикрича, Туркистоннинг маҳаллий аҳолиси русларга ўхшаб «оғир мажбурий ҳарбий хизматни ўтамайди, шунинг учун ҳуқуқда улар билан тенг бўлмаслиги керак»¹. Жойлардаги идораларга ўтказилган сайловларда ана шундай сиёсат юритиш кўзда тутилди. Бу эса маҳаллий миллатлар вакилларининг кескин норозилигини уйғотди.

Бухородаги Россия резиденти А. Миллер генерал-губернаторга йўллаган телеграммасида Янги Бухорода ижроия қўмитага 12 мартда бўлиб ўтган сайловларга 5 минг рус мусулмонлари қатнаштирилмаганлиги кескин норозиликка сабаб бўлганини ёзган эди. Бошқа рус фуқаролари билан тенг ҳуқуқда мусулмонларнинг қатнашувига йўл қўйилмагани аҳолининг кайфиятини бузгани, улар бу сайловлар натижаларини бекор қилишни талаб қилиб, Россия Вазирлар Кенгаши раиси, ташқи ишлар, ҳарбий вазирларга, шунингдек Давлат Думаси мусулмон фракцияси раиси Таваккаловга телеграф орқали муроҷжат қилишганини хабар қилди. Туркистондаги рус аҳолиси ҳам эскича идорага, эскича бошқарув услубларига қарши кўтарила бошлади. Бу ҳаракатда айниқса рус ишчи ва аскарлари фаоллик кўрсатишди.

Туркистон генерал-губернатори Куропаткин ҳам фаолликда улардан қолишмади. У ўз генераллари билан воқеалар ривожини «тинчгина» кутиб ўтирмай, йирик бир ифвоғарлик тайёрлади. У ўлкада «мусулмонлар қўзғолон кўтармоқчи» деган овоза тарқатиб, русларни мусулмонларга қарши кўтаришга, ўртада ўзаро нифоқ чиқаришга уринди. Генерал шу мақсадда қўзғолонга қарши «ҳимоя қисмлари» тайёрлаш ҳақида кўрсатма берди ва бу гоёнинг тадбири Туркистон ҳарбий округи штабида тезлик билан ишлаб чиқилди. Куропаткин марказдаги воқеалар ривожини кузатган ҳолда, Тошкентда империя мустамлакасини «озод Россия» учун бутунича сақлаб қолиш йўлида фаол иш олиб борди. Ўлка ва вилоят идоралари, шунингдек янги жамоат ташкилотлари, инқилобий қўмиталарга жойлашиб олган рус шовинистлари, подшопарастлар орасида унинг маслакдошлари кўп эди. Бу ҳол айниқса Тошкент ишчи ва аскар депутатлари Шўроси ижроия қўмитасининг 30 мартдаги мажлисида яққол кўзга ташланди. Генерал-губернаторни мансабидан четлатиб, қамоққа олиш масаласи кун тартибига қўйилганда Ижроия қўмита аъзолари Иванов, Закаменний, Динин, Булинский, Ру-

² ЎзР МДА, 1-жамғарма, 31-рўйхат, 1175-иш, 3-варақ.

санов кабилар Куропаткинни қаттиқ туриб ҳимоя қилдилар. Мажлис бу масалани ярим кечагача муҳокама қилган бўлса-да, бирор қарорга келолмади.

Ишчи, аскар ва зиёлиларнинг кескин талабидан чўчиган шовинистлар Куропаткинни ўзлари қамоққа олиб, Петроградга жўнатишга қарор қилдилар. Бу иш генерал-губернаторнинг шахсий соқчилари бошлиғи полковник Русановга топширилди. Тошкент Совети ижроия қўмитаси аъзоси бўлган Русанов ўз бошлиғини қамоққа олганини Советдаги ишчиларга маълум қилди.

Шу тариқа Туркистонда 50 йил давом этган генерал-губернаторлик идораси барҳам топди. 1917 йил 31 мартда ўлкада ҳарбий ҳокимият фуқаролик ҳокимиятидан ажратилди. Бу рус демократияси ва истиқлол курашчиларининг кўп йиллик кураши самараси эди.

ХОТИМА

Суронли ва уқубатли икки асрга яқин тарихимизнинг бунёдкорлик ва парокандалик, қардошлик ва маҳдудлик, жасорат ва хиёнат, матонат ва разолат, маърифат ва жаҳолат, озодлик ва ёвузлик кураши саҳифаларидан авлодлар учун сабоқлар, яъни қиссадан ҳисса нима? Китобдан қандай хулоса чиқади?

XVIII асрдаги парокандалик, уч хонликдаги ўзаро маҳдудлик ва маҳаллийчилик юртимизни жаҳонгир давлатлар исканжасига солди. Босқинлар учун қулай замин яратди. Натижада XIX асрнинг иккинчи ярмида Россия империяси Туркистон халқларини асоратга солди. У ўлкани сиёсий-ҳудудий жиҳатдан забт этибгина қолмай, балки эрксевар, заҳматкаш халқини маънавий-руҳий бўйсундиришга ҳам аҳд қилди. Чоризм жорий этган сиёсий тузум ўлкада ҳукмрон рус давлатчилигини қарор топтиришга қаратилди. Ана шу мақсадда Ўзбек миллий давлатчилигининг асос-эътиборини йўқ қилишга қаратилган чоратдбирлар амалга оширилди.

Таъсис этилган маҳаллий бошқарувдаги сайлов тизими аслида афкор оммани чалғитишга қаратилган эди. Волост бошқарувчилари — мингбошилар, қишлоқ оқсоқоллари ҳамда маҳаллий «халқ судлари» — қози ва бийлар аслида рус маъмуриятининг иродасини ифода қилувчи кишилар бўлиб, мустамлака сиёсатини ўтказишда воситачи бўлишган, холос. «Туркистон ўлкасини бошқариш ҳақидаги Низом» рус дворянлари ва буржуазияси манфаатларини қонунлаштирган бир қомус эди.

Россия ҳукуматининг сиёсий тусга эга бўлмаган барча фуқаролик ишларини қози ва бий судларига топшириши тагида аслида ғаразли мақсад ётган. Мустамлакачилар шариат қонунқоидаларидан ўз истибдод тузумларини мустаҳкамлашда фойдаланмоқчи бўлишган.

Туркистон халқларига берилган «сайлов ҳуқуқи» ҳам аслида узоққа мўлжалланган кўзбўямачилик сиёсати эди. «Низом» сиёсий тусга эга бўлмаган барча ишларни маҳаллий аҳолидан сайланувчи вакиллар — ўнбоши, элликбоши, юзбоши, оқсоқол ва волост бошқарувчиси — мингбошиларга расман топшириб қўйгани афкор омма ўртасида гўё Туркистонда ўз-ўзини бошқарув ҳукмрон деган тасаввурни уйғотиши лозим эди.

Мустамлакачилар Туркистон халқлари турмушида нимаики уларнинг истиқболига тўғаноқ бўлса, нимаики уларни озодлик учун курашдан чалғитса, ҳаммасини қўллаб-қувватлаган ҳолда,

истиқлолга хизмат қилажак барча интилишларнинг пайини қирқдилар.

Россия империяси ўлкани Туркистон генерал-губернаторлиги, Бухоро амирлиги ва Хива хонлигидан иборат уч қисмга бўлиб, туб аҳоли бирлиги ва сиёсий қудратини синдириш йўлида барча воситалардан фойдаланди. Минг йиллардан бери давом этиб, авлоддан-авлодга ўтиб яшаётган миллий давлатчилик ва қадриятларни йўқ қилишга қаратилган чора-тадбирларни ишга солди. «Туркистон ўлкасини бошқариш ҳақидаги Низом» ўз моҳият-этиборига кўра шу мақсадга қаратилди. Унинг асосий белгилари қуйидагилардан иборат бўлди:

а) маҳаллий бошқарув, урф-одат ва қонун-қоидалардан миллий давлатчиликнинг барча асосларини таг-тути билан йўқотиш;

б) ўлка турмушига буткул ёт ва бегона бўлган уезд, участка, волост каби маъмурий-ҳудудий birlikларни жорий этиш;

в) қишлоқ йиғини ва волост қурултойини таъсис қилиб, сунъий тарзда қишлоқ бошқарувини ташкил қилиш;

г) сиёсий тусга эга бўлмаган барча ички бошқарувда сайлов тизимини таъсис этиш ва бу билан аҳоли «ўзини-ўзи бошқаруви»ни шаклан гавдалантириш;

д) рус ва русийзабон аҳоли нуфузини ошириш, шу мақсадда ўлка шаҳарларини «эски ва янги» қисмларга ажратиш идора қилиш;

ж) маҳаллий бошқарувга миршаб-жосуслик тусини бериб, қуйи амалдорларни итоаткор малайларга айлантириш;

е) ўлкани руслаштириш ва янги «Рус Туркистони» ни барпо этиш.

Булар мустамлака идорасининг барча бўғинларида ўз ифодасини топди.

Россиянинг Туркистондаги аграр сиёсати ўзида метрополия дворян-помешчиклари ва буржуазиясининг иқтисодий ва сиёсий манфаатларини яққол гавдалантирди. Бу сиёсатнинг бош мақсади ўлкани империя саноатининг хом ашё маконига айлантириш эди.

Империя икки ҳукмрон синф манфаатларини кўзлаб иш тутди. Аграр сиёсатда дворянлар талабига кўра Туркистон халқига тегишли ерларни зўрлик билан тортиб олди ва рус посёлкаларини барпо этди. Буржуазиянинг талабига кўра эса, қишлоқларда пахта якқаҳоқимлигини ўрнатиш учун барча зарур чора-тадбирларни амалга оширди. Россиянинг Давлат Кенгаши, Вазирлар Қўмитаси ва Давлат Думасида Туркистон ҳақида қабул қилинган қонун-қоидаларда дворян-помешчиклар ва буржуазия манфаатлари ўз аксини топди.

Санкт-Петербург ўтроқ аҳолининг ерларини қишлоқ жамоалари ва йиғинларига бириктирган ҳолда, солиқ бўйича доира-

вий масъулиятлик қондасини жорий этиш билан судхўрликни авж олдирди.

Империянинг кўчирувчилик сиёсати, доиравий жавобгарлик сингари, ўлка аҳолисининг ерсизланишини кучайтирди. Рус унсурининг эса моддий ва сиёсий жиҳатдан нуфузини оширди.

Аграр сиёсат империянинг ҳарбий, ижтимоий ва иқтисодий сиёсатининг узвий қисмига айлантирилди. Рус посёлкалари ва туб жой аҳоли яшаб турган қишлоқларда рус хўжалиklarининг вужудга келтирилиши ана шу сиёсатнинг амалдаги ижроси бўлди. Туркистондаги ҳар бир рус посёлкаси бутун бир батальон хизматини ўтовчи ҳарбий кучга айлантирилди.

Амалга оширилган иқтисодий сиёсат ер-сувни, яйловларни ва барча табиий бойликни чор ҳукумати қўлида жамлади, улар мўмай даромад манбаига айланди.

Метрополия ўлкани хом ашё маконига айлантириб, пахтачилик, ипакчилик, қорақўлчилик ва бошқа муҳим хом ашё маҳсулотлари етиштириш тармоқларига катта эътибор берди. Саноат қурилиши соҳасида чоризм метрополия буржуазияси манфаатларига мос — хом ашёни дастлабки ишловчи корхоналар қурилишини қувватлаб, ўлкада қайта ишлаш, тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш саноати ривожига тўсқинлик қилиб келди.

Россиянинг мустамлакачилик сиёсати Туркистонни рус товарлари сотиладиган, тайёр маҳсулотлар харид қилинувчи бозорга айлантирди. Бу эса маҳаллий ҳунармандчиликни инқирозга олиб келиб, ягона миллий бозорнинг ривожланишига йўл бермади.

Империянинг мустамлакачилик сиёсати халқ маорифи ва маданий ҳаётида ҳам ўз аксини топди. У мактаб ва мадрасалар фаолиятига деярли эътибор бермади, аксинча уларнинг ривожланишига тўсқинлик қилди. Асосий эътибор ўлкада руслаштиришга хизмат қилувчи рус-тузем мактаблари тармоғини юзага келтиришга қаратилди.

Умуман олганда, Россия империяси илм-фан, халқ маорифи, матбуот ва маданият соҳасида Туркистон халқларининг қадимий тарихи, тили, урф-одатлари, миллий ғурури ва эрксеварлик туйғуларини йўқотишга, қисқаси, уларни ўзлигидан жудо қилишга қўлидан келганча ҳаракат қилди. Бу сиёсатнинг асосий мақсади ўлкадаги миллий давлатчилик, миллий онг, миллий ўзликни англашга қаратилган барча ҳаракатларни таг-туги билан кўпориб ташлаш эди.

Асримиз бошларида миллий буржуазия, зиёлилар ва уламо-ларнинг илғор қисми мактаб ва мадрасаларни ислоҳ қилиш йўлидан бориб, янги усул мактабларини очдилар. Янги усулдаги мактаблар эса рус-тузем мактабларига қарама-қарши ўлароқ, маърифат ўчоғи, янги маънавият, маданият маскани, рус

мустамлакачилари зулми остида миллий ғурури, кадр-қиммати топталган, таланган, юрагига кўркув-даҳшат солинган халқни миллий мустақиллик учун курашга ҳозирловчи тарғиботхоналар вазифасини ўтадилар.

Жадидлар янги усул мактаблари тармоғини яратиш билан мустамлака истибдоди исканжасига тушиб қолган миллий руҳни кўзғатиш ва ўзликни англаш жараёнини кучайтиришга интилувчи куч сифатида саҳнага чиқдилар. Улар истеъдодли ёшларни хорижга ўқишга юбориш орқали миллат истиқболи устунларига тамал тошини қўйдилар. Жадидларнинг «Тараққий», «Хуршид», «Шухрат», «Садойи Туркистон» каби газеталари ўзбек миллий матбуотини яратди.

XX аср бошларида Туркистон истиқлоли учун курашнинг назарий асосини Исмоил Ғаспиралининг маърифатпарварлик ғоялари ва уларни амалда ривожлантирган Маҳмудхўжа Бехбудий, Мунаввар қори Абдурашидхонов, Фитрат ва Тошпўлатбек Норбўтабеков каби жадидлар яловбардорларининг фаолияти ташкил этди. Россия (1905—1907), Туркия ва Эрон (1908—1911) инқилоблари Туркистондаги истиқлол курашига зўр туртки бериб, ўлкада «Тараққийпарварлар» номи остида тарихга кирган зиёлилар фирқасини вужудга келтирди. Бу фирқа «Турон» ва «Шўрои ислом» каби нуфузли ташкилотлар шаклида келгуси воқеалар ривожидида салмоқли роль ўйнади.

1916 йилги кўзғолон Туркистондаги халқ оммасининг истиқлол курашида энг юқори босқич бўлиб, унда иқтисодий, ижтимоий, диний, сиёсий ва миллий-озодлик ғоялари ўзаро уйғунлашган ҳолда намоён бўлди. Истиқлол курашининг ғоявий илҳомчилари бўлган жадидлар Петроградга бориб мардикорликка сафарбарлик муддатини кечиктиришга муваффақ бўлишгани, Россия парламенти — Давлат Думасида халқ кўзғолонини қонга ботирган мустамлакачиларнинг бебошлигини фош этишгани ҳамда уларнинг жиноятларини текшириш учун Туркистонга Давлат Думаси комиссиясини олиб келишгани уларнинг миллий-озодлик кўзғолонида ўз ўринларига эга бўлганларидан далолат беради.

Мустамлака тузумига, чоризмга қарши ҳаракатда истиқлол курашчилари билан инқилобчилар ўртасидаги муштараклик февраль инқилобига қадар давом этди. Синфий курашни мақсад қилган инқилобчилар ҳамда тинч ривожланиш ва ислохотлар йўлини танлаган истиқлолчилар ўртасидаги зиддиятлар Туркистондаги 1917 йил воқеалари ривожидидаги асосий йўналишларни белгилади.

Юртбошимиз Ислом Каримов бир гуруҳ тарихчи олимлар билан қилган суҳбатида (1998) Туркистонда чор Россияси ўтказган мустамлакачилик сиёсатининг оқибатларини холисона ёритиш вазифасини илгари суриб, шундай саволни кўндаланг қилиб қўйган эди: «...ҳар томонлама мудҳиш, четдан қараганда

халқимиз, унинг маданияти, миллий тафаккури, урф-одатлари, турмуш тарзи, ҳеч бир муболағасиз айтиш мумкинки, насл-насаби йўқ бўлиб кетиши керак бўлган шароитда бари бир, қатор йўқотишлар билан бўлса ҳам, миллатимиз ўзлигини сақлаб қололдими ё йўқми?»¹.

Давлатимиз бошлигининг бу саволига жавобан китоб муаллифлари тарихий далиллар асосида Россия мустамлакачиларининг оғир асорати шароитида ҳам халқимиз ўзлигини, миллий қадриятларини, маънавиятини, маданиятини, урф-одатлари ва турмуш тарзини сақлаб қолганлигини баҳоли қудрат ёритишга интилдилар. Дарҳақиқат, мустабид тузум шароитида ҳам туркистонликларнинг эркинликка, тараққиётга ва истиқлолга бўлган азалий интиқлик кайфияти сўнмади. Халқимизнинг юрак-бағрига теран ўрнашган мустақиллик ва озодлик туйғуси тобора қудратли кучга айлана борди ва пировард натижада Ўзбекистон истиқлоли тантанаси учун мустаҳкам замин ҳозирлади.

¹ *Ислом Каримов. Тарихий хотирасиз келажак йўқ*, 19-бет.

Фойдаланилган манба ва адабиётлар

I. Китоблар

1. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, мафкура. 1-жилд. Т., «Ўзбекистон», 1996.
2. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. 2-жилд. Т., «Ўзбекистон», 1996.
3. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. 3-жилд. Т., «Ўзбекистон», 1996.
4. Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлидан. 4-жилд. Т., «Ўзбекистон», 1996.
5. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш — давр талаби. 5-жилд. Т., «Ўзбекистон», 1997.
6. Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. 6-жилд. Т., «Ўзбекистон», 1998.
7. Каримов И.А. Стабильность и реформы. Статьи и выступления. Палей. Москва, 1996.
8. Каримов Ислам. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Т., «Шарқ», 1998.
9. Каримов И.А. Жамиятимиз мафкураси халқни — халқ, миллатни — миллат қилишга хизмат этсин. «Тафаккур» журнали бош муҳаррирининг саволларига жавоблар. Т., «Ўзбекистон», 1998.
10. Каримов И.А. Ўз келажакимизни ўз қўлимиз билан қурмоқдамиз. «Туркистон» газетаси мухбирининг саволларига жавоблар. Т., «Ўзбекистон», 1999.
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси қошида «Ўзбекистоннинг янги тарихи Марказини ташкил этиш» тўғрисида 1996 йил 18 сентябрдаги Фармойиши.
12. «Ўзбекистоннинг янги тарихи»ни тайёрлаш ва нашр этиш тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори. 1996 йил 16 декабрь. «Халқ сўзи», 1996 йил 17 декабрь.
13. «Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институти фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 24 июлдаги қарори. «Халқ сўзи», 1998 йил 25 июль.
14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 12 майдаги Фармойиши. «Халқ сўзи», 1999 йил 13 май.
15. Абаза К. Завоевание Туркестана. СПб, 1902.
16. Абдулла Авлоний. Ўсон миллат. «Шарқ», 1993.
17. Абдуллаев Ортиқбой. Туркистоннинг қора кунлари. «Шарқ юлдузи», 1992 йил, 12-сон.
18. Абдуллоҳ Ражаб Бойсун. Туркистон миллий ҳаракатлари. Истанбул, 1943, 1945.
19. Абдумўмин Абдурахмон. Турон тарихига ёғдулар. Истанбул, 1994.
20. Абу Тоҳирхожа. Самария. Т., «Мерос».
21. Абулғозий Баҳодирхон. Шажараи турк. Т. «Чўлпон», 1992.
22. Азадаев Ф.А. Ташкент во второй половине XIX в. Очерки социально-экономической и политической истории. Т., 1959.

23. Азизхўжаев А. Давлатчилик ва маънавият. Т., «Шарқ», 1992.
24. Айний С. Асарлар, 1-жилд. Т., 1963.
25. Акмал Икромов. Избр. Произ. В 3-х томах. Т., 1972—1973.
26. Акмал Акром ўғли. Миркомилбой қандай одам эди? «Шарқ юлдузи», 1992 йил 5-сон.
27. Алексеенков П. Кокандская автономия. Т., 1931.
28. Али Бодомчи. 1917—1934 йиллардаги Туркистон миллий истиқлол ҳаракати ва Анвар Пошшо. Қўрбошилар. II-жилд. Истанбул, 1975.
29. Эгамназаров Алиназар. Сиз билган Дукчи Эшон. Хужжатли қисса. Т., «Шарқ», 1994.
30. Алимова Д., Рашидова Д. Махмудхожа Бехбудий и его исторические воззрения. Т., «Маънавият», 1998.
31. Аминов А.Н. Экономическое развитие Средней Азии (колониальный период). Ташкент, 1959.
32. Аминов А.И. Бабаходжаев А. Экономические и политические последствия присоединения Средней Азии к России. Ташкент, 1966.
33. Андреевич П. Очерки по истории колонизации Туркестанского края.
34. Туркестанский курьер. 1908, №159. Т. сб. т. 469.
35. Анненков М.Н. Закаспийская железная дорога как новый путь для Среднеазиатской торговли. СПб, 1887.
36. Антропов И. Первые социал-демократические организации Туркестана. «За партию». 1928, №7 (11).
37. Арандаренко Г. Досуги в Туркестане. 1874—1889 г.г. Санкт-Петербург, 1889.
38. Аҳмад Закий Валидий. Рус мустамлака сиёсатининг моҳияти ва мақсади. Вена, 1929 (Б.Қосимов таржимаси).
39. Аҳмад Закий Валидий. Худоёрхоннинг сўнги кунлари. ЎЗР ФА Шарқ-шунослик институти, қўлёзма, №15743.
40. Аҳмад Закий Валидий. Бугунги турк эли (Туркистон ва яқин тарихи) Истанбул, 1981, 2-нашр.
41. Аҳмад Закий Валидий. Туркистон масаласи. Берлин, 1924 (Б.Қосимов таржимаси).
42. Аҳмад Закий Валидий. Хотиралар. «Шарқ юлдузи», 1993 йил 4—5, 6—7, 8—9-сонлар.
43. Аҳмад Сирождин. Солиҳбек додхоҳни танийсизми? — «Ватан» газетаси, 1993 йил 31 март—7 апрель.
44. Аҳмаджонов Г.А. Советская историография присоединения Средней Азии к России. Т., 1986.
45. Ахмеджанова З.К. К истории строительства железных дорог в Средней Азии (1880—1917 гг). Т., 1965.
46. Баёний Муҳаммаджон Юсуф. Шажараи Хоразмшоҳий. Мерос. Тошкент, «Камалак», 1994.
47. Бакиров Ф. Чор Туркистонида суд, шарият ва одат. Т., 1967.
48. Бартольд В. История культурной жизни Туркестана. Т., 1913.
49. Бейсембиев Т.К. «Тарихи — Шаҳруҳи» как исторический источник. Алма-Ата, 1987.
50. Бобобеков Ҳ.Н. «Исён», «Шарқ юлдузи», 1989 йил 11-сон.
51. Бобобеков Х.Н. Народные движения в Кокандском ханстве и их социально-экономические и политические предпосылки. Ташкент, 1990.
52. Бобобеков Ҳ.Н. Ўрта Осиё Россияга қўшиб олинганми? «Фан ва турмуш». 1989 йил 8, 10-сонлари.

53. Бобобеков Ҳ.Н. Қўқон тарихи. Т., «Фан», 1996.
54. Бобобеков Ҳ.Н. Пулатхон кўзғолони. Тошкент, 1996.
55. Божко Ф. Октябрьская революция в Средней Азии. Т., 1932.
56. Боймирза Ҳайит. Туркестоннинг қисқача тарихи. Берлин, 1941.
57. Борьба трудящихся каракалпакии против колониального и социального гнета. Т., «Фан», 1972.
58. Бранов А.И. На память о Фергане 1876—1901 гг. Новый Маргелан, 1901.
59. Бродовский М. Колониальное значение наших среднеазиатских владений для внутренних губерний. Москва, 1891.
60. Вамбери Ҳерман. Бухоро ёхуд Мовароуннаҳр тарихи. Тошкент, 1990.
61. Верещагин В.В. От Петербурга до Ташкента. Санкт-Петербургские ведомости. 1868, №16, 20, 31. Т. сб. т. 7.
62. Верещагин В.В. Из путешествия по Средней Азии. «Голос», 1869, №94, 98. Т. сб. т. 24.
63. Верещагин В.В. Самарқанд в 1968 году. Из воспоминаний художника. «Русская старина», СПб, 1888. Кн. 9.
64. Военные действия против кокандцев в 1875—1876 гг (По официальным донесениям). СПб, 1876, Военный сборник, 1876 №1—4. Т. сб. т. 117.
65. Война с кокандцами. «Московские ведомости», 1876, №318.
66. Восстание 1916 года в Средней Азии и Казахстане. Сборник документов и материалов. М., 1960.
67. Галузо П.Г. Вооружение русских переселенцев. М., 1926.
68. Галузо П.Г. Туркестан — колония. Очерк истории Туркестана от завоевания русскими до революции 1917 года. М. 1929.
69. Галузо П. Туркестан — колония. Т., 1935.
70. Галузо П. К истории колониальной эксплуатации Казахстана в конце XIX — начало XX вв. (на материале южных районов Казахстана). «Особенности империализма в России». М., 1963.
71. Гаспиринский И. Русское мусульманство. Петербург, 1881.
72. Гейер И.И. Весь Русский Туркестан. Т., 1908.
73. Гинзбург А.И. Русское население в Туркестане. М., 1991.
74. Гуламов Х.Г. Из истории дипломатических отношений России с Бухарским ханством XVIII в. Т., «Фан», 1992.
75. Гулишамбаров С.И. Экономический обзор Туркестанского района, обслуживаемого Среднеазиатской железной дорогой. Асхабад, 1913.
76. Гулямов Я. История орошения Хорезма с древнейших времен до наших эры. Т., «Фан», 1960.
77. Долинский В. Об отношениях России к среднеазиатским владениям и об устройстве Киргизской степи. СПб, 1865.
78. Деева Е.А. У истоков социал-демократического движения в Туркестанском крае. Т., 1975.
79. Джамгерчинов Б.Д. Добровольное вхождение Киргизии в состав России. Фрунзе, 1963.
80. Добросмыслов А.И. Ташкент в прошлом и настоящем. Ф., 1912.
81. Документы архива Хивинских ханов по истории и этнографии Каракалпаков. М., 1967.
82. Духовская В. Туркестанские воспоминания. СПб, 1913.
83. Духовской С.М. Всеподданнейший доклад Туркестанского генерал-губернатора генерала от инфантерии Духовского. Ислам в Туркестане. Т., 1899.

84. Жалилов О. XIX—XX аср бошларидаги Қорақалпоқ тарихидан (Хива давлат ҳужжатлари асосида). Т., «Фан», 1986.
85. Желябужский Е. Очерки о завоевании Хиви. СПб, 1905.
86. Завырикин Ф.И. Роль Закаспийской железной дороги в проникновении капитализма в Среднюю Азию. Чарджоуский педагогический институт. Ученые записки. вып. I. Чарджоу, 1956.
87. Записки Кавказского отдела Императорского Русского Государственного общества. Книга XI. Вып. первый. Тифлис, 1880.
88. Зима А.Г. Победа Октябрьской революции в Киргизии. Фрунзе, 1966.
89. Зиёев Ҳ. Чоризм ва пахта якка ҳокимлиги. «Шарқ юлдузи», 1991 йил 5-сон.
90. Зиёев Ҳ. Туркистонда Россия тажовузи ва ҳукмронлигига қарши кураш. Т., «Шарқ», 1998.
91. Зиёев Ҳ. Истиқлол — маънавият негизи. Т., «Маънавият», 1999.
92. Зияев Х. Присоединение Ташкента к России. Ташкент, 1967.
93. Зияев Х. Средняя Азия и Сибирь XVI—XIX вв. Ташкент, 1962.
94. Зия Куртер. Қорақалпоқлар (Қорақалпоқ турклари). Анқара, 1974.
95. Зиятов Д. Революция 1905—1907 гг. в Туркестане. Ученые записки Ташкентского финансово-экономического института. Вып. 9. Т., 1957.
96. Значение Коканда для России — Новое время, 1876, №34; Т. сб. т. 150.
97. Ибрат. Фарғона тарихи. Мерос. Тошкент, «Камалак», 1991.
98. Иброҳим Ёрқин. Туркистондаги 1916 йил исёни ҳақида баъзи маълумотлар. Турк маданияти. Анқара, 1968.
99. Из истории казаков. Алматы, «Жалын», 1997.
100. Из истории Средней Азии и Восточного Туркестана XV—XIX вв. Т., 1987.
101. Иноятов Х.Ш. Қўқон хонлиги Россияга қўшилиш арафасида ва 1873—1876 йиллардаги Қўқон кўзғолони. Т., 1956.
102. Исакаев Б. 20-летие восстания в Киргизии. Журн. «Революция и национальности». М., 1936, №9.
103. История Казахстана с древнейших времен до наших дней (очерк). Алматы, 1993.
104. История Узбекистана. Том 3, Тошкент, «Фан», 1993.
105. История Коканда. Т., 1984.
106. История Ташкента. С древнейших времен до победы февральской буржуазно-демократической революции. Т., 1988.
107. История и историография национально-освободительных движений второй половины XIX — начало XX вв. Средней Азии и Казахстана. Т., 1989.
108. История XIX века. Под редакцией профессора Лабисса и Рамбо. В 7 томах. М., 1937.
109. Исхаков Ф. Национальная политика царизма в Туркестане (1967—1917). Т., «Фан», 1997.
110. Исҳоқхон Жунайдуллаҳужа ўғли Ибрат. Фарғона тарихи. «Мерос», Тошкент, «Камалак», 1991.
111. Камалов С.К. К вопросу о формировании каракалпакского народа. Вестник ККОАНРУз. Нукус, 1987, №3
112. Каримов Ш., Шамсутдинов Р. Туркистон Русия босқини даврида. Андижон, «Мерос», 1995.
113. Кауфман А.А. К вопросу о русской колонизации Туркестанского края. — СПб, 1903.
114. Кененсариев Т. Кыргыздар жана Кокон хандыгы. Ош, 1997.

115. Кененсариев Т. Исак Асан уулу Полотхан. Ош. КТК, 1998.
116. Кауфман К. П. Проект всеподданнейшего отчета генерал-адъютанта К. П. фон Кауфмана по гражданскому управлению и устройству в областях Туркестанского генерал-губернаторства 7 ноября 1867—25 марта 1881 г. СПб, 1885.
117. Кастельская З. Основные предпосылки восстания 1916 г. в Узбекистане. М., 1972.
118. Кастельская З. Из истории Туркестанского края (1865—1917). М., 1980.
119. Ковалев П.А. Революционная ситуация 1915—1917 гг. и её проявления в Туркестане. Т., 1971.
120. Козлов Т.С. Зачатки большевизма в революционном движении Туркмени (1904—1916). Ашхабад, 1928.
121. Костенко Л. Средняя Азия и водворение в ней русской гражданственности. СПб, 1870.
122. Костин Б.А. Скобелев. М., «Патриот», 1992.
123. Қосимов Б. Жадидчилик. «Ёшлик», 1990 йил 7-сон.
124. Қосимов Б. Исмоилбек Гаспирали. Тошкент, 1992.
125. Кравец Л. Первая мировая война и антивоенные настроения рабочих Туркестана. Материалы по истории Узбекистана. Т., 1973.
126. Красный архив. М., 1929.Т.,XXXIV.
127. Кривошеин А. В. Записка главноуправляющего землеустройством земледелием и о поездке в Туркестанский край. Полтава, 1912.
128. Кун А.Л. Мусульманские школы. «Туркестанские ведомости», 1876, № 37.
129. Кунавина Г.С. Формирование железнодорожного пролетариата в Туркестане (1881—1914). Т., 1967.
130. Курат А.Н. Олтин Ўрда, Қрим ва Туркистон хонликларига оид Ёрлик ва ёзувлар. Анкара, 1940.
131. Лаврентьев В. Капитализм в Туркестане. Л., 1930.
132. Левтева Л.Г. Присоединение Средней Азии к России в мемуарных источниках (историография проблемы). Т., «Фан», 1986.
133. Ликошин Н.С. Полжизни в Туркестане. Очерки быта туземного населения. ПГР, 1916.
134. Лунин Б.В. Средняя Азия в дореволюционном и советском востоковедении. Т., 1966.
135. Мажид Ҳасаний. Юрт бўйнидаги қилич ёки истило. Т., «Адолат», 1997; М.Ҳасаний. Туркистон босқини. Т., «Нур», 1992.
136. Мазжуб Наманганӣ. Тазкираи Ҳазрати Мазжуб Намангонӣ. ЎзР ФА Шарқшунослик институти. Қўлёзма №2662/4.
137. Маликов М.Г. Крах Туркестанской партии левых эсеров. Из истории КП Уз. Т., 1966.
138. Малицкий Н.Г. Городское самоуправление в Туркестанском крае. Т., 1917.
139. Манжара Д.И. Революционное движение в Средней Азии 1905—1920 гг. Воспоминание. Т., 1934.
140. Масальский В.И. Хлопководство, орошение государственных земель и частная предприимчивость. СПб, 1908.
141. Масальский В.И. Хлопковая дело в Средней Азии. СПб, 1892.
142. Масальский В.И. Туркестанский край. - СПб, 1913.
143. Материалы объединенной научной сессии, посвященной истории Средней Азии и Казахстана в дооктябрьский период. М., 1955.

144. Маънавият юдузлари. Марказий Осиёлик машҳур сиймолар, алломалар, адиблар. Т., Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1999.
145. Мелкумов А. Материалы революционного движения в Туркмении. М., 1924.
146. Мерт Ў. Бухоро амирлиги элчиси Муҳаммад Порсо Афандининг Истамбулдаги дипломатик фаолиятлари (1867—1869). Турк культури Араштирмалари, XV/1-2 (1976).
147. Меҳмет Сарай. Рус ишғоли даврида Усмонли давлати билан Туркистон хонликлари орасидаги сиёсий муносабатлар (1775—1875). Истанбул, 1990.
148. Меҳмет Сарай. Россиянинг Турк элларига ёйилиши. Истанбул, 1975.
149. Милютин А.Д. Дневник Милютина. М., 1947—1950, № I—IV.
150. Миропиев М. О положении русских инородцев. СПб, 1901.
151. Мирза Олим Тошкандий. Ансоб ас-салотин ва таворих-и ал-ҳавоқин. ЎЗР ФА Шарқшунослик институти, қўлёзма №3753.
152. Мирзо Олим Мушриф Ансоб ус-салотин ва таворих ул-ҳавоқин. (Қўқон хонлиги тарихи). Нашрга тайёрловчилар: Акбар Матғозиев, Муҳаббат Усмонова. Ф.Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. Т., 1995.
153. Мирза Содиқ Мунши. Тарих-и Манзум. ЎЗР ФА Шарқшунослик институти, қўлёзма №3686/III.
154. Мубошир Косоний. Ўрта Осиё тарихи (уч жилдлик). Мадина, 1989—1993.
155. Мулло Шамси. Жангнома-йи Худоёрхоний. ЎЗР ФА Шарқшунослик институти. Қўлёзма №599/1.
156. Мулло Васийжон. Тазкира-йи Султони (Худоёрхон). ЎЗР ФА Шарқшунослик институти. Қўлёзма №592.
157. Мулла Олим Маҳдум Хўжа. Туркистон тарихи. Тошкент, 1915.
158. Мулла Юнусхон Мунший. Амири лашкар Алимқул тарихи. Алимқул Жангномаси. Нашрга тайёрловчилар. Р.Шамсутдинов, П.Равшанов. Т., 1998.
159. Мулло Юнусхон Мунший. Тарихи Алимқул амири лашкар. ЎЗР ФА Шарқшунослик институти. Қўлёзма №12136.
160. Мулло Холбек ибн Мусо Андижоний. Алимқул жангномаси. ЎЗР ФА Шарқшунослик институти, қўлёзма №8816.
161. Муравейский С. Очерки по истории революционного движения в Средней Азии. Т., 1926.
162. Мусо Туркистоний. Улуғ Туркистон фожияси. I—II жилдлар. Мадина, 1979.
163. Муҳаммад Азиз Марғилоний. Тарихи Азийий (Фарғона чор мустамлакаси даврида). Нашрга тайёрловчилар. Шодмон Воҳидов, Дилором Сангилова. Т., «Маънавият», 1999.
157. Муҳаммад Маҳмуд. Бобон Тўқсабо. — «Жамият ва бошқарув». Т., 1998, 3-сон.
158. Муҳаммад Солиҳ Тошкандий. Тарихи жадиди Тошкент. ЎЗР ФА Шарқшунослик институти, қўлёзма №5732.
159. Муҳаммад Фозилбек. Муқаммал-и Тарих-и Фарғона ЎЗР ФА Шарқшунослик институти. Қўлёзма. №5971.
160. Муҳаммад Ҳакимхон Тўра. Мунтахаб ат-таворих. ЎЗР ФА Шарқшунослик институти, қўлёзма №584.
161. Муҳаммад Юнус ибн Муҳаммад Амин Тоиб. Тўҳфаи Тоиб. Қўлёзма, 1905.

162. Мухаммад Азиз ибн Мухаммад Ризо Марғилоний. Тарихи Азийи (Фаргона чор мустамлакаси даврида). Нашрга тайёрловчилар, сўзбоши ва изоҳлар муаллифлари: Шодмон Воҳидов, Дилором Сангилова.
163. Набиев Р.Н. Из истории Кокандского ханства (феодалное хозяйство Худоярхона). Т., «Фан», 1973.
164. Набиев Р.Н. Народное восстания в Коканде в 1840—1842 годах. Общественные науки в Узбекистане. Т., 1961, №7.
165. Назаров Ф. Записки о некоторых народах и землях Средней Азии.
165. Наливкин В.П. Краткая история Кокандского ханства. Казань, 1886.
166. Наливкин В.П. Туземцы раньше и теперь. Т., 1913.
167. Наршахий. Бухоро тарихи. Мерос. Тошкент, «Камалак», 1991.
168. Новый источник по истории завоевания Туркестана русским царизмом. Известия АН УзССР, 1941, №4.
169. Остроумов Н.П. К истории народного образования в Туркестанском крае. Константин Петрович фон Кауфман — устроитель Туркестанского края. Личные воспоминания Н.П. Остроумова (1877—1881 гг.). — Т., 1899.
170. Остроумов Н.П. Сарты. Этнографические материалы (Общий очерк). Т., 1890
171. Объединенная научная сессия, посвященная прогрессивному значению присоединения Средней Азии к России. Доклады. Т., 1959.
172. Павлов С., Рабинович М. Кокандское восстание (1875—1876 гг.). «Борьба классов». М., 1936.
173. Пален К.К. Всеподданнейшая записка, содержащая главнейшие выводы отчета о произведенной в 1908—1909 гг. по высочайшему повелению сенатором гофмейстером графом К.К.Паленом ревизии Туркестанского края. СПб, 1910.
174. Переселение и земелустройство в Азиатский России. Сборник законов и расположений составитель В.П.Вошин. ПТР, 1915.
175. Покровский М.Н. К вопросу об историческом развитии России. «Под знаменем марксизма», 1924, №5—6.
176. Покровский М.Н. Марксизм и особенности исторического развития России. Л. 1925.
177. Попов А.Л. Из истории завоевания Средней Азии. Исторические записки, 1940, №9.
178. Попов М. «Ак-пашша — белый генерал». «Звезда Востока», 1990, №3.
179. Пяковский А.В. Революция 1905—1907 годов в Туркестане. М., 1958.
180. Равшанов П. Қашқадарё тарихи. Тошкент, «Фан», 1995.
181. Равшанов П., Ўроқов Р. Аждодларимиз қадри. Т., «Шарқ», 1999.
182. Раджапова Р.Я. К вопросу о диалектике социалистического, демократического и национального в социальной революции (историографические аспекты проблемы). Сборник «Октябрьская революция в Средней Азии и Казахстане: теория, проблемы, перспективы изучения». Т., 1991.
183. Расулов Б.М. Туркистон мадрасалари. «Фан ва турмуш», 1996 йил 2-сон.
184. Раҳимов Ж. Ўзбекистон тарихини ўрганишда архив манбаларидан фойдаланиш. Тошкент, «Ўқитувчи», 1995.
185. Рожкова М.К. Экономические связи России со Средней Азией 40—60 годы XIX в. М., 1963.

186. Романовский Д.И. Заметки по Средне-Азиатскому вопросу. Петербург, 1868.
187. Ромодин В.А. Некоторые источники по истории Ферганы и Кокандского ханства (XVI—XIX вв.). Труды XXV международного конгресса востоковедов. М., 1963, Т. III.
188. Росляков А.А. Революционное движение и социал-демократические организации в Туркменистане в дооктябрьский период (1900, март — 1917 гг.). Ашхобод, 1957.
189. Садыков А.С. Россия и Хива в конце XIX — начале XX века Т., 1972.
190. Савицкий А. Поземельный вопрос в Туркестане. Т., 1963.
191. Санг-Заде. К 30-летию Андижанского восстания 1898 г. «Революция в Средней Азии». Сборник 1. Тошкент, 1928.
192. Сарибоев К. История орошения Каракалпакстана. Нукус, «Қорақалпоғистон», 1995.
193. Сафаров Г.И. Колониальная революция (опыт Туркестана). М., 1921.
194. Саидов М., Равшанов П. Жейнов тарихи. Т., 1966.
195. Саиди Шариф Мухаммадев (С.Ш.Марофиев). Ходжи Юсуф Худжанди. Т., 1995.
196. Саидкулов Т. Ўрта Осиё халқлари тарихининг тарихшунослигидан лавҳалар. Тошкент, «Ўқитувчи», 1995.
197. Сайфиддин Хожи Жалилов. Салтанатни титратган кунлар (Андижон қўзғолонининг 100 йиллигига бағишланади). Т., «Фан», 1998.
198. Семёнов А.А. Покоритель Туркестанского края генерал-адъютант К.П. фон Кауфман. Кауфманский сборник. М., 1910.
199. Серебренников А.Т. Туркестанский край. Сборник материалов для истории его завоевания. Т.10. Штаб Туркестанского Военного округа (1914—1915).
200. Серебренников А. Военные действия против Кокандцев (на основе официальных данных). Военный сборник, 1876, №2.
201. Соатов С. Ўрта Осиёнинг Россияга қўшиб олиними ва унинг прогрессив аҳамияти. Т., 1996.
202. Содиқов Ҳ., Бобобеков Ҳ. Қурбонжон — халқ мададкори. «Гулистон», 1974 йил, 7-сон.
203. Соколов Ю.А. Начало военных действий против Кокандского ханства и вопросы присоединения его к России. Т., 1969.
204. Солиев П. Ўзбекистон тарихи. Т., 1928.
205. Субботин А.П. Россия и Англия на среднеазиатских рынках. СПб, 1885.
206. Суворов В. Историко-экономической очерк развития Туркестана (по материалам железнодорожного строительства 1880—1917 гг.). Т., 1962.
207. Сулаймонов Б. Рабочее и аграрное движение в Казахстане в 1905—1907 годах. В кн.: «Вопросы истории Казахстана XIX — начала XX века». Алма-Ата, 1961.
208. Сулейманова Х. Вопросы уголовного права узбекских ханств и дореволюционного Туркестана. Собр. соч. Т.1 Т., 1967.
209. Султаны Кенисары и Садык. Биографические очерки султана Ахмета Кенисары. Обработано для печать и снабжено примечаниями Е.Р.Смирновым. — Т., 1889.
210. Тарих-и Алимқули амир-и Лашкар. Шодмон Воҳид Ҳусайнзода сўз боши ёзиб, нашрга тайёрлаган. «Шарқ юлдузи», 1961 йил 1—2-сонлар.

211. Терентьев М. А. История завоевания Средней Азии. Т.1—3, СПб, 1906.
212. Троицкая А.Л. Материалы по истории Кокандского ханства XIX в. М., 1969.
213. Туреев А.Х. XIX аср охири — XX аср бошида Қорақалпоғистондаги деҳқонлар ҳаракати. Нукус, «Қорақалпоғистон», 1991.
214. Туркестанские ведомости. — Т., 1871—1914.
215. Туркестанский сборник статей, заметок и корреспонденций. Т., 6.СПб, 1907.
216. Туркестанское сельские хозяйство. -Т., 1906—1908.
217. Турон тарихи. 1—3 - сонлар. Мажмуа. Тошкент, 1992, 1993, 1994.
218. Федченко А.П. В Кокандском ханстве. Тетрадь первая. СПб, Москва, 1875.
219. Феодоров Е. Очерки национально-освободительного движения в Средней Азии. Т., 1925.
220. Фозилбек Отабек ўғли. Дукчи эшон воқеаси. Фарғонада истибдод жаллоллари. Нашрга тайёрловчилар Сирожиддин Аҳмад, Улугбек Долимов, Шухрат Ризаев. Т., «Чўлпон», 1991.
221. Ўзбекистон тарихи. 8-синф учун. Акад. А.Асқаров таҳрири остида. Т., «Ўқитувчи», 1996.
222. Ўзбекистон тарихини ўрганиш ва ўқитишнинг долзарб масалалари. Т., «Ўзбекистон», 1993.
223. Ўзбекистон тарихи: янги нигоҳ. Жадидлар ҳаракатидан миллий мустақилликка қадар. Т., 1998.
224. Ўзбекистон янги тарихи. Концептуал методологик муаммолар. Т., «Академия», 1998.
225. Ўзбекистон тарихининг долзарб муаммоларига янги чизгилар. Даврий тўплам. 2-сон. Т., «Шарқ», 1999.
226. Ҳайдаров Ҳ. Жиззах тарихидан лавҳалар. Т., «Меҳнат», 1992.
227. Халфин Н.А. Политика России в Средней Азии (1857—1868). М., 1960.
228. Халфин Н.А. Присоединение Средней Азии к России (60—90-годы XIX в.). М., 1965.
229. Халфин Н.А. Россия и ханства Средней Азии. М., 1974.
230. Ҳамидов Ҳ. Ўзбек анъанавий кўшиқчилик маданияти тарихи. Тошкент, «Ўқитувчи», 1996.
231. Ҳасанов А.Х. Народные движения в Киргизии в период Кокандского ханства. М., 1977.
232. Ҳасанов Х. Ўзбекча глобус тарихидан. «Совет мактаби», 1962 йил 9-сон.
233. Хидоятлов Г.А. Из истории англо-русских отношений в Средней Азии в конце XIX в. (60—70гг.) Т., 1969.
234. Холбоев. Мунаввар Қори. «Фан ва турмуш», 1990 йил 4-сон.
235. Хорошхин А.П. Туркистон ўлкасига оид мақолалар тўплами. Санкт-Петербург, 1876. П.Равшанов ўзбек тилига ўтирган қўлёзма.
236. Целькина Э. Очерки по аграрному вопросу в Средней Азии. М., 1935.
237. Чориев Зоир. Туркистон мардикорлари: сафарбарлик ва унинг оқибатлари (1916—1917 йиллар). Т., «Шарқ», 1999.
238. Шамсутдинов Р. Жадидчилик: ҳақиқат ва уйдирма. «Мулоқот», 1991 йил 11—12-сонлар.
239. Шамсутдинов Р. Дукчи Эшон воқеасидан сўнг. — «Шарқ юлдузи», 1991 йил 1-сон.

240. Шамсутдинов Р. Т., Расулов Б. М. Истиқлол учун кураш фидойилари. Андижон, «Мерос», 1993.
241. Шамсутдинов Р. Т., Расулов Б.М. Туркистон мактаб ва мадрасалари тарихи (XIX аср охири ва XX аср бошлари). Андижон, «Мерос», 1995.
242. Шамсутдинов Р. Т. Тарихий меросимизга бир назар. Андижон, «Мерос», 1994.
243. Ризаев Ш. Жадид драмаси. Т., «Шарқ», 1997.
244. Юдин М. Взятие Ак-мечети в 1853г. как начало завоевания Кокандского ханства. М., 1912.
245. Южаков Ю. Итоги двадцатисемилетнего управления нашего Туркестанским краем. СПб, 1891.
246. Юлдашев А. М. Аграрные отношения в Туркестане. Конец XIX — нач XX вв. Т., 1969.
247. Юсупов Ш. Фурқат йўлларида. Адабий мақолалар. Т., 1984.
248. Юсупов Ш. Худоёрхон ва Фурқат. Т., «Шарқ» нашриёт-матбаа кн-церна, 1995.
249. Юсупов Ш. Қозикалоннинг инсофи. «Миллий тикланиш», 1996 йил 26 март.
250. Юсупов Э.Ю., Лунин Б.В. Андижанское восстание 1898 года в советской исторической литературе. Общественные науки в Узбекистане. Т., 1987, №1.
251. Якунин А.Ф. Народы Средней Азии и Россия. М., 1954.
252. Яйфоний Маҳмуд Ҳаким. Тарих-и салотини Фарғона. Ҳўқанд, 1914.

II. Диссертациялар

253. Абдурахимова Н.А. Колониальная система власти в Туркестане (вторая половина XIX — начало XX вв.). Диссертация на соискание ученой степени доктора исторических наук. Т., 1994.
254. Аюбжанова М. Женский вопрос в Туркестане (1865—1917 гг.) Дисс. на соиск. уч. ст. канд. ист. наук. Т., 1964.
255. Бобобеков Х. Народные движения в Кокандском ханстве и их социально-экономические и политические предпосылки. Диссертация на соискание уч. ст. докт. ист. наук. Т., 1991.
256. Вохидов Ш. Аваз Муҳаммад Агтор Хуканди и его сочинение «Тарих-и джаханнама-йи» (Тухфат ат-Таварихи хани). Исследование перевод примечания. Дис. на соиск. уч. ст. канд. ист. наук. Т., 1990.
257. Воҳидов Ш. XIX—XX аср бошларида Қўқон хонлигида тарихнависликнинг ривожи. Докт. дисс. Тошкент, 1998.
258. Дворкина Е. Национально-колониальная политика самодержавия в первые годы царского владычества в Туркестане (1867—1881 гг.). Диссертация на соиск. уч. ст. канд. ист. наук. Т., 1943.
259. Зияева Д.Ҳ. Туркистонда миллий-озодлик ҳаракати XX аср тарихнавислигида (1916 йил қўзғолони ва 1918—1924 йиллардаги истиқлолчилик ҳаракатини ўрганиш муаммолари). Докт. дисс. Тошкент, 1999.
260. Касымбеков К.Ф. Социально-экономическое и политическое положение Ферганы в конце XIX и начале XX веков. Т., 1966.
261. Кененсариев Тошманбет. Политическое развитие Кыргызстана 50—70-е годы XIX века (қыргыз тилида). Доктор. дисс. Бишкек, 1998.
262. Муродова Ш. XX аср бошларида Туркистонда миллий-озодлик ҳара-

катлари тарихи (Самарқанд вилояти мисолида). Номзодлик диссертацияси. Т., 1999.

263. Содиқов Ҳ.Ж. XX аср бошларида хоризмнинг Туркистондаги мустамлакачилик сиёсати ва истиқлол учун кураш. Докт. дисс. Т., 1994.

264. Расулов Б.М. Ўзбекистондаги мусулмон мактаб ва мадрасалари тарихидан (XIX аср охири ва XX асрнинг 20-йиллари). Тарих фанлари номзоди ил. дар. учун ёзилган дисс. Андижон, 1996.

265. Хаиров А. Ташкентская городская дума в период трех революций. Дисс. на соис. уч ст. канд. ист. наук. Т., 1948.

266. Чориев З.У. XX аср бошида Туркистон ўлкасида мустамлакачилик сиёсати ва миллий зулмнинг кучайиши ҳамда унинг оқибатлари (мардикорлик-ка сафарбарлик мисолида). Докт. дисс. Тошкент, 1999.

III. Матбуот

«Тараққий» (1906), «Шуҳрат» (1907), «Хуршид», (1907), «Туркестанские ведомости» (1870—1917), «Русский Туркестан» (1905—1906), «Туркестанский курьер» (1910—1917), «Садои Туркистон» (1914—1915), «Садои Фарғона» (1914—1915), «Туркестанский край» (Коканд), «Туркестанское слово», «Туркестанский голос» (1916—1917), «Улуғ Туркистон» (1917), «Хуррият» (1917), «Свободный Самарқанд» (1917), «Наша газета», «Ўзбекистон овози», «Туркистон», «Халқ сўзи», «Ўзбекистон адабиёти ва санъати», «Туркистон», «Мулоқот», «Шарқ Юлдузи», «Фан ва турмуш», «Ўзбекистонда йжтимой фанлар», «Тафаккур», «Сирли олам», «Жамият ва бошқарув».

IV. Архив манбалари

Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат Архиви
1-жамғарма. Туркистон генерал-губернатори маҳкамаси
2-жамғарма. Генерал-губернатор дипломатик амалдори
3-жамғарма. Россиянинг Бухородаги сиёсий агентлиги
5-жамғарма. Зарафшон округи бошлиғи
17-жамғарма. Сирдарё вилоят бошқармаси
18-жамғарма. Самарқанд вилоят бошқармаси
19-жамғарма. Фарғона вилоят бошқармаси
717-жамғарма. Генерал-губернатор кенгаши
36-жамғарма. Тошкент шаҳар бошлиғи идораси
37-жамғарма. Тошкент шаҳар бошқармаси
718-жамғарма. Тошкент шаҳар думаси
461-жамғарма. Туркистон район муҳофаза бўлими
462-жамғарма. Тошкент рус қисми полиция бошқармаси
463-жамғарма. Тошкент эски шаҳар полиция бошқармаси
465-жамғарма. Скобелев шаҳар полиция бошқармаси
531-жамғарма. Жиззах шаҳар полиция пристави
590-жамғарма. Андижон шаҳар полиция пристави
129-жамғарма. Тошкент суд палатаси
133-жамғарма. Тошкент суд палатаси прокурори
131-жамғарма. Самарқанд округ суди прокурори
132-жамғарма. Тошкент округ суди прокурори
723-жамғарма. Туркистон ҳарбий округ суди
24-жамғарма. Сирдарё вилояти Тошкент тумани бошлиғи бошқармаси

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси

Ўзбекистон халқлари тарихи музейи

Илмий архив, мустамлака даври экспозицияси материаллари, моддий ёд-горликлар жамғармаси, илмий кутубхона.

МУҲДАРИЖА

«Ўзбекистоннинг янги тарихи» ҳақида икки оғиз сўз	3
<i>Кириш</i>	6

Биринчи б о б. Босқин арафасида ўзбек хонликларидаги ижтимоий-сиёсий вазият

1. Россиянинг хонликларга дастлабки тажовузкорона ҳаракатлари	27
2. Хонликларнинг геосиёсий ўрни, давлат бошқаруви ва ижтимоий ҳаёти	44
3. Россия ва Англиянинг Ўрта Осиё учун олиб борган ўзаро кураши	53

Иккинчи б о б. Ўрта Осиё хонликларининг чор Россияси томонидан истило этилиши

1. Эълон қилинмаган уруш... Қўқон	62
2. Эълон қилинмаган уруш... Бухоро	92
3. Эълон қилинмаган уруш... Хива	138
4. Вилоятга айлантирилган салтанат	146
5. Кўктепа мудофааси	179
6. Бадий адабиётда рус истилоси талқини	183
7. Мустамлака ҳукмронлигининг жорий этилиши	189

Учинчи б о б. Россиянинг Туркистонни иқтисодий ва маънавий тутқинликда тутиш сиёсати ва унинг оқибатлари

1. Аграр сиёсат	215
2. Туркистонда рус аҳолисини кўпайтириш бўйича кўрилган чоралар	221
3. Туркистоннинг хом ашё манбаи ва тайёр маҳсулотлар бозорига айлан-тирилиши	229
4. Мустамлакачилик даврида Туркистон аҳолиси. Ҳунармандчилик, са-ноат, ширкатлар ва тижорат	235
5. Чоризмнинг Туркистонда маориф, фан ва маданият соҳасидаги сиёса-ти. Жадиждларнинг маорифдаги мустамлакачиликка қарши фа-олияти	253
6. Туркистон халқлари сиёсий ва инсоний ҳуқуқларининг поймол эти-лиши	319
7. Солиқ ва мажбуриятлар. Меҳнаткаш халқ аҳолисининг оғирлаша бо-риши	334

Тўртинчи б о б. Миллий давлатчиликни тиклаш ва озодлик учун кураш. Жадиждчилик ҳаракати

1. XIX аср охирларидаги халқ ҳаракатлари	342
2. Тошкент кўзғолони .	348

3. Андижон кўзғолони	353
4. XX аср бошида Россия истибдодига қарши халқ кураши	382
5. Намоз Пиримқулов бошчилигидаги деҳқонлар исёни	392
6. Ўлкада махфий сиёсий полициянинг ташкил қилиниши	398
7. 1916 йилги миллий-озодлик кўзғолони. Жадидлар фаолияти	412
Хотима .	445
Фойдаланилган манба ва адабиётлар	450

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ХУЗУРИДАГИ
ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТ ҚУРИЛИШИ АКАДЕМИЯСИ
ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЯНГИ ТАРИХИ МАРКАЗИ

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЯНГИ ТАРИХИ

Биринчи китоб

ТУРКИСТОН ЧОР РОССИЯСИ МУСТАМЛАКАЧИЛИГИ ДАВРИДА

Т у з у в ч и л а р:

Ҳамдам Содиқов, Рустамбек Шамсутдинов,
Поён Равшанов, Қамариддин Усмонов

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни
Бош таҳририяти
Тошкент—2000

Муҳаррир *Ибодулла Шоймардонов*
Бадий муҳаррир *Михаил Самойлов*
Техник муҳаррир *Диана Габдрахманова*
Компьютер устаси *Огай Татьяна*
Мусаҳҳиҳ *Юлдуз Бизаатова*

Теришга берилди 27.12.99. Босишга рухсат этилди 10.02.2000. Бичими 60x90 $\frac{1}{16}$. Таймс гарнитураси. Офсет босма. Шартли босма табоғи 29,0. Нашриёт ҳисоб табоғи 31,0. Адади 10 000 дона. Буюртма № 5013. Баҳоси шартнома асосида.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси,
700083, Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41.

“Нега жаҳонга Аҳмад Фарғоний, Муҳаммад Хоразмий, Ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Имом Бухорий, Амир Темури, Улуғбек, Алишер Навоий, Бобур каби буюк елимларни берган бу милаат XVII-XIX асрларга келиб то шу чоққача эришган юксалиш даражаларидан тушиб кетди? Нега еъинги уч аср мобайнида бошимиз қолоқликдан чиқмай қолди? Ажабларимизнинг қаттиқ қаршиликига қарамай чор Россиясининг ўлкасини инсбатан осон забт этишида ана шу қолоқликнинг ҳам ўрни бўлмаганмикин?”

Ислам Каримов

